

7A305
P 99

796.8/575.1/00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА
СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЛВОНЛАР МИЛЛИЙ
ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ ЖАМИЯТИ

АХРОЛЖОН РЎЗИЕВ, НОСИРЖОН АЗИЗОВ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИДАН

ИЗ ИСТОРИИ УЗБЕКСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ БОРЬБЫ «БЕЛ ОЛИШ КУРАШ»

208581



O'zbekiston Davlat jismoniy tarbiya
instituti
«Fan va texnologiya» —
Ahborot Resurs Markazi

Муаллифлар ўзбек миллий курашининг тажрибали мутахассислари сифатида Бел олиш курашини асосли, ишонarli ва тўғри таҳлил этишган. Бу улкан асар жуда катта ва машаққатли изланишлар маҳсули бўлиб, муаллифлар муаммо ечимига яхлит илмий қарашлар асосида тўғри ёндашганлар. Улар ўз қарашларини аниқ, лўнда, кўпгина жонли мисоллар орқали илмий асослашга интилган ва ўз олдларига қўйган мақсадларига эришган.

Ушбу қўлланма спорт йўналишидаги умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, лицейлар, касб-хунар коллежлари, спорт мактаблари, олимпия захиралари, спорт коллежлари ўқувчилари, жисмоний тарбия олийгоҳи, Бел олиш кураш мураббийлари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир — **Ҳайдарбек Назирбекович Бобобеков**, тарих фанлари доктори, Лейбниц номидаги Европа табиий фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси

Илмий муҳаррир — **Аҳмадали Асқаров**, Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофотининг совриндори, тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: — **Раҳматулла Саломов**, педагогика фанлар доктори, ЎДЖТИ профессори;

Талъат Усмонхўжаев, педагогика фанлари доктори, профессор;

Каримжон Маҳкамжонов, педагогика фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ профессори;

Фахриддин Хўжаев, педагогика фанлари номзоди, профессор;

Анвар Акрамов, ЎДЖТИ Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти кафедраси доценти;

Низомий Керимов, педагогика фанлари номзоди, ЎДЖТИ доценти;

Омон Тоймуродов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, ЎДЖТИ Халқаро ва миллий кураш кафедраси доценти;

Бахтиёр Ҳайдаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий;

Маҳаммаджон Исмоилов, Толибжон Усмонов — Бағдод тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийлари;
Улуғбек Эшнев, Ширин шаҳар БЎСМ мураббийи.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказининг жисмоний тарбия ва ЧҚБТ (чақирикка қадар бошланғич тайёргарлик) йўналишидаги услубий-илмий Кенгашининг 2010 йил 12 мартдаги 1-сонли қарорига ҳамда Халқ Таълими Вазирлигининг “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий кенгаши таклифига асосан нашрга тавсия этилди.

1 БОБ. КИРИШ

Бел олиш кураш қадимий спорт тури бўлиб, у билан турли миллатлар шугулланган. Айниқса, туркий халқлар орасида, жумладан ўзбекларда унинг бир неча тури мавжуд бўлган. Аънаанага кўра, улар норасмий тур бўлиб, беллашувлар муддати чекланмаган, паҳлавонлар бир-бирларини йиқитгунларича давом этган. Ёзма манбаларда ўзбек миллий кураши тарихи ҳақида маълумотлар кам. Ҳозирги кунгача ўзбек миллий курашининг кураги ерга тегмаган пири устозлари сифатида хоразмлик паҳлавон Маҳмуд Пурёйвалий ва бошқа бир неча паҳлавонларни тилга олиш билан чекланиб келдик. Қадимги ва илк ўрта асрлар кураш тарихига оид ёзма манбалар турли сабабларга кўра бизгача етиб келмаган. Шулолар даврида Ўрта Осиё курашлари марказнинг курсатмаси билан бўлиб юборилди. Натижада қайта чегараланиш баҳонаси билан бир-бирига қўшни республикалар турли кураш қоидалари асосида курашадиган бўлди. Натижада мавжуд кураш қоидалари ҳақидаги қўлёзмалар кераксизга чиқарилди. Бу ҳам етмагандек, қатағон йилларида эски ўзбек имлосида ёзилган паҳлавонлар ҳақидаги қўлёзмалар йўқ қилинди. Мустақиллик шарофати билан ўзбек миллий кураш турлари илмий тадқиқотлар асосида ўрганила бошланди.

Ушбу китоб муаллифларнинг бу соҳадаги илк уринишлари эканлигини ҳисобга олиб, унда йўл қўйилган айрим камчиликлар учун китобхонлардан узр сўрайдилар. Шу билан бирга, китоб юзасидан билдириладиган фикр-мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиладилар.

Биз ушбу қўлланма орқали аждоқларимиздан ҳозиргача етиб келган бир қанча бел олиш кураш турлари ҳақида сўз юритамиз. Шу билан бирга, шу кураш тури бўйича паҳлавонлар ҳамда кураш ҳадиси илми ҳақида маълумотлар беришга ҳаракат қиламиз. Ушбу қўлланма Бел олиш кураш турлари тарихини ҳамда унинг амалларини мукамал эгаллаш ва ривожлантиришга хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Ушбу иш уз характериға кура тарихий-этнографик қўлланма рукнида ёзилган асар бўлиб, у ўзбек миллий бел олиш кураш тарихига оид чизма, фото, схема ва жадваллар билан безатилган. Муаллифлар томонидан тарихий ва археологик манбалар, этнографик ва уларнинг бевосита кузатувлари билан боғлиқ жуда катта ҳажмдаги материаллар тупланган. Муаллифлар ўзбек миллий курашининг тажрибали мутахассислари сифатида бел олиш курашини асосли, ишонарли ва тўғри таҳлил эта олганлари диққатга сазовордир.

«Бел олиш кураш» тарихи, унинг мазмун ва туб моҳиятини очиш ҳамда унинг тақдири билан боғлиқ муаммоли масалаларни қамраб олган бу асар жуда катта ва машаққатли изланишлар муҳсули бўлиб, муаллифлар муаммо ечимига комплекс илмий қарашлар асосида тўғри ёндашганлар. Муаллифлар бу масалада жуда катта илмий изланишлар олиб бориб, китобхонлар оммаси эътиборига ўзлгимиз тарихий илдизларидан келиб чиқиб, ўз қарашларини аниқ, лўнда, кўп сонли жонли мисолларда илмий асослаганлар ва ўз олдиларига қўйган мақсад ҳамда вазифаларни муваффақиятли уйдалаганлар. Ишда муаллифларнинг ўз касбининг билимдони сифатида миллатга, унинг ибратли аънааларига бўлган муносабатлари ёрқин ифодасини топган. Ишнинг якуний хулосалари, таклифлар ва уларнинг амалий ечими тўғрисидаги муаллифларнинг маслаҳатлари аниқ мақсадга йўналтирилгани билан таҳсинга лойиқдир.

Аҳмадали Асқаров — Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофотининг совриндори, тарих фанлари доктори, профессор.

Эртак ва дostonлар мазмуниға қаралса, кураш тарихи 5 минг йилдан ортганини кўрамиз.

Муаллифлар ушбу китобда Бел олиш курашининг тарихи, унинг ҳозирги ҳолатини жуда чуқур урганган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишган. Ушбу мавзудаги китобнинг биринчи марта чоп этилиши спорт оламида муҳим ҳисобланади, чунки шу соҳага оид масалани кенг жамоатчилик эътиборига олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Муаллифларнинг бу соҳага оид муаммолар ва зиддиятлар юзасидан берган таклифлари таҳсинга сазовордир.

Менинг фикримча, китобнинг яна бир афзал томони шундаки муаллифлар бел олиш курашининг амалиётини ҳам ишлаб чиқиб, курашчилар сир сақлаб юрадиган кўплаб амалларни очиб беришган. Бу эса, Ўзбекистонда бел олиш курашининг кенг ёйилишиға ва мухлисларнинг кўпайишиға олиб келади. Бу, албатта, илғор фикрлаш ва бу соҳаға фидоийлик намунасидир. Шулардан келиб чиқиб, бу китобни қимматли ва зарур қўлланма асар деб ҳисоблайман.

Ҳайдарбек Бобобеков — Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институтининг директори, тарих фанлари доктори, Лейбниц номидаги Европа табиий фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси (академиги), «Нури Хужанд» (Тожикистон) номли Марказий Осиё халқ академиясининг академиги.



1-расм. Академик А. Асқаровнинг тадқиқотларига кўра, археологик илмий қузатувлар, қидирувлар натижасида аниқланган кўплаб ашёвий далиллар ўзбек курашлари бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиши билан бирга, бир қанча турлардан иборат эканлигини исботлайди. Сурхон, Зарафшон воҳалари ҳамда Фарғона водийсининг бир қатор қадимий аҳоли манзилгоҳларида аниқланган ноёб топилмалар, осори атиқалар, қояларга чизилган тасвирий санъат намуналари ҳам бунга тўлиқ шохидлик беради. Ушбу сурат Суғдиёнадан топилган (милоднинг VII асрига оид). Тасвирдаги ҳолат «Кучоқлаш»

амали бўлиб, бу амал ҳозиргача мавжуд. Ушбу амал ҳозирги «Кураш» ва «Бел олиш кураш» турларида мавжуд.

* * *



2-расм. Қадимги аجدодларимиз Сак-скиф қабилаларининг маънавий ҳаётини, жумладан уларнинг сеvimли машғулоти бўлган миллий курашимизни акс эттирувчи бронзадан ишланган отнинг икки тўқаси бўлиб, у бўртма усулда ишланган ҳамда бир хил композицион сюжетга асосланган (милоддан аввалги V асрга оид.) Ушбу суратда икки йўналишдаги спорт тури билан шуғулланувчиларнинг учрашуви тасвирланган. Амалларнинг бажарилиши Бел олиш кураш турига ўхшаш.

* * *



3-расм. Бу тасвирдаги кумуш чўмич бўлиб, унинг гардишининг сиртига икки паҳлавоннинг миллий курашимизга хос олишаётган ҳолати тасвирланган. Чўмич гардишининг айланаси бўйлаб ўйиб ишланган суратлар манзараси олтига композицион сюжетга эга (бу милодий V асрга оид).



4-расм. Академик А. Асқаровнинг тадқиқотларига оид дастали кумуш қадаҳча. Унга жимжимадор қилиб, чеканка услубида нақш берилган. Кумуш қадаҳ дастаси сиртида икки паҳлавоннинг беллашаётгани тасвирланган. Амалларнинг бажарилишича, паҳлавонларнинг бири иккинчисининг бошини пастга босиш, иккинчи паҳлавон эса ўнг қўли билан рақибининг чап оёғи болдиридан кўтармоқчи бўлган ҳолат тасвирланган. Кўриниб турибдики, А.Асқаровнинг тадқиқоти бўйича бу олишув «эркин кураш» турини эслатади.

Мустамлака тақозоси билан йўқотилган аجدодлар миллий-маданий меросини қадимий манбалардан қидириб топиш, уларни сақлаш, урганиш, муҳофаза этиш авлодларнинг муқаддас бурчидир.

II БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТУРИ — ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИНИНГ АСОСИ

Собиқ иттифоқ даврида миллий-маданий меросимизнинг бир бўлаги бўлган миллий курашларимиз ва уларни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмади.

Аксинча, уни авайлаб-асраш ўрнига, режа асосида кўзланган мақсадлар йўлида фойдаланиб келинди. Натижада, бир неча асрлардан бери мавжуд бўлган миллий кураш турлари қисқартирилиб, ҳозирда улар икки турга олиб келинди.

Ўша даврдаги аҳвол шу даражада бўлганки, миллий курашимизга юқоридан берилган кўрсатмалар асосида муносабатда бўлинди. Шу сабабдан ҳам бу соҳа мутахассислари ўз изланишларида миллий курашларга бир тарафлама ёндашганлар.

Ўз вақтида миллий кураш турларига бундай муносабатларга нисбатан паҳлавонлар ўртасидаги эътирозларга эътибор берилмаган. Миллий курашларимиз қоидаларини ишлаб чиқишда ҳам уларга бошқа кураш қоидалари тадбиқ этилди. Натижада улар аста-секинлик билан миллийликдан узоқлаша борди.

Бироқ, ўша давр талабига кўра нафақат ўзбек миллий курашлари, балки бошқа миллатлар кураш турлари ҳам „ягона оила“ сиёсатига мослаб ривожлантирилди.

Ушбу қўлланмада биз ўзбек халқининг қадимий миллий кураш турлари ва номлари ҳамда уларнинг амаллари, қоидалари ҳақида ўз тадқиқотларимизга асосланиб маълумот беришни лозим топдик.

Агар манбаларга диққат билан эътибор берилса, собиқ иттифоқ даврида кураш ҳақидаги қарашлар бир хил бўлганлигини кўриш мумкин. Шуниси ажабланарлики, уларда ўзбеклар курашининг икки тури бўлган, деган фикр олға сурилган.



1-расм.

Абу Али ибн Сино
(980—1037)

Жаҳон фани, хусусан табобат илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино Ўрта Осиёдан етишиб чиққан ватандош алломаларимиздан бири сифатида ўзининг „Тиб қонунлари“ китобида бир неча ўзбек миллий кураш турларини айтиб ўтган (1-расм.). Аммо совет даври курашчи мутахассислар, Ибн Синонинг ёзишича, 1000 йил илгари икки хил кураш тури бўлган, деб изоҳлар беришади. Буюк олимнинг курашлар ҳақидаги таҳлилига бундай қараш нотўғри.

Келинг, шу ўринда Абу Али Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобига мурожаат қилайлик.

Ушбу асар биринчи томнинг 92—95- саҳифаларида кураш турлари ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган. Жумладан, унда кураш амаллари ҳақида шундай дейилади:

„Икки курашувчининг ҳар бири ўз рақибининг белбоғидан ушлаб ўзига тортади, шу билан бирга курашувчи ўз рақибидан қутулишнинг чорасини қилади. Иккинчиси эса уни қўйиб юбормасликка ҳаракат қилади.

Бошқа тури: икки курашувчидан бири иккала қўли билан иккинчисини маҳкам кучоқлаб ўзига тортади ва ерга ағдаради, бу вақтда биринчи курашувчининг ўнг қўли рақибининг қўлтиғи остидан ўтиши керак, (курашувчилар) гоҳ қадрларини тиклаб, гоҳ эгиладилар.

Кураш турларида кўкрак билан зарбани қайтариш, иккинчи бир кишининг бўйнидан ушлаб пастга эгиш, бир-бировининг оёқларини чалкаштириб, чалиб ёки бири оёқлари билан иккинчисининг оёқларини йириб қилинадиган ва полвонлар ишлатадиган ҳаракатлар.“¹

Булардан маълум бўладики, Ибн Сино икки кураш тури тўғрисида эмас, бир неча кураш турлари тўғрисида гапириб ўтади.

Ана шу кураш турларининг турли амалларини аниқлаш учун олимнинг ижодий ҳаёт йўли билан танишиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, Абу Али ибн Сино 370-ҳижрий йили сафар ойининг бошида (яъни 980 йил август ойининг иккинчи ярмида) Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида дунёга келади. У беш ёшга киргач, ибн Синолар оиласи пойтахт Бухорога кўчиб келади ва уни ўқишга берадилар. Ибн Сино аввал Қуръони Каримдан сабоқ олади, тил ва адабиёт фанларини ўрганади ва ўн ёшга етар-етмас уларни тўлиқ ўзлаштириб олади. Айни вақтда у мантиқ, ҳисоб, алжабр, ҳандаса ва фалакиёт билан ҳам шуғулланади. Шу билан бирга, ибн Сино тиббий фанларни, хусусан табобатни севиб ўрганади. Ибн Сино ўн етти ёшидаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида донг таратади. Ўша кезларда Сомонийлар давлатининг ҳукмдори Нуҳ ибн Мансур бетоб бўлиб, сарой табиблари уни даволашдан ожиз эдилар. Ибн Синони амирни даволашга таклиф қиладилар ва унинг назоратида даволанган бемор тез фурсатда оёққа туради. Бунинг эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Ўша вақтда бу кутубхона бутун Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан саналарди. Ибн Синонинг билим доираси шу даражада кенг эдики, бу қадар билимга эга бўлган бошқа бир кишини топиш мушкул эди.

999-йили қорахонийлар Бухорони забт этиб, Сомонийлар давлатини йиқитадилар. Бундан ташқари, айрим феодал ҳукмдорлари орасидаги ўзаро урушлар ҳамон тинмай давом этар ва бу воқеалар Бухорода илмий ишларни тинч ва хотиржам давом эттиришга ҳеч қандай шароит қолдирмаган эди. Бунинг устига, 1002 йили Ибн Синонинг отаси вафот

¹ Ибн Сино. "Тиб қонунлари" 1-китоб, 93-бет. Т., Абдулла Қодирий номидаги "Мерос" нашриёти, 1994 йил.

этади. Оқибатда ибн Сино Бухорони тарк этиб, Хоразм (Ургенч)га кетади. Хоразм ҳам Ўрта Осиёнинг қадимий бой ва маданий вилоятларидан бири бўлиб, XI асрнинг бошларида у ерда илм ва фан анча ривожланган эди. Бу ерда бир неча йил яшаган Ибн Сино Султон Маҳмуднинг (998—1030) Хоразм ерларини эгаллаш учун юришларидан хабар топади. Унга тобе бўлишни истамаган Ибн Сино тахминан 1010—1011 йилларда Хоразмдан махфий равишда чиқиб, Хуросон томон йўл олади ва Каспий денгизининг шарқий-жанубида жойлашган Гургон амирлигига келади. Бу ерда Абу Убайд Жузжоний билан танишади, шундан бошлаб у Ибн Синога энг яқин ва содиқ шогирд бўлиб қолади ва устозининг охириги нафасигача ундан ажралмайди.

Кўп ўтмай Ибн Сино Гургонда ўзининг илмий ишлари ва табиблик фаолиятини бошлаб юборади. Табобатга оид машҳур асари «Китоб ал-қонун фи-т-тибб» («Тиб қонунлари») нинг 1- китобини ва бошқа асарларини ёзишга киришади. 1014 йили Ибн Сино Гургонни ҳам тарк этади ва бир қанча муддат Рай ҳамда Қазвин шаҳарларида яшагандан кейин Ҳамадонга келади ва бувахийлар ҳукмдори Шамс уд-Давла (997— 1021) хизматига киради — аввал сарой табиби бўлиб ишлайди, сўнгра вазирлик мансабига кўтарилади.

Юқорида номи зикр этилган Жузжонийнинг ёзишича, ибн Сино жисмоний жиҳатдан ҳам жуда бақувват киши бўлган. Бироқ шаҳарма-шаҳар дарбадарликда юриш, тунлари ухламасдан узлуксиз ишлаш ва бир неча бор таъқиб остига олиниб, ҳатто ҳибсда ётиш олимнинг саломатлигига таъсир этмай қолмади.

У 428- ҳижрий йилнинг рамазон ойида (1037 йилнинг июнида) 57 ёшида Ҳамадонда вафот этади. Унинг қабри ҳозиргача сақланиб қолган.¹

Шундай қилиб, Ибн Сино ўзининг 22 йил умрини Бухорода ўтказган. Тахминан 8—9 йил Хоразмда яшаб, тахминан 27 йил умрини Эроннинг Хуросан, Гургон, Рай, Қазвин ва Ҳамадон шаҳарларида ўтказди.

Ибн Сино яшаган Ўрта Осиё шаҳарлари ва Эроннинг бир қанча шаҳарларида мавжуд бўлган қадимий миллий кураш турларига эътибор берадиган бўлсак, Ибн Сино нафақат Ўрта Осиё курашларини, балки Эроннинг бир қанча кураш турларини таҳлил қилган олим дейиш мумкин. Энди кураш турларининг таҳлиliga эътибор берамиз:

„Икки курашувчининг ҳар бири рақибини белбоғидан ушлаб ўзига тортади, шу билан бирга курашувчи ўз рақибидан қутулишнинг чорасини кўради. Иккинчиси уни қўйиб юбормасликка ҳаракат қилади.“

Бу таҳлилда Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда қадимдан мавжуд бўлган бир қанча йўналишларни ўзида мужассамлаштирган кураш ҳамда Бел олиш курашининг бир неча турлари ҳақида баён қилинган.

¹ Ибн Сино. "Тиб қонунлари" 1-китоб, 3—5-бетлар. А. Қодирий номидаги "Мерос" нашриёти, Тошкент, 1994 йил.

Унинг қоидасига кўра, икки курашувчининг ҳар бири рақибини белбоғидан ушлаб ўзига тортади.

Бунда бел олиш курашларида рақиблар бир-бирининг белидаги белбоғларидан амалларни бажариш учун тортиш ҳолати баён қилинган.

Шу билан бирга, курашувчи ўз рақибидан қутулишнинг чорасини кўради. Иккинчиси эса уни қўйиб юбормасликка ҳаракат қилади. Бу ҳолатда биринчи курашувчи ўз рақибидан қутулиш учун унинг белбоғидан бир қўлини қўйиб юборади ва шу ҳолатда амал бажармоқчи бўлади. Ўз навбатида, унинг рақибни ҳам белбоғни қўйиб юбормасдан амал бажармоқчи бўлган ҳолат деб қараш мумкин. Икки курашувчи ўртасидаги бир-бирини йиқитиш учун қилинаётган ҳаракатда рақибдан қутулиш учун белдаги белбоғдан фақат бир қўлни қўйиб юбориб амал бажариш мумкин бўлади деб тушуниш лозим. Агар рақибнинг белидаги белбоғни қўйиб юборилмаганда, қутулиш учун деган сўз ишлатилмаган бўлар эди. Аксинча, унинг рақибни ҳам ўз навбатида уни йиқитиш учун белбоғни қўйиб юбормай амал бажармоқчи деб тушуниш мумкин. Бу таҳлилларда олим курашнинг бошланиш ҳолатини эмас, айтиш пайтида бир-бирини йиқитиш учун жисмоний куч ишлатаётган ҳолатни таърифлаган деб тушуниш лозим. Бугунги жаҳон саҳнасида чиққан ўзбек курашининг қадимий қоидасида ҳамда бугунги Марказий Осиё давлатларида сақланиб қолган бел олиш кураш турларининг бирида шундай ҳолатлар мавжуд бўлган.

Бошқа кураш турида эса икки курашувчидан бири иккала қўли билан рақибини маҳкам кучоқлаб ўзига тортади ва ерга ағдаради, бу вақтда биринчи курашувчининг ўнг қўли рақибининг қўлтиғи остидан ўтиши керак. Бу амал дунё саҳнасида чиққан курашда ҳамда бел олиш курашларининг чалиш ҳолатида ҳам бажарилади. Курашувчилар гоҳ қаддиларини тиклаб, гоҳ эгиладилар. Курашнинг бундай ҳолатини Эроннинг қадимий миллий курашларидан ҳисобланган Фаранг кураши (юнон-рум)даги амал деб ҳам айтиш мумкин. Амални бажаришда гавданинг тик ёки эгик ҳолати аниқ-равшан таҳлил қилинган деб айтиш мумкин. Ана шундай кураш тури Ибн Сино яшаган Эрон шаҳарларида ўша даврдан олдин ҳам мавжуд бўлган ва ҳозиргача мавжуд.

Кураш турларидан бири бўлган кўкрак билан зарбани қайтариш асли муштлашувнинг бир турига хосдир. Худди шунга ўхшаш жанг санъати Бухорода 1935 йилгача мавжуд бўлган. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз.

Иккинчи бир кишининг бўйнидан ушлаб пастга эгиш, бир-бировининг оёқларини чалкаштириб, чалиб ёки оёқлари билан рақибининг оёқларини йириб бажариладиган амаллар полвонлар ишлатадиган ҳаракатлардир.

Курашдаги бўйиндан ушлаб пастга эгиш Эроннинг қадимий „кушти озод“ кураши амали бўлиб, бу кураш тури ҳозиргача мавжуд. У ҳозирги замонавий эркин курашнинг айнан ўзидир.

Бир-бировининг оёқларини йириб қилинадиган ҳаракатлар таҳлили.

Эроннинг қадимий курашларидан бўлган «кушти Чухе» курашида шу амал қўлланилади. Бу кураш тури Хуросон вилоятида ҳозир ҳам оммалашган. Қадимий Хуросон миллий «Чухе» курашидаги оёқлар ҳаракатининг ўзбек курашида мавжудлигини табиий ҳол деб қараш мумкин.

Абу Али Ибн Сино нафақат Ўрта Осиё курашларини, балки замонавий олимпия ўйинларига кирган юнон-рум кураши ва эркин курашларни аниқ-равшан таҳлил қилган олим деб айтиш мумкин. Собиқ иттифоқ даврида курашларни таҳлил қилишда кўплаб янглиш-мовчиликлар ҳам келиб чиқди. Бошқа курашларга тақлид қилиш оқибатида миллий курашимизга нотўғри ёндашувлар юзага келди. Хусусан, паҳлавон Маҳмуд Пурёйвалий ҳақида ҳам нотўғри маълумотлар йиғилди. 1986 йили тасодифан бир гуруҳ ноширлар суҳбатидан



2-расм. Паҳлавон Маҳмуд Пурёйвалийнинг собиқ иттифоқ даврида чизилган расми.

бахраманд бўлгандим. Улардан бири қўлимдаги «Ўзбек полвонлари» китобига кўзи тушиб сўраб олди-да, уни варақлай туриб: «Бу китобнинг муаллифи ким?», деб сўради. Китобнинг муаллифи Миллий кураш федерацияси президенти Тухфат Одилов эканлигини айтдим. Шунда у киши ҳамкасбларига: «Манавини қаранглар, Паҳлавон Маҳмудни яланғоч ҳолатда тасвирлашибди. Паҳлавон Маҳмуд Пурёйвалий файласуф олим, машҳур шоир бўлиб, ажойиб рубоийлар ёзган (2-расм.). Бундан ташқари машҳур паҳлавон бўлган. Мен ўзим туғилиб ўсган Хоразмнинг тарихини яхши биламан. Қадимдан паҳлавонлар яланғоч кураш тушмаган. Улар узун чопон, ҳатто энги калта чопоннинг ичидан ҳам энги узун яхтак кийинган...», деди.

Бу гапларни айтган шоир, педагогика фанлари доктори, профессор Сафо Очил билан кейинчалик ҳам кўп суҳбатлашганмиз. Сафо ака яна бир гал: «Отага айтинг (Т. Одиловни назарда тутмоқда), Паҳлавон Маҳмуднинг бу суратидан зинҳор бошқа фойдаланмасин», деди.

Мен бу ҳақда ётиғи билан устоз Тухфат акага айтганимда, у киши: «Ростини айтсам, шу сурат орқасидан кўпчиликдан таъналар эшитдим, ҳатто рус зиёлилари ҳам мени койиган», деган эдилар. Ўзбекларда қадимдан кураш кийимлари, қонун-қоидалари бўлган. Собиқ советлар ҳукмронлиги даврида кураш тарихи яхши ўрганилмаган. Тилимизни, урф-одатимизни менсимаслик оқибатида шундай хато-ларга йўл қўйилган. Паҳлавон Маҳмуд мўғуллар ҳукмронлиги даврида, яъни (1247—1326 йилларда) яшаган.

Венгер ёзувчиси Л. Куннинг «Умумжисмоний тарбия маданияти ва спорти» китобида X асрда мусулмонлар истилоси ва уларнинг ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда спорт ўйинлари ҳар томонлама

ривожланганлиги, шунингдек, бел олиш кураш тури, от спорти ҳамда камондан отиш каби спорт турлари анча тараққий этганлиги қайд этилади. Ана шу даврларда ҳукмронликни ўз қўлига олган Маҳмуд Ғазнавийга қарам бўлган ҳудуд Шимолий Ҳиндистон чегараларидан то Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача бўлган ерларни, ҳозирги Афғонистон ва Шимолий-шарқий Эронни ўз ичига олган давлатни ташкил қиларди¹.

Ана шу даврда Ўрта Осиёда бел олиш курашининг ривожланганлиги бир қанча манбаларда баён қилинади. Хоразм ўша даврларда Ўрта Осиёнинг бой ва маданий марказларидан бири эди. Ғазнавийлар ҳукмдори Султон Маҳмуд Хоразм ерларини ўз давлатига қўшиб олишга ҳаракат қилганлиги ҳақида аввал ҳам айтиб ўтган эдик.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида тарихимизга, буюк аждодларимиз ижодига нотўғри баҳо бериб келинган. Шулар қаторида Паҳлавон Маҳмуд ижоди ҳам бир томонлама ўрганилди. Оқибатда, ўзбекларнинг қадрияти, маданиятига тамомила зид бўлган яланғоч ҳолатда кураш тушиш Паҳлавон Маҳмуд сиймосида акс эттирилди.

Албатта, машҳур файласуф олим, инсонпарвар шоир, дин назарияси — фикҳ, фалсафа ва мантиққа доир бир неча рисоалар ёзган Паҳлавон Маҳмуд Пурёйвалийнинг яланғоч ҳолатдаги суратини чизган рассомга ўша даврдаёқ таъна тошлари ёғилган. Аммо Ўзбекистон халқ рассоми Тура Қурёзовнинг Паҳлавон Маҳмуднинг қиёфаси ҳақиқатга яқин чизилган сурати эътиборсиз қолиб кетди. Тура Қурёзов билан суҳбатлашганимизда, у киши шундай деган эди:

«Узоқ йиллар халқимиз тарихини, кийиниш маданиятини, урф-одатларини ўргандим. Ўша 1980 йилларда оддий бир шифокор, Хива музейи директори, самбочи Отаназар Абдуллаевга ўз эътирозимни билдирганман ҳамда Паҳлавон Маҳмуднинг ўзбекона кураш кийимидаги портретини чиздим».

Кимларгадир арзимас бўлиб кўринган бу хато миллий қадрияти-мизга ўз таъсирини кўрсатади, албатта (3-расм.).

Халқимизда «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган нақл бор. Кураш тарихини тўла ўрганмай туриб, Паҳлавон Маҳмуднинг портретини мўғул, ҳозирги монгол курашчисига ёки русларнинг Иван Поддубнийсига ўхшатиб чизган мусаввирларнинг асарларини қўллаб-қувватловчилар, афсуски, бугун ҳам топилади.

Ҳиндистонда бир қанча кураш турлари мавжуд бўлганлиги қадимий манбаларда баён этилган. Жумладан, «Маҳобҳорат»да бир қанча кураш турлари эслатилади. Ж. Неру ҳар бир этник гуруҳнинг ўз кураш турлари бўлганлигини айтиб, Осиё халқларининг кураш турини „кушти“ варианты деб таърифлайди. «Маҳобҳорат» китобида ёзилишича, Кушти Манипурада оммалашган кураш тури бўлиб, Мукха деб

¹ Т.С.Саидкулов. «Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар». Т., «Ўқитувчи», 1993, 32-бет.



3-расм. XIX аср охирида хоразмликларнинг кийиниш маданияти. Туркистон албомидан. Ўзбекистон давлат архиви.

аталади. Бунда паҳлавонлар бир-бирининг белбоғидан ушлаб ва шу ҳолатни ўзгартирмай бошқа амалларни бажарадилар.

Бунда кўпроқ оёқлар ҳаракатда бўлади. Рақибини йиқитган курашчи ғолиб ҳисобланади.¹

Афғон шоири Дақиқий Балхийнинг ёзишича, белбоғ муқаддас бўлиб, ҳар бир эркак белига белбоғ боғлаб курашган. Биз сўз юритаётган Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистонда курашнинг чалиш йўналишида курашган, амалларнинг бажарилиши эса бел орқали амалга оширилган. Бел олиш кураш бир қанча йўналишларни ўзида мужассам этган кураш турининг бир бўлагидир. Ўша даврларда ҳам, ундан олдин ҳам аждодларимиз эғнида яқтак, чопон, белига белбоғ боғлаб курашганлар. Курашимизнинг дунё курашларидан фарқи шундаки, амалларни бажариш таянч нуқтаси бўлган бел орқали амалга оширилган. Бу анчайин мураккаб амалдир.

Тарихдан маълумки, Хоразмда ерли халқ билан бирга туркманлар ҳам яшаганлар. Улар Ўрта Осиёда яшовчи халқлар ичида ўз миллий урф-одатлари, қадриятлари, анъаналарига ўта содиқ бўлган. Уларнинг кураши қадимий Хоразм кураш турларининг биридир. Лекин туркманлар ҳам ҳеч қачон яланғоч курашмаганлар. Манбаларни ўрганиш ва уларга аниқлик киритиш мақсадида бир неча мартаба Эроннинг

¹ «Анъанавий кураш амалларининг илдизлари». 2000 йил, Лозанна.

Туркменистон билан туташ бўлган Гулистон вилоятида бўлдиқ. Гулистон вилоятининг пойтахти — Гургон. Гулистон вилояти бир вақтлар Хоразмшоҳга тобе бўлган. Пойтахти олдин Астробод деб юритилиб, ҳозирда яна Гургон деб аталмоқда. Кураш тарихини ўрганишимизда бу вилоятнинг аҳамияти каттадир. Эронда бир қанча кураш турлари мавжуд, уларнинг Чухе, Озод кураш, Фаранг кураш, Қўшоқли гуреш деб номланувчи ва бир қанча миллий кураш турлари мавжуд. Муҳим томони шундаки, Хоразмга яқин ва қўшни Гулистон вилоятининг пойтахти Астрободда бобокалонимиз Алишер Навоий ҳоким бўлганлар. Гулистонда ҳам, ўша даврда унга қўшни Хоразмда ҳам кураш амалиётида ҳеч қачон кийимсиз курашилмаган. Доимо чопон, унинг ичидан яқтак кийилиб, белга белбоғ боғлаб курашилган.

Эронда оз бўлса-да ўзбеклар истиқомат қилар экан. Ана шу ерда, яъни Гулистон вилоятининг Куммат шаҳрида истиқомат қилувчи кекса ёшли ватандошимизнинг айтишича, бобокалонимиз Алишер Навоий замонидан қолган бел олиш кураш ҳозиргача ўз қонунқоидасини йўқотмаган экан. Қоида бўйича чопон кийилиб, белбоғдан ушлаб қўлни қўйиб юбормай чалиш амали билан курашилар экан. Худонинг қароматини қарангки, юртбошимизнинг миллий спорт турларига катта эътибори туфайли 2002 йилда Эронга бориш насиб этди. Мақсадимиз Ўзбекистонда яратилган бел олиш кураш қоидасини уларга таништириш эди. Эрон ҳукумати спорт мутасаддилари бел олиш курашини расмий спорт тури деб тан олдилар. Энг аҳамиятли жиҳати — бел олиш иборасининг маъносини спорт мутасаддилари тўла тушуниб етмаган бўлса-да, ўша ерда истиқомат қилувчи кекса ўзбеклар қувониб кетишди. Улар буни ўзбекларга худонинг марҳамати деб билишди.

2003—2004 йиллар Хитойда бўлганимда асли хоразмлик Мўмин оға билан суҳбатлашишга тўғри келди. У кишининг айтишича, бобоси асли хоразмлик катта савдогар Собир оға Хитойда қолиб кетган. Мўмин оға ўзбек кураши тўғрисида гап кетганда, Хоразм курашида ҳам яқтак, чопон кийиб, белга белбоғ боғлаб курашилганлигини айтиб, кураш турларини амалда кўрсата кетди. Биринчи турда белбоғдан ушламай, ташланиш орқали чопондан ёки ёқадан ушлаб ўзига тортиб, бир ёки икки қўл билан белдаги белбоғни ушлаб амал бажаришни, иккинчи турда белбоғдан ушлаб чалиш орқали амаллар бажаришни, учинчи турда эса икки қўл билан белбоғдан ушлаб, сўнг бир қўлни қўйиб юбориш орқали амал бажаришни кўрсатиб берди. Камина шу кураш амалларининг бажарилишини кўриб, бел олиш курашининг бир неча тури мавжудлигини фаҳмладим. Энг қизиғи, Мўмин оға ана шу кураш турларининг ҳаммасида белдан қучоқлаб кўтариб ташлаш амали ўзбекларнинг азалий амаллари эканлигини таъкидлади. Бу ҳолатда ўнг ёки чап қўл билан белбоғдан ушламасдан ёки умуман белбоғдан ушламай, қўл билан ушлаб қучоқлаб кўтариш биз учун янгиликдай туюлди. Суҳбатимиз сўнгида Мўмин оға кураш номларига тўхталар экан бобосидан уққанларини айта кетди. Унинг айтишича, олдиндан белбоғ ушланмай ташланиш бу кураш эмиш. Белбоғдан ушлаб тортиб курашишларнинг барчаси бел олиш кураш



4-расм. Ҳозирги кунга қадар давом этиб келаётган Бел олиш кураш мусобақаларидан лавҳалар. Хитой. Қашқар шаҳри. 2002 йил.

экан. Мўмин оға билан хайрлашар эканман, у бел олиш кураш ҳақидаги журналини совға қилди (4-расм).

2005 йили Вильнюс шаҳрида бўлиб ўтган симпозиумда бел олиш кураш тарихидан маъруза қилишимга тўғри келди. Шунда Грузия «Чидабоба» Миллий кураш федерацияси бош котиби Юрий Имерлишвили жаноблари билан учрашдим. У киши: «Бизнинг «Чидабоба» курашида ҳам ўзбек курашига ўхшаш томонлар бор. «Чидабоба» курашида ҳам ўзбекларга ўхшаб узун ятак, чопон кийиб, белга белбоғ боғлаб курашилади», деди (ҳозиргиси эса такомиллашган тури экан). Грузияда, шу билан бирга, бел олиш курашининг «Сванская борьба», «Либргиел» турлари ҳам борлигини айтди. Уларни қизиқтирган нарса, ана шу кураш турларининг Грузияга қандай кириб келганлиги экан (5-расм).

Маълумки, Ўрта Осиё халқларининг Волгабўйи халқлари билан ўзаро алоқаси бир неча юз йилларни ўз ичига олади. Чунончи, хоразмликлар VI асрнинг охирида Волганинг куйи оқимида вужудга келган Хазар подшоҳлигида ўз мавқеларига эга бўлганлар. Улар 712 ва 730 йилларда Хазар қўшинларининг қўмондонлигини қўлга киритиб, подшоҳликда муҳим мавқени эгаллаганлар. Ҳатто Хазар подшоҳлиги хоразмликларнинг динини давлат дини сифатида қабул қилган, деган тахминлар ҳам бор. VIII асрнинг ўрталарига келиб хоразмликларнинг мавқеи шу даражада кучайган эдики,



5-расм. Грузиянинг «Сванская борьба», «Либргиел» деб номланувчи Бел олиш кураш тури. (Ушбу сурат 1975 йилда Тбилиси шаҳрида муаллиф В. Элошвили томонидан нашр эттирилган «Грузинская борьба» китобидан олинди.)

пировардида Хазар подшоҳлиги билан Хоразм сиёсий жиҳатдан бирлашиб, Қрим ва Азов бўйидан Хоразмгача бўлган ерларни ўз ичига олувчи катта империяни ташкил этган. Жумладан, 764 йили хоразмлик Растархон (Астрахон) бошчилигидаги Хазар қўшинлари Тбилисини босиб олганлиги маълум. Ўша пайтда хоразмликларнинг бел олиш кураш спорт тури Грузия ҳудудларига ҳам кириб борган.

Академик В.Бартольднинг фикрича, хоразмликлар Волгабўйи халқлари маданиятининг ўсишига катта ҳисса қўшганлар.¹

Ана шу катта ҳудудни ташкил қилган империяда ўз даврида савдо-сотиқ, маданий алоқалар ҳам жадал суръатлар билан ривожланди. Шуларга асосланиб, жисмоний тарбия турларидан, юқорида айтганимиздай, «бел олиш кураш» Хоразмдан Грузия ҳудудларига кириб келган, деб тахмин қилиш мумкин. Бунинг исботи, Грузияда бир қанча миллий курашлар ичида «Либргиел» бел олиш кураш қонун-қоидаларининг айнан бизнинг курашимизга ўхшашлигидир.

Энди илмий томондан ёндашадиган бўлсак, ўзбекларда қадимдан кураш турлари «Бухороча кураш», «Фарғонача кураш» ёки бугунгидай «Ўзбек кураши», «Белбоғли кураш» деб номланмаган.

Қадимда Ўзбекистон ҳудудида бир қанча кураш турлари мавжуд бўлиб, улар бир неча йўналишларни ўзида мужассамлаштирган ва умумий „кураш“ номи билан юритилган. Ана шу кураш турларининг ҳар бири амалиётда қўлланилишига кўра турлича номланган ва уларнинг барчасида ҳам курашчининг эғнида яқтак, унинг устидан чопон ва белида белбоғ бўлган. Кураш амаллари бел орқали амалга оширилган.

Шу ўринда академик Аҳмадали Асқаровнинг бир неча йўналишдаги ўзбек курашига оид мулоҳазалари ва шу мулоҳазаларга асос бўлган манбаларга эътибор бериш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Чунки кураш тарихини билиш, унинг амалларини тўғри бажариш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимиз ажодларимиз олдидаги энг масъулиятли бурчимиздир.

Ҳозир Европадаги ва бошқа мамлакатлар ўзбек бел олиш кураш тури ва унинг анъаналаридан илҳомланиб, ўз миллий курашларини тиклашга интилоқдалар. Лекин биз кўрмаган, эшитмаганларни кўзи билан кўргандай ишонтириш каби баъзан кўнгилга ғашлик ва соя соладиган бир-икки ҳолатлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Айтайлик, мусиқа садоси остида ер худосига сиғиниб кураш тушиш ёки оғироёқ келинчаклар кураш томоша қилса, соғлом бола кўрар эмиш, деган тушунчалар, бизнингча, ҳеч бир қуюшқонга сиғмайдиган, асоссиз, мантиқсиздир. Олимлардан Аҳмадали Асқаров ва Ҳайдарбек Бобобековларнинг таъкидлашича, ҳар бир нарсани ёзишда манбаларга таянган маъқул. Мамлакатимизга ислом дини кириб келмасдан олдинги даврларда ҳозирги урф-одатимизда йўқ бўлган ҳолатлар мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳар қандай урф-одатнинг қайси даврга тааллуқлилиги кўрсатиб ёзилса, ана шунда уни китобхон ўша давр кўзи билан кўради ва эшитади. Акс ҳолда кўз билан кўрмаган ва эшитмаганларни

¹ Х. Зиёев. Ўрта Осиё ва Волгабўйилари. Тошкент, «Фан» нашриёти. 1965.

ишонтиришдай мантиқсиз бўлиб қолиши мумкин. Ўзбек миллий кураши тарихида буюк аждодимиз Паҳлавон Маҳмуд Пурёйвалий ибрат намунаси, энг ориятли ва юксак номусли курашчи ҳисобланади. Шунинг учун у кишининг сиймосида миллийлик акс этиши лозим.¹

Бизга маълумки, ўзбек кураши турлари ва уларнинг тарихи бир неча минг йилликларга бориб тақалиши билан бирга, уларнинг номлари ҳам турлича бўлган. Ўзбекистон ҳудудида, Хоразм ва Кўқон хонлиги ҳамда Бухоро амирлиги бўлган. Ана шу ҳудудларда яшаган ўзбеклар орасида „Кураш“ ва „Олиш“ атамалари бўлган. Собиқ иттифоқ даврида жисмоний тарбия турлари тўғри номланган, деб бўлмайди. Қадимий манбаларда ўзбекларнинг бир неча кураш турлари бўлганлиги айтилса-да, уларнинг қандай номланишига аҳамият берилмай, умумий ном билан „кураш“ деб юритилиб келинди. Чор Россияси ҳамда собиқ иттифоқ даврларида ҳам ўзбек кураши турли соҳа олимлари, хусусан, тарихчилар, археологлар томонидан ўрганилса-да, кураш турларини номлашда жуда катта хатоликка йўл қўйилди. Бунинг сабаби, биринчидан, ўзга миллат вакиллари анъаналаримизни, урф-одатларимизни яхши тушунмаганлиги бўлса, иккинчидан, тарихимизни менсимаслик, бошқа бир мафкурани зўрлаб халқимиз онгига сингдиришдир.

Ўзбек кураш турларининг номланиши ва қоидалари қандай бўлган? Унга жавоб топиш учун юзлаб таниқли кекса паҳлавонларнинг сўзларини таҳлил қилишга тўғри келди. Уларнинг айтишича, ўзбекларда қадимдан бир қанча кураш турлари бўлиб, улар кураш ҳадисига, яъни кураш илмига асосан номланган. Кураш ҳадисини яхши билган кекса аждодларимиз амалларнинг номланишини қуйидагича таърифлайдилар:

1. икки рақиб бир-бирининг белидаги белбоғини қўйиб юбормай, оёғидан чалмай, бирор амалга таянган ҳолда жисмоний куч ишлатиб уни кўтариб ташлаб, елкасини ерга теккизиш йўналиши;

2. икки рақиб бир-бирининг белидаги белбоғини қўйиб юбормай, оёғидан чалиш орқали бирор-бир амалга таянган ҳолда жисмоний куч ишлатиб елкасини ерга теккизиш йўналиши;

3. икки рақиб бир-бирининг белидаги белбоғдан ушлаб, фақат бир қўлни қўйиб юбориб, бир қўл панжаси билан белбоғдан ушлаб бирор-бир амалга таянган ҳолда жисмоний куч ишлатиб елкасини ерга теккизишларнинг барча йўналишилари «Бел олиш кураш» турларидир.

Кейингиси: Белга зўриқиш камроқ бўлган бир қанча йўналишни ўзида мужассамлаштирган тур «Кураш» дейилади.

Амалларни бажаришда белдаги белбоғдан ушламай ташланиш, шунингдек, белдаги белбоғни бир қўл билан ёки икки қўл билан ушлаб чалиш ҳамда белдан қучоқлаб жисмоний куч ишлатиб кўтариб ташлаш каби бир қанча йўналишларни ўзида мужассамлаштирган турни ўзбеклар кураш ҳадисига асосланиб «Кураш» дейдилар. Айнан ана шу таҳлилнинг ўзи манбалар қадимий кураш айнан шундай

¹ Н. Азизов. «Паҳлавон Маҳмуд Пурёйвалий». «Тошкент ҳафтаномаси». №30(617), 2006 йил, 27 июль.

1785808

бўлганлигини тасдиқлашини кўрсатади. Кўриниб турибдики, бир қанча йўналишларни ўзида мужассам қилган тур — бу курашдир. Бел олиш кураш турлари эса «Кураш» таркибида мавжуд бўлган йўналишлардир. Нима учун шундай? Айнан Бел олиш кураш туридаги йўналиш «кураш» таркибида бўлганлиги учун шундай. Биз, муаллифлар бел олиш кураш турини кенгроқ ёритишга аҳамият берсак-да, «Кураш» тури олдида чекинишга мажбурмиз. Шунингдек, «Кураш» мутахассислари билан баъзи бир ҳолатлар юзасидан келиша олмаймиз. Манбалардаги маълумотлар олидида эса биз ожизмиз.

«Олиш» атамасининг маъносини эса кекса паҳлавонлар кураш ҳадисига асосланиб шундай таърифлайдилар: «Ҳар қандай рақибнинг жисмоний куч ишлатиш давридаги ҳаракати «Олиш» деб тушунилган».

Тан олиш керак, ўзбекларда «Кураш» ва «Олиш» атамалари бошқа-бошқа маънони англатса-да, лекин уларнинг ҳар иккаласи бир мақсадни кўзлайди, яъни рақибни ҳар қандай ҳолатда ҳам енгиш. Кураш ҳадисини яхши билган ўзбек ватандошларимизнинг таъкидлашича, «Кураш»нинг қисқа маъноси — бу йиқитишдир. «Олиш»нинг қисқа маъноси — бу куч ишлатишдир. Кўп манбаларда «Кураш» ва «Олиш» атамаси бирин-кетин келиши ёки воҳа вилоятларида «Кураш» ва «Олиш» атамаси аралаш ишлатилишининг сабаби ҳам аслида шундан экан. Айтишларича, «Олиш» атамасининг ўзи рақибнинг елкасини ерга теккизиш ёки йиқитиш маъносини тўлиқ англатмас экан. Шунинг учун Бел олиш, Олиш кураш, Бел олишиш, Бел олиш кураш каби атамалар тўлиқ маънони англатаркан. «Бел олиш», деганда, олдин айтиб ўтганимиздек, белдаги белбоғдан ушлаб кураш тушиш тушунилари экан.

Ўзбекларда белдаги белбоғдан ушлаб амал бажариш Бел олиш кураш деб аталишини кўп манбалардан ўқиб ҳам хулоса қилиш мумкин. Жумладан, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Эрон подшоси Баҳром Гўр билан Ҳиндистон подшоси Жангулининг полвонлари ўртасида бўлиб ўтган бел олиш кураш мана бундай тасвирланади (13-расм.):

Икки девқоматни чорлатди Шангул,
Курашда бахтингиз синанг!¹ — деди ул.
Ул марди майдонлар маҳкам бел боғлаб,
Даврага тушдилар кураётни чорлаб.
Чирмашиб икки зўр олишардилар,
Бир-бирига шердай чанг солишардилар.
Бирининг белидан кўтардию даст
Ерга чунон урди, бўлди чилпора.¹

«Шоҳнома» асаридаги Рустам машҳур паҳлавон сифатида улуғланади, у ўз юртига чексиз садоқати билан яққол кўзга ташланиб туради. Рустам ўз ўғли Сухроб билан бўлган бел олиш курашида енгилади. Уни Фирдавсий шундай баён қилади:

¹ Фирдавсий. "Шоҳнома". 3 китоб. 181—184 бетлар. Ф. Ғулом нашриёти. Тошкент, 1977.

Отларни тошга боғлаб келдилар,
 Адоватдан дилни доғлаб келдилар.
 Олиша кетдилар нақ қутурган шер,
 Терга қон қотдилар, қоро қонга тер.
 Саҳардан тушгача гоҳ бу, гоҳи у,
 Зўр келиб олишди қилиб ҳою ҳу.
 Рустам белбоғидан азот кўтарди,
 Зўридан гўёки ер дарз кетарди.
 Суҳроб наъра тортди, овозида кин,
 Рустамни иргитди айлаб ерпарчин.
 Шер зарбидан ерга қулаган қулон,
 Мажолсиз ётарди ерда Таҳамтан...¹

Шунингдек, ўзбекларнинг «Алпомиш» достонидан олинган қуйидаги парчада ҳам паҳлавонлар куч ишлатиб рақибини йиқитиш кураши тасвирланган:

Ёмон-яхши нолишайлик,
 Ёт ҳам бўлсак танишайлик.
 Икковимиз олишайлик,
 Кел, Кўкалдош курашайлик.
 Худо мадад берди Ҳаким полвонга,
 Қисди тўқсон газли девнинг белини.
 Иккови тамом зору зор,
 Иккови полвон бўлиб қолди баробар.
 Гурсиллашиб, дурсиллашиб курашди,
 Босган изин бари бўлди шудгор.
 Полвон эди Бойбўрининг боласи,
 Қиса бериб девнинг белин синдирди.
 Эшит, Алпомишнинг айғон довшига,
 Қалмоқлар тенг қилган ишига.
 Кўкалдошни қалқон қилиб бошига
 Олиб бориб урди марра тошига...»

Кўриниб турибдики, достонда рақибининг белига куч ишлатиб уни йиқитиш чиройли тасвирланган. Шу сабабдан аждодларимиз бу спорт турини Бел олиш кураш деб келишган.

Худди шунга ўхшаш, белдаги белбоғдан ушлаб курашиш Бел олиш кураш эканлиги ҳақида шу спорт тури қоидалари баён этилган дастлабки китобда ҳам маълумот берилган. 1959 йил Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт қўмитаси томонидан спорт жамоаларига ёрдам сифатида ўзбек ва рус тилларида «Кураш» деб номланган қоидалар китоби нашр этилди. Ана шу китобда Бел олиш курашининг номи биринчи маротаба Фарғонача атамаси билан ўзгартирилди ва унда бу кураш турига „белдан олишиб, куч сарфлаб курашишда“² деб изоҳ берилади. 1981 йилда Москванинг «Рус тили» нашриётида босилиб чиққан «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китобида Олишиш атамасига «Бел олишиш. Яккама-якка олишиш ёки

¹ Фирдавсий. „Шоҳнома“. 1-китоб. 491—495-бетлар. Ф. Фулом нашриёти. Тошкент, 1975.

² «Кураш» (Фарғона ва Бухоро қоидалари бўйича) 18-бет, 1959. $\frac{18545}{0}$ Ўз ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлигининг босмаҳонаси —59

Бел олишмоқ, бир-бирини енгиш учун чалишмоқ» ёки 406-бетда «Йиқитиш, голиб чиқиш учун икки киши ўртасида маълум қоидага асосланган олишув, ўзаро беллашув» деб изоҳ берилиб, қуйидаги мисол келтирилади: «Элмурод саҳн ўртасида тўпланишган ёшлар томонга кетди. Бу ерда кураш бошланган бўлиб, Давлатёр билан Маъмур бел олишмоқда эди».¹ Шунга ўхшаш ҳолатни Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романида ҳам учратиш мумкин: «Мен кўп давраларда бел олишганман». Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда миллий кураш анъаналари ва қоидалари мақсадли режаларни амалга ошириш учун бузиб ўзгартирила бошланди.

Шу ўринда «Бел олиш кураш» атамасининг тарихи ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Бизга маълумки, Ўрта Осиёда бир қанча кураш турлари қадимдан бўлган. Биз 1999 йилдан бошлаб узоқ йиллардан буён тўпланган ашёвий далилларга таяниб ФИЛА (Халқаро ҳаваскор курашчилар ассоциацияси) аъзоси Аҳролжон Рўзиевнинг маслаҳатлари ва кўрсатмаларига асосан изланишлар олиб боришни бошладик. Жумладан, бел олиш курашини ягона қоидага бирлаштириб, уни халқаро аренага олиб чиқиш учун бир қанча мамлакатларда бўлишимизга тўғри келди. Ана шундай сафарлардан бирида Туркменистоннинг Чоржўй, ҳозирги Лебаб вилоятида мутахассислар билан бирга амалий семинар уюштирдик. Семинарда кураш мутахассислари, фахрийлар, вилоят спорт раҳбарлари қатнашдилар. Мен уларга ўзбек бел олиш кураш ҳақидаги видеокассеталар, китоблар тарқатдим (6-расм.).



6-расм. Туркменистоннинг Чоржўй (ҳозирги Лебаб) вилоятида Бел олиш кураш фахрийлари даврасидаги суҳбат. 1999 йилдаги изланишлар, тадқиқотлардан бири.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва «Рус тили» нашриёти. 533-бет. 1981 йил.

У пайтлар бизда бу кураш тури «Фарғонача кураш» деб аталар эди, туркманлар эса «гуреш» дер эканлар. Семинарда бу кураш турини бундан буён ягона ном билан юритишни, бир қанча кураш амалларини бирлаштириб, ягона қоида асосида олишишни ҳамда уларнинг «қўшала ёнбош», «оёқдан қоқиш», «кўтарма», «қайирма» каби амалларини ҳам қабул қилиб, шу тариқа унинг номини «Белбоғли кураш» деб юритишни таклиф қилдик. Семинардаги тортишувлардан кейин янги халқаро қоида қабул қилинди. Семинардан сўнг Давлатмурод исмли кекса киши олдимга келиб, ўзини таништирди. У одам ўша ерлик ўзбек миллатига мансуб катта курашчи экан. Мен билан холи гаплашмоқчи эканлигини айтди. Бу семинарда бирйўла тадқиқот ишлари ҳам олиб бораётган эдик, бажонидил рози бўлдим. Суҳбатимиз узоқ давом этди. У киши «Белбоғли кураш» атамасига эътироз билдириб, «Ўғлим, сиз қайси кураш ҳақида гапиряпсиз, ахир кўп курашларда белбоғ боғланади-ку», дедилар. Мен бунга жавобан: «Ота-хон, сизлар ҳам, бизлар ҳам бошқа-бошқа қоида бўйича курашамиз, агар қоидаларимиз, курашимиз номи бир хил бўлса, уни халқаро майдонга олиб чиқиш мумкин, дедим. Давлатмурод оға кулимсираб: «Ўғлим, сиз ўзингиз фарғоналик экансиз, қани айтинг-чи, қандай қилиб «қўшала ёнбош», «оёқдан қоқиш» (супурма), «қайириш» амаллари қўлланадиган курашни «Белбоғли кураш» демоқчисиз, ахир бундай амаллар Бухоро, Хоразм томонлардаги бел олиш курашига тааллуқли-ку. Иккинчидан, ўзбекларда белбоғдан ушлаб курашиладиган курашни азалдан «Бел олиш кураш» дейилган. Ана шу «Бел олиш кураш»да Бухоро ва Хоразм томонларда оёқдан чалиш амали бажарилади. Фарғона, Тошкент томонларда эса оёқдан чалмай, кўтариб йиқитилади, бу ҳам «Бел олиш кураш» дейилади. У кишининг фикрларини тинглаб ҳайрон бўлдим ва ахир бизда бу кураш тури «Фарғонача кураш» дейилади-ку, — дедим. «Бу курашларга зарба берилганда, мен ҳам бола эдим. Биласизми, ўзбек ва туркманларнинг урф-одатлари, тили, дини, ҳатто бир қанча кураш турлари ҳам бир хил бўлган. 1924 йилдан сўнг чегаралар бўлингандан сўнг курашлар ҳам бўлиб ташланган. Масалан, туркманларда олдиндан белбоғдан ушланмайдиган кураш турлари бўйича мусобақалар ўтказиш тақиқлаб қўйилган. Фақат бел олиш кураш бўйича мусобақалар ўтказилган, холос. Ўзбекистоннинг воҳа вилоятларида эса унинг акси бўлган, бел олиш кураш бўйича мусобақалар ўтказиш тақиқланиб, олдиндан белбоғдан ушланмайдиган кураш бўйича мусобақалар ўтказилган. Ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг, нима учун шундай қилинган. Бундан мақсад, бу икки халқни бир-бирига қарши қилиб қўйиш бўлган. Бу ҳар икки халқ ичидан норози бўлганлар ном-нишонсиз йўқ қилиб юборилган.

Ҳар бир кураш турининг ўз номи бўлган, бу ҳақда кўп изланишлар олиб боришингизга тўғри келади. «Туркистон белбоғли кураши» китобингизнинг номини ўзи менинг юқоридаги хулосага келишимга сабаб бўлди. Сиз ўша китобингизда «силташ», кифтлаш амаллари деб ёзибсиз. Уларни амал деб бўлмайти, буларни фақат ҳаракат дейиш мумкин. Силташнинг маъноси — чайқатиш, кифтлашнинг маъноси эса елка уриш орқали рақиб қўлтиғи остидан ўнг қўл енг тирсагини ўтказиб белбоғдан ушлаш. Ана шу ҳаракатларсиз бел олиш курашида

амал бажариб бўлмайди. Бу кураш ҳадиси қонунидир. Чунки илгари Туркистонда ҳам, Ўрта Осиёда ҳам «белбоғли кураш» деган атама бўлмаган. Айниқса, ўзбекларда Кураш ва Бел олиш кураш деган атамалар бўлган, лекин улар кураш ва олиш сўзларини қўшиб қўллайдилар. Яхшилаб қулоғингизга қуйиб олинг, ўзбекларда амал бажаришнинг таянч нуқтаси бел бўлган, белбоғ эса бир нечта кураш турларида белга боғланадиган матодан таёрланган боғичдир. Лекин ана шу матодан таёрланган боғични белга боғлаб курашиш «Белбоғли кураш» дегани эмас. Бу сўзлар кураш ҳадисига тегишли бўлганлиги учун гапиряпман. Чунки кураш ҳадисидида паҳлавоннинг белидаги кучининг таърифи ва унинг вазифаси ҳақида сўз боради. Белбоғ эса жонсиз боғичдир. Бир билагон миллат вакили 1950 йилларнинг охирига келиб ўзбекларнинг тўй ва сайилларида олишиладиган бир неча кураш турларини бир-бирига қориштириб, иккита турга келтириб қўйди. Улардан бирининг номини «Бухороча кураш», яна бирини «Фарғонача кураш» деб аталди. Сиз ўзингиз ҳам билсангиз керак, Ўзбекистондаги «Бухороча кураш» тури ҳозир «Кураш» деб аталади. Ҳақиқатан ҳам тўғри ном қўйишди, чунки бу кураш бир неча йўналишларни ўз ичига олади. Сиз айтаётган курашни «Белбоғли кураш» деб эмас, ўз номи билан «Бел олиш кураш» дейиш керак. Ана шунда тўғри бўлади. Сизга яна шуни айтиб қўяй, Бухоро амирлиги, Хоразм хонлиги даврларидаги Бел олиш курашларининг бир неча тури бўлган, сиз уларни тикланг».

«Давлатмурод оға, сизнинг айтганларингизни амалга ошириш жуда мушкул, бироқ гапларингизга қўшиламан. «Фарғонача кураш» номини ўзимиздаги бир турнирда «Белбоғли кураш» деб атаб танаю дашноларга қолганман. Кўпчилик нега бу кураш турининг номи белбоғли кураш бўлар экан, ахир бошқа кураш турларида ҳам белбоғ боғланади-ку, деб эътироз билдирганлар. Охири нима қилишни билмай, 1998 йилда «Белбоғли Туркистон кураши» номи билан китоб чиқардим. Чунки бу китоб устида анча йил меҳнат қилганман. Энди энди одамлар «Фарғонача кураш» номи ўрнига «Белбоғли кураш» дейишга ўрганиб қолишди. Бироқ шу соҳани чуқур биладиган кекса кишилардан кўп танбеҳ эшитдим. Улар менга ўзбек кураши тарихини ўрганишим, кекса ёшдаги паҳлавонлар билан суҳбатлашим, хорижга бориб, у ерда истиқомат қилаётган ватандошларимиздан ўзбек курашининг асл моҳиятини билиб олишим зарурлигини маслаҳат беришди». Тўғри айтишибди, чунки улар кураш ҳадиси, яъни кураш илмига асосланиб амалларни бажариш қоидаларига риоя қилганлар. Чунки улар уни уқиб олганлар. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, аждодларимиз томонидан яратилган Бел олиш кураш мактабига амал қилмай, уни Белбоғли кураш десангиз, унда белбоғдан ушлаб курашиладиган кураш экан, келинглари, уни «Белбоғли кураш» деб атаймиз, деганларнинг кураши бўлиб қолади. Ахир сизнинг юртингизда бир неча юз йиллар олдин у «Бел олиш кураш» деб аталган. Бу ҳақда ўзбекларнинг кураш ҳадисидида маълумотлар ёзиб қолдирилган. Лекин кураш ҳадисига тааллуқли кўп китоблар қатагон йилларида йўқ қилинган. «Белинг бақувватми», «Белини букиб ташла», «Белидан

торт», «Белга миндириб ташла», «Белини синдир», «Белидан қайириб ташла», «Белидан сиқ» ёки «Белида кучи кўп экан» деган ибораларнинг тагида бел олиш кураш маъноси ётади. Агар унга риоя қилмасангиз, кураш ҳадисига қарши чиққан бўласиз. Чунки ўзбекларнинг қадимий кураш ҳадисида амал бажаришнинг таянч нуқтаси бел бўлган. Белбоғ эса белга боғланадиган матодан таёрланган боғич холос. Ана шу бел олиш кураш бўйича етук паҳлавонлар Ўзбекистонда кўп бўлган. Бироқ улар ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолмаган. Борлари ҳам қатағон йиллари йўқ қилинган. Сизга, ўғлим бир муҳим маълумотни айтиб берай: ўзбекларда қадимдан бел олиш кураш амаллари мактаби бўлган. Бу амалларни улар бирор-бир миллатдан олиб келган ҳам эмас. Сиз «Туркистон белбоғли кураши» китобида озми-кўпми амалларни бериб жуда яхши иш қилгансиз. Лекин номини «Бел олиш кураш» демай жуда катта хато қилгансиз. Мен сизга кураш ҳадисига тааллуқли бир қанча маълумотлар бердим, булар кураш ҳадиси тушунчалари, мен буларни қадимий китоблардан ўқиганлигим учун гапирдим (1999 йил тадқиқотларидан). Мана шу ерда сизга бир ривоятни айтиб берай.

«Бир замонлар бухоролик савдогарларнинг кўриқчиси бўлган паҳлавон Қурбон Эроннинг Хуросон шаҳрига боради. Хуросон шаҳридан қайтишда бир кичик шаҳарда тўхташади. Қурбон паҳлавон шаҳарнинг бир чеккасида сайр қилиб юрган пайтда, тоғ ён бағридаги сойда дугоналари билан сайр қилиб юрган бир қизни кўриб қолади. Паҳлавонликда тенги йўқ бу ўғлон ҳали уйланмаган эди. Йигит яқинроқ бориб, дарахтлар ортидан қизларни кузатади. Қизлар ичидан бошидаги рўмолини ечиб, юзини юваётган бир қизнинг гўзалликда тенги йўқлиги Қурбонга аён бўлади. Уни кўриши билан юраги уришдан тўхтаб қолай дейди. Лекин у сезадик, бу оддий оиланинг қизи эмас, чунки атрофидаги бошқа қизлар унга парвона эди. У қизларни кузатишда давом этади, қарасаки, қиз ҳақиқатан бой-бадавлат хонадоннинг қизи экан, буни ҳашаматли уй эшигидан кириб кетганлигидан билди. Бу қизнинг ишқида ақлдан озишига оз қолган Қурбон паҳлавон бу гўзал катта савдогар бойнинг қизи эканлигини суриштириб аниқлайди. У энди ҳар куни шу уй атрофига кўп келадиган бўлади. Бир неча кунлаб кузатса ҳам, қизни қайта кўриш насиб этмайди. Қурбон паҳлавоннинг фикр-хаёли шу қизда бўлиб, ҳеч нарса билан иши бўлмай қолади. Қурбон паҳлавоннинг бундай аҳволга тушганини кўрган карвонбоши ундан бу фаромушлигининг сабабини сўрайди. Қурбон паҳлавон бўлган воқеани сўзлаб беради. Карвонбоши у айтган одам шаҳарнинг энг катта савдогари эканлигини фаҳмлайди. Қурбон паҳлавон карвонбошидан қизни кига совчи бўлиб боришини ўтиниб сўрайди. Қурбон паҳлавоннинг аҳволини тушунган карвонбоши ўзи билан келган бой савдогарлар билан маслаҳатлашиб, совчиликка боради. Эронда шуҳрат қозонган бой уларни яхши кутиб олади. Узоқ давом этган меҳмондорчиликдан сўнг совчилар муддаога кўчиб: «Сизнинг Эронда энг бой ҳамда саховатли киши эканлигингизга бизга кўрсатган илтифотингизни кўриб яна бир карра амин бўлдик. Рухсат берсангиз, биз нима сабабдан ташриф буюрганимизни баён қилсак,—

дейишибди.— Биз савдо-сотиқ билан юртингизга ҳар йили келамиз. Бизни бир неча паҳлавонлар кузатиб келади, шулар ичида Қурбон паҳлавон бизнинг энг ишонган қўриқчимиз. Шу паҳлавонимиз сизнинг қизингизнинг таърифини эшитиб, ошиқ бўлиб қолибди», деб Қурбонни қанча таърифлашмасин, бой савдогар бунга рози бўлмабди. Ҳафсаласи пир бўлган совчилар қуруқ қайтиб, бўлган воқеани Қурбонга баён қилишибди. Буни эшитган Қурбон қаттиқ хафа бўлибди, ўзим кучли, ақлим расо бўлса-ю, бой эмаслигим бахтсиз бўлишимга сабаб бўладими, деб кўнгли чўкибди ва Гургон вилоятига жўнаб кетибди. У ерда бир неча кун туриб, шаҳар айланиб юрса, Гургон жарчилари жар солмоқда экан: «Эшитмадим деманглар, Гургон вилояти ҳокими катта кураш томошаси бермоқда. Бу бел олиш курашида бир қанча давлатлардан кучли полвонлар қатнашади. Кимда-ким ўз кучига ишонса, мусобақада қатнашиши мумкин. Голибга жуда катта соврин қўйилмоқда».

Бу хабарни эшитган Қурбон кучини синаб кўришга аҳд қилиб, астойдил тайёргарлик кўрибди. Айтилган кун ҳам келибди, ана шу кураш мусобақасига Қурбонни излаб, у билан келган савдогарлар ва бир неча паҳлавон дўстлари ҳам келишибди. Қурбоннинг шу курашда қатнашиб, омадини синаб кўришини улар ҳам маъқуллашибди. Йиғинга келган паҳлавонлар кураши бошланибди. Қурбон биринчи кун ҳиндистонлик бир кучли полвонни зўрға енгибди. Эртаси куни унинг омади чошиб, афғонистонлик ва эронлик уч паҳлавонни енгибди. Борган сари полвонлар сараланиб борибди. Мусобақанинг учинчи куни Қурбон қизига ошиқ бўлган савдогар ҳам келиб курашни томоша қилибди. Унинг уйига совчи бўлиб келган савдогарлар қувватлаган Қурбон паҳлавон шу эканлигини сезибди. Шу куни Қурбон барча паҳлавонларни енгибди. Кураш мусобақасининг тўртинчи куни Бухородан келган Қурбон паҳлавонни қандай қилиб мағлубиятга учратиш мумкин, деб вилоят ҳокими аъёнлари билан машварат ўтказибди. Шунда аъёнлардан бири: «Бир неча кунлик танаффус эълон қилсангиз, уни енгадиган паҳлавон бор», дебди. Ҳоким рози бўлибди. Шаҳар аъёнлари, сиз уни шериклари билан биргаликда зиндонбанд қилгансиз, исми Оразқулий, дебди. Бу жавобларни эшитган ҳоким узоқ ўйланиб шундай дебди: «Ундай бўлса, менинг шартимни етказинглар, агар у Қурбон паҳлавонни енгса, шериклари билан зиндондан озод этаман» дебди. Оразқулий ва унинг шериклари бу шартга рози бўлишибди, уларнинг ҳаммаси йигирма киши экан. Ҳаммалари курашмоқчи бўлишибди. Ҳоким шундай фармон берибди: бир кишига қарши йигирма киши курашиши адолатсизлик, шунинг учун уларни ўзаро кураштириб, зўри аниқланиб, шу зўри билан Қурбон паҳлавон курашсин, дебди.

Шундай қилиб, яна икки кун бел олиш кураш бўлиб ўтибди. Бу курашда Оразқулий шерикларини ва бошқаларни енгибди. У паҳлавонларнинг белидан тутиши билан ўзига бир тортиб, оёғини ердан узиб йиқитиб ташлар экан. Ниҳоят, сўнгги кун Бухоро паҳлавони Қурбон билан Гургон паҳлавони Оразқулий учрашадиган бўлибди. Бу икки паҳлавон бир-бирига қарши қандай амаллар қўллагансин, ҳеч

бири галаба қилолмабди. Уларга чарчоқларини ёзиш учун дам берилибди. Шунда Қурбон паҳлавон бир йигитнинг бел олиш курашини кўз ёш билан томоша қилаётганини кўриб қолибди. Паҳлавон ёнидаги шерикларидан суриштириб, бу кўз ёш қилаётган ўспирин унинг рақибининг ўғли эканини, агар у мағлубиятга учраса, шериклари билан яна қайтадан зиндонбанд қилинишидан куйинаётганини билибди.

Бундан Қурбон паҳлавон қаттиқ таъсирланиб, ўз-ўзига: «Оразқулийни енгганим билан барибир мақсадимга эришолмайман. Агар мен енгилсам, йигирмата одамни оиласига қайтариб, улуг савоб иш қилар эканман», дебди.

Сўнгги ҳал қилувчи беллашувга чиққанида Қурбон бир оз ҳаракат қилгандай бўлибди. Навбат Оразқулийга келганда, у Қурбон паҳлавонни белидан бир тортиб, оёғини ердан узиб йиқитибди. Бел олиш курашини томоша қилаётганлар, ҳатто олишувни синчиклаб кўриб ўтирган Гургон ҳокими ҳам хурсанд бўлиб кетибди. Шундай қилиб, Оразқулий Эрон заминининг зўр паҳлавонига айланибди. Орадан бир неча кун ўтгач Қурбон паҳлавондан шериклари унинг мағлубияти сабабини сўрашганда, у атайин ютқазиб катта савоб иш қилиб, бир неча паҳлавонни зиндондан озод қилганини айтибди. Бу гаплардан хабар топган Оразқулий бўлган воқеаларни Гургон ҳокимига баён қилибди. Бу жавобдан таажжубланган ҳоким бу икки паҳлавондаги тўғрилиқни кўриб, ҳар иккисини ҳузурига чақириб катта зиёфат берибди. Ҳоким Қурбон паҳлавонга ҳам катта соврин берибди, ўз одамларини эронлик савдогарникига совчиликка жўнатиб, Қурбон паҳлавонни уйлантириб қўйибди.

Давлатмурод оғанинг ёши ўша даврда 85 ёшда эди. У кишининг айтишича, бобоси бел олиш кураш бўйича машҳур паҳлавон бўлган экан. Юқоридаги ривоят бобосининг айтишича, 400-чи ҳижрий йилга тааллуқли экан.

1999 йил Чоржўйда (ҳозирги Лебаб вилояти) олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, Ўрта Осиёда истиқомат қилувчи халқларнинг «кураш», «курес», «гуреш», «кореш» ва «гуштингирий» деб номланувчи кураш турлари мавжуд бўлган. Ана шу кураш турларининг йўналиши ва амалларнинг қандай бажарилиши ҳар қандай ўқувчини қизиқтириши табиийдир. Ўша миллий курашлар бир неча юз йиллик тарихга эга бўлиши билан бирга, улар бир неча турлардан иборат бўлган. Кураш ҳадисини яхши билган кекса паҳлавонларнинг айтишича, бел олиш курашида амал бажаришнинг таянч нуқтаси бел бўлиб, барча зўриқишлар белга тушар экан. Улар кураш қоидаларига кўра курашчиларнинг устида узун яқтак, унинг устидан чопон, оқ иштон, белида белбоғ бўлганлигини таъкидлайдилар. Белбоғлар, кураш ҳадиси (кураш илми) китобида ёзилишича, кўкрак қисмидан икки билак сиғадиган қилиб боғланган. Курашдан олдин бир киши белбоғларни шу ўлчамда боғлатиб турган. Курашчилар асосан ялангоёқ курашган, баъзида фаслларга қараб юмшоқ оёқ кийим ҳам кийишган. Ана шундай кийимда курашиб келинган бир қанча кураш турлари Ўрта Осиё ҳудудининг бир қанча жойларида кенг тарқалган. Бел олиш курашининг кўтариб йиқитиш ва чалиб йиқитиш йўналишлари мавжуд бўлган. Кўтариб йиқитиш бел олиш курашида рақибини чалмай,

тиззага миндириш, қайтарма, тўсиш, айлантириш, босма ва бошқа амаллар билан йиқитилган.

Чалишиб йиқитиш бел олиш кураш қоидалари эса 2 хил бўлган.

Биринчи йўналиши қоидасига кўра рақиблар бир-бирининг белбоғидан ушлаб, тўғаноқ чалиш, оёқдан қоқиш, қўшала ёнбош, кўтарма ва бир қанча чалиш йўналишидаги амалларни бажаришади. Бу йўналишдаги бел олишда белбоғдан қўлни қўйиб юбормай олишиш керак бўлади, белбоғлар рақибларнинг кўкрак қисмидан икки билак сиғадиган қилиб боғланади. Курашдан олдин холислар¹ белбоғларни бир хил ўлчамда рақибларга боғлатиб туради.

Чалиб йиқитиш бел олиш курашининг иккинчи йўналиши қоидаси бўйича ҳам рақиблар эгнига узун ятак, унинг устидан чопон кийиб, оқ иштон, белга белбоғ боғлаб курашадилар. Белбоғлар бел қисмидан қисиброқ боғланади. Ялангоёқ, баъзан фаслларга қараб юмшоқ оёқ кийим кийилади. Бел олиш курашининг бошланишида рақиблар икки қўл билан белбоғдан ушлаб кураш бошлайдилар. Кураш бошлангандан сўнг рақиблар белбоғдан бир қўлни қўйиб юбориб, бир қўл панжаси билан белбоғдан ушлаб амаллар бажарадилар. Бунда ҳар қандай амалларни бажариш рухсат этилган бўлиб, фақат улар амал бажараётганларида бир қўли белбоғда бўлиши шарт ҳисобланган. Бўйиндан, оёқдан ушлаш, тизза чўккалаб амал бажариш, қўлни қайириш каби ҳолатлар тақиқланган. Ҳар бир амал тик туриб, белбоғдан ушлаб амалга оширилган. Рақиблар тик туриб тортишиб қолганда эса белдан кучоқлаб кўтариб ташлашга ҳам рухсат этилган. Фақат унда бир қўлни белбоғдан қўйиб юбориб, ўзининг қўл билакларини ушлаб, сўнгра рақиб кучоқлаб кўтарилади. Бундай пайтда чопондан ушлаб кўтариш тақиқланган.

Бир қанча йўналишларни ўзида мужассамлаштирган «кураш» қоидасида кураш бошланишида олдиндан белбоғдан ушлашмай бири-бирига ташланиб, сўнг бир-бирининг чопонидан ёки ёқасидан ушлаб орқа ва олдинга ёки қўл энгларидан ушлаб ўнгга ва чапга тортиб амал бажариш учун қулай имкон топиши зарур бўлади. Ана шу ҳолатлардагина рақиб белбоғининг орқа томонидан ўнг қўл билан ушлаб, ёнбош ёки қўшала ёнбош амаллари бажарилган. Бошқа ҳолатларда эса белбоғдан ушлаб қоқма, қайирма, кўтарма, тўғаноқ чалиш, ўраб эшиб чалиш амалларини ҳар хил вариантда бажарадилар. Олишганда фақат ҳимоя учунгина чопоннинг энги, ёқаси ёки орқа ва олд томонидан ушланган. Белбоғдан бир қўл билан ёки икки қўллаб ушлаб чалиб амаллар бажариш ҳамда рақибни кучоқлаб кўтариб ташлашга ҳам рухсат берилган. Биз санаб ўтган ушбу кураш турлари Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда жуда қадимдан мавжуд бўлганлиги ҳақида манбаларда баён этилган.

Кўтариб йиқитиш бел олиш кураш қоидалари Ўрта Осиё (ҳозирда Марказий Осиё) давлатлари ҳудудларида сақланиб қолган бўлиб, ҳозиргача бу кураш тури бўйича тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

¹ *Холис* — қадимда «ҳакам» деб тушунилган.

Жумладан, Ўзбекистоннинг Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилоятларида; Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Баткент вилоятларида; Тожикистоннинг Суғд (собиқ Ленинобод) вилоятларида ўтказилаётган бел олиш кураш бўйича республика ва халқаро миқёсдаги турнирлар ҳамда халқ сайиллари бунга мисол бўла олади.

Чалишиб йиқитиш бел олиш курашининг биринчи йўналиши эса Туркменистоннинг барча вилоятларида сақланиб қолган. Ана шу бел олиш кураш тури бўйича Туркменистонда ҳар йили республика, халқаро турнири ва вилоят биринчиликлари ўтказиб турилади.

Чалишиб йиқитиш бел олиш курашининг иккинчи йўналиши бўйича Қирғизистоннинг Чуй, Норин, Талас ва Иссиқкўл вилоятларида вилоят, республика, халқаро миқёсдаги турнирлар ўтказилиб келинмоқда.

Бу кураш тури ва йўналиши қонун-қоидалари ва амалларининг бажарилиши сақланиб қолган бўлса-да, бироқ Қирғизистонда 1960 йиллардан сўнг қоидалар бузилганлиги туфайли курашчилар кийимсиз, яланғоч ҳолатда курашмоқдалар. Бел олиш кураш анъаналарининг бузилганини Қирғизистоннинг йигирма беш карра чемпиони Иброҳим Узоқов ҳамда самбо ва миллий кураш бўйича спорт устаси Малик Осмоновлар ҳам тасдиқладилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1950—1960 йилларда самбо, эркин ва классик (юнон-рум) кураш турларини ривожлантириш мақсадида олиб борилган ислохотлар натижасида Ўрта Осиёдаги бир қанча миллий кураш турлари қисқартирилиб, ҳатто уларнинг номланиши ҳам ўзгартириб юборилди. Биргина Ўзбекистонни оладиган бўлсак, бир неча асрлардан буён «кураш» ва «бел олиш кураш» номи билан юритилган бир неча кураш турлари бирлаштирилиб, «Бухороча кураш» ва «Фарғонача кураш» деб юритиладиган бўлди.

Фарғона вилояти Бағдод туманида истиқомат қилган марҳум полвон Аъзам Раҳмонов (1909—1986) бир суҳбатда шундай деган эди:

«Кечагидай эсимда, ўша даврда бел олиш курашини «Фарғонача кураш», воҳа вилоятларидаги бир қанча кураш турларининг ҳаммасини «Бухороча кураш» деб номланганда, андижонлик, наманганлик, Тошкент вилояти ҳамда воҳа вилояти полвонлари бунга норози бўлишганди. Ҳаттоки, қайсидир бир сайлда бу ҳақда тортишув ҳам бўлиб, бошқа вилоят полвонлари аразлаб, курашмай кетиб қолишган. Сурхондарёлик кекса курашчи ҳам бунга эътироз билдириб: «Бу қанақаси, олдин воҳа вилоятларидаги бел олиш кураш турларининг бир нечаси бўйича мусобақалар ўтказилмай қўйилган эди. Натижада фақат олдиндан белбоғдан ушланмайдиган кураш қолган эди. Бел олиш кураш билан фақат тўйларда курашилди, холос. Энди эса воҳа вилоятлари кураш турларини битта қилиб, «Бухороча кураш» деб аташмоқда. Бу кетишда тўйларимиздаги оёқдан чалиб курашиладиган икки хил бел олиш курашимиз йўқ бўлиб кетади-ку», деб жон куйдириб гапирганининг шоҳиди бўлганман. «Бу воқеалар 1958—59-йилларда бўлгани аниқ эсимда, чунки ўша пайтда мен Тошкентда Эльбрус Нажапов деган тош кўтарадиган полвонни енгганман. Бу кураш Тошкентдаги Пушкин боғида бўлган эди».



7-расм. Наманганлик Баҳриддин полвон Насриддинов (1930—1995) фарзандлари даврасида (чапдан учинчи).
Ўзбекистон давлат архиви 0-127060. 19.09.1982 йил..

Наманганлик марҳум полвон Баҳриддин Насриддинов бир суҳбатимизда шундай деганди (7-расм.): «Биз у пайтда бошқаларга нисбатан ёш эдик. Бир куни сайил курашидан сўнг чойхонада Қоратой полвон Юсупов, Аъзам полвон Раҳмонов, Ҳамид полвон Қодиров, Асқар полвон Отабоев ва бир қанча таниқли полвонлар Бел олиш курашининг «Фарғонача кураш» бўлиб қолганлиги ҳақида суҳбатлашиб ўтирган эдик. Шунда Асқар полвон Отабоев: «Сизларга нима, «фарғонача кураш» бўлса нима бўпти, бу давлат сиёсати, биз тошкентлик полвонлар ҳам жим турибмиз-ку. Сизларга бир нарсани айтиб қўяй, эндигина республикалар тузилган пайтда воҳа вилоятларидаги оёқдан чалиб курашиладиган бел олиш кураш бўйича Ўзбекистонда мусобақалар ўтказиш тақиқлаб қўйилган эди. Бу курашнинг фақат битта тури — олдиндан белбоғдан ушланмайдиган тури қолдирилган эди. Бел олиш курашлари эса тўйларда қолган холос. Оёқдан чалиб курашиладиган бел олиш кураш бўйича ҳам давлат мусобақалари ўтказилишини талаб қилган неча-неча полвонлар 1937—38-йилларда ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетган». Ўшанда унинг гапларини ҳамма маъқуллаган эди...

Бел олиш курашининг «Фарғонача кураш» деб номланишига мутахассислар узоқ йиллар кўника олмадилар. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ушбу спорт турини узоқ йиллар бошқарган мутахассис Тўхфат ота Одилов ҳам ўзининг 1975 йилда босмадан чиқарган «Миллий спортнинг оммавий тури» китобининг 12-бетида «полвонлар бел олишар эдилар», деб ёзади.

Курашнинг бир нечта турини бир-бирига чапиштириб бир ҳолатга келтириб «Бухороча кураш» деб номлашдан мақсад, бу курашда самбога тақлид қилиш эди. Шундай ҳам бўлди. 1960 йиллардан сўнг самбога қизиқиш оммавий тус олди. Секин-аста Ўзбекистоннинг воҳа вилоятларидаги тўй, сайил курашларига самбо нимчаларида келиб кураш тушувчилар сони кўпая бошлади. У ҳам етмагандай, бора-бора

миллий белбоғ ўрнига самбо белбоғларини боғлаб курашадиган бўлишди. Бу янги пайдо бўлган кураш таъсирида миллий курашларимиз қадимий анъана ва удумларидан узоқлашиб борди. Олдингидай чопон ва унинг ичидан яктак кийилмайдиган бўлди. Самбода кийиладиган нимчаларни ёшларнинг ўзлари махсус кураш учун тиктириб, уни кийиб кураш туша бошладилар. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ҳар қандай тўй, сайил, ҳатто давлат мусобақаларида ҳам калта нимчалар кийиш расм бўлиб борди. Ўша даврда баъзи жонқуяр курашчиларнинг эътирозлари ҳам эътиборсиз қолиб кетаверди. «Бухороча кураш» (эркин кураш) амаллари ҳам ўз-ўзидан бойиб борди.

Ўзбекларнинг эркин курашидаги («Бухороча кураш») амаллар ўзгариб кетди. Натижада Самбо кураши тажрибалари асосида миллий курашимиз амаллари бойитилиб, миллийликдан ҳар томонлама узоқлаштириб юборилди. Сўзимизнинг исботи учун ана шу миллий курашларимизнинг асл амалларини кўрган ҳамда улар бўйича курашган кекса паҳлавонларнинг бу борадаги фикрларини келтириб ўтишни жоиз деб топдик.

1982 йил ўтказган тадқиқотларимизда қирғизистонлик Деҳқон паҳлавон Мамараҳимов (1914—1991) (охиратлари обод бўлсин) билан бўлган суҳбат ажойиб бўлганди. У киши урушдан олдин Бухоро, Сариосиёга тўй курашларига борганда, улар ҳам кураш қоидаларидан бирида белбоғдан ушлаб курашишларига гувоҳ бўлган. Бошқа бирида эса олдиндан белбоғдан ушламай, фақат амал бажаришда белбоғдан бир қўлда ушланишини айтиб, курашлари бизнинг бел олиш курашидан чалиши билан фарқ қилар экан, деб изоҳ берганди.

Яна ана шунга ўхшаш мавзудаги суҳбат Фарғона вилояти Бағдод туманида истиқомат қилган марҳум курашчи Ҳомид полвон Қодиров (1904—1988) билан 1983 йилда бўлган эди. У киши 1930 йилларда Самарқандда бир қанча тўй курашларида уч хил кураш амали билан олишганини, учаласида ҳам белбоғдан ушлаб кураш тушилганини айтади. Шу курашларнинг бирида олдиндан белбоғдан ушлашмай, рақибга ташланиб, сўнг бир қўлни рақибнинг елкаси орқасига олиб ўтиб, яна белбоғдан ушлаб амал бажарилганини, бошқа бирида қўлни белбоғдан қўйиб юбормай чалиб йиқитиш амали бажарилганини, яна бирида эса белбоғ ушлашиб, сўнг бир қўлни қўйиб юборишлигини эслайди. Биз 1995 йилда Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Ҳаким ат-Термизий II хотира турнирида бир қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлган эдик.

Термиз стадионида одам лиқ тўла, бирорта бўш ўриндиқ қолмаган. Турнирнинг биринчи кунини стадионнинг ўзида илмий семинар ўтказилди. Тахминан 150 га яқин одам қатнашди. Шу семинарда янги кураш қоидалари яна бир карра муҳокама қилинди. Шунда бир кекса киши курашда кийиладиган нимчанинг калталиги ва амаллар белбоғдан ушлаб бажарилмаётганлиги ҳақида норози оҳангга гапирди. У киши орқароқда эди, дарҳол жойига ўтқазиб қўйишди. Ўша кекса полвон асабийлашганича қолаверди. Семинар тугаб, одамлар тарқала бошлаганига қарамай, у киши ҳамон асабийлашар эди. Мен шу кишининг орқасидан эргашиб бордим. Отахонга яқинлашиб, асабийла-

шаётганининг сабабини сўрадим. У киши эса, Тошкентдан келганлар мени тингламади-ку, сен нима қилиб берардинг, деб жавоб берди. Шунда мен ҳам Тошкентдан келганимни, бунчалик куйиниши сабабини билмоқчилигимни айтдим.

— Эй, ўғлим, шунақа денг, сизни шу ерлик деб қаттиқ гапириб юборибман, деди. Кейин эса ўз норозилигини баён қилиб кетди: «Ўғлим, мен ҳозир 85 ёшдаман. Ўзбек курашининг бир неча тури бўлган, улардан икки тури бел олиш кураш бўлган. Тўйларда шу кураш турида ўзим ҳам курашганман. Отамнинг айтиши бўйича, ана шу бел олиш кураш бўйича Ўзбекистонда 1920 йилларданоқ давлат мусобақалари ўтказиш тақиқлаб қўйилган. Фақат белбоғдан ушланмайдиغان кураш қолдирилган. Бел олиш кураш эса фақат тўйларда курашиладиган бўлиб қолган. 1958 йилдан сўнг секин-асталик билан воҳа вилоятларидаги бел олиш курашлари йўқ қилинди. Фақат тўйларда унинг бир тури бўйича мусобақалар ўтказиладиган бўлди. Яъни ҳозиргидай олдиндан белбоғдан ушланмайдиغان тури қолдирилди. Ўша турда ҳам узун чопон, белда белбоғ билан олишиларди, белбоғдан ушлаб амаллар бажарилар эди. Ҳозирги курашда эса ёқадан тортиб амал бажариляпти, белдаги белбоғ эса юпқа тасмага ўхшайди. Ахир кураш қоидаси унақа бўлмаган-ку». Бу гапларни эшитиб, у кишига тасалли беришга ҳаракат қилдим: «Отахон, миллий курашимизни халқаро миқёсга олиб чиқиш учун чопонлар ихчамлаштирилган, белбоғ ҳам шунга мослаштирилган», — дедим. Отахон бироз ўйланиб турди-да: «Ўғлим, майли сенинг айтганингдай ҳам бўлсин, ахир чопоннинг ичида яқтак бўлган-ку, улар курашганда бу калта чопондан аврати кўриниб қоляпти-ку? Биласанми, ўша яқтак нима учун кийилади, курашчилар олишганда бадан терлайди, ана шу терни яқтак ўзида ушлаб қолади, чопон эса қуруқ тураверади. Бу сўзларимни уқиб олгин». Ана шу кекса паҳлавоннинг сўзларини эшитиб, таъсирланиб кетдим. Сўнг бу отахоннинг сўзларини устозим Жўракул ака Турсуновга айтиб бердим. У киши ўйланиб ҳам ўтирмай: «Ҳақиқатан ҳам курашимиз шундай бўлган, мен ўзим болалигимда бел олиш курашида тўйда курашганман, қўлни белбоғдан қўйиб юбормай чалиб йиқитилар эди. Бел олиш курашининг яна бир турини яхши эслаймман, унда ҳам аввал белбоғдан ушлаб, сўнг бир қўлни белбоғдан қўйиб юборилар эди. Лекин ҳозирги олдиндан белбоғдан ушланмайдиغان кураш қоидасига тузатиш киритиш менинг ихтиёримда эмас», деб жавоб берди.

Миллий курашимиз қоидаларининг бузилиш даврларига гувоҳ бўлган, Ўзбекистонда самбо курашини ривожлантириш асосчиларидан бўлган Ҳожиакбар Мирсаматов (1927—2008) Тошкент шаҳрида истиқомат қилган (8-расм.).

У кишининг айтишича, 1947 йилдан бошлаб самбо курашини тарғибот қилиш жадаллашиб кетади. Бу ҳақда у шундай ҳикоя қилган эди: «Ёшлигимдан миллий кураш билан шуғулланиб турардим. У пайтларда Ўзбекистонда эркин кураш ҳам унча ривожланмаган эди. Миллий кураш турлари билан ёшлигимдан шуғулланганлигим менга қўл келди. 1947 йилда Москвага йўлланма билан ишга борган эдим.



8-расм. Хожиакбар Мирсаматов (чапда) билан Ўзбекистон телерадио-компанияси мухбири Шожалол Шоқосимов суҳбат ўтказмоқда. Тошкент шаҳри, Хожиакбар Мирсаматов хонадониди. 1995 йил.

Ўша ерда эркин кураш бўйича шаҳар биринчилигида биринчи ўринни олдим. Шунда менинг курашим А. Харлампиевга ёқиб қолиб, у менга самбо кураши билан шуғулланишни тавсия қилди. Шу мақсадда у киши мени Москвада олиб қолди. Самбо курашини у кишидан пухта ўрганиб, Латвия, Литва, Эстония ҳамда Чеченистонда маҳаллий аҳолига шу кураш туридан сабоқ бердим.

Уч йилдан сўнг Тошкентга қайтиб, 1958 йилгача ички ишлар ходимларига самбо бўйича сабоқ бердим.

Ҳақиқатан ҳам, 1958 йилдан воҳа вилоятларидаги бир нечта кураш турлари бирлаштирилиб, «Бухороча кураш» деб номланган. Бундан асосий мақсад самбо курашини ривожлантириш бўлган. Ўша даврларда воҳа вилоятларида бир қанча бел олиш кураш турлари бўлган. Улардан бирида белбоғдан қўлни қўйиб юбормай чалиб йиқитиларди. Яна бирида эса белбоғдан бир қўлни қўйиб юбориб курашилари. Бошқа бир турида белбоғлардан олдиндан ушламай, фақат амал бажаришда ушланар эди. Курашларнинг зўри тўйларда бўлар эди. Мен билганим, 1960 йилларга яқин воҳа вилоятларидаги тўйларда бел олиш кураш тури йўқ бўлиб кетди. Фақат олдиндан белбоғдан ушланмайдиган кураш қолди, холос. Одамларни чалгитадиган бир нарса борки, у ҳам бўлса ўша воҳа вилоятларидаги оёқдан чалиб йиқитиладиган бел олиш кураш бўйича мусобақалар ўтказишни давлат томонидан тўхтатиб қўйиш Ўзбекистон Республикаси ташкил топган дастлабки даврдан бошланган. Ҳеч ким, ҳатто ҳеч қайси раҳбар чурқ этолмасди, ҳамма масалада Москвадан туриб буйруқ берилар эди. Оёқдан чалиб йиқитиладиган бел олиш курашининг икки туридан фақат тўйларда мусобақалар ўтказилган. У ҳам 1960 йиллардан кейин йўқ қилинган.

Мен ички ишлар бўлимида ишлаганлигим сабабли шу нарсани айта оламани, бу марказнинг оғзаки буйруғи билан амалга оширилган. Давлат сири бўлганлиги сабабли ҳамма сукут сақлаган.

Хожиакбар Мирсаматов 1927 йилда Тошкент шаҳрининг Темирчи маҳалласида таваллуд топган. Ўзбекистонга самбо кураши кириб келишига асос солган инсонлардан ҳисобланади. Ўзбекистон телерадиокомпанияси мухбири Шожалол Шоқосимов 1995 йилда суҳбат ўтказгани у кишининг хонадонига олиб борган эди. Ҳақиқатан, самбо курашини ривожлантиришда Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб хизмат кўрсатган инсон шу киши эканлигига ишонмасдан иложи йўқ эди.

Туркменистонлик мархум Худойберди Полтаев ўз вақтида жуда машхур паҳлавон бўлган. Унинг донғи самбо кашфиётчиларидан А.Харлампиевгача етиб боради. Уни бир неча бор Москва шахрига чақиртириб, ойлаб самбо кураши бўйича машғулотлар ўтказди. Худойберди Полтаев Москва шахрида ўтказилган дастлабки самбо курашида А.Харлампиевнинг шогирдларидан бир нечасини енгади. Унинг қўшала ёнбош, кўтарма (подхват), оёқдан қоқиш, тўғаноқ чалиш амалларини белбоғдан ушлаб, қўлни қўйиб юбормай бажаргани ҳаммани лол қолдиради. Бу амалларнинг бажарилишини кўрган А.Харлампиев Худойберди Полтаевдан бу қандай кураш тури амаллари эканлигини сўрайди. У эса, Ўрта Осиё миллий кураши амаллари, деб жавоб беради. Ана шу амалларни ўрганиш учун Худойберди Полтаев билан бир неча соатлаб машғулот ўтказган А.Харлампиев уларни бажариш нақадар мураккаблигини тан олади. Энди А.Харлампиев ўз навбатида бу амалларни осон, қулай, содда йўналишда бажариш мумкинлигини исботлаш мақсадида қўшала ёнбош амалини белбоғ орқали эмас, қўл енги ва нимча ёқасидан ушлаб ташлаш орқали ҳамда оёқдан қоқиш амалини ҳам белбоғ орқали эмас, қўл енги ва нимча ёқасидан ушлаб бажаришни Худойберди Полтаевга ўргата бошлайди (9-расм.).



9-расм. Туркменистонлик машхур паҳлавон Худойберди Полтаев (1912—1975). У бир неча бор республика ва Ўрта Осиё голиби бўлган. Сураат туркменистонлик мураббий Овез Хондурдиев шахсий архивидан олинди. 1999 йил.

Ушбу амалларни пухта ўрганган Худойберди Полтаев Туркменистонда уни тарғибот қила бошлайди. Ўша даврларда бу амалларни бажаришнинг содда йўллари ўргатмоқчи бўлган Худойберди Полтаев ўз юртидаги кексалардан таъна-дашномлар эшитади. Унга ҳатто туркман «гураши» амалларининг бажарилишини бузмаслигини талаб қилиб, бир йиғинда ўртадан чиқариб ҳам юборишади.

1999 йилдаги илмий-амалий семинарда қамина туркман курашидаги қўшала ёнбош, кўтарма (подхват) ва бошқа амалларнинг белбоғ орқали бажарилишини кўриб ҳайратга тушган эдим. Кекса паҳлавонлар эса 1950—60-йилларда Чоржўй (Лебаб) вилоятига Ўзбекистондан келган паҳлавонлар ҳам шундай курашганликларини айтадилар. Лекин бугунга келиб бу кураш амалларининг бажарилиши бизда ўзгариб кетганлигини афсус билан таъкидлаган Лебаб вилояти спорт қўмитаси раиси Бобониёз Қиличев шундай деди:

«Туркменистонда миллий қадриятларига жуда катта эътибор берилади. Улар фақат белбоғдан қўлни қўйиб юбормай йиқитадиган курашни тан оладилар. Шу курашни ўзбекларда Бел олиш кураш деб айтишади. Мен бир вақтлар Туркменистонда «яқлашма» кураши қоидасини тарғиб қилганман. Курашнинг бу турида ўзбеклар ҳам, туркманлар ҳам қадимдан курашган, 1924 йилда давлат чегаралари бўлингандан сўнг бизда бу кураш тури бўйича мусобақалар ўтказиш тақиқлаб қўйилган. Шунинг таъсирида бўлса керак, ҳозиргача Ашхабодда уни тан олишмаган. Тўғриси айтсам, бу кураш турида ҳам бел олиш кураши амаллари мавжуд. Фақат олдиндан белбоғ ушланмайди, амаллар аслидагидек бел орқали амалга оширилган. Бу курашимизда самбога тақлид қилиш натижасида чопонларимиз калталаштирилган, белбоғ ўрнига самбо кураши тасмалари боғланади. Ана шу жиҳатлари ва амалларни бажаришда белбоғ ўрнига нимча енгидан ва ёқасидан ушлаб тортиб ташлашлар кекса курашчиларга ёқмайди. Ўзимнинг саъй-ҳаракатларим натижасида ва 1990—1992 йилларда ўзбекистонлик мутахассислар кўмагида «яқалашма» кураши бўйича бир қанча мусобақалар ўтказишга эришдим».

Ҳақиқатан ҳам, Ўрта Осиё давлатлари орасида туркманлар миллий қадриятлари бўлган «гураш» турига катта эътибор бериб келганлар. Улар бел олиш курашининг ўзига хос амалларини бугунги кунгача сақлаб келганлар. Фараз қилинг, қўшала ёнбош, кўтарма (потхват), оёқдан қоқиш ва оёқдан кўтариб ташлаш амалларини белбоғдан ушлаб қойил қилиб бажаришади.

Бел олиш кураш тарихи бўйича олиб борган изланишларимиз давомидаги суҳбатларимизни давом эттираемиз.

Фарғонанинг Бағдод туманида яшаб ўтган санъаткор Аҳмадқул Маматқулов ҳам курашга ишқибоз бўлган. У киши 1990 йиллардаги бир суҳбатда шундай деган эди: «Мен 1956 йилда Тожикистоннинг Қўрғонтепа шаҳридаги бир бой одамнинг тўйида уч кун хизматда бўлганман. Ана шу тўйда бўлган кураш мусобақасини ўз кўзим билан кўрганман. Улар курашни «гуштунгири» дер эканлар. Бел олиш кураш эса ўзимизнинг «Фарғонача кураш»нинг ўзи. Фақат улар оёқдан чалиб йиқитар эканлар. Агар бел олиш курашда дуранг бўлса ёки натижа ҳал бўлмаса, тўрда ўтирган қариялар ҳал қилар экан. Бирорта томошабин аралаша олмас экан».

1988 йилда Қорақалпоғистоннинг Қораўзак туманида бўлган бир суҳбатда кекса ёшли Нурали оға шундай ҳикоя қилган эди: «Биз, қорақалпоқларда ҳам бир неча кураш тури бўлган. Улардан бирида белбоғдан ушлаб қўлни қўйиб юбормай чалиб йиқитилади, у бизда «Бел олиш кураш» дейилади».

«Алпомиш» достонида Қўнғирот тўғрисида ҳам сўз боради. Қўнғирот шаҳри Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган. Энг қизиғи, дostonда бел олиш кураш тўғрисида ҳам ҳикоя қилинади.¹

Бухоро тарихи зарварақларини варақлаганда, бу ўлкада ҳам курашнинг бир неча тури мавжудлиги ҳақидаги манбаларга дуч келамиз.

¹ «Алпомиш». «Фан» нашриёти. Тошкент, 1969, 8—9-бетлар.

Бухоро амири Сайид Олимхоннинг «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» асарида шундай жой номлари билан танишамиз: «Бухоро мамлакати йигирма саккиз бекликка бўлинган эди. Улардан Нурота, Қоракул, Қабоқли, Чаҳоржўй, Карки, Бурдолик, Калиф, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Фузор, Қоратегин, Бойсун, Ҳисор, Деҳнав, Қўргон-тепа), Кўлоб, Кабодиён, Дарвоз, Рувшон бекликлари ва мирликлари ҳамда қадимий маданий ёдгорликлар мавжуд. Бухоро, Зиёвуддин, Кармана, Қоратоғ, Шеробод, Душанбе, Файзобод шаҳарлари ҳануз машҳур ва маълумдир».¹ Худди ана шу ҳудудларда ҳам албатта бел олиш кураш тури оммалашгани ҳақиқатдир. Тадқиқотлар олиб борилганда айнан Чоржўй (ҳозирги Лебаб) вилоятининг Карки шаҳрида истиқомат қилувчи ўзбек ва қорақалпоқ миллатига мансуб кекса полвонлар бу ҳақда кўп хотирладилар. 1897 йилда Карки шаҳрида бўлиб ўтган тўйда «Кураш» ва «Бел олиш кураш» турларида олишаётган полвонларнинг фотосуратларини кўрдик. Ушбу сурат ҳозирги кунда Москва давлат фотоҳужжатхонасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архивида сақланмоқда (10-расм.). Ана шу суратларнинг бирида бел олиш кураш, иккинчисида жаҳон саҳнасига чиққан, бугунги кунда барча эътироф этаётган ўзбек миллий кураши ўз аксини топган. Ана шу ерда эътироф этиш мумкинки, Бухоро амирлигига қараган бекликдаги Бухоро вилоятида Қоракўл, Бухоро шаҳри, Қашқадарё вилоятида Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Фузор, Навоий вилоятида Нурота, Кармана, Самарқанд вилоятида Зиёвуддин, Сурхондарё вилоятида Бойсун, Шеробод ҳамда қўшни республикалардан Тожикистоннинг Душанбе, Қўргон (тепа), Кўлоб, Туркменистоннинг Чаҳоржўй, Карки шаҳарлари ҳозирги кунгача сақланиб қолинган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архивида Сурхондарё вилоятининг Узун тумани «Янги рўзғор» колхозида 1955 йилда суратга олинган бел олиш кураш машғулотининг фотосурати ҳам сақланмоқда. Ушбу сурат воҳа вилоятларида 1960 йилларгача чалиш йўналишидаги бел олиш кураш мавжуд бўлганлигининг далилидир (11-расм.).

Бел олиш кураш ҳақида сўз юритар эканмиз, бевосита тарихий далилларга мурожаат қиламиз. Бизга маълумки, Ўзбекистон ҳудудида иккита хонлик — Хоразм ва Қўқон хонлиги ҳамда Бухоро амирлиги бўлган. Шулар ичида қадимий Хоразмшоҳлар даврида ҳам бир неча кураш турлари мавжудлиги ҳақида манбаларда маълумотлар учрайди. Паҳлавон Маҳмуднинг паҳлавонлиги бунга ёрқин мисолдир. Бу катта ҳудудни эгаллаган Хоразмшоҳлар давлати таркибига ҳозирги Туркменистоннинг бир қанча шаҳарлари ҳам кирган. Ана шу шаҳарларда ўзбек, туркманлар азал-азалдан бир оила бўлиб ҳаёт кечирганлар, урф-одатлари бир-бирига яқин бўлган, ҳатто давраларда кураш тушиш амаллари ҳам деярли бир хил бўлган. Замонлар ўтиб ҳудудлар чегараси ўзгарган, лекин азалий қадриятлар такомиллашиб бориши туфайли

¹ Саид Олимхон. «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи». «Фан» нашриёти. Тошкент, 1991, 25—27-бетлар.



10-расм. 1897 йил Карки шаҳри. Тўйдаги «Кураш» ва «Бел олиш кураш». Туркистон албомидан.
Ўзбекистон давлат архиви.



11-расм. Узун туманидаги «Янги рўзгор» жамоа хўжалигида Бел олиш кураш тўгараги қатнашчилари. Сурхондарё вилояти. 1955 йил. Ўзбекистон давлат архиви.

кураш санъатида ҳам бир йўналиш давлат миқёсида ривожланиши натижасида иккинчи бир йўналиш сунъий равишда тақиқланиб, 1950 йиллардан кейин воҳа вилоятларида тўй кураши бўлиб қолган бел олиш кураш тури аста-секин йўқолиб кетди. Ҳозирги кунда Туркманистон ҳудудида белбоғдан ушлаб, қўлни қўйиб юбормай чалиш орқали амал бажариладиган кураш кенг тарқалган, бу курашни ўша ердаги ўзбек миллатига мансуб аҳоли ханузгача «бел олиш кураш» деб келади.

Тарихчи олим, академик А.Асқаровнинг таъкидлашича, Туркманистоннинг Копетдоғ этакларида намозгоҳ маданияти бўйича олиб борилган қазилмалар пайтида, шунингдек, қадимги илк шаҳар харобаларида олиб борилган кўп йиллик дала-тадқиқот ишлари давомида юздан ортиқ аёл маъбудаларга бағишлаб чизилган пиктографик белгилар топилди. Бу белгилар ўзининг шакли, характери бўйича шумер ҳамда проэлам ёзувларидан деярли фарқ қилмайди.

Дарҳақиқат, қадимда Ўрта Осиё ибтидоий жамоалари билан Месопотамия ва Харппа аҳолиси ўртасидаги фаол маданий алоқалар бу халқларнинг бошқа соҳалардаги тараққиётига ҳам ижобий

таъсир кўрсатган. Шунингдек, олимнинг ана шу хулосаларига таянган ҳолда, бир неча ўн асрлар аввал Месопотамияда бошланган бел олиш кураш Хоразм ўлкасида ҳам бир вақтда ривожланган ва бу кураш тури Грузия ҳудудига айнан Хоразмдан кириб борган, деб айтишимизга асос бўлади.

Фикримизни 1991 йил 9 июлда спорт газетасида чоп этилган Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани Лангар қишлоғида яшовчи Ғози Раҳмоннинг «Полвон бобо, белбоғингиз қайда қолди?» мақоласи билан давом эттирамиз. Мақолада шундай жумлалар бор: «Мен ўзбекнинг эғнида тўн ёки ятак, бошида қалпоқ кийиб туришини ҳар қандай тожу тахтнинг салтанат намойишига алмашмайман. Ўзбек паҳлавонлари белига белбоғ боғлаб кураш тушишган. 1950 йилларда курашга чиққан йигитлар устига албатта тўн кийиб курашган. Кейинги ўн беш-йигирма йил ичида қишлоқда ҳам, тўй курашларида ҳам полвоннинг кийими тўн ёки чакмон эмас, қаттиқ матодан енгсиз, калта қилиб тикилган нимча, белбоғ ўрнида айилсимон чилвир ёки шу ҳам йўқ. Энди ўйланг, белда белбоғ бўлмаса, рақиблар бир-бирининг қаеридан ушлайди?»

Албатта, биз бу далиллар орқали воҳа вилоятларидаги бир неча кураш турларидан бири тўғрисидаги фикримизни исботлаймиз. Бу мақола Ўзбекистон мустақилликка эришмасдан олдин чоп этилган эди.

Лекин Бел олиш курашининг ҳақиқатдан бир неча тури бўлганлиги ҳақида маълумотга эга бўлсак-да, лекин бу масалани янада ойдинлаштириш учун узоқ изланишлар олиб боришга тўғри келди.

Тарихдан бизга маълумки, Хоразмшоҳлар давлати даврида ҳам, Хоразм хонлиги даврида ҳам Кўҳна Урганч шаҳрида мавжуд бўлган бел олиш кураш ҳозир ҳам мавжуд.

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши муносабати билан Кўҳна Урганч Туркменистон ҳудудида қолиб кетди. Худди шундай, Бухоро амирлиги тасарруфидаги Чоржўй, Карки шаҳарлари Туркменистон ҳудудида қолиб кетди.

Юқорида зикр этилган шаҳарларда бугунги кунгача ўзбек кураши турларидан бўлган бел олиш кураш бузилмаган ҳолда сақланиб қолган ва шу ерлик ўзбеклар бу спорт турини «Бел олиш кураш» деб атайдилар. Тарихда ҳудудлар бўлиниши, номлар ўзгариши мумкин, лекин бизнинг миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги бўлган ўзбек кураши турлари ва уларнинг номларини қандай бўлса шундайлигича халқимизга етказишни биз муаллифлар ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Аввал айтиб ўтганимиздек, 2002 йилда Эрон ислом республикасининг Гулистон, Мозондарон ва Хуросон вилоятларига илмий экспедициялар уюштирдик.

Сафаримизни Гулистон вилоятининг Гургон шаҳридан бошладик. Гулистон вилоятининг маркази бўлган Гургон шаҳрининг номи қадимда Астробод бўлган (12 а, б, в, г- расмлар).

Ана шу Гулистон вилоятининг Куммат ва Келала шаҳарларида бўлиб ўтган катта тўй бел олиш курашларини кўришга муваффақ бўлдик. Бел олиш кураш асосан никоҳ тўйларида уюштириларкан,



12 а



12 б



12 в



12 г

12 а, б, в, г-расмлар. Эроннинг Гулистон вилоятидаги расмий ва норасмий бел олиш тўй курашлари мусобақаларидан лавҳалар. 2002 йилдаги изланишлар, тадқиқотлардан бири. Гургон шахри.

тахминан 5 мингга яқин, гоҳида ундан ҳам ортиқ одам йиғиларкан. Бел олиш кураш қонун-қоидалари ҳудди Заҳириддин Муҳаммад Бобур яшаган замондагига ўхшаб кетар экан, яъни биринчи бўлиб энг кучлилар сараланиб олиниб, сўнг бошқалар кураш тушар экан. Белбоғлар белдан сиқиб боғланиб, паҳлавонлар бел олишганда белбоғни қўйиб юбормай чалиб йиқитар экан. Катта даврани доира шаклида чизиб, ана шу доира ичида курашилиб, ўртадаги холислардан бошқа одам ғолибларни аниқлашга аралашмас экан.

Маҳаллий аҳолининг маълумотлари кўра, биргина Гулистон, Мозондарон, Хуросон вилоятларида бир йил давомида тўйларда 500 га яқин бел олиш кураш мусобақалари бўлар экан. Вилоятдаги кексалар ўтмишда уларнинг тўйларига Ўрта Осиёдан паҳлавонлар от аравада келганликлари ҳақида ўз ота-буваларидан эшитишганини айтишди. Ҳатто, паҳлавонлар форс тилида бемалол гаплаша олишган. Бу ерларда ҳозир ўбеклар оз бўлса-да, бор экан. Улар билан Куммат шахрида учрашдик. Уларнинг ота-бувалари асли қашқадарёлик эканлар. Улар ўзбекларнинг бир неча кураш турлари бўлганлигини айтиб, уларни амалда кўрсатиб беришди. Бу курашнинг биринчи турида олдиндан белбоғ ушлашиб, сўнг белбоғдан бир қўлни қўйиб юбориб, ўша қўлни елканинг орқасига олиб ўтиб, яна белбоғдан ушлаб амал қўлланар экан. Иккинчи турида белбоғлардан қўлни қўйиб юбормай

чалиб йиқитиш ҳамда яна бир турида аввалдан белбоғдан ушланмай бажариладиган амалларни кўрсатиб бердилар.

Бу кураш амаллари бизни кига ўхшашлиги кўриниб турибди.

Сафар чоғида никоҳ тўйларидаги бир неча бел олиш курашини видеотасвирга ҳам туширдик. Шунга ўхшаш семинарлар Хитой халқ республикасининг Уйғур автоном республикасида давом эттирилди. Урумчи, Ёркент, Қашқар ва Ортуш шаҳарларида, Қашқар вилоятининг Қашқар шаҳридаги Тан таълим-тарбия мактабида бел олиш кураш амаллари видеотасвирга олинди. Энг қизиғи, улар ҳам бел олиш курашини ўзларининг «Челиш» курашига ўхшашлигини кўриб, қадимий уйғурлар ва ўзбекларнинг қадриятлари бир хил бўлганлигини эътироф этдилар.

Ўзбекистоннинг водий вилоятларига кўшни бўлган Хитой Цинзян Уйғур автоном Республикаси, Қизилсув қирғиз автоном вилояти, Ортуш шаҳридаги бел олиш курашида оёқдан чалишнинг тақиқланишига келсак, бу кураш қонун-қоидалари Фарғона водийсининг бел олиш курашидагига айнан ўхшаш. Қашқар вилоятидаги бел олиш курашларида эса чалиш амалларини қўллаш мумкин экан. Шундан ҳам билса бўладики, Хитойдаги ватандошларимизнинг таъкидлашича, ўзбек курашининг бир неча турлари бўлган экан.

Бугунги кун ёшларида, нима учун собиқ иттифоқ даврида кураш атамаси ҳамма кураш турлари учун қўлланган, деган савол туғилиши табиий.

Биз манбаларга таянган ҳолда узоқ йиллар олиб борилган илмий изланишлар, кузатувларга асосланиб, ўзбек кураш турларида аждоқларимиз таърифлайдиган амал бажаришнинг таянч нуқтаси бел бўлиб келган деб айта оламиз. Ана шу сабабли аввалдан белбоғдан ушлаб ёки аввалдан белбоғдан ушламай амал бажарилишига кўра уларга тўғри ном бериш мумкин. Аввалдан белбоғдан ушлаб олинадиган курашларни аждоқларимиз «Бел олиш кураш» деб аташган. Бундай номлаш жуда ҳам тўғри. Сабаби амаллар бажаришда асосий зўриқиш белга тушади.

Демак, бел орқали рақибига жисмоний куч ишлатиб, унинг елкасини ерга текказишнинг ҳар қандай турини Бел олиш кураш дейиш мумкин.

Биз аввал айтиб ўтганимиздек, собиқ иттифоқ даврида миллий кураш турларининг ривожланишига катта тўсқинликлар қилинди. Шу сабабдан унинг кўп турлари йўқ бўлиб кетди, борларини номлашда ҳам катта хатоликларга йўл қўйилди. Ана шу кураш турларининг фарқларини ва номланишини аниқлашда биз, муаллифлар, камина ва Аҳролжон Рўзиев кўп йиллар тадқиқотлар олиб бордик. Бунинг учун Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Россия Федерациясининг бир қанча шаҳарларида, Эрон, Туркия, Хитойда истиқомат қилувчи ва республикамизнинг барча вилоятларида яшовчи, миллий курашларимиз қонун-қоидалари ва келиб чиқишини яхши билладиган ўзбек миллатига мансуб кекса фахрийлар билан суҳбатлар ўтказдик.

Олдимизга қўйган асосий вазифа «Олиш» атамаси нима, у қандай маънони англатишини аниқлаш эди. Воҳа вилоятларида истиқомат қилган бир қанча кексаларнинг айтишига қараганда, «Олиш» атамаси

рақибнинг елкасини ерга текказиш маъносида ишлатилмас экан, аксинча, рақибга жисмоний куч ишлатилаётган ҳолатдир. Бу ҳақда сурхондарёлик Абдумалик ота шундай ҳикоя қилган эдилар: «Мен ўзим курашчи эмасман, лекин отам яхши курашчи бўлган. Кураш хадисини яхши билган у кишининг айтишича, «Кураш» деганда рақиблар бир-бирининг елкасини ерга текказиши, йиқитиши тушунилади. «Олиш» деганда эса ҳар қандай рақибга жисмоний куч ишлатилаётган ҳолат тушунилади. «Олишув»ни эса икки кишининг бир-бирига жисмоний куч ишлатаётган ҳолатидир деб тушунаман. Отам «кураш» ва «олиш» атамаларини қўшиб гапирар эдилар: «Чорининг тўй курашида яхши олиш бўлди, полвонлар кўп келди. Жўракул ҳам тўй кураши беряпти, у ерда ҳам яхши олиш бўлса керак».

Воҳа вилоятидаги кишилар ҳам ўз суҳбатларида бу атамаларни кўп ишлатадилар: «— Аброр ака, Баҳодир уйдаи, чақириб юборинг. — Кел ўғлим, яхши юрибсанми, отанг яхшими, Баҳодир кеча Қаршига тўй курашига борганди, олишда тинкаси қурибди шекилли, ухлаб ётибди».

«Кеча Термизга курашга борган эдик, ўзиям яхши олиш бўлди, лекин биз фақат қийқириқларни эшитдик, холос. Стадионда одам лиқ тўла экан, шунча ялинсак ҳам мелисалар бизни ичкарига киритмади». Бағдод туманида истиқомат қилувчи кекса паҳлавон Тўраназар Хўжа ўғли «Олиш» ва «Кураш» ҳақида шундай дейди: «Олиш бўлмаса, кураш бўлмайди. Олдин куч ишлатилади, сўнг йиқитилади».

Кураш хадисини яхши билувчи кекса хитойлик ўзбекларнинг айтишича, ҳар қандай рақибга жисмоний куч ишлатиш пайтидаги ҳаракатнинг ўзини олиш дейиш мумкин, кураш эса йиқитишдир. Шунинг учун аждодларимиз олиш сўзини ишлатадилар. (2003 йил тадқиқотларидан. Қашқар шаҳри). Туркияда яшовчи кураш хадисини яхши билувчи кекса ватандошларимизнинг айтишича, олиш ва олишув бир хил маъно берувчи сўзлардир. «Олиш» ҳар қандай рақибга жисмоний куч ишлатилаётган пайтдаги ҳаракат. «Олишув» эса икки кишининг бир-бирига жисмоний куч ишлатаётгандаги ҳаракатидир. «Кураш» эса рақибни йиқитишдир. Шундан келиб чиқиб «Бел олиш кураш» маъноси белга куч ишлатиб йиқитишдир (Истамбул, 2004 йил тадқиқотларидан).

Мана шу ерда яна тарихий далилларга мурожаат қиламиз. Ўзбекистон ССР Министрлар совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг «Физкультура коллективларига ёрдам» («Кураш») китобида шундай жумлаларни ўқиймиз:

«Агар полвонлардан бири майиб бўлганлиги туфайли курашни давом эттира олмаса, бу олишув 5 минутгача тўхтатилиши мумкин, лекин шу ондаёқ навбатдаги жуфтларнинг олишуви тайинланади. Бордию, ҳалиги курашчи 5 минутдан кейин ҳам олишувни давом эттира олмаса, у мағлубиятга учраган ҳисобланади. Агар бир олишув мобайнида кураш доимо бир полвоннинг айби билан тўхтатиладиган бўлса, ўша танаффус учун ўтган вақт жами 5 минутдан ошмаслиги лозим».¹ Мана шу жумлалардан ҳам билса бўладики, «кураш» атамаси

¹ "Кураш". Тошкент, 1959 йил, 16-бет.

рақибни йиқитиш учун ишлатилаётган бўлса, «олишув» атамаси рақибларнинг бир-бирини йиқитиш учун сарфланадиган жисмоний куч ишлатиш давридаги ҳаракатини билдиради.

Ўзбек кураши ҳадисини яхши билган кексаларнинг айтишича, аввалдан белбоғдан ушланмайдиган бир қанча йўналишларни ўзида мужассамлаштирган қоидалар асосида олишиладиган тури «кураш» дейилади. Ана шу курашда амал бажаришнинг таянч нуқтаси — бу белдир. Белбоғдан ушлаб олишиладиган турларнинг барчасини «Бел олиш кураш» деб таъкидлайдилар.

Бугунги кунда дунё саҳнасида чиққан курашни «Бел олиш кураш» дейиш унчалик тўғри бўлмайди. Чунки, биринчидан, рақиблар аввалдан белбоғдан ушлаб курашмайдилар;

иккинчидан, қадимдагидек фақат белбоғдан эмас, нимчанинг ёқасидан, енгидан ва бошқа ҳар қандай жойидан ушлаб амал бажарилади;

учинчидан, агар курашчида хоҳиш бўлса, рақибининг белбоғидан бир қўлда ёки икки қўлда ушлаб ҳам амал бажариши мумкин.

Ана шу жиҳатлар ҳисобга олинса, бугунги ўзбек кураш турининг имкониятлари анча такомиллашган. Ўтмишдаги кураш турига нисбатан амалларни бажариш имкониятлари кенгдир. Демак, бу кураш турида ҳар қандай амалларни белбоғ ёрдамисиз ҳам бажариш мумкин.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда бугунги жаҳон андозаларига мос кураш туримизни такомиллашган ўзбек кураши дейиш тўғрироқдир.

Хўш, шундай экан, қандай курашни қадимий ўзбек кураши дейишимиз мумкин. Ана шу ерда кураш ҳадисини мукамал билган кекса ёшдаги паҳлавонларнинг далилларини келтирамиз. Уларнинг айтишича, бир қанча йўналишларни ўзида мужассамлаштирган қоидалар асосида, яъни белдаги белбоғдан аввалдан ушлашмай ташланиш, шунингдек белдаги белбоғни бир қўл билан ёки икки қўл билан ушлаб чалиб ёки чалмай амаллар бажариш ва белдан қучоқлаб жисмоний куч ишлатиб кўтариб ташлашни қадимий кураш дейиш мумкин.

Бунинг исботи учун Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» аса-ридаги шеърий мисраларга эътиборингизни тортмоқчимиз:

Худди қулун томон чопган шердай маст,
Бирининг белидан кўтардию даст
Ерга чунон урди, бўлди чилпора.¹

Ҳақиқатан, кураш ҳадисида айтилгандай, бу шеърий парчада қадимий амаллар мужассам: чопиб келиб рақибга ташланиш ва рақиб белидаги белбоғидан ушлаб кўтариб ташлаш (13-расм).

Кўриниб турибдики, аждодларимиз таърифлагандек, қадимий курашда бел амал бажаришнинг таянч нуқтаси бўлган. Лекин бугунги

¹ Фирдавсий. "Шоҳнома". 3-китоб, Ғ. Фулом нашриёти, 1977 йил. 183-бет.

замонавий, такомиллашган ўзбек курашида чопиб келиб ёки ташла-ниб рақибнинг белидан кўтариб ташланмайди. Сабаби, бугунги та-комиллашган ўзбек курашида амалларнинг таянч нуқтаси бел эмаслигидадир. Шу сабабдан биз қадимий манбаларга таянган ҳолда юқоридаги фикрларимизни исбот-лашни мақсад қилганмиз. Бизнинг миллий курашларимиз анъанала-рини бузмоқчи бўлганлар маҳал-лий халқ ўз тарихини, қадриятла-рини, урф-одатлари, динини уну-тиб, бузиб кўрсатилган янгилик-ларни ўзлариникидек қабул қилишларига эришмоқчи бўлдилар. 1924 йилдан сўнг, аниқроғи Ўзбе-кистон Республикаси ташкил топ-ган кундан бошлаб, сўнгра 1950 йиллардан бошлаб сунъий равишда самбо кураш турига тақлид қилиш натижасида ўзбек миллий кураш турларининг номланиши ҳамда кураш амалларининг бажарилиши ўзгартирилиб, мураккаб жараёндан содда жараёнга ўтишини ўша даврнинг таъсири, деб изоҳлаш мумкин.

Биз, муаллифлар, ушбу қўлланмада ўзбекларнинг миллий-мада-ний мероси бўлган Бел олиш кураш турларининг бир неча йўналиш-лари ҳамда замонавий ўзбек курашининг аслида қандай бўлганлигини исбот-далиллар асосида ёритишга ҳаракат қилдик.

Бизга маълумки, замонавий кураш турларини ривожлантириш мақсадида олиб борилган сиёсат собиқ иттифоқ таркибидаги давлатлар миллий кураш турларини ўтмишдагидан ўзгартириб, асл моҳияти-нинг йўқолишига олиб келди.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги замонавий эркин кураш Англияда шаклланган. Бу ерда XVIII асрданоқ шундай кураш варианты мавжуд бўлганки, бунда курашчиларга ҳужум воситаларини танлашда жуда кенг имкониятлар берилган. XIX асрда Европада профессионал кураш жадал ривожлана бошлади.

Спортдаги профессионализм аста-секин Америка ҳудудини ҳам эгаллади. Кураш гўё сердаромад машғулотга айланди. Шу ваздан Ши-молий Америкада эркин курашни тарғиб қилувчи ёшлар спорт тўга-раклари пайдо бўла бошлади. Кураш инсонни ҳар томонлама ривож-лантирувчи қизиқарли ва томошабоп спорт турларидан бири бўлиб қолди.

1904 йилда АҚШда ўтказилган учинчи Олимпия ўйинларида аме-рикаликлар мезбон сифатида ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, биринчи



13-расм. Ушбу сурат бел олиш кураш турини эслатади. Лекин аслида у кураш ҳадисида таърифланган бир қанча йўналишларни ўзида мужассам қилган қадимий «Кураш» турига ҳам хосдир. Қадимий Кураш ҳадисида таърифланганидай, амал бажаришнинг таянч нуқтаси белдир (тадқиқат ҳуло-салари). Ушбу шарқ миниатюрасига хос сурат А.Фирдавсийнинг «Шоҳ-нома» асарининг учинчи китобида берилган. Тошкент, 1977 йил. Ф.Ғулом нашриёти. 181- б.

бор Олимпия дастурига юнон-рум кураши ўрнига эркин кураш мусобақаларини киритдилар. XVIII—XIX асрларда Европада, айниқса, Францияда курашга қизиқиш қайта тиклана бошлади. Аҳоли ўртасида курашга бўлган қизиқишнинг уйғониши кўп сонли профессионал курашчиларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ана шу даврларда ҳар хил турнир ва чемпионатларда қатнашиш учун Францияга Германия, Туркия, Италия, Россия, Швециядан курашчилар кела бошладилар. Бу кураш тури Европанинг барча давлатларида „Французча кураш“ номи билан кенг тарқалган эди. Америкаликлар томонидан 1904 йилда III Олимпия ўйинларига киритилган янги эркин кураш тури Чор Россиясини ҳамда Октябрь инқилобидан сўнг шўролар ҳукуматини ҳам бефарқ қолдирмади. Ҳали унча яхши таниш бўлмаган янги кураш турини ўрганишга қизиқиш инқилоб ғалабасининг дастлабки йиллариданоқ бошланди. РКБ (б)нинг VII съезди қарорлари асосида Советларнинг IV Бутунроссия съезди социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ишчи, солдат ва деҳқон депутатларнинг Бутунроссия Марказий ижроия қўмитаси бу қарорларни ҳаётга татбиқ қила бориб, 1918 йил 22 апрелда «Ҳарбий санъатга мажбурий ўргатиш тўғрисида» декрет чиқарди.

Бу декретни амалга ошириш учун Революцион ҳарбий кенгаш ҳузурида умумий ҳарбий таълим ва қизил Армиянинг заҳирадаги қисмларини тузиш Бош бошқармаси (Всеобуч) ташкил қилинди.¹ Ўша даврларда очилган ҳарбий спорт клубларида кураш турларидан сабоқ берила бошланди. Бундай клублардан бири Петроградда 1918 йилдаёқ иш бошлаган эди. Улар (Всеобуч) фаолиятини ривожлантириш мақсадида 1919 йилда Москва шаҳрида инструкторлар тайёрлаш курслари очилди. Мазкур даргоҳлар эса спорт курашларининг янада ривожланишига тurtки бўлди. Ўз навбатида, янги ташкил этилган иттифоқ республикаларида, жумладан Ўрта Осиё республикаларида ҳам «қизил армия захирасидаги аскарларни жисмоний жиҳатдан бақувваг қилиб тайёрлашга аҳамият бериш тўғрисида»ги қарорлар маъқулланди. РКП (б) Марказий Комитети 1925 йил 13 июлда «Партиянинг физкультура соҳасидаги вазифалари тўғрисида» тарихий қарор қабул қилди.² Бу қарорда мамлакатда жисмоний тарбияни кенг миқёсда ривожлантириш дастури белгилаб берилган эди. Жумладан, мазкур қарорда миллий республикаларнинг маҳаллий аҳолиси ўртасида жисмоний тарбия ишларининг олиб борилишига алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидланди. Бу қарор мамлакатдаги барча миллий кураш турларининг оммавий ривожланишига ўз таъсирини ўтказди. Кези келганда шуни айтиш жоизки, мамлакатдаги миллий курашлар ўз йўналишида ривожланмай, аксинча улар халқларни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш мақсадига хизмат қилди. Тан олиш керакки, ёш совет ҳукумати ўша даврнинг ўзидаёқ замонавий олимпия курашларини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб олганди. Мамлакат-

¹ А.Ў. Отаев. "Кураш". Тошкент, "Ўқитувчи", 1987, 41-бет.

² Н. Н. Сорочкин. "Спортивная борьба". М., 1960. 17—18-бетлар.

даги миллий курашлар эса замонавий Олимпия курашларини ривожлантириш учунгина хизмат қилишга қаратилган эди.

Мамлакатдаги кекса кураш фахрийларининг айтишича, ўша даврда америкаликлар томонидан олимпия ўйинларига киритилган эркин курашнинг ўрнини боса оладиган янги кураш турини жорий қилиш зарур эди. Ушбу янги кураш турини жорий қилиш орқали қизил армия кўшинларини ҳар томонлама жисмонан кучли қилиш вазифаси олға сурилди. Ана шу мақсадда мамлакат ичидаги ва хориждаги курашларни ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида жойларга инструкторлар юборилди. Ва ниҳоят, 1930 йилнинг бошларида Россияда янги кураш тури — самбо шакллана бошлади. В.С.Ощепков Япониядаги „Кодакан“ мактабида дзюдо курашини ўрганиб, уни таҳлил қилиш асосида самбо курашини яратган эди. Унинг раҳбарлиги остида 1931 йилда Москва давлат жисмоний тарбия институтида янги кураш турини мукамал ўрганишга киришилди. Янги кураш турида В.Ощепков японча курашдаги иштон ва кимонодан воз кечди ва уларнинг ўрнини калта шим ва махсус нимча билан, шунингдек, спорт оёқ кийимини юнон-рум курашидаги каби чети юмшоқ ботинкалар билан алмаштирди. Шу билан бирга, у оёқларни ушлаб олиб қоқиш ҳамда оёқларга оғриқ берувчи техник ҳаракатларни амалиётга киритди. Лекин бўғиб олиш амалларини бекор қилди. Ушбу кураш турининг пайдо бўлиши ва ривожланишида В.А.Спиридонов, А.А.Харлампиев катта ташаббус кўрсатдилар. Улар хориждаги ва мамлакатдаги миллий кураш турларидан бўлган джиуджитцу (дзю-до, карате, чидоба, гюлеш, хапсагайларнинг энг яхши амалларидан ҳам унумли фойдаландилар.

Самбо дастлаб спорт тури сифатида эмас, балки ҳимоя воситаси сифатида қуролли кучлар, ички ишлар, чегара ва миллий хавфсизлик хизматчиларига ўргатила бошланди. 1932 йилда ҳимоя учун ГТО босқичларига киритилди. Натижада оғриқ берувчи амалларни бажаришда бир қанча қийинчиликлар юзага келди. Унинг оқибатида ҳар хил турдаги жароҳатланишлар бўлганлиги сабабли самбо спорт тури иккига, яъни спорт йўналишидаги ҳамда жанговар турларга ажратилди.

Самбо ва эркин кураш («вольный стиль») турининг мамлакатда пайдо бўлиши ва ривожланишида Москва жисмоний тарбия институтининг роли катта бўлган. Ушбу даргоҳда 1932—1933 йилларда бир қанча етук мутахассислар иштирокида „Французча кураш“ (юнон-рум кураши) ва «дзю-у-до» кураши амалларини чатиштириш ҳамда уни бироз мукамаллаштириш асосида «Эркин кураш» га асос солинди.¹ Ўша даврларда эркин кураш „америкача эркин кураш“ номи билан таниш бўлса-да, мамлакатда ҳали унча ривожланмаган эди. Аввал айтганимиздек, французча курашда оёқдан ушлаш ман этилган бўлса, дзюдода унинг акси эди. Дзюдо курашида рақибнинг оёғидан ушлаш, тўғаноқ чалиш, қоқиш, қайириш, бўғиш каби амаллар ва рақибни

¹ Н.Н.Сорокин. "Спортивная борьба". М., 1960, 20-бет.

гиламга ташлаб ўзи тик туриб қолиш амаллари мавжуд эди. Ундан ташқари, дзюдодаги костюм (кимоно, иштон ва белбоғлар) французча (юнон-рум) курашдагидан ажралиб турар эди. Шундай қилиб, мутахассисларнинг тадқиқотлари асосида ҳеч қандай оғриқ берувчи амалларни қўллагандан, кимоно ва иштондан воз кечиб, французча ҳолатни сақлаб, оёқ ва қўллар ёрдамидаги амаллар орқали рақибнинг елкасини гиламга теккизиш жорий қилинди.

Дастлаб у „америкача эркин кураш“, сўнг „эркин кураш“ номи билан юритилди. Дзюдодаги узун иштонлар калтаси билан алмаштирилган, белдаги белбоғлар боғланиши ўзгартирилган ва оёққа юмшоқ ботинкалар кийдирилган, бўғиш тақиқланган ва оғриқ берувчи амаллар киритилган янги кураш тури мамлакатда 1938 йилда яратилди. Бу янги кураш тури дастлаб (қуролсиз ўзини ўзи ҳимоя қилиш) «Эркин усул», «Эркин кураш», 1947 йилга келиб расмий равишда «Самбо» («самозащита без оружия») номи билан юритила бошланди. Ва ниҳоят, 1948 йилда иттифоқ спорт қўмитаси бу спорт курашлари атамаларини узил-кесил тасдиқлади.

Сўнгра, французча, яъни «юнон-рум» кураши — „Классик кураш“ номи билан, америкача эркин кураш эса „Эркин кураш“ номи билан ва қуролсиз ўзини ўзи ҳимоя қилиш эркин кураши эса „Самбо“ номи билан атала бошланди.¹

Мазкур даврдан бошлаб мамлакатдаги татар-бошқирларнинг миллий „курэш“, „куряш“ турлари классик кураш турини тараққий



14-расм. 1950—1960 йилларда Халқаро спорт турларини ривожлантириш марказдан туриб бошқарилди. Барча иттифоқ республикаларида оммавий чиқишлар уюштирилди. Худди шундай чиқишлардан бири 1956 йилдаги классик кураш. Ўзбекистон чемпиони В. Неклюдов ва СССР халқлари спартакиадаси голиби Р. Авашидзе. Оғир вазнлилар учрашуви. Тошкент шаҳри Пахтакор стадиони. 0-31242 Ўзбекистон давлат архиви.

эттириш мақсадида ривожлантирилди. Шу жумладан, Грузиянинг „чидабобо“, Қорачай-Черкесиянинг „тутуш“ миллий курашлари эса эркин кураш ва самбо курашини бойитиш ҳамда Ўрта Осиёнинг кураш, гуреш, курес, кореш ва гуштингирийлари ҳам классик кураш, самбо ва эркин курашларни бойитиш учунгина ривожлантирилди. Мамлакатдаги бошқа барча миллий кураш турлари ҳам халқаро майдондаги курашларни бойитиш ва ривожлантиришга хизмат қилиб келди. Ўша давр тақозоси билан қаралганда, бу бир томонлама тўғри йўл эди (14-расм.). Чунки янги ташкил этилган мамлакатдаги иттифоқдош

¹ И.И.Сорокин. "Спортивная борьба". М., 1960. 21-бет.

республикалар ягона оила сиёсатига бўйсунар эдилар. Мамлакатдаги классик (юнон-рум) кураш, эркин кураш ҳамда самбо курашларини ривожлантириш мақсадида етук мутахассислар узоқ йиллар тадқиқотлар олиб бордилар. Дастлаб 1936—1937 йилларда Ростов, Запорожье, Москва шаҳарларида французча (классик) кураш бўйича болалар ўртасида машғулотлар ўтказила бошланди. Мураббийлар ота-оналар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришни кенг йўлга қўйдилар. Натижада Бутуниттифоқ спорт қўмитаси болалар ўртасида кураш тури бўйича мусобақалар ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

1945 йилда иш бошлаган болалар спорт мактаблари кичик ёшдаги ва ўсмир болалар ўртасида курашнинг ривожланишига туртки бўлди. Натижада, 1946 йилда спорт мактабларида кураш тўғараклари иш юрита бошлади.¹ Мамлакатда ёппасига мураббийлар етказиб бериш муҳим муаммолардан бирига айланди. Шундан келиб чиқиб, мамлакатдаги миллий курашлар мураббийларидан инструктор-мураббий сифатида фойдаланилди. Улар ўз навбатида замонавий кураш турларини бойитиш ва ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Кези келганда шунини айтиш жоизки, мамлакатдаги миллий курашлар бўйича ўша даврдаги классик (юнон-рум) эркин кураш қоидалари асосида мусобақалар ўтказиладиган бўлди. Натижада вазн тоифаларига бўлиш, вақтни белгилаш, хуштак ишлатиш, кураш гиламларидан фойдаланиш, ҳакамлар сонининг бир хиллигига эришилди. Бу ўз навбатида миллий курашлар бўйича мусобақалар ўтказишда маълум тартибларни юзага келтирган бўлса-да, лекин уларни миллийликдан узоқлаштира борди. Оқибатда, миллий кураш кийимлари ва бир қанча кураш амаллари ўзгариб кетди.

Бизга маълумки, замонавий курашларни ривожлантириш мақсадида қилинган саъй-ҳаракатлар Россиянинг ўзидаги миллий курашларни ҳам қадриятларидан анча узоқлаштириб юборди. Тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, Россияда истиқомат қилувчи қорачай, черкес, татар, бошқирд, хакас, қалмиқ миллатига мансуб кекса паҳлавонларнинг сўзларига қараганда, миллий курашлар ўз миллий йўналишидаги асл кўринишини йўқотиб улгурганлар. Улар миллий курашларда кийиладиган яқтак, чопон ўрнига ялангоч ҳолатда курашилиши, амалларнинг қўлланиш қоидалари бузилганлигини, оддий қилиб айтганда, миллий кураш удумлари бузилиб кетганлигини куюниб гапирадилар. Тан олиш керакки, ҳар соҳада янгиликка интилиш, уни ўзлаштиришга эса талаб катта бўлади. Табиийки, уни ўзлаштирган ёшлар ўзи билган, ўрганган илмларини аввалгисидан кўра афзал деб биладилар. Шундай қилиб, бир неча йил ичида такомиллашган миллий курашларни ёқловчилар етишиб чиқдилар ва мамлакатдаги спорт лавозимларини банд қилиб улгурдилар. Энг ёмони, ўша давр спортидаги амалдорлар кексайганларида такомиллашган миллий курашларни тарихий миллий кураш деб даъво қилишларидир. Биз тадқиқотлар ўтказиш даврида шу нарсага амин бўлдикки, ҳатто Рос-

¹ Н.Н.Сорокин. "Спортивная борьба". М., 1960. 21—22-бетлар.

сиядаги баъзи бир спорт соҳаси фахрийлари ҳам яланғоч ҳолатда, белга сочиқ ташлаб курашишни тарихий кураш деб даъво қилмоқдалар. Бу ҳақиқатдан анча йироқ. 1932—1933 йилларда собиқ иттифоқ даврида «Самбо» кураши шаклланаётган бир пайтда, французча (классик) кураш эркин курашга мослаштирилаётган даврда тугилган инсонлар оз бўлса-да миллий курашларнинг асл ҳолатини эслайдилар. Лекин 1950 йилларда туғилиб вояга етганлар эса эркин кураш ва самбо кураши қандай шаклланганини, у қайси кураш турлари асосида тақомиллашганини билмайдилар. Улар фақат бу кураш турлари бўйича Олимпия, Жаҳон, Иттифоқ биринчиликлари каби спорт мусобақалари ўтказилганлигини эслашади, холос. Аммо биз ана ўша давр воқеаларига гувоҳ бўлган кишиларнинг далиллари ёки манбаларга суяниб мамлакатдаги миллий курашларнинг асл ҳолати ҳақида сўз юритамиз.

Биз 2003 йилда чоп этилган муаллиф И.Г.Ильдархановнинг «Биз курэшли халқмиз» китобини кўздан кечирганимизда, ундаги архив суратлари орқали ҳақиқатан ҳам татар-бошқирлар ўз урф-одатларига кўра чопон кийиб, белга белбоғ боғлаб курашганликларининг шоҳиди бўламиз. Лекин бизни ажаблантирган нарса, улар «курэши»нинг миллийликдан узоқлашишидир. Тарихий ҳужжатларга мурожаат қиламиз. Юқорида айтилган китобда ёзилишича, 1950 йиллар охири 1960 йилларда татарларнинг миллий кураши классик (юнон-рум) кураш, эркин кураш ва самбо кураши федерациялари билан бирлаштирилиб, ўз-ўзидан ўша даврдан татар миллий кураши бўйича классик (юнон-рум) кураш қоидалари асосида, аниқроқ қилиб айтганда узоқ йиллар мобайнида яланғоч ҳолатда мусобақалар ўтказилган.¹ Агар татар курашчиларининг белидаги сочиғи ва иштонини ҳисобга олмаганда, амалларни бажариш ҳолатлари классик кураш билан бир хил бўлган. Бироқ биз манбаларга таянган ҳолда ҳамда татар ва бошқирд курэш фахрийларининг фикрлариги асосланиб, миллий курашларда яқтак ва чопон кийилганлигини ишонч билан айта оламиз. Айнан ўша 1950 йилларнинг охири — 1960 йилларнинг бошларида Ўрта Осиё курашларининг ҳам классик (юнон-рум) курашга, самбо кураши ҳамда эркин курашларга мослаштирилганини кузатамиз. Қозоғистон давлат нашриёти томонидан 1957 йилда нашр этилган муаллиф Музаффар Раҳимқуловнинг «Қазахша курес» китобидаги қозоқча кураш амалларига мутахассис кўзи билан қаралса, «Самбо» курашига тақлид қилингани яққол кўзга ташланади (15-расм.). Эътибор беринг: чопоннинг ўнг тарафдаги энги кесилган кўринишда. Оёқда юмшоқ энгил ботинка, иштон ўрнига калта труси кийган ҳолатда амаллар бажарилиши тасвирланган.² Ваҳоланки, бу қозоқларнинг 1928 йилда чиқарилган асл «Курес» қоидаларидан анча фарқ қилади. Лекин Музаффар Раҳимқулов қозоқча «курес» амалларининг икки йўналишда бажарилишини аниқ тасвирлаган. Бири чалиш йўналишидаги, иккинчиси эса чалишсиз йўналишдаги «курес»дир. Бу эса қозоқча кураш амалларида «Самбо»га тақлид қилишнинг бошланиши эди. Қозоғистон миллий

¹ И.Г.Ильдарханов. "Биз курэшли халқмиз". Қозон, "Гасир" нашриёти, 42-бет.

² М.Раҳимқулов. "Қазахша курес". Қаз. Гос. изд. 1957 г. с. 25—37.



15-расм. Қозоқларнинг бир неча миллий кураш турларида «Самбо» курашига тақлид қилинишининг бошланғич даври. Қозоғистон давлат нашриёти томонидан 1957 йилда нашр этилган муаллиф Музаффар Раҳимқуловнинг «Қазақша күрес» китобида ўз аксини топган.



16-расм. Қозоғистонда бир неча миллий кураш турларида «Самбо» курашига тақлид қилинишининг иккинчи даври 1980—1987 йиллардаги Кабден Раҳмонқулович Байдасов бошчилигида яратилган «Қазахша Курес». Олим ушбу қўлланмани узоқ изланишлар натижасида 1987 йилда рус тилида чоп эттирди. Казахская национальная борьба. Алма-Ата. «МЕКТЕП». 1987.

Утверждена Президиумом
ВСФК Казняк'а от 14/1-1928 года.

ПРАВИЛА СОРЕВНОВАНИЙ ПО КАЗАХСКОЙ БОРЬБЕ «КАЗАКША-КУРЕС»

1. Участниками соревнований по «Казакша-курес» могут быть мужчины, достигшие полных 18-ти лет.

2. Все участники разбиваются на следующие 5 весовых категорий:

А) легчайший вес до 60 кг

Б) легкий вес до 67,5 кг

В) средний вес до 72,5 кг

Г) полутяжелый до 82,5 кг

Д) тяжелый свыше 82,5 кг

3. Все участники соревнований по «Казакша-курес» подвергаются врачебному осмотру, после чего взвешиваются и определяются в одну из перечисленных категорий.

Примечание. Взвешивание производится без верхнего платья.

4. Одежда участников во время борьбы заключается в верхнем платье, исключая халат, пальто и т.п. (чапан)

5. Каждый участник имеет собственное полотенце, которым подпоясывается во время борьбы.

Примечание. Пояс-полотенце завязывается так, чтобы узел находился на передней части тела и завязан был достаточно плотно облекая тело. Один из судей перед началом борьбы удостоверяется в правильности завязанного пояса.

6. Длительность схваток ограничивается 10 минутами с перерывом в одну минуту через каждые 5 минут.

7. Целью борьбы является заставить противника коснуться земли в районе ковра или установленной площади размером 10 x 10 м какой-либо частью выше колена.

Примечание. В местах, где предусмотрено обычаем бороться с подножками, борьба производится с ними, а также без них. Этот момент должен быть обусловлен. Не разрешается участникам отрывать руки от пояса. Нарушение последнего в течение 3 раз за время борьбы дает победу противнику. В случае, если один из противников будет повален за пределами ковра — места установленного, то это не является поражением. Каждый участник в 1 день может бороться не более 3-4 раз.

8. Перед началом борьбы борющиеся в знак товарищеского отношения во время борьбы подают друг другу руки, то же и после борьбы.

9. При борьбе противники берутся руками обязательно за пояс и начинают борьбу только по сигналу судьи.

10. Неявка на место борьбы одного из противников в течение 3-х минут дает поражение неявившемуся.

11. Для проведения соревнований создаются коллегии судей, назначаемые организацией, проводящей соревнования, в количестве 3—5 человек, из них один главный, в задачу которых входит: точная фиксация результата хода схватки, согласно настоящим правилам.

Примечание. При одновременном падении противников надлежит точно определить, который из противников раньше коснулся земли, в случае сомнения борьба должна быть продолжена — до установленного времени.

12. На каждом соревновании ведется точный протокол. Пары составляются по жребию и кругам.

Примечание. Списки участников и пары должны быть оглашены для всеобщего сведения.

13. Все участники беспрекословно подчиняются указаниям судьи. Неподчинение ведет к снятию с соревнования провинившегося. Ни в какие пререкания с судьей вступать не разрешается.

Примечание. Судьи делают замечания за нарушение настоящих правил; три замечания, полученные одним из участников, влекут прекращение борьбы и поражение получившему замечание.

14. Никаких схваток между победителями групп — классов не производится.

15. Распределение мест между участниками определяется количеством побед, ничьих и поражений. Победа дает 1 очко, ничья — пол-очка и поражение — 0 очков.

16. Участники по ходу борьбы, имеющие 2 поражения; одно поражение и 2 ничьи и 4 ничьи на соревнованиях, механически выбывают.

17. Все конфликты, могущие возникнуть в ходе борьбы, разрешаются окончательно на месте коллегией судей.

Қозоқларнинг бу қурес қондаси Ўрта Осиёга ҳам тааллуқли бўлган 1928-йилда яратилган Бел олиш қураш турининг дастлабки икки йўналиш қондасидир. Ушбу қонда асл ҳолича берилмоқда.

курашларида «Самбо»га тақлид қилиш узоқ йиллар давом этди. Ниҳоят, 1980 йиллардан сўнг мутахассис олим Кабден Раҳмонқулович Байдасов «Самбо» курашидан қолишмайдиган янги қозоқ кураши қоидасини ишлаб чиқди. Ушбу қоида китоби 1987 йилда «Казахская национальная борьба» номи билан чоп этилди. Белбоғлар самбо тасмаси билан алмаштирилди, оёққа эса самбо оёқ кийими, чопон ўрнига калта «самбо» нимчаси кийиладиган бўлди. Охири бориб бир қанча курашлар бир-бири билан чапишиши натижасида бир тур курашга айланиб, 1928 йилда ишлаб чиқилган Бел олиш кураш асл қоидаси йўқ бўлиб кетди (16-расм.). 1958 йилда «Ўзбекистон» давлат нашриёти томонидан чоп этилган «Кураш» китобида тасвирланган курашчилар кийимига эътибор бериб қаралса, чопон бир оз калталаштирилган, белбоғ ўз ҳолидай, иштон ўрнига труси кийилган, оёқларга эса самбо оёқ кийимлари кийилган. Курашнинг умумий кўринишида самбога тақлид қилиш яққол кўриниб турибди.¹

Ўзбекистонда бир қанча миллий курашларимизда Самбога тақлид қилишга 1958 йили асос солинди, десак адашмаймиз. Воҳа вилоятларидаги бир қанча кураш турлари бирлаштирилиб, “Бухороча кураш” деб номланган. 1959 йилга келиб эса Ўзбекистон ССР министрлар совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети “Физкультура коллективларига ёрдам” номли китобида, бу ҳам етмагандай, Бел олиш кураш “Фарғонача кураш” номи билан расмий тасдиқланди. «Бухороча кураш» Самбо курашига расмий равишда тақлид қилинганлигига мана бу жумлаларни ўқиб ҳам иқрор бўлиш мумкин: „Бухороча (белдан ушлашиб, эркин) курашувчиларнинг кийими ҳам ўшандай бўлади, лекин чопон дағал жундан тўқилган, белдан 4 сантиметр пастга тушиб турадиган бўлиши лозим, «Самбо» типидида бичилган чопон кийиш тавсия қилинади. Бухороча курашувчи полвонлар бандаж тақишлари лозим. Пойабзал киймаган қатнашчилар иккала қоида бўйича ҳам мусобақага қўйилмайдилар. Шойи белбоғ ўраш мумкин эмас. Гиламдаги ҳакам иккала қатнашчининг ҳам белбоғларини қоидага мослаб боғлаб қўйишга ҳақли“.²

Муаллиф С.А. Фирсовнинг курашга оид китобида бир қанча кураш турлари қоидалари бузиб кўрсатилиб, Самбога тақлид қилингани кўзга ташланиб туради. Биринчидан, «Самбо» типидидаги чопоннинг тавсия қилиниши ҳамда унинг узунлиги белдан тўрт сантиметр пастда бўлиши, иккинчидан, оёқларга поябзал кийишни қатъий белгилаб қўйиш, учинчидан, иштонларнинг труси билан алмаштирилиши самбо курашига мослаштиришдир. Агар биз қадимий ўзбек курашларининг бир қанча йўналишларини ўзида мужассамлаштирган кураш қоидасига тўхталадиган бўлсак, аввалдан белбоғдан ушланмаган. Чопонлар эса ҳеч қачон калта бўлмаган, иштон ҳам узун бўлган. Чопон ичидан яқтак кийилган. Курашчилар оёқяланг бўлган. Фақат фаслларга қараб, у ҳам бўлса қиш фаслида оёқларга юмшоқ оёқ кийим кийилган.

¹ С.А.Фирсов. "Кураш". "Ўзбекистон" давлат нашриёти, 1958 йил.

² "Кураш". Тошкент, 1959 й., 8-бет.

С.А. Фирсов бу кураш қоидаларини жуда яхши билган, бироқ у бир мақсадни кўзлаб уларни бузиб кўрсатган (17-расм).

Мана шу ерда мутахассис сифатида баҳо берсак. У кураш қоида-сида белбоғдан ушлаш ҳолатларини, яъни бир қўл билан белбоғдан ушлаб ташлаш, икки қўл билан белбоғдан ушлаб ташлаш ҳамда қучоқлаб ташлаш амалларини кўрсатиб ўтган. Бу амалларнинг борлиги тўғри, лекин у бир қанча кураш ҳолатларини битта кураш турига бирлаштирган. Бу кураш қадимий ўзбек кураши эмас, балки масхара-



17-расм.



17-расмнинг давоми. Ўзбекларнинг бир неча миллий кураш турларида «Самбо» курашига тақлид қилиниш даври муаллиф С. А. Фирсовнинг «Кураш» китобида ўз аксини топди ҳамда 1958 йилда Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан чоп этилди.

бозлар курашига ўхшаб қолган. Китоб муқовасида бел олиш кураш тури кўрсатилиб, унинг ичида рақибига юзма-юз қараш тасвирланган. Бу кўринишда аввалдан белбоғдан ушланмайдиган кураш турини бел олиш кураш турлари билан чатиштириш аниқ кўрсатиб берилган. Натижада қоидаларнинг мужмаллиги туфайли воҳа вилоятларида Бел олиш курашининг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келган. Бу Ўзбекистондаги оёқдан чалиб курашиладиган бел олиш курашини

йўқотишга қаратилган иккинчи уриниш бўлган. Биринчи уриниш Ўзбекистон Республикаси эълон қилинган дастлабки йиллардаёқ воҳа вилоятларида бел олиш курашининг иккала тури бўйича ҳам республика мусобақаларини ўтказиш тақиқланганлигидир. Шундай қилиб, 1958 йилда воҳа вилоятларидаги бир қанча кураш турлари узил-кесил бир қоидага келтирилди. Чопонлар калталаштирилди, белбоғ тасмага ўхшаш бўлиб қолди, чопон ичидан яқтак кийилмайдиган бўлди. Энг катта фожиа — воҳа вилоятларидаги чалиш амаллари бажариладиган бел олиш кураш турларининг йўқ бўлиб кетишидир. Улар қоидасининг бирида икки киши бир-бирининг белбоғидан ушлаб, қўлни қўйиб юбормай чалиб олишиладиган бел олиш кураш бўлса, иккинчи қоидаси эса аввалдан белбоғдан ушлаб, сўнг бир қўлни қўйиб юбориб амал бажариладиган бел олиш кураш бўлган. Ана шу икки турда ҳам белдан кучоқлаб ташлаш амали бўлган. Шундай экан, унда бир қанча йўналишларни ўзида мужассамлаштирган кураш қоидаси қандай бўлган?

Унда аввалдан белбоғдан ушланмаган. Амаллар бажаришда таянч нуқтаси бел бўлган. Шунинг учун ҳар қандай амаллар белдаги белбоғдан ушлаб бажарилган. Масалан, рақибга ташланиб амал бажариш учун чопоннинг ёқасидан ва қўл энгидан маҳкам ушлаб, уни олдинга, ёнга ёки орқага итариб, белбоғдан бир қўл билан ёки икки қўлда ушлаб амаллар бажарилган. Яна рақибни белидан кучоқлаб кўтариб ташлаш амали бўлган. Чопон узун бўлиб, унинг ичидан оқ яқтак ва оқ иштон кийилган (18-расм). Қозоқларнинг ҳам бир қанча кураш турлари чатиштирилиши натижасида уларнинг ҳам бел олиш кураш



18-расм. Қадимий «Кураш» қоидаларининг сўнгги кўринишларидан бири. 1949 йил, Фарғона шаҳри. Беллашув даврида чопоннинг энги йиртилиб, оқ яқтак кўришиб қолган ҳолат. 0-99003. Ўзбекистон давлат архиви

тури йўқ бўлиб кетди. Лекин қозоғистонлик кекса мутахассислар бунни жуда яхши биладилар. Шунинг учун улар ўзларининг замонавий қозоқча «Курес» қоидаларида бел олиш кураш амалларини сақлаб қолдилар. Агар «Курес»да дуранг бўлса, белбоғдан ушлаб курашадилар.

Кези келганда шуни айтиш мумкинки, ўзбек халқи билан ёнма-ён яшаган, тили, дини, урф-одатлари, ҳатто курашлари бир хил бўлган туркманларнинг ҳам 1924 йилдан сўнг аввалдан белбоғдан ушланмай курашиладиган қадимий курашлари сунъий равишда йўқ қилинди. Туркменистоннинг барча ҳудудларида фақатгина оёқдан чалиб курашиладиган ўзбекларнинг бел олиш кураш (туркманлардаги қўшоқли гуреш) бўйича мусобоқалар ўтказиладиган бўлди.

Ана шу йиллар ичида Қирғизистонда ҳам миллий „кореш“ни такомиллаштириш устида бир қатор ишлар амалга оширилди. Миллий «Кореш» устида узоқ йиллар изланишлар олиб борган Филипп Ефимович Байман янги „кореш“ қоидасини яратди. У курашдаги чопондан воз кечиб, яланғоч ҳолатда, белбоғ боғлаб курашиш қоидасини яратди. Ф. Е. Байман қирғиз курашчисининг ташқи қиёфасини ўзгартирса-да, лекин чалиш амалиётидаги олиш ҳолатини сақлаб қолди. Ана шу қоида давлат дастурига киритилди. Фарғона водийсининг Ўш ҳозирда Жалолобод, Баткент вилоятларидаги оёқдан чалмай белбоғдан ушлаб курашиладиган қадимий миллий кураш турини ривожлантириш учун ҳеч қандай давлат дастурлари ишлаб чиқилмади.

Биз аввал айтганимиздек, Ўзбекистондаги воҳа вилоятларидаги бир неча кураш турларини самбога тақлид қилиб чатиштириш натижасида бир ҳолатга келтирилди.

«Кураш»нинг бир неча тури бир-бирига чатиштирилиши натижасида, Ўзбекистонда 1958 йилда С.А.Фирсов томонидан «Кураш» китоби чиқарилди, китобнинг ичига қавс ичида «Бухороча кураш» деб ёзиб қўйилди. Ўзбекистондаги кекса полвонларнинг айтишича, бундай номлаш ўша даврдаги мутахассислар ва курашчи паҳлавонлар ўртасида кескин норозиликка сабаб бўлди. Орадан бир йил ўтгандан сўнг, 1959 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт қўмитаси физкультура коллективларига ёрдам сифатида ўзбек ва рус тилларида «Кураш» деб номланган қоида китобини чоп эттирди. Ана шу китобда биринчи маротаба расмий равишда янги кураш номи пайдо бўлди. 1958 йил ўзбек курашининг бир неча йўналиши бирлаштирилиб, «Бухороча кураш» номи берилган бўлса, бир йилдан сўнг, яъни 1959 йилда бел олиш курашига «Фарғонача кураш» (белдан олишиб, куч сарфлаб курашиш) деб ном берилди. 1960 йилда эса Ўзбекистон ССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари иттифоқи совети физкультура коллективларига ёрдам сифатида чоп эттирган китоб „Фарғонача ва бухороча кураш қоидалари“ деб номланди. Шундай қилиб, бир неча асрлардан буён ўзбек халқи «Кураш» ва «Бел олиш кураш» деб атаган кураш турлари икки вилоят номи билан юритиладиган бўлди. Аслида курашчиларнинг ташқи кўриниши бир хил бўлган бир неча кураш турлари Ўзбекистонда сунъий равишда икки турга олиб келинди, йиллар ўтиши билан эса кийимларнинг ўзгариши ҳамда кураш амалларининг такомиллашуви уларнинг бир-биридан узоқлашиб кетишига сабаб бўлди.

1924 йилда Давлат чегаралари бўлиниши муносабати билан Туркманистон ва Ўзбекистон республикаларининг дастлабки миллий курашларидаги бир хилликни йўқотиб, икки миллатни бир-бирига тескари қилиб қўйди. Ваҳоланки, Туркманистон ва Ўзбекистонда чегаралар бўлингунга қадар Бел олиш курашининг бир қанча тури бўйича тўйларда, сайилларда ҳар икки томонда мусобақалар ўтказиб келинган. Худди шунга ўхшаб бир қанча йўналишларни ўзида мужассамлаштирган кураш тури бўйича ҳам мусобақалар ўтказиб келинган.

1924 йилдан сўнг Туркманистонда Бел олиш кураш бўйича расмий мусобақалар ўтказилиб, аввалдан белбоғдан ушланмайдиган “Гураш” бўйича эса расмий мусобақалар ўтказилмай, улар тўй ва сайил кураши бўлиб қолаверди. Ўзбекистонда эса аксинча, аввалдан белбоғдан ушланмайдиган кураш бўйича расмий мусобақалар ўтказилиб, Бел олиш кураш эса тўй ва сайил кураши бўлиб қолди.

Бундан асосий мақсад, бу ҳар икки миллатни миллий қадриятларидан жудо қилиш бўлган. Худди шундай ҳам бўлди.

Марказнинг бу сиёсатига қарши борган паҳлавонлар 1937—38-йилларда ном-нишонсиз йўқ қилиб юборилди. Ўзбекистонда 1935 йилда Бел олиш кураш бўйича бухоролик Қосим паҳлавон ана шундай жонқуяр кишилардан бўлган. У Бел олиш кураш бўйича давлат мусобақаларини ўтказиш ташаббуси билан чиққанлардан бири эди. Номаълум кишилар томонидан унинг жонига қасд қилинади (1999 йил тадқиқотларидан).

Қирғизистон ва Тожикистон билан чегарадош бўлган Ўзбекистоннинг водий вилоятларида 1924 йилдан бошлаб Бел олиш курашининг кўтариб йиқитиш йўналиши бўйича давлат мусобақалари ўтказилиб келинди. Аммо Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларида бу спорт тури ҳозиргача тўй ва оммавий сайил кураши бўлиб қолаверди. Бу кураш тури Давлат дастурига киритилмай келинмоқда. Кўриниб турибдики, собиқ иттифоқ даврида бу халқларнинг кураш орқали яқинлашиб кетиши ўша давр сиёсатига тўғри келмаган. Тошкент вилояти ва Сирдарё вилоятига чегарадош бўлган Чимкент вилоятида ҳам қадимдан Бел олиш курашининг кўтариб йиқитиш йўналиши мавжуд бўлган.

Ўзбекистон Республикаси ташкил этилган дастлабки йилларда Чимкент вилоятининг чегара жойларида бел олиш курашининг кўтариб йиқитиш йўналиши бўйича давлат мусобақалари ўтказилган. Қозғистоннинг Чимкент вилоятида эса аввалдан белбоғдан ушланмайдиган қозоқча «курес» бўйича мусобақалар ўтказилган. Кўриб турганингиздек, қўшни республикаларнинг ҳеч бўлмаганда кураш орқали яқинлашишга ҳам имконият қолдирилмаган.

Бизга маълумки, ўзбек миллатининг тарихини тўла ўрганмай туриб, уни барча соҳаларда камситиб келинди. Ўзбек халқи тарихидаги хато қарашларни дастлаб профессор А. П. Якубовский фош қилди. У шундай ёзади: «Узоқ вақт давомида, ҳатто ҳозир ҳам тўла барҳам берилмаган қараш, яъни ўзбек халқининг тарихи XV асрда Ўрта Осиёга бостириб киришга уринган Шайбонийхон раҳбарлигида уни тўла забт этган кўчманчи ўзбеклардан бошланади, деган фикр

ҳукм сурди. Афсуски, бу қараш СССР тарихи дарсликларида ҳам акс этган¹.

«Алпомиш» достони ўзбек халқининг энг қадимий, шу билан бирга ҳозирги кунда ҳам севилиб куйланиб келаётган адабий ёдгорлигидир.²

«Алпомиш» достонида Қўнғирот ва Бойсун шаҳарлари тилга олинади. Ҳозирги кунда ушбу шаҳарларнинг бири Ўзбекистонда, бири Қорақалпоғистонда жойлашган. Ана шу ҳудудларда ҳозиргача ўзбеклар яшаб келади. Олимларнинг таъкидлашича, «Алпомиш» достонидаги воқеалар минг йилдан кўпроқ вақт илгарига бориб тақалар экан. Шунинг ўзиёқ ўзбеклар бу ҳудудда қадимдан яшаганлигини кўрсатади. Демак, «Алпомиш» достонини таҳлил қилиш орқали ўзбекларнинг бир қанча кураш турлари мавжуд бўлганлигига амин бўламиз.

Достондаги «Олиш» атамаси туркий миллатлар ичида асосан ўзбекларга тааллуқли эканлигига шубҳа қолмайди. Чунки кураш ҳадисида айтилишича, олишнинг маъноси — бу куч ишлатишдир.

«Олиш бўлмаса, кураш бўлмайди», деган ўзбек мақоли буни исботлайди.

Курашнинг маъноси эса йиқитишдир. Бел олиш курашининг маъноси эса белга куч ишлатиб йиқитишдир. Унинг йўналишлари эса бир



19-расм. XX аср бошлари Бел олиш курашидан лавҳалар. Тошкент шаҳри. Ўзбекистон давлат архиви.

¹ К вопросу об этногенезе узб. народа. Изд. АН Уз ССР, 1941. с. 3.

² "Алпомиш". Ўзбекистон ФА нашриёти, Тошкент, 1969 й, 4-бет.

қанчадир: чалишли, бир қўл панжа, кучоқлаш ҳамда чалишсиз (кўтариб йиқитиш). Бугунги жаҳон сахнасига чиққан «Кураш» тури қадимий қоидасида бу йўналишларнинг барчаси мужассамдир. Бел олиш курашлари эса қадимдан бир қанча йўналишлардан иборат бўлган.

Бизнинг асосий мақсадимиз ўша давр сиёсати билан боғлиқ йўқотилган қадриятларни тиклашга даъват қилишдир. Қолаверса, миллий қадриятларимиз тарихини тўғри ёритишга қаратилган.

Ана шунинг ўзиёқ ўзбекларнинг кураш амалиёти қадимдан бой мактабга эга бўлганлигидан далолат беради.

Эслатма. Ушбу қўлланмада ўзбеклар миллий-маданий меросининг бир бўлаги бўлган спортнинг Бел олиш кураш тури ҳақида сўз юритдик. Шунингдек, қўлланмада ушбу спорт тури атамасининг маъноси, амаллар атамаси, йиқитишда (курашда) кийиладиган кийимлар атамаси, йиқитиш қонун-қоидаси ва бошқа атамалар тарихи қисман баён этилган. Бизнинг асосий мақсадимиз — ушбу спорт турига оид барча атамаларни, қайси тилга таржима қилинишидан қатъий назар, ўзбек тилида қўллашдир. Мисол учун, Бел олиш кураш атамаси, қайтарма, тиззага миндириш, илиш ёки қайириш ва бошқа амаллар номи, шунингдек, белбоғ, тўн ёки чопон, ятак, иштонларнинг номланиши ўз ҳолича қолиши зарурий талабдир. Чунки қўлланмадаги барча атамалар номи келиб чиқишига кўра ўзбекчадир. Бироқ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика бошқармаси ҳисоботидаги маълумотларга эътибор берсангиз, 2009 йил 16 октябрдаги 4-сонли қарор 135-сонли илованинг 3-бўлимидаги турларига оид маълумотда Ўзбекистон Миллий спорт турлари Кураш, Бойқўрғон, Турон каби атамалар тўғри кўрсатилган. Лекин Белбоғли кураш атамаси тагига Борьба на поясах деб изоҳ берилган. У ҳам майли, энг ачинарлиси, ўзбекларнинг энг қадимий миллий Бел олиш кураш тури бошқа спорт турлари қаторидан жой олган. Белбоғли олиш кураш тагида эса Борьба на поясах - олыш деб изоҳ берилган. Буни қандай тушуниш мумкин. Спорт турлари атамалари тайёрланаётган пайтда спорт соҳасидаги собиқ мутасаддиларга шунча тушунтирсак ҳам, улар буни тушунишни хоҳлашмади. Уларнинг айтишича, ҳар бир турнинг номини рус тилида ҳам бериш керак эмиш. Нега унда Каратэ, Муай-тай, Кикбоксинг, Армрестлинг, Бильярд, Боулинг, Гольф каби спорт турлари номи айнан шундай бериляпти. Улар Белбоғли олиш курашининг миллий кураш эканлигини билмайдиларми ёки Белбоғли олиш кураш атамасини миллий курашлар қаторида ўз ҳолича номлаш нотўғри бўладими? Бел олиш кураш бизга четдан кириб келганми, ахир у бизнинг миллий курашимиз бўлиши билан бирга узоқ тарихга эга-ку! Бир вақтлар Комил Юсупов раҳбарлик қилган даврда олиш ибораси статистика ҳисоботида бор эди. Кейинги даврда эса бу атама ўрнига «Борьба на поясах» атамаси қўллана бошлади. Бундан асосий мақсад Белбоғли олиш кураш турига ажратилиши зарур бўлган маблағни бошқа турларига ажратиш эди. Шундай ҳам бўлди, бу маблағ ушбу спорт турига умуман алоқаси йўқ кураш турларига сарфланди. Мустақиллик бизга миллий маданий меросни авайлаб асрашни ва уни муҳофаза этишни ўргатди.

Лекин спорт турлари атамаларини кўрсатишда бизнингча икки нарсага эътибор қаратиш зарур: биринчиси, ҳар қандай спорт турини ўзбек тилида қандай номланиши, иккинчиси уни қандай маъно англатишига кўра номлаш, ана шунда тўғри йўл тутган бўламиз. Мисол учун, Армрестлингнинг ўзбекча номи «қўл панжа кураши». Дзюдо — Дзюдо кураши, Самбо — қуролсиз ҳимоя кураши, Таэквандо — Таэквандо муштлашуви санъати, Карате — Карате муштлашув санъати, Муай-тай — Муай-тай муштлашуви санъати деб номланса, ҳаммага тушунарли бўлади. 1999 йил Россияда бўлганимизда, бир таниқли шарқшунос олим: «Ўзбек тили шундай бой тилки, сизлар уни етарлича қадрламайсизлар», деган эди. Бу эса бизнинг камчилигимиз. Ҳеч ким четдан келиб бизнинг хатомизни тузатмайди.

Биз спорт турлари атамаларидаги қарама-қаршиликлар учун ҳеч кимни айбламоқчи эмасмиз. 1989 йили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидага қонуни қабул қилинганига қарамай, ҳанузгача спорт турлари атамаларига етарлича эътибор берилмаяпти. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг спорт ишлари бўйича янги раҳбари Жасур Акрамовнинг ташаббус кўрсатишига умид қиламиз.



20-расм. КУРАШ

Ушбу суратда қадимий миллий кураш амалларидан бирининг бажарилиш ҳолати кўрсатилган. Кураш ҳадисида айтилишича, қадимий кураш тури бир қанча йўналишларни ўзида мужассам этган. Унинг қоидасида амаллар рақибга ташланиш орқали белбоддан бир қўл ёки икки қўл билан ушлаб бажарилган. Рақиблар тик бўлиб қолганда эса белдан кучоқлаб ташлаш амаллари ҳам бажарилган. Кураш ҳадисида таъкидланган қоидаларни манбалардаги олишув ҳолати таҳлилида ҳам кўриш мумкин.

КУРАШНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Ўзбекларнинг кураш тарихи бир неча ўн асрлар аввалги даврга бориб тақалади. Марказий Осиёда узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар, топилган ашёвий далиллар бунга гувоҳлик беради. Милoddан аввалги 3—1 мингинчи йилларда Замонбобо, Далварзин, Тозабогёб, Сополлитепа каби манзилгоҳларда аждодларимиз ўтроқ ҳаёт кечирганлар.

Бизга маълумки, 1924—1925 йилларда давлат чегараланиши амалга оширилди. Бунинг натижасида Хоразм ва Бухоро ҳудудларининг маълум бир қисми бошқа республикалар ҳисобига ўтиб кетди. Бу, албатта, бир қанча кураш турларининг ҳам парчаланишига олиб келди. Собиқ иттифоқ таркибида ташкил этилган Ўзбекистоннинг воҳа вилоятларида фақатгина биз таърифлаган кураш туригина сақланиб қолди. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, Хоразм ва Бухоро тарихига оид бир қанча миллий кураш турларидан фақатгина биттаси қолди. Бу ҳозирги воҳа вилоятларидаги кураш туридир. Шундай қилиб, собиқ иттифоқ даврида бу спорт тури 33 йил, аниқроғи, 1958 йилгача «Кураш» номи билан аталиб келинди. 1958 йилдан эса воҳа вилоятларидаги бир қанча кураш турлари чатиштирилиб, унга «Бухороча кураш» номи берилди. Лекин номи ўзгарган бўлса-да, Кураш ўзининг қонун-қоидалари билан такомиллашиб бораверди. Орадан 34 йил ўтиб, яъни 1992 йилдан мустақиллик шарофати билан, яна қайтадан «Кураш» номига эга бўлди. 1990 йилларда Бухоронинг Тўрткўл туманидан чиққан ака-ука Юсуповлар ушбу спорт турини халқаро андозаларга мослаб жаҳон саҳнасига олиб чиқиш гоёсини олға сурдилар. Бу ишларни амалга оширишда тўнғич фарзанд бўлган Жўракул Турсунов астойдил жонбозлик кўрсатди. Миллий кураш тури бўйича кўп йиллар изланишлар олиб бориб, газета, журнал, радио ва телевидениеда чиқишлар қилди. Унинг раҳнамолигида 1992 йилда кураш федерацияси тузилди. Бу даврга келиб Юсуповларнинг кенжа фарзанди Комил Юсуповнинг самбо ва дзюдо курашлари бўйича тажрибаси ошган эди. У ишни дастлаб йўқотилган миллий кураш турларини ва амалиётини асл ҳолича тиклашдан эмас, аксинча Кураш тури қоидаларини жаҳон андозаларига мослашдан бошлади. Чопонни калталигича қолдириб, чопон ичидан кийиладиган яқтакдан воз кечишни ҳамда белбоғни тасма ҳолида қолдиришни таклиф қилди. Кураш иштонини эса сақлаб қолди. Кураш қоидасида ўзбекча иборалардан фойдаланишни йўлга қўйди. Сўнг бу кураш турини хорижий давлатларда намойиш қила бошлади. Бу ишлар, албатта, юртбошимиз И. Каримовнинг мамлакатимизда миллий-маданий меросимизни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари асосида амалга оширилди. Ниҳоят, 1999 йилда 1-Жаҳон чемпионатини ўтказишга эришилди. ХКА тузилиб, унинг фахрий президенти этиб юртбошимиз Ислам Каримов сайланди. ХКА президенти этиб эса Комил Юсупов сайланди. Бугунги кунда ушбу ташкилот КХА деб юритилмоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг 5 қитъасида 200 га яқин федерациялар ишлаб турибди. Бир қанча жаҳон ва қитъалараро мусобақалар ўтказилди.

Бизга маълумки, мустақиллик йилларида бошқа давлатлардаги миллий кураш турлари Ўзбекистонга кириб келди. Чунки мазкур юртларда тузилган халқаро спорт ташкилотлари ўзларининг бошқа кураш турларини ҳам жаҳонга олиб чиқиш учун уларни қўллаб-қувватлайдилар. Биз-

нинг республикамизда ҳам ана шу тажрибага амал қилинса, бошқа миллий кураш турларини ҳам жаҳон саҳнасига олиб чиқиш мумкин. Шу масала юзасидан КХА президенти Комил Юсуповнинг фикрича: «Ҳозирги кунда бу соҳадаги тажриба етарли», шу сабабли, бошқа миллий кураш турларини жаҳон саҳнасига олиб чиқишга КХА ҳам ўз ҳиссасини қўша-жагини таъкидлади. Ҳар бир давлат Олимпия ўйинларига олиб чиқиш учун кураш турларини навбатма-навбат танлайдилар. Бу эса бошқа спорт турларини жаҳон аренасига олиб чиқишни тўхтатиб туриш дегани эмас. Шунинг учун миллий-маданий меросимизни бир бўлаги бўлган Бел олиш кураш турини муҳофаза қилиш ва авайлаб асраб, уни жаҳон арена-ларига олиб чиқиш ватанимиз, юртбошимиз олдидаги бурчимиздир.

Биз мустақиллигимиз абадий бўлиши билан бирга, ўзбекларнинг сеvimли бел олиш кураш турларининг барчаси жаҳон курашига айланиб қолишини истаб қоламиз.

БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ВА УНИНГ АМАЛЛАРИ

Чалиб йиқитиш

Бел олиш кураш тарихи ҳам қадим замонларга бориб тақалади. Ўзбекларда рақибни йиқитишнинг барча тури кураш деб юритилган. Қадимий кураш ҳадиси таҳлили бўйича аждодларимиз уларни йиқитиш қоидаларига кўра номлашган. Амаллар таянч нуқтаси бел бўлганлиги сабабли, белбоғдан ушлаб йиқитиладиган барча йўналишларни Бел олиш кураш деб юритилган. Қадимий манбаларнинг кўрсатишича, Ўзбекистон бел олиш курашининг тарихи бир неча ўн асрлар аввалги даврга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси ташкил этилган дастлабки йилларданоқ (1924–1925) Бел олиш кураш тури бўйича мусобақалар ўтказиш тақиқлаб қўйилди. Натижада ушбу кураш норасмий тўй ва сайил кураш тури бўлиб қолаверди. Бел олиш курашининг чалиб йиқитиш йўналиши ўзининг бир неча асрлик тарихига қарамай, 1958 йилга келиб яна тазйиққа учраб, йўқ бўлиб кетди. Мустақиллик шарофати билан узоқ йиллик изланишлар орқали йўқотилган Бел олиш кураш тури қайтадан тикланди. Тинимсиз саъй-ҳаракатларимиз туфайли 2003 йилда шаҳар, 2006 йилда эса республика миқёсида ушбу спорт турини тиклашга эришдик. Собиқ иттифоқ даврида йўқ қилинган норасмий Бел олиш кураш тури 48 йилдан сўнг расмий Бел олиш кураш тури сифатида, аниқроғи, 2006 йилда тан олинди. Биз бунга мустақиллик шарофати туфайли эришдик. Мамлакатимиз спортчилари ушбу кураш тури бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатларида олтин, кумуш, бронза медалларини қўлга киритдилар. 2002 йилда Ўш шаҳрида бўлиб ўтган 1-Жаҳон чемпионатида қизларимиздан Бек Евгения +63 кг вазнда бронза медалини қўлга киритди. 2003 йилда Техронда бўлиб ўтган 2-Жаҳон чемпионатида эса вакилларимизга омад кулиб боқмади. 2004 йилда Истамбулда бўлиб ўтган 3-Жаҳон чемпионатида қизларимиздан Тамара Кандаурова



21-расм. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИНING ЧАЛИБ ЙИҚИТИШ ЙЎНАЛИШИ.

Ушбу суратда қадимий миллий Бел олиш кураш амалларидан бирининг бажарилиш ҳолати кўрсатилган. Ушбу амал чалиб йиқитиш йўналишига хосдир. У қадимий қондасини ҳозиргача сақлаб қолган. Унга кўра рақибнинг белбоғидан қўлни қўйиб юбормай ҳар қандай амаллар бажарилган. Масалан, оёқдан қоқиш (супурма), қўшала ёнбош, тўғаноқ чалиш (ўроқсимон шаклда оёқдан чалиш) ёки дангал кўтариб йиқитиш ҳам мумкин бўлган.

63 кг вазнда кумуш, Бек Евгения эса +63 кг вазнда бронза медалларини қўлга киритдилар. 2005 йилда Қозонда ўтказилган 4-Жаҳон чемпионатида вакилларимиздан Мирзажонов Музаффар 81 кг вазнда бронза медалини, қизларимиздан Дилором Қамбарова +63 кг вазнда кумуш медалини қўлга киритдилар. 2006 йилда Одессада ўтказилган 5-Жаҳон чемпионатида мутлоқ вазнда вакилларимиздан Носир Азизов кумуш медални қўлга киритди. 2008 йилда Албанияда ўтказилган мутлоқ чемпионатда қизларимиздан Дилдора Раҳмонова бронза медалини қўлга киритди. 2008 йилда Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган 6-Жаҳон чемпионатида +90 кг вазнда Голиб Аҳмедов кумуш медални, мутлоқ вазнда эса Муқимжон Азизов бронза медалини қўлга киритдилар.

2006 йилда биринчи маротаба ёшлар ўртасида Техрон шаҳрида Жаҳон ва Осиё чемпионати ўтказилди. Ушбу чемпионатда вакилларимиздан Теmur Шокиржонов 90 кг вазнда жаҳон ва Осиё чемпиони бўлди, Хўжаев Нодиржон эса 81 кг вазнда Осиё чемпионатида бронза, жаҳон чемпионатида эса кумуш медални қўлга киритди. 2002 йил Ўш шаҳрида ўтказилган 1-Осиё чемпионатида 63 кг вазнда Тамара Кандаурова олтин медални, +63 кг вазнда Людмила Чаусова бронза медалини қўлга киритдилар.

2003 йил Техрон шаҳрида ўтказилган 2-Осиё чемпионатида 73 кг вазнда Валишер Каримов бронза, +90 кг вазнда эса Фахриддин Болтабоев олтин медални қўлга киритдилар. Бел олиш кураш бўйича 1-Халқаро турнир 2002 йилда Эрон Ислон республикасининг Келала шаҳрида ўтказилди. Ушбу турнирда вакилларимиздан Носир Азизов мутлоқ вазнда олтин медални қўлга киритди. 2-Халқаро турнир ҳам Келала шаҳрида ўтказилди, унда ҳам вакилларимиздан Носир Азизов мутлоқ вазнда олтин медални қўлга киритди.

Мамлакатимизда ўтказилган Нуриддин Маликов, Маҳмуджон Деҳқонов хотира турнирларида 73 кг вазнда Ислонжон Эгамов олтин медални қўлга киритди, шунингдек 2007, 2008, 2009 йилларда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида ҳам голибликни қўлдан бермади. Шунингдек, Азиз Ўринхўжаев, Голиб Аҳмедов, қизларимиздан Дилдора Раҳмоновалар бир неча маротаба голиб бўлишди.

Ушбу спорт тури қадимий Бухоро ва Хоразм тарихий Бел олиш кураш тури бўлган. Унинг қоидасидаги чалиб йиқитиш Ўзбекистоннинг воҳа вилоятларидагина мавжуд бўлган. Ўзбекистоннинг водий, Тошкент шаҳар ва Тошкент ҳамда Сирдарё вилоятларида қадимдан чалиб йиқитиш тақиқлаб келинган.

БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ВА УНИНГ АМАЛЛАРИ

Кўтариб йиқитиш

Ушбу йўналиш тарихи ҳам қадим замонларга бориб тақалади. Қадимий кураш ҳадиси таҳлили бўйича аجدодларимиз уни Бел олишнинг кўтариб йиқитиш йўналиши деб келишган. Таъкидлаб ўтганимиздек, унда ҳам амаллар бажаришнинг таянч нуқтаси белдир. Йиқитишнинг умумий номи Кураш деб аталгани учун аجدодларимиз уни бошқа турлардан фарқлаш учун Бел олиш кураш деб келишган. Ўзбекистон республикаси ташкил этилган дастлабки йилларданоқ,



23-расм. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИНИНГ КЎТАРИБ ЙИҚИТИШ ЙЎНАЛИШИ.

Ушбу суратда қадимий миллий Бел олиш кураш тури амалларидан бирининг бажарилиш ҳолати кўрсатилган. Ушбу амал кўтариб йиқитиш йўналишига хосдир. Унинг қадимий қоидаси бўйича рақибни чалмай, кўтариб йиқитилади. Масалан, рақибнинг оёғини ердан узиб тиззага миндириб ташлаш, кўтариб қайириш ёки тўсиб ташлаш ва бошқа амаллар бажарилиши мумкин.

аникроғи 1925 йиллардан Бел олиш кураш ибораси ишлатилиб келинган.

Янги ташкил этилган республикаимизнинг водий вилоятларида ҳамда Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида дастлабки даврдан расмий мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилди. Бу жараён 1959 йилгача давом этиб, сўнг у «Фарғонача кураш» деб номланди. Унинг бундай номланишига сабаб ўша даврда воҳа вилоятларида чалиб йиқитиш йўналишидаги Бел олиш курашини халқимиз хотирасидан бутунлай ўчириш бўлган. Бу курашни йўқ қилишга сабаб, унинг номини ўзгартириш орқали халқни чалғитиш бўлган. Худди шундай ҳам бўлди. Оддий фуқародан тортиб олимларгача Ўзбекистонда фақат икки кураш тури бўлган, деган фикр сингдирилди. Ана шу ерда камина бир ҳақиқатни айтишнинг вақти келди, деб биламан. Бир вақтлар ушбу спорт турини халқаро майдонга олиб чиқиш учун «Фарғонача кураш»ни «Белбоғли кураш» деб номламоқчи бўлганимизда, мамлакатимиз ёки бошқа мамлакатлардаги ватандошларимиздан таънаю дашномлар эшитганим ҳамон эсимда. Уларнинг таъкидлашича, унинг асл номи «Бел олиш кураш» бўлиши керак эди. Шу сабаб бўлса керак, 1996 йили Андижонда ўтказилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотира турнирида ушбу турнир «Белбоғли кураш» деб номламоқчи бўлганимизда, катта қаршиликка учраган эдик. Шундай қилиб, қадимий номи кўтариб йиқитиш йўналишидаги Бел олиш кураш 1959 йилгача сақланиб келинди. 1959 йилдан эса расман «Фарғонача кураш» деб ўзгартирилди. Бу ном билан ҳам у роппа роса 40 йил юритилиб, 1999 йил 9 октябрдан эса Белбоғли кураш деб юритилмоқда.

Ушбу спорт тури қоидаси қадимий Фарғона (Паркана), Қўқон хонлиги ҳудудларида ҳамда ҳозирги водий вилоятлари, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида мавжуд бўлган.

БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ВА УНИНГ АМАЛЛАРИ

Бир қўл панжаси билан белбоғдан ушлаб йиқитиш

Бел олиш курашнинг бир қўл панжа билан белбоғдан ушлаб чалиб йиқитиш йўналиши ҳам қадимий ўзбек курашларидан ҳисобланади. Кураш ҳадисини яхши билган кексаларнинг сўзларига қараганда, аждодларимиз асосан бир қўл панжаси билан белбоғдан ушлаб амаллар бажаришни қуйидагича таърифлашади: олишувда олдиндан белбоғдан ушлаб олиб, сўнг бир қўлни қўйиб юбориб ҳар қандай амалларни бажариш мумкин бўлган. Қоида бўйича олишувда ҳар қандай амални бажаришда бир қўл билан белбоғдан ушлаш шарт бўлган.

Ушбу бел олиш кураш тури норасмий тур бўлиб, 1958–1960 йилларгача тўй ва сайилларда курашиб келинган. Ўзбекистон республикаси ташкил этилган дастлабки йилларда ушбу спорт тури бўйича мусобақалар ўтказилмаган. Бу йўналишда фақатгина тўй, сайиллардагина тadbирлар ўтказилиб, аҳамиятсиз бўлиб қолганлиги сабабли унинг йўқ бўлиб кетишига олиб келди.



24-расм. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИНING БИР ҚЎЛ ПАНЖАСИ БИЛАН БЕЛБОҒДАН УШЛАБ ЧАЛИБ ЙИҚИТИШ ЙЎНАЛИШИ

Ушбу суратда қадимий миллий Бел олиш кураш амалларидан бирининг бажарилиш ҳолати кўрсатилган. Ушбу амал чалиб йиқитиш йўналишига хосдир. Унинг қадимий қондасида олдиндан белбоғдан ушлаб олиниб, сўнг олишув бошлангандан сўнг бир қўлни белбоғдан қўйиб юбориб амаллар бажариш мумкин бўлган.

Ушбу спорт тури қоидаси қадимий Бухоро ва Хоразм тарихий кураш қоидаси бўлган. У ҳозирги воҳа вилоятларидаги кураш турига яқин.

БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ВА УНИНГ АМАЛЛАРИ

Кучоқлаб йиқитиш

Ушбу йўналишдаги кураш ҳам ўзбекларнинг қадимий кураш мактабига хосдир. Ҳар қандай кураш турида дуранг бўлганда, голибни аниқлаш учун қўлланилган. Мисол учун: курашда ёки Бел олишнинг ҳар қандай турида дуранг бўлганда, рақиблар тик турган ҳолатда бир-бирининг белидан кучоқлаб амаллар бажариб, голиб аниқланган.

Кучоқлаб амал бажаришнинг ҳам ўз қонун-қоидалари мавжуд бўлган. Унга кўра, белдан кучоқлаганда қўл билакларидан ушлаб кучоқлаб, рақибни кўтариб ёки оёғидан чалиб йиқитилган. Ўзбекларнинг кураш ҳадиси қоидасига кўра белдан кучоқлаб ташлашнинг ўз мактаби бўлган ва у дунё кучоқлаб ташлаш кураш мактабларидан фарқ қилган. Унга кўра рақибни дангал кўтариб тиззага миндириб, қайтариш, қайириш, айлантириш, тўсиш, тик босиш ёки оёқдан тўғаноқ чалиш, эшиб чалиш, қўшала ёнбош, супурма ва бир қанча амалларни бажариш мумкин бўлган. Европа белдан кучоқлаб ташлаш курашида эса фақат орқага эгилиб (мостга кетиш) ташлашда уч ёки тўрт амални бажариш мумкинлигини кўрамаиз.

Ана шу жиҳатларни таҳлил қилиш орқали ўзбеклар кураш ҳадиси мактаби нақадар бой эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Кези келганда, шуни таъкидлаш керакки, собиқ иттифоқ даврида ўзбеклар кураш ҳадиси мактабига хос кураш йўналишлари етарлича ўрганилмаганлиги сабабли кўп нарсалар йўқотдик.

Шундай қилиб, кураш турларига етарлича эътибор берилмаганлиги сабабли, собиқ иттифоқ даврида норасмий тўй, сайил курашларида қўлланиб келинган кучоқлаб ташлаш кураш тури йўқ бўлиб кетди.

Ушбу кучоқлаб ташлаш кураш қоидаси қадимий Бухоро ва Хоразмнинг бир қанча кураш турларига хосдир.

Тарихда ҳудудлар ҳар хил сабабларга кўра бўлиниши мумкин, лекин миллатнинг миллий-маданий меросини, қадриятини бўлиб бўлмайди. Ушбу асарда Бел олиш кураш турининг асл номи ўзбекларга тааллуқли эканлиги муаллифларнинг илмий изланишлари натижасида аниқ баён этилган. Шунингдек, дунёнинг ҳар қандай қоидасида белдаги белбоғдан ушлаб олишишнинг барчаси унинг нуфузидан қатъий назар, ўзбеклар учун, у Бел олиш кураш тури бўлиб қолаверади.

Ушбу китобни нашр этишгача бўлган вақт бир неча йилларни ташкил этгани учун кўрсатилган саналарда фарқлар бўлиши мумкин.



25-расм. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИНИНГ ҚУЧОҚЛАБ ЙИҚИТИШ ЙЎНАЛИШИ

Ушбу суратда қадимий қучоқлаб йиқитиш курашининг бажарилиш ҳолати кўрсатилган.

III БОБ. ЎРТА ОСИЁДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТУРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

«Мозий — келажак тарозисидир»

Маҳмудхўжа Бехбудий

Маълумки, Мустақиллик шарофати билан Ўрта Осиё халқлари тарихини кенг кўламда, чуқур ва ҳаққоний ўрганишга эътибор кучайди. Тарихчилар, шоир таъбири билан айтганда, „Ҳужжатлардан асрлар чангини қоқиб ташлаб“, ҳаққоний ёзувларни кўчириб ёзишга интиломқдалар. Бу, шубҳасиз, халқнинг тарихий хотирасини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Тарихий хотира эса ўзининг якуний хулосалари билан бугунги куннинг амалий эҳтиёжларини тўғри англашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Марказий Осиё ҳақида гап кетганда, олимлар ушбу мамлакатнинг ноёб тарихини, маданиятини шакллантирган турли цивилизациялар ўзаро қоришиб кетган минтақа маркази эканини алоҳида таъкидлаб ўтишади. Шунинг учун ушбу диёрнинг маънавий ва моддий маданияти турли тарихий даврларда Трансоксония, Мовароуннаҳр, Ўрта Осиё деб аталган минтақа маънавий ва моддий маънавиятининг асосини ташкил этади. Бинобарин, Марказий Осиё миллатларида қандайдир умумий илдизлар ва қадриятлар, умумий маънавий ва ахлоқий тажриба мужассамдир.

Кўпдан-кўп тарихий манбалар ва илмий изланишларнинг далолат беришича, Ўрта Осиё халқларининг қадимги аجدодлари милоддан аввалги 2—1 минг йилликларда этник жиҳатдан шакллланган сўғдлар, хоразмийлар, бақтрияликлар, шошликлар, паркона (Фарғона)ликлар, шунингдек, Амударё ва Сирдарё (қадимги номи Яксарт) бўйларида яшган сак ва массагет қабилаларидан иборат бўлган (1-расм).

Қадимги йилномаларда тарихий, моддий ва маданий ёдгорликларда, шунингдек бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ёдномаларида келтирилган маълумотларга кўра ҳозирги Ўрта Осиё ҳудуди ўз таркибига (бутунлай ёки қисман) бир қанча тарихий-маданий ҳудудларни бирлаштирган, аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, унинг ҳудудида Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия,



1-расм. Милоддан аввалги V асрда Ўрта Осиёда яшаган қадимги аجدодларимизнинг кийимлари:

1—сак; 2—бақтриялик; 3—сўғд;
4—хоразмлик. (Қабр ҳужжатларига асосланган сурат).

Чоч, Марғиёна, Фарғона ва бошқа юксак даражада ривожланган цивилизациялашган давлатлар мавжуд бўлган.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида тарихчи олимлар миллатга унинг ҳаққоний тарихини кўрсатиб, исботлаб бериш учун қатор салмоқли тадқиқотлар яратдилар ва яратмоқдалар. Ана шу тадқиқотларга, яна қатор ишончли манбаларга таянган ҳолда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Марказий Осиё ҳудудида шаклланган барча халқлар каби ўзбек халқи ҳам узоқ ва мураккаб тарихий тараққиёт жараёнини босиб ўтди. Бинобарин, унинг тарихи, қадим маданиятининг яратилишига ҳам кўплаб этник уруғлар, эл-улуслар ўз улушини қўшган. Ўзбек халқи қадим-қадим замонлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани, ўз ахлоқий мезонларига эга бўлгани туфайли ўзлигини сақлаб қола олди.

Ўзбекистон тарихининг ибтидоий жамоа тузуми даврига оид саҳифаларини варақлаймиз.

Ибтидоий жамоа тузуми бундан қарийб 2 млн. йил олдин бошланиб, милoddан аввалги 1 минг йиллик ўрталаригача давом этган. Бу даврнинг дастлабки босқичи – палеолит даврига оид дастлабки манзилгоҳлар Сирдарёнинг юқори қисмидаги Селенгур ғоридан, шунингдек Фарғона водийсининг Бақиргансой, Анорча дарёси бўйларидан топилган. Сурхондарё вилоятининг Бойсун тоғларидаги Тешиктош ғоридан ўрта палеолит даврига оид неандертал боланинг бош ва умуртқа суяклари топиб ўрганилган. Мустъе даврига оид манзилгоҳлар, шунингдек Амир Темур ғори, Омонқўтон ғори, Обираҳмат ғори, Кўлбулоқ макони ва бошқа жойлардан топилган ашёларнинг гувоҳлик беришича, ўша давр одамлари овчилик, теричилик билан шуғулланиб, ибтидоий жамоа тарзида ҳаёт кечиришган.

Бундан қарийб 15 минг йил олдин бошланган мезолит даврида ўқ-ёй ихтиро қилинди. Неолит даврида (милoddан аввалги 5 минг йиллик) овчилик ва балиқчилик ривожланди, кемачилик, тўқимачилик ва оддий деҳқончилик вужудга келди.

Бронза даврида эса (мил. авв. 3—2 минг йилликларда) Замонбобо, Сополлитепа, Далварзин, Чуст каби манзилгоҳларда маданий ўтроқ ҳаёт кечирган аجدодларимизнинг турар жойлари вужудга келди. Қабилалар ўртасида ўзаро алоқалар, маҳсулотлар айирбошлаш бошланди. Чорвачилик ва деҳқончилик ривожланди. Бронза даври охирларига келиб Ўрта Осиёда яшаган қабилалар ўртасида синфий муносабатлар пайдо бўлди.¹

Маълумки, инсоният тарихи — маданиятлар тарихи, цивилизациялар тарихидан иборатдир. Маданият ва цивилизация умумий кўринишда халқ ҳаётини акс эттиради. Моддий ва маънавий маданиятнинг, авлоддан авлодга ўтувчи маданий қадриятларнинг халқ тақдиридаги аҳамияти бениҳоя каттадир.

Бу тарихий жараёндан жисмоний тарбия ва бел олиш кураш маданияти ҳам мустасно эмас. Ўлкамиз тарихига доир кўпдан-кўп манбалар, илмий тадқиқотлар шундан далолат берадики, жисмоний тар-

¹ Ўзбекистон тарихи атласи. Тошкент, 1999, 24-бет.

бия ва у билан боғлиқ кўнгилочар ўйинлар ва маросимлар қадимдан Ўрта Осиё халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутган. Хусусан, бугунги кунда оммавий тусга кирган бадантарбия машқлари, шунингдек турли хил спорт ўйинлари ва беллашувлар ибтидоий жамоа тузуми даврида ҳам қайсидир кўринишда намоён бўлган.

Халқ орасида турли-туман беллашув ва мусобақалар ўтказилиб, голиблар муносиб тарзда тақдирланганлар. Рус ва ўзбек олимларининг археологик қазишлар натижасида олиб борган самарали илмий тадқиқотлари Ўрта Осиёда жисмоний тарбиянинг унсурлари бир неча юз асрлик тарихга эга эканини исботлаб берди. Ана шундай археологик изланишлар мобайнида сўнгги палеолит даврига оид найзалар топилди. Бу шундан далолат берадики, Ўрта Осиё ҳудудида қадимда овчилик бирмунча онгли хусусият касб этиб, маданият ҳам юқори даражага кўтарила борган. Олимлар Тешиктошда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қадимги мустар одамлари чаққон, жасур, чидамли ва етарли жисмоний қувватга эга овчилар бўлишган, деган хулосага келдилар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, овчилик ҳаёти кишиларнинг жисмоний имкониятларинигина ривожлантириб қолмай, ақлий имкониятларини ишга солишга мажбур этди.

Маълумки, 1964 йилда Бухоро яқинидаги неолит даврига мансуб манзилгоҳдан тошдан ясалган меҳнат қуролилари топилди. Улар орасида найзанинг тош мосламаси ҳам бор эдики, у ҳақиқий археологик кашфиёт бўлди. Академик А.П.Окладниковнинг тасдиқлашича, ушбу мослама найза сопига қистирилган махсус йўнилган тош бўлиб, у барқарор парвоз этиб, зарбанинг кучли бўлишини таъминлайди. То ўша пайтгача бундай меҳнат қуроли XV асрда фақат Шимолий Америка ҳиндулари фойдаланиб келган аслаҳа дея ҳисоблаб келинарди.

Камон ва унинг ўқи ихтиро қилиниши тош даврининг йирик кашфиёти бўлди. Камон ва найза ўз-ўзини ҳимоя этиш воситаси ҳамда асосий ов қуроли бўлиб хизмат қилди. Табиийки, ҳар бир камон эгаси ўқ узиш санъатини пухта эгаллаш мақсадида маълум ҳаракатларни бир неча марта такрорлашни ўрганди.

Аҳолининг асосий машғулоти овчилик, балиқчилик ва деҳқончиликдан иборат бўлган даврда меҳнат қуролилари таркиби ҳам ўзгарди. Археологик экспедициялар пайтида топилган ашъвий далилларнинг тасдиқлашича, бу даврда қуролилар, асосан, тош, ёғоч ва суяклардан ишланган. Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган қум каръери ва эски Термиз шаҳри харобаларидан топилган найзанинг бронза пойнаги бронза даврида кенг тарқалган „патқалам“ ва қирқим қанотли найза тифини эслатади.

Бу борада олиб борилган тадқиқотлар, бир томондан, ушбу найзанинг эраמידан олдинги XII—X асрларга тааллуқли санчиш қуроли эканлигини, иккинчи томондан, деҳқончиликка ихтисослашган воҳада чорвачилик билан кун кечирган қабилалар ҳам яшаганини тасдиқлайди.

Шу даврга оид тадқиқотларда қайд этилишича, бронза даври жамоалари ҳаётида турли хил ҳарбий қуролилар пайдо бўла бошлади, бу эса Амударё ҳавзаси аҳолисига хос айрим хусусият ва белгилар

қадим аждодларимизнинг Шарқий Европа қабилалари билан моддий-маданий, жумладан, жисмоний тарбия соҳасидаги алоқаларини аниқлашга ёрдам беради.

Шунингдек, мустақкам мудофаа қуролилари ҳам топилди. Маълум бўлишича, бу ўқсимон предметлар ҳақиқатан ҳам ов учун ясалган бўлиб, катта тезлик билан учади ва нишонга олинган жониворга жиддий жароҳат етказиши мумкин. Бундан ташқари, археологик қазилмалар чоғида иккита бронза найза қолдиғи, камон ва суякдан ясалган 8 та камон ўқи топилди.

Археолог олимлар Ю.Заднепровский ва Б.Матбобоевларнинг Андижон вилояти ҳудудидаги Далварзинтепада олиб борган тадқиқотлари кўпгина қимматли маълумотларни берди. Археологик топилмалар орасида овчилик билан боғлиқ ашёларни ҳам учратиш мумкин. Чунончи, тузилиши жиҳатдан ўқсимон, учи кескир қилиб тарошланган, кенгайиб борувчи, кейинги учи эса тўғри бурчак остида кесилган, бўйи 3—7 см, диаметри 2—6 см ва оғирлиги 30—200 граммни ташкил қиладиган буюмлар ҳам мавжудки, улар ҳақиқатан ов учун ясалган қуроолардир.

Археологик топилмалар орасида спорт ўйинларига тааллуқли предметлар ҳам кўплаб учрайди. Археолог О.Обельченко томонидан Оғалиқ қўрғонидан топилган ўроқсифат темир қиличлар ва учига жун боғланган темир камон ўқлари шулар жумласидандир. Мазкур предметлар эрамиздан илгариги VI—V асрлар маданиятига тааллуқли эканлиги исботланди. Энг муҳими, Оғалиқ қўрғонида ўтказилган археологик қазилмалар чоғида топилган буюмлар қадимги Зарафшон ҳудудида шаклланган жисмоний тарбия воситаларига оид тасаввурларни янада бойитди. Шу билан бирга, археолог ва тарихчи олимларни янги-янги илмий изланишларга илҳомлантирди. Ана шундай изланишларнинг самараси ўлароқ, такомиллашган тош-қурооллар ҳам топилдики, улардан фойдаланиш ҳайвонот дунёсини хонакилаштиришга, бинобарин, янги маданий турмуш шароитига ўтишга шароит яратганлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, кишилар жамоаси таркибан барқарорлашиб, минтақа ҳудудлари ўртасидаги алоқалар ривожланиб борган сайин жисмоний тарбия машқлари ахлоқий мезонларнинг муҳим омилига, таъсирчан воситасига айланади. Хусусан, уруғдошлик жамоаси даврида жисмоний тарбия билан жиддий шуғулланишга алоҳида эътибор берилиб, жисмоний чиниқиш ҳар бир жамоа аъзоси учун қатъий қилиб қўйилади.¹

Хитой манбаларида айтилишича, эрамиздан олдин Ўрта Осиё, аниқроғи Давон (Фарқона) орқали маданий алоқалар йўлга қўйилган. «Катта Хань династияси тарихи» (Цянь Ханьшу)да айтилишича, эрдан олдинги I асрда Фарғонада бўлган элчилардан биттаси ўз юртига кетаётганда ўзи билан «узум» ва «му-су» ўти (беда) уруғини ҳам олиб борган. Хитойларни Фарғона отлари айниқса қизиқтирган. Бу отлар-

¹ Х.А.Ботиров. "Ўзбекистон жисмоний тарбия тарихи", Тошкент, 1993, 10—13-бетлар.

нинг айрим хусусиятлари тўғрисида ҳатто афсоналар тўқилган. Жумладан, гўё бу отлар «дулдул» отлардан туғилган бўлиб, улардан оқадиган тер қонга ўхшар эмиш. Бу отларнинг баҳоси шу қадар қиммат бўлганки, уларни сотиб олиш учун эрамиздан аввалги II аср охирида Фарғонага инъомлар билан махсус элчилар юборилган. Келтирилган инъомлар ичида «кўп миқдорда тилла ва тилла от» ҳайкалчалари бўлган. Лекин фарғоналиклар бу қимматбаҳо инъомларни писанд қилмай, ўзларининг ажойиб отларини уларга алмаштиришни хоҳламаганлар. Хитойлар 104—101 йилларда дулдул отларни қўлга киритиш учун Фарғонага қарши икки марта ҳарбий юриш қилганлар. Биринчи ҳарбий юриш бутунлай муваффақиятсиз бўлган. Иккинчи юришда ўнлаб аргумоқ, 3000 та ўрта ва паст зотли айғир ҳамда байтал отларни қўлга киритганлар. Лекин улар шаҳарга кира олмай, ноилож қайтиб кетганлар. Кейинчалик Хитойга борадиган элчилар иккитадан дулдул от совга қилиб олиб борганлар. Аста-секин иқтисодий алоқалар яхшиланиб борган.¹

Ўрта Осиё халқларида болани 3 ёшда илк маротаба отга миндириш ва етти ёшида чавандозлик мусобақасида қатнаштириш анъана тусини олган. Бу маросим айрим жойларда ҳатто бугунги кунгача сақланиб қолган. Отга миндириш расм бўлгунга қадар бу жониворга юк ташувчи от-улов транспорти сифатида қаралар эди. Отларни қўлга ўргатиш жисмоний машқ ва спорт ўйинларининг от билан боғлиқ турлари, ҳарбий тайёргарликка уйғун мусобақалар пайдо бўлишига олиб келди. Эрамизгача бўлган II йилликда Яқин Шарқда биринчи маротаба отлик қўшинлар тузилиб, улар жангу жадалларда тактик моҳият касб этган. Лекин у пайтларда ҳали узанги кашф этилмаган эди. Шу сабабли отлик қўшинлар кўп ҳолларда кутилган натижаларга эришолмади — жангларда тўла ғалаба қозона олмади. Ҳозирги металл узангиларнинг қадимги нусхалари Хитой ва Жанубий Сибирь ҳудудидан топилган. Лекин археолог олимларнинг қайд этишича, улардан ҳам қадимийроғи Ўрта Осиё заминида мавжуд бўлган. Масалан, Кўлобдан ҳалқали узанги тасвири туширилган бўйин жеваги (тақинчоғи) топилди. Ўтмишда отлик чавандозларнинг узангидан фойдаланиши шарофати билан отлик қўшинлар стратегик устунликка эришдилар. Отлар жанговар араваларни майдондан сиқиб чиқарди. Узанги жорий бўлгач, отлик қўшинлар сарҳадлардан ошиб ўтувчи жангу жадалларда, айниқса узоқ ва яқин масофали жангларда муваффақият билан иштирок эта бошлади.

Тарихдан маълумки, ибтидоий жамоа тузуми емирилгач, „ҳарбий демократия“ деб аталмиш давр бошланди. Ана шу даврда кўпгина ҳудудларда „оломон-пойга“ мусобақа ўйинлари пайдо бўлди. Бу ўйинлардан жангчилар тайёрлаш мақсадида фойдаланилар эди. „Оломон-пойга“ етарли ҳарбий воситалар билан қуролланган ва жисмоний тайёргарликдан ўтган отлик отрядларнинг ҳужум манзарасини эслатади. Ҳозирги замон фанининг тасдиқлашича, камондан узоққа ўқ узиш

¹ В.А.Шишкин. Ўрта Осиё халқларининг Хитой халқи билан қадимий маданий алоқалари. Тошкент, 1954, 9-бет.

бўйича ўтказилган мусобақалар ўша жангчиларнинг сеvimли кўригига айланган эди. Тарихий фактлар шундан гувоҳлик берадики, от устида туриб камондан аниқ нишонга олиш имконини берувчи предмет — эгар илк марта скиф қабилалари орасида пайдо бўлган. Уларнинг камонлари эса „М“ ҳарфи шаклида эди. Ўша замонларда кўпгина қабилалар турли-туман машқ ва ўйинлар орасида от билан сакрашга алоҳида эътибор берардилар. Илмий манбаларда кўрсатилишича, „улар 5 ёшдан то 25 ёшгача фарзандларига уч нарсадан сабоқ беришади, яъни чавандозлик, камондан ўқ узиш ва тўғрисўзликдан!“¹

Шу даврларда яшаган аждодларимизга хос анъанавий жисмоний тарбия элементлари ҳақида сўз кетадиган бўлса, албатта, от спорти, чавандозлик, камондан ўқ узиш, бел олиш кураш, муштлашувлар, найзабозлик ва бошқа турлар халқ ҳаётидан мустаҳкам ўрин олганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Эрамиздан аввалги II—III асрларда яшаб ижод этган юнон адиби Элиан Клавдий ёзиб қолдирган маълумотларда ўзбекларнинг қадимги аждодлари, аниқроғи бундан 2500 йил илгари ҳозирги Ўзбекистон худудида яшаган қабилалар орасида бел олиш кураш кенг тарқалганлиги қайд этиб ўтилган.

Милоддан аввалги IV асрнинг охириги чорагидан Ўрта Осиёга Ўрта денгиз соҳилларидаги юнон маданияти кириб кела бошлади. Лекин Ўрта Осиё аҳолиси юнон маданиятини механик тарзда қабул қилмаганини айтиб ўтиш керак. Бу маданият маҳаллий ўзига хослик билан қоришиб кетган эди.

Доро ва Ксеркснинг Грецияга ҳарбий юришларида сўғдлар, хоразмийлар ва Ўрта Осиё скифлари (саклар) қатнашганликлари тарихдан маълум. Грецияда улар кўплаб хилма-хил жисмоний машқлар, ўйинлар ва мусобақаларни ўзлаштириб, ўз мамлакатларига кенг ёйдилар, уларни маҳаллий шароитга мослаштиришга интиладилар. Антик давр муаллифларидан бири Элианнинг таъкидлашича, ўша даврда уйланмоқчи бўлган сак қабиласининг ёш йигитлари бўлғуси қайлиқларини, албатта, бел олиш курашида енгиши зарур бўлган (2-расм). Агар йигит енгиб чиқса, у ҳукмронликни ўз қўлига олган, борди-ю қиз голиб чиқса, енгилган йигит унга қул бўлиб хизмат қилган. Улар кучли полвонлар, курашчилар эдилар, айна чоғда камондан отиш, чавандозлик, қўл жанги бўйича мусобақалар ўтказиб туришган. Бу ҳақда кўпгина асарлар битилган.

Қадим замонлардаёқ Ўрта Осиёда яшовчи халқлар ўртасида бел олиш кураш, камондан



2-расм. Милоддан аввалги VII—VI асрлардаги шарқий помирлик сак аскари (қабр ҳужжатларига асосланган сурат).

¹ Х.А.Ботиров. "Ўзбекистон жисмоний тарбия тарихи". Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. Тошкент, 1993, 17-бет

отиш, чавандозлик сингари турли-туман жисмоний машқлар, ўйин турлари мавжуд бўлган. Бу ҳақда юнон тарихчиси Геродот асарларида ҳам маълумотлар учрайди. У, жумладан, хоразмийлар билан ёнма-ён яшаган саклар қабиласидаги моҳир мерганлар ҳақида бундай деб ёзган: „Саклар дунёдаги барча мерганлар орасида ўқни зое кетказмайдиган жуда моҳир мерганлар сифатида шуҳрат қозонган эди“.

Аждодларимиз тарихида кураш жуда қадимдан мавжуд бўлганлигини буюк мутафаккир шоир А. Навоийнинг „Садди Искандарий“ достонида қаламга олинган воқеалар ҳам яққол тасдиқлайди. Яъни, ушбу дostonда Искандар қўшинларининг Эрон шоҳи Доро лашкарлари билан қилган жанглари ифодаланади. Ундан биз Паҳлавон Барбара Барикнинг Хрон билан ҳамда Доро қўшинидаги бошқа аскарлар билан бўлган яккама-якка олишуви қон тўкилишига чек қўйганини билиб оламиз.¹ Атоқли археолог олим С.П.Толстов Хоразмга қилган археологик экспедицияси яқунлари бўйича ёзишча, „Кўйқирилган“ қальасидан топилган ва милоддан аввалги IV—III асрларга тааллуқли майкосага мушт ўқталиб турган жангчи расми туширилган. Юнон тарихчиси Помпей Трог (эрамизнинг I асри) қайдларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган қабилаларнинг ҳарбий ишда, айниқса, бел олиш, кураш, муштлашув, суворийлик, тош ирғитиш ва камондан отишда жуда моҳир бўлгани хусусида сўз юритилади.²

Ўрта Осиё ҳудудининг аксарият қисми мил. ав. VI асрдан бошлаб Эрондаги Аҳмонийлар давлати таркибига кирган, Ҳиндистон шимолидан Ўрта Ер денгизигача чўзилган минтақанинг аҳмонийлар империяси таркибига киришининг кўпгина ижобий жиҳатлари бор эди. Булар сирасига минтақанинг халқаро савдо-сотиқ йўлига чиққанини, бошқа халқлар ва уларнинг маданияти билан танишиш имкони пайдо бўлганини, карвон йўлларнинг тараққий этганини киритиш мумкин.³

Ўрта Осиёда яшаган қабилалар билан қўшни мамлакатлар ўртасидаги алоқалар натижасида маданиятларнинг бир-бирига таъсири кучаяди. Буни турли ўйин ва мусобақалар уюштириш тажрибаси ортишида ҳам яққол кўриш мумкин. Жумладан, Бел олиш, Кураш, От спорти ўйинлари қўшни мамлакатлар байрамларига кириб борган эди. Шу ўринда Вавилонда подшоҳ Кирнинг тантанали чиқиши муносабати билан уюштирилган йирик мусобақа ҳамда унда от пойгасида бир сак барчадан голиб келганини эслаб ўтиш жоиз. Ушбу мусобақа эрамиздан аввалги 539 йилда қадимги Месопотамия ҳудудида бўлиб ўтган эди.⁴

Венгриялик машҳур адиб Л.Кун „Умумий жисмоний тарбия маданияти ва спорти“ китобида курашнинг узоқ тарихга эга эканлигини ёзади. Бунинг исботи сифатида у эрамиздан III минг йил илгари

¹ Ж.М.Нуршин, Р.С.Соломов, А.Ф.Керимов. "Ўзбекча миллий спорт кураши". Тошкент, 1993, 5—9-бетлар.

² Т.Обидов. Чемпионами не рождаются. Ташкент, "Ўзбекистан" 1982, с. 4.

³ Ўзбекистон тарихи атласи. Тошкент, 1999, 24-бет.

⁴ Х.А.Ботиров. "Ўзбекистон жисмоний тарбия тарихи". Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. Тошкент, 1993, 18-бет.

Месопатамия ерларидан топилган бронзадан ясалган, икки одамнинг курашаётган ҳайкалчасини далил қилиб кўрсатади. Дарҳақиқат, бу ҳайкалчанинг кўриниши „Бел олиш кураш“ амалида кураш тушаётган полвонларни эслатади.¹

Тарихий манбаларда кейинги даврларга оид қатор яхши анъаналарни ўзлаштириб олган сак аёллари ҳақида алоҳида тўхталамиз. «Умуман бу қабила аёллари,— дея хабар беради Диодор, — эркаклар билан жанг ҳолатига бориши мумкин». Климант Александрийскийнинг гувоҳлик беришича, «сак аёллари отда қоча туриб, худди эркаклардек чаққон ортга ўгирилиб ўқ отишни эплашади».

Ўрта осиелик хотин-қизларнинг жисмоний тарбияга муносабати, жанговар ишларга нақадар алоқадорлигини қадимги қорақалпоқ одатларидан янада яхшироқ билиб олиш мумкин. Ушбу одатларга кўра, яқинда турмуш қурган қиз то бир ёки ундан ортиқ душманни маҳв этмас экан, юқори мартабали эрли аёллар даражасига ўтиши мумкин бўлмаган. Ўрта Осиеда қабилалар иттифоқи тузилиши билан боғлиқ равишда бу даврга келиб жисмоний тарбия ҳам ҳар томонлама ривожланади ва, бошқача қилиб айтганда, бир қабила бошқа бир қабила ютуқларини ўзлаштириши туфайли янада равнақ топа бошлайди.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиенинг тарихий тақдиридаги бурилиш қадимги дунёнинг улкан саркардаси Александр Македонский номи билан боғлиқ.

Қадимги юнон хабарномасида айтилишича, милоддан аввалги 329- йил баҳорида Александр Македонский Ўрта Осиега юриш бошлади. У милоддан аввалги 329—327-йиллардаги юриш натижасида ўз қўшинлари билан Самарқандни эгаллади ва Давон дарвозаси Хўжандгача етиб келди. Александр Македонскийнинг Ўрта Осиени босиб олиши натижасида юнон санъати ва маданияти маҳаллий маданият билан қоришиб, бир-бирига узоқ вақт таъсир ўтказиб келди. Масалан, Ўрта Осиеда ҳарбий демократия давридан бошлаб (милоддан аввалги VIII—IV асрлар) спорт турлари, мусобақалар, жисмоний тарбия беллашувлари кенг тарқала бошлади. Минтақада бир қанча жисмоний тарбия ўйинлари, жумладан, югуриш, муштлашув, от спортдан чавгон ўйини, отда чопиш, тош отиш, камондан отиш, бел олиш кураш, найзабозлик турлари мавжуд бўлиб, кейинчалик улар жадал суръатлар билан ривожлана борди. Аста-секин қадимги юнон Олимпия ўйинларига ўхшаб кетадиган гимнастика ва бошқа ўйин турларини ўз ичига олган мусобақалар ўтказиб туриш анъанага айланди. Қадимги қўлёмалар шундан гувоҳлик берадики, А.Македонский асос солган янги Александрия шаҳри (ҳозирги Бекобод ва Хўжанд шаҳарлари оралиғида) шарафига бу ерда турли-туман оммавий ўйин ва гимнастика машқлари кўриклари ўтказиб турилган. Бунини Зарафшон воҳаси аҳолиси ўртасида тилдан-тилга ўтиб келган ривоятлар ҳам тасдиқлайди.

Уларда айтилишича, А.Македонский ўз жангчилари билан Искандаркўл яқинида турли ўйин ва вақтичоғликлар уюштирган, шунинг-

¹ Л.Кун. Всеобщая история физической культуры и спорта. Москва «Радуга» 1982, с. 39.

дек, тоғлар қўйнидаги Тепи гуйибоз тепалигида гуйибоз (чавгон) ўйинлари ташкил этилган (5-расм). Ривоятларда ҳикоя қилинишича, бундай мусобақалар А.Македонскийнинг юнон ҳамда бошқа элат ва қабилалар, жумладан, Ўрта Осиёнинг массагет, хоразмийлар сингари туб аҳолисидан иборат қўшини учун кўнгилхушлик воситаси, сеvimли ўйинлар ҳисобланган.¹ Юнон тарихчиси Квинт Нурций Руф А.Македонский Ўрта Осиёни истило қилиш чоғида 30 баҳодирни асир қилиб олгани хусусида ёзади. Улар ўзларининг ўлимга маҳкум этилганликларини англаб етсалар-да, лекин ўлимни асло писанд этишмайди. Баҳодирларнинг матонати, мағрурлиги жаҳонгирни ҳайратга солади. Шунда жаҳонгир тантилик кўрсатади, уларни қатл қилишдан кўра қўйиб юборишни афзал билиб, баҳодирларнинг барчасини озод қилади.²

Аждодларимизнинг ана шундай беқиёс мардлиги ва жасорати ҳақида Ян Дымовнинг „Паҳлавонлар дўстлик билан қудратлидир“ китобида ҳам қизиқарли ривоятлар келтирилган.

Ана шу ривоятлардан бирида тоғли суғдийнинг грек баҳодирларини бел олиш курашида мағлубиятга учратганлиги айтилади.³

Термиз яқинидаги Айритом, Хоразмдаги Тупроққалъа ва бошқа жойлардан топилган буюмлар, суяк тош, сополга туширилган расмларда қадимги спорт ўйинлари, шу жумладан, кураш, тош улоқтириш, қиличбозлик каби ўйинлар акс эттирилган. Умуман олганда, Ўрта Осиё худудида қадимдан яшаган халқларнинг шаҳарлар барпо этиш, турли безакли буюмлар ясаш, савдо алоқаларини ўрнатиш ҳамда ўз ватанини ҳимоя қилиш ҳамда жанговарлик фаолиятлари тўғрисида ҳикоя қилувчи нодир топилмалар инсониятнинг қимматли бойлигидир.

Қадимда яшаган аждодларимиз ўртасида жанговарликни ошириш, ўз худудларида осойишталикни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини юксалтириш мақсадида турли-туман диний, маданий маросимлар, тўйлар ва бошқа тантаналар ўтказиб турилган. Шундай маросимлар пайтида камондан ўқ отиш, қиличбозлик ва найзобозлик, бел олиш кураш, от ўйинлари ҳамда бошқа миллий ўйинлар билан машғул бўлганлар. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Ўрта Осиёда яшаган халқлар Александр Македонский кўшинларига қарши жиддий кураш олиб борганлар. Бундай курашларда аскарлар ва халқнинг асосий жанг усуллари камондан ўқ отиш, найза санчиш, қиличбозлик, мушталлашиш, жанговар қуроллари тўқмоқ, калтак, болта, пичоқдан иборат бўлган. Кўп ҳолларда жангчиларнинг маълум қисми отда юрган, ана шу от устидаги жанглар отдан ағдариш ўйинларининг ривожланишига сабаб бўлган.

Маълумки, Хитой, Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Яқин Шарқ мамлакатларини ўзаро боғлаган қадимги савдо йўли тарихда „Ипак йўли“ номи билан машҳурдир. Бу йўл орқали қадимги Хитойдан Ўрта Осиё,

¹ Ўзбекистон жисмоний тарбия тарихи. Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. Тошкент, 1993, 20-бет.

² Т. Обидов. "Чемпионами не рождаются". Ташкент. "Узбекистан" 1982, с.8.

³ Ян Дымов. "И дружбой сильны богатыри". Ташкент. "Медицина", 1985, с. 327—331.

Ҳиндистон, Эрон ва Яқин Шарқ мамлакатларига асосан ипак олиб ўтилганлиги учун уни Ипак йўли деб аташган. Буюк ипак йўли миллоддан аввалги 3 минг йиллик ўрталаридан то милодий XVI асргача (сув йўллари очилгунга қадар) Шарқни Фарб билан боғлаб, савдо-сотик ва маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Буюк ипак йўли орқали Хитойга ҳар хил газламалар, гиламлар, ойна, металл, зеб-зийнат буюмлари, қимматбаҳо тош, дориворлар Бақтрия ҳамда Довондан от ва туяларда олиб борилган. Бу йўл туфайли Хитойнинг Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдо ва ташқи алоқалари, айниқса, миллоддан аввалги III—II асрларда юксак даражада ривожланган.

Ипак йўли узоқ ва машаққатли бўлганлиги сабабли Хитойнинг Фарб мамлакатлари билан бевосита алоқа олиб бориш имкони бўлмаган. Шунинг учун ҳам Буюк ипак йўли орқали олиб борилган савдо-элчилик алоқаларида осиеликлар, айниқса сўғдлар, бақтрияликлар, парфияликлар катта роль ўйнаганлар.

Буюк ипак йўли Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатди: шаҳарлар кенгайди, ҳунармандчилик ва маданий ҳаёт ривожланди.¹

Кези келганда шуни айтиш жоизки, манбаларда баён қилинишича, айнан ана шу Буюк ипак йўли мамлакатларида қадимдан „Бел олиш кураш“ жисмоний тарбия ўйинлари мавжуд бўлиб, улар бугунги кунгача етиб келди. Ўша даврларда „Бел олиш кураш“ Ёркент, Қашғар, Фарғона водийси, Сўғднинг маркази Самарқанд, Марғиёна, Балх, Ҳиндистон, Эрон ва Месопотамия ерларида айниқса тараққий этган. Буни кўпгина ашъвий далиллар ҳам тасдиқлайди.

Ироқ пойтахтидаги музейда сақланаётган бел олиш курашини акс эттирувчи ҳайкалча эса ФИЛА ташкилоти ва бир қанча олимлар томонидан эътироф этилиб, унинг аҳамиятига катта баҳо берилди. Мазкур ҳайкалча эрамиздан аввалги III минг йилликнинг бошидаги даврга тааллуқлидир. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки „Бел олиш кураш“ дунё курашлари ичида энг қадимийси ҳисобланади, у Месопотамия ерларида жуда қадимдан мавжуд бўлган.

Маълумки, милодий I — IV асрларда Ўрта Осиёнинг катта қисми, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон ва бошқа ерларни ўз ичига олган Кушон империяси Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Подшоликда аҳолининг асосий қисмини қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган уруғ ёки қишлоқ жамоалари ташкил қилган (3-расм).



3-расм. Кушон аскарлари. Қадимий Халчаён саройи ҳайкалтарошлиги асосида.

¹ Ўзбекистон тарихи атласи. Тошкент, 1999, 24-бет.

Кушон подшоҳлигида Кушон-Бақтрия тили давлат тили сифатида қабул қилинган, маданияти турли-туман бўлган. Кушон подшолиги даврида мустақкам истеҳкомли шаҳарлар қурилиши авж олди. Шаҳарларда ҳунармандчилик кенг ривожланган. Қазилмалар пайтида топилган кўплаб рўзгор буюмлари, ранг-баранг ва турли нақшлар билан безатилган сопол идишлар, найза, камон, ханжар каби қуроллар ҳамда тўқимачилик матолари бунга гувоҳлик беради.

Ўша даврларда мазкур минтақада жисмоний ўйинлардан отда чопиш, найзобозлик, отдан ағдариш, чавгон ўйинлари, муштлашувнинг бир неча тури, бел олиш кураш, тош отиш, қиличбозлик, камондан отиш, югуриш анча оммалашган.

VI—VII асрларда Ўрта Осиё Турк хоқонлиги қўл остида бўлди. Ана шу даврда Ўрта Осиёда, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўнлаб шаҳарлар барпо этилди. Ушбу шаҳарларнинг анъанавий бозорларига барча ўлкалардан кўплаб савдогарлар, мусиқачилар, ҳофизлар, камончилар, мерганлар, дорбозу машҳур полвонлар ташриф буюришарди. Кейинчалик халқ ижодиётининг турли жанрларини намойиш этувчи истеъдодли кишилар иштирокида ўтадиган мусобақалар анъанавий тус олади. Узоқ ўтмишдаги маросимларга боғлиқ жисмоний тарбия ўйинлари турк хоқонлиги даврида ҳам сақланиб қолди. Айниқса, Наврўз муносабати билан ўтказиладиган халқ сайилларида яқка беллашувлар одат тусига кирган эди. Бу мусобақаларнинг барчаси тарихий миллий урф-одатлар ва маросимлар билан узвий боғланган, уларнинг таркибий қисмига айлантирилган эди. Шу билан бирга, жисмоний тарбия аста-секин синфий хусусият касб эта боради. Зодагонлар оддий халқ

вакилларида ўз бойлик-бисоти, давлати, мартабаси билангина эмас, жисмоний тарбияни қўллаш усуллари ва воситалари билан ҳам алоҳида ажралиб турарди (4-расм).

Маълумки, Зарафшон воҳаси, бинобарин Самарқанд, Бухоро музофотларида қадимда сўғдлар яшаган.

Яғлобда сўғдлар маданияти, тили «XX аср бошларигача сақланиб қолган». Қадимги Сўғд аҳолиси ўртасида спорт ўйинлари, айниқса, бел олиш кураш жуда машҳур бўлган.

Табарийнинг Самарқанд тарихига бағишланган асарида курашнинг қатъий қоидалари баён қилинади. Унда айтилишича, Сўғдиёна пойтахти Самарқандда ҳар йили Наврўз байрами шодиёналарида халқ санъати вакиллари — бахшилар, ҳофизлар, дорбозлар билан бир қаторда бел олишчи паҳлавонлар ҳам ўз истеъдодларини, куч-қудратларини намойиш этганлар. Мусобақада зафар қозонган паҳлавон „Сўғдиёна паҳлавони“ деган унвонга мушарраф бўлган. Энг ибратли жиҳати шундаки, ноз-



4-расм. X—XI асрдаги турк қабилалари кийими.

1—деворий сурат;
2—Ли Лун-Мян чизган расм.

неъматларга тўла дастурхон олдида энг кучли Сўғдиёна паҳлавони ва ҳакамлар ўтиришарди.

Шундай пайтларда яқин-йироқлардан талабгор паҳлавонлар келиб кураш тушишарди. Башарти рақиб кучли бўлса, кураш бир неча соатлаб ёки бир неча кунлаб, энг қизиги, голиб рақибини ўлдиргунча давом этган. Беллашувнинг узоқ вақтлардан буён давом этиб келаётган яна бир қоидаси бор эди. Ушбу қоидага кўра қабилалар, ҳатто давлатлар ўртасидаги можаролар уларнинг вакиллари иштирокидаги курашда ҳал этилар эди. Бунда ҳар бир томон ўз қўшинлари орасидаги энг кучли полвонни майдонга чиқарар ва бу паҳлавонлар ўртасида тенгсиз жанг бўлар эди. Ҳалок бўлган жангчи-полвон кўплаб инсонларнинг қони тўкилишининг олдини оларди. Жангчи-полвонлар от устида туриб, қилич, найза, камон ўқи воситасида жанг қилар, бордию бу қуроллар синиб қолгудек бўлса, қўл жанги ва отдан ағдариш усули қўлланиларди, жанг бел олиш кураш билан тугарди. Бу яккама-якка учрашувда голиб бўлган полвон ўз қабиласига катта зафар, зўр обрў келтирар эди. Мағлубиятга учраган паҳлавон қабиласи эса таслим бўлишга мажбур эди.¹

Бундан шу нарса аён бўладики, қадимда „Бел олиш кураш“ ҳам жисмоний тарбиянинг муҳим турларидан бири сифатида ривожланиб, бугунги кунгача етиб келган. Ботирларнинг ана шундай яккама-якка беллашувлари тўғрисида буюк аждодларимиздан Маҳмуд Кошғарий ўзининг „Девону луғотит турк“ асарида (1-жилд, 192-б.) баён қилишича, хоқон ботирларидан иккитаси бир-бирини ўртага чорлаб, ҳамма жанг қуролларини ишга солишади. Шундай ҳолат юз берадики, қиличнинг юзи қон билан қалинлашиб, қинга куч билан, зўрға сиғадиган ҳолга келади. Бу ҳолат эса туркийларга хос қадимий курашларнинг қадим замонларда ҳам нақадар муросасиз ўтишининг яна бир далилидир.

Араб истилочилари 651-йилда Мовароуннаҳрға юриш бошлади. 712-йили араб саркардаси Қутайба ибн Муслим Сурхондарё, Қашқардарё воҳаларини, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини босиб олди. Кейин Тошкент, Фарғона ва жанубий Қозоғистон вилоятларини ҳам қўлга киритди ва бу ерларга араб амирларидан ноиблар тайинлади. Туркистонда хўжалик ҳаёти ривожланди: Самарқанд, Бухоро, Бинкат (Тошкент), Термиз ва бошқа шаҳарлар йирик маданий ва диний марказларга айланди. Туркистон халқлари араб ёзуви орқали дунё илм-фанидан баҳраманд бўлдилар.²

Ўлкага ислом дини кириб келиши билан жисмоний меҳнат ва ўйинлардан озод бўлган Мовароуннаҳр аёллари оилада бола тарбиясига катта аҳамият бера бошладилар. Бу, шубҳасиз, келгусида Мовароуннаҳр ўлкасидан кўплаб забардаст олиму фузалолар етишиб чиқишига муҳим замин яратди. Имом ал-Бухорий, Абу Али ибн Сино,

¹ Т.Обидов. "Чемпионами не рождаются". Ташкент. "Ўзбекистан" 1982.

² Ўзбекистон тарихи атласи. Тошкент, 1999, 25-бет.

Беруний, Форобий, Хоразмийлар шулар жумласидандир. Уларнинг дунё илм-фани тараққиётидаги хизматлари ниҳоятда беқиёсдир.

VII—IX асрларда фан ва маданият гуркираб ўсди. Жумладан, геометрия, алгебра, геодезия, тиббиёт, астрономия ва фалсафа равнақ топди.

Тарихий фактлар шундан далолат берадики, жангчиларнинг жисмоний чиниқиши тақозосига кўра аниқ фанлар билан бир қаторда ҳарбий илм ҳам ривожланиш босқичига кўтарилди. Бу даврда „Қоидалар китоби“ ҳарбий рисоласи яратилганлиги бунинг яққол исботидир. Мазкур рисолада ҳарбий санъат усул ва қоидалари, чунончи камондан отиш машқи, чавандозлик сир-асрорлари ва бошқалар хусусида сўз юритилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, араб халифалари ўз истилolari даврида Мовароуннаҳр ҳудудида ҳарбий ўйинлар, чавандозлик ва камондан ўқ отиш бўйича турли мусобақалар ўтказиб туришган. Айниқса, чавгон (гўйибоз) ўйинлари жуда қизиқарли бўлган. Араблар даврида Туркистонда „Бел олиш кураш“ халқнинг энг севимли жисмоний тарбия турларидан бўлган. Бунинг натижасида „Бел олиш кураш“ янада жадал ривожлана борган. Чавандозлар энгил қурол-аслаҳа билан тайёргарлик кўрганликлари туфайли жангу жадаллар чоғида ўзларини тезда ўнглаб олишга моҳир бўлишган. Аскарлар учқур отлар устида кета туриб ҳам энгил найзаларни аниқ нишонга иргитиб, камондан ўқ узиб, эгардан пастга ва пастдан от устига абжирлик билан сақрай олганлар. Шунингдек, навкарлар сувда яхши сузишган ва ҳар хил қуроллар, айниқса қиличдан эркин фойдаланганлар.

Араблар ҳукумронлиги даврида минтақада жисмоний машқ, ўйинлар ва мусобақаларнинг ҳарбий-амалий турлари кенг тарқалади. Бунда махсус ҳарбий санъат қўлланмаларининг яратилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Шундай рисолалардан бири Самарқанддан топилган „Қаландар китоби“дир. Ушбу рисолада камондан ўқ отиш усуллари, унга тайёргарлик кўриш, от миниш ва бошқа ҳарбий турлар бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилган.¹

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, араблар Ўрта Осиёни забт этгандан сўнг уларнинг ўзлари ҳам маҳаллий халқ маданиятининг кўпгина жиҳатларини ўзлаштириб олдилар. Олимлар чавгон ўйини араблардан келиб чиққан, деб ҳисоблашарди. Ҳолбуки, манбаларда келтирилишича, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Александр Македонский Ўрта Осиёга юриш қилган даврларда ҳам чавгон ўйини мавжуд бўлган ва саркарданинг ўзи ҳам чавгон ўйинлари уюштирган (5-расм). Ўрта Осиёда байрамларда ўтказиладиган ҳарбий-жисмоний машқлардан бири шундай манзара касб этган:

Ўйинчилар майдондаги тўпни махсус таёқ билан бир-бирига ошириб отиб, майдоннинг икки чеккасига ўрнатилган рақиб дарвозасига киритишга ҳаракат қилишган. Қўлдаги махсус таёқ — сулжон билан

¹ Ўзбекистон жисмоний тарбия тарихи. Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. Тошкент, 1993, 27-бет.

от чопиб ўйналадиган чавгон айниқса машхур бўлган. Минган отларини ранги бир-бирларидан ажралиб турадиган рақиблар икки гуруҳга бўлинган. Ҳар бир чавандознинг қўлида учи қайрилган узун таёқ бўлган. Араблар ичида бу ўйин шунчалик машхур бўлганки, чавгон ўйинида ҳатто шоҳлар ҳам қатнашган.¹

Тўғри, араблар, туркий, форсий тилда сўзлашувчи қабилалар, ҳиндлар ва яна бир қанча давлатларда курашнинг бир неча турлари ривожланган. X—XI асрларда Ўрта Осиё ва Яқин Шарқнинг буюк олимларидан Абулқосим Фирдавсий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарийлар буни ўз асарларида таъкидлаб ўтганлар. Айнан ана шу олимларнинг ўзлари ўша даврдаги жисмоний тарбия турлари, жумладан кураш турларини ўз кўзлари билан кўрганлар.

Ўша даврда Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Шарқда бел олиш кураш турининг жисмоний тарбия тури сифатида ривожланганлиги Абулқосим Фирдавсийнинг „Шоҳнома“, Ибн Синонинг „Тиб қонунлари“ Маҳмуд Кошғарийнинг „Девону луғотит турк“, Абу Райҳон Берунийнинг жаҳонга маълум ва машхур асарларида таърифлаб берилади.

Ибн Сино ўзининг „Тиб қонунлари“ китобининг I жилдида жисмоний тарбия ва унинг турлари ҳақида бой маълумот қолдирган. У бир неча жисмоний тарбия турлари амалиётини таҳлил қилиб, уларни турларга ажратган ягона олим ҳисобланади. У бугунги дунё курашлари амалиёти ҳақида ҳам батафсил тушунчалар бериб ўтган.

XI асрнинг машхур тилшунос олими Маҳмуд Кошғарийнинг „Девону луғотит турк“ („Туркий сўзлар девони“) асарида ҳам жисмоний тарбия турлари тўғрисидаги маълумотларни учратиш мумкин. Маҳмуд Кошғарий девон устида узоқ йиллар ишлади, юртма-юрт кезиб, ҳужжатлар тўплади. Юқори Чиндан бошлаб бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар чўзилган бепоён ҳудудда яшаган уруғлар, қабилалар, халқларнинг касб-корини, турар жойларини, нуфузларини аниқлади ва уларнинг тилларини синчиклаб ўрганди. Буюк тилшунос олим бел олиш курашининг бир неча тури, найзабозлик, қиличбозлик, сузиш ва муштлашишнинг ҳам бир неча турлари ҳақида, шунингдек, югуриш, чавгон ўйини, отдан ағдариш, отда чопиш, сакраш, камондан отиш ҳақида ҳам маълумот беради.

М.Кошғарий ўзи ҳақида шундай дейди: „Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қиш-



5-расм. Чавгон ўйини.

¹ Ўзбекистон жисмоний тарбия тарихи. Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. Тошкент, 1993, 24-бет.

лоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўплладим, уларнинг турли хусусиятларини ўрганиб, аниқладим. Мен бу ишларни тил билганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим, бўлмаса мен тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, хуш фаҳмларидан, эски қабилаларидан жанг ишларида уста найзадорларидан эдим“.¹

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, татар, бошқирд ва қадимги бошқа халқлар қайси қабилаларга мансуб эканлигини изоҳлаб беради. Буюк тилшунос олим „Девону луғотит турк“ асарида нафақат туркий тилларга изоҳ берган, балки ўша даврдаги урф-одатларга, жисмоний тарбия турларига, паҳлавонларнинг кийиниши, қандай сийланиши, ҳатто баъзи бир жисмоний тарбия турларининг амалиётигача тўхталиб ўтган. Бу эса бизга номаълум бўлган курашлар, бир неча беллашувлар турларининг хусусиятларини очиб беради. Шунингдек, мазкур асарда ўша даврнинг йирик шаҳарлари ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Ўзганд, Шош (Тошкент), Қашқар, Ёркент, Рум, Тироз, Баласоғун, Кашмир, Барсағон, Сайрам қабилар тилга олинади. Айнан ана шу жойларда, Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, жисмоний тарбия турларидан камондан отиш, найзабозлик, сузиш, отда чопиш, сакраш, чавгон ўйини, муштлашув ва курашнинг бир неча турлари ривожланган. У шаҳарлар тўғрисида шундай дейди: „Талас — Тироз номи билан машҳур шаҳар бўлган. Тирозда турувчилар туркча ва сўғдча сўзлашадилар. Таркан — Шош (Тошкент)нинг асл номи Тошканд, яъни тошдан қурилган шаҳар, Абу Бакр Шоший шу шаҳардандир. Кашмир — турк мамлакати чеккасидаги бир шаҳар“. Айнан мана шу шаҳарларда қадимдан пайдо бўлган „бел олиш кураш“ бугунги кунимизгача етиб келган.

XIII аср бошларида Муҳаммад Хоразмшоҳ Шарқда қудратли бир давлатни вужудга келтирган эди. Шундай бир вақтда Мўғулистонда ҳам Чингизхон давлати ташкил топди.

Чингизхон 1207—1211 йилларда Сибир ва Шарқий Туркистонни, 1215 йили Шимолий Хитойни босиб олгач, 1219 йили 150 минг кўшин билан Ўрта Осиёга бостириб кирди. Муҳаммад Хоразмшоҳ эса кўшинларини бир жойга тўплаш ўрнига шаҳарларга бўлиб юборди ва мўғулларнинг мамлакатни босиб олиши учун ўзи билмаган ҳолда қулайлик туғдирди. 1221 йили мўғуллар Ўрта Осиёни батамом эгаллаб олдилар.²

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида ҳам жисмоний тарбия ўйинлари, жумладан, курашнинг бир неча тури жадал суръатлар билан ривожланди. Ўрта Осиё заминиде етишиб чиққан буюк зотлардан бири Паҳлавон Маҳмуддир. У машҳур файласуф олим, инсонпарвар шоир сифатида юртимиз тарихида чуқур из қолдирган. Паҳлавон Пурёйвалий манбаларда кўрсатилишича, 1247 йилда Хивада пўстиндўз оила-сида дунёга келади. У Кўҳна Урганч ва Хива мадрасаларида таълим

¹ М. Кошғарий. "Девону луғотит турк". "ФАН" нашриёти, Тошкент, 1960 й. 17-б.

² Ўзбекистон тарихи атласи. Тошкент, 1999, 25-бет.

олди, турли билимларни эгаллаш билан бирга жисмоний тарбия билан, жумладан, курашнинг бир неча тури билан мунтазам шуғулланди. Йигитлик давридаёқ Паҳлавон Маҳмуд Шарқнинг деярли барча мамлакатларида курашиб, илгари кураги ерга тегмаган кўплаб полвонлар устидан ғалаба қозонди.

XIV аср ўрталарида мўғул ҳукмронлигига қарши кўтарилган озодлик ҳаракатлари туркий уруғлар бошлиқларининг ҳокимиятни эгаллаш учун курашлари билан кўшилиб, қудратли кучга айланди. Бу курашлар раҳбарларидан бири бўлган Амир Темур 1370 йили Балхда ҳокимиятни қўлга киритди. У Мовароуннаҳрда мўғуллар ҳукмронлигига ва феодал тарқоқликларга барҳам бериб, марказлашган феодал давлатни ташкил этди.

Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида (1370—1405) Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Кавказorti, Миср, Туркия ва Руснинг жанубий ҳудудларини эгаллаб, улкан салтанат бунёд этди.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида ҳарбий санъат ҳамда жисмоний тарбия машқларининг хилма-хил турлари янада ривож топди.

Айниқса, жисмоний тарбия турларидан камондан отиш, найзабозлик, отда чопиш, отдан ағдариш, улоқ ўйинлари, тош кўтариш, муштлишиш ва курашнинг бир неча турлари ривожланди.

Темурийлардан бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1501 йилда Шайбонийхон билан тўқнашувда енгилгандан сўнг мамлакатдан чиқиб кетиб, Қобулни эгаллайди. Кейинчалик Ҳиндистонни забт этади. Заҳириддин Бобур ўз салтанати ҳудудида жисмоний тарбия турларини раванқ топтиришга жуда катта аҳамият берган. Бу ҳақда „Бобурнома“ асарида ҳам сўз юритилади. Манбаларда ёзилишича, Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзонинг мушти қаттиқ бўлган, ундан зарба еган одам йиқилмай қолмаган. „Бобурнома“да ёзилишича, ўша даврларда муштлишиш бўйича жанглр ўтказилган. Амир Муҳаммад Буға Балх дарвозаси олдида Султон Абу Саид Мирзо (Бобурнинг бобоси) ҳузурда муштлашганлигини ёзади.

„Бобурнома“да бел олиш курашига оид лавҳалар ҳам учрайди. Масалан, салтанатда бўлиб ўтган тўйлардан бирига узоқ-яқиндан келган кўплаб элчилар таклиф этилганлиги, шу тўйда маст теваларни (туяларни), филларни ва қўчқорларни уриштирганликлари баён қилиниб, шундан сўнг бел олиш курашчилари белбоғ тутиб курашганликлари тасвирланади. Бобур ўз даврининг энг кучли паҳлавонларидан „Ҳожи Муҳаммад ва паҳлавон Баҳдулу ва Вали Порчийға ханжарлар иноят бўлди“, деб ёзади.

2000 йилда олим Асилбек Алиев Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган китобини ўқувчиларга тўхфа этди. Бу китоб рус тилида чоп этилган. Унда Бобурнинг жисмоний тарбияга муносабати ҳам кенг ёритилган. Китобда бел олиш кураш, муштлашувчи, улоқчи, сузувчи, камончи, ҳаттоки ўша даврдаги овчи (қушчилар) тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилган бўлиб, улар барча ўқувчиларда, айниқса, жисмоний тарбия шайдоларида катта қизиқиш уйғотади.

Бобур ўз атрофидаги улоқчиларга алоҳида эътибор берган. Булардан Бобурга энг яқини Саид Юсуф улоқчи эди. Бобурнинг таъкидлашича,

у бир пайтлар ҳукмдор султон Аҳмад Мирзонинг кўлида хизматда бўлган. Юсуф улоқчининг келиб чиқиши ҳақида Бобур қуйидагиларни ёзади: „Юсуф улоқчининг бобоси мўғуллардан эди, унинг отасини Мирзо Улуғбек ҳурмат қилар эди, Саид Юсуфнинг буйруқлари ва фикрлари теран эди, ўзи гоят жасур одам эди“.¹ Лочин ёрдамида ов қилиш билан шуғулланган одамлар қушчилар деб аталган. Уларни Бобур катта қизиқиш ва маҳорат билан таърифлайди. Жумладан, Ислим Барлос деган қушчи ҳақида қуйидагиларни ёзади: „У оддий одам, лекин қушчилик сирларини яхши биледи. Мерганлигидан 30—40 ботмон оғирликдаги камондан ўқ отиб мўлжалга теккизади...“.²

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари каби дунёдаги энг қадимий халқлардан ҳисобланади.

Тарихий маълумотларга кўра, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида эра-миздан аввалги вақтлардаёқ Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкентда савдо-ҳунармандчилик ва маданият ўчоқлари вужудга келган эди. Аммо, шуларга қарамай, ўзбек халқи доимо муҳтожликда ва оғир ҳаёт гирдобидида яшаб келган.

Озодлик ва мустақиллик учун бўлган курашларда ўзбек халқи катта қурбонлар бериб, мисли кўрилмаган азоб-уқубатларга дучор этилди. Бу ҳолат, айниқса, чет эл босқинчиларининг ҳукмронлиги даврида ёки феодалларнинг ўзаро урушлари вақтида жуда зўрайди. Бу шароитда юзлаб кишилар ҳеч бир гуноҳсиз қириб ташланган ёки оғир жазоларга тортилган. Ўн минглаб кишилар қаттиқ таъқиб остига олиниб, қул каби ишлатилган. Бундай мушкул ҳаёт бир неча юз йиллар давом этди. Ана шундай оғир шароитларда сабр косаси тўлган халқ ўз ватанидан бошқа мамлакатларга чиқиб кетишга мажбур бўлган.³ Асрлар давомида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан юзлаб ва минглаб ўзбеклар, шунингдек Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари Россияга ҳамда Хитой, Ҳиндистон ва бошқа чет мамлакатларга кетиб қолганлар. Эндиликда ёзувчиларимизнинг бундан уч юз эллик ва кейинги юз йиллар муқаддам Сибирга кетиб, бухоролик — тошкентликлар номи билан юритилиб келган ватандошларимизнинг тарихини ёритишга киришганлиги диққатга сазовордир.

Маълумки, Сибир Уралдан то Енисей дарёсигача, бу ердан то Тинч океанигача чўзилган улкан бир ҳудудни ўз ичига олади. Бу ҳудудда қадимдан турли тилларда сўзлашувчи халқлар яшайди. Сибирнинг жанубида туркий тилда сўзлашувчи татарлар, хакаслар, ёқутлар, олтойликлар, тувинлар, шорцлар ва тофарлар, шунингдек, бошқа тилда сўзлашувчи бир қанча элатлар, жумладан, Енисей дарёсидан то Охота денгизи қирғоқларигача ва Беринг қўлтиғигача бўлган жойларда тунгус тилида сўзлашувчи эвенлар, эвенлар, негидоллар ва манчжур тили гуруҳига кирувчи нанайлар, ульчлар, ороклар, удегейлар ва

¹ А.Алиев. «Мухаммед Бабур — личность эпох и среднеазиатского ренессанса». Бишкек, 2000, с. 30.

² А.Алиев. «Мухаммед Бабур — личность эпох и среднеазиатского ренессанса». Бишкек, 2000, с. 32.

³ Ҳ.Зияев. «Сибирлик узбеклар» Ўзбекистон ССР давлат нашриёти. Тошкент. 1958 й., 4-бет.

орочи номли халқлар истиқомат қиладилар. Сибирнинг шимолий-ғарбий томонларида эса угорий тилига мансуб бўлган хантлар ва мансилар, самодий тилига мансуб энлар, ненлар, нгасанлпр ва селькуплар сингари халқлар яшайдилар. Шунингдек, Сибирда чукчи, коряк, игельман, юкагир, нивх, эскимос, алеут ва кетлар сингари ўз она тилларида сўзлашувчи халқлар ҳам ўрнашган.¹ Бу миллат ва халқларнинг кўпчилик қисмини туркий тилдаги аҳоли ташкил этиб, булар ўрнашган ерлар қадимги вақтлардаёқ турли давлатлар, жумладан хунлар, турк хоқонлиги ва Чингизхон империяси томонидан босиб олинган. Чингизхон империяси даврида, Сибирь мусулмон манбаларида кўрсатилишича, Жўжи улуси, русларда эса Олтин Ўрда номи билан маълум давлат бўлган. Олтин Ўрда Иртишдан то Днестр дарёсигача ва Волгадан шарққа томон жуда йироқларгача чўзилиб кетган.

Дашти Қипчоқда 1236 йили Чингизхоннинг невараси Ботунинг (1236—1256) босқинчилик юришлари натижасида вужудга келган Олтин Ўрданинг пойтахти даставвал Боту томонидан ўрнатилган ва унинг номи билан юритилган „Боту саройи“ (ҳозирги Астрахан ёнида) ҳисобланиб, кейинчалик, яъни Ўзбекхон (1312—1342) вақтида пойтахт ҳозирги Волгоград яқинидаги Берна ёки Янги сарой шаҳрига кўчирилган. Олтин Ўрда феодал-монархия давлати бўлиб, юқорида айтиб ўтилган халқлар устидан ҳукмронлик қилган. Унинг шарқий қисми — «сўл қаноти» Оқ Ўрда дейилиб, таркибига Сирдарё ҳавзаси, Қозогистон ва Сибирнинг жуда кенг ерлари қолиб кетган. XIV асрнинг бошларида Оқ Ўрданинг аҳолиси кўчманчи қабилалардан иборат ўзбеклар деб аталадиган бўлди. Бу вақтларда баъзи ўзбек қабилалари ёзда Ёйиқ (Урал), Иртиш ва Тобал дарёларининг юқори қисмларида, қишда эса Сибирнинг жанубий-шарқий Уралорти районларида, Ёйиқ дарёсининг юқори оқимларида яшаганлар. XV аср бошларида Олтин Ўрданинг парчаланиши натижасида Оқ Ўрда кучайиб, бу ерда алоҳида Сибирь хонлиги ташкил топди. Хонликнинг тепасида шайбонийлардан чиққан ўзбек султонлари турган. Сибирдан то Сирдарёгача чўзилиб кетган катта ҳудудни ўз ичига олган кўчманчи ўзбекларнинг давлати, айниқса Шайбонийхоннинг бобоси Абулхайрхон (1428—1468) даврида сиёсий ва ҳарбий қудратга эга бўлди. Абулхайрхон вафотидан сўнг ўзбек давлати бир неча улусларга бўлиниб кетган бўлса-да, Муҳаммад Шайбонийхон (1451—1510) даврида яна бирлаштирилиб, кучайиб борди. Шундай қилиб, Сибирда Ўзбек хонлари узоқ йиллар ҳукмронлиги ўз қўлларида ушлаб турдилар.²

Ҳ.Зияев юқорида номи зикр этилган китобида ўзбеклар ўзларининг асл юрти бўлган Ўрта Осиё — Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкентдан Сибирга бориб қолган деб хато кўрсатади. Аслида, Мовароуннаҳр ўзбеклари Сибирь яйловларига бориб яшамаган. Шайбонийхон XVI аср бошларида ўз юртлири Дашти қипчоқдан 92 ўзбек уруғларига бош бўлиб Мовароуннаҳрга томон юриш қилганда, улардан ажраб қолган. Дашти қипчоқ ўзбекларининг бир қисми қозоқларни ташкил этди, бошқа бир қисми Сибирь хонлигини ташкил этиб,

¹ Худди шу китоб. 5-бет.

² Ҳ.Зияев. «Сибирлик ўзбеклар» Ўзбекистон ССР давлат нашриёти. Тошкент. 1958 й., 6—7-бет.

жанубий Сибирда қолиб кетган. Уларнинг ўзбек халқи билан алоқаси йўқ.

Айни ана шу даврларда ҳам Сибирь ўзбеклари Бел олиш курашига катта эътибор берганликлари, улар сибирлик туркий элатларни ташкил этганлигини қайд қилиш мумкин. Дашти қипчоқ ўзбекларидан бўлган татарлар, хакаслар ва бир қанча туркий миллатларда ҳам „Бел олиш кураш“ тури мавжуд бўлган ва бугунги кунгача сақланиб қолган.

„Бобурнома“ асарида Бобур Ҳиндистонни забт этгандан сўнг ўзбек элчилари билан ҳам яқин алоқада бўлганлигини қайд этади. У шундай ёзади: „Шанба куни ойнанинг олтисида тўй бўлди. Қизилбош, ўзбек ва ҳиндларнинг элчилари бу тўйда бор эрдилар. Фармон бўлди-ким, беклардан Юнус Али қизилбошлар била ўлтирғай. Сўл қўлда ҳам ушбу дастур била ўзбек элчилари ўлтуриб, беклардан Абдуллога фармон бўлди-ким, булар била ўлтурғай. Ушбу тўйда ошдан бурунроқ оролда туялари ва филларни урушқа солдилар, бир неча қўчқорлар ҳам урушдилар. Булардан сўнг курашчилар белбоғ тутдилар». Улуғ ош тортилгандан сўнг меҳмонларга совғалар инъом этилди. Ушбу совғалар Сибирь хони Кўчумхоннинг навқари ва Ҳасан Чалабийнинг иниси бўлганга кумуш тош, олтин тош инъом бўлди».¹ „Бобурнома“ни ўқиб, биз Бел олиш кураш ўша даврда туркий, форсий, араб ва яна бир қанча миллатлар ўртасида кенг тарқалганлигини билиб оламиз.

Бухоро тахтига манғит уруғидан бўлган Муҳаммад Раҳим оталиқ ўтирган (1753)дан кейин ҳам феодал тарқоқлик тугамади. XVIII аср бошларида ўзбекларнинг минг уруғи бошлиқлари Кўқон хонлигини ташкил этдилар.

Бухоро амирлиги томонидан бир неча марта босиб олинган Хива хонлиги XVIII аср ўрталарида яна мустақилликни қўлга киритди. Марказий Осиё ҳудудида тож-тахтни эгаллаш учун узлуксиз давом этган урушлар асрлар давомида илм-фани, маърифати ва санъати билан жаҳон эътиборига тушган Туркистон ўлкасининг ривожланишини анчагина издан чиқарди, албатта. Кўп ўтмай Ўрта Осиё халқлари бошига янада оғир мусибатлар тушди. Туркистон Россия томонидан босиб олинди. 1867 йили Туркистон генерал-губернаторлиги тузилиб, ўлкани бошқариш ҳарбий губернатор ихтиёрига топширилди.

Чоризм ҳукмронлиги мустамлакачилик сиёсати, ижтимоий ва миллий зулмни кучайтиришга асосланган эди. Доимий зўравонлик сиёсати маҳаллий аҳолининг босқинчиларга қарши халқ озодлик ҳаракатларини кучайтирди. Бу қўзғолонлар орасида йириклари Тошкентда бўлган „Вабо“ қўзғолони (1892), Фарғона водийсида бўлган Дукчи Эшон қўзғолони (1898) ва 1916 йили мардикорликка жўнатишга қарши ўлкада оммавий кўтарилган халқ қўзғолонларидир.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Туркистон зиёлиларининг халқ орасида озодлик, демократия, маданий-маърифий ишларни кенг тарқатишга қаратилган ҳаракати бошланиб, у жадидлар ҳаракати деб аталди.

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Тошкент, "Юлдузча", 1989 й., 323—324-бетлар.

Жадидлар ҳаракати XX аср бошларида сиёсий тус ола бошлади. Бу ҳаракат раҳбарлари Мунавварқори Абдурашидов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний ва бошқалар улка халқлари ўртасида илм-маърифат уруғини сочишга интилиб, уларга чор Россия-сининг мустамлакачилик сиёсатиға қарши, ўз озодликлари учун курашга ундовчи ғояларни тарқата бошладилар.¹

Марказий Осиёнинг хонликлар давридаги ва Туркистон Россия томонидан босиб олингандан кейинги даврдаги тарихи билан танишар эканмиз, ўзбек халқи ва бошқа халқлар азоб-уқубатларға, хўрланишларға қарамай, миллий ғурурларини баланд тутганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу борада миллий ахлоқий мезонлар, маънавий қадриятлар, эзгу анъана ва урф-одатлар улкан таянч, куч-қудрат манбаи булганлиги сир эмас. Жисмоний тарбия воситалари ҳам шулар жумласидандир.

Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда жисмоний тарбия турларидан Бел олиш кураш, муштлашиш, тош кўтариш, отдан ағдариш, отда чопиш, камондан отиш, чавгон ўйини, шахмат ўйини ва бир қанча халқ ўйинлари ривожланиб давом этади. Шу даврда мустақил Хива хонлиги, Бухоро амирлиги ва Кўқон хонлиги ҳудудларида яшаган ўзбеклар, қорақалпоқлар, туркманлар, тожиклар, қozoқлар, қирғизлар ва бошқа миллатлар вакиллари орасидан етишиб чиққан курашчи паҳлавонлар Россия, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Эрон давлатларига бориб курашганлар (6-расм).

Айниқса, XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудидан кўплаб таниқли паҳлавонлар етишиб чиқдилар. Улар орасида ўзбеклардан Аҳмад полвон Топилбой ўғли, Азимхўжа Пошшоҳўжа ўғли, Музаффар паҳлавон, Охунжон ҳожи, Машариф паҳлавон, Дўст паҳлавон, Абдурахмон паҳлавон; қирғизлардан Каба Уулу Хўжамқул,



6-расм. Бел олиш кураш туридан сайил кураши. XIX аср охири, Тошкент шаҳри, тахминан ҳозирги телевидение майдони. Мана шу ерда XIX—XX аср бошларида ҳар пайшанба ва жума кунлари беллашувлар ташкил қилинган. 2-7615.

Ўзбекистон давлат архиви.

¹ Ўзбекистон тарихи атласи. Тошкент, 1999, 26-бет.

Ақ полвон; қозоқ полвонларидан Нормухаммад, Мусо Мухаммад, Дадамухаммад новвой ўғли, Мўмин Қўнишбой, Ҳожимуқон, Чўлоқ полвон, Шониёз полвон; туркманлардан Аннадурди Ягсўран, тожиклардан Абдухолик, унинг акаси Абдулқодир, Саидсултон Тошмухаммад, Шермухаммадлар шуҳрат қозонганлар.

Россия Ўрта Осиёни босиб олгандан кейинги дастлабки йилларда жисмоний тарбияга эътибор берилди бошлаганлиги ижобий ҳодиса бўлди. XIX—XX асрларда Ўрта Осиёга спортнинг кўпгина турлари кириб кела бошлади. Туркистон аҳолиси ўртасидаги велосипед спортга бўлган иштиёқ 1895 йилда „Тошкент велосипед ишқибозлари жамияти“нинг тузилишига, кейинчалик эса Тошкент велотреки (велосипед пойгаси учун махсус йўл) қурилишига олиб келди. 1904 йилда эса „Тошкент гимнастика ва жисмоний тарбия машқи ишқибозлари жамияти“ тузилди. 1906 йилга келиб „Лочин („Сокол“) енгил атлетикачилари гуруҳи ташкил қилиниб, ушбу спорт тури бўйича машғулотлар ўтказила бошланди.

1906 йил Ўрта Осиёда футболнинг туғилиш йили бўлди. Фарғонада, ўша давр таъбири билан айтганда, „ёввойи футбол командалари“ пайдо бўлди. Кейинчалик эса (1911) Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қўқон командалари ўртасида илк шаҳарлараро футбол мусобақалари бўлиб ўтди.¹ Бошқа жисмоний тарбия ва спорт мусобақалари, шу жумладан бел олиш курашига келсак, шуни алоҳида такидлаш керакки, 1895 йили Тошкентдаги кўчма цирк биносида катта кураш бўлиб ўтади. Туркистонлик Аҳмад паҳлавон Топилбой ўғли ва немис полвони Риппел билан бўлиб ўтган курашда Аҳмад паҳлавон ғалаба қозонади. Орадан бир йил ўтгандан сўнг бу ватандошимиз Россия полвони Крутис билан курашиб, уни ҳам енгади.

Ўша даврда Ўрта Осиё халқлари вакиллари орасидан ҳам кучли полвонлар етишиб чиқади. Шундай полвонлардан туркман полвонлари Қисир Эмен полвон ва Аннадурди Ягсўран ўша йилларда нафақат Ўрта Осиёда, балки Эронда ҳам катта муваффақиятларга эришади. Қозоқ полвонларидан Ҳожимуқон ўз куч-қудрати ва маҳорати билан Ўрта Осиё ҳамда Россиянинг энг кучли полвонларини ҳам доғда қолдирган. У бел олиш курашидан ташқари юнон-рум кураши бўйича ҳам бир неча халқаро турнирлар ғолиби, 3 карра жаҳон чемпиони бўлган. Ҳожимуқон тўғрисида китоблар ёзилган.

Тожик паҳлавонларидан ўратепалик Жўра ўғли Нормат паҳлавон, Саидсултон Тошмухаммад, Абдухолик, Абдуқодир паҳлавонлар Хўжандда ва Тошкентда катта паҳлавонлар билан куч синашган. Ўша даврда кураш мусобақалари Фарғона, Хўжанд, Сайрам, Авлиёота (ҳозирги Тараз) Ўш, Бешпак, Жалолобод, Ўзган, Марғилон, Қўқон, Ўратепа, (Истарофшон), Қува шаҳарларида бўлиб ўтар эди. XX аср бошларида кураш бўйича энг сараланган полвонлар Тошкентга йиғилар эди.

Бухоро амирлигидаги бел олиш кураш мусобақалари Бухоронинг ўзида ҳамда Нурота, Қорақўл, Қабоқли, Чаҳоржўй, Карки, Бурдодлик, Калиф, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Фузор, Кободиён, Дарвоз, Рув-

¹ Ўзбекистон жисмоний тарбия тарихи. Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. Тошкент, 1993, 39-бет.

шон, Кулоб, Қўрғон(тепа), Қоратегин, Бойсун, Ҳусор, Деҳнав, Зиёвуддин, Кармана, Қоратоғ, Шеробод, Душанбе, Файзиобод шаҳарларида ўтарди. Хива хонлигида эса Хива, Кўҳна Урганчда бўлиб ўтарди.

Ўша даврдаги матбуотда курашлар ҳақидаги маълумотларнинг ҳаммаси ҳам чоп этилмас эди.

Манбаларда баён этилишича, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон ўртасида савдо ва маданий алоқалар қадимдан мавжуд бўлган. Ана шу алоқалар доирасида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда жисмоний тарбиянинг муҳим тури — бел олиш кураш борасидаги алоқаларнинг аҳамияти катта бўлган. Бел олиш курашини Ўрта Осиёда яшаган ўзбеклар „кураш“, туркманлар „гуреш“, қozoқлар „курес“, қирғизлар „курош“, тожиклар „гуштингири“ деб аташган, Шарқий Туркистонда эса уйғурлар „челиш“ номи билан атаганлар.

Ўрта Осиёда бел олиш курашининг бизгача бир неча тури етиб келган. Буларда „чалиш йўналишида“ ва „чалишсиз“ йўналишда курашилган.

Юқорида зикр этиб ўтганимиздек, XIX асрда ва XX аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудларида тош кўтариш, улоқ ўйини, отда чопиш, отдан ағдариш, чавгон ўйини, дор ўйинлари халқнинг сеvimли ўйинларидан ҳисобланган. Ана шу ўйинлар қаторида „бел олиш кураш“ ҳам халқ ўртасида шуҳрат қозонган. Халқ сайиллари, тўйлар ана шу курашсиз ўтмаган (7-расм).

Ўша даврларда курашлар тўғрисидаги хабарлар қисман матбуотда, яъни „Туркистанские ведомости“ ва „Туркистон вилоятининг газети“ рўзномаларида ҳам бериб борилган. Масалан, 1909 йилдаги матбуот хабарида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кураш мусобақалари ҳақида шундай дейилади:



7-расм. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги улоқ ўйинлари.
0-98271. Ўзбекистон давлат архиви.

„Шу кунларда Эски Тошкентнинг Шўртантепа деган жойида маҳаллий паҳлавонлар ҳар куни бир-бирлари билан курашга тушмоқдалар. Бу хилдаги курашлар Ўрда ёнидаги „Эски отбозор“ деган жойда ҳам бўлаётир. 20 март, жума куни бу ерда кураш янада қизиқарли бўлади: томошабинлар учун ўтириш ўринлари тайёрланмоқда. Шу куни йиғилган ҳамма маблағ Туркистон хайр-эҳсон жамияти фойдасига берилади. Кураш эрталабдан кечгача давом эттирилади“.

Туркистонда ҳокимият шўролар қўлига ўтгач, дастлабки йиллардаёқ жисмоний тарбия турларига катта аҳамият берила бошлайди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди, албатта. Аввало, „социалистик ватанни ҳимоя қилиш“ манфаатлари шуни тақозо этарди. Шўролар ҳокимияти 1918 йил 22 апрелда „Ҳарбий санъатга мажбурий ўргатиш тўғрисида“ декрет чиқарди. Бу декретни амалга ошириш учун Туркистонда ҳам муайян ишлар қилинди. Умумий ҳарбий таълим ва Қизил армия заҳира қисмларини тузиш ишлари йўлга қўйилди. Бу фаолиятнинг муҳим қисми ёшларни жисмоний жиҳатдан тайёрлаш бўлди. 1918 йилдан бошлаб Туркистонда таркиби маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат бўлган Қизил армия заҳираларини жисмоний жиҳатдан тайёрлаш ҳам эътибордан четда қолмади. Ёшларнинг жисмоний тарбия борасидаги тайёргарлиги натижаларини аниқлашда спортнинг бир неча турларидан, айниқса, миллий курашдан асосий восита сифатида фойдаланилди.

Тарихий манбалар шундан далолат берадики, 1920 йил 10 октябрда Тошкентда биринчи Ўрта Осиё олимпиадаси ўтказилди. Ушбу олимпиадада спортнинг миллий турлари, жумладан бел олиш кураш ҳам кенг намоёниш қилинди. Яна бир жиҳати шу бўлдики, спортнинг бу тури бўйича беллашувларда ўзбекистонлик полвонлар голиб чиқишди. 1921 йилда ўтказилган иккинчи Ўрта Осиё олимпиадасида ҳам Ўзбекистон полвонлари биринчи ўринни олишди. Бу олимпиадада ҳам „бел олиш кураш“ намоёниш қилинди.¹

Туркистонда мужоҳидлар ҳаракати, ўлка зиёлиларининг мустақил давлат тузиш орзулари РКП(б) раҳбарларини ташвишга солиб қўйди. 1922 йил СССР таркибига кирган ягона Кавказорти республикасини кейинчалик учта республикага бўлиб юборилганлиги тажрибаси асосида Туркистон АССРни ҳам бўлиб юбориш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шундай қилиб, 1924 йил сентябрда миллий давлат чегараланишини ўтказишга тайёргарлик ишлари тугатилди. 1924—1925 йилларда миллий-ҳудудий давлат чегараланиши амалга оширилди. Ана шу тadbирни амалга ошириш натижасида Туркистон, Бухоро ва Хоразм худудида Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССР ташкил этилди (1924 йил 27 октябрь). 1925 йил 13 майда СССР Советларининг III Съездида ЎзССР ва ТССР СССР таркибига киритилди, кейинчалик, миллий-давлат чегараланишига яна бир қатор ўзгартиришлар киритилди: Тожикистон АССР (1929), Козоғистон АССР ва Қирғизистон АССРлар (1936) иттифоқчи Республикалар қилиб, Қорақалпоғистон

¹ А.Қ.Отаев. "Кураш". Тошкент, "Ўқитувчи", 1987 й. 37—42-бетлар.

мухтор вилояти эса 1932 йили РСФСР таркибида, 1936 йилдан ЎзССР таркибида Қорақалпоғистон АССР қилиб қайта тузилди.¹

Тарихчиларнинг тўғри таъкидлашича, 1924 йилги миллий-давлат чегараланиши мисли кўрилмаган тарихий оқибатларга олиб келди. Ўрта Осиё республикаларида миллий-сиёсий ва маданий элита шаклланиши, миллий онгининг ўсиши учун шарт-шароит яратилди. Бизнингча, ана шу шарт-шароитнинг оқибати ўлароқ, қадимдан миллат номи билан юритилмаган анъана ва маросимлар, спорт ўйинлари, ҳатто курашлар ҳам миллат номини қўшиб айтила бошлади. Масалан, кураш: ўзбек кураши, туркман гуреши, қозоқ куреси, кейинчалик қирғиз куроши, тожик гуштингири деган атамалар билан юритиладиган бўлди.

Мустамлака даврида Ўрта Осиё халқларининг азалий қадрияти, миллий мероси бўлган бир қанча кураш турларини ривожлантириш ҳам Марказ кўрсатмаси билан амалга оширилди. Ана шу халқларнинг азалий қадрияти бир хил бўлган курашларини бир-бирига қарама-қарши қилиб ривожлантирилди. Қадимдан курашнинг бир қанча турлари ўзбеклар ибораси билан айтилишича, олдиндан белбоғдан ушланмайдиган бир қанча йўналишларни ўзида мужассамлаштирган «кураш» тури ҳамда бир қанча бел олиш кураш турлари билан бутун Осиё ҳудудларида курашиб келинишига қарамай, улар ҳам бўлиб ташлаб ривожлантирилди. Бунинг асосий сабабларидан бири, шу кураш орқали Ўрта Осиё халқларининг бирлашиб кетиши ўша давр сиёсатига тўғри келмас эди. Республикаларнинг чегара районидаги вилоятлар курашлари ҳам бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйилди. Масалан: Туркманистоннинг бутун ҳудуди бел олиш курашининг чалиш йўналишида курашиладиган марказга айлантирилди. Фақат шу ҳудудгина бел олиш курашининг чалиш йўналишида республика мусобақалари ўтказиладиган жой бўлиб қолди. Қолган кураш турлари бўйича Туркманистонда мусобақалар ўтказиш тақиқлаб қўйилди. Қолган кураш турларида тўй сайилларида курашилиб, улар аҳамиятсиз спорт тури бўлиб қолди ва кейинчалик йўқ бўлиб кетди. Худди шунингдек, Туркманистонга қўшни бўлган Ўзбекистон республикасининг воҳа вилоятларида бир қанча бел олиш кураш турлари бўйича мусобақалар ўтказиш тақиқлаб қўйилади. Фақат олдиндан белбоғ ушланмайдиган бир қанча йўналишларни ўзида мужассам қилган кураш туридангина давлат миқёсидаги республика мусобақалари ўтказиладиган бўлди. Бел олиш курашининг бир қанча тури эса воҳа вилоятларида тўй ва сайиллар кураши бўлиб қолди ва кейинчалик йўқ бўлиб кетди.

Энди Қозоғистонни оладиган бўлсак, Ўзбекистон билан чегарадош Чимкент вилоятида азалдан бел олиш курашининг кўтариб йиқитиш йўналишида курашиб келинганлиги манбаларда баён этилиши билан бирга, кўп кекса паҳлавонлар уни жуда яхши эслайдилар.

Масалан, манбаларда Чимкент вилоятида бел олиш кураш бўйича ўтказилган тадбирлар кўплаб учрайди, у ерда чегаралар бўлиниши

¹ Ўзбекистон тарихи атласи. Тошкент, 1999, 26-бет.

билан бел олиш курашидан эмас, аксинча олдиндан белбоғдан ушланмайдиган курашдан мусобақалар ўтказиладиган бўлди.

Шундай қилиб, қадимдан Тошкент ва Сирдарё вилоятларига қўшни бўлган Қозоғистоннинг вилоятларида бир хил турдаги кураш ўтказилмай, курашнинг бошқа-бошқа турлари ўтказиладиган бўлди. Яна шунга ўхшаш ҳолатни Ўзбекистоннинг водий вилоятига қўшни бўлган Қирғизистоннинг Ўш (ҳозирги Ош, Жалолобод, Баткент) вилояти ҳамда Тожикистоннинг Ленинобод (ҳозирги Сўғд) вилоятларида учратиш мумкин. Ўзбекистонда дастлабки чегаралар бўлиниши давридан бошлаб бел олиш курашининг чалишсиз йўналиши бўйича расмий республика биринчиликлари ўтказила бошланди. Қирғизистон ва Тожикистонда бу спорт тури давлат томонидан тан олинмай, ҳеч қандай мусобақалар ўтказилмади. Натижада у тўй ва сайил кураши, аҳамияти йўқ кўнгилочар спорт ўйини бўлиб қолаверди. Бундан мақсад, аввал айтиб ўтганимиздек, кураш орқали ўзбек, тожик ва қирғизларнинг бирлашиб кетишига йўл қўймаслик бўлган. Қирғизистон маркази Бишкекда эса олдиндан белбоғдан ушлашиб, сўнг бир қўлни қўйиб юбориб курашиладиган бел олиш кураш бўйича республика мусобақалари ўтказиладиган бўлди.

Қозоғистоннинг Қирғизистон билан чегарадош вилоятларида эса олдиндан белбоғдан ушланмайдиган кураш тури бўйича мусобақалар ўтказиладиган бўлди.

Кўриб турганингиздек, азалдан Ўрта Осиё республикаларининг бир-бирига қўшни районларида кураш турларининг бир хиллиги атайин йўқ қилинди ва шу орқали қирғиз ва қозоқлар аҳиллашиб кетишининг олди олинди.

Бел олиш курашининг чалишсиз (кўтариб йиқитиш) йўналиши бўйича қадимдан бутун Ўрта Осиёда, Туркменистондан бошқа ҳамма жойда курашиб келинган. Агар 1924 йилдан буён бу кураш тури чегара ҳудудларида қадимдагидек бир хил ривожлантирилганда эди, ҳеч қандай куч уларни бир-биридан ажрата олмаган бўларди. Хўш, совет ҳукумати нима қилди? Азалдан чегара ҳудудларида бир хил бўлган курашларни йўқ қилиб, йўналишлари бошқа-бошқа бўлган курашлар бўйича мусобақалар ўтказилиши марказдан белгилаб берилди. Бироқ ўша даврда ҳам, ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг водий вилоятлари ҳамда Тошкент, Сирдарё вилояти, Тошкент шаҳридагина бел олиш курашидан расмий мусобақалар ўтказиладиган бўлди. Бошқа барча республикаларда шу спорт тури бўйича мусобақалар ўтказиш тақиқлаб қўйилди. Шунинг натижасида Қозоғистонда бу спорт тури бутунлай йўқ бўлиб кетди. Тожикистон ва Қирғизистоннинг водий вилоятларида сайил ва тўй кураши бўлиб қолаверди. Бел олиш кураш чалиш йўналишининг икки тури бўйича Ўрта Осиёнинг ҳамма жойида курашиб келинган. Масалан, Туркменистоннинг ҳамма вилоятларида, Ўзбекистоннинг воҳа вилоятларида, Қозоғистоннинг деярли барча ҳудудларида, Қирғизистоннинг пойтахт атрофидаги вилоятларида кенг оммалашган.

Айтайлик, бел олиш курашининг биринчи қоидасида олдиндан белдаги белбоғлардан ушлаб олиниб, қўлни қўйиб юбормай, амаллар чалиш орқали бажарилади.

Иккинчи қондасида эса олдиндан белдаги белбоғлардан ушлаб олиниб, кураш бошлангандан сўнг бир қўлни қўйиб юбориб амаллар бажарилади. Бунда ҳам оёқдан чалишга рухсат этилади. Ҳар қандай амал бажарилаётганда бир қўл белбоғда бўлиши шарт. Советлар ҳукумати томонидан «Бел олиш кураш» спорт турининг биринчи йўналиши бўйича Туркманистонда, иккинчи йўналиши бўйича эса Қирғизистондагина мусобақалар ўтказишга рухсат этилди. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистонга ҳам тегишли бу кураш тури бўйича маълумотлар архивда ҳужжат бўлиб қолаверди. Ўша даврни ўз кўзи билан кўрган паҳлавонлар, спорт соҳаси вакилларининг айтишича, бу марказдан туриб бошқарилган, ҳеч ким чурқ этолмаган. Бунга қарши чиққан шу соҳани яхши билган кишилар эса турли сабаблар билан сургун қилинган ёки қамалган, ёки номаълум сабабларга кўра йўқ қилинган. Ўрта Осиёда кенг оммалашган олдиндан белбоғдан ушланмайдиган кураш тури бўйича мусобақалар ўтказишда ҳам марказдан туриб адолатсизликларга йўл қўйилди. Бу спорт тури бўйича мусобақалар ўтказиш Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистонга насиб этди. Туркманистон ва Қирғизистонда эса бу тур бўйича расмий мусобақалар ўтказиш тақиқлаб қўйилди. Бу ўша даврда шу соҳа вакиллари ва паҳлавонларнинг норозилигига сабаб бўлди. Собиқ иттифоқ даврида Ўрта Осиё курашлари анъаналарини бузишни икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр 1924 йилдан 1947 йилгача давом этди. Бу даврда Ўрта Осиё аҳолиси орасига миллатчилик уруғи сепилди, ҳар бир республикада миллий спорт турларини ривожлантириш бўйича қатор қарорлар чиқарилди. Шу йиллар ичида марказ белгилаб берган миллий кураш турларини ривожлантириш мақсадида кўплаб кадрлар тайёрланди. Ана шу йиллар ичида республикаларда қадимий миллий кураш турларини ўз ҳолидай ривожлантириш тарафдорлари йўқ қилинди, совет ҳокимиятининг спорт соҳасидаги сиёсатига қарши бўлганлар камайиб бораверди. Спорт соҳасидаги бу адолатсизликларга мурося қилганларгина шу соҳада раҳбар ёки мураббий бўлиб ишлаб қолдилар. Ўз-ўзидан шу сиёсатни маъқуллаган кадрлар бир неча ўн йил ичида бутун спорт соҳасини эгаллаб олдилар. Миллий курашларга нисбатан марказнинг нотўғри олиб борган сиёсати миллий қадриятларнинг йўқолиб кетишига ва унутилишига сабаб бўлди. Қозоғистонда бел олиш курашининг чалишли ва чалишсиз йўналиши йўқолиб кетди. Фақатгина оз бўлса-да, шу соҳанинг жонқуярлари ташаббуси билан ҳар жой-ҳар жойда тўй ва сайилларда шу йўналишлар бўйича мусобақалар ўтказилиб турилди. Худди шундай аҳволни Ўзбекистоннинг воҳа вилоятларида ҳамда Тожикистон пойтахтининг атрофида ҳам учратиш мумкин эди.

Ўрта Осиё миллий кураш турлари қондаларини бузишнинг иккинчи даври 1947 йилдан бошланди. Сабаби, бу даврга келиб собиқ иттифоқда янги спорт тури — Самбо расмий тан олинган эди. Шунга ўхшаш замонавий эркин кураш ҳамда юнон—рум кураши (олдинги французча кураш)ни жадал суръатлар билан ривожлантириш мақсад қилиб олинган эди. Бу спорт турларини ривожлантириш учун бу сафар миллий кураш амаллари бир-бирига чатиштирилди. Бунинг учун Ўрта

Осиёдаги барча расмий ва норасмий миллий кураш турлари ўрганиб чиқилди. Расмий тур деганда ўша пайтда республикаларда давлат томонидан белгиланган спорт турлари тушунилар эди.

Норасмий спорт турларига эса тўй ва сайилларда ўтказиладиган турлар киритилди. Ўрта Осиёда ўша даврда янги спорт турларини ёқлайдиган кадрлар пишиб етилган эди. Қозоғистонда 1957 йилда барча миллий кураш турларини бир ҳолатга келтириш учун уларнинг қоидалари бир-бирига чатиштирилди. Анъанавий кийимлар ҳам ўзгартирилиб, иштон ўрнига труси, оёққа эса самбо курашида кийиладиган юмшоқ пойабзал ҳамда бир томонида енги йўқ чопон кийилиши самбо курашига тақлид қилишнинг бошланиши эди.¹ Шунга ўхшаш ҳолатни 1958 йилда Ўзбекистонда чиқарилган қоидадан ҳам кўриш мумкин. Бу қоидага кўра воҳа вилоятларидаги бел олиш курашининг бир неча турлари ҳамда олдиндан белбоғдан ушламайдиган кураш турлари бир-бирига чатиштирилгани яққол кўзга ташланади. Бунга биргина мисолнинг ўзи кифоя, масалан бел олиш курашининг бошланиш ҳолати ҳамда олдиндан белбоғдан ушланмайдиган кураш турининг бошланиш ҳолатини кўриш мумкин, бу ўз-ўзидан икки кураш турини эслатади. Кийимлар эса самбо кураш кийими билан бир хил.² Қирғизистонда эса 1960—1962 йилларда жорий этилган янги қоидага кўра, бел олиш кураш қатнашчилари яланғоч ҳолатда курашадиган бўлди. Шундай қилиб, Ўрта Осиёда 1947—1962 йилларда спорт турлари қоидаларини тартибга солиш натижасида Туркменистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистонда бир қанча миллий спорт турлари йўқ бўлиб кетди.

Энди манбаларга таянган ҳолда, 1960 йилдан сўнг Ўрта Осиёда йўқотилган миллий курашларга тўхталсак. Ўзбекистоннинг воҳа вилоятларида бел олиш кураш турининг чалиб йиқитиш йўналишининг икки тури бўлган. Туркменистонда бел олиш кураш чалиш йўналиши ҳамда олдиндан белбоғдан ушланмайдиган кураш тури. Тожикистонда бел олиш курашининг ҳар икки чалиш йўналиши йўқ бўлиб кетди. 1897 йилдаги Карки шаҳридаги тўйда олинган фотосуратдаги бир неча кураш тури Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистонга ҳам тегишлидир (II боб қисмидаги 10-расм.). Ўзбекистон давлат архивидаги 1955 йилда Сурхондарё вилоятида олинган фотосуратдаги бел олиш кураш воҳа вилоятларидаги йўқолиб кетган турнинг намунасидир. Қозоғистонда «бел олиш кураш»нинг бир неча тури 1957 йилдан (II боб қисмидаги 15-расм) сўнг йўқ бўлиб кетди. Бунга сабаб самбога тақлид қилишнинг расмий бошланиши бўлди. Шундан сўнг Қозоғистонда самбонинг қозоқча варианты пайдо бўлди. Бел олиш курашининг барча турлари сайил ва тўйларда ҳам кейинчалик йўқ бўлиб кетди. Қозоқларнинг бел олиш курашининг бир неча варианты бўлганлиги ҳақида ҳозирги кунда Қозоғистон ва Қирғизистон давлат архивида сақланаётган 1928 йилда ишлаб чиқилган «Бел олиш курес

¹ М. Раҳимқулов. "Қазахша курес". Қазахское государственное издательство, 1957 г., с. 25—37.

² С. А. Фирсов. "Қураш" Тошкент. 1958.

қоидаси»дан ҳам билса бўлади. Шундай қилиб, Ўрта Осиёдаги бир неча маротаба қайта-қайта бузилган кураш қоидаларини ўз миллий кураш қоидалари дегувчилар синфи пайдо бўлди. Чунки Ўрта Осиёда миллий кураш қоидалари бузилган биринчи даврдаги одамлар деярли қолмади. Иккинчи маротаба миллий курашлар бузилган даврни биландиган мутахассисларни учратиш мумкин, лекин улар озчиликни ташкил қилади. Бугунги кунда асли қоидалари бузилган миллий курашларни бизнинг ота-бобомиздан қолган дегувчилар тўлиб-тошиб ётибди. Шуниси ажабланарлики, ҳозирги кунда ҳам Ўрта Осиё республикаларидаги спорт соҳаси раҳбарлари орасида ҳам бундайлар учраб туради.

Яқинда Тожикистоннинг Ўратепа шаҳридан бел олиш кураш бўйича таниқли полвон акамиз Душанбега, марказий спорт қўмитасига борибди. У киши бел олиш кураш тожикларнинг ҳам қадимий миллий кураши, уни давлат дастурига киритайлик, Республика миқёсида мусобақа ўтказайлик, деган таклифни айтибди. Унга, ҳеч қачон Тожикистонда бел олиш кураш бўлмаган, фақат гуштингири бўлган, деб жавоб беришибди. Гуштингири олдиндан белбоғдан ушланмайдиган кураш тури ҳисобланади.

Туркменистоннинг Чоржўй, ҳозирги Лебаб вилоятидан бир мутахассис 1990 йилда Ашхобод давлат спорт қўмитасига бориб, «яқалашма» спорт турини давлат дастурига киритайлик, бу ҳам туркманларнинг қадимий кураши деса, унга ҳам, бизда ҳеч қачон бундай кураш бўлмаган, дейишибди.

«Яқалашма» олдиндан белбоғдан ушланмайдиган кураш тури бўлиб, туркманларнинг қадимий кураш тури ҳисобланади. Бу ўзбекларда «кураш» дейилади, уларнинг қоидаси бир хил.

Камина Қозоғистонга 1999, 2002, 2003 йилларда ташриф буюриб, уларнинг қадимий «курес»и бўлган бел олиш курашининг 1928 йилдаги қоидасини кўрсатиб бердим. Бир ёши катта мураббий буни тан олиб, қозоқларнинг шундай бел олиш кураш тури бўлган, ўзимиз курашганмиз дейишига қарамай, спорт соҳасидаги амалдорлар буни рад этдилар.

Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Баткент каби жанубий вилоятларида бел олиш кураш қоидаларини давлат дастурига киритиш ҳануз муаммолигича қолмоқда. Фақатгина халқаро федерация президенти Риф Гайнанов ташаббуси билан 2007 йилда қирғизларнинг қадимий миллий кураши бўйича «Борьба на поясах» федерацияси тузилди. Энг ачинарлиси, қирғизларнинг қадимий миллий кураш федерацияси ўзгаларнинг ташаббуси билан очилди, деб куйиниб гапиради Тўппонча полвон Иброҳимов.

Кўриб турганингиздек, Ўрта Осиёдаги барча кураш турлари собиқ иттифоқ сиёсатидан ҳалигача холи бўлолмаган. Ҳар бир республикадаги спорт раҳбарлари ўз тарихини яхши билмаганлиги туфайли бундай ҳолатлар ҳозиргача мавжуд.

Мана шу ерда дастлабки чегаралар бўлинган даврдаги жараёнга қайтамыз.

1925 йил 13 июлда мамлакатда физкультура ҳаракатини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Шу дастурга биноан Ўрта Осиё республикаларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам жисмоний тарбияни ривож-

лантириш масалаларига эътибор кучайтирилди. Бунинг натижаси ўлароқ, 1926 йил охирига келиб Ўзбекистонда спорт билан шуғулланувчилар сони 20 мингдан ортиб кетди.

1928 йилда Қўқон шаҳрида биринчи Ўзбекистон миллий физкультура байрами ўтказилди. Бу байрамда минглаб спортчилар фаол қатнашди. Байрамда „бел олиш кураш“ мусобақаси уюштирилганлиги унутилмас воқеа бўлди. Олти кун давом этган бу мусобақада 39 полвон иштирок этди. Шу мусобақада 65 яшар Имямин бува (Фарғона вилоятидан) «Ўзбекистоннинг энг кучли полвони» деган фахрли номга сазовор бўлди (8-расм).

Қўшни Қозоғистон диёрида эса „қозоқча курес“ бўйича 1-республика биринчилиги 1930 йилда бўлиб ўтади, унда беллашувлар энгил ва огир вазн бўйича ўтказилди. 1938 йилда эса Олмаота шаҳрида 1-қишлоқ спартакиадаси ўтказилиб, унда 65 кг, 76 кг ва ундан юқори вазндаги полвонлар ўртасида кураш бўлиб ўтади. Шу мусобақада

Семипалатинск вилоятидан Адасканов, Алтибисаров ва Туменовлар голиб бўлишди. „Қозоқча курес“ бўйича иккинчи чемпионат 1939 йилда ўтказилди, унда энгил вазнда Қурбанбаев (Олмаота), ўрта вазнда Доскалиев (Фарбий Қозоғистон вилоятидан) голиб бўлишди. Мутлақ голиблик эса Фарбий Қозоғистон вилоятидан келган Доскалиевга насиб этди.¹

Айнан ана шу 1939 йилда Ўзбекистонда Катта Фарғона канали қурилиши бошлаб юборилади. Канал қурилиши пайтида Ҳалима Носирова, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов каби машҳур санъаткорлар ўз қўшиқлари билан, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоевалар ўз жозибали рақслари билан канал қурувчиларининг кўнглини хушнуд этиб, меҳнатга рағбатлантирганлар. Санъаткорлар билан биргаликда таниқли паҳлавонлар, дорбозлар, тош кўтарувчилар ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилганлар. Айниқса, „бел олиш кураш“ бўйича беллашувлар жуда қизиқарли ўтган. Саид Аҳмад ўзининг „Уфқ“ романида Катта Фарғона канали қурилиши даврида бўлиб ўтган бел олиш кураш мусобақалари



8-расм. Бел олиш кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати. Акбарбеков Муродбек. Тошкент шаҳри, 1928 йил. 0-99147. Ўзбекистон давлат архиви. Кураш ҳадисида айтилишича, тинимсиз машғулот қилганлар 50 ёшдан сўнг ҳам беллаша олар экан. Ўтмишда бундай паҳлавонлар кўп бўлганлиги манбаларда баён этилади.

¹ К.Байдасов. «Казахская национальная борьба». Алма-Ата, «Мектеп», 1987. с. 5.

ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Асарда донгдор ўзбек полвонларидан Ёғоч полвон, Али полвон, Эш полвон, Жўра полвон, Ўсар полвон, Шокир тўппонча (тахаллуси) полвон ва Азиз полвонлар ҳақида ҳикоялар келтирилган. Айниқса, мана шу қурилишда иш нормасини етти юз фоиздан ошириб бажарган Дўнан Дўстматов ҳақидаги ҳикоялар қизиқарлидир. Булардан баъзилари нафақат паҳлавонлиги, ўзининг жасурлиги билан эл-юртга танилди. Масалан, иккинчи жаҳон урушида қатнашган Азиз Умматалиев Иттифоқ қаҳрамони бўлади. Саид Аҳмаднинг „Уфқ“ романида ҳикоя қилинишича, Азиз Умматалиев машҳур қозоқ паҳлавони Ҳожимуқоннинг шогирди бўлган экан.¹

Ўша даврларда, яъни 1930—1941 йилларда Ўрта Осиё бўйича Тошкент, Паркент, Пскент, Фарғона, Қўқон, Бағдод, Хўжанд, Ўратепа, Душанбе, Қўрғонтепа, Марғилон, Чимкент, Сайрам, Оқтепа, Жамбул, Олмаота, Семипалатинск, Ашхобод, Чоржўй, Карки, Мари, Ўш, Жалолобод, Лайлак, Бишкек шаҳарларида катта бел олиш курашлари ўтказилган (9-расм).

Ўша даврларда Москвада чиқадиган „Партийное строительство“ журналида эълон қилинган бир мақолада „Помир тоғларидан бошланиб, Фарғона водийсидан Олтой томонларигача чўзилган қишлоқ ва овулларда ўзбек, тожик, қирғизлар миллий спорт турлари билан, айниқса бел олиш кураш билан шуғулланадилар“, дея таъкидланади. Айни чоғда мақола муаллифи бу жойлар етарли даражада мураббийлар ва спорт базасига эга эмаслигини, ёшларни бақувват қилиб тарбиялаш учун югуриш, диск улоқтириш, сузиш ва шароитга қараб бир қанча танлаб олинган спорт турларидан ГТО меъёрларини бажартириш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланади.



9-расм. «А. Икромов» номили стадионда Бел олиш кураш. Тошкент шаҳри, 1935 йил. 0-98378. Ўзбекистон давлат архиви.

¹ Саид Аҳмад. «Уфқ» Гофур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976 й.

Ҳақиқатан, ҳозирги вақтгача Фарғона водийси ва унга туташ бўлган ҳудудларда бел олиш кураш тури мусобақалари сайил ва тўй-томошаларда бир неча минглаб томошабинлар иштирокида ўтказиб келинмоқда. Бу миллий урф-одатлар, қадимий анъаналар ва қадриятлар бузилмаган ҳолатда бугунги кунгача етиб келганлигининг тасдиғи дейиш мумкин (10—11-расм).

Собиқ иттифоқ даврида Ўрта Осиё республикаларида курашнинг бир неча йўналиши бўйича чемпионатлар ўтказиб турилди. Уруш йиллари бўлишига қарамай, 1943 йилда Олмаотада Ўрта Осиё ва Қозоғистон спартакиадаси бўлиб ўтди. Мусобақанинг асосий мақсади миллий спорт турларини оммалаштириш эди. Ана шу мусобақада қозоғистонлик „куресчилар“ ўзларининг кўрғазмали чиқишларини намойиш қилдилар. 1952 йилда Ашхобод шаҳрида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон бўйича навбатдаги „бел олиш кураш“ спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон жамоаси — биринчи, Қозоғистон жамоаси — иккинчи, Туркменистон жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.¹

Аввал таъкидлаганимиздек, XX асрнинг 30-йилларидан эътиборан Россияда янги кураш тури — самбо шакллана бошлади. Шунини таъкидлаш жоизки, самбо кураши техник-тактик тавсифларига кўра дзюдо курашига яқин туради. Ушбу спорт турининг вужудга келишида В.А.Спиридонов, В.С.Ошчепков ва А.А.Харлампиевлар ташаббус кўрсатдилар.

Собиқ Иттифоқ республикаларида мавжуд бўлган миллий кураш турларининг жадал суръатлар билан ривожланишида самбо курашининг таъсири катта бўлди. Бу айниқса миллий курашларнинг амалиёти бойиб боришида яққол кўринди. Лекин бу ҳол баъзи салбий оқибатларга олиб келганидан ҳам кўз юмолмаймиз. Энг афсусланарлиси шуки, миллий курашлар амалиёти самбо амалиёти асосида бойиши



10-расм. 0-12510. VII Ўзбекистон қишлоқ спартакиадасида миллий Бел олиш кураш иштирокчилари мусобақаси. Фарғона, 1949 йил. Ўзбекистон давлат архиви.

¹ К.Байдасов. «Казахская национальная борьба». Алма-Ата, "Мектеп", 1987. с. 6.



11-расм. Бел олиш кураш мусобақаларидан лавҳа. Тошкент шаҳри. 1959 йил. 0-48321. Ўзбекистон давлат архиви.

билан асл ҳолатидан узоқлашиб бораверди. Самбо курашининг амалиёти Ўрта Осиё миллий курашларига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади. У, бир томондан, миллий курашларни ривожлантиришда янги имкониятларни яратган бўлса, иккинчи томондан, миллий кураш амалиётларини тўла сақлашдан ва уларни тўла қўллашдан бирмунча узоқлаштириб юборди.

Ўша даврларда собиқ иттифоқнинг барча республикаларидан „Всеобуч“ доирасида жисмоний тайёргарлик бўйича мутахассислар йўриқчилар сифатида ишга таклиф этилдилар (12-расм).

Туркменистондан Худойберди Полтаев, Ўзбекистондан Али Мирзакаримов, Тожи Аълоев, Қоратой Юсупов, Мулла Ўсар полвон Ботиров, Карим Маллабоев, Асқар Отабоев, Қозоғистондан Ҳожимуқон ва унинг бир қанча шогирдлари бу ишга жалб қилиндилар. Донгдор полвон ва йўриқчилар Москвага таклиф этилиб, семинарлар ташкил қилинди. Ана шу семинарларда кўп маротаба қатнашган туркменистонлик Худойберди Полтаев тўғрисида „Туркменистон спорти“ газетаси мухбири Юрий Алексеев шундай ҳикоя қилади:

„Ана шу семинарларда турли республикалардан келган полвонларни Харлампиев ўзининг шогирдлари билан курашга туширарди. Бир кун навбат Худойберди Полтаевга келади, у Харлампиевнинг шогирдларидан бир нечасини йиқитади. Туркменистонлик полвоннинг қўллаган амаллари Харлампиевни қизиқтириб қолади ва ундан ана шу амалларнинг „сир-асрорлари“ни ўрганишга жазм этади.“

Туркменистонда хизмат кўрсатган мураббий Овез Хондурдиев машҳур полвон Худойберди Полтаев тўғрисида кўп маълумотлар йиғган. Унинг ҳикоя қилишича, Худойберди Полтаев Москвага ҳар сафар борганда 2—3 ой қолиб кетар экан. У туркманларнинг бел олиш курашдаги ўзига хос амалларни ўргатиб ва ўзи эса янги самбо амалларини ўрганиб қайтар экан. Ўша даврда турли республикалардан



12-расм. Бутуниттифоқ физкультурачилар учрашувидан сўнг. Оғир вазндаги Бел олиш курашчилар. Тошкент шаҳри. 1937 йил. 0-1295.

Ушбу ноёб фотохужжат Ўзбекистон давлат архивида сақланмоқда. Ушбу суратдаги Бел олиш курашида донг таратган паҳлавонлар ўз даврида, беллашувчи, мураббий ва ташкилотчи бўлишган. Суратда чапдан биринчи паҳлавон Избоскан туманининг Тўртқўл қишлоғида дунёга келган Мулла Ўсар полвон Ботиров 1902 йилда туғилган. Бел олишда бир қанча сайил ва тўйларда ҳаммани дол қолдирган. Унинг устози Бойқўзи полвон бўлиб, шогирдидан жуда мамнун бўлган. Умрини курашга бағишлаган Мулла Ўсар ака 1976 йилда оламдан ўтган. Чапдан иккинчи Қоратой полвон Юсуповдир. У Наманган вилоятининг Наманган туманидан етишиб чиққан машҳур полвонлар сирасига киради. Қоратой ака 1903 йилда туғилиб, 1968 йилда оламдан ўтган. Умрини курашга бағишлаган инсон бўлган. Чапдан учинчи эса Алиполвон Мирзакаримов Андижоннинг Избоскан тумани, Тўртқўл қишлоғида 1895 йилда дунёга келди. У полвонликда, мураббийликда ва жамоат ишларида фаол инсон бўлган. Умрини курашга бағишлаган. У 1976 йилда 81 ёшда оламдан ўтган. Чапдан бешинчиси эса асакалик машҳур полвон Карим Маллабоевдир. У катта курашларда, номи тилга олинган кўплаб сайилларда донг таратган. Унинг тахминий туғилган йили 1905 йил. Оламдан ўтган йили бизга номаълум.

келган полвонлар ўртасида самбо кураши усуллари ўз миллий курашида намоёниш қилиш бўйича кўрғазмали чиқишлар бўлиб ўтади. Ана шундай чиқишлардан бирида Қозоғистон полвонлари 1-ўринни олади.

Лекин Ўрта Осиё курашидаги амаллар ўзининг қўлланилиши билан жуда мураккаб бўлиб, ана шу амалларни ўзаро чапиштириш ёки уйғунлаштириш натижасида, бир томондан, миллий кураш бойиб

борган бўлса, иккинчи томондан, мураккаб амалларни қўллаш аста-секин камайиб борган.

Ўрта Осиё давлатларидаги бир неча кураш турлари секин-асталик билан бир-бири билан чатиштирилиши натижасида икки хил курашга айланиб қолди. Баъзи республикаларда бу курашлар ҳатто икки хил номланадиган ҳам бўлди. Улардан бири — олдиндан белбоғдан ушланмайдиган чалиш курашида очиқ-ойдин самбога тақлид қилиш устунлик қила борди. Бунинг боиси, собиқ иттифоқ даврида ҳукм сурган „ягона оила» сиёсатига ҳеч ким қарши чиқа олмади. Натижада бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган бошқа миллий спорт ўйинлари қатори миллий кураш турлари ҳам ўзгариб борди. Ўрта Осиё республикаларининг курашчи полвонлари ўртасида самбо курашига тақлид қилиш бошланиб кетди. 1957 йилда Қозоғистонда М.Раҳимқулов „Казахша курес“, 1958 йилда Ўзбекистонда С.А.Фирсов „Бухороча кураш“, 1962 йилда Қирғизистонда Филипп Ефимович Байман янги кураш қоидалари, уларнинг амалиёти тўғрисида китоблар ёздилар ва шунингдек илмий иш олиб бориб, диссертация ёқладилар.

Биз бир нарсани тан олишимиз керак, кураш тарихини тўла ўрганмай туриб, бел олиш кураш амалларининг қандай қўлланишига аҳамият бермай, уни ёритишда олимлар ҳам чалкашликларга йўл қўйдилар. Бунда ҳеч кимни айблаб бўлмайди, давр тақозоси шундай эди. Тарихий миллий кураш амалларини тўла очиб бериш учун нафақат археология, тарих фанига мурожаат қилишимиз, балки юқорида такрор-такрор зикр этилган курашлар билан шуғулланган бўлишимиз керак экан. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур қўлланманинг аҳамияти ўз-ўзидан аён бўлади. Уни ёзишда узоқ йиллар давомида тарих, археология соҳасидаги бой манбалар билан танишиб чиқилди, собиқ Иттифоқ давридаги курашга бўлган муносабат, бир неча мамлакатлардаги шу соҳа мутахассисларининг фикрлари ўрганиб чиқилди. Қўлланмани ўтмишимиздаги полвонларнинг фикрлари, қўллаган амалларини ўрганиб, ишончли манбаларга, далилларга асосланган ҳолда ёзишга ҳаракат қилдик. Ўйлаймизки, мазкур қўлланма ёшлардаги Бел олиш курашига бўлган меҳр-муҳаббатни янада кучайтиришга хизмат қилади ва унинг турларини тиклаш ҳамда ривожлантиришга ундайди.

IV БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИНИ ХАЛҚАРО МАЙДОНГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Шуни эътироф этиш керакки, ҳозирги Ҳамдўстлик давлатларида ўша даврда мазкур курашни халқаро майдонга олиб чиқиш учун ташаббускор, фидоий инсонлар томонидан катта ишлар амалга оширила бошланди.

* * *

Татар ва бошқирдлар кураши. 1980 йилларда Илгизар Демиев бошчилигидаги фидоийлар томонидан шу спорт турини халқаро майдонга олиб чиқиш учун биринчилардан бўлиб бир қанча халқаро турнирлар ўтказилди. Жумладан, Алметьевск, Қозон, Уфа шаҳарларида бел олиш кураш тури бўйича мусобақалар ўтказилди ва бу турнирларда Россия Федерациясидаги республикалар, жумладан, Қорачай-Черкесия, Қалмиқистон, Бошқирдистон, Татаристон, Тува ва бир қанча вилоятлардан ҳамда Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистондан полвонлар қатнашдилар. Бу халқаро турнирлар бир неча йиллар давомида татар-бошқирдлар қоидаси бўйича ўтказилди. Халқаро қоидаларга биноан, ягона қоидага бирлашиш бўйича ҳеч қандай иш амалга оширилмади. Шу сабабли, татар-бошқирдлар заминида ўтказилган курашларда, яъни татар-бошқирд курашида фақат ўзларининг қоидаси устунлик қилиб қолаверди. Уларнинг яланғоч ҳолатда, белга сочиқ ташлаб курашиши бошқа миллат бел олиш курашларидагига ўхшамас эди. Фақат беллашув давомида иккинчи рақибнинг тагига 5—10 маротаба тушиши ўзбекларнинг кураш қоидасига ўхшар эди. Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари орасида ўзбеклар, татарлар, бошқирдларнинг кураш қоидасига кўра рақиб фақат кўтариб ташласагина, у ғалаба қозонган ҳисобланар эди. Бу, бир томондан, яхши ҳолат бўлса, хунук томони — кўтариб ташлаганда рақиб тагига тушиб қолиш ҳолати бошқа миллатларда, масалан, туркманлар, қирғизлар, қорачай-черкесларда мағлубият ҳисобланарди. Шу сабабдан бўлса керак, татар ва бошқирдлар курашига хос қоидаларга кўра бел олиш курашини халқаро майдонга олиб чиқиш фақат орзу бўлиб қолаверди.¹

* * *

Қорачай-черкес «тутуш» кураши баъзи бир жиҳатлари Ўрта Осиё бел олиш кураш тури қоидаларига ўхшаса-да, баъзи бир ҳолатларда унинг қонун-қоидалари туркманлар, ўзбеклар, татарлар, бошқирдларнинг кураш қоидасига зид эди. Яъни, қорачай-черкесларда кураш бошлангандан сўнг белбоғдан бир қўлни қўйиб юбориш ҳолати мавжуд бўлиб, у бошқа миллат бел олиш кураш қоидаларига тўғри келмас эди. Шундай бўлишига қарамай, федерация президенти Альберт Албатов 1980 йилдан бел олиш кураш бўйича жуда катта тадбирларни амалга оширди, жумладан, бир неча маротаба халқаро турнирлар уюштирди. Бу турнирларда татарлар, бошқирдлар, ўзбеклар, қирғизлар, туркман-

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб тайёрланди.

лар қатнашдилар. Лекин бу ўтказилган тадбирларда фақат қорачай-черкесларнинг кураш қоидаси ҳукмрон бўлиб қолаверди. Шу сабабдан уларнинг ҳам «тутуш» деб номланган бел олиш курашини халқаро майдонга олиб чиқиш учун қилган ҳаракатлари самарасиз бўлди.¹

* * *

Москвада истиқомат қилувчи татарлар ҳам 80-йиллардан сўнг ўзларининг «Куреш» турини ривожлантириб, халқаро майдонга олиб чиқиш учун анча ҳаракат қилдилар.

Уларнинг кураш қоидалари Ўрта Осиё халқларининг бел олиш кураш қоидаларига ўхшаш бўлиб, амаллар оёқ ва қўл билан амалга ошириларди. Фарқи — фақат белбоғ ўрнига сочиқ ташлаб курашар эдилар. Уларнинг кураш қоидасидаги рақиб тагига тушиб қолиш ҳолатлари туркманлар, қорачай-черкесларга, оёқдан чалиш эса татарлар, бошқирлар ва ўзбекларнинг кураш қоидаларига тўғри келмас эди. Кураш қоидаларидаги қарама-қаршилик Россияда истиқомат қилувчи татар ва бошқирлар ўртасида келишмовчиликка олиб келди. Уша даврларда Россия Федерацияси таркибидаги республикаларда бел олиш курашининг бир қанча қоидалари мавжуд бўлиб, улар биридан фарқ қилар эди. Ана шу даврларда бел олиш кураш борасида олиб борган изланишларимиз чоғида «Қачон Россияда бу курашнинг ҳақиқий эгаси пайдо бўлади? Қани энди бу курашларнинг ҳаммасини ягона мақсадга бирлаштирувчи одам бўлса», деб ўйлаб қолар эдик.²

* * *

Туркманларнинг «гураш» деб номланувчи кураши бўйича 1980 йиллардан кейинги даврда Туркменистонда хизмат кўрсатган мураббий ва спорт усталари Бабиш Керимов ва Овез Хондурдиевлар бошчилигида Туркменистонда бир қанча халқаро турнирлар ўтказилди. Жумладан, қорачай-черкеслар билан бир неча маротаба ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. 1987 йилда ўтказилган ана шундай халқаро турнирларда камина ҳам қатнашган эдим. Бу турнирда Ўрта Осиё республикалари ва Россия Федерацияси полвонлари иштирок этдилар. Ушбу турнир Красноводск (ҳозирги Туркманбаши) шаҳрида ўтказилди. Кураш қоидалари бир оз ўхшаса-да, оёқдан чалиш амали ўзбеклар, татарлар, бошқирлар, тожикларнинг кураш қоидасига мос келмас эди. Бундан ташқари, уларнинг қоидаси бўйича рақибнинг бирор аъзоси икки маротаба гиламга тегса бас, ғалаба ҳисобланар эди. Туркманларнинг кураши ҳам ҳар қанча чиройли бўлмасин, уларнинг мақсади ҳам фақат ўз курашларини халқаро майдонга олиб чиқишдан иборат бўлган. Лекин бу курашни халқаро майдонга олиб чиқиш улар учун ҳам орзу бўлиб қолаверди.³

* * *

Ўзбекларнинг «фарғонача кураш» деб номланувчи курашининг 1976—1985 йилларда халқаро майдонга олиб чиқиш учун Ўзбекистонда ҳам катта ишлар қилинди. Уша даврларда жонкуяр, фидоий инсон Тухфат Одиловни (ҳозирда марҳум) Ўзбекистонда ҳамма яхши биларди.

^{1,2,3} Мақола тадқиқот материалларига таяниб тайёрланди.

Чунки у кишининг ташаббуси билан ўша даврларда бир қанча халқаро турнирлар уюштирилди.

Фарғонада Бузрук ота Усмонхўжаев, Наманганда Қаротой полвон Юсупов, Тошкентда Аҳмад полвон Топилбой ўғли, Асқар полвон Отабоев, Тўйчи полвон Раҳимбоев, Андижонда Манноп Жалолов хотирасига бағишланган халқаро турнирлар уюштирилди. Ўша даврда «Фарғонача кураш»нинг Карим Бурҳонов, Карим Маликов, Жуматой Нуршин, Бахтиёр Ҳайдаров, Эркин Мусаев, Карим Ниёзов каби фидоийлари бор эди. Курашнинг мустақкам қоидалари мавжуд бўлиб, уларни ҳеч ким ўзгартиролмас эди. Ўзимиз ҳам шу қоидаларга амал қилган ҳолда бир неча бор халқаро турнирларда ғолиб бўлганмиз. Албатта, бу қоидалар ҳаммани қизиқтирса керак. Шу боис бу қоидаларни қисқача тушунтириб ўтамиз. Дастлаб кураш 8, 7, 6 дақиқа давом этиб, курашчи 5—10 маротаба рақиб тагига тушиб қолса ҳам мағлубият ҳисобланмай, кураш давом этаверган, яъни то рақибни дангал кўтариб урмагунича давом этаверган. Биз ўз кураш қоидаларимизга амал қилиб юраверганмиз, лекин бу қоидадан туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, қорачай-черкеслар доимо норози бўлиб кетганлиги бизни қизиқтирмаган. Бизнинг кураш қоидаларимиз татарлар ва бошқирларникига ўхшаш эди. Улар ҳам дангал кўтариб уришни ҳисобга олиб, курашчи бир неча маротаба рақиб тагига тушиб қолса-да, яна ўрнидан туриб курашни давом эттираверган. Бизнинг ҳам «фарғонача кураш»ни халқаро майдонга олиб чиқиш ниятимиз мустақилликка эришгунимизга қадар хомхаёл бўлиб қолаверди.¹

* * *

Тожикистон ва Қирғизистонда курашга бўлган эътибор 1980 йилдан кейинги даврда собиқ Ленинобод (ҳозирги Сўғд) вилоятида, жумладан, Ўратепа, Чорбоғ, Хўжанд шаҳарлари атрофидаги туман ва қишлоқларда, Исфарада катта сайил ва тўйларда курашлар ташкил этиш кучайиб кетди. Ўша даврда мазкур вилоятдан бир қанча таниқли полвонлар етишиб чиқди. Тожикистонлик марҳум Ғози Эшон полвон мана шу тадбирларни ўтказишда фидоийлик кўрсатди. У таниқли полвонларни йиғиб, катта курашлар ташкил этди. Бу тадбирларда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг энг кучли полвонлари қатнашди. Лекин у вақтда ҳеч кимда бу курашни халқаро майдонга олиб чиқиш фикри бўлмаган.

Тан олиш керак, Ўзбекистоннинг Боёвут ва Ховос туманларида ҳамда Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида ўтадиган сайил ва тўйларда бўладиган курашлар ҳамда Қирғизистоннинг Қорасув шаҳридан ташқари, яъни Саҳоба (Новқат тумани), Жалолобод, Ўш, Ўзган, Лайлак, Баткент вилоятларида ўтадиган тадбирларда халқаро талабга жавоб берувчи меъёрлар мавжуд эди. Қирғизистонда ўша даврларда Тўхташ, Муқач, Тўқабек полвонлар ташаббуси билан катта тадбирлар уюштирилди. Масалан, Ўзбекистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистоннинг юқорида номлари кўрсатиб ўтилган жойларидаги сайилларда бир қоида кўпроқ ҳукм суриб келган. Бу қоидага кўра чопон кийиш мажбурий, бир маротаба рақиб тагига йиқилиш мағлубият ҳисобланган.²

^{1,2} Мақола тадқиқот материалларига таяниб тайёрланди.

V БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЗЛАНИШЛАР

Биз «Бел олиш кураш»ига қизиққанлигимиз сабабли 1976 йилдан 2004 йилгача кўплаб кекса полвонлар билан суҳбатлашиб, машҳур курашчиларнинг кураш амалларини синчиклаб кузатдик. Ўз кўзимиз билан кўрган кўпгина характерли воқеаларни ва эшитганларимизни қоғозга тушириб боравердик. Қуйида улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

* * *

Республика биринчилигига тайёргарлик кўриш учун 1976 йилда Бағдод туманига Фарғона вилоятининг энг кучли полвонлари ва кекса полвонлар йиғилдилар. Улар орасида Рустам Тожиев, Турсунали Қўқонбоев, Асқар Аҳмедов, Жалил Эҳсонов, Эрали Тўрақулов, Муҳаммаджон Исмоилов, Маҳаммад Мамажонов, кекса полвонлардан Аъзам Раҳмонов, Ҳомид полвон, Тўраназар Хўжаевлар бор эди. Машғулотни вилоят бош мураббийи Бахтиёр Ҳайдаров олиб бормоқда эди. Машғулотда иштирок этаётган полвонларнинг кураш амалларини зимдан кузатиб турган Аъзам Раҳмонов (1909—1986), кексалигини эсидан чиқариб қўйди шекилли, бирдан баланд овоз билан: «Рустам, бу ёққа кел-чи», деб чақириб қолди.

Рустам полвон дарҳол «Ҳа, Аъзам бува», деб унинг олдига келди. Шунда Аъзам полвон ўтирган жойида қўл кафтларини очиб: «Оёғинг билан чиқ», деб буюрди. Рустам полвон ҳайрон бўлиб: «Кўйинг, Аъзам бува, мен оғирман», деб жавоб берди.

Шунда олтмиш етти ёшни ортда қолдирган Аъзам полвон аччиқланиб, «Гапни кўпайтирмасанг-чи, болам», деб жеркиб берди. Бирдан ҳамма машғулотни тўхтатиб, Аъзам полвоннинг қўл кафтига қараб қолди. Ўша вақтларда 70 ёшларга яқинлашиб қолган Аъзам полвоннинг қўл кафтига Рустам полвон оёғи билан чиқди. Ҳамма сингари мен ҳам бу кекса полвоннинг куч-қувватини кўриб ҳайрон қолдим. У Рустам полвонни қўл кафтида ёш болани эркалагандай кўтариб турди-да, 105 кило экансан, деб гиламга туширди. Ана шу ҳаяжонли воқеа ҳеч эсимиздан чиқмайди, у ҳаётимизда бурилиш ясади ва бел олиш курашига бўлган меҳримизни янада ошириб юборди.

* * *

1978 йил 1—2 май кунлари Қирғизистоннинг Новқат шаҳридаги Саҳоба дам олиш боғида бўлиб ўтган бел олиш кураш сайлида бағдодликлар (Фарғона вилояти) иштирок этдик. Биринчи май куни эрта тонгда мураббийимиз Бахтиёр Ҳайдаров бошчилигида бир неча машиналарда Новқатга бордик. Соат 10 да боғ марказида 15 минг томошабин иштирокида бел олиш бошланди. Қарангки, боғнинг бир чеккаси тоғ билан туташ, яна бир томони — тепалик, кураш майдони чуқурликда бўлиб, томоша қилишга ҳар томонлама қулай эди. Мен ҳам

курашга чиқдим, 4 маротаба голиб бўлдим, анча пул тушди. Ҳар ютганимда, худди футбол ўйинлари вақтидагидек, қийқириқлар эшитиларди. Бу, албатта, курашчига илҳом бағишлар экан, ҳеч ютқизмасам, деб ҳаёл қилар экансан. Бешинчи маротаба ўртага чиқишимда мендан вазни анча оғир бўлган бир қирғиз полвони билан беллашишга тўғри келди. Лекин унда шунча куч бўлса-да, ҳеч ҳаракат қилмасди. Бир маротаба дам ҳам олдик, у ҳеч ҳаракат қилмайди, кўтарсам, босиб қолса-чи, деган хавотирда эдим. Охири сабрим чидамай, дангал кўтариб ташладим, рақибимнинг оёғи баланд кўтарилганини ўзим ҳам кўрдим. У эса йиқилган томонидаги қўлини дарҳол қўйиб юбориб, ўша қўли билан ерга таяниб, итариб босиб тушди. Одамлар, ҳисобмас, деб бақириб юборишди, у бўлса дарҳол белбоғдан икки қўлини қўйиб юборди. Дарҳол унинг тарафдорларидан бири одамлар олдига айлантиргани олиб кетди. Давра каттагина бўлиб, ютган одамнинг қўлига пақир бериб айлантиришар, одамлар пақирга пул ташлашар эди. Ўртадан чиқиб, ҳеч нарсани тушунмай, дарҳол мураббийим Бахтиёр Ҳайдаровнинг олдига бордим. У эса: «Сен яхши кўтариб ташладинг, у қўлига таяниб, сени итариб босиб қолди, ўртадаги ҳакам кўрмай қолди, холос», деди. Мен: «Ахир мен кўтариб ташладим-ку», дедим. Шунда Бахтиёр ака кулиб: «Бу ерда қоида шунақа, сизлар эса мусобақаларда рақибнинг тагига тушиб қолсаларинг ҳам кўтариб ташлаганларинг учун очко олиб, ютиб кетаверасизлар», деди.

Ҳақиқатан ҳам, биз ўша даврларда даст кўтариб ташлаб, голиб бўлиб юрганмиз. Лекин ўша пайтда Ўзбекистонда ўтадиган кураш қоидасига кўра кўтарган одамнинг ўзи рақиб тагига тушиб қолса, мағлубиятга учрамас, аксинча очко олиб ютиб кетарди.

Ўша пайтда Новқатнинг Саҳобасига Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистоннинг сараланган полвонлари келар эди. Биринчи май куни кундузи 12 лардан ошиб қолганда, одамлар орасида безовталаниш бошланди: «Нима, Абдурахмон бугун курашга келмас эканми?» Ҳамманинг оғзида шу гап, ҳар замонда микрофондан: «Ўртоқлар, безовта бўлманглар, у ҳозир йўлга чиқибди, ҳадемай келиб қолади», деб эълон қилиб туришибди.

Мендан сўнг тарафдор қилиб ўртага Жалил Эҳсоновни чиқаришди, одамлар безовталаниб: «Бахтиёржон, бошқасини чиқаринг, Жалил унинг олдида кичкина-ку», дейишди. Бахтиёр ака эса: «Ҳозир томоша қиласизлар қанақа кураш бўлишини», деди жилмайиб.

Бағдоддан келган томошабинларнинг кўпи ҳали Жалил полвоннинг курашини кўрган эмас эдилар. Бахтиёр ака унинг жуда катта техникага эга курашчи эканлигини яхши билар эди. Бир вақт кураш бошланди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай, Жалил полвон бир кифтлаб, оёғи учи билан рақибини тизза болдиридан шундай илиб ташладики, баландга кўтарилган рақибининг устига ўзи ҳам қўшилиб тушди. Бўлди қийқириқ, бўлди қийқириқ. Жалил ҳам анчагина пул йиғиб олди. Кетидан таниқли бир қирғиз полвонини чиқаришди. Жалил келиб: «Бахтиёр ака, кучим етмайди бунга, нима қилай», деди. Бахтиёр ака эса: «Бир оз ушлаб тургин-да, кейин слкасига уриб, чиқиб кетасан», деди.

Ҳақиқатан, унга талабгор бўлиб чиққан қирғиз полвони ҳар томонлама бақувват эди, у Жалилга иккита келар эди. Жалилни бир силтаб ўтказиб, итариб босиб қўя қолди. Шунда Жалил бош мураббий ёнига келиб: «Бахтиёр ака, унда тракторнинг кучи бор экан» деди. Бахтиёр ака эса кулиб: «Қўявер, осон қутулиб қолдинг», деди.

Шундан сўнг Бахтиёр ака: «Туринг, Рустам, ўзингиз бир ёқли қиласиз энди», деди.

Бағдодликлар ичида энг зўр полвон Рустам Тожиев эди. Рустам полвон ҳалиги қирғиз полвони билан бел олишганда, уларнинг гавдаси бир хиллиги маълум бўлди. Қирғиз полвони Рустам акага нисбатан қаттиқ ҳаракатлар қўлади, ҳатто уни босиб қолишига сал қолди. Бахтиёр ака бақирини бошлади: «Зинҳор орқага кетманг, қўлни етказиб ушланг!».

Улар анча беллашишди. Катта полвонларга ҳайқириқлар ҳам кўп бўлар экан. Бир вақт Рустам полвон қўлини етказиб, одамлар ҳайқириғи остида рақибини кўтариб ерга урди. Одамлар беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

Томошабинлар орасида яна безовталаниш бошланди — «Буни Абдурахмон бир ёқли қилмаса, давранинг зўри шу бўлиб қолади», дейишди.

Бизни олиб келган ҳайдовчи: «Бахтиёр ака, соат ҳам 1 дан ошди, сиз айтган Абдурахмон бугун келмайди шекилли, биз қайтамиз», деди.

Шунда Бахтиёр ака: «Шунақага ўхшайди, шекилли», деди.

Мен ҳам Абдурахмон Мўминовнинг курашини кўрар эканманда, деб илҳақ бўлиб ўтирган эдим. Ноилож ҳалиги ҳайдовчининг машинасида келган одамлар билан қайтишга мажбур бўлдим. Лекин ичимда жуда алам қиляпти, ўзимга қолса, кетгим йўқ. Саҳоба боғидан чиқиб кетяпмиз. Боғнинг эшиги олдига етганимизда, бир ҳайқириқ бўлдики, бу ҳайқириқ анча жойгача эшитилиб турди чамаси, қайсидир полвон кимдир кўтариб урди шекилли. Йўлда кетяпмиз. Ҳеч кимдан садо чиқмасди. Шунда шофёрнинг ўзи «ёрилди»: «Энди хафа бўлмайсизлар, мени деб қайтиб кетяпсизлар. Ўзимга қолса, жон-жон деб қолардим, эртага жияним тўй қиляпти, бугун сабзи тўғрар, бормасам бўлмайди», деди.

Ўтирганлардан биттаси: «Эй оғайни, шундай кунни ҳам тўй қилдим», деб қўшиб қўйди.

Маълум бўлишича, мен билан машинада ўтирганларнинг ҳаммаси Абдурахмоннинг курашини кўраман, деб келган экан. Ҳамма қатори мен ҳам Абдурахмон полвоннинг курашини кўраман деб келганлигимни юқорида айтган эдим. Ўша пайтларда қаерга борманг, ҳамма Абдурахмон полвоннинг кураши тўғрисида гапирар эди. Кейин маълум бўлишича, Абдурахмон бошқа бир жойда курашда ушланиб қолиб, соат 3 га яқин кириб келибди. Одамларнинг айтишича, Абдурахмон Саҳобага кириб келганда, уни қарсақлар билан кутиб олишибди. Кураш бироз вақт тўхтатилиб, одамлар дуррада тугилган пуллар, чопонлар, чорсиларни тортиқ қилишибди, кимдир бошига дўппи, кимдир қирғиз қалпоғини кийгизиб, дуо қилишибди. Баъзилар эса

«Менинг ўғлим ҳам сендай бўлсин, неварам сенга ўхшасин», дея полвоннинг қўлига ёш болаларни тутқазиб, дуо олишибди. Кураш бошлангандан сўнг Абдурахмон полвон кетма-кет 13 полвонни енгиб, ҳамманинг олқишига сазовор бўлибди. Ҳатто тушган пуллари кўплигидан, портфели беркилмай қолибди.

Ўша йили май ойининг охирларида биз, Фарғона вилоятининг кўпчилик полвонлари Аъзам полвон бошчилигида Ленинободга, Қистакўз қишлоғига тўй курашига бордик. Тўй бўлаётган хонадонга кириб бордик. Кечкурун биз, тожик, қирғиз, ўзбек полвонлари бир катта хонадонда меҳмон бўлдик. Ана шу ерда ҳам кексаю ёшлар Абдурахмон полвоннинг курашини мақтаб гапиришди. Уларнинг айтишича, қишда бўлган бир тўй курашида у манаман деган полвонларнинг ҳаммасини енгган, бугунги тўйга ҳам келиб қолиши мумкин экан.

Бу гапларни эшитиб ўтириб, ичимда: «Саҳобада у одамни кўролмаган эдим, ҳайрият, бугун унинг курашини кўрар эканман-да», деб қўйдим.

Эртаси кун тўйда жуда катта бел олиш кураш бўлди. Абдурахмон полвоннинг келишини микрофонда эълон қилишди. Лекин афсуски, у келмади.

Одамларнинг таърифлашича, Абдурахмон полвон жуда чиройли курашлар кўрсатар экан, менга унинг курашини кўриш насиб этмади.

Ўша йили куз ойида мен ҳарбий хизматга кетдим. Икки йил армия сафида хизматда бўлган чоғимда эркин кураш: самбо, бокс мусобақаларида қатнашиб, ғолиб ва совриндор бўлдим. Лекин бел олиш курашига бўлган қизиқишим асло сўнмади.

* * *

1981 йилда Бағдод туманидаги собиқ «Москва» совхозида спорт бўйича йўриқчи, кейинчалик мазкур тумандаги Мирзабод қишлоғида мураббий бўлиб ишладим. Айни чоғда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кирдим. Қатор мусобақаларда иштирок этиб, ғалабаларга эриша бордим.

Институтда ўқиб юрган пайтимда, 1-курсдалигимда Ўзбекистон жисмоний тарбия тарихидан реферат ёздим. «Бел олиш кураш» бўйича Аъзам полвон Раҳмонов ва Саҳобада кўрган курашларим ҳақида батафсил ҳикоя қилдим. Домламит мени мақтаб, «Сизнинг рефератингиз институт бўйича энг яхшиси деб баҳоланди», деди. Сўнгра менга шундай маслаҳатлар берди:

«Миллий курашлар ҳақида кам маълумотларга эгамиз, бу ҳақда кам ёзилган. Сизда яхшигина қобилият бор экан, кўпроқ ёзаверинг, фақат Ўзбекистон полвонлари ҳақида ёзмай, қўшни қирғиз, тожик, туркман, қозоқ полвонлари ҳақида ҳам ёзинг».

1982 йил май ойида Бузрук ота Усмонхўжаев хотира турнирига Қирғизистон жамосини таклиф этиш тўғрисидаги чақирув қоғозини етказиш ва шу баҳонада қирғизистонлик полвонлар ҳақида ёзиш учун Қизилқия шаҳрига бордим. У ерда Деҳқон полвон Мамараҳимов (1917—1991) билан учрашишим керак эди. У одамни ҳамма танир

экан, афсуски, уни уйида учрата олмадим, Новқатга дам олгани кетган экан. Новқат туманидан тахминан 5—6 км наридаги Янги Новқат деган жойда «Саҳоба» дам олиш боғи бўлиб, ҳақиқатан ҳам чиройли, салқин жой эди. Боғнинг бир томони тоғ, дам олиш учун ҳамма шароитлар муҳайё, бир нечта катта чойхоналар мавжуд экан. Деҳқон полвонни ана шу сўлим маскандан топдим. У киши мени дарров таниди — Саҳобада курашимни кўрган экан. У менга маслаҳат берган бўлиб, деди: «Сиз жуда тез курашар экансиз, шошилмай курашиш керак, бу ерда ҳамма туллак, айёр, ҳаракатингизни пойлаб, босиб тушишга ҳаракат қилади, сиз эса «давлат» курашига ўрганиб қолган экансиз».

Шу куни Деҳқон полвон билан бел олиш кураш тўғрисида узоқ суҳбатлашдик. У ўз даврида номи чиққан Аъзам полвон, Ҳомид полвон, Кўшоқ полвон, тошкентлик Асқар полвон, Зухр полвон, наманганлик Қоратой полвон, жалолободлик Бозор полвон, Ёғоч полвон, Душа полвон, Эски Новқатдан Лайли Қори полвон, Сулаймон полвон, Али полвон, Баҳром полвон, Мулла Ўсар полвон, Ҳайит полвон, сайрамлик Шониёз полвон, хўжандлик Наби полвон, Эшон полвонларни, ёшлардан эса Абдурахмон Мўминов, Иброҳим Узоқов, ленинободлик Али полвон, Аҳмад полвон, фарғоналик Рустам полвон, сирдарёлик Жума полвон, Карим полвон, андижонлик Раим Деҳқонов, Камол Нуриддинов ва бир қанча полвонларни, ўз давридаги курашга оид хотираларини ҳам эслаб ўтди. Шунча одамнинг исми-шарифини адашмай эслаганига қойил қолдим. Жуда ҳам хотираси кучли экан.

Сўнгра суҳбатимиз савол-жавоб тариқасида давом этди.

— Деҳқон бува, сиз кекса полвонлардан ҳисобланасиз. Бағдодлик Аъзам полвон Раҳмонов сиз ҳақингизда кўп гапиради, ўз даврида ёш бўлгансиз, кўп воқеалар эсингизда қолган бўлса керак. Иложи бўлса, бел олиш кураш қаерларда бўлиб ўтганлиги ҳақида гапириб берсангиз.

У киши сўзининг бошида шундай деди:

— Менинг давримда курашганларнинг кўпи ҳали ҳаёт, ҳатто мендан ёши улуғлариям бор, ҳаммасининг номини эслай оламан. Ўғлим, менинг билганларим шуки, бел олиш кураш Хитой чегарасига яқин қирғиз қишлоқларидан тортиб, Қозоғистон, Россияда ҳам бўлган. Аниқ эсимда, бир гал қирғизлар келиб, мени Хитой чегараси яқинидаги қишлоққа, бел олиш курашига олиб кетишган. Бу урушдан олдин эди, ўзиям от аравада 3 кун тўхтамай юрганмиз.

Бир қирғиз бой жуда катта тўй қилди, унда бел олиш кураш бўлган эди. Полвонлар ҳар қаёқдан келган экан, зўри Хитойдан келган бир қирғиз бўлган, бўйи ҳам 2 метрга яқин эди. Мен эслаб қолган полвонлардан энг кучлиси шу бўлган. Ўша пайтларда бел олиш кураш, асосан, Ўзган, Ўш, Новқат, Қизилқия, Лайлак, Ўратепа, Конибодом, Қистакўз (Ленинобод шаҳри ёнидаги қишлоқ), Чорбоғ, Андижон, Марғилон, Ёзёвон, Бағдод, Қўқон, Наманган, Тошкент шаҳри, Паркент, Пскент, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Сариосиё, Чоржўй, Туркистон, Сайрам, Чимкентда бўлар эди. Мана шу жойларга бориб курашганман.

— Айтинг-чи, бел олиш кураш қоидаси қандай бўлган?

— Маълумки, ҳамма жойда илгаридан курашнинг ўз қоидаси бўлган.

Қирғиз, тожикларда баъзи жойларда қайириш амаллари ҳисобга олинар эди, Ўзбекистонда Фарғона водийсида ҳамда Тошкент томонларда эса агар бирор-бир полвон қайирса, ёнбошга олса, буни ҳисобламас эдилар. Бир воқеа эсимда. Урушдан олдин Бухоро, Самарқанд, Сариосиёга тўй курашига борганман. Ўша томонларда ҳам узун чопон кийиб курашар эканлар, фақат оёқдан чалишар экан. Уч марта ютиб, тўртинчи бор ўртага чиқишимда бир ихчам полвонни кўтараман десам, оёғимни эшиб чалиб йиқитди. Уларнинг кураши ёқмади, ит чалиш экан.

Унинг бу гапларини эшитиб:

— Деҳқон бува, сиз айтган бу кураш «Бухороча кураш-да», — дедим.

— Йўқ, Носиржон, олдин фарғонача, бухороча кураш дейилмас эди, бу номлар кейин пайдо бўлди. Белдаги белбоғни кўйиб юбормай курашадиган барча курашларни «Бел олиш» дейилар эди.

— Деҳқон бува, кураш кийимлари қандай бўлган, қанақа қоидаларга амал қилинган. Шулар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Ўғлим, у пайтда полвонлар йўл-йўл узун чопон, баъзилари қора чопон, чопон ичидан узун ятак, оқ иштон кийганлар, белбоғлари катта ва қалин бўлган. Чопонлари пахтали, ихчам, пишиқ бўлган, лекин ҳозиргидай қалин бўлмаган. Курашлар, асосан, кузда, қишда ва баҳорда сайил ва тўйларда бўлар эди. Полвонларнинг вазни тортилмас эди, кўз билан чамалаб кураштириларди. Агар полвон бир неча бор ўз савлатига тенгини йиқитса, кейин катта полвонлар билан кураш тушишга мажбур эди. Хоҳламаса, елкасини уриб ёки ўзи бориб курашмаслигини айтиб, чиқиб кетаверган. Лекин бундай ҳолатлар кам бўлган, иложи борича курашар эдилар. Бел олиш кураш қоидасида, Ўрта Осиёда ҳамма жойда рақиб ўтириб қолса, тагига тушиб қолса, одамлар ҳайқириб юборишар эди, полвоннинг ўзи индамай чиқиб кетар эди. Полвонлар жуда ориятли бўлишган, ҳатто баъзи полвонлар, тиззаси ерга тегса бўлди, мен ютқиздим, деб чиқиб кетган.

Урф-одатга қаттиқ амал қилинган, полвонлар одамлар олдида яланғоч баданини кўрсатишмас, мабодо полвон кийингудек бўлса, чопон билан уни тўсиб туришган. Тўй кураши тўй қилган одамнинг уйидан четроқда, далада ёки махсус ажратилган жойларда ўтказилган.

— Деҳқон бува, сиз курашни бир неча хил бўлган деяпсиз, аниқроқ тушунтириб берсангиз.

Ўғлим, бир тўйда Бухорода кўрганим, уларда олдиндан белбоғдан ушлаб, қўлни кўйиб юбормай чалиб йиқитиш бўлса, яна бир турида белбоғдан олдиндан ушламай курашаркан, фақат амал бажарганда барибир белбоғдан ушлар экан. Сариосиёдаги тўй курашида олдиндан белбоғдан ушлаб, сўнг бир қўлни кўйиб юбориб курашаркан. Яна иккинчи бир курашида олдиндан белбоғдан ушламас экан, мен сенга кўрганларимни айтяпман.

Полвонлар жуда камтарин бўлганлар, кураш пайтида ўтирган жойида бўйнини эгиб, жим ўтиришган. Номи эълон қилингандан сўнг ўрнидан туриб, халқдан дуо олиб, курашда қўли сирпанмаслик учун ерга ишқаб, ўртага кириб келар эдилар. Ҳатто белбоғдан ушлаганда ҳам одоб билан, бир-бирига йўл бериб ҳаракат қилишар эди. Ўртадаги холис ҳакамлар рухсати билан кураш бошланар эди. Йиқитгандан сўнг ҳам рақибини ўрнидан туришига кўмаклашиб, кейин бошқарувчи ўртага соврин берадиган жойга олиб борар эди.

Мен томошабинлар орасида аёлларни кўрмаганман, сайилгоҳларда аёллар, асосан, 75-йиллардан кейин пайдо бўлди. Кейинчалик тўй курашларини фақат тўй қилган одамларнинг яқинларигина томоша қилишган.

1955 йилларда Қозонда татарларнинг сабантўйларини ҳам кўрганман, уларда ҳам кекса полвонлар курашни бошқарар экан, ўша ерларда ҳам томошабин аёлларни кўрмаганман. Ҳозирги ёшларга ҳайрон қоласан киши, бир-иккитасини йиқитса, ҳовлиқиб даврага чиқиб, у ёқ-бу ёққа юриб қолади. Полвон деган камтар бўлади, даврада ҳар қандай одам бор, назари тегиши (кўз тегиши) мумкин.

— Деҳқон бува, ҳозир, мана, анча ёшга борибсиз, лекин ҳали ҳам бақувватсиз, яқин йиллар ичида қаерларда бўлдингиз?

— Ўтган йили Тошкентга бордим, ҳамма жойда одам, ўтиргани жой йўқ, кўп ёшлар, умуман салом беришни билмайди. Энг ёмони, ҳамма жойда ёзувлар рус тилида, аэропортга бориб Ўшга билет ололмадим, вокзалга бориб ҳам билет ололмай, енгил машинада келдим. Энди, ўғлим, сен китоб ёзсанг, бир-икки нарсаларни ёзгин. Гоҳида зангори экранда рақсга тушаётган баъзи бир эркакларни кўрсатиб қолади. Улар ўйнаганда нима учун чопонининг бир енгини киймай ўйнайди. Нега бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ахир чопон ўзбек халқининг, қолаверса Ўрта Осиё халқларининг миллий либоси-ку. Чопон — бу миллатнинг ифтихори, наҳотки улар бу ўйинлари билан миллат нафсониятига тегаётганлигини билмасалар. Энди бир гапни айтиб кўяй — биз ёшлигимизда кўрганмиз, ақли жойида бўлмаган одамга, ундан эҳтиёт бўлиш учун, бир енгини кийгизмай чопон кийгизишган. Ундан ташқари, биров бировдан қарз бўлиб, бермай юрган бўлса, бир кун чопоннинг бир енгини киймай юрсанг қарзингдан воз кечаман, деб шарт қўйишган.

Бу гапларни эшитиб, бир йил олдин Тухфат Одилов газетага шу тўғрида танқидий мақола ёзиб, чиқаролмай хуноб бўлиб юрган пайтлари эсимга тушди.

Деҳқон полвон билан хайрлашар эканман, у киши: «Илоҳим, нима ниятларинг бўлса, худо қўлласин», деб дуо қилдилар...

(Бу сўхбат 1982 йилда бўлиб ўтган.)

* * *

1983 йилда Фарғона вилоятига Қозон шаҳрида бўладиган «Бел олиш кураш» бўйича халқаро турнирга таклифнома келди. Биз, вилоят терма жамоаси аъзолари (жами 12 киши) Татаристоннинг Альметьевск шаҳрига йўл олдик. У ерга туркманлар, қирғизлар, ўзбеклар,

қорачай-черкеслар, бошқирдлар, тувинлар ва Россиянинг бир неча вилоятларидан полвонлар йиғилишди. Мен ва бирга ишлайдиган дўстим Маҳамаджон — иккаламиз икки жомадонга чеснок, анор ва бошқа нарсаларни солиб, тўлдириб олгандик. Поезд Куйбишев шаҳри вокзалига келиб тўхтади, у ердан Альметьевск шаҳрига автобусда кетяпмиз, йўлда татарлар ўзларининг тилида сўзлашиб кетишяпти, тиллари ўзбек тилига жуда яқин бўлганлиги сабабли биз ҳам тушуниб кетяпмиз. Кўнглимдан, уларнинг кураши ҳам бизнинг курашга ўхшаш бўлса керак, деган фикр ўтди.

Татаристонлик дўстларимиз бизни жуда яхши кутиб олишди. Бир кун олдин улар бизга ўзларининг курашини кўрсатишди. Эртаси куни, қарасак, ўртага тушаётган полвонларнинг ҳаммаси яланғоч, бизга, хоҳласаларинг майкаларингда курашинглар, дейишди. Уларнинг қоидасига кўра яланғоч ҳолда, фақат белга сочиқ ташлаб курашиллар экан. Мусобақа давомида жуда кўп нотаниш амалларни кузатдим. Улар ҳам, ўзбекларнинг кураш қоидасига ўхшаш ҳолда, дангал кўтариб ташлар экан, бу — яхши томони бўлса, ёмон томони — яланғоч курашилгани учун бел шилиниб кетар экан. Ўзбекистонда бундай курашмаганимиз учун бизга анча қийин бўлди.

Мусобақа чоғида қизиқ бир воқеа содир бўлди. 90 кг вазнда курашиб келган Турсунали Қўқонбоев мутлақ биринчиликда бир татаристонлик мутлоқ чемпион билан беллашди.

Ўша татар полвони бизнинг полвонни дарҳол кўтариб ташлади, бироқ елкаси гиламга сал тегиб ўтди. Биз эътироз билдирдик, татар полвони бизни меҳмон деб сийлади шекилли, яна қайтадан курашишга рози бўлди. Татар полвони ёпишиб, кўтараман деганда, Турсунали уни дарҳол кўтариб, ўнг оёғи билан тиззага миндириб, чиройли қилиб ташлади. Жуда чиройли амал бажарилганини кўрган татар оғайнилариимиз: «узбекский Яригин», деб бақаришди. Жуда ҳам қийин аҳволда қолган ҳакамлар ҳайъати шундай қарорга келишди: «Татар полвонининг биринчи бор кўтариб ташлагани соф ғалаба эди, унинг ўзи меҳмоннинг кўнгли учун курашди. Иккинчи курашда ўзбек полвонининг кўтариб ташлагани ҳам чиройли ғалаба бўлди, агар рози бўлсаларинг, ҳисоб: 1:1, яна бир дақиқа кўшиб берамиз, ким ютса, ғалаба шуники», дейишди. Шунда биз рози бўлдик, бу сафар татар полвони Турсуналини даст кўтариб, елкасидан ошириб ташлади ва ғалаба қозонди.

Мусобақадан сўнг татаристонлик дўстларимиз Турсунали полвонни чиройли амаллари учун муносиб тақдирлашди.

Татар-бошқирд дўстларимизнинг бел олиш кураш тури менда жуда катта таассурот қолдирди. Биринчидан, улар ҳар қандай ҳолатда оёқни гиламдан узиб бажарилган амални баҳолаётган экан. Иккинчидан, амални қўллаганда рақибнинг оёғини баландроқ кўтариб, орқага эгиб ташлар экан.

Бизни бир нарса ҳайратда қолдирди — кўтариб ташлаганда амал чиқмаса, «мост», яъни кўприк ҳолатида туриб қолар экан. Бу, албатта, бел олиш курашида жуда хатарли ҳисобланади. Улар эса «Сиз, ўзбекларнинг курашларингиз хавфли, қўлни белбоғнинг ичига

киргизиб олар экансизлар, ахир қўл синиб кетиши мумкин-ку», дейишди.

Улар бир ҳолатга ўрганган экан, сочиқнинг ўнг қўл томонини ўраб, чап қўл томонини ўрамай ушлар экан, агар хавфли вазиятга дуч келиб қолса, чап қўлни сочиқдан қўйиб юборар экан.

Жамоамиз сафида Бахтиёр Маматов деган дўстимиз бор эди. У жуда шўх йигит эди, мен татарман, деб, татаристонликлар билан бирпасда чиқишиб кетди. Шўхлиги иш берди, бир-икки татар курашчилари йўл берди шекилли, фақат унинг ўзи 3-ўринни олди, қолганлар ютқазиб чиқиб кетдик.

Дўстим Маҳмаджон Исмоилов: «Юр энди, олиб келган нарсаларимизни сотамиз», деб мени бозорга олиб борди. Альметьевск бозорига бориб, чеснок, анорларни сотишга тушдик. Озарбайжондан келган бир сотувчи ҳам анор сотиб ўтирган экан, бу ўзбеклар менга «конкурент» бўлмасин деб, анорларимизнинг ҳаммасини айтган баҳомизга сотиб олди. Шундан кейин чесногимизни сотишни бошладик, бирпасда ҳаммасини сотиб бўлдик, чўнтақларимиз пулга тўлиб кетди. Жуда хурсанд эдим. Чунки бир йил ишлаб тополмаган пулимни бир кунда топиб турибман. Шунда кўнглимдан ҳар хил ўйлар ўтди, «ишимни шартта ташлаб, савдо-сотиққа ўтиб кетсамми», деган фикрга ҳам бордим.

Шундай қилиб, катта таассуротлар билан юртимизга қайтдик.

Ўша даврда Ўзбекистон «Фарғонача кураш федерацияси» президенти Тухфат Одилов биз бағдодликларни қутлаб, газеталарда мақолалар эълон қилди. Шу-шу Россия миллий кураш федерациялари билан алоқалар жадаллашиб кетди. Тухфат Одилов ташаббуси билан бир неча бор полвонларимиз Россияга бордилар. Ўз навбатида, Россиянинг Татаристон, Бошқирдистон, Қорачай-Черкесия республикалари полвонлари ҳам Ўзбекистонда ўтадиган халқаро турнирларда ҳам қатнаша бошладилар.

* * *

Бағдод туманидаги Оқчангал қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳамид полвон Қодиров (1904—1988) билан суҳбатлашиш учун 1983 йилда унинг уйига бордим. Ҳар куни эшак аравага ўтириб, ё Бағдод марказига (Фарғона вилояти) ёки қишлоқларга ўз юмуши билан чиқиб кетишга одатланиб қолган Ҳамид полвон, хайриятки, ўша куни уйда экан (1-расм).

Ҳамид полвон бизни хурсандчилик билан кутиб олиб, уйига таклиф қилди. У киши ташрифимнинг сабабини билгандан сўнг кураш тўғрисида тўлқинланиб сўзлаб кетди:

— Ўғлим, илгари бел олиш кураш бўляпти, дейишса, юрагимиз дукурлаб, ўша жойга талпинар эдик. Эндиликда кўп жойларда бел олиш курашлари бўлмаяпти ҳам шекилли. Узоққа бормайлик, мана шу ўзимизнинг Бағдод боғини айтмайсизми?! Илгарилари бу ерга бел олиш курашига 10—15 минг одам йиғилар эди.

— Ҳамид бува, сиз фарғонача курашни бел олиш кураш деяпсиз? — сўрайман суҳбатдошимдан.



1-расм. Ўзбекистоннинг энг илғор Бел олиш кураш паҳлавон ва улоқчиларидан Ҳамид полвон Қодиров.

— Ўғлим Носиржон, очигини айтсам, ҳозирги «фарғонача кураш» номига ўзларингдан бошқа одам тушунмаса керак.

— Нега ундай деяписиз?

— Илгари уни бел олиш кураш дер эдик. Чунки бу курашни Ўш, Жалолобод, Ленинобод, Конибодомда ҳам билишади. «Фарғонача кураш» номи кейин пайдо бўлди. Биз ҳали-ҳали бу номга кўника олганимиз йўқ. Ҳозирги бел олиш кураш қондасига ўзларингдан бошқа одам тушунмайди.

Биз курашган пайтларда курашчилар бир-бирининг белбоғларидан одоб билан ушлашар эди. Ҳозирги бел олиш курашларида бир-бирининг белбоғидан ушлаш учун анча тортишишади. Қани халқимизга хос ҳалоллик. Кейин, кўтараман деб ўзи рақибнинг тагига тушиб

қолиб, яна туриб курашаверади. Ахир, бел олиш кураш ниҳоясининг ўзи рақибнинг елкасини ерга теккизиш бўлса! Тиззалаб чўкка тушиб қолишлар оддий ҳол бўлиб қолибди. Кураш томоша қилгани бир куни Бағдод стадионига бордим, одам тўла. Яхшиям бир милиционер келиб, юринг бува, деб стадионнинг бир чеккасидан жой қилиб берди, ўша ердан туриб бел олиш курашини томоша қилдим. Энди, ўғлим, кексалик, бир вақтлар яхши улоқчи эдим, кураш-ку асосий касбимиз бўлган. Тўғриси айтиш керак, кураш рўзгор тебратиш учун бизга бир ҳунардай бўлиб қолган эди. Урушдан олдинги пайтларда талабгорлар уйимизга келиб, кам-кўстимиз учун олдиндан пул тўлаб, кейин курашларга олиб боришган. Ўша кезларда қаерда бирор-бир сайил ташкил қилинса, албатта ҳар жойдан номи чиққан полвонлар таклиф қилинар эди.

— Ҳамид бува, курашгани қаерларга боргансиз?

— Жалолободдан тортиб бу ёғи Самарқандгача курашга борганман.

— Айтинг-чи, мамлакат кураш мусобақаларида ҳам қатнашганмисиз ёки фақат сайил-тўйлардаги курашларга борганмисиз?

— Энди, ўғлим, биз курашган пайтларда йилига 4—5 маротаба мамлакат мусобақалари ўтказилган. Уларга камроқ қатнашганман. Катта, номи чиққан полвонларнинг ҳаммаси, асосан, тўй-сайилларда курашган, уларни мамлакат мусобақаларига зўрлаб ҳам олиб бориб бўлмасди. Сабаби, вақти чекланган, голибга қоғоз дипломдан бошқа деярли ҳеч нарса беришмаган. Биз уйдан чиқиб кетганимизча 1,5, ҳатто 2 ойлаб қайтмаганмиз. Ўша даврларда номи чиққан полвонлар кўплигидан уларни бир жойга йиғиш қийин бўлган. Тожик, ўзбек, қozoқ, туркман, қирғизларнинг тўйлари улоқ ва курашсиз ўтмаган. Бир қишлоқда тўй бўлса, ўша қишлоқнинг хонадонларига узоқ-яқин-

дан келган полвонлар жойлаштирилади ва ўша ерда зиёфатлар бериларди. Эртаси кун кураш ўтадиган махсус жойга ҳамма йиғилгандан сўнг бел олиш кураш бошланар эди.

— Ҳамид бува, хафа бўлмасангиз, бир савол билан мурожаат қилсам. Айтишларича, сиз 1949 йил Фарғона сайида курашда олтиариқлик Холиқ Тўхтаматов исмли полвонни нобуд қилиб қўйган экансиз?

Буни эшитиб Ҳамид полвон жим бўлиб қолди. Мен эса бу саволни берганимдан ўсал бўлиб қолдим.

— Ўғлим, умрни берувчи ҳам Оллоҳ, оловчи ҳам Оллоҳ. Ўша сиз айтган Холиқ полвон Тўхтаматовнинг ажали етган кун ўша кун экан. Кураш эса баҳона, сабаб бўлиб қолди, холос.

Бу гапларни эшитиб, бошқа бу мавзуга қайтишни лозим деб топмадим.

Маълум бўлишича, ўша кун Ҳамид полвон билан бел олишган Холиқ полвоннинг ёши 64 да бўлган. У, тахминан, 2 соатдан ортиқ курашган, 3 маротаба дам ҳам олган экан. Ана шу воқеа жуда катта шов-шувга сабаб бўлиб, кейинчалик Ҳамид полвонни курашдан бутунлай кетишга мажбур қилган экан.

— Ҳамид бува, айтинг-чи, Самарқандда қандай курашларни кўргансиз?

— Самарқандда бўлган тўй бел олиш курашига Ленинобод, Марғилон, Ўзгандан келган сара полвонлар билан биргаликда мен ҳам борганман. Бир тўйда икки хил бел олиш кураш бўлган. Бирида олдиндан белбоғдан ушлашиб, қўлни қўйиб юбормай чалиб йиқитилар экан. Бошқа бирида белбоғдан бир қўлни қўйиб юборилар экан.

Уларнинг яна бир кураши бор экан, бошқа тўйда кўрганман, олдиндан белбоғдан ушламасдан, чопиб келиб бехос ташланар экан. Унда ҳам амаллар белбоғдан ушлаб бажарилар экан.

— Ўша кураш ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Улар олдиндан белбоғдан ушламай курашар экан. Фақат белбоғни қориндан сиқиброқ боғлашар экан. Кураш бошлангандан сўнг рақибга ташланиб, белбоғидан ушлаб амал қўллаб курашар эканлар. Баъзилари белбоғдан ушлабоқ, оёқдан чалиб босиб йиқитар экан. Шундан сўнг бошқа у томонларга курашга бормаганман. Аниқ эсимда, бир туркман келиб, бизни Чоржўйга тўй курашига таклиф қилган. Биз қандай кураш экан, деб сўраганимизда, бел олиш кураш бўлади, белбоғдан ушлаб курашилади, чалиши бор, деб жавоб берган.

Кейин эшитсам, жалолободлик Ёғоч полвон шу тўйга бориб, бир қанча совринлар олиб, шулар қаторида бир катта туя олиб, уни нима қилишини билмай, ярим баҳосига сотиб келган экан.

Бу суҳбат 1983 йил куз ойларида бўлган эди.

* * *

1983—84 ўқув йилида бир неча ўқувчим «бел олиш кураш» бўйича республика чемпиони бўлди. 4 ўқувчим Тошкентдаги қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирди. Ана шу ўқув юртида «бел олиш кураш»

бўйича Карим Маликов мураббийлик қилар эди. У кишининг таклифига биноан мен Тошкентга келиб ишга жойлашдим. Мақсадим, ишлаш билан бирга, қишлоқ хўжалик техникумидаги мураббий Карим акага «бел олиш кураш» бўйича ёрдам бериш эди.

Кейинчалик Карим Маликов ёрдамида Тошкент аэропортига ишга жойлашиб олдим. Ишим яхши эди, бир кун ишлаб уч кун дам олардим. Мен учун яна «бел олиш кураш» билан шуғулланиш имкони пайдо бўлди. Ўша пайтда Карим Маликов билан биргаликда бир неча мусобақалар уюштирдик.

Бир кун Тошкентдан Қаршига учмоқчи бўлиб айланиб юрган эдим. Қарасам, бир гавдали одам бесаранжом бўлиб, у ёқдан-бу ёққа юрарди. Унинг ёнига бир ички ишлар ходими келиб:

— Кечирасиз, паспортингизни кўрсатиб юборсангиз, — деди.

У одам индамай паспортини кўрсатди, Термизга билети бор экан, рейси «ушланиб» қолибди, шунинг учун безовта бўлаётган экан.

— Энди, хафа бўлмайсиз, сўрагanning айби йўқ, дейдилар, Термизга иш билан кетяпсизми, деб сўроққа тутди.

— Эртага катта тўй кураши бўлади, шунга кетаяпман, деди у киши.

Милиционер:

— Курашчи экансиз-да, оқ йўл бўлмаса,— деб паспортини қайтариб берди.

Шундан сўнг у кишининг олдига бориб, курашчи экансиз-да, деб суҳбатга тортдим.

— Бир вақтлар курашчи бўлганман. Ўша даврлар яхши экан, курашдан бошқа ташвишим бўлмаган. Ҳозир эса кураш ўтказиш учун ҳали у ёққа-ҳали бу ёққа чоп-чоп. Бировга ёқасан, бировга ёқмайсан. Очиғи, ҳаммага ҳам кураш ёқавермайди, — деди.

Суҳбатимиз давомида у одамдан кимлигини сўрасам, шундай жавоб берди:

— Биз етгита ака-ука эдик, катта акам оламдан ўтган, ҳозир олти оғайнимиз, ҳаммамиз самбо ва миллий кураш бўйича спорт устасимиз.

— Унда ака-укаларингиз кимлар? — деб сўрадим.

— Каттаси ўзим. Юсуповларни эшитганмисиз?

— Ҳа, эшитганман.

— Ана шулар — менинг укаларим.

Шундан сўнг суҳбатимиз қизиқ кетди. Мен ҳам «фарғонача кураш» йўналишида курашиш билан бирга ушбу кураш тарихи бўйича қилган ишларим ҳақида сўзлаб бердим.

Янги танишим — Жўракул ака ўшанда:

— Эй, сиз мен қидирган одам экансиз-ку, — деб, ўзининг бошидан ўтган воқеаларни бирма-бир гапириб берди. У «бухороча кураш» бўйича жаҳон чемпионати ўтказиш мумкин бўла туриб, ҳатто республика биринчиликлари ҳам мунтазам ўтказилмаётганлиги ҳақида куйиниб гапирди.

Ҳақиқатан ҳам, 1980—85 йилларда «бухороча кураш»га нисбатан «фарғонача кураш» бўйича йирик халқаро турнирлар кўпроқ ўтказилар

эди. Жўракул ака ҳам «фарғонача кураш» бўйича бир қанча халқаро турнирлар ўтказилганлиги ҳақида гапирди.

Шунда мен:

— Жўракул ака, нима сабабдан бухороча ва фарғонача кураш деб аталар экан? — деб савол бердим.

У киши:

— Мен ҳам, нима сабабдан шундай экан, деб доим ўйланаман.

Сўнгра Жўракул ака бухороча ва фарғонача курашларга ҳам ягона қоидани жорий қилиш йўли билан уни халқаро майдонга олиб чиқиш мумкинлигини тушунтириб берди. Мен эса:

— Қандай қилиб? — деб сўрадим.

— Бу кураш билан туркман, қозоқ, қирғиз, ўзбек, тожик полвонлари курашиб келганлар, демак ҳамма бирлашиб, уни халқаро майдонга олиб чиқиш мумкин, — деди Жўракул ака. — Бунинг учун курашчилар ва ҳакамларнинг кийимларини замонавийлаштириш ва шу йўл билан ягона қоидани жорий қилиш мумкин.

Гапдан гап чиқиб, Жўракул ака шундай деди:

— Гапларингиздан шуни яхши билиб олдимки, сизда фарғонача курашга бўлган иштиёқ жуда кучли экан. Шундай бўлгач, нима сабабдан «бухороча кураш» ва «фарғонача кураш» деб алоҳида номланишини аниқлаб берсангиз зўр иш қилган бўлардингиз. Бу — биринчи таклифим. Иккинчи таклифим — Аҳмад полвон Топилбой ўғли қаерда туғилганлиги, қачон оламдан ўтгани ва қаерга қўйилганлигини аниқласангиз.

— Жўракул ака, булар жуда қийин топшириқлар-ку, — дедим.

У киши шундай йўл-йўриқ кўрсатди:

— Биринчидан, Аҳмад полвон тўғрисида кимлар китоб ёзган бўлса, аввал ўша одамларга бориб учрашасиз. Кейин бир иш иккинчисига уланиб кетаверади. Қилган ишларингиздан мени ҳам хабардор этиб турарсиз...

Бу гапларни эшитиб, жуда хурсанд бўлиб кетдим, чунки менга шундай йўл-йўриқ кўрсатадиган одам ўша пайтда жуда-жуда керак эди.

— Сиз яхшиси ишни Аҳмад полвон тўғрисида маълумот йиғишдан бошланг. Бу иш хийла қийинроқ, чунки архивларни кўп титишингизга тўғри келади, — деб уқтириб ўтди Жўракул ака.

Шундай қилиб, уч соат қандай ўтганини билмай ҳам қолдим, Жўракул акани эски қадрдонлардек кузатиб қўйдим.

Жўракул аканинг гапларидан сўнг менда Фарғонача курашга бўлган қизиқиш янада кучайди. Аҳмад полвон ҳақида китоб ёзган Тўлқин Обидовни узоқ қидириб, ниҳоят топдим. У санъатшунос олим экан, Аҳмад полвоннинг авлоди ва уйи қаерда эканлигини сўрадим. У Аҳмад полвонинг уйи қаерда эканлигини билмаслигини, одамлардан эшитганлари асосида у ҳақда ёзганини тушунтириб берди.

Сўхбат чоғида Тўхфат Одилов билан ҳам учрашимиз лозимлигини, яқинда Аҳмад полвон ҳақида у кишининг ҳам китоби чиққанлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг Тухфат Одиловнинг ҳузурига бориб, бўлиб ўтган воқеаларни батафсил тушунтириб бердим. Тухфат Одилов эса бир қанча одамлар билан суҳбатлашгани, ҳатто Аҳмад полвоннинг курашларини кўрган 108 ёшли одам билан учрашиб, шу одамдан эшитганларини ҳам китобда ёзганлигини айтиб ўтди. Лекин Аҳмад полвоннинг авлодлари, уйи ёки қабри тўғрисида ҳеч нарса билмаслигини айтди. Айтиш чоғда Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасидан бошлаб Комолон маҳалласидаги кўчаларда истиқомат қилувчи кекса кишилардан сўраб-суриштириш кераклиги тўғрисида маслаҳат берди. Жўракул ака билан учрашиб, унга бу ҳақда гапириб бердим. Ҳатто Аҳмад полвон ҳақида китоб ёзган одамлар ҳам унинг авлодлари ҳақида билмасликларини айтдим. Шундан сўнг Тухфат Одилов у ҳақда Бешёғочдан Комолон маҳалласигача бўлган кўчалардаги кекса ёшлилардан сўраб-суриштириш лозимлигини айтганлигини баён қилдим.

— Жуда соз, шундай қилиш керак, — деди Жўракул ака.

Мен эса:

— Жўракул ака, шунча маҳалладан сўраб-суриштиришнинг ўзи бўладими? — дедим.

— Эй Носиржон, соддасиз-да, сиз айтган бухороча ва фарғонача курашнинг нима сабабдан шундай деб номланганлигини аниқлаш учун қаерларга бормадим, кимлар билан учрашмадим. Сиз эса ҳали мендан анча ёшсиз, — деб бу ишларни қандай амалга оширишни тушунтириб берди.

Шундан сўнг Бешёғоч даҳасидаги (ҳозирги Алишер Навоий номидаги миллий боғ ўрнидаги) бир неча кўчалардан Аҳмад полвоннинг авлодларини суриштиришни бошладим, бир ой деганда, бир кекса одамни топдим...

1985 йил Тошкент шаҳри.

* * *

Тошкент шаҳридаги Бешёғоч даҳаси кўчаларидан бирида истиқомат қилувчи, 1897 йилда туғилган Мустафо Ҳалил деган киши билан учрашишга муваффақ бўлдим. Мустафо Ҳалил Тошкент шаҳрига 1931 йилда Қримдан кўчиб келганлигини, ўшандан буён шу даҳада истиқомат қилаётганлигини айтди.

Мустафо Ҳалил кекса бўлишига қарамай, жуда ҳушёр экан. У Ўрта Осиё, Қрим — Қозон татарлари тарихини яхши билар экан. Гап бошламасимдан олдиноқ шундай деди:

— Уйимга кираётганингизда дарвоза олдида осилиб турган пардани кўриб, ҳайрон қолгандирсиз. Бу ўзбек халқининг урф-одати, қадимда ҳеч кимнинг эшигига қулф осилмаган, доимо очиқ бўлган. Ташқаридан келган одам шу парда орқасидан туриб уй эгасини чақирган. Ундан ташқари, эшик ёнида, ҳовлининг ўнг ёки чап томонида бир даҳлиз ва уй бўлган, бу уйда кичкинагина хонтахта, деворда чўт, жойнамоз, ичкари уйда эса кичкинагина сандиқча бўлган. Бу сандиқчада ҳар хил ҳужжатлар сақланган. Эшикнинг олдидаги парда ташқаридан келган номаҳрамларнинг аёл кишига кўзи тушмаслиги учун

тутилган. Дарвоза олдидаги кичкина даҳлиз ва уй эса офис вазифасини ўтаган. Ана шу ердаги чўт ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган.

Мустафо Ҳалилнинг бу гапларидан мен жуда таъсирланиб кетдим, чунки мен ўзбек бўла туриб, бундай урф-одатларимиз борлигини билмас эканман. Мустафо Ҳалил эса, бундан таъсирланиш шарт эмаслигини, бундай урф-одатларни одамлар аллақачон унутиб юборганлигини айтиб ўтди.

Суҳбат чоғида Мустафо Ҳалил Қрим тарихи, унинг истилочилар томонидан қандай босиб олинганлиги, Қозон татарлари билан Ўрта Осиё халқлари ўртасида қандай маданий ва иқтисодий алоқалар бўлганлиги ҳақида айтиб ўтди. Кейин шундай деди:

— Носиржон, билиб турибман, кураш тўғрисида суҳбатлашгани келиб, гап бошқа мавзуга бурилиб кетганлигидан хижолат чекапсиз. Ўғлим, кураш қандай бўлганлигини билиш учун тарихни билмасангиз бўлмайди. Тарихни билиш учун эса ўша давр сиёсатини билишингиз керак. Бўлмаса ҳеч нарсага эриша олмайсиз. Аҳмад полвон ҳақида мен ҳам 1931 йилда Тошкентга келганимда эшитганман.

— Мустафо бува, Аҳмад полвоннинг қачон вафот этганлиги тўғрисида бирон-бир маълумот айтолмайсизми?

— Мен унинг қачон вафот этганлигини билмайман, лекин ўша 1931 йилда бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса айтмаган. Лекин у бир жойда турмас экан.

— Сиз ўша давр курашларини кўрганмисиз?

— Албатта, кўрганман. Тошкентнинг бир қанча жойларида бел олиш кураш бўлар эди. Сиз айтган бел ушлашадиган курашни Бухорога тўйга борганимда ҳам кўрганман.

— Кечирасиз, Бухорода бошқача кураш бор, шуни кўргандирсиз.

Тўғри айтдингиз, у ерда бир неча хил кураш бўлар экан, биттасида белбоғдан қўлни қўйиб юбормай чалиб йиқитар экан. Яна бирида олдиндан белбоғдан ушламай курашилар экан.

— Мен кўрганим — чопон кийиб, белдаги белбоғидан тутиб, оёғидан чалиб йиқитадиган кураш эди. Улар бу курашни «бел олиш кураш» дер эканлар. Ундан ташқари, муштлашувга тайёрлайдиганларини ҳам кўрганман.

— Уларни қаерда кўргансиз?

— Бу муштлашувчиларни ҳам Бухорода кўрганман. 1932 йилда тўй курашидан чиққанзимиздан кейин, юринг, сизни бир жойга олиб борамиз, деб Бухоро шаҳрининг бир чекка жойига олиб боришди. Эшик олдида бошига салла ўраган тўрт киши турибди, улар мени олиб борган кишилар билан тожик тилида гаплашишди. Кейин бир киши уйнинг ичига кириб, бироздан кейин чиқди ва бизни ичкарига олиб кириб кетди. Ичкарида тахминан 40 тача одам, машғулот бўлаётган экан.

— Кечирасиз, Мустафо бува, тушунтириб бера олмайсизми, ичкарида қанақа машғулот бўлаётган экан.

— Улар тиззагача оқ яктак, қора иштон кийган, баъзи бирлари яланг оёқ, баъзиларининг оёқларида махсига ўхшаш пойабзал. Лекин ўртада туриб машғулот ўтаётган кишининг пойабзали қора рангли,

ихчамроқ. Белларида кулрангга мойил белбоғ, ялтиллаб турибди. Баъзи бирларининг бошида дўппига ўхшаш қора бош кийим. Ўртадаги одамнинг бошидаги дўппида оқ йўллари бор. Шуғулланаётганлар ҳар хил жойда туришибди — биттаси икки қўли билан ўзининг бўйинини ушлаб турибди. Унинг рақибни эса белига, қорнига, тизза болдирига, сонларига тепяпти. Тўрт одам икки қўли билан бўйинларини ушлаб турибди. Иккинчи одам эса узун таёқлар билан қорнига уряпти, ҳар урганда овозлари гуриллаб эшитилиб турибди. Мен секингина каминани олиб борган одамлардан: нима учун қорнига уришяпти, деб сўрадим. Улар, сабоққа кеч қолганлиги учун, деб жавоб беришди.

Машғулотни тожик тилида тез-тез гапириб олиб боряпти, ҳар замонда ўзбек тилида ҳам сўзлаб турибди. Ўша куни фақат сабоқ ўрганиш куни экан, бир-бири билан муштлашишмади.

Қизиқиб муштлашиш қоидасини ҳам тушуниб олдим. Ўша муштлашиш қоидасида муштлашувчи ўз рақибини уч марта урар экан. Хоҳласа икки маротаба оёқда, учинчисини қўлда, хоҳласа қўлда икки маротаба уриб, учинчисини оёқда тепар экан. Унинг рақибни эса фақат ўзини ҳимоя қилар экан. Шундай қилиб, бир томон икки маротаба такрорлар экан. Сўнг рақиблар ҳам икки маротаба такрорлар экан. Учинчи одам уларнинг қанча урганини санаб турар экан. Агар ким кўп уришга улгурган бўлса, ўша ғолиб чиқар экан. Агарда дуранг бўлса, иккала тараф барабар уришар экан. Ким биринчи бўлиб уч маротаба уриб улгурса, ўша ютар экан. Фақат қатъий қоида бўйича муштлашиш бошланишида бир томон уриб, иккинчи томон ҳимояда бўлар экан. Урганда икки маротаба оёқ, сўнг қўл ёки икки маротаба қўл, сўнг оёқда, ҳаммаси бўлиб уч маротаба урар экан. Агар билмай тўрт маротаба уриб юборса, бир очко (баҳо) олиб ташланар экан. Қоринга мушт билан урса ҳам бўлаверар экан. Агар юзига урмоқчи бўлса, қўл панжасининг орқа ёки олди билан шапалоқ туширар экан. Агар юзга қўл билан мушт туширса, у чиқариб юборилар экан. Уларнинг уч хил унвонлари бўлар экан. Бир унвондан иккинчисига ўтиш учун ўзининг унвонидагиларни ҳаммасини ютиб, сўнг даъвогар бўлган унвондагилардан бирортасини ютиши ёки уни муштлашиш қобилиятига қараб ўтказишар экан. Энг юқори унвон эса ҳамма талаблар бажарилгандан сўнг сайлашга қўйилар экан. Бу муштлашувчилар ахлоқ-одобли, кўча-кўйда ўзини тута билиши, доимо адолатли бўлиши лозим экан. Агар улар кўчаларда кучсиз, ожиз одамларга керак пайтда ёрдам кўрсатмаса ёки муштлашиб юрса, машғулотлардан ҳайдаб юборилар экан. Машғулотга қатнашганларнинг чекиши, ичиши мумкин эмас экан.

Машғулотдан сўнг ҳамма қатнашчилар бир жойга йиғилиб, йўғон дарахт танасига қўлларини қўйиб, кейин махсус тайёрланган ўриндиққа ўтириб, бир-бирининг қўл панжаларини сиқиб ушлаб, иккинчи қўлини эса яқтакларига боғланган белбоғга тиқиб бука бошлайди.

Буни кузатиб туриб, бу қанақанги машғулот, деб сўрадим. Шунда менга «бу қўл панжа кураш тури» деб жавоб қилишди.

Мустафо Ҳалил Қримда, Қозонда ҳамда Кавказ ўлкаларида ҳам бел олиш курашини ўз кўзи билан кўрганлигини сўзлаб берди. Мус-

тафо бувадан эшитганларим менга жуда қизиқ туюлди. Наҳотки бир одам шунча нарсани билиб, яна уни эслаб қолса. Шундан сўнг Мустафо Ҳалилдан:

— Сиз тарихчимисиз ёки сиёсатчи бўлганмисиз? — деб сўрадим. У эса кулиб:

— Униси ҳам, буниси ҳам эмас, мени ҳаёт мажбур қилган, мен бир умр армон билан яшадим.

— Унда кимсиз? — деб сўрадим.

У эса:

— Мен Қрим уйғониш ҳаракати аъзосиман, — деб жавоб берди. — Сенинг мендан сал фарқинг бор, лекин Ўзбекистон ҳам мустақил эмас. Сўнгра у шундай мисол келтирди: сен уй қўриқлайдиган, бўйнида узун занжири бор итни кўрганмисан, у ҳам мустақил, фақат занжири етган жойигача мустақил. Ҳақиқий мустақил бўлиш учун бўйиндаги кишанни узиб ташлаш керак, деди. Сўзимнинг маъноси шундай: ҳали Ўзбекистон ҳам мустақил эмас, бир кун келади — бу юртнинг ҳам эгаси бўлади. Шундай деб Мустафо Ҳалил сўзини якунлади. Унинг бу сўзларидан жуда таъсирланиб кетиб, унга шундай дедим:

— Сиз жуда кўп нарсаларнинг гувоҳи бўлган экансиз, мен сиз айтган гапларни ёзсам, одамлар ишонармикан?

Шунда у сал аччиғи келгандай, ўрндан туриб токчадаги сандиқчани пастга олди ва бир қанча китобларни хонтахта устига қўйди.

— Мана, форс, араб тилида ёзилган китоблар. Мана бунисини эса ўзим ёзганман, — деб кўрсатди. Лекин у лотин имлосида ёзилган, анча эски эди.

У яна шундай деди:

— Агар тушунадиган одамларни олиб келсанг, шартим — мана шу ерда таржима қилиб олиб кетсин...

Шунда у бир суратни кўрсатиб, шундай деди:

— XIX асрда татарлар Тошкентга келиб, Бел олиш курашида курашганлар, фақат буни чор амалдорлари, татарлар билан Ўрта осийликлар бирлашиб бош кўтармасинлар, деб ошкор қилишмаган. Мана шу суратни менга Қозонда беришган, мана шуни сенга бераман, бировга кўрсатмай сақлагин. Шундан сўнг Мустафо Ҳалил татарларнинг минг йиллик тарихга эга бел олиш кураши ҳақидаги ҳикояни ўз қўлёзмасидан ўқиб берди. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Мустафо Ҳалил билан бўлиб ўтган суҳбат, у Бухорода ўз кўзи билан кўрган бел олиш кураш, муштлашув, қўл панжа кураш тури, шунингдек Мустафо Ҳалилда бир неча тилда битилган китоблар ҳам борлиги ҳақида мен Жўракул акага баён қилдим, у киши: — Тўғри, мен ўзим бухороликман, бел олиш кураш билан болалигимда олишганман, муштлашув ҳақида эшитганман, — деб қолди. Сўнгра: «У ўзи ким бўлган экан», — деди. Мен: «Қрим уйғониш ҳаракати аъзоси экан», дедим.

Жўракул ака бирдан: «Ундай бўлса, унинг олдига бошқа борманг, менга айтганларингизни бировга айта кўрманг, бундай одамлардан узоқроқ юринг», деди.

Бу воқеани Тухфат Одиловга айтиб берганимда, у ҳам шундай деган эди.

Бу гаплар собиқ иттифоқ даврида бўлган эди. Энди эса бамисоли бир эртакка ўхшайди.

1985 йил Тошкент шаҳри.

* * *

Мустафо Халил билан Тошкентда бўлган суҳбатдан сўнг мени кўп нарсалар ўйлантириб қўйди. Қандай қилиб Бухорода бел олиш кураш, яна қандайдир муштлашувлар бўлиши мумкин, деган ўйлар менга тинчлик бермади. Шундай қилиб, ўша йилнинг ўзидаёқ Бухорога боришга аҳд қилдим. Олдин Бухорони обдан томоша қилдим. Сўнг бир нечта қариялар билан учрашдим, бироқ мени қизиқтирган кураш ва муштлашув ҳақида биринчи кун ҳеч қандай маълумотга эга бўла олмадим. Эртаси куни Бухоронинг четида жойлашган Бухоро амири Саид Олимхоннинг аркига зиёрат қилишга бордим. Зиёратга узоқ-яқиндан, ҳатто чет эллардан ҳам одамлар ташриф буюришар экан. Ана шу ерда бир аёл ўзимизнинг қайсидир вилоятдан келган йигирмадан ортиқ одамни олиб юриб, музей билан таништиряпти. Мен ҳам яқин бориб суҳбатга қулоқ солиб турдим. У Саид Олимхоннинг Санкт-Петербургда таълим олгани, шу арк қурилишига унинг ўзи бош бўлгани ҳақида ва ўша даврга оид бошқа воқеаларни сўзлаб берди. Тингловчилардан кимдир ҳозир амир Олимхоннинг қариндошлари бор-йўқлиги ҳақида сўраб қолди. Шунда суҳбат ўтказувчи амир Олимхон Бухорони тарк этгандан сўнг, унинг қариндошлари ҳам ҳамма қатори ҳаёт кечиргани ҳақида сўзлаб берди. Ҳамда унинг уч фарзанди Москвада тарбияланганлиги, улардан бири урушда қатнашиб, генерал-лейтинант даражасига етганлигини, Бухорога бир неча мартаба ташриф буюрганлигини ҳам айтиб ўтди. Шу суҳбатни четроқда тинглаб турган бир кекса одам хўрсиниб қўйди. У кишидан: «Ота-хон, нега хўрсинасиз?» деб сўрадим. «Эй ўғлим, нимасини айтай, қачон бизлар ҳақиқатни сўзлашни ўрганамиз», деб калласини чайқаб қўйди.

Сўнг отахондан: «Сиз ўша даврни биласизми? — деб сўрасам, «Билиш ҳам гапми, ўз кўзим билан кўрганман. Бунинг тарихи узун», деб қўйди.

Ичимда, бу отахондан кўп нарсани билиш мумкин, деб ўйладим. Кейин отахондан ўша давр ҳақида билганларини сўзлаб беришни илтимос қилдим. У шундай ҳикоя қилди: «Мен асли бухороликман. Исми Абдумалик, қишлоғимда кўп ёшлар Маликота деб чақиринишди, 1905 йилда туғилганман.

Ўша даврларда халқнинг бошига кўп мусибатлар тушган. Лекин бунинг учун амир Олимхонни айблаб бўлмайди. Руслар Бухорони босиб олиш учун кўп ҳаракат қилган. Саид Олимхон Бухорони сақлаб қолиш учун хазинасидаги барча маблағни қурол-яроғ сотиб олишга сарфлаган.

Бухорода осойишталик бузилган бундай даврда қийинчилик бўлиши табиий эди. Мен болалигимни яхши эсламан, отам ҳунарманд

бўлган, этик-махси тикар эди. Қийналганимизни билмайман. Бухорони руслар босиб олгандан сўнг бизнинг оиламиз бошига ҳам қийинчиликлар тушганини эслайман. Амир Олимхон Бухорони қайтиб олиш учун 1930 йилгача уруш олиб борган. Ўзи Афғонистонда туриб, бу урушларни бошқариб турган. Халқимиз ҳар томонлама қийналган. Амир Олимхон хотин, бола-чақасининг ҳаммасини ўзи билан олиб кетишга улгурмаган. Совет ҳукумати унинг оиласини, хотинларини, қариндош-уруғларининг кўпини сургун қилиб йўқотиб юборган. Улар ҳаммаси ўқимишли, тарбия кўрган бўлишган. Кўп одамлар уларни танир эди. Лекин улар билан яқин бўлишга кўрқар эди. Улар ҳам бошқалар билан яқин бўлмасдилар. Адашмасам, улар урушдан олдин қатл қилинган. Бир ўғли генерал-лейтенант бўлган, лекин шу ўғли ўз отасига қарши хат ёзиб, газетада эълон қилинганда шов-шув бўлиб кетган. Лекин Бухоро халқи бир нарсани билади, бу атайлаб уюштирилган. Шундан сўнг суҳбат мавзусини бошқа ёққа бурдим — Малик ота, мени бир нарса қизиқтиряпти, яқинда тошкентлик бир кекса одам Бухорода бел олиш кураш бўлган тўйни кўрганлигини айтди. Яна у киши Бухорода муштлашишга ўргатувчилар ҳам бўлган, деди, шу ростми?

— Жуда тўғри айтибди. Бухорода бир қанча курашлар бўлган, ҳозирги кунда биттаси қолди.

Сиз белдан сиқиб курашадиган бел олишни айтяпсиз, унда фақат оёқдан чалиб йиқитилади. Тошкентдаги бел олишда эса оёқдан чалмайди. Бу ерда бир қанча курашларнинг ҳаммасида оёқдан чалиб йиқитилган. Илгари тўй, сайилларда курашлар бўлар эди. Уч хил кураш бор эди. Бирининг қоидасида белбоғдан ушлашиб, қўлни қўйиб юбормай чалиб йиқитилар эди. Яна бир турида белбоғдан ушлашиб олгандан сўнг бир қўлни қўйиб юбориб чалиб йиқитилар эди. Уларни бизда бел олиш дейиларди. Яна бир курашимиз бор эди, унда олдиндан белбоғдан ушланмасди. Уларнинг ҳаммасида узун чопон, ичидан оқ якак, оқ иштон кийиб курашилар эди. Аниқ эсимда, 1924 йилда янги ташкил этилган республикамизда мусобақалар фақат битта кураш туридан, олдиндан белбоғдан ушланмайдиган туридан ўтказилган. Бошқа турлари бўйича фақат тўй сайилларида мусобақалар ўтказиларди. Ўша пайтда бел олиш кураш бўйича ҳам мусобақалар ўтказишга ҳаракатлар бўлган, лекин уни тақиқлаб қўйишган. Айтишларича, ўша амир Саид Олимхоннинг қариндош-уруғлари ичида ҳам бел олиш кураш бўйича олишган паҳлавонлар бўлган экан. Улар билан бирга курашган дўстларини ҳам бир кечада сургун қилиб юборганларини биламан. Буни қаерда бўлса ҳам айтиб беришим мумкин.

Энди, ўғлим, мен сизга сўраганлигингиз учун айтиб беряпман. Мени ўн йил олдин ички ишлар идорасига олиб бориб сўроқ қилишган. Сабаби мен бир туркиялик ўзбек сайёҳига Бухоро тарихига оид кўрган-билганларимни гапириб берганлигим эди. Лекин мен ҳам бўш келмаганман. У пайтда мен етмиш ёшда эдим. «Отахон, сизнинг айтаётганларингиз бирор-бир жойда ёзилмаган, шунинг учун сиздан илтимос, бошқа бундай гапларни гапириб юрманг», деб қўйиб юборишган. Ҳақиқатан ҳам, Саид Олимхон тўғрисида ҳеч нарса ёзилмаган. Сен ҳам агар у ҳақда ёзмоқчи бўлсанг, Олимхон даври тарихи ҳақида китоб чиққандан сўнг ёзгин.

Бухорода бел олиш ва бошқа кураш турлари амирликка қарашли ҳамма бекликларда бўлган.

Ўша сен айтган муштлашувни ўргатувчилар, у билан шуғулланувчилар кўп бўлган. Уларни ҳозир ҳам учратиш мумкин, мен ўзим 1935 йилда уларнинг мусобақаларини кўрганман. Бу муштлашувчилар доимо тақиб остида юрганлар. Уларнинг бировга зиёни тегмаса ҳам, ҳукумат тақиқлаган, уларни „Олифталар“ дейишар эди. Курашларнинг бир қанча турлари бўлган. Ўша даврда бел олиш бўйича курашганлар ҳозир ҳам Бухоро шаҳрида топилади.

Бу суҳбатни бир неча йил қоғозга туширишга журъат этолмадик. Мустақиллик шарофати билан 1995 йилда Бухоро нашриёти томонидан муаллиф Нусратилло Наимовнинг манғитлар сулоласининг сўнги ҳукмдори Саид Олимхон ва унинг большевиклар томонидан гаровга олинган уч фарзандининг аянчли тақдирлари тўғрисидаги тарихий қиссаси босилиб чиқди. Унда ёзилишича, амирнинг тўнғич ўғли Султонмурод ёшлигида бир оёғи синиб, росмана битмаганлиги туфайли оқсоқланиб юрган.

У Москвадаги ногиронлар фабрикасида ишлаб, 30-йилларда инглиз тилини ўрганишга ҳаракат қилган. Уни 40-йилда Совет давлати душманининг ўғли сифатида қамашади. У ўзига ноҳақ айблар қўйилганлиги учун қамоқхонада очлик эълон қилиб, кўп ўтмай вафот этади. Унинг совун заводида ишлайдиган рафиқаси эса бу жудоликни кўтара олмай, иш жойида совун қайнаётган катта қозонга ўзини ташлаб ҳалок бўлади.

Саид Олимхоннинг ўрганча ўғли отаси ҳузурига боришга кўп ҳаракат қилади. У собиқ СССР Марказий Ижроия қўмитаси ва СССР халқ комиссарлари кенгашига ариза ёзиб, чет элга кетишга рухсат беришларини илтимос қилади. Унинг бу аризаси Москвадаги Ўзбекистон ваколатхонасига юборилади. Ваколатхона бошлиғи Раҳимни ҳузурига чақириб, у билан суҳбатлашади. Шунда Раҳим собиқ Бухоро амири бўлган отаси олдига кетишга қатъий аҳд қилганлигини айтади. Ваколатхона бошлиғи унинг бу илтимосини қондириб бўлмаслигини маълум қилади. Унинг шундан кейинги тақдири ҳақида икки хил маълумот бор. Расмий маълумотларда, Раҳим чет элдаги аксилинқилобий кучлар билан алоқа боғлаганликда айбланиб, 1937 йилда қамалиб, отиб ташланганлиги ёзилади. Амирнинг ўғилларини билган кишиларнинг берган маълумотларига кўра эса ўша пайтда Афғонистон элчиси қонуний йўл билан бирор-бир натижага эришиш қийин эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилгач, Раҳимнинг визасиз Афғонистонга кетиш ташаббусини қўллаб-қувватлаган. Лекин бу иш муваффақиятсиз тугаб, Раҳим чегарада қўлга тушган ва отиб ташланган. Амирнинг кенжа ўғли Шоҳмурод Олимовнинг тақдири эса бошқача бўлади. Унинг 1929 йил 16 июнь куни «Известия» рўзномасида отасига очик хати эълон қилинади. Ушбу газетада «Бухоро амирининг ўғли ўз отасига шундай дейди» сарлавҳали мақола босилиб чиқади. Мақола мазмунига кўра Шоҳмурод отасининг амирлик давридаги ҳукмронлигини қоралаб, совет ҳукуматини оқлаб ёзиб, ўз отасидан воз кечганини ҳақида фикр билдиради. Бу мақолани «Озод Бухоро» рўзномаси ҳам кўчириб босади.

Шоҳмуроднинг бу мактубни имзолаганининг сабаби, унинг ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, отасидай генерал бўлиш орзуси эди. Дўстлари унинг орзуси ҳақида эшитгач, уни бу соҳага ўқишга олмасликларини айтишади. Чунки у ҳокимиятнинг ашаддий душмани — Бухоро амирининг ўғли эди. Бу орзусига эришишнинг бирдан бир йўли отасига қарши чиқиш эди, шундагина уни ҳарбий ўқув юртига олишлари ва хавф-хатардан халос бўлиши мумкинлигини тушунтиришади.

Шундай ҳам бўлди, унинг отасига қарши ёзган хати рўзномада эълон қилингандан сўнг у Куйбишев номидаги ҳарбий-инженерлик академиясига ўқишга кириб, Совет армиясининг генерали даражасига етади. II Жаҳон уруши бошланганда Шоҳмурод Олимов биринчилар қаторида фронтга жўнаб кетади. Ўз соҳасини яхши билган мутахассис сифатида Совет Армияси бош штабидагиларнинг назарига тушади. 1944 йилда Қрим ярим оролини душмандан тозалашда Шоҳмурод Олимов оғир яраланади ва унинг бир оёғини кесиб ташлашга тўғри келади. Унга академияга қайтиб, ўқитувчилик касбини давом эттиришга рухсат беришади. Ҳассага таяниб, ёғоч оёғини дўқиллатиб аудиторияга кириб келадиган истараси иссиқ бу кишининг миллати, насл-насабидан академиядаги санокли кишиларгина хабардор эдилар. 1985 йилда, 75 ёшида Москвада вафот этган генерал Шоҳмурод Олимов умрининг охиригача ўзини кўринмас занжирлар билан кишанланган бандидек ҳис қилиб яшади. У илдизига болта урилган, ўтмиши бўлмаган инсон эди. Китоб муаллифи Нусратилло Наимов бу ҳақда шундай ёзади: «80-йилларнинг ўрталарида биз қайта қуриш ва ошкоралик бошланганидан фойдаланиб Москвага қилган сафаримиз пайтида Куйбишев номидаги ҳарбий-инженерлик академияси раҳбариятига мурожаат этиб, Шоҳмурод Олимовнинг пойтахтдаги манзилгоҳини аниқлашда ёрдам беришларини сўрадик. Бизни қабул қилган мўйсафид генерал Шоҳмурод Олимовнинг ким эканлигини узоқ суриштирди. Кейин кўнғироқ қилиб, бундай одам академияда ҳеч қачон ишламаганлигини айтди. У СССР мудофаа вазирлигининг кадрлар бошқармасига мурожаат этишимизни тавсия қилди. Биз вазирлик бошқармасига расмий мурожаат этиб, бундай исм-фамилияли шахс қуролли кучлар таркибида ҳеч қачон хизмат қилмагани тўғрисида маълумот олдик».

Бундан келиб чиқадики, Шоҳмурод Олимов вафотидан илгари кимдир унинг изига тушмаслиги учун ҳақиқатан исм-фамилиясини ўзгартирган экан-да! Ахир уни таниган, кўриб юрган кишилар паспортига қараб суҳбатлашмайди-ку!

Шундай қилиб, амирнинг зурриёди бўлган совет генерал лейтенанти тарих уммонида изсиз гарқ бўлди. Унинг кейинги йилларда Москвада истиқомат қилган рафиқаси Лидия Михайловна ва яккаю ягона қизининг тақдири ҳақида ҳозиргача ҳеч нарса маълум эмас.

Энди ўша мудҳиш йиллардаги амир Саид Олимхоннинг ҳаётига қайтсак. 1920 йилнинг 2 сентябрида Бухородаги шаҳар қалъаси қизил аскарлар томонидан ишғол қилинганда, у ердаги амалдорлар билан бир қаторда амирнинг оила аъзолари ҳам қўлга олинган эдилар. Амир

оиласи Нодир девонбеги хонақосида алоҳида, ташқарига чиқарилмай қаттиқ қўриқлаш орқали бир неча йил ҳибсда сақланди. Кейинчалик Бухоро Халқ Республикаси Нозирлар кенгашининг раиси Файзулла Хўжаев таклифи билан ҳукумат уларни озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Истаганлар Афғонистонга, амирнинг ҳузурига кетишларига рухсат берилди. Амирнинг ўғилларини эса Москвадаги Бухоро маорифи уйига ўқишга юборишга келишилади. Амирнинг оналари Тўраойим, Шамсияойим, Тўтиойим, қизлари Хосиятой, Саодатой, хотинлари Муҳаррамойим, Муборакойим, Хурсандойим, амакилари ва бошқа яқин қариндошларини (жами 51 киши) ўз ихтиёрлари ва амирнинг талабига биноан Афғонистонга жўнатадилар. Амир оила аъзолари ва қариндошларидан 64 кишига эса Бухорода дахлсиз яшашлари учун шароит яратилди.

Кейинчалик амирнинг 1923 йилда Афғонистонга кетишни истамай Бухорода қолган 64 нафар оила аъзолари ва қариндош-уруғларининг кейинги тақдири ҳам аянчли тугайди.

Бунга ҳозир республика Миллий хавфсизлик хизмати архивида бир нусхаси сақланаётган, Давлат хавфсизлиги халқ комиссариати Бухоро вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи, ички ишлар катта лейтинанти А.Филимонов имзо чеккан мактубда аниқ-равшан жавоб берилган. Юқори идораларнинг сўровига биноан 1940 йил июнь ойида ёзилган бу мактубда собиқ амирнинг Бухорода қолган оила аъзолари ва қариндош-уруғларининг ҳаммаси 1937—1938 йиллардаги қатағонда қамаб йўқ қилинганлиги ёзилган.

Биз Бухоро тарихига бежиз тўхталмадик, ўша биз кўрган амир аркининг 1985 йилдаги ҳолатига Малик ота бекорга хўрсинмаганлигига амин бўлдик. Ўзим ҳатто иккинчи маротаба 1990 йилда Бухородаги Саид Олимхон аркидаги музей тарихи ва ўша даврдаги ҳолатини нотўғри тушунтирган ходимнинг маърузасига ҳозир ҳам ўйлаб ҳайрон қоламан. Ўшанда Бухоро амирининг ўғли Москвага олиб кетилганлиги, у бир неча маротаба ота юртига ташриф буюрганлиги ҳақида маъруза қилгани аниқ эсимда. Бухоро амирининг қариндош-уруғлари қатл этилмаганлиги, улар ҳамма қатори яшаганлигини мамнуният билан сўзлагани ҳамон эсимда.

Мана шу ерда миллий-маданий меросимиз бўлган бел олиш кураш бўйича Ўзбекистонимизда 1924 йилдан сўнг воҳа вилоятларида расмий мусобақалар ўтказиш тақиқланганлиги туфайли йўқ бўлиб кетганлигини ҳанузгача одамларимиз билмаслигидан эзилиб кетасан, киши.

* * *

1987 йил. Мен меҳнат сменасидан чиққач, дам олиш кунлари бўлганлиги сабабли, икки кунга ўзим туғилиб ўсган Бағдод туманига бориб келишга аҳд қилдим. 1-рейс билан Қўқонга учдим. Ошна-оғайниларимни кўрдим, шунда дўстларимдан Акрамжон Фарғона шаҳрига, Шерали Жўраевнинг концертига таклиф қилди. Бу таклиф менга жуда маъқул тушди. Акрамжон, акам Маъмуржон ва бир қанча дўстларим билан бирга иккита машинада Фарғона шаҳрига бордик.

Концерт «Тарих куйлайди: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шерали Жўраев куйлайди» деб номланган эди. Концерт соат 19.00 да бошланди.

Ёз ойлари, стадион кўм-кўк, одам лиқ тўла. Стадионнинг ташқарисиди билет етмай қолиб, кўчада қолган одамларни ушлаб туришнинг иложини тополмай, концерт бошлангандан сўнг стадион ён эшикларини очиб юборишди.

Шерали Жўраев оқ костюм-шим, оқ туфли кийиб, ўртага чиқди. Одамлар уни гулдурас қарсақлар билан кутиб олдилар. Концерт борган сари қизиб боряпти, одамлар ашула тугамасдан, ҳар томондан гуллар олиб чиқиб беришмоқда.

Концерт ярмига бориб қолганда, қизиқ бир воқеа бўлди. Бир одам қўлидаги гулни бериб, Шерали Жўраевни маҳкам қучоқлаб, 3—4 метрга кўтариб борди. Ҳофиз эса бир қўлда тор, бир қўлда микрофон ва гул билан қолди. Шунда Шерали Жўраев, торни олинглар қўлимдан, деди ва қўлидаги гулни ташлаб юборди. Шунда ҳофизнинг одамларидан бири келиб, торни ва микрофонни олди, ҳамма ҳайрон бўлиб қараб турибди.

Шерали Жўраев бир силтаниб, ўнг оёғини ўзини кўтариб кетаётган одамнинг оёқлари орасига киргизиб, ўнг қўли билан у кишининг қўлтиғидан қучоқлаб сиқиб, тўхтатиб қўйди. Одамлар орасида ҳайқириклар бошланиб кетди. Шунда ҳофиз ҳалиги кишини ўнг оёғи тиззасига миндириб, шундай кўтариб ташладики, стадиондаги одамлар ҳайратдан ёқа ушлаб, ўринларидан туриб кетишди. Ҳалиги киши шунақанги хунук йиқилдики, буни ўзи ҳам кутмаган эди.

Бу воқеа шунчалик тез содир бўлдики, кўпчилик уни англамай ҳам қолди, ҳаттоки узоқдан кузатиб турган ички ишлар ходимлари ҳалиги кишини ҳофизнинг яқин танишларидан деб ўйлаган экан.

У одам ерга йиқилгандан сўнггина дарҳол ички ишлар ходимларидан икки киши келиб, уни олиб чиқиб кетишди.

Бу воқеа мени жуда ҳайратга солди, росмана бел олиш кураш бўлди, лекин нима учун айнан ҳофиз билан. Ҳалиги одамни олиб чиқиб кетишаётганда, Шерали Жўраев кулиб: «Мен кураш амалларимдан бирини қўлладим, холос. Лекин мени ўзим буни хоҳламаган эдим, кўрдиларинг, мажбур бўлдим», деб қўшиб қўйди.

Нима бўлганда ҳам бу воқеа менга жуда таъсир қилди. Чунки тиззага миндириш амали жуда чиройли қилиб бажарилди. Бу воқеанинг тагига етиш учун бир неча бор Андижон, Асака, Тошкентга бордим, лекин Шерали Жўраев билан учрашиб, бафуржа гаплашиш қийин бўлди. Икки маротаба учратдим, лекин шошиб бир жойга кетаётган экан, гаплаша олмадим. Охири чарчадим, бормай қўйдим. Орадан бир неча йиллар ўтгандан сўнг, бир кун Шерали Жўраев яқин одамларидан Улуғбек Раҳимовнинг туғилган кунига келади. Гап ўша Фарғона стадионидаги бел олиш кураш воқеасига бориб тақалибди. Шунда Улуғбек: «Бир полвон сизни бир неча бор қидириб бориб, фурсатингиз бўлмаганлиги учун бошқа бормай қўйди», дебди. Шунда Шерали Жўраев: «Ўша полвонга менинг узримни етказинг, мени бундан хабарим йўқ, агар иложи бўлса, мени олдимга олиб келинг», дебди.

Бир куни Улуғбек мени ҳофизнинг олдига олиб борди. Борсак, тор билан машқ қилиб турган экан, суҳбатимиз кураш мавзусига бурилиб кетди. Маълум бўлишича, ўша Фарғонадаги концертда, ҳофизнинг қўлига гул бериб, сўнгра уни кўтариб, четга олиб боришни бир тош кўтарадиган полвон шериклари билан 2 мингга гаров ўйнаган экан. Суҳбат шунчалик қизиқ кетдики, Шерали Жўраев ўрнидан туриб, Улуғбекнинг белига белбоғ боғлаб, амалларни кўрсата кетди. Шерали Жўраевнинг катта акаси Зокир ака бел олиш кураш бўйича катта полвон бўлган экан, Ҳалимжон укаси ҳам бел олиш кураш билан шуғулланган экан. Мактабда ўқиб юрган пайтларида ҳаммани ютар экан. Шерали Жўраев шундай ҳикоя қилди:

«Бўйим новча, вазним енгил бўлган, бўйимнинг узунлиги менга қўл келган. Биринчи бор Тошкентга келганимда ҳам мақсадим жисмоний тарбия олийгоҳига ўқишга кириш бўлган. Шаҳарни айланиб юрсам, бир жойда конкурс ўтказилаётган экан, ана шу конкурсда овозимни ёқтириб қолишди. Шу сабаб секин-аста меҳнатларим туфайли ҳофиз даражасига етдим. Бу ҳақда мен тўғримдаги китобда баён қилинган».

Шерали Жўраевнинг таклифига биноан у киши билган кураш амалларини суратга олишга киришдик. Амалларни, айниқса 50-йилларда урф бўлган «белбоғдан ушлаш» ҳолатларини у киши тўғри кўрсатиб берди. Ҳозирги белбоғдан ушлаш Шерали Жўраевнинг болалик давридаги белбоғ ушлаш ҳолатларидан анчагина такомиллашган. Шерали Жўраев 50 ёшни ортида қолдириб, 60 ёшга яқинлашиб қолган бўлишига қарамай, ҳаракатларидан унинг «бел олиш кураш» сирларини пухта билганлигини сезиш мумкин эди.

Бироз курашиб, қизишиб кетган ҳофиз бир сакраб, оёғини қандилга теккизганини сураткаш суратга олишга улгурмай қолди. Шунда, илтимос қилганимиздан сўнг, яна қайтадан сакраганда суратга олдик. Шу баҳонада ҳофизнинг бир неча соатлаб чарчамай ашула айтишининг баъзи «сирлари»ни билиб олдик. У билан хайрлашар эканмиз, ҳофиз барча «бел олиш кураш» полвонларига куч-қувват тилаб, бу кураш ҳам жаҳон майдонларида ўз ўрнига эга бўлишини Оллоҳдан сўраб қолдилар.

* * *

Қорачай-Черкеслик дўстимиз Абуҳасан Богатирев халқаро семинарда бўлган бир учрашувимизда қуйидагиларни ҳикоя қилган эди:

«Қорачай шаҳрида бир паҳлавон бор, исми — Султон, унинг йиқитмаган одами қолмаган. 9 марта Кавказ республикалари ўртасида бел олиш кураш бўйича мутлоқ ғолиб бўлган.

Кавказда бел олиш курашига қизиқиш жуда катта, бошқа кураш билан шуғулланувчилар ҳам ўз ҳаётида бир маротаба бўлса ҳам бел олиш кураш амалида курашади. Султон Текеевнинг доврўғи шунчалик ёйилиб кетибдики, ўз исмига муносиб, ҳақиқатан ҳам кураш „султон“и бўлиб танилибди. Унинг бу шуҳратига ҳасад қилувчи қорачайликлардан бир неча киши, нима учун сен „Султон“ бўлишинг керак

экан, дея унинг ҳузурига келиб, у билан атайлаб курашибдилар. Лекин бирор маротаба ҳам елкасини ерга теккиза олмабдилар. Тортишув чуқурлашиб бораверибди, охири бир қанча қорачайликлар келишиб, «Кавказдан шунча Европа, жаҳон, олимпиада голиблари чиққан бўлса-ю, наҳотки бир одам Султонни йиқита олмаса», дея уни енгишга қаттиқ жазм қилишибди. Ҳайлаб-ҳайлаб, охири бир машҳур дунё чемпиони олдиға боришибди-да: «Сендан бир илтимос, шу Қорачайда «бел олиш кураш» бўйича бир паҳлавон бор, исми Султон, шуни ҳеч ким йиқита олмаяпти. Ҳзи бу кураш Қорачай-Черкесдан нариға ўтмаган бўлса. Сен ахир дунё чемпионсан, унинг додини фақат сен беришинг мумкин», деб, уни қўярда-қўймай кўндиришибди. Бир кунни белгилаб, ҳаммага овоза қилишибди.

Султон Текеев Ҳзига жуда ишонган полвон эмасми, келишилган жойға айтилган вақтда етиб келибди. Кураш ҳам бошланибди, дунёни лол қолдирган курашчи белига белбоғ боғлатиб қўйилгандан сўнг шунча уринса ҳам ҳеч нарса қила олмабди. Охири Султон Текеевнинг ҳаракатларидан хулоса қилиб, унинг кучлилигига ақли етиб, шундай деган экан: «Ўртоқ Қорачай-черкеслик биродарлар, мен сизларнинг таклифларингизға биноан бу ерга келдим. Мана, кўриб турибсизлар, бир ярим соатча кураш тушдик. Мен бошқа бир кураш тури бўйича дунё голибиман. Лекин ҳеч ким бир қанча курашлар султони бўла олмабди. Лекин ҳаракат қилса, бир кураш тури бўйича султон бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир курашнинг Ҳзига хос амаллари бўлади. Сизларнинг Султон Текеевларинг ҳақиқатан ҳам Қорачай-Черкесия бел олиш кураш султони экан».

Бу гаплардан тўғри хулоса чиқарган томошабинлар ҳар икки полвонни осмонға отиб олқишлашибди».

Гапини тугатар экан, Абуҳасан шундай деди:

— Бизнинг халқимиз бел олиш курашини қадрлаб, меҳр билан курашиб келади, улар учун бу кураш ҳар нарсадан улўғдир. Бир кун келиб биз, бир қанча мамлакат бел олиш курашчилари бир ёқадан бош чиқариб, бу курашнинг шуҳратини дунёға таратамиз, иншооллоҳ.

* * *

1988 йилда Туркменистонда ўтадиган халқаро турнирға таклиф қоғози келди. Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Ж.Нуршин бошчилигида Тўлқин Иброҳимов, мен ва бир қанча спортчилар Туркменистоннинг Красноводск шаҳриға — «бел олиш кураш» бўйича мусобақаға бордик. Мусобақаға Ўрта Осиё республикалари ва Россия жамоалари ташриф буюришган эди (2-расм).

Бу мусобақа Туркменистоннинг «гураш» қоидаси бўйича ўтказилди. Биз бу қоида бўйича биринчи маротаба курашишимиз эди. Уларнинг қоидаси бўйича рақибни дангал кўтариб, икки елкаси билан ерга урсак ҳам ютуқ ҳисобланмас экан, рақиб гавдасининг ҳамма жойини ерга икки маротаба теккизиш керак экан. Бизға энг ёқмаган томони, рақибни кўтариб кетаётганингизда, у оёқдан чалар экан. Биз илгари кўрмаган бир қанча амалларни ўша ерда кўрдик. Мен ва



2-расм. Узоқ йиллар давомида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида кўпларга устозлик қилган Жуматой Маҳмудович Нуршин навбатдаги машғулотда (2004 Р.О.З.К.).

бошқалар финалда ютқазиб қўйдик, сабаби — финалда туркменистонлик полвонлар билан беллашишимизга тўғри келди. Биз рақибни кўтариб ташлаётган пайтимизда, юқорида айтганимиздек, улар оёғимиздан чалиб йиқитишди.

Командамиз таркибида 62 кг вазнда курашган Тўлқин Иброҳимов 1-ўринни олди. Ана шу ерда Туркменистонга келган эронлик меҳмон билан танишиб қолдим. У билан мени Бебиш Керимов таништирди. Эронлик меҳмон бел

олиш курашини обдан кузатганлигини, бу кураш тури Эронда ҳам борлигини айтди. Унинг айтишича, бу кураш Эроннинг Гулистон, Мозондарон, Хуросон каби бир қанча вилоятларида тарқалган экан. Бу кураш тури билан асосан, тўйларда, сайилларда курашилар экан.

Мусобақани ўтқазиб Тошкентга қайтиб келгач, Тўхфат Одидовга мурожаат қилиб, бу кураш тури Эронда ҳам мавжуд эканлигини айтдим. Тўхфат Одидов эса: «Ҳозир республикамызда ўтқазилаётган бел олиш кураш (Фарғонача кураш) мусобақаларига ҳам қанча қаршиликлар бўляпти, бу масалани кўтариш у ёқда турсин, у ҳақда гапирсанг ҳам балога қоласан. Сизга бир гапни айтиб қўяй, ўша эронлик одам билан бел олиш кураш тўғрисида суҳбатлашганлигингизни ҳам бошқа ҳеч қаерда гапирманг. Йўқса, ҳаммамиз маломатга қоламиз», деди.

Бу гаплар ҳозир одамларга кулгили туюлар, балки улар ишонишмас, ҳазм қилолмас ҳам. Лекин ўша давр мафқураси билан яшаган раҳбарлар бу ҳолатни жуда яхши билади.

Новқатлик Деҳқон Душаевнинг сўзлари ўша давр тўғрисида аниқ таассурот беради. У шундай ҳикоя қилади:

— 1986 йил 2 май куни Новқатнинг Саҳоба боғида бўлган катта сайилда 30 йиллик умрини курашга бағишлаган, ўзи катта полвон бўлган Шокир ака Бадаловнинг 73 ёшда оламдан ўтганлиги эълон қилинди. Кураш бор-йўғи бир минутга тўхтатилди, холос. Шу қилган ишимиз учун Новқат туман партия кўмитасидан бир одам келиб: «Сен нима учун курашни тўхтатдинг, полвон бўлса давлат учун нима хизмат қилибди», деб мени қамаб қўйишига сал қолган. Кўп одамларнинг аралашуви, ўзимнинг тавба-газарруим туфайли мени қўйиб юборишган. Шу ўринда каминанинг мақсади нафақат курашга доир бир воқеани эслатиш, балки биз қандай даврда яшаганлигимизни айтиб ўтишдир. Ўша кезларда менинг Бағдод туманидаги қўшним Валижон ўз пешона тери ҳисобига йигган пулига «ГАЗ-24» «Волга»

автомашинасини сотиб олган. Машина эгасига 12 минг сўм бериб, одамларга 8 мингга сотиб олдим, деб гап тарқатган. Ҳали бу ҳаммаси эмас. У менинг акам Маҳмуджонга, ёлғон бўлса ҳам, одамларга мен 2 минг қарз берганман, деб гап тарқатинг, деган. Валижон ака яна бир дўстига, сен ҳам 2 минг қарз берганман, деб айтасан, деган. Машина олгандан кейин Валижонни ОБХСС чақириб, машинага шунча пулни қаердан олдингиз, деб сўроқ қилган. У эса, одамлардан қарз олдим, деб жавоб берган. Комиссия тузилиб, Валижонни ҳар томонлама текшириб, кейин сўроқ тўхтатилган.

Қаранг, Валижоннинг ўзи яхши дурадгор бўлса, ишдан бўш пайтида ўз ҳунари билан қўшимча пул йиққан бўлса!

Худога шукр, шундай замонлардан ҳам ўтиб олдик. Шу сабабдан ҳам бел олиш кураш турини ўша даврларда халқаро майдонга олиб чиқиш фақат бир орзу бўлиб қолган эди, холос.

VI БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИНING ХАЛҚАРО ҚОИДАЛАРИГА ЎТИШ ВА УНИНГ ТАРҒИБОТ ҚИЛИНИШИ

1988 йилда мен Қорақалпоғистон автоном республикасининг Қораўзак туманига иш юзасидан бордим. Шу ерда Нурали оға деган бир кекса киши билан учрашдим. Суҳбатимиз мавзуси бел олиш кураш ҳақида бўлди. Нурали оға қорақалпоқлар ҳам қадимдан бел олиш кураш билан шуғуллангани ҳақида кўрган ва эшитганларини сўзлаб берди. Шунда мен: «Кечирасиз, Нурали оға, қанақанги «бел олиш кураш» ҳақида гапиряпсиз?» деб сўрадим. У киши, бу кураш туркманлар курашига ўхшашлигини, чалиш амаллари ҳам қўлланилганини айтди. Суҳбатимиз сўнггида у менга бир жуфт чакмон ҳадя қилди. Чакмоннинг энги узун, тоза пахта матодан тикилган, тикилиши мураккаб эди. Шу чакмонни Тошкентга олиб келиб, Тухфат Одилов ва Жўракул акага кўрсатдим. Тухфат Одилов, пахтасиз чопонга ўхшайди, юпқа, деди. Жўракул акага чакмон маъқул бўлди. Лекин унинг тикилиши жуда мураккаб, қимматга тушиши мумкин, деди. Ана шу чакмон кейинчалик Фарғонача курашда кийиладиган қора ёки кўк қалин пахтали чопонни ўзгартириш ғояси туғилишига сабаб бўлди. Мазкур чакмонни 1993 йилда Давлат спорт қўмитаси йиғилишида Фарғона вилоят Бағдод туманида ташкил қилиниши кўзда тутилган «Фарғонача кураш музейи»га тақдим этдим. Чакмонни ҳаммининг олдида бағдодликларга топширдим. Кейинчалик Нурали оға дуо қилиб берган чопон халқаро қоидага ўтишга асос бўлди. Ҳозирги кунда ушбу чопон намунасида икки йирик Халқаро ташкилот томонидан ўн маротаба Жаҳон ва Европа чемпионатлари ҳамда бир қанча йирик Халқаро турнирлар ўтказишда фойдаланилди. Ҳозирги кунда чопон икки Халқаро ташкилотда Эмблема-логотип вазифасини ўтамоқда.

Фарғона вилоят бош мураббийи Бахтиёр Ҳайдаров ташаббуси билан музей ташкил қилиш ғояси ўша даврда туман раҳбарияти томонидан маъқулланган бўлса-да, лекин моддий томондан қўллаб-қувватланмаганлиги сабабли бу ишлар амалга ошмай қолди.

Фарғонача кураш (бел олиш кураш) бўйича 1977—1985 йилларда қатор халқаро турнирлар ташкил қилинди. Бу турнирларни ташкил қилишда Тухфат Одиловнинг хизматлари катта бўлди. Наманганда Қоратой полвон, Тошкент шаҳрида Аҳмад Топилбой ўғли, Асқар полвон Отабоев, Тошкент вилоятида Тўйчи полвон Раҳимбоев, Фарғонада Бузрук ота Усмонхўжаев, Андижонда Манноп Жалолов хотирасига бағишланган халқаро турнирлар ҳамда Касаба уюшмалар бўйича мутлақ биринчилик учун бир қанча тадбирлар ўтказилди.

Лекин, афсуски, Ўзбекистонда ўтадиган мусобақалар қоидалари бўйича секин-аста норозиликлар пайдо бўла бошлади. Масалан, наманганлик кекса полвон Баҳриддин Нажмидинов ўзининг курашган даври билан ўша 80-йиллардаги курашни таққослаб, қоидалардан норози эканлигини рўй-рост айтган эди. Ҳатто ўзимиз ҳам, курашчи бўлганлигимиз туфайли, амалдаги қоидалардан кўнглимиз тўлмас, ҳатто улар бизга кулгили туюларди. У киши эса жон куйдириб, норозилигини баён қилса ҳам, ҳеч ким эътибор бермас эди.

1972—1991 йиллардаги кураш қоидаси шундан иборат эди: фақат оёғи ердан узилган ҳолатга баҳо берилар эди, холос. Масалан, рақибни кўтараман деб унинг тагига тушиб қолиш мумкин эди. Кўп республикалардан келган вакилларнинг ҳаммаси бу қоидадан норози бўлиб кетарди. Улардан бири — 1981 йилда Туркменистондан келган Бебиш Керимов шундай ҳикоя қилади:

— Тошкентга келдик, бизни Тухфат Одилов жуда яхши кутиб олди. Ўзбекистонликларнинг меҳмондўстлиги ҳеч эсимдан чиқмайди. Кураш бошланганда жуда хуноб бўлиб кетдим, мен ўзим командани олиб келиб, ўзим ҳам курашганман. Курашда рақибимни энди сиқиб ушлаб оламан, десам, у ўзини орқага ташлаб юборади. Хуллас, 5 маротаба рақибим устидан босиб тушдим, лекин ҳакамлар унга бал кўрсатяпти, кейин мен ёнбош амал бажарсам, менга огоҳлантириш эълон қилишди. Ана шунда мен ўз норозилигимни баён қилганман, лекин ҳеч ким кулоқ солмаган.

Қирғизистонлик Иброҳим Узоқов (Тўппонча полвон) ҳикояси:

«Мен Бағдодга 2—3 маротаба ташриф буюрганман. Аниқ эсимда. Бузрук ота хотирасига бағишланган халқаро турнирлардан бирига командани олиб келганман. Шогирдларимга амалдаги қоидани бир неча бор тушунтирганман. Барибир шогирдларимдан бири, домла, нега мен 5 маротаба ютсам ҳам рақибимнинг қўлини кўтаришди, деди. Шунда мен, бу ерда босиб тушсанг ҳам барибир рақиб тагига тушганга очко беришади, дедим истехзо билан. У ҳам бўш келмади, ундай бўлса, мен ёнбошга ташладим-ку, деди, шунда мен, ана шунинг учун огоҳлантириш олдинг, десам, ёнимдагилар ҳам қўшилишиб кулиб юборишди.

Мусобақадан сўнг бағдодликлар билан суҳбатлашиб ўтириб, сизлар билан бизнинг курашимиз битта — рақиб тагига тушишни мағлубият ҳисоблайлик, ёнбош ташлашни ютуқ ҳисоблайлик, десам, бир одам бор экан, шу туман спорт кўмитаси раҳбарларидан бўлса керак: «Эй, нима деяпсиз, нима амал қилсангиз ҳам ўзингизда қилинг, ёнбош ташлаш курашми, бизда дангал гиламга ташлаш», дея жаҳл қилиб чиқиб кетди.

Камина у пайтларда Бел олиш кураш борасида қилмоқчи бўлган ҳамма ишларимни устозим Жўрақул ака билан маслаҳатлашиб қилар эдим. Ўша пайтда халқаро қоидаларга мос келадиган янги қоида тайёрланаётганлигини, уни ижобий натижа беришини Аҳролжон ака Рўзиевга ҳам тушунтириб берганман. У киши: «Бу жуда нозик масала, жуда эҳтиётлик билан иш қилиш керак», деган эди.

1990 йилга келиб Аҳролжон ака Рўзиев менга Фарғонача кураш (бел олиш кураш)ининг янги қоидаларини таснифлаб чиқишни, катталар ўртасида вазнларни 7 тага келтиришни таклиф қилди. Қоидани ҳар томонлама пухта ишлаб чиқишга ҳаракат қилиб, рақиб тагига тушишни мағлубият сифатида кўрсатдим.

Аҳрол ака бу қоидани кўриб, унга тузатиш киритди. Сўнг бу қоидалар бир неча бор тузатилгандан сўнг, уни яхши бир мутахассисга кўрсатиб, маслаҳатлашинг, деди.

Ўша пайтда бу қоидани ўтказиш ҳақиқатан жуда қийин эди, нима қилишни, кимга кўрсатишни билмай қолдим, охири, ўйлаб-ўйлаб,

ўша даврларда спорт соҳасида обрўли мутахассис ҳисобланган устозим Бахтиёр Ҳайдаровдан қоида лойиҳаси билан танишиб чиқишни илтимос қилиб, лойиҳани унга ташлаб келдим. Орадан уч ой ўтди, лекин лом-мим демади. Охири Бағдодга бориб, Бахтиёр Ҳайдаров билан учрашдим, у кишининг жавоби шундай бўлди: «Сен берган лойиҳани бир мусобақага борганимизда йўқотиб қўйдик, нима деб жавоб қилишни билмай хижолатдаман...». Бу гап, рост, менга огир ботди, ахир юқорида тилга олинган лойиҳа «Фарғонача кураш» истиқболлини ўйлаб қилинган эди-да. Бу воқеани мен устозим Жўракул Турсуновга баён қилдим, у киши ўйланиб туриб, хафа бўлманг, қайтадан ёзинг, мен ўзим ўтказиб бераман, деди.

Бундай хайрли ишларни, янгиликларни қўллаб-қувватлайдиган инсонлар оз бўлса ҳам, бор эди. Сирдарё вилоятининг Ховос туманида истиқомат қилувчи машҳур полвон ва мураббий Худойберди Эгамов шундай инсонлардан бири эди. Ўша кезларда «Ёш ленинчи» газетасида Х.Эгамовнинг «Фарғонача кураш»нинг амалдаги қоидаларига нисбатан танқидий мулоҳазалари баён этилган мақоласи эълон қилинди. Унда мавжуд қоиданинг заифлиги кўрсатилган бўлиб, қандай қилиб рақиб тагига тушган полвон яна курашишни даъво қилади, деган масала кўтарилган эди. Худойберди полвоннинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

— Бир мусобақага борганда меҳмонхонада ётсам, бир вақт эшик тақиллаб қолди. Эшикни очсам, баҳайбат жуссали Рустам Тожиев турибди. У шундай деди:

«Ёш ленинчи» газетасидаги танқидий мақолани ёзган Худойберди сенмисан?

— Ҳа, менман (3-расм).



3-расм. 0-128977. Бел олиш кураш бўйича VIII Ўзбекистон чемпионатининг мутлоқ ғолиби Рустам Тожиев (ўнгда) ҳамда совриндор Нурмуҳаммад Исоқов. Ўзбекистон давлат архиви.

— Бўл, чиқ, эшикда кутиб тураман.

Эшикни важоҳат билан тақиллатган, 130 кг вазнли Рустам акадан, гапнинг рост, чўчидим. «Энди нима қилдим, уриб, бўғизлаб кетса, кучим етмайди», деб ўйладим. Қўрқиб пастга тушсам, у кутиб турган экан.

— Қўлингни бер, полвон, зўр мақола ёзибсан. Юр, энди менинг ҳам фикрларимни тингла, — деб кафега таклиф қилди. У ерда узоқ суҳбатлашдик. У: «Худойберди, аҳмоқ бўлиб масхарабозларча қоидага амал қилиб курашиб юраверган эканмиз-да», деб ўкиниб ҳам қўйди, сўнг «Сен хижолат бўлма, эшитишимча, яқинда 1—2 ой ичида Давлат спорт кўмитасида катта йиғилиш бўлади, ана ўша ерда мен бу қоидани узил-кесил ҳал қиламан, шу тўғрида ўз фикримни айтаман». У шундай деб хайрлашди. Кейин ҳеч қанча вақт ҳам ўтмади. Рустам Тожиев автомобиль ҳалокати туфайли оламдан ўтибди, деб эшитдим. Ҳадемай марҳум Рустам полвон айтган йиғилиш ҳам бўлди. Ушбу йиғилишда менинг роса таъзимимни беришди. Эсимда бор, ўшанда самарқандлик Хушвақт Кафиев деган одам, «Фарғонача кураш» бўйича умрида бирор марта курашмаган бўлса-да, мени қўллаб-қувватлади. Лекин ўшанда қанчалик тўғри фикрлар айтмайлик, айрим корчалонларнинг кўнглини юмшата олмадик, деб Худойберди полвон ҳикоясини якунлади.

Хайрият, олдин ваъда қилинганидек, Жўрақул ака Турсунов 1991 йилда „Фарғонача кураш“ бўйича янги қоида лойиҳасини маъқуллашиб берди. Лекин ҳеч қанча вақт ўтмай, Давлат спорт кўмитасида йиғилиш ўтказилди. Ж.Нуршиннинг айтишича, ана шу йиғилишда қатнашганлар айрим масалаларда бу қоидага қарши чиқишибди. Шундай қилиб, янги қоида лойиҳаси ҳал бўлмади.

Тан олиш керак, 1991 йил, мустақилликка эришмасимиздан олдин Ўзбекистонда «Бухороча кураш»га эътибор кучайиб кетган эди. Унга бағишлаб бир қанча семинарлар ўтказилди. Матбуотда кўплаб мақолалар босиб чиқарилди. Давлат спорт кўмитаси биносида ўтказилган катта бир йиғилишга Жўрақул ака мени ҳам таклиф этди. «Йиғилишда «Бухороча кураш» бўйича фикрлар билдирилади, шунинг учун сиз фақат тинглаб ўтирасиз», деб шарт қўйди. Мен рози бўлдим. Ҳақиқатан ҳам йиғилишда «Бухороча кураш»нинг мавқеини кўтариш, унинг истиқболи ҳақида яхши фикрлар айтилди. «Фарғонача кураш» бўйича эса лом-мим дейилмади. Менинг эса ичим тўлиб, зўрға ўтирдим. Чунки сўзга чиқмасликка ваъда берган эдим-да.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Термизда ўтказилган ат-Термизий халқаро турнирида қатнашдик. Ўша кезларда «Фарғонача кураш»ни ҳам халқаро меъёр ва қоидаларга кўра ривожлантириш учун янги қоидага ўтиш зарурлиги тўғрисидаги ўйлар миямни банд этган эди. Мен яна ўша, 1991 йилда ёзилган қондани тикладим. Фақат уни маъқуллашиб ўтказиш муаммо эди. Шунда Жуматой Нуршин: «Буни сен ўзинг ўтказа олмайсан, шунинг учун мени ва Шавкат Мирзақулловни муаллифликка қўшасан», деди. Мен рози бўлдим. Кейин мен, Жуматой Нуршин ва Шавкат Мирзақулловлар қондани яна қайтадан кўриб чиқиб, 1993 йилда мазкур янги қондани федерация йиғилишида

тасдиқлатишга муваффақ бўлдик. Кейинчалик илмий ва назарий семинар ўтказилди. Бу семинарлардан бир лавҳа ва айрим маълумотлар 2001 йили босилиб чиққан «Белбоғли кураш» китобида (90-бет) эълон қилинган.

Мана шу даврларда ат-Термизий турнирига ўхшаш халқаро турнирлар ўтказиш ғояси туғилиб қолди. Шу фикр билан Жўракул акага учрашганимда, у: «Янги қоидага эътибор шундай бўлиб турган пайтда Тошкентда Аҳмад полвон хотира турнири ўтказилса яхши бўлар эди» деган таклифни билдирди. Сўнгра кутилмаганда:

— Эсингиздами, бир кекса қрим чолнинг олдига Аҳмад полвон тўғрисида маълумот олгани борган эдингиз. Ўша чол ҳаётмикин, ҳаёт бўлса, китобларини таржима қилдирар эдик. Шу баҳонада Аҳмад полвон тўғрисида яна қайтадан маълумот тўплаймиз, деб қолди. Мен рози бўлдим, ичимда: «Орадан шунча йил ўтди, тирикмикан, ўша пайтда Мустафо Ҳалил 88 ёшга кирган эди», деб ўйладим.

Яна ўша Бешёғоч даҳаси кўчаларига равона бўлдим. Кўп уйлар бузилган, лекин бахтимга, Мустафо Ҳалил яшаган уй ҳали бузилмаган, уй соҳиби ҳам ҳаёт экан. Мустафо Ҳалил анча кексайиб қолган, тўшақда ёнбошлаб ётарди. Бироз гаплашганимдан сўнг ўзимни танитдим. Мустафо Ҳалил таниди, қулоғи оғирлашиб қолганлиги сабабли қаттиқроқ гапиришимни илтимос қилди. У ёқ-бу ёқдан ҳангомалашиб ўтирганимиздан сўнг, менга 1985 йилда кўрсатган китоб ва суратларини эслатдим. У киши: «Ўша пайтда Сен келиб кетгандан сўнг чамаси бир ой ўтгандан кейин уч одам уйимга келиб, «Қрим уйғониш партияси аъзосимиз», деб суҳбат ўтказишди, суратларга олишди. Кетма-кет уч кун келиб, учинчи куни «китобларни биз ўзимиз кўчириб оламиз», деб олиб кетишди. Орадан тўрт йил ўтгач, 1989 йили қримликларнинг етакчиларига бориб, бўлган воқеаларни айтиб бердим. Улар биз ундай одамларни танитаймиз, дейишди.

Мустафо Ҳалил жуда ҳаяжонланиб, бу китобларда Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари, курашлари, жумладан, ўзбекларнинг тарихи, табobati ҳақидаги маълумотларни ўқиганлигини ва ўша пайтларда одамларнинг ўзлари тақдим этган қўлёзмалар бўлганлигини ҳамда ўз кўзи билан кўрганларини ёзганини эслаб, ғоят ачинди. У ўзи айтган нарсалар шу китобларда пухта ёзилганлигини таъкидладида, Ўрта Осиё республикалари, Кавказ, Россияга бориб, изланишлар ўтказишимни илтимос қилди. Унинг айтишича, ўтмишда Тошкент тўқ шаҳар бўлган, ариқлардаги сувлар тиниқ, тоза бўлганлиги сабабли одамлар оқар сувларни ичган. Жисмонан бақувват, айниқса, билаги кучли одамлар кўп бўлган. «Бел олиш кураш» Ўзбекистоннинг ҳамма жойида, шунингдек, кавказ, қрим, қалмиқ, бошқирд ва татар халқларида бир хил бўлганлигига амин бўлиш учун, Мустафо Ҳалил, шуларни ўз кўзим билан кўриб ёзишимни илтимос қилди.

Бу учрашувдан сўнг бир неча кун ўтгач, Жўракул аканинг ҳузурига бориб, бўлган воқеаларни сўзлаб бердим. Сўнг Жўракул акани ҳам Мустафо Ҳалил хонадонига олиб бордим, уни ўз кўзи билан кўриб, сўзларини эшитди. Мустафо Ҳалилнинг кексалиги ва аҳволини кўриб, кўп савол бермади. Фақат шундай деди: «Биз сизнинг

гапингизга ишонамиз, кўнглингизни тўқ қилинг, сиз айтган гап-ларингизни текшириб аниқлаймиз» деб хайрлашиб чиқиб кетдик.

Шундан сўнг Жўракул ака менга: «Энди, Носиржон, эртадан бошлаб Аҳмад полвоннинг авлодини бирга қидирамиз», деди. Шундан сўнг биз Тошкентнинг бир қанча маҳаллаларида 1,5 йилдан ортиқ қидирув, сўроқлаш ишлари олиб бордик, бир қанча кекса полвонлар билан суҳбатлар ўтказдик. Ниҳоят, калаванинг учи топилгандай бўлди. Аҳмад полвоннинг яшаган уйи ва авлодлари топилди (бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз).

Мустақилликнинг дастлабки йилларида «Бухороча кураш» борасида катта ўзгаришлар бўлди, чопонлар халқаро қоидаларга мослаб ўзгартирилди. Бир нечта илмий-амалий семинарлар уюштирилди. Ўша кезларда Сурхондарё, Бухорода кўрган курашларим менга ижобий таъсир қилганди. Фикр-хаёлим «Фарғонача кураш» бўйича ҳам катта халқаро турнир ўтказиш нияти билан банд бўлиб қолди. Охири миямга бир фикр келди — «Андижонда Бобур хотирасига бағишлаб турнир ўтказсак, чопонларимизни ҳам янгидан тиктирсак, қалай бўлар экан?!» Шу фикр билан бир неча марта Жўракул ака ҳузурига бордим. Ниҳоят бир куни у:

— Хўш, чопонни қандай тиктирамиз? — деб сўраган эди, мен ўзим қорақалпоқлар юртидан олиб келган чакмонни кўрсатдим. У киши: «Носиржон, бу жудаям яхши, лекин тикилиши нозик экан, қимматга тушади», деди. Шунда мен: «Бўлмаса, Термиздаги қора чопоннинг этагини узайтириб, шундай тиктирайлик», дедим. Бу фикр Жўракул акага маъқул тушди. Шунда мен фурсатдан фойдаланиб:

— Қоидани ҳам ўзгартирайлик, — дедим.

— Қандай қилиб ўзгартирамиз? — деб сўради Жўракул ака.

— Биз ҳам ҳуштакни олиб ташлаймиз, сўнгра ҳакамлар ҳам оқ кўйлак кийиб, қора галстук тақиб ўтирадиган бўлсин, — дедим.

— Ундай бўлса, қоидани тайёрланг, — деди Жўракул ака.

Уч ой ҳар хил вариантларни тайёрлаб, охири бир вариантни Жўракул акага кўрсатдим. У киши қоидани кўриб, Носиржон, бир маротаба рақиб тагига тушиш мағлубият ҳисобланади, деб ёзибсиз, бу бўлмайди, деди. Шунда мен: «Агар шундай қилинмаса, халқаро қоидага мос тушмайди-да», дедим. Жўракул ака ҳам бўш келмади: «Носиржон, қош кўяман деб кўз чиқариб кўймайлик, ҳозир бу амални эски ҳолича қолдираверайлик. Чопонни, ҳакамларнинг кийимини ўзгартириш кифоя. Яна, ҳуштакни олиб ташлаш керак, деяпсиз. Агар маъқул топиладиган бўлса, шуларнинг ўзи ҳам катта гап», деди. Кейин муддаога ўтиб: «Носиржон, буни қандай амалга оширасиз?», деди. Мен ўз талабларимни кўйдим: «6 ой олдин халқаро турнирга тайёргарликни бошлаймиз, матбуот, телевидениедаги тарғиботни Сурхондарёда бўлган турнир тайёргарлигига ўхшатиб олиб борамиз. Энг катта совринга машина беришни мўлжаллаш лозим, қатнашчилар 18 ёшдан 36 ёшгача ва қолганлари фахрийлар. Менга ишлашим учун зарур шароитлар яратиб берилса бас, ҳакамларни 1 ой олдин ўзим тайёрлайман», дедим. У киши рози бўлди.

Айтганимдек, 6 ой олдин иш бошладик. Матбуот, телевидение ва радиода тарғибот ишларини бошлаб юбордик.

«Спорт» газетасида 2 та катта мақола ва қоида лойиҳаси олдиндан босилиб чиқди. Мен ўзим бир қанча қўшни республикаларга бир неча бор бориб, тарғибот ишларини ўтказиб келдим.

Чимкент вилояти Спорт қўмитаси раиси, Сайрам қишлоқ ҳокимияти раҳбарлари, Исфара ҳокими ҳамда Ўш вилоят спорт қўмитаси раислари билан учрашиб, розилик хатларини олиб келдим.

1996 йил август ойида Андижон шаҳрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасига бағишлаб 1 халқаро турнир ўтказилди. Ана шу турнирга мен янги халқаро талабларга жавоб берадиган 12 та белбоғ тайёрлаб олиб келдим. Улардан 6 таси оқ, 6 таси қизил эди. Халқаро турнирда иштирок этган барча полвонлар ана шу белбоғларни боғлаб курашди. Белбоғларни курашчиларга ҳакамларнинг шахсан ўзи боғлаб турди. Бу турнирда, албатта, қоида бўйича катта тортишувлар бўлди. Андижон вилояти бош мураббийи Карим Ниёзов қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. У киши ўша даврнинг энг жонкуяр, фидойи одамларидан эди. Бу турнирда «Фарғонача кураш»нинг номини «Белбоғли кураш» деб номлашга уринишим зое кетди. Шунда Жўракул ака: «Носиржон, майли, битта ном ҳеч нарсани ўзгартирмайди, кейин ҳам ўзгартирса бўлади», деб тасалли берди. Карим Ниёзов бу турнирга бош ҳакам этиб тайинланган эди. У: «Ҳеч қанақанги «чала», «ёнбош»ларинг кетмайди, хуштак билан, ота-бувамиздан қолган чорси белбоғлар билан ўтказамиз», деди. Бу тортишувга Мамасоли Исмоилов ҳам аралашди, у шундай деди: «Бизнинг водийда «чала» бутунлай бошқа маънони англатади, унинг ўрнига «аниқ» деб номлаш керак». Мен рози бўлдим. Мамасоли Исмоиловнинг таклифига биноан халқаро турнирда «чала» ўрнига «аниқ» атамаси ишлатилди. Ана шу янгиликларнинг киритилишини маъқуллаган инсон ўша даврдаги вилоят спорт раҳбари Маъмуржон Икромов бўлди. Шундан сўнг мен Карим Ниёзов билан тил топишгандай бўлдим. У киши кулиб: «Носиржон, бош ҳакам бўлмиш каминага қийин қилиб қўйдингиз-ку», деди. Шунда мен: «Сиз ташвиш чекманг, ҳаммаси жойида бўлади, мен бунга узоқ йил тайёргарлик кўрганман», дедим. Кейин Карим ака билан бирга Ўш вилояти ва Жалолободнинг Қорадарё қишлоғигача бориб келдик. Мана шу турнирдан олдин Мамасоли Исмоилов билан бирга Андижоннинг ҳамма туманларида биринчилик мусобақалари ўтказдик.

Андижонда ўтган ана шу турнир «Фарғонача кураш»нинг ривожланишига катта туртки бўлди, десам асло янглишмаган бўламан. Мазкур турнир кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Ана шу турнирда Қирғизистон Республикаси Жогоргу Кенеш халқ вакили йиғини депутаты, Ўш вилоят „Корош“ федерацияси президенти Бойомон Эркинбоев мен билан суҳбатда шундай деди:

— Носиржон, шундай чиройли мусобақани ташкиллаштирганингиз учун раҳмат. Менга, айниқса, ҳакамлар кийими, курашчилар кийган чопонлар жуда ёқди. Мен анча маблағ сарфлаб бунақанги мусобақа ўтказа олмадим. Сиздан илтимос, Ўшга келсангиз, бизда ҳам шунақанги мусобақа ўтказиб берсангиз. Таклифларингиз яхши,

лекин биз ўзимизда шундай йўллар билан бу курашимизни халқаро майдонга олиб чиқишни йўлга қўйяпмиз.

— Ундай бўлса сизга битта таклиф бор. Қоидани ягона қилайлик, сизлар рақиб тагига тушишни йўқ қилинглар, бизлар эса оёқдан чалишни йўқ қилайлик. Ҳар битта мамлакатнинг бел олиш кураш амалларидан оз-оздан олиб, ягона қоида қилайлик. Сизда бу ишларга қобилият бор экан, фақат сиз буни бошқа мамлакатларга бориб амалга оширишингиз керак.

Шундай қилиб, Бойомон Эркинбоев билан келишиб олдик.

Мен эса турнир чоғида Жўрақул акага келаси йили, яъни 1997 йилда Фарғонада ўтказиш режалаштирилган Ҳазрат Али хотира турнирини халқаро қоида асосида ўтказиш таклифини айтдим. У киши: «Майли, мусобақадан сўнг келишиб оламиз», деди.

Мусобақа тугагандан кейин ҳеч қанча вақт ўтмай Жўрақул ака федерация президентлигидан четлаштирилди. Бу воқеа мени таажжубга солди. Бир қанча одамларга мурожаат этиб, бу воқеага ўз муносабатимни изҳор қилдим. Кейин Жўрақул аканинг ҳузурига бордим. «Жўрақул ака, биз сиз билан 1997 йилда халқаро қоида бўйича Фарғонада турнир ўтказишга келишиб олган эдик-ку, сизни нима айбингиз бор эди», дедим. У киши ҳам бу ҳолатдан гоят таажжубда эди.

Бу воқеадан сўнг Жўрақул ака мен билан учрашиб, шундай деди: «Носиржон, мана сизнинг меҳнатингизни ҳам қадрлашмади, қўйинг, энди сиз ҳам, мен ҳам бу ишга аралашмай қўя қолайлик». Шунда, очигини айтсам, менга жуда алам қилди. Шунча елиб-югуриб, давлатдан мутлақо маош олмай, аксинча, шу турнирни ўтказиш учун ёнимдан маблағ сарфлаб ҳаракат қилсам-у, ҳеч ким «раҳмат» демаса! Агар Жўрақул ака федерациядан четлаштирилмаганда, 1997 йилда Фарғонадаги Ҳазрат Али халқаро турнири халқаро ягона қоидага мос тарзда ўтар эди. Агар бу турнир ўтказиладиган бўлса, 1997 йилда «Белбоғли кураш» бўйича халқаро федерация тuzиш учун имконият яратилган бўлар эди.

Ана шу Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқаро турниридан сўнг қўлимда узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган хужжатларга таяниб китоб ёздим. Ушбу китоб орқали биринчи маротаба Ўзбекистонда «Белбоғли Туркистон кураши» деган атамага асос солинди. Ана шу китобим чиққандан сўнг бу курашни халқаро майдонга олиб чиқиш истаги пайдо бўлди.

Ўша даврларда менга жуда оғир бўлган. Кечалари билан қандай йўл тутиш керак, қайси йўлдан бориб мақсадга етиш мумкин, деб ўйлар эдим.

Ўйлаб-ўйлаб, юртбошимизнинг телевидение орқали тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги бир катта йиғилишда айтган гаплари ёдимга тушди. У киши шундай деган эди: «Агар сен бирор бир буюк мақсадни кўзлаб ўзга юртларга борсанг, ўша юртнинг доврўғини кўтар, сен ҳеч нарса ютқазмайсан. Чунки сен мақсадни кўзлаб боряпсан, шунинг учун борган жойингда отанг яхши, онанг яхши деб сўзлагин».

Ҳақиқатан, энг тўғри йўл шу эди. Фарғонача курашни халқаро майдонга олиб чиқиш учун бир қанча қўшни республикаларда семи-

нарлар уюштирдим. Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қорачай-Черкесия. Қалмиқистон, Бошқирдистон, Москва, Эрон, Хитой халқ республикасида бўлиб ўтган ҳар бир семинарда бир нарсани такрорлашни давом этдим:

«Ҳурматли қардошлар, бизнинг урф-одатимиз, тилимиз, динимиз, курашимиз битта, келинг ягона қоидага бирлашайлик, бу курашнинг номи бизда «Фарғонача кураш», келинглари бу курашни «Белбоғли кураш» деб номлайлик.

Сизларнинг аждодларингизда улуғ инсонлар ўтган, шунингдек паҳлавонларнинг ҳам довуғи улуғ бўлган».

Ана шундай даъватлар натижасида бир қанча давлатлар ягона қоидага бирлашдилар. Кейинчалик шу ягона қоида асосида Жаҳон ва Осиё чемпионати ўтказишга эришилди.

* * *

Бир куни уйимиздаги телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтаришим билан таниш овоз жаранглади:

— Ассалому алайкум, Носир, ўзингмисан? Мен Бурхон акангман, сендан бир илтимос, агар вақтинг бўлса, жума куни Самарқандга тўйга обориб келсанг. Сабаби — биз кўпчиликмиз. Сенинг «Дамас» машинангга олтита одам сиғади, — деди.

Мен рози бўлдим. Тайин этилган кун етиб келгач, биз 6 киши Самарқандга йўл олдик. Бурхон аканинг ўртоқлари ҳаммаси зиёли, ҳар хил соҳа вакиллари экан, гаплашиб зерикмайсан киши. Ўзларини ҳам хафа қилдириб қўймас эканлар, кўнгиллари тусаган жойда машинани тўхтатиб, зиёфат уюштирар эканлар. Мен уларнинг гапига қўшилмай, фақат ҳайдовчилик қилиб кетяпман. Улар ҳар замонда, нимага индамайсиз, деб қўйишади. Шунда Бурхон ака: «Эй дўстларим, сизлар Носиржонни билмайсизлар, агар унга «кураш»дан гапирсаларинг тонг отгунча гапириши мумкин». Шу гап сабаб бўлдим, Бурхон аканинг ўзи каминага яқин мавзудан сўз бошлаб қолди.

— Носир, биласанми, карате дастлаб Японияда пайдо бўлган дейишарди, ҳолбуки каратега ўхшаш спорт тури қадимдан Бухорода ҳам бўлган экан. Мен бир китобда ўқиганимга анча бўлди, шу китобда ёзилишича, Бухорода ўтмишда кучли муштлашувчилар ҳамда уларнинг карате спортидагидек унвон-мартабалари ҳам бўлган экан. Муштлашувларда доимо биринчи ўринни эгаллаб келган ана шундай мартабаси юқори бошлиқнинг мартабасига бошқа бир ёшроқ йигит даъвогар бўлиб чиқиб, калтак ейди. Бундан газабланган шериклари ҳалиги бошлиқни пичоқлаб қўйишади.

Шу воқеани эшитдим, юрагим тез-тез ура бошлади. Чунки бу воқеага ўхшаш воқеани менга 1985 йилда асли Қримда туғилган, 1931 йилда Тошкентга кўчиб келган қария Мустафо Ҳалил ўз кўзи билан 1932 йилларда Бухорода кўрганини гапириб берган эди.

— Бурхон ака, мана шу сиз айтган нарсаларни менга Мустафо Ҳалил деган бир кекса одам гапириб берганда, ишонмаган эдим. Сиз буни қайси китобдан ўқигансиз?

– Биласанми, Носир, кечагидай эсимда, бир одамнинг уйига борганимда, тасодифан ўқиб қолган эдим.

У шунча ҳаракат қилса-да, китобнинг номини эслай олмади. Охири шундай деди:

– Носир, биласанми, ҳар соҳанинг ўз эгаси, ўз билимдони бўлади. Бу менга оддий ҳолдай туюлган. Ўзинг яхши биласан, ҳамма соҳа каби спортга оид фактларни йиғиш учун сира шошилмасдан, эринмасдан кўпдан-кўп китобларни, босма ва қўлёзма асарларни варақлаб чиқишинг керак. Манбашуносларга мурожаат қилсанг, улар қайси асарларга мурожаат этиш тўғрисида яхши маслаҳатлар беришади. Сен шу йўсинда иш тутсанг, кураш тарихини, унинг амалларини ҳам чуқур ўрганиб оласан, деб ўйлайман.

Бу гапларни эшитдим, манбаларни қидиришни кўнглимнинг бир чеккасига тугиб қўйдим. Шунда миямга бир фикр келди: «Машинам бўлса бор, озми-кўпми маблағим ҳам бор. Ягона қоида яратсам-да, шуни тарғибот қилсам, шу баҳонада Мустафо Ҳалил сўзлаб берган ҳикояларни ҳам амалда ўргансам, қалай бўларкин? Кейин эшитган нарсаларимни манбалардан қидирсам», деб кўнглимдан ўтказдим. Охири, миямда бир қанча мамлакатларга бориб, ягона қоидани тарғибот қилишни режалаштирдим.

Ана шу эзгу ният билан тез орада «Фарғонача кураш»ни халқаро майдонга олиб чиқиш қоидасини ишлаб чиқдим. Шундан сўнг 1998 йилда Ўзбекистон давлат спорт қўмитаси раиси Б.Махситов хузурига кириб, «Фарғонача кураш»ни қандай қилиб халқаро майдонга олиб чиқиш мумкинлигини айтдим. У киши бу ишларни амалга ошириш учун барибир мутахассислар билан келишиб иш қилишим лозимлигини тушунтирди. Мен ўшанда янги қоида билан келишиш қийинлигини, айтдим. Баҳодир ака эса бу ишларни амалга оширишнинг ўзи мушуқлигини, шунинг учун ҳатто, душман бўлса ҳам келишиб иш қилиш кераклигини тушунтирди. Ана шу ишларни қандай амалга ошириш юзасидан устозим Аҳролжон Рўзиев билан маслаҳатлашдим. У киши бир қанча мамлакатларга бориб ягона қоидани тарғиб қилишни қандай амалга ошириш мумкинлигини тушунтирди.

Шундай қилиб, 1999 йилдан эътиборан қайтадан «Фарғонача кураш» юзасидан тадқиқот ва семинар ишларини бошладим.

Биринчи семинар Фарғона вилоятининг Бағдод туманида ўтказилди. Мазкур семинарда бир неча масалани ўртага қўйдик. Биринчи кўтарилган масала «Фарғонача кураш»ни расмий равишда «Белбоғли кураш»деб номлаш бўлди. Иккинчи масала – мавжуд амалиётларга бир қанча амалларни, жумладан, «ёнбош», «босиш» амалларини киритиш бўлди. Учинчи таклиф — ҳеч бўлмаганда икки маротаба ҳар қандай ҳолатда рақиб тагига тушишни мағлубият деб ҳисоблаш. Тўртинчи таклиф — курашни ҳуштак билан бошқаришни ўзгартириб, овоз ишоралари билан бошқаришга ўтиш муҳокама қилинди. Муҳокамада Андижон вилоятидан Мамасоли Исмоилов, Фарғона вилоятидан Бахтиёр Ҳайдаров ҳамда Наманган вилоятидан Неъматжон Тўйчиев бошчилигидаги мутахассислар қатнашдилар. Муҳокама қатта тортишувлар билан ўтди, лекин пировардида ҳамма халқаро қоидага ўтиш учун шундай йўл тутиш кераклигини тушуниб етди.

Семинар тафсилотлари протоколлаштирилиб, ҳатто Бағдод туман телевидениеси ходими Маъмуржон Қамбаров томонидан видеотасмага ёзиб олинди.

Иккинчи семинар ўша йилнинг февраль ойида Қирғизистоннинг Ўш вилоятида ўтказилди. Бу семинарда Қирғизистон Жўғорғи Кенгеши депутаты, вилоят Курош федерацияси президенти Б.Эркинбоев бошчилигидаги мутахассислар иштирок этдилар. Ана шу четда ўтган семинарда, ишни юртбошимиз айтганидай ўзга юртнинг довуғини кўтаришдан бошладим. Ушбу семинарда кўтарилган масалалардан биринчиси — мазкур курашни «Белбоғли кураш» деб номлаш бўлди. Иккинчи масала қилиб ягона қоида асосида ҳуштакдан воз кечиб, овоз ишоралари билан бошқариш, учинчи масала сифатида ягона халқаро «Белбоғли кураш» қоидасига ўтиш, яъни ҳамма мусобақаларда ягона кийимга — чопон ва белбоғга ўтиш, тўртинчи масала қилиб эса «Белбоғли кураш» амалиётига қўшимчалар киритиш муҳокама этилди.

Семинар муҳокамасига тавсия этилган халқаро қоидага нисбатан Қирғизистон мутахассислари ўз таклифларини олға сурдилар. Масалан, Ўзбекистон томони рақибни кўтариб тиззалатиш ҳамда кўтариб ўтирғизишга қараб баҳолашни таклиф этган бўлса, Қирғизистон кураши бўйича довуғ таратган мутахассислардан Бойомон Эркинбоев бу ҳақда ўз фикрини билдириб, шундай деди:

«Сизлар таклиф этган рақибни кўтариб тиззалатиш ёки ўтирғизишга қараб баҳолаш аслида яхши, биз ҳам буни қўллаймиз. Бироқ, Қирғизистон полвонлари рақибни кўтармай қайириб босиб қолиш, итариб босиб қолиш амалларига қараб баҳоланади. Шунинг учун бизнинг таклифимиз, рақибни ҳар қандай ҳолатда босиб қолишга қараб баҳолаш лозим. Шундагина биз розилик билдирамыз. Ундан ташқари, биз ягона қоидага қўшилар эканмыз, бошқа республика белбоғли кураш мутахассисларининг таклифларини ҳам инобатга олишимиз керак».

Семинар якунида яна Бойомон Эркинбоев шундай деди:

— Биз Носир Азизовнинг ягона қоида бўйича таклифларини қўллаб-қувватлаймиз. Тан олиш керак, Ўзбекистон президенти томонидан катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар Марказий Осиё давлатларига ибрат бўлиши керак. Лекин бир нарсани тан олишимиз керакки, қайси бир республикада бўлмасин, бу ишларни кимдир бир қанча жойларга бориб, бевосита ўзи иштирокида амалга ошириши керак. Мен бунга 1996 йилда Андижонда Заҳириддин Мухаммад Бобур хотира турнирини ўтказиш учун амалга оширилган ишлар мисолида тўла иқдор бўлган эдим. Ўшанда Носиржон Азизовнинг ана шу турнирни ўтказиш борасида қилган ишларидан қувониб, ўша даврдаёқ ҳақиқатан ҳам ягона қоидага бирлашишимиз кераклигини тушуниб, ҳатто Носиржоннинг ўзини Қирғизистонга ишга таклиф этганман. Лекин у киши рози бўлмаган эди».

Шундан сўнг қирғизистонлик мутахассислардан К.Қамчибеков, М.Паисов, Ўш вилоят спорт қўмитаси раиси муовини У.Меткеримовлар бу ягона қоидани қўллаб-қувватлаб, Қирғизистон телевидениесига интервью ҳам беришди.

Кейинги семинар Тожикистоннинг Исфара шаҳрида Тожикистон Миллий кураш федерацияси президенти Абдуҳаким Ҳалимов, шаҳар спорт кўмитаси раиси А.Абдуназаров, таниқли полвон ва мураббийлар Д.Воҳидов ва З.Тожибоевлар иштирокида ўтказилди. Семинарда «Фарғонача кураш»ни бундан кейин «Белбоғли кураш» номи билан аташ, ягона қоида, ягона чопон, белбоғ ва ҳакамлар кийими жорий этиш, ҳуштак ўрнига овоз ишоралари билан бошқариш ва бошқа масалалар юзасидан таклифлар кўриб чиқилди. Тожикистондаги семинардан қониқиш ҳосил қилган Д.Воҳидов ҳамда З.Тожибоевлар Исфара телевидениеси орқали Ўзбекистон халқига ва президентига ўз миннатдорчиликларини изҳор қилишди. Навбатдаги семинар Туркменистоннинг Ашхобод, Мари, Чоржўй вилоятларида бўлиб ўтди. Бу семинарларда Туркменистонда миллий кураш бўйича хизмат кўрсатган мураббийлар Бабиш Керимов, Жисмоний тарбия институти катта ўқитувчиси Овез Хондурдиев, педагогика фанлари номзоди О.Бекеевич, Туркменистон «Спорт» газетаси муҳбири Юрий Алексеев қатнашиб, ўз фикрларини билдиришди. Дастлаб таклиф этилган ягона қоидалар видеотаъсвир орқали намойиш этилди. Албатта, бу таклиф этилган «Белбоғли кураш» қоидасида ҳар қандай чалиб йиқитиш амали йўқ эди. Бабиш Керимов ва Овез Хондурдиев томонидан бир қанча амаллар кўрсатилди. Бу амаллар Тожикистоннинг собиқ Ленинобод вилоятида, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод ва Баткент вилоятларида ҳамда Ўзбекистондаги «Фағонача кураш»да қўлланилмасди, ҳаттоки бу ердаги полвонлар бундай амалларнинг борлигини билмас ҳам эдилар. Қаттиқ тортишувлар, баҳс-мунозаралар натижасида семинар яна давом эттирилди. Ана шу семинар жараёнида мен туркменистонлик мураббий ва мутахассисларни бир нарсага ишонтирдим:

— Келинглар, биз «Белбоғли кураш» бўйича ягона қоидага амал қилайлик, ана шу қоида асосида бирлашайлик, ҳозирча биз чалишдан воз кечайлик. Чунки шундай қилмасак, биз ягона қоида атрофида бирлаша олмаймиз. Биз, ҳар бир республика узоқ йиллар ўзимиз билган қоидани маъқуллаб келдик, холос. Шунинг учун бирлашиш мақсадида биз Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистоннинг қайсидир кураш амалини қабул қилишимиз, қайсидир амалдан воз кечишимиз керак. Бунинг тўғри тушунинглари. Сизлардан сўнг, мен яна Қорачай-Черкесия, Қалмиқистон, Бошқирдистон, Татаристонга, Москва шаҳрига, пировардида, Эрон ва Хитойга боришим керак. Сизлардан сўралаётган талаб битта, у ҳам бўлса, ягона қоидага ўтиш, бир ўзбек йигити келиб ўзининг қоидасини тарғибот қиляпти, деб ўйламанглари. Ҳозирча биз шу ягона қоидага бирлашиб, халқаро федерация тузишимиз керак. Энди мен вакил бўлиб келган Ўзбекистонга келсак, бу мамлакатда «Фарғонача кураш» қоидасида ҳам кўп ўзгаришлар қилинди. Ишончим комилки, агар ягона қоидага бирлашсак, кейинчалик, албатта, сизлар қўяётган талаблар ҳам секин-аста амалга ошади.

Шундан сўнг Бабиш Керимов ва Овез Хондурдиевлар томонидан «кўшала ёнбош», «кўтарма» амалларини киритиш таклифи билдирилиб, бу амалларни рақибни чалмасдан ҳам қўллаш мумкинлиги

кўрсатиб берилди. Ҳақиқатан, мен бу амалларни рақибни мутлақо чалмасдан ҳам бажариш мумкинлигига амин бўлдим. Шундан сўнг ана шу амалларнинг қўлланишини бир неча маротаба видеотасвирга олдим. Бу амалларни кўриб, «Бел олиш кураш» амаллари нақадар кўплигига, имкониятлари кенглигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Семинардан сўнг мутахассислардан Овез Хондурдиев, Бабиш Керимов ва Чоржўй вилоят спорт қўмитаси раиси Бобониёз Қиличевлар бу ягона халқаро қоидадан мамнун эканликларини, у кейинчалик «Белбоғли кураш» ривожига муҳим туртки бўлишини баён қилдилар. Бу семинар тафсилотлари Туркменистон телевидениеси томонидан намойиш этилди.

Кейинги семинарни Россияда ўтказиш мўлжалланган эди. Ушбу семинарга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркменистонда бўлиб ўтган семинарлар тафсилотлари тасвирга туширилган видеотасмалар — жами 50 видеокассета ҳамда 20 та янги нусхадаги чопон, 150 нусха «Белбоғли Туркистон кураши» китоби ва 30 та янги тайёрланган белбоғ билан Россия Федерациясига йўл олдим.

Ростини айтсам, Россия Федерациясига бориш учун олдиндан ҳар томонлама тайёргарлик кўрган эдим, ҳатто зарур миқдорда хорижий валюта ҳам тўпладим. Сафар арафасида ёнимда 10 минг АҚШ доллари мавжуд бўлиб, кўнглим тўқ эди. Чунки Россия Федерациясидаги Қорачай-Черкесия, Кабардин-Болқария, Қалмиқистон, Бошқирдистон, Татаристон ҳамда Москва шаҳарларига бориб, «Белбоғли кураш» бўйича семинарлар уюштиришнинг ўзи бўлмас эди. Қўлимда расмий ҳужжат тариқасида Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси томонидан тақдим этилган хат ҳамда семинар ўтказиш учун 2 та катта сумкада керакли анжомлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Қолаверса, мени Россияга ҳеч ким таклиф ҳам қилмаган эди. Менга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди, «Белбоғли кураш»ни ягона халқаро қоидага бирлаштириш кимнинг ҳаёлига келибди. Бу хусусда бир ўзбекнинг гапига ким ҳам қулоқ солар эди? Ана шу ҳаёллар мени қийнар эди!

Ниҳоят, худога таваккал қилдим-да, 1999 йил 21 апрель куни Минводага учдим. Ҳеч кимни билмайман, ҳеч кимга телефон қилиб, кутиб олишини тайинламаганман. Самолёт Минводага келиб қўнди. Қўлимда иккита катта сумка, амаллаб бир таксини гаплашдим. Ҳеч қанча вақт ўтмай, бир ДАН ходими машинани тўхтатди. Менинг паспортимни текшириб, кечирасиз, нимага бу ерга келдингиз, ўзингиз билан нима олиб келдингиз, деб ҳайдовчига юкхонани очишни буюрди. Ҳайдовчи юкхонани очиши билан: «Ў-ҳў, сумкада нима бор», деди. Мен эса спорт кийимлари бор, дедим. У ишонмади шекилли, сумкани тушириб, нега бунча оғир, дея шубҳаланиб, мени ДАН идорасига таклиф қилди. Сумкани титиб кўриб, ҳайрон бўлиб сўради: «Нима, ҳаммаси спорт кийимими? Ие, шунча видеокассеталар, китоблар, белбоғларни нима қиласиз? Нима, шуларнинг ҳаммасини Ўзбекистондан олиб келдингизми?»

Шунда мен: «Миллий курашлар бўйича семинар ўтказгани келдим», десам, багтар ҳайрон бўлди. «Сен қанақанги ўзбексан, бу ерлар-

да аҳвол ҳозир олдингидай эмас, Чеченистонда уруш кетяпти. Бу ерлар, айниқса, сен кетаётган ерлар Чеченистонга жуда яқин, наҳотки сен бир ўзинг келдинг, сени ҳеч ким кутиб олмадими, эҳтиёт бўлишинг керак», деб огоҳлантирди.

Шундан сўнг яна ўша таксига чиқиб, йўлга равона бўлдим. Озгина юрар-юрмасдан машина бузилиб қолди. Шунда «иномарка» машина келиб тўхтади-да, унинг ичидагилар мен тушган такси шофёрини чақирди. Улар бироз гаплашгандай бўлди-да, сўнгра «иномарка» жўнаб кетди. Кейин такси ҳайдовчисидан: «Бу одамлар ким?» деб сўрадим. У: «Булар шу ернинг «шоқоллари» — рекетлари, улар сен аэропорт биносидан чиққанингданоқ орқангдан тушишибди. Яхшиям менга йўлиқдинг. Мендан улар: «Бу катта савдогарни қаерга олиб кетяпсан?» — деб сўрашди. Мен эса: Бу бола спортчи экан, мана шу ердаги ички ишлар ходимларидан бирининг таниши. Уни Қорачайскка олиб бориб қўйишимни илтимос қилди», дедим. Улар ишонишди, чунки бизни ДАН ходимлари кузатиб қўйганини кўришган экан. Агар машина бузилиб қолмаганда, ўзим ташлаб келардим, деди-да, бир машинани тўхтатиб: «Биродар, буни автовокзалга ташлаб қўй», деди. Кейин менга юзланиб: «Сен ўша ерда ўтириб тур, мен ҳозир машинамни тузатаман-да, ўзим бориб, таниш оғайниларимнинг машинасига чиқариб юбораман», деди. Мен рози бўлдим.

Мен Минвода аэропорти яқинидаги автовокзалда турибман. Бир оз вақт ўтгандан кейин мендан ёшроқ бир йигит келиб, қаерга борасан, қаердан келдинг, бу ерликка ўхшамайсан, деди. Мен: «Ўзбекистондан келдим, ўзбекман, Қорачай-Черкесияга боришим керак, курашчиман. Ҳалиги Қорачайларда «Тутуш» бор-ку, ўша кураш бўйича семинар ўтказгани келдим», дедим. Шунда ҳалиги йигит: «Ундай бўлса, танишиб қўяйлик, мен асли Қорачайскданман, мен ҳам курашчиман, лекин курашни эрта ташлаб юборганман. Ҳозир Қорачайскдаги энг зўр курашчи менинг акам бўлади — Руслан Буюнсузов, эшитганмисан?» деди. «Ундай бўлса, мен сени таниш таксичиларнинг машинасига ўтқазиб юбораман. Менинг касбим ҳам аслида таксичилик, ҳозир бир кишини кутиб турган эдим, бўлмаса ўзим элтиб қўйган бўлар эдим. Энди ўзинг эшитган бўлсанг керак, ҳозир бу ерларда рекетчилар, ҳар хил одамлар кўпайиб кетган, танимаган, билмаган машинага ўтириб бўлмайди». Шундай дея ўзига яхши таниш бўлган бир таксичини чақириб: «Бу киши меҳмон, акамнинг олдига келибди. Тасодифан танишиб қолдим, бу одам ҳам акамга ўхшаб «Белбоғли кураш» бўйича полвон экан. Сендан илтимос, бу кишини Қорачайскдаги меҳмонхонага олиб бориб қўйгин», деди. Менга юзланиб: «Сен албатта акам билан учрашгин. Бугун у ерда катта кураш бўлади, ютуққа машина қўйишган. Акам ҳам қатнашадиган эди», деб хайрлашди.

Ниҳоят, ярим тунда Қорачайскка етиб келдим. Эртаси куни дастлаб шаҳар спорт кўмитаси раҳбарлари билан, сўнгра Қорачай-Черкесия республикаси «тутуш» (бел олиш кураш) федерацияси раҳбарлари билан учрашдим.

Ўзбекистон давлат спорт кўмитаси томонидан семинарга таклиф этиб битилган хатни топширдим. Улар бу таклифни мамнуният билан

қарши олдилар. Мен Қорачай-Черкесиядаги «Тутуш» кураши бўйича кекса полвонлар билан учрашдим. Улар тутуш курашида ҳам қадимдан миллий чопон кийиб, белбоғдан ушлаб курашилганлигини таъкидлашди. Мен етиб келган кун Қорачай-Черкесияда «Тутуш» (бел олиш кураш) бўйича халқаро турнир тугаган экан. Бу турнирда мутлоқ голиблик бўйича Руслан Боюнсузов галабага эришиб, «Жигули» автомобили билан тақдирланибди.

Семинар Қорачай-Черкесия педагогика университети спорт залида бўлиб ўтди. Етук мутахассислар ва бир қанча полвонлар қатнашган ушбу семинарда ягона халқаро қоидага бирлашиш, ягона чопон, белбоғ ҳамда ҳакамлар кийимига ўтиш масалалари хусусида сўз борди. Семинарда эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони Осмон Журжибоев, Азрет Жонкетов, армреслинг бўйича 3 карра жаҳон чемпиони Руслан Сариев, «Тутуш» кураши бўйича кўп марта республика ва халқаро турнирлар голиби бўлган Султон Текеев, Руслан Боюнсузов, Россияда хизмат кўрсатган мураббий ҳамда Қорачай шаҳар спорт кўмитаси раиси Абуҳасан Богатирев ва бир қанча таниқли полвонлар қатнашдилар. Семинар катта тортишувлар билан ўтди. «Белбоғли кураш» амаллари бирин-кетин кўрсатилди. Семинарда ягона қоидага бирлашиш учун оёқдан чалиш амалларидан воз кечиш, курашаётганда белбоғдан бир қўлни қўйиб юбормаслик масаласи қўйилди. Тутуш кураши бўйича таниқли мутахассислар Осман Журжибоев ва Азрет Жонкетовлар бу ҳақда шундай деди:

«Бизларга тушунтириб берсангиз, белбоғдан бир қўлни қўйиб юбормасликни тушунса бўлади, чунки халқаро қоида ҳаммага баробар, лекин чалиш амалларини киритмасликни қандай тушуниш мумкин?»

Шунда мен уларга бундай жавоб бердим:

— Сизлар тўғри тушунинглар, ҳеч ким курашдан чалиш амалларини олиб ташлашни таклиф қилаётгани йўқ. Фақат ҳозирча чалиш амалларини қўшмай, ягона қоидага бирлашиш мумкин, кейинчалик эса, секин-асталик билан бошқа амаллар ҳам қўшиб юборилади. Бу ерда семинар тугагандан сўнг мен бошқирдистонлик ва татаристонлик дўстларимиз ҳузурига бораман. Агар мени тўғри тушунсанглар, буни сизларга очиқ айтиб қўя қолай, улар ҳеч қачон чалиш амалини қўшишга рози бўлмайди. Уларнинг Москва шаҳрида ҳам «Куреш» бўйича ўз федерациялари бор. Ана ўшаларда оёқдан чалиш амалларига рухсат этилади, мен уларнинг курашини кўрганман. Энди сизларга бир нарсани айтиб қўяй, биз ягона қоидага ўтиш учун Ўрта Осиё Миллий курашлари ягона қоидасига бирлашдик. Кимдир нимадир қўшди, кимдир нимадир олиб ташлади. Россия федерациясига келсак, Москвадан Камчатка ярим оролига чўзилган бепоён ҳудудда уларнинг бел олиш курашлари бор, ҳаммасини бир қадар ўрганиб чиққанман, уларнинг қоидалари ҳар хил. Бизнинг таклиф этаётган қоидамиз чалишсиз кураш қоидасидир. Агар улар буни қабул қилишса, нур устига аъло нур, бордию қабул қилишмаса, ихтиёр ўзларида. Лекин такроран айтаман, биз Ўрта осиеликлар бир қоидага бирлашдик. Лекин ишончим комил, Россия Федерациясида ҳам, бир кун келиб ўзларидан

тушунган одам чиқиб, ягона қоидага бирлаштириш ташаббускори бўлади. Бизнинг мақсадимиз — бу курашни дунёга олиб чиқиш. Ишончим комил, биз биргалашиб ҳаракат қилиб, албатта ниятимизни амалга оширамиз ва мақсадимизга эришамиз.

Семинардан сўнг Қорачайск педагогика университети ректори ҳамда шаҳар спорт қўмитаси раиси Абуҳасан Богатирев, Султон Текеев, Руслан Сариев, Руслан Боюнсuzов, Осман Журжибоев, Азрет Жонкетов каби таниқли полвонлар ягона қоидани маъқуллаб, у «Белбоғли кураш»ни жаҳон майдонига олиб чиқиш учун ягона йўл эканлигини таъкидладилар. Жумладан, Абуҳасан Богатирев шундай фикрларни баён қилди: «Мен Носиржоннинг фикрларига қўшиламан. Ҳақиқатан, бугун Ўзбекистонда спорт соҳасида ҳам катта ислохотлар амалга оширилмоқда, биз ягона қоидага бирлашишимиз лозим. Биз ҳаммамиз узоқ йиллар ўз миллий курашимиз қоидаларига ўзгартиришлар киритмай, доимо ўзимизникини маъқуллаб, деярли ҳеч нарсага эришмадик. Агар ҳақиқатан ҳам бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, мақсадга эришамиз. Акс ҳолда яна бир жойда депсиниб қолаверамиз».

Шундай қилиб, ягона қоидага ўтиш таклифи бир овоздан маъқулланди. Семинарнинг иш жараёни тўлиғича видеотасвирга туширилди ҳамда, энг муҳими, Қорачай-Черкесия спорт қўмитаси ва миллий кураш федерацияси аъзоларининг ягона қоидани қўллаб-қувватлаганликлари тўғрисидаги хатини менга топширишди.

Кейинги семинарни ўтказиш учун Қалмиқистон пойтахти Элиста шаҳрига йўл олдим. Очигини айтганда, Қалмиқистон ҳам кўп жиҳатдан Ўзбекистонга ўхшайди. Ерлари қора тупроқли. Айтишларича, бу ерда ўзбек тадбиркорлари пахта етиштиришни йўлга қўяётган экан. Мен Қалмиқистон спорт қўмитасига хат билан мурожаат қилиб, уларнинг миллий кураш федерацияси аъзолари билан учрашишга рухсат сўрадим. Бу таклиф уларга маъқул тушди ва мен тез фурсатда миллий кураш федерацияси президенти Анатолий Жемчуев билан учрашдим. У киши узоқ йиллардан бери миллий федерацияни бошқариб, анчамунча ишлар қилганлигини сўзлаб берди. Айни чоғда ҳар йили Қалмиқистон миллий байрамларидагина миллий кураш бўйича мусобақалар ўтказилиши билан чекланилаётганлигини таъкидлаб ўтди. У миллий курашга етарлича аҳамият берилмаганлиги, бундан ташқари, мусобақалар кичик кўламда ўтказилиши сабабли миллий кураш асл ҳолидан анча узоқлашиб кетганлиги хусусида куюниб гапирди. Унинг айтишича, миллий кураш бўйича ўтказиладиган мусобақаларда фақат эркин курашчилар ёки юнон-рум кураши бўйича полвонлар қатнашар эканлар. Шунинг учун баъзи бир амаллар бошқа турдаги курашлар кириб келиши натижасида ўзгариб кетган экан.

Семинар Элиста шаҳар марказий кураш залларидан бирида ўтказилди. Биринчи галда улар ўзларининг «бел олиш кураш»ини кўрсатиб беришди. Шундан сўнг ягона «Белбоғли кураш» қоидаси кўрсатиб ўтилди, улар ўзларининг оёқ ёрдамида қайириш каби баъзи бир амалларини ҳам киритиш таклифи билан чиқишди. Семинарда Қалмиқистон миллий кураш федерацияси президенти Анатолий Жемчуев, Эр-

нест Авлаев, Ботир Имлиев, Вячеслав Габуншинлар қатнашиб, ўз миллий курашларининг халқаро майдонга чиқиши тарафдори эканликларини билдиришди. Улар ягона қондани бир овоздан маъқуллаб, матбуот ходимларига интервьюлар ҳам беришди. Семинар иши бошдан-оёқ видеотасвирга туширилди ҳамда улар ўз розилигини хат орқали билдиришди.

Шундан сўнг мен Бошқирдистон пойтахти Уфа шаҳрига равона бўлдим. Бошқирдистон спорт қўмитасида бўлиб ўтган семинарда уларнинг Миллий кураш федерацияси ягона қоида асосида бирлашишни маъқуллади. Шундан сўнг Бошқирдистон миллий кураш федерацияси президенти Алберт Багаутдинов билан учрашдим. У киши бел олиш кураши баҳонасида Ўрта Осиё давлатлари билан бизнесни йўлга қўйишни, шу соҳага ўзи раҳбарлик қилаётган бирлашма зарур кўмак кўрсатиши мумкинлигини таъкидлаб ўтди. Бундан ташқари, белбоғли курашнинг ягона қондасини жорий қилиш учун халқаро конференция ўтказиш таклифини ўртага ташлади. Шундан сўнг Бошқирдистон Республикаси бош мураббийи Фанис Кудусов билан барча мутахассис ва спортчиларни машғулот ўтадиган катта заллардан бирига йиғдик. Ягона қоида кўрсатиб ўтилди. Шу ягона қоида асосида мутахассислар билан биргаликда бажарилган амаллар уларда жуда катта таассурот қолдирди, ҳатто улар бу қоида бошқирдлар курашига мутлақо таъсир этмаслигини таъкидлаб ўтишди. Шундан сўнг залда бажарилган кураш амаллари телевидение ходимлари томонидан видеотасвирга туширилди.

Семинардан сўнг бошқирд дўстларимиз «Белбоғли кураш» бўйича ягона қондани қўллаб-қувватлаш хусусида хат орқали расмий жавоб беришди.

Ниҳоят, Қозон шаҳрига бордим. Қозон шаҳри Татаристоннинг пойтахти бўлиб, Россия бел олиш курашининг марказларидан ҳисобланади.

Шаҳарда қўлимдаги икки сумка билан ҳеч қанча ҳам юрмадим. Ички ишлар патрул машинаси келиб тўхтади. Мендан улар паспортимни кўрсатишни талаб қилишди. Паспортимни кўрсатишим билан, улар биз билан бўлимга борасиз, деб сумкаларимни машиналарга ортишди. Сўнг ўзимни ҳам машинага ўтиришимни таклиф қилишди. Машина қўзғалгандан сўнг улар мени «Қаердан келдингиз, нимага келдингиз, нима учун рўйхатдан ўтмадингиз» каби сўроқларга тутишди. Мен уларга Уфадан автобусда келдим. Ҳали ҳеч қаерда тўхтаганим йўқ. Татарларнинг миллий кураши бўйича семинар ўтказгани келдим, Тошкентданман, дедим.

— Ие, ҳали курашчиман денг.

— Йўқ мураббийман, Қозонга биринчи келишим.

— Тошкентдан бўлсангиз Салимбойни танийсизми?

— Қайси Салимни.

— Курашчи бўлсангиз нега танимайсиз? Салим Абдувалиевни айтяпмиз.

Мен дарҳол гап ким ҳақида кетаётганини фаҳмлаб, танийман дедим. Ичимда, яна улар сўроққа тутиб қолса, у одамни умримда кўрмаган бўлсам, нима дейман деб ўйланиб қолдим.

Шундан сўнг улар менинг қаерга боришимни сўрашди. Татаристон спорт кўмитасига боришим кераклигини айтдим. Шунда улар ҳозир мени ўзлари олиб бориб қўйишларини айтиб, бир иномарка машинани тўхтатиб, мени ўша машинага ўтқазди. Ўзлари эса машина олдига ўтиб, чироқларини ёқиб сигнал чалиб, йўл кўрсатиб кетишди. Машина ҳаш-паш дегунча Кремлга етиб келди. Спорт кўмитаси ўша ерда жойлашган экан. Улар мен билан бир оз гаплашиб, кейин хайрлашиб кетишди. Кейин билсам, уларнинг бу илтифотининг сабаби бор экан.

Ана шу ички ишлар ходимларидан бирининг дўсти ҳам курашчи бўлиб, Тошкентга келган экан. У бозорлардан бирида паспорт ва пулларини тушириб қўйибди. Нима қилишини билмабди, Тошкентда ҳеч кимни танимади. Шунда бир нотаниш одам уни Оқ уй маҳалласига олиб бориб уйда меҳмон қилибди. Бу воқеадан хабар топган Салим ака уни ҳузурига чорлаб шахсан ўзи икки кун меҳмон қилиб, учинчи куни Қозонга учуриб юборган экан. У Қозон шахрига келиб, ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ҳамда у кишининг ажойиб инсонлиги ҳақида бир қанча жойда гапириб берибди. Ҳақиқатан, катта тадбиркорнинг ҳамма соҳа қатори спорт соҳасига кўрсатаётган ёрдамичексиз, чунки унинг ўзи яхши курашчи бўлган. У ўз меҳнат фаолиятини қийинчиликлар билан бошлаб, бизнесда катта ютуқларга эришган, ўзбеклар у кишининг курашга кўрсатаётган саховати учун бой деган тахаллус берган. Бундай бойлар Ўзбекистонда жуда кўп, лекин уларнинг ҳеч қайсиси кураш оламида бундай унвонга эришмаган. Чунки ўзбеклар қўша-қўша қасрлар қурган, алламбало машиналарни минган, тўй қилса пачкалаб пулларни сочган, аммо юртга офат келса, парво қилмай фароғатда юрганларни бой демайдилар. Бой бўлиш Оллоҳнинг синови эканлигини ажодларидан эшитиб келганлар. Ҳақиқатда, Салим ака дунё кураш оламида ҳам катта обрўга эга. У киши ўз шогирдларини ҳам мурувватли бўлишга ундайди.

Ана шундай яхши кайфиятда мен Татаристон спорт кўмитаси раҳбариятига семинар ўтказиш тўғрисидаги хатни топширдим. Ўша пайтда Татаристон спорт кўмитаси раиси муовини Мансур Мифтахов бир вақтнинг ўзида татар ва бошқирд миллий кураш федерациясининг президенти экан. Мен у киши билан учрашдим. Сўхбатимиз жуда мароқли бўлди. У киши мен келтирган хатни ўқиб кўриб: «Биз сизни таклиф қилмаган эдик, шундай бўлса ҳам, келганингиз учун раҳмат, таклифларингизни ва видеокассетани қолдириб кетсангиз. Кейин сизга ўз фикрларимизни ёзиб юборамиз», деди. Мен эътироз билдириб: «Кечирасиз, хатда кўрсатилган таклиф нафақат ўзбекларга, балки татарлар, бошқирдларга ҳам тааллуқли», дедим. Мифтахов эса: «Сиз тўғри тушунинг, биз федерация аъзоларини бир жойга йиғишимиз учун уч-турт кун кетади, ундан ташқари, сизни шунча кун ушлаб туриш бизнинг дастурга киритилмаган. Қолаверса, бир неча кундан сўнг 1 май байрами бўлади. Семинарни байрамдан кейин ўтказишга тўғри келади».

Мен гап нима ҳақда кетаётганини дарҳол тушуниб етдим-да, «Кечирасиз, авваламбор, мен сизнинг юртингизга ягона қоидага

ўтиш таклифи билан келганман. Шунинг учун сиздан илтимос, федерация президенти бўлганлигингиз учун мутахассисларни йиғиб берсангиз. Менга эътибор берманг, ҳар қандай харажатлар бўлса, менинг ўзимга юклайверинг. Қанча кутиш керак бўлса, шунча кутаман. Хотиржам бўлаверинг, бўлгуси ҳамма харажатларни, яъни йўл, ётоқ, овқатланиш ва ҳоказолар учун сарф-харажатларни ўз ҳисобимдан режалаштирганман», дедим.

Шундай қилиб, Татаристон федерацияси аъзолари билан байрамдан кейин семинар ўтказишга келишиб олдик.

Шу куни Қозон шаҳридаги меҳмонхоналардан бирига жойлашдим ва семинарга тайёргарлик кўра бошладим. Семинарга тайёргарлик кўриш жараёнида мен татар полвони Марат Аҳмадиев билан учрашдим. Аҳмадиевлар оилавий миллий кураш билан шуғулланишар экан, улар Татаристонда ном қозонган полвонлар экан. Марат Аҳмадиев мени ўз уйига меҳмонга чақирди.

Биз ягона қоида бўйича узоқ гаплашдик. У мендан, курашда белбоғ боғланадими, деб сўради, мен эса, ҳа, деб жавоб бердим. Шунда Марат менга шундай деди: — Носиржон, шунча узоқ жойдан келибсан, сендан илтимос, белбоғ боғлаш ҳақида гапирма, сенга қулоқ ҳам солишмайди, сен биз, татарларни билмайсан, қадрият учун ётиб олишишдан ҳам тойишмайди.

— Марат, сен хижолат чекма, белбоғни боғлашади, чунки сизларнинг ота-боболаринг ҳам белбоғ боғлаб курашган, у сизларнинг ҳам қадриятингиз ҳисобланади. Семинарга келсак, менинг ишончим комил, уларга албатта маъқул бўлади.

Шундай қилиб, семинар ўтадиган кун ҳам етиб келди. Семинар Қозон шаҳридаги «Батир» спорт иншоотида ўтказилди. Семинарда татар ва бошқирд миллий кураш Федерацияси президенти Мансур Мифтахов, вице-президент Фаил Аҳмадиев, Марат Аҳмадиев, Гайнутдин Мухаммадиев ва бошқа кўплаб мутахассислар қатнашдилар. Семинар кун тартибига қўйилган биринчи масала — бундан буён бу курашни «Куряш» ёки «Фарғонача кураш» деб эмас, «Белбоғли кураш» деб номлаш бўлди. Иккинчи масала — ягона чопон, белбоғ ва ҳакамлар кийими хусусида эди. Татар мутахассисларини энг қизиқтирган масала — бу белбоғни боғлаш ёки боғламаслик бўлди. Улар ўзларининг белбоғ ўрнига боғланадиган сочиқларини кўрсатишди, ҳақиқатан ниҳоятда чиройли, лекин боғланса, олдидаги тугуни қўпол бўлиб қолар экан. Мен шунда уларга тушунтирдим:

«Биз Ўрта осиеликлар шу кунгача миллий чопон кийиб, чорси боғлаб курашиб келганмиз. Сизлар эса сочиқ боғламай курашиб келгансизлар. Аслида униси ҳам, буниси ҳам халқаро талабга жавоб бермайди», — дедим.

Шундан сўнг сумкамдан халқаро талабга жавоб берадиган белбоғни олиб кўрсатдим:

«Мана, кўринглар, сизларники ҳам эмас, бизларники ҳам эмас, мана шу белбоғни мен 1996 йилда жорий қилганман. Сизларга ҳам маъқул келиши мумкин». Сўнгра белбоғни боғлаб кўрсатиб бердим. Улар белбоғни мен кўрсатгандай қилиб, кўкракдан икки мушт қилиб боғлаб, ушлаб кўришди ва юзларида табассум пайдо бўлди. Мен хур-

санд бўлиб кетдим. Уларга маъкул келган бўлса-да, белбоғни боғлаш билан иш битмаслигини, уни қўллашни амалда кўрсатишни талаб қилишди. Шундан сўнг ҳаммамиз залга кирдик, икки татар полвонига чопон кийдириб, белбоғ боғлаб кураштира бошладик. Курашчилар бир-бирларини кўтариб ташлай бошладилар, шунда курашдан сўнг мутахассислар олдида мен курашганларга савол бердим: «Тўғриси айтишлар, курашганларингда бирон-бир қийинчилик сездингларми?» Улар эса: «Йўқ, ҳаммаси жойида», дейишди.

Шундай бўлса-да, баъзи бир мутахассислар эътироз билдиришди: «Сиз бизга белбоғнинг ички томонидан қўлни бураб ушлашни таклиф этяпсиз, бу хавфли», — дейишди.

Мен кулиб юбордим, улар бунинг сабабини сўрашди. Мен эса: «Эй, татаристонлик биродарлар, албатта куламан-да, ахир сизлар рақибнинг оёғини ердан узиб олгандан кейин баланд (амплитудада) ҳолатида орқага эгилиб ташлайсизлар. Сизларнинг бу амалларингни Ўрта осиеликлар кўриб кўрқиб кетади, усул чиқмаса, мост (кўприк ҳолатида) туриб қоласизлар. Бу татарларнинг бўйни синиб кетмайди-ми, деб хавотирланишади», дедим. Ҳамма кулиб юборди. Гапимни давом эттирдим: «Сизлар эса оддий белбоғни ушлаб олишдан чўчийсизлар. Фақат мен мутахассис сифатида бир нарсани айтишим мумкин, сизларнинг кураш амалларини ўрганиш бўйича мактабларингиз бошқа, бизники бошқа, шунинг учун сизларнинг амалларингни биз расман тан олдик. Чунки ягона қоидага ўтиш учун, сизларга бир нарсани айтиб қўяй, бизнинг Ўрта Осие бел олиш курашларида рақибни кўтариб мост ҳолатида туриш йўқ, биз бундай курашга ўрганмаганмиз. Сизлар эса оёқ билан кўтариб ташлашдек қадимий амалларингни унутгансизлар».

Мутахассислар семинардан қониққанликларини, бундан буён ягона қоида асосида курашиш тўғри йўл эканлигини айтиб ўтдилар. Семинарда баён қилинган фикрлар ҳамда амалий машғулотлар видеотасмага ёзиб олинди. Шундай қилиб, Татаристонда бўлиб ўтган семинарда Бел олиш кураши учун энг муҳим масала — белбоғдан қандай ушлаш масаласи узил-кесил ҳал бўлди. Татаристонлик мутахассислар томонидан ҳакам ишорасидан кейин белбоғни ҳар икки курашчи белнинг ён томонидан ушлаши таклиф этилди. Уларнинг таклифига кўра, оз вақт ичида агар курашчи қўлини белбоғнинг орқасидан ўтказиб ёки қўлни биқинига қўйиб ушласа, дарҳол огоҳлантириш берилади. Уларнинг мана шу кичкинагина таклифларининг аҳамияти шунчалик катта бўлдики, у бутун дунё миллатлари бел олиш курашида тортишувга сабаб бўлган белбоғдан ушлаш можаросини узил-кесил ҳал қилиш имконини берди.

Семинардан сўнг федерация президенти Мансур Мифтахов менга шундай деди:

«Сиз келган кунингиз семинарга бунчалик чуқур тайёргарлик кўргангизни билмаган эканман. Сиз биздан, шахсан мендан хафа бўлмаслигингизни илтимос қиламан».

Семинар якунида мутахассислар халқаро қоидаларни маъқуллаб, ўз фикрларини баён қилдилар. Татаристон спорт қўмитаси халқаро қоидани маъқуллаганлигини ёзма равишда тасдиқлади.

Шундан сўнг Россия пойтахти Москва шаҳрига йўл олдим. Афсуски, бу ерда семинар ўтказишнинг иложи бўлмади. Сабаби федерация аъзолари Россиянинг қайсидир бир жойига мусобақа тадбирини ўтказишга кетган экан. Мен шу федерация аъзоларидан Нодир деган йигит билан учрашдим. У Москва шаҳар татарлар миллий кураши амалиёти билан таништирди. Улар белбоғ боғламасдан, сочиқ тутиб курашар эканлар. Қоидалари туркманларникига ўхшар экан, булар ҳам чалиб курашар экан. Ўзим билан олиб келган китоб ва кассеталарни Нодирга топшириб, қоидаларни тушунтириб бердим. Мен билан хайрлашар экан, Нодир буларни албатта федерация аъзоларига етказишини айтди ҳамда шундай деди: «Носир, дўстим, сен қилмоқчи бўлган ишлар бир кун бўлмаса бир кун амалга ошади. Сенга маслаҳатим, бу ишларни амалга ошириш учун катта маблағ топишинг керак. Ана шундай маблағ сарфлайдиган одамнинг ўзи курашчи бўлиши керак. Шунақанги одам Москвада бор, ўзи Жаҳон чемпиони, Наил деган яхши курашчининг дўсти, унинг исми Риф Гайнанов. Агар сен шу кишига мақсадларингни тўғри етказа олсанг, ана шу одамгина буларни амалга ошира олиши мумкин».

— Раҳмат, Нодир, сен менга керакли инсонни айтдинг, мен албатта у одамни топаман.

Шундай қилиб, Россия Федерациясининг Қорачай-Черкесия, Қалмиқистон, Бошқирдистон, Татаристон ва Москва шаҳарларида ўтказилган семинар 1999 йил 21 апрелдан бошланиб, 14 майда ниҳоясига етди, 16 майда Тошкентга учиб келдим...

Сафардан қайтиб келишим билан қилинган ишлар бўйича Давлат спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситовга ҳисобот топширдим. У киши бир неча ходимларининг олдида камина тўғрисида шундай илиқ сўзлар айтди:

— Мана, Носиржоннинг фидойилиги туфайли, яна бир курашимизни халқаро майдонга олиб чиқиш учун таҳсинга сазовор ишлар қилинди. Шахсан ўзи бир қанча мамлакатларга бориб, семинарлар уюштириб келди, бу ҳақда матбуотда, телевидение ва радиода муносиб тарзда тарғибот қилинса арзийди, деб айрим ходимларига оғзаки топшириқ берди.

Мен бу илиқ сўзлардан жуда хурсанд бўлиб кетдим, бир неча кундан кейин шахсан ўзим Ўзбекистон телевидениесига видеокассетани олиб бордим. У ердагилар, аниқроғи, спорт бўлими бошлиғи: «Бундан Баҳодир Махситовнинг хабари борми?» деб сўради. Мен эса, албатта хабари бор, шахсан ўзларининг буйруқлари билан келдим, ишонмасангиз ўзларига қўнғироқ қилиб, билиб олишингиз мумкин», дедим.

Шундан сўнг видеокассетани биргаликда томоша қилдик. Спорт бўлими бошлиғи ва ходимлари мамнун бўлиб: «Жуда яхши иш қилинбди, уни албатта, бир неча каналда кўрсатамиз», дейишди. Ўз навбатида мен ҳам жуда хурсанд бўлдим. Шу кундан эътиборан кун санай бошладим, ҳадемай 29 кун ўтди, лекин видеокассетада тасвирланган бир неча давлатларнинг белбоғли кураши ва уларнинг бу курашнинг ягона қоидаларига хайрихоҳлиги телевидение орқали баъзи

бир сабабларга кўра кўрсатилмади. Агар бу лоқайдликнинг тагига етилса, Ўзбекистонда шунча катта ислохотлар амалга ошириладиган бир пайтда битта-иккита янги қоидаларни кўра олмайдиган кишилар томонидан унинг намойиш этилишига йўл қўйилмаганлигига таажжубланасан, киши.

Юқоридаги нохуш муносабат камлик қилгандай, баъзи бир кураш мутахассислари ягона қоидани кўпчилик бўлиб, бир неча кунлик семинарда кўриб чиқиш керак, деган фикрларни айтишди. Шу гаплардан сўнг каминанинг саъй-ҳаракатлари билан биз 30 дан ортиқ мутахассислар Тошкент вилояти Паркент туманига йиғилдик. Бир ҳафтalik семинарда қандай кийим билан курашиш, ҳакамлар кийими, белбоғни қандай ўлчамда боғлаш, қайси янги амаллар киритиш, хуллас, ҳамма-ҳамма масалалар кўриб чиқилиб, халқаро қоида бир овоздан тасдиқланди. Ана шу семинардан сўнг бир неча ой ўтгач, янги «Белбоғли кураш» қоидаси шахсан ХКА томонидан расмий тасдиқланди. Ана шу янги қоида бўйича катта халқаро турнир ўтказишга, аниқроғи уни 2001 йилда Қирғизистоннинг Ўш вилоятида амалга оширишга тўғри келди.

Бир куни Ўш вилояти «Курош» федерацияси президенти менга телефон қилиб, кураш бўйича катта тадбир ўтказилмоқчи, келиб кетсангиз, маслаҳатлашиб олсак, деди. Мен эса боролмаслигимни, ишларим кўплигини айтдим. У эса келмасангиз бўлмайди, менга ёрдамнингиз керак, бу тадбир сиз ўйлагандай ўтади, дегандан сўнг мен ноилож рози бўлдим. Келишилган куни Ўшга етиб бордим.

Бойомон Эркинбоев мени яхши кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин у ўз режаларини баён қила бошлади:

— Биласизми, Қирғизистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб кураш бўйича катта тадбир ўтказмоқчимиз, вилоят ҳокимлигига ваъда берганмиз, — деди. Шунда мен:

— Хўш, қандай тарзда ўтказамиз, — дедим. Бойомон эса: «Ҳар бир вазн бўйича ютуққа биттадан машина қўяман», — деди. Мен рози бўлмадим, сен бошқа одамларни чақиришинг керак экан, бошқа гапинг бўлмаса, менга жавоб бера қол, деб ўрнимдан турмоқчи эдим, у тўхтатиб қолди.

— Тўхта, мен сенга ёмон гапирмадим-ку, — деди Бойомон.

— Машина қўйишинг маъқул эмас, — дедим.

— Унда нима қўяй?

— Коса-товоқ қўясан, — дедим.

— Ҳазиллашяпсанми, — деб кулиб қўйди Бойомон.

— Машина қўйиб, ҳеч қачон курашнинг мавқеини кўтара олмайсан, — дедим.

— Ундай бўлса, қандай қилиб курашнинг мавқеини кўтариш мумкин, — деди Бойомон.

— Бўлмаса эшит, бундай қиласан, — дедим. — Мусобақани Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари мустақиллигининг 10 йиллиги шиори остида ўтказасан. — Ҳаракатни ҳозирдан бошлаймиз, мустақилликкача роппа-роса 3 ой бор. Курашчиларнинг кийимини янгидан тиктирасан; кураш ғолиблари учун жаҳон стандартига мос

медаллар тайёрлайсан, ҳакамларни 2 ой олдин меҳмонхонага жойлаштирасан, менинг ўзим 2 ой тайёрлайман, уларни 3 маҳал овқат билан таъминлайсан, ҳаммаси учун бир хил костюм-шим, оқ кўйлак, қора галстук тайёрлаш ҳамда ҳаммасини 2 ойлик маош билан таъминлаш лозим. Ундан ташқари, курашни халқаро қоида бўйича ўтказасан, кейин телевидение, радио ва матбуотда 1 ой олдин тарғибот (реклама) ишларини бошлайсан, таниқли артистларни олиб келасан. Яна стадионга сахна қўясан, афишаларни халқаро стандартга мослайсан. Овқатланиш ҳам жаҳон стандартига мос равишда бўлиши керак. Спортчилар ва мураббийларнинг ҳамма харажатларини ўз зиммангга оласан. Энди энг кераклиси, икки хил кураш, яъни «Кураш» ва «Белбоғли кураш» бўйича халқаро турнир ўтказамиз. Ҳар иккиси бўйича беллашувларни 12 вазн, жами 24 вазн бўйича ўтказамиз. Лекин энг кераклиси, халқаро қоидани тасдиқлатиб, унинг номини «Белбоғли кураш» деб номлайсан.

— Шошманг, мен ундай қилолмайман, бизда «Корош» дейди.

— Агар сизнинг айтганингизни қилсам, қирғизлар «корош», ўзбеклар «кураш», туркманлар «ғураш», татарлар «куреш» дегиси келади. Ҳамма иш пачава бўлади. Менда бошқача таклиф бор, ҳамма курашлар қоидасини қабул қилсак, ана шунда оёқдан чалиш амалини қўлласак бўлади. Биласизми, Носир ака, менга бир-икки одам шу таклифларни айтган эди. Мен ўйлаб кўришим керак. Ҳар бир миллатнинг ўз қадрияти бўлади, буни яхши биламан. Чунки мен Тошкентда беш йил ўқиганман.

Бойомон, агар ана шу таклифларимга рози бўлсанг, яна чопон, медал ва бошқа харажатлар учун маблағни ҳозироқ топиш масаласини ҳал қилсанг, мен уларни Ўзбекистондан тайёрлатиб олиб келаман, — дедим.

Суҳбатимиз сўнгида шуларни таъкидладим:

— Ҳаммадан муҳими, молиявий ҳисоб-китобни қаттиқ назорат қиласан, ҳаттоки мендан ҳам пухта ҳисоботни талаб қиласан, чунки ҳисобли дўст айрилмас, дейдилар. Қолаверса, қанча пишиқ-пухталик бўлса, бунинг курашга таъсири катта бўлади. Агар сен шу қоидаларга қаттиқ амал қилсанг, албатта, «Белбоғли кураш»ни халқаро майдонга олиб чиқишимиз мумкин.

Мусобақа режалаштирилгандай ўтди. Мусобақа доирасидаги беллашувларда Хитой, Литва, Россия, Арманистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон мамлакатларидан келган курашчилар қатнашдилар. Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган ушбу мусобақада курашнинг икки йўналиши — «Кураш» ва «Белбоғли кураш» бўйича куч синашилди. Стадион одамлар билан лиқ тўлди. Қирғизистоннинг машҳур хонандалари ҳамда ўзбекистонлик Ҳалимжон Жўраев иштирокида катта концерт намойиш қилинди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, мусобақада ўзбекистонлик полвонлар жуда яхши қатнашдилар ва 48 медалдан 24 тасини қўлга киритдилар. Ана шу тадбир — икки республиканинг миллий

истиқлол байрамига бағишлаб ўтказилган мусобақа — Халқаро қоидага ўтиш тадбири мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Қолаверса, узоқ йиллардан буён «Фарғонача кураш» борасида олиб борилган ислохотларни деб азият чеккан фақат мен эмас эдим. Чунки мамлакатда спортни кенг кўламда ривожлантириш учун олиб борилаётган ислохотларни кўра олмайдиган, ҳали ҳам эскичасига иш юритадиган кимсалар анча-мунча кишига азият етказган эди.

Биз ўта ҳалолликни талаб этувчи касб эгаси — мураббий бўлганлигимиз учун мақсадлар асосида курашишни афзал билиб, шу асосда курашиб келдик. Бинобарин, ҳар бир киши ўз соҳасида ўта ҳалолликка асосланиб иш олиб бориши лозим деб ҳисобладик. Мақсадга етиш мушкул, деган кимсаларнинг фикрига ҳеч қачон кўшилмадик. Мақсад йўлида миллатчиликни қурол қилиб олганлардан узоқлашдик. Кишиларни аввало, ҳақиқатни, тўғрилиқни, жасоратни талаб этишга ишонтирдик. Мақсадимизга қарши бўлган кишилардан кўрқиб, чўчиб яшаш, мутелик — бу мақсадимизга зид, деб ўйладик. Агарда биз мамлакат конституциясига хилоф иш қилмаётган бўлсак, кимдан, нимадан кўрқишимиз керак. Мамлакатдаги улкан ислохотларнинг аҳамиятини яхши тушунадиган, бел олиш курашини, қадимий қоидаларни ҳурмат қиладиган кишиларни ўз сафимизга тортдик. Ана шу принципга асосланиб ҳамда Асосий қонун яратиб берган ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб фаолият юритдик. Буюк мақсадларимиз амалга ошганда, бизга ров бўлганлар эгарни бошқаришини олдиндан сезиб, шунга чидашни тақдирдан деб билдик. Бел олиш курашини ягона халқаро қоида асосида жаҳон саҳнасига олиб чиқиш мумкинлигига ишонтирган одам ўша пайтларда Аҳролжон Рўзиев бўлди. У киши бир неча йиллар давомида уни қандай амалга ошириш бўйича кўрсатмалар бериб келди.

Тазйиқларни енгиб, асло чекинмасдан изланишларни давом эттиришга даъват этди. 2002 йилда яна қайтадан Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон Республикаларига, Қорачай-Черкесияга, Бошқирдистон, Татаристон, Москва шаҳрига ҳамда Эрон, Хитой мамлакатларига сафар қилиб, семинарлар уюштирдик.

Камина Москва шаҳрига борганимда яна эски дўстим, татар ботири Нодир билан учрашдим. У мени спорт залига олиб бориб, семинарлар уюштиришимда кўмаклашди. Семинар машғулотларидан сўнг иккаламиз узоқ суҳбатлашдик. Ҳали ҳам орзуларимга ета олмайганимни эшитиб, ҳеч ташвиш қилма, ниятингга албатта етасан, чунки сенинг қилаётган хайрли ишларингни Яратганнинг ўзи кўриб турибди, дея таскин-тасалли берди. Шундан сўнг, юр, сени бир жойга олиб бораман, деди. У билан Москва шаҳрида айланиб юрибман. Меҳмонман, ҳадеб сўраш ноқулай, кетяпмиз, метрога тушдик, яна юряпмиз, охири бир катта стадион орқасига етиб келдик. Мен ҳамроҳимдан, бу ер нима, деб сўрадим. У эса, бу мачит, деди. Бу ерда нима қиламиз, дедим. У мандан, намоз ўқишни биласанми, деб сўради. Мен эса, ҳа, биламан, лекин, минг афсуски, мунтазам ўқий олмайман, деб жавоб бердим. «Сен Ўзбекистондансан, сизларда катта-катта янги мачитлар қурилибди, мачитларга одамлар тўлиб кирар экан, деб эшитаман. Бир дўстим яқинда Тошкентдан келди, янги-янги замонавий катта-катта

мачитлар қурилибди, деб хўп мақтади. Сен эса бошқача жавоб қила-
псан», деди таажжубланиб ҳамроҳим. Сўнгра муддаога ўтди:

— Ҳозир аср намозини ўқиймиз, мен нима деб ният қилсам, сен ҳам шуни такрорлаб, ният қилдим, дейсан, хўпми?

Шундай қилиб, биз тўрт ракат фарз намозини ўқидик. Намоздан сўнг тиловат қилиб, Нодир Яратганга илтижо қила бошлади:

«Эй Аллоҳим, шу ожиз банданг Носирни ўзинг қўллагин, нима-
ики нияти бўлса, сенга аён, Аллоҳим ўзинг қўллагин».

Мачитдан чиқар эканмиз, ҳамроҳим шундай уқтирар эди:

— Намоз ўқишни канда қилма, Аллоҳдан сўрайвер, унинг кара-
ми кенг, у ҳамма нарсага қодир, астойдил сўрасанг, беради,— деди.
— Кўрасан, худо хоҳласа, ишларинг юришиб кетади, — деб ишон-
тирди.

Аллоҳнинг карами кенг экан, ишнинг юришганини қаранг, шу воқеадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Эронга таклиф қоғози келди. Мен Эронга бормасдан олдин, у ердаги «бел олиш кураш» тўғрисида анча-
мунча маълумотларга эга эдим, бу менга жуда асқотди. Эронга келгач,
биринчи қилган ишим — у ерда ҳам менга ўхшаб узоқ йиллардан буён
шу курашни халқаро майдонда кўриш ниятида юрган инсонлар билан
учрашиш бўлди. Улар мени жуда илиқ кутиб олдилар. Айниқса, улар-
нинг етакчилари Карим Саудий, Қиличий, Жавонмардон, Бекдурди
Савдогар, Тоғандурди, Абдурахмон Салмоний ва бошқа бир қанча
мутахассислар етакчилигида уларнинг бел олиш курашини томоша
қилдим.

Уларда никоҳ тўйи куни бел олиш кураш бўйича катта беллашув-
лар бўлар экан, бу курашни 2 минг, ҳатто 5 мингга яқин киши
томоша қилар экан. Кураш тўйхонадан сал нарироқда ташкил этилар
экан. Куёв ўз дўстлари билан кириб келганда, уни худди подшолар
сингари ҳурмат-эҳтиром билан махсус жойга ўтқазишар экан. У кириб
келаверишда одамлар билан кўришиб, ўз жойига ўтирар экан. Кейин
катта даврада ҳакамлар томонидан қуръа ташлаш йўли билан кураш
бошланар экан, курашни энг таниқли, кучли полвонлар бошлаб берар
экан. Энг қизиги, кураш қоидалари ҳам худди жаҳонгир Бобур дав-
ридагидай, деярли тўлиқ сақланиб қолган экан.

Қоидаларга келсак, ўртада катта доира чизилиб, шу чизиқ атро-
фида икки ҳакам ўтирар экан. Кураш бошланганда, бордию бажарил-
ган амалда ноаниқлик бўлса, кекса ҳакам бирин-кетин доира атрофи-
даги ҳакамларнинг олдига бориб, уларнинг фикрини билади, кейин
ўз фикрини жамлаб марказий кузатувчи ҳакамларга баён қилади. Бел
олиш курашлари шу тарзда баҳоланар экан, бошқа ҳеч қандай одам
курашга аралаша олмас экан. Баъзида шундай ҳолатлар ҳам бўлар экан
— кураш дуранг деб баҳоланиб, ҳар икки курашчига ҳам соврин
берилар экан.

Мен Бел олиш курашининг халқаро қоидаларини кўрсатганимда,
бу уларга жуда маъқул тушди.

Каминанинг хизмат сафари бор-йўғи 7 кун давом этди. Қайтишим
учун масъул бўлган Карим Саудий кутилмаганда Эроннинг бошқа
узоқроқ шаҳрига хизмат сафари билан жўнаб кетибди (4-расм).

«Мен кетишим керак эди-ку» деб ҳайрон бўлиб турсам, унинг яқин одамларидан Салмоний кулиб жавоб берди:

— Биродари азиз, ҳеч қаяққа кетмас экансиз, у пойтахтдагилар билан келишиб, халқаро турнир ўтказиш режасини тузиб қўйди. Шу турнир ўзингиз бошчилигингизда ўтказилар экан.

— Ажабо, нега мен билан маслаҳатлашмасдан бундай қилдиларинг? — дедим.

— Сабаби бундай, — деб жавоб берди ҳалиги киши. — Турнир ўн кундан кейинга режалаштирилган, агар у сизга айтса, кетиб қолишингиздан чўчиб айтмай, ўзи Техронга учиб кетди.

Ўйлаб қарасам, хафа бўлишнинг ҳеч ўрни эмас, аксинча, хурсанд бўлиш керак эди. Чунки 50 га яқин одам менга қараб турибди.

Ҳар куни стадионда 7 соатдан ҳакамлик семинарини ўтказдик. Ҳаво ўта иссиқ бўлишига қарамай, қаттиқ ишладик. Мусобақада 16 вилоят полвонлари қатнашдилар. Бу саъй-ҳаракат Техрондан келган спорт раҳбарларига ҳамда бир неча вилоят ва шаҳар ҳокимларига маъқул тушди. Бир неча газета, журналлар ва телевидение, радио мухбирларига интервьюлар берилди. Эронда чиқадиган бир қанча газеталарда бел олиш кураш тўғрисида мақолалар чоп этилди.

Аён бўлишича, Эроннинг бир қанча вилоятидаги тўйларда «бел олиш кураш» бўйича беллашувлар бўлиб ўтар экан. Айниқса, Гулистон, Мозондарон, Хуросон вилоятларида бел олиш курашига қизиқиш зўр, унинг мавқеи кучли экан. Айтишларича, Гулистон вилоятининг пойтахти Гургон шаҳри бир вақтлар Астробод деб аталган ва бу шаҳарда буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳоким бўлган экан. Мезбонларнинг айтишларича, ўша даврларда ҳам бел олиш кураш бўйича катта курашлар ўтказилиб, бунга Навоий ҳам гувоҳ бўлган экан.

Семинар 25 кун давом этиб, эронлик биродарларда жуда катта умид учкунларини пайдо қилди. Улар билан хайрлашар эканман, баъзи бир одамларнинг кўз ёшларига ҳам гувоҳ бўлдим. Мен бу кўз ёшларини узоқ йиллардан буён бел олиш курашини халқаро майдонларда кўриш ниятида юрган фидойиларнинг кўз ёшлари деб қабул қилдим.

Эронда бевосита ўзим гувоҳ бўлган тўй курашлари ва сафар лавҳаларини 6 та видеокассетага ёздириб, Ўзбекистонга олиб келдим.

Ана шу ерда бир нарсани айтишим жоиз. Москвада бўлганимда, Нодир дўстим мачитда дуо қилиб худодан бел олиш курашини дунё саҳнасига чиқишини илтижо қилиб сўраган эди. Худонинг карамини қарангки, 2002 йил сентябрь ойида Ўш шаҳрида биринчи Осиё ва жаҳон чемпионати ўтказилди.



4-расм. Эрон Ислом республикасида Бел олиш кураш спорти турининг етакчи раҳбари Карим Саудий.

VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИНИНГ СУЛОЛАВИЙ НОМДОР ПОЛВОНЛАРИ

Ўзбекларда бел олиш кураш тури тарихи жуда қадим-қадимларга бориб тақалиши ҳақида бир неча бор эслатиб ўтдик. Бу кураш тарихи илдилари дастлаб ўзбек халқининг туркий қатламига, кейинроқ бу кураш тури унинг суғдий этник қатлами ичига кириб борганлигини эсладик. Булар Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Алишер Навоий, Беруний асарларида ўз аксини топганлигининг гувоҳи бўлдик. XI—XX асрларда Қурбон паҳлавон, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳазрати Баҳоуддин, у кишининг пирлари Ҳазрат Амир Кулол, паҳлавон Содик, паҳлавон Кулол, Хожи Муҳаммад паҳлавон, паҳлавон Шодмон, паҳлавон Муҳсин, XVIII ва XX аср бошларида яшаган машҳур полвонлардан Эгамназар паҳлавон, унинг ўғли Шерназар полвон, Шерназар ўғли Элназар, Элназар ўғли Хўжназар, Азимхўжа Подшоҳ ҳожи ўғли, Музаффар Асрорқулибой ўғли, Неъматилло Исматилло ўғли, Саримсоқ МирРозиқ ўғли, Абдулло Тошмуҳаммад ўғли, Тошмуҳаммад Орифбой ўғли, Охунжон ҳожи паҳлавон, Усмон паҳлавон, Дўст паҳлавон, Аҳмад Топилбой ўғли, Рустам Мавлон ўғли, Али Мирзакарим ўғли, Тўйчи Раҳимбой ўғли, Ўринбой Мирза ўғли, Мулла Ўсар Ботир ўғли, Нажмиддин Муҳиддин ўғли ва бошқа бир қанча полвонлар бел олиш кураш бобида халқимиз шон-шуҳратини элга танитдилар. Булар орасидан Шерназар полвон сулоласи ҳақида гапирсак, у алоҳида таҳсинга сазовордир.

Бу паҳлавонлар шўро даврида мустамлакачилик ҳамда ўтиш даврларининг қийинчиликларини бошдан кечирдилар. Уларнинг ҳар бирининг ҳаётидаги бел олиш кураш тарихи ёзилмай қолиб кетди. Ёзилганларида ҳам давр талабидан келиб чиқиб паҳлавонларнинг ички дунёси очиб берилмади. Шерназар паҳлавон 1812 йилда Кўқон шаҳри яқинидаги Қашқари-Макай қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида дунёга келади. Шерназар паҳлавоннинг отаси Эгамназарнинг ажлоди паҳлавонлардан бўлган экан. Эгамназар паҳлавон ўғил кўриб, зурриётимда паҳлавонлар номи ўчмасин, деган улуғ ниятлар билан ўғлига Шерназар деб ном қўйган экан. Шерназар отасига ўхшаб ёшлигидан бақувват бўлиб ўсди, меҳнатда чиниқди. У яхши еб, яхши парваришда бўлди. Шерназар паҳлавоннинг отаси Эгамназар (1787—1850) паҳлавон ҳам кучли ботирлардан бўлган экан. Унинг лақаби Эгамназар биртортар бўлган экан. У сайилларда ва тўй курашларида кўплаб ғалабаларга эришади. Эгамназар паҳлавон ўғли Шерназарни 15 ёшлигидан кураш илми билан тарбиялайди. Унга бел олиш кураш сирларини ўргатиб, тўй-сайилларга ўзи билан бирга олиб юради. У 15 ёшидаёқ курашиш учун тайёр бўлса-да, отаси уни кураш илмига риоя қилиб кураштирмайди. Уни тенгқурлари билан кураштириб туради. Ўғлининг бел олиш курашига яхши тушишига кўзи етса ҳам, катта давраларда кураштирмайди. Шундай қилиб, Шерназар балоғотга етиб, ёши 16 дан ўтади. Кунлардан бир кун Эгамназар паҳлавон нимадир бўлиб тўй курашига кечикиб қолади. Пайтдан фойдаланган Эгамназар паҳлавон-

нинг танишлари қўярда-қўймай Шерназарни бел олишга солиб кўришади. У ўзидан ёши катта бир полвонни кўтариб уради.

Буни кўрган одамлар, бу ўзи қандай гап, шундай ўғилни берки-тиб юрса, деб уни яна бир полвон билан курашга солишади. У ҳеч қанча ўтмай иккинчи полвонни ҳам кўтариб уради. Шундан сўнг учинчи полвонни ҳам йиқитганда, отаси келиб қолади. Шошиб қолган Шерназар даврандан чиқиб, қочиб кетади. Сўнг даврага жуда таниқли қўшни қишлоқлик полвон чиқади. Шерназарни талаб қилиб, чиқмагандан кейин унинг отаси чиқсин бўлмаса, деб туриб олади. Шунда Эгамназар полвон олишиб, бу полвонни айлантириб ташлайди. Эгамназар полвон дўстини қойийди. Дўсти ёмон иш қилмаганини, шу тўйда ўғлини курашга солганини, ўғли уч полвонни кўтариб йиқитганини айтади. Шунда Эгамназар дўстига: «Сен бел олиш кураш (ҳадис) илмини ўқимагансан-да. Яхшиям мен келиб, худо сақлаб қолди. Бўлмаса, боламни нобуд қилар экансан,» — дейди. Шу куни уйига қоронғи тушган пайтда кириб келган ўғлини Эгамназар паҳлавон қойийди ва насиҳат қилади: «Ўғлим, сен яхши иш қилмадинг, бел олиш дегани, бу сени куч-қувватинг эмас. Бел олиш кураш илмига риоя қилмасанг, сен катта курашчи паҳлавонлар сафига қўшила олмайсан. Сен эндигина 16 ёшдан ўтдинг. Сен билан олишганлар камида 20—30 йил давра кўрганлар», — дейди. Бу қилган ишидан пушаймон бўлган Шерназар отасидан кечирим сўрайди.

Шундан сўнг Шерназар отаси билан бир қанча катта курашларга — Кўқон, Хўжанд, Ўратепа, Марғилон, Сайрам, Тошкентгача бориб, бел олиш кураш сирларини ўрганайди. 18 ёшга кирганда отаси унга фотиҳа беради. У ўз отаси билан ёнма-ён 25 ёшга киргунча курашиб юради.

Эгамназар полвон Кўқон хони паҳлавонлари ичидаги танилган полвонлар даражасига етади. У 50 ёшга етганда курашишни тўхтатди. Энди унга олишишнинг хожати йўқ эди. Отасидан бел олиш илмини ўрганган ўғли Шерназар паҳлавонлик даражасига эришганди. Шерназар ўша даврдаги кўплаб сайил томошаларида ажойиб ғалабаларга эришиб, хон назарига тушади. Кунлардан бир куни Кўқон хони Муҳаммад Алихон ўзининг паҳлавонларини саройга чорлаб, бўлажак бел олиш курашига тайёргарлик кўришга чақиради. Мана шу курашга хоннинг энг ишонган баҳодир паҳлавонларидан Шерназар жуда катта тайёргарлик кўради. Хон белгилаган кун келиб, бу томошага Қашқар (Хитой), Афғонистон, Хоразм, Эрон ва Ўратепа беклигининг энг сара паҳлавонларини йиғади. Шу йиғинда Афғонистондан келган энг кучли паҳлавон бир неча полвонни йиқитиб, эронлик паҳлавонга енгиледи. У ҳам бир неча паҳлавонни йиқитиб, бир туркман паҳлавонига енгиледи. Туркман паҳлавони Шерназар полвон билан бир неча соат курашади, сўнг ўзбек паҳлавони уни кўтариб ташлаб, ютади. Кураш бир ҳафта давом этади.

Давранинг энг зўри қашқарлик Мажидий паҳлавон кўплаб манаман деган паҳлавонларни йиқитади. У ҳам Шерназар паҳлавондай новча, лекин вазни ундан ортиқроқ эди. Охирги 7 кун деганда сараланган паҳлавонлар ичида Шерназар паҳлавон билан уйғур

Мажидий қолади. Эгамназар паҳлавон ўглини чақириб: «Мен сенга кураш илмининг ҳаммасини ўргатдим, қўлингдан келган ҳамма ҳунарингни ишга сол», дейди. Шундай қилиб, ўртани олиб борувчи холислар ҳар икки паҳлавонни чақириб, Қўқон хони бел олиш паҳлавонларига атаган совринни эълон қиладилар ва курашни бошлашни буюрадилар. Шерназар худди отаси айтгандай амалларни бирин-кетин қўллаш бошлайди. Ҳар қанча уринмасин, уйғур паҳлавони Мажидий бўш келмайди. Охири Шерназар паҳлавон бир-икки кифтлаб, ё Оллоҳ, деб ўзига тортиб ташлайди. Уйғур паҳлавони чалиш амалини қўллаб босиб қолади.

Қашқарлик баҳодирлар билан холислар ўртасида келишмовчилик бўлиб, бу амал ҳисобга олинмайди. Шунда ўртадаги холислар бундай амал қўллаш бу ер кураш қондасига хилоф, деб халққа тушунтиради. Яна шиддат билан кураш бошланиб кетади. Уйғур паҳлавони Шерназарни баландроқ кўтариб ташлайди. Шерназар оёғида ҳимоя қилиб тушиб, рақибини зўрға тўхтатиб қолади. Кураш борган сари қизиб боради, уйғур паҳлавони ёпишиб келганда, Шерназар паҳлавон кўтариб ташлаб юборади. Шунда ҳар иккиси ҳам ёнбошга йиқилади. Яна холислар кураш қондасини шарҳлайдилар: бу сафар Шерназар паҳлавон кўтариб ташлади, лекин уйғур паҳлавони ўзини ҳимоя қилиб тўла йиқилиш имконини бермади, деб курашни давом эттирадилар. Яна бир оздан сўнг уйғур паҳлавони Мажидий Шерназарни кўтариб айлантириб ташлаганда, оёғи билан тушган Шерназар Мажидийни қайтарма амалида кўтариб ташлайди. Халойиқ бир овоздан офаринлар айтади. Эгамназар паҳлавон ўзи ўргатган амални тўғри қўллаган Шерназардан хурсанд бўлади. Бу томоша сўнгида Қўқон хони Шерназар паҳлавонга бош-оёқ сарпо, тилла тангалар ва от совға қилади. Хитойлик паҳлавонни ҳам, эрон ва туркман полвонларини ҳам бош-оёқ сарполар билан сийлайди. Бу воқеадан бир йилдан сўнг, 1840 йилда Шерназар ўғил кўради. Эгамназар паҳлавон жуда қувониб, неварасига элнинг назари тушсин, деб исмини Элназар қўяди. Шерназар Эрон, Қашқар, Авлиёта, Тошкент, Марғилон, Хўжанд, Ўратепа, Ўзган, Ўш шаҳарларига бориб тўй, сайил томошаларида курашиб, ҳаммининг олқишига сазовор бўлади. Эгамназар паҳлавон невараси 10 ёшга тўлганда — 1850 йилда 63 ёшда оламдан кўз юмади. Отасининг вафоти Шерназарга катта зарба бўлади.

Шерназар 60 ёшгача курашади. Унинг ўғли Элназар ҳам жуда катта паҳлавон бўлиб етишади. У отаси Шерназардан бел олиш кураш илмини тўла ўрганади. У отасининг кўплаб курашларига гувоҳ бўлади ва кўп йиғин-сайилларда у ҳам отаси билан биргаликда бориб курашади. Элназар отаси Шерназардан бобосининг кураш амалларини ўрганади. Шерназар паҳлавон 1892 йилда 80 ёшда оламдан ўтади. Отаси оламдан ўтганда Элназар паҳлавон 52 ёшда эди. Унинг энг катта ўғли Абдуназар (1862—1916), кейинчилари Бойназар (1871—1969), Худойназар (1875—1946), қизи Ойзода (1878—1950), Хўжаназар (1888—1967), энг кенжа ўғли Кенжаназар (1900—1955) эди. Элназар паҳлавоннинг ўзи 1917 йилда, 77 ёшида оламдан ўтади. Ўғиллари ичида катта ўғли Абдуназар ва тўртинчи ўғли Хўжаназарлар катта

пахлавон бўлиб етишадилар. Элназар пахлавон 60 ёшигача курашган, унинг ўғиллари бу курашларга гувоҳ бўлишган. Элназар ўғилларини ўзи билан курашларга олиб борган. Элназар ўзининг, отаси Шерназар ва бобоси Эгамназар пахлавоннинг кураш тарихини қўлёзма ҳолида ўгли Хўжаназарга қолдиради.

Элназарнинг катта ўгли Абдуназардан 6 ўғил, 2 қиз қолади. Улар Мирзаназар (1900—1967), Имомназар (1902—1949), Моҳиниса (1904—1994), Юсуфжон (1906—1981), Исмоилжон, (1909—1977), Хўжааҳмад (1911—1943), Раҳбарниса (1913—1995), Ҳақижон (1915—1939) лардир.

Элназарнинг иккинчи ўгли Бойназардан бир ўғил, бир қиз қолади. Ҳасанбой 1933 йилда туғилган, ҳозирда ҳаёт, Қашқари-Макай қишлоғида яшайди, қизи Кимёхон 1926 йилда туғилиб, 1989 йилда вафот этган. Элназарнинг учинчи ўгли Худойназар ва қизи Ойзоданинг авлоди номаълум.

Элназарнинг тўртинчи ўгли Хўжаназардан уч ўғил қолган. Улар Тўраназар (1928), Етовқўзи (1937), Эркинжон (1947) лар бўлиб, ҳаммалари ҳаёт. Тўраназар пахлавон бир неча йил республика чемпиони бўлган, Бағдод шаҳарчасида яшайди. Унинг укалари Етовқўзи ва Эркинжонлар Қашқари-Макай қишлоғида яшайди.

Элназарнинг кенжа ўгли Кенжаназар авлодлари ҳам номаълум.

Элназарнинг невараси Мирзаназардан 3 ўғил, 2 қиз қолган. Улардан Шувоқали (1928), Дилбархон (1937), Расулжон (1945)лар ҳаёт, Восижон (1933—2002) Мухтарам (1925—1997) вафот этганлар.

Элназарнинг иккинчи невараси Имомназардан 3 ўғил қолган. Улардан Рўзивой (1927—1998), Аъзимжон (1930—1996) оламдан ўтган, Жумавой (1936) эса ҳаёт. Элназарнинг невараси Юсуфжондан бир қиз, уч ўғил қолган. Мунисхон (1932), Тожиддин (1944), Зиёвой (1946), Қурвонжон (1948)ларнинг ҳаммалари ҳаёт.

Элназарнинг яна бир невараси Исмоилжондан олти ўғил қолган. Улардан Акрамжон (1932—1989) оламдан ўтган, Нодир (1938), Абдусалом (1947), Иномжон (1949), Мўминжон (1954), Фуломжон (1965)лар ҳаёт.

Ўғилларидан Абдуназар ва Хўжаназар, невараларидан Мирзаназар, Имомназар, Тўраназар, чевараларидан Рўзивой, Алишер, Носир, эвараларидан Нодирлар катта пахлавонлар бўлиб, ҳозиргача улар аждодлари шажарасини давом эттиришяпти. Агар биз бу пахлавонларнинг авлод-аждоди ҳақида сўз юритсак, улар ҳақида катта дoston қилиш мумкин. Эгамназар пахлавоннинг ҳаёти тарихини ўрганишда унинг авлод-аждодларини тўла ўрганишга тўғри келди.

Шу авлоднинг вакилларида Тўраназар пахлавонни ҳозирги кунда республикада барча танийди. Ҳозирда у кишининг невараси Нодирбек пахлавонлар шажарасини давом эттирмоқда. Бу пахлавонлар кураш тарихини биринчи мартаба Тўраназар ака 1983 йилларда менга ҳикоя қилиб берган эдилар. Ўйлаб қаралса, Эгамназар пахлавон авлодлари тарихини бугун роғозга қоралаб қўймасак, бир неча йилдан сўнг балки кеч бўлар. Сўзимизни мухтасар қилсак-да, пахлавонимиз сулоласи ҳақида тўхталиб ўтсак.

Тўраназар пахлавоннинг отаси Хўжаназар пахлавон ҳам машҳур пахлавонлардан бўлиб, 1888 йилда туғилиб, 1967 йилгача яшаган. У ўз

отаси Элназар паҳлавоннинг курашини кўрган, Ундан бел олиш кураш сирларини ўрганган. Катта боболари Эгамназар паҳлавон ҳамда Шерназар паҳлавонлар ҳақида отасидан кўп эшитган. Энг қувонарлиси шуки, улар ҳақида отасидан қўлзма қолади. Хўжаназар паҳлавон бу қўлзмани бир неча йил сақлаб, 1937 йилларда бу қўлзмани йўқотади. Сабаби бу қўлзмадаги воқеалар араб имлосида ёзилган бўлиб, Эгамназар, Шерназар ва Элназар паҳлавонлар ҳамда Қўқон хони давридаги бел олиш курашлари, хон назарига тушган паҳлавонлар ҳақида ёзилган эди. Ўша даврдаги қатагон йилларида бундай қўлзма-ларни ўқиш у ёқда турсин, уни уйда сақлашнинг ўзи даҳшат эди. Хўжаназар паҳлавон шу қўлзмани ва яна бир қанча эски китобларни ўша йилларда узоқ жойларга беркитади, натижада қўлзма йўқолади. Кейинчалик бу воқеа Хўжаназарга бир умр армон бўлиб қолади. У қўлзмада ёзилган воқеаларни ўғли Тўраназарга, Тўраназар ўз навбатида ўғиллари ва бутун авлодларига сўзлаб беради.

Хўжаназар паҳлавон 1960 йил, 72 ёшга кирганда шу қўлзма ҳақида бир-икки мутасадди раҳбарларга сўзлаб беради. Улар у кишига: «Узоқ йиллик тарих экан, қўлингизда ҳеч нарса йўқ, Қўқон хонлиги даври экан, шунинг учун бирон-бир балони бошлаб ўзингизга жабр қилманг», деган эканлар. Тўраназар ака, унинг авлодларидан Шувоқали ака (ҳозир 77 ёшда), Ҳасан ака (71 ёшда), Имомов Равшан (ҳозир 43 ёшда), Хўжаев Алишер (44 ёшда — ҳаммаси Бағдоддан), Боймирзаев Ҳусан (46 ёшда), Фуломжон (41 ёшда, Тошкентдан), Абдусалом (58 ёшда), Сотволдиев Ҳолмат ака (78 ёшда), Аҳмадқулов Муҳаммаджон ака (58 ёшда), Асқаров Кўчқор ака (78 ёшда), Ойимбасар опа (58 ёшда — ҳаммаси Қашқари-Макай қишлоғидан) каби шу инсонлар билан воқеаларни аниқлаштириш мақсадида суҳбатлар ўтказилди (5-расм).

Эгамназар паҳлавоннинг авлодлари ҳозирги кунда Фарғона вилояти Бағдод шаҳарчасида ҳамда Қашқари-Макай қишлоқларида истиқомат қилишмоқда. Тўраназар полвон 60-йилларга қадар курашган, унинг ўғли Алишер бир неча бор республика ва халқаро турнирлар ғолиби бўлган.

Алишер Тўраназар ўғли 1981—84 йилларда Ўзбекистон жисмоний тарбия институтининг Бел олиш кураш факультетида ўқиб юрган пайтларида бир воқеа бўлган эди. Мен Тошкентга келганимда жисмоний тарбия институтига кураш машғулотида бордим.

Институтдаги сара полвонлар йиғилган. Мен улар билан бир-бир кураш туша бошладим. Шунда бир қизиқ воқеанинг тўғохи бўлдим. Алишер билан курашмоқчи бўлганлар, ҳатто ундан оғир вазнадагилар ҳам ундан белни қаттиқ сиқмасликни илтимос қиляпти. Менга кулгили туюлди, шунда курашаётганлардан бирига: «Ўзи бунинг вазни 60 кг бўлса, унинг бел сиққани нима бўлади», дедим. Шунда кимдир: «Алишер, Носир акам билан ҳам бир курашиб кўр», деди. У пайтда менинг вазним 74 кг эди, Алишер билан белбоғ ушлашиб курашга туша бошладик. У бир кифтлаб ўнг қўлимни чап қўли билан сиқиб, ўнг қўлини бир оз ўтказиб, ўнг қўл тирсагини баландроқ кўтариб, белбоғимни пастга эшиб қайирди. Шунда нафасим бўғилиб, тикроқ туриб қолдим, у борган сари белбоғни сиқиб тортаверди. Мен белимда оғриқ сеза бошладим. Менинг вазним сал оғирроқ бўлгани учунми,

қаттиқ қаршилик кўрсатдим, у бир-икки бор оёғимни ердан узгандай бўлди. Ҳатто қайтариб ташламоқчи ҳам бўлди. Шундай қилиб, салкам 20 дақиқа қаттиқ курашдик, у бўлса белимни қаттиқ сиқиб ҳаракатимни тўхтатиб қўйверди. Шунда мен: «Сен белдан қандай сиқяпсан?» деб сўрадим. У кулиб қўйди-да, «ҳамма сиққандай сиқяпман-да», деди. Шунда бир курсдоши: «Бу ҳаракат амалини бизга айтмадику, сизга айтадим», деди. Ана шунда бу оддий белбоғни сиқиб тортишининг ўзи менга қизиқ туюлди. Чунки ҳеч ким белни бунақанги сиқа олмайди.

Кейин Алишерни бир-икки маротаба мусобақаларда кўрдим, у 57 кг вазнда курашга тушган эди. У рақибларини сиқиб ўзига тортиб, тикроқ бўлиб қолганда ё қайтариб, ёки бўлмаса чап оёқ билан тик кўтариб ташлаб ютди. Шундан сўнг орадан бир неча йил ўтиб, Алишерни Бағдод кўчаларида учратиб қолиб: «Ўзинг-ку курашмай қўйдинг, белбоғни қандай қилиб сиқиб тортасан, айтасанми-йўқми», деб сиқувга олдим. Охири Алишер бу сирни айтмагунча қўймаслигимни билиб, буни менга дадам ўргатган, деди. Унда ҳозироқ дадасининг олдига олиб боришни сўрадим. У ҳам дарров рози бўлди. Шундан сўнг Алишер билан Бағдод туманининг марказий кўчасида истиқомат қилувчи Тўраназар паҳлавоннинг уйига кириб бордик. У киши узумларни хомтоқ қилаётган эканлар, бизни кўриб дарров пастга тушдилар. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин Алишер гап бошлаб: «Дада, ҳалиги бел сиқиш ҳаракат амалингиз бор-у, ўшани кўрсатиб беринг», деди. Шунда Тўраназар ака ўғлига бошқача қаради. Дада, айтаверинг, энди мен курашмай қўйдим-ку, Носир ака ўзимизнинг одам, деб қўйди. Шунда кексайиб қолган Тўраназар паҳлавон белидаги белбоғни ечди-да, менинг белимга боғлади. Ўзига ҳам белбоғ боғлаб бир кифтлаб ўнг қўлим тирсагини чап қўли тирсаги билан сиқиб, ўнг қўли билан ушлаган белбоғни пастга босиб, шу қўл тирсаги билан чап қўлим тирсагини тепага итариб, кўтариб ўзига тортди. Шунда белимни худди темир трос билан сиққандай бўлди. Бу амал таърифини узоқ гапириб берди. Ана шунда Тўраназар полвоннинг аждоди ҳақ эканлигига, белбоғ ушлашдаги ҳолат наслдан-наслга ўтиб келаётгани, кураш амаллари аждодлар тарихи эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Алишернинг отаси Тўраназар ака салкам икки юз йиллик тарих ёритилган китоб қатағон йилларида йўқолганлигини айтиб, унда Эгамназар паҳлавонлар сулоласи тарихи, ундан ташқари кураш илми ҳақида ёзилганини бир ачиниш билан сўзлаб берди, у қўлёзмада Эгамназар паҳлавон, Шерназар паҳлавон ва Элназар паҳлавонларнинг Қўқон хонлигида бўлиб ўтган томошаларда бел олишгани ҳақида баён қилинган. Қатағон йилларида бундай китобларни сақлаш ёки ўқиш хавфли бўлган. Шу даврда аждодларининг ҳаёт тарзи,



5-расм. Ушбу суратда Назарлар сулоласи вакили, Бел олиш кураш туридан катта полвон Тўраназар полвон 1928 йилда туғилган. Ҳозирги кунда Бағдод туманида яшайди.

кураш тарихининг бир қисминигина Хўжаназар ўғли Тўраназарга сўзлаб берган экан¹. Тўраназар паҳлавоннинг айтишича, бел сиқиш амалини устози Қўшоқ паҳлавон жуда ҳам яхши қўллаган экан.

* * *



6-расм. Бағдодлик Қўшоқ паҳлавон. (1902—1978). Бел олиш курашида элга машхур, ҳатто Муҳиддин Дарвишев ҳангомаларида ҳам тилга олинган.



7-расм. Акрам полвон Мирзаев (1905).

Бағдодлик Мирза ўғли Қўшоқ паҳлавон (1902—1978) асли Фарғона вилояти Бағдод туманининг Чўли Юнус қишлоғида 1902 йилда, унинг акаси Матёқуб паҳлавон 1900 йилда, укаси Акрам паҳлавон эса 1905 йилда туғилганлар. Бағдод туманини паҳлавонлар юрти дейишимизга сабаб, бу юртдан бир неча ўнлаб катта паҳлавонлар етишиб чиққан. Ана шу паҳлавонлардан бири Қўшоқ паҳлавон бўлган. Қўшоқ ака қотмадан келган, ўрта бўйли, вазни чамаси 85—90 кг бўлган, кураш илмини ниҳоятда пухта ўрганган. У 1918 йиллардан бошлаб тўй, сайил томошаларида кураша бошлади. У Қўқон, Ўратепа, Чорбоғ, Исфара, Лайлак, Уш, Жалолобод, Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент шаҳарларига бориб курашади (6-расм). У ака-укалари билан доимо бирга юриб курашган. Бир куни қизиқ воқеа бўлади.

Хўжанд шаҳри атрофидаги катта сайилда бел олиш курашида унинг укаси Акрам ва акаси Матёқуб паҳлавон курашади. Биринчи бўлиб Акрам полвон курашиб, тўрт рақибни йиқитиб, (7-расм) кейин бир қирғиз паҳлавонига ютқазади. Шунда у билан борган бир ҳамқишлоғи чиқади, ҳалиги қирғиз паҳлавони уни ҳам кўтариб уради. Навбат Матёқуб полвонга келади. Бир оз курашиб, уни Матёқуб полвон қайтариб уради. Шундан сўнг қирғиз паҳлавони тарафдорлари Лайлакка қараб йўл оладилар. Шу ерда уч кун кураш бўлиб, Матёқуб паҳлавон ҳаммани йиқитади ва Бағдодга қайтиб кетади. Орадан икки ҳафта ўтгандан кейин яна Ўратепага йўл олишади. Энди бу сафар Қўшоқ ака ҳам бирга боради. Биринчи бўлиб Қўшоқ ака курашни бошлаб беради, у бирин-кетин бировни айлантриб, бировни қайтариб, яна бировни тизза миндириб урибди. Шунда халқдан таклиф тушибди. Қўшоқ паҳлавон бир оз дам олиб турсин, мана бу ерга қирғиз, тожик

¹ Н. Азизов. «Назарлар сулоласи», «Тошкент ҳафтанома» газетаси 6(593)-сон. 2006 йил, 9 февраль, 22-бет.

қишлоқларидан паҳлавонлар унинг акаси Матёқуб паҳлавон билан курашишга талабгор бўлиб келишибди, дейди.

Улар олдинги сайил курашида ютқазиб, армонда қолган полвонлар экан. Матёқуб паҳлавоннинг вазни оғирроқ, укасидан бироз новча экан. У қирғиз, ўша атрофдаги ўзбек полвонларини яна қайтадан курашиб енгибди. Охири аввал сайилда армон билан қайтган лайлакликлар 140 кг вазндаги Умурзоқ исмли қирғиз паҳлавонини ўртага чиқаришибди. У тоғда фақат гўшт, қаймоқ еб, сут ичиб катта бўлган баҳайбат полвон экан. Вазни шунча оғир бўлса ҳам, сезилмас экан. Матёқуб паҳлавон бунақанги кучли паҳлавонни биринчи кўриши эди.

Матёқуб паҳлавон ҳар қандай амал қўллагасин, ҳеч нарса қила олмабди. Кўтарай деса, қўлига ётиб олибди. Охири бор кучи билан кўтариб ташлаган пайтда қирғиз паҳлавони оёқда тушиб, Матёқубни қайтарма амали билан кўтариб ташлабди.

Лайлакликлар жуда хурсанд бўлишибди. У яна бир қанча паҳлавонларни чалпак қилиб урибди. Шунда дам олиб турган Қўшоқ паҳлавон «мен чиқаман» деб даъво қилибди. Баъзи бир одамлар: «Бўлди, энди лайлакликларнинг Умурзоғи курашмасин, энди йиғиннинг зўри шу», деб туриб олишибди. Умурзоқ паҳлавон Қўшоқ акани кўриб, курашаверишини айтибди. Чунки Қўшоқ паҳлавоннинг вазни акасиникидан кичик экан. Умурзоқ паҳлавон уни ҳам ютаман, деб ўйлабди. Ҳар иккиси бел ушламасдан холислар кимда-ким ютса, бугунги кураш сайлининг катта соврини шуники, деб овоза қилишибди. Шундай қилиб, бел олиш кураш бошланибди.

Қўшоқ паҳлавон Умурзоқ паҳлавонни бир-икки ҳаракат қилиб ўзига тортиб кўрсаки, жуда кучли рақиб экан, у дарҳол қўлига ётиб олибди. Қўшоқ паҳлавон кураш ҳадисидаги амалларни қўллай бошлабди. Қаттиқ кифтлаб ўзига тортиб, чап қўл тирсаги билан рақибнинг ўнг қўл тирсагини сиқиб, ўнг қўл тирсаги билан унинг чап тирсагини тепага кўтариб сиққан экан, қирғиз паҳлавони тик туриб қолибди. Шунда Қўшоқ паҳлавон уни ўнг елка томонга қаттиқ тортиб, чала қайтарма амалида кўтариб ташлабди.

Умурзоқ паҳлавоннинг оёғи ердан узилиб, йиқилибди.

Шу-шу ўша қирғиз паҳлавони Қўшоқ ака билан курашмай қўйган экан. Ўша қирғиз полвонидан: «Нимага тик туриб қолдинг» деб сўрашганда, «Белимнинг сиқувига чидай олмадим», деган экан. Бу курашни кўрган Матёқуб паҳлавон укаси Қўшоқ паҳлавондан бунинг сирини сўраганда, у шундай деган экан: «Рақибнинг ўнг қўл тирсагини, чап қўл тирсаги билан сиқиб, ўнг қўл панжаси билан ушланган белбоғни пастга боссак, ўнг қўл тирсагимиз рақибнинг чап қўл тирсагини юқорига кўтариб қолади. Ана шу ҳолатда ўзимизга қаттиқ тортсак, ҳар қандай бел бундай сиқишга чидаш бера олмайди. Ана шу кичкина машқни бир неча соатлаб такрорланса, охири бу амални бажаришга курашчининг қўллари ўрганиб қолади», дебди¹.

Демак, Тўраназар паҳлавонлар ажодди орқали бугунги кунгача етиб келган бел сиқиш ҳаракати қадимдан мавжуд бўлганлигига амин

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб тайёрланди.

бўламиз. Ҳикоямизнинг ана шу ерида бир тарихий амалиётга мурожаат қилсак; Гомернинг «Илиада»сида (эрамиздан аввалги IX—VIII асрларда) Аякс ва Одиссей ўртасидаги беллашув шундай баён этилади: «Курашчилар белбоғларини тақиб, майдон ўртасига чиқдилар ҳамда қўллари билан бир-бирларини маҳкам қучиб олдилар. Бунинг натижасида қахрамонларнинг гавдалари қирсиллайди, зўриқади ва улардан тер қуйила бошлади. Ҳатто курашчилар гавдасидан қон сизиб чиқа бошлади. Лекин улар беллашишни давом эттиравердилар».

Гомернинг бу асаридан бел олиш кураш тури нақадар узоқ тарихга эга эканлиги кўриниб турибди. Шу билан бирга, бел олиши кураш орқали инсон ўзида ҳар қандай ҳолатда чидамлилиқни тарбия қила олишини билиб оламиз. Шу билан бирга, Гомер «бел олиш кураш» амалиётини нақадар чуқур англаб етганлигини, бу курашда белга катта зўриқиш тушишини тўғри кўрсата олгани кишини ҳайратга солади. Гомер бел олиш курашидаги ҳолатни кўрсатиш орқали инсон иродаси ҳар қандай зўриқишларга бардош бера олишини исботлаб беради. Мана шу ерда бир нарсани аниқ айтиш мумкин — буюк адибнинг ўзи бел олиш кураш билан бевосита шуғулланган ёки бўлмаса кўплаб паҳлавонлар курашига гувоҳ бўлган.

* * *

Бел олиш курашида белга катта зўриқиш тушишини, инсоннинг бардоши ҳар қандай қийинчиликни енга олишини куйидаги воқеадан ҳам билиш мумкин. 1949 йил баҳорининг охирлари, Фарғона шаҳри кураш сайилгоҳи одам билан лик тўлган. Баҳорнинг ёқимли шабадаси ва дарахтларнинг сояси остида бел олиш кураш давом этмоқда. Худди шу кун Олтириқ туманининг Капит қишлоғидан Холиқ паҳлавон Тўхтаматов (1885—1949) эрталаб фарзандлари ва неваралари билан хайрлашиб Фарғона шаҳрига йўл олди.

1885 йилда туғилган Холиқ паҳлавон Тўхтаматов ҳаётида қандай қийинчиликларни, қандай замонларни кўрмади, курашда қанчадан-қанча паҳлавонлар билан бел олишди. 64 ёшга кирган паҳлавон Фарғона шаҳрига келиб шаҳарни айланиб, кураш айна қизийдиган пайтда сайилгоҳга кириб келди. Бел олиш кураш билан кўпчиликка танилган Холиқ паҳлавонга тўрдан жой кўрсатишди. Курашга таниқли полвонлар келишган. Қирғизистоннинг Қизилқиясидан Деҳқон паҳлавон, Жалолободдан Бозор паҳлавон, Ёғоч паҳлавон, Душан паҳлавон, Хўжанд ёнидаги қишлоқлардан Эшон паҳлавон, Қатағон қишлоғидан Эргаш паҳлавон, Андижондан Мулла Ўсар паҳлавон. Карим паҳлавон, Қоровой паҳлавон, Намангандан Қоратой паҳлавон, бағдодлик паҳлавонлардан Матёқуб паҳлавон, унинг укаси Акрам паҳлавон, Ҳамид паҳлавон, Аъзам паҳлавон, Қўчқор паҳлавон ва яна бир қанча паҳлавонлар йиғилган ана шу бел олиш курашига Қўшоқ ака Тўраназар паҳлавонни ҳам олиб борган экан. У энг ёш паҳлавон бўлган. Бел олиш қизиб кетади. Жалолободлик Ёғоч паҳлавон марғилонлик бир полвонни кўтариб уради. Тожикистонлик Наби паҳлавон бир неча полвонни йиқитди. Қўшоқ паҳлавон бир неча полвонларни ютиб, навбатни укаси Акрамга берди. У икки полвонни ютиб, Тўхташ полвонга ютқазди. Қоратой паҳлавон тожикистонлик Мирпочани йи-

қитди, кетидан Малик паҳлавон билан курашиб, ютди. Андижонлик Мулла Ўсар паҳлавон Бува паҳлавонни йиқитди. Тўхташ паҳлавон билан Мулла Ўсар узоқ бел олишиб ажрашиб кетди. Кураш борган сари қизиб борарди. Паҳлавонлар сараланиб боряпти, энг оғир вазнли паҳлавонлар навбат кутиб туришибди. Қирғизистонлик томошабинлардан бири Ҳамид паҳлавон билан Холиқ паҳлавон курашга тушиб берсин, кейин Деҳқон паҳлавон майдонга тушади, деб баланд овозда эълон қилиб юборди. Холиқ паҳлавон 60 ёшгача курашиб, ҳозир курашмай қўйганига тўрт йил бўлганини томошабинлар қаердан билсин. Орийат кучи Холиқ паҳлавонни кураш хадисига хилоф иш тутишига йўл қўйди шекилли, «хўп курашаман», деб юборди. Одамларнинг ҳайҳайлашига қарамай даврага тушди. Ўша пайтда Ҳамид паҳлавоннинг роса элга танилган пайти — ёши 45да, вазни 120 кг бор эди. Холиқ паҳлавоннинг ёши 64да, вазни 145 кг эди. Халқ дуо қилди, улар курашни бошладилар. Бир оз бир-бирларини пойлаб юрдилар. Ҳамма яхши билади, Ҳамид паҳлавоннинг сиқуви жуда қаттиқ, лекин Холиқ паҳлавон ҳам анойилардан эмас, у бу сиқувларни писанд ҳам қилмади. Бир вақтнинг ўзида 6 та жуфтлик бел олишяпти, давра жуда ҳам катта қилиб безатилган. Ҳар замонда бир-бирларини кўтариб ташляпти, қийқириқлар бўлиб турибди. Лекин ҳамманинг эътибори уларда. Бир вақт Ҳамид паҳлавон бир-икки силтаб, Холиқ полвоннинг оёғини ердан узгандай бўлди. Лекин ҳеч нарса ўзгармади. Эндиги навбат Холиқ полвонга келди, рақибини қаттиқ силтаб итариб, босиб қолишига оз қолди. Ҳамид паҳлавон бор кучи билан тўхтамай ҳаракатлар қилиб, Холиқ полвоннинг белини сиқаверди. Орадан бир соат ўтиб, улар дам олишга ўтиришди. Бир пиёла чой ичган Холиқ паҳлавонга бел олишни тўхтатиб, ажрим қилиб юборишни таклиф қилишди. Холиқ паҳлавон рад жавобини бериб, курашни давом эттирди. Улар иккинчи маротаба Ҳамид паҳлавоннинг белбоғи ечилиб кетганда дам олишди. Шунгача улар бир ярим соат олишдилар. Учинчи маротаба курашга чиқиб, яна ярим соатча олишдилар. Бу сафар улар чаққонроқ ҳаракат қилдилар, уларнинг ҳар иккисидан тер оқа бошлади. Улар икки соатдан ортиқ курашдилар. Холислар уларга дам беришди. Ҳамид паҳлавон давранинг нариги томонига, Холиқ паҳлавон эса бу томонига келиб дам олгани ўтирдилар. Холиқ паҳлавонга қуйилган чой совиб қолган ҳам экан, бир хўплаб ичиб хаёлга чўмди. Эрталаб кўчага отланаётган Холиқ паҳлавонга невараларининг бизга нима олиб келасиз, деганлари хаёлидан ўтди. У иккинчи маротаба чой хўплаб осмонга қаради, осмон тиниқ, мусаффо, у яна хаёлга ботди, нега ҳаёт шу осмондай тиниқ эмас. Холиқ паҳлавон ўзининг ҳаётида қанчадан-қанча қийинчиликлар, ғаму ташвишларни кўрмади дейсиз. Учинчи бор чойни хўплади-ю, ўтирган жойида орқага йиқилди. Одамлар дарҳол Холиқ паҳлавоннинг елкасидан тутишди. Кимдир сувга, кимдир дўхтирга чопди. Афсус, энди у тиниқ осмонни, ширин-шакар набираларини кўрмайди, эшитмайди, ҳеч қачон паҳлавонлар белбоғини ушламайди, курашни завқланиб томоша қиладиган кўзлар энди юмуқ.

Холиқ паҳлавон Тўхтамамов бу дунёни 64 ёшида ана шундай тарк этди. Бу ҳодисани кўрган бир кекса паҳлавон шундай дейди: «Эй

Аллоҳим, кураш ҳадисига амал қилмаган бандангни ўзинг кечир, жойларини жаннатдан қилгин».

Ана шундай қилиб, ўзбек паҳлавони Холиқ паҳлавон Тўхтаматов 1949 йилда Фарғона шаҳридаги сайил курашида жон таслим қилади.¹

* * *

Қўқонлик Рустам Мавлон ўғли (1858—1935) Қўқон шаҳрига яқин Қўшқўноқ қишлоғида ўртаҳол ҳунарманд оиласида туғилади. У ёшлигидан отаси Мавлон ака билан тўй-томошаларда, байрамларда паҳлавонлар олишувини, ҳар хил тош ўйнайдиган полвонларни кўриб жисмоний тарбияга қизиқа бошлайди. У болаликдан секин-аста бел олиш курашига қизиқиб, кураш туша бошлайди. Бир куни тўйда ўз тенгқурларидан беш кишини йиқитади. Бозорда савдо қилаётган отасига дўстлари:

— Сиз ҳали паҳлавонлар бел олиш кураш сир-асрорларидан хабардор экансиз-да, — дейишади. Мавлон ака ҳайрон бўлади.

— Ўғлингиз Рустамни айтяпмиз, кеча кўшни қишлоқдаги тўйда бир қанча тенгқурларини йиқитди.

— Э, ҳали шунақа денг, бола тушмагур, сал шунақа, паҳлавонлар бел олишларига қизиқади. Ҳеч гапимга кирмайди-да, кеча нимага кўринмай қолди десам, курашга кетган экан-да, деб кулиб қўйди. Шу-шу Мавлон ака ўғли Рустамнинг қизиқишига аҳамият бериб, бел олиш кураш илмини яхши биладиган кишига шогирдликка беради. Рустам бир неча йил кураш сирларини ўрганади. Ҳеч ер чопмайдиган Рустам бу ишларни энди ўзи бажарадиган бўлади. Отасининг юкларини бозорга ўзи олиб борадиган бўлиб, маҳнатга лаёқати ортиб боради. Бир куни эрталаб Мавлон ака бомдод намозини ўқиб бўлиб қараса, ўғли ҳовлидаги боғнинг бир чеккасида бир нарсалар қилиб уймаланаяпти, секин бориб кузатади. Қараса, катта тошларни кўтариб машқ қиляпти, кейин баландроқ жойга чиқиб белига белбоғ боғлаб, қопдаги бир нарсаларни кўтаряпти. Бу машқларни тугатгандан сўнг катта қанор қопга тўлдирилган юкларни у ёқдан-бу ёққа олиб қўйяпти. Сўнг кичик қопни олдин ўнг, кейин чап оёғига боғлаб кўтаряпти, ундан сўнг дарахтга белбоғ боғлаб, чапга ва ўнгга тортяпти. Мавлон ака ўғли Рустамни кузатиб турганини билдирмаслик учун уйга кириб кетади. Нонуштадан кейин ўғлига юкларни бозорга — дўконига олиб боришини буюради. Кейин Мавлон ака ўғли машғулот ўтказган ҳовлидаги боғга боради. Бориб қараса, сомон аралаш тупроқ, кўтараман деса анча оғир, кейин кичик қопларни очиб қараса — ичида тошлар, у ҳам анчагина оғир. Ерда турган тошни олиб кўтармоқчи бўлиб, у анча оғирлигини сезади. Шундан сўнг Мавлон ака ўғлига кураш амалларини ўргатувчи устозининг олдига бориб, кўрганларини айтиб беради. Шунда кураш ҳадисини яхши билган устоз унга: «Ўғлингизнинг бел олиш курашига бўлган қизиқиши жуда кучли, лекин яхши паҳлавон бўлиш учун бу камлик қилади. Унинг оёқ болдирлари кучсизроқ, қўл билаклари ҳам жисмоний тарбияга муҳтож. Ўғлингиз

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб тайёрланди.

энди 15 ёшга тўлибди, у яна икки йил шу йўсинда жисмоний машқлар билан шуғуллансин. Ана ундан кейин ўзи йўлини топиб кетади. Сиз унга отда чопиб туришини буюринг», дейди.

Рустам борган сари бақувват бўла бошлайди. У 16 ёшга тўлганда тўй-базмларда бел олиша бошлайди. Шундай қилиб, элга Рустам паҳлавон бўлиб танила бошлайди. Бир кун Хўжандга катта бел олиш курашига ўз устози билан кураш тушишга боради. Ҳали у бундай катта бел олиш курашини кўрмаган, бу ерга кўп жойлардан паҳлавонлар келган экан. У биринчи бўлиб тошларни кўтариб, ҳар хил оғир машқлар қилиб томоша кўрсатади. Сўнг Рустам бир қанча паҳлавонлар билан бел олишиб, элнинг олқишига сазовор бўлиб турганда, устози ундан курашни тўхтатишини буюради. Бошқалар, нега энди курашмас экан, курашсин, деб даъво қилишади. Шунда устози: «Ҳали бола ёш, энди 16 ёшга кирди. Полвонлик қилиб тош кўтариш бошқа нарса. Агар сизлар рози бўлсаларинг, унинг рақибига устунлик беринглар, чунки бу ерга катта паҳлавонлар йиғилган, у ҳали улар даражасидаги паҳлавон эмас», дейди.

Ўз кучига ишонган Рустам паҳлавон: «Маили устоз, рухсат этинг, курашаман», деб туриб олади. Шунда устози: «Агар рақибинг ўта кучли бўлса, елкасига уриб чиқиб кетгин», дейди. Унга рақиб бўлиб Эгам полвон чиқади, у салкам 20 йилдан ортиқ эл ичида юрган, кураш илмини пухта ўрганган паҳлавонлардан эди. Ҳар иккиси бел олишиб, курашни бошлайди. Бир оз ўтиб Рустам ҳаракат қилиб, Эгам паҳлавонни ўнг елка томонига кўтариб ташлайди. У оёқда тушиб, яна курашни давом эттиради. Бироз ўтиб Рустам уни чап елка томонига ташлайди. Эгам паҳлавон яна оёқда тушади. Шунда Рустамнинг устози имо-ишора қилиб чиқиб кетишини буюради. У кўнмай, яна бел олишни давом эттиради. У яна ҳаракат қилиб ёпишиб келаётганда, Эгам паҳлавон уни қўлининг ўзида қайтарма амалида ташлаб, яна ердан кўтариб жойига қўйиб қўяди. Бу амални кўрганлар Эгам паҳлавонга офаринлар айтадилар. Рустам паҳлавон эса бўйнини эгиб чиқиб кетади. Шунда унга устози насиҳат қилади: «Паҳлавон кучига ишонишдан ташқари ақлига ҳам эътиқод қилиши лозимдир. Бу тош кўтариб ўйнатишинг кўмак учун, холос. Шунинг учун курашчи камтарин, ҳис-ҳаяжонини боса оладиган, кучни ақл билан сарфлайдиган бўлиши керак. Сен билан куч синашган Эгам паҳлавон сенга бир неча имконият берди, биринчи ташлаганингда у оёқда тушди. Шунда сен курашни тўхтатишинг керак эди, лекин ундай қилмадинг. Иккинчи марта ташлаганингда, у яна оёқда тушди. Сен яна тушуниб етмадинг. Кейин у сени қўлининг ўзида қайтариб ташлади, лекин у сени устингдан босиб тушмади. Чунки Эгам паҳлавон кураш ҳадисига риоя қилди. Агар у кураш ҳадисига риоя қилмаганда, сени қаттиқ ташлаб майиб қилган бўлар эди. Бу сўзларни тинглаган ёш Рустам устозидан узр сўради. Ана шу воқеа бир умр эсида қолган Рустам кейинчалик жуда катта паҳлавон бўлиб етишади. У барча Кўқон хонлигига кирувчи ҳудудларга бориб тош ўйинларини кўрсатиб, кейин бел олишиб ҳамisha ғалабаларга эришди.

У 18 ёшидаёқ Кўқон хони паҳлавонларидан бирига айланади. Рустам паҳлавон кучсиз паҳлавонларга озор бермай йиқитиб, кураш

одобига амал қилди. У айна кучга тўлган пайтида Қўқонда катта сайил кураши бўлади. Шу сайилга эронлик Хусайн паҳлавон ҳам келган экан. Эронлик Хусайн паҳлавон ҳам бел олишиб, ҳамма паҳлавонларни енгади. Шу куни Рустам паҳлавоннинг уйида тўй бўлаётган эди. Чопарлар бориб, уни қўярда-қўймай сайил курашига олиб келишади. Шундай қилиб, эронлик Хусайн паҳлавон билан Рустам паҳлавон курашга тушади, улар ҳар иккиси узоқ олишади. Ниҳоят, эронлик Хусайн Рустам паҳлавонни оёғидан қоқиб ўтқазиб қўяди. Бундай кураш амалини кўрмаган эл қоидага хилоф иш қилинди, деб ҳисобга олишмайди. Лекин Рустамнинг оёғи қаттиқ шикастланади ва тўпиғини қаттиқ боғлаб, яна қайтадан курашга чиқади. Бир оз ўтгандан сўнг Рустам Хусайн паҳлавонни кўтариб уради. Рустам паҳлавон ҳам ўзини тута олмай қаттиқ ташлаши оқибатида эронлик паҳлавоннинг белига шикаст етади. Рустам уни энг яхши табибларга кўрсатиб даволатади. Шундан сўнг Рустам ва Хусайн қалин дўст бўлиб қолади. Хусайн Рустам паҳлавонни Эронга таклиф қилади. У Эрон юртларига ҳам бориб олишиб келганлиги ҳақида ўша пайтларда овоза бўлган экан. Рустам паҳлавоннинг энг сўнги кураши Чимкентда бўлган, у бир неча паҳлавонни ютиб, кейин бир қозоқ паҳлавонига ютқазиб қайтади.

Биз ҳикоя қилган Рустам полвон ҳақида қўқонлик Тўппонча полвон 1970 йилда Тухфат Одиловга сўзлаб беради. Лекин Тухфат Одилов давр тақозоси билан 1985 йилда чоп этилган «Ўзбек полвонлари» китобида Тўппонча полвон — Шокир Қурбоновнинг ўзини тилга олиш билан чекланади. Маълум бўлишича, Шокир Қурбонов тириклик пайтида одамларга Рустам полвон тўғрисида кўп воқеаларни гапириб берган. Унинг айтишича, бир дўстининг қайнотаси Рустам полвонни ўз кўзи билан кўрган. У Рустам полвоннинг жуда йирик, новчадан келган одам эканлигини, ҳатто унинг Қўқондаги танишларидан кимга ўхшашини ҳам айтиб берган. У кўп йиғинларда полвонлик ўйинларини кўрсатиб, сўнг кураш тушган экан. Кейин Рустам полвон Чимкентда ютқазиб қўйгач, курашмай қўйган.

Камина бу эшитганларимни бир неча йил ёзишга ботина олмадим. Сабаби, бу полвон ҳақидаги маълумотлар тасдиқлансагина, ёзишга қарор қилдим. У ҳақда кўпроқ билиш мақсадида бир қанча полвонлар, унинг курашини кўрган, эшитган одамларнинг суҳбатини тинглашга ҳаракат қилдим. Қўқондаги Ўлкашунослик музейининг илмий ходими Яҳёхон ака Дадабоев билан суҳбатда у киши Қўқон хонлиги тарихига оид манбалар одамлар қўлида бўлиши мумкинлигини айтди. Бел олиш кураш тўғрисида сўраганимда, ўзи кўрган ва билган бир неча полвонлар авлодлари ҳақида сўзлаб берди. Кейин қўшимча қилиб, собиқ иттифоқ даврида курашга унчалик эътибор берилмагани, ҳеч ким ўша даврлардаги курашлар ҳақида сўраб-суриштирмаганини ачиниш билан айтди. Унинг айтишича, агар бу ишлар бир неча йил олдин қилинганда, полвонлар ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўлар эканмиз.

Рустам полвон ҳақида узоқ йиллар Қўқондаги Муқимий номидаги боғ директори бўлиб ишлаган Мўйдинжон Абдуллаев шундай ҳикоя қилган эди: «Мен Шокир Қурбоновнинг кўп суҳбатларини тингланман ҳамда у киши билан кўп кураш сайилларида ҳам бирга бўлган-

миз. У киши Рустам полвон тўғрисида эшитганларини менга ҳам кўп гапирганлар.

Манбаларни излаш даврида Рустам полвон ҳақида тарихий ҳужжат топишга эришгандек бўлди. «Туркистон вилояти газети»нинг 1903 йилги сонларидан бирида шундай ёзилган: «1321 хижрий 12 асадда Чимкент шаҳрида Нуртой Мингбоши Бойбобой ўғли саройида бўлиб ўтмиш курашда Фарғона тарафдан келган Рустам исмли полвон Чимкент уездининг қозоғи Нурмуҳаммад полвон билан бел олишиб, мазкур қозоқни кўтариб ерга урган ҳолда қозоқ полвони беҳуш бўлиб қолди. 14 асадда иккинчи дафъа чимкентлик ака-ука Мусамуҳаммад ва Дадамухаммад новвой ўғилларини ҳам йиқитди. Тўртинчи дафъа Сайрам шаҳрида Мўмин Қўнишбой ўғли мазкур Рустам билан хат қилишиб, бел тутмоққа шартнома қилиб, тайин қилган кунига келиб кураш тушдилар. Шу кун томошага ҳаддан зиёд одам йиғилибдурлар ва жаноби пристав, ҳам бир неча тўралар ҳозир эдилар. Одамларнинг кўплигидан чипта ҳам етишмай қолиб, соат ўн бирда улар бел олишиб, бир-бирига зўр-бозўрларини кўрсатиб, охири Мўмин Қўнишбой Рустам полвонни қаддирос кўтариб, чунон ерга урди — томошахонага жам бўлган халойиқ офарин деб, бир неча одамлар тўн ва бир неча одамлар танга бериб мажлис бузилди. Мен фақир, ушбу тамошада ҳозир эрдим, бул воқеани батафсил ёздим», дейди томошани ўз кўзи билан кўрган киши.¹

Тарихий ҳикоямиз қаҳрамони Рустам полвоннинг бел олиши 1903 йил, 45 ёшида ана шундай яқунланди...²

Эслатма: Муаллиф Н. Азизовнинг 2006 йил 19 январда «Тошкент ҳафтанома»да босилган ҳикоясидаги Рустам Аброр ўғли Мавлон ўғли деб ўқилиши керак. Бу хатолик учун муаллиф ўқувчилардан узр сўрайди.

* * *

Кўқон шаҳридаги Фиштли мачити гузарида, 1906 йилида туғилиб, кейинчалик Кўқон шаҳрида Худоёрхон аркининг ёнгинасида Яланғочота маҳалласида яшаб, 1980 йилда оламдан ўтган Шокир Қурбонов (лақаби — Тўппонча) деган паҳлавон бўлган. Тўппонча лақабини олишига сабаб, у ўзи билан бел олишадиган рақибларни жуда тез кўтариб ерга урган (8-расм).

Кўқонда Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган сайилда унинг кучга тўлган пайти бўлиб, бир қанча таниқли паҳлавонларни енгиб, ана шу лақабни олади. Шокир Қурбонов сайилнинг биринчи куни марғилонлик бир қанча таниқли полвонларни йиқитиб, номи овоза бўлиб кетади. Иккинчи куни Хўжанддан келган бир неча паҳлавонларни йиқитади.

Учинчи куни ҳам у билан курашишга талабгор бўлиб чиққан паҳлавонларнинг ҳаммасини енгиб, халқнинг олқишига сазовор бўла-

¹ «Туркистон вилояти газетаси». 1903 й., 18 август. №32. Араб ёзувдан ағдариб оққа кўчирувчи Раҳимжон Файзуллаев.

² Н.Азизов. «Кўқонлик Рустам паҳлавон», «Тошкент ҳафтанома» 3(590), 2006.



8-расм. Кўқонлик Шокир Курбонов (Тўппонча полвон) (1906—1980).

ди. У курашга чиқиб, белбоғдан ушлаган заҳотиёқ рақибларини қайтарма қилиб ёки айлантириб йиқитади. Унинг елкасини ерга теккизиш учун ҳатто Жалолобод, Лайлақдан (Қирғизистондан) ҳам бир нечта таниқли паҳлавонлар келишади. Охири Шокир (Тўппонча) паҳлавон билан курашишга вазни оғирроқ хўжандлик Собир паҳлавон талабгор бўлиб чиқади. У белбоғдан ушлаган пайтда Шокир полвон кўринмай ҳам қолади. Холислар курашни бошлайдилар.

Энди ҳамманинг диққати уларнинг бел олишувига қаратилади. Улар бир оз олишгандан сўнг, Собир паҳлавон уни бир силтаб кўтариб, бир неча бор айлантириб ерга ташлайди. Одамларнинг ҳайқириғи бир зумда сўнади, Тўппонча паҳлавон оёғи билан тушади. Собир паҳлавоннинг вазн жиҳатдан ҳам, куч жиҳатдан ҳам устунлиғи сезилиб қолади. Кўп ҳаракатлар қилган Собир паҳлавон бир неча маротаба кўтариб ташлашига қарамай, Шокир полвон (Тўппонча) ҳаргал оёққа ҳимояда тушади. Охири Собир паҳлавон чарчаганда, одамлар ҳайқириғи бошланади. Шокир паҳлавон ана шу ҳайқириқлар остида рақибининг оёғини осмондан қилиб ташлайди. Унинг ҳамюртлари бу бел олиш курашини узоқ йиллар гапириб юришади. Чунки ўша бир ой давомида бўлиб ўтган сайил курашида у йигирма тўққиз паҳлавонни енгади. Шокир Курбонов ҳаётида шунга ўхшаш воқеалар кўп бўлган. У айна кучга тўлган пайтда, кунлардан бир куни, у яшаб турган Яланғочота маҳалласидан оқиб ўтадиган ариқнинг бўйида бир катта қутурган ит туриб олиб, бир-икки одамни тишлаб ҳам олади. Ит одамларни икки томонга ҳам ўтказмас эди. Шу пайт қаердандир Тўппонча паҳлавон (Шокир Курбонов) келиб қолади. У итнинг олдида бориб ҳайдамоқчи бўлади. Шунда қутурган ит кутилмаганда унга ташланади. У ит билан жон-жаҳди билан олиша кетади, ниҳоят, итни бўғиб ўлдиради.

Шокир Курбонов 60 ёшгача тўй-сайилларда бел олиш кураш бўйича машҳур бўлган. Атрофдаги Ўратепа, Чорбоғ, Лайлақ, Хўжанд, Марғилон, Бағдод, Ёзёвон, Ўш, Жалолобод, Қорасув, Новқат, бу ёғи Тошкентгача бориб курашади. Ҳаттоки, Йўлдош Охунбобоев ҳам уни бел олиш кураш орқали таниган ва жуда ҳам ҳурмат қилган. Шокир Курбонов 1939 йилларда Катта Фарғона канали қурилишида ҳам қатнашади. Таниқли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романида Тўппонча полвоннинг номи тилга олинган.

Мустақиллик йилларида Кўқон шаҳрининг Муқимий номидаги боғи ёнидаги Яланғочота маҳалласидаги марҳум Шокир Курбонов (Тўппонча паҳлавон) хонадонидан бўлди. У кишининг умр йўлдошлари Курбонова Эзолат опа билан бир оз суҳбатлашганимиздан сўнг, ўғилларини чақиртириб келишди. Шокир отанинг тўрт ўғил, тўрт қизлари бўлиб, Назирахон, Лобархон, Муборакхонлар оламдан ўтишган экан. Ўғиллари Шарифжон, Шухратжон, Шавкатжон, Одилжон ва қизлари Анорхонлар ҳозир ҳаёт бўлиб, Шокир отанинг бел олиш

курашлари ҳақида кўп эшитишган. Ана шу ерда бир қизиқ воқеани эсга оламиз. Шокир ота роса кучга тўлган пайтда, 1933 йилда бир паҳлавоннинг таърифини эшитиб, Жалолободга сайл курашига боради. У паҳлавоннинг исми Шариф қирғиз бўлиб, ҳеч кимга ютқазмаган экан. Шу сайлда кўқонлик Шокир тўппонча Шариф полвон билан курашишга талабгор бўлиб чиқади. Улар узоқ беллашиб, охири Шокир полвон уни кўтариб уради. Шу мағлубиятни тан олган Шариф паҳлавон Шокир полвон билан қалин дўст бўлиб қолади. Шу дўстлик сабаб Шокир (тўппонча) катта ўғлига Шариф деб исм қўяди. Ана шу паҳлавоннинг уйида Шокир паҳлавон 1975 йилда ўз ўғли Шарифжон билан меҳмон бўлади. Шу ерда Шарифжон отасининг қандай паҳлавон бўлганлиги ҳақидаги бир қанча ҳикояларни тинглайди. Шарифжон отаси ёнида кўп юриб анча воқеаларни эшитган, отаси бел олиш курашларига бориб кўплаб совринлар олиб келганининг гувоҳи бўлган.

У кўплаб полвонларга устозлик қилади.

Биз Шокир Қурбонов ҳақида кўплаб ҳикоялар тинглашга муваффақ бўлдик. Уларнинг ҳар бири ўзича бир тарихдир.

Ана шу жойда кўқонлик машҳур бел олиш кураш паҳлавони Шокир Қурбонов ҳақидаги ҳикоямизга яқун ясаймиз.¹

Яна бир кўқонлик полвонлар сулоласи ҳақида

Кўқон шаҳар кўчаларидан бирида, аниқроғи Меҳнатобод кўчасида Қурбон исмли паҳлавон яшаган. У киши Кўқон шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлардаги тўй-сайилларда бел олиш курашида қойилмақом қилиб курашган. Унинг бир амали бўлган — рақибни кўтариб олиб айлантириб урган. Кўқонда яшовчи кекса нуронийлар унинг бел олиш курашини кўп эслаб гапириб юришган. Қурбон паҳлавон бел олиш кураш билан кўп йиллар шуғулланмаган бўлса ҳам, бир неча йилда ҳамманинг эсида қоладиган қилиб курашган.

У баланд бўйли, кенг келбатли, буғдойранг киши бўлган. Асли бинокор бўлган Қурбон ака ўз касбини жуда яхши кўрган, бироқ турмуш муаммолари сабаб курашни узоқ давом эттира олмаган. Қурбон аканинг бундай кучли бўлишига сабаб, у кишининг оталари Машарифбой ҳам жуда бақувват, кучли паҳлавонлардан бўлган. Инқилобдан олдин Кўқон шаҳар паҳлавонлари ичида оғир вазни курашчилардан бири бўлган. У киши зиёратгоҳ қадамжоларни бориб кўришни хуш кўрган, ҳамиша борган жойларида кўпинча воқеалар бел олиш кураш билан яқунланган.

Кунларнинг бирида у Хўжанд шаҳрига дўстлари билан бориб зиёратгоҳ жойларни томоша қилиб юрса, бир жойдан карнай-сурнай овозини эшитиб қолибди. Бориб қарашса, бир бой тўй қилиб курашхонага халқни жалб қилиш учун карнай-сурнай чалдираётган экан. Ҳали кураш бошланмаган экан. У яна ўз саёҳатини давом эттиргани ўз дўстлари билан кетибди. Икки-уч соат зиёрат қилишгандан кейин Машарифбойнинг дўстларидан Холиқ ундан: «Нега бел олиш курашига қолгинг келмади?» — деб сўрабди. Шунда Машариф: «Биз сизлар

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.

билан Хўжандга зиёратга келган бўлсак, унинг устига бу курашдан хабарим йўқ эди, — деб жавоб қилибди. Шунда унинг яна бир дўсти Абдувосит киноя билан: «Юрагим бетламади, деб қўя қол», — дебди. Бу гап Машарифга қаттиқ тегибди. Юринглар бўлмаса, бел олишганим бўлсин, деб ўша Хўжанддаги тўй курашига равона бўлибди. Боришса, одам лик тўла эмиш, Қўқон шаҳридан келган паҳлавонлар ҳам ҳаммаси ютқазиб, нима қиларини билмай ўтирган экан, Машарифни кўриб дарҳол унинг олдига келишибди. «Сизни шу тўйга йўқлаган эдилар, борсалар сиз йўқ экансиз, ўзимиз келган эдик», дейишибди. Шунда Машарифбой бир ҳафтадан буён шу ерда эканлигини, бу ерга дўсти Абдувоситнинг қистови билан келганини айтибди. Шундай қилиб, давранинг энг зўри, Хўжанд шаҳри чеккасидаги қишлоқдан Абдусалом паҳлавон ҳаммани енгибди, ўртани олиб борувчи холислардан бири овоза қилибди: «Мана бизнинг бел олиш курашимизга Қўқон шаҳрининг забардаст паҳлавони Машарифбой ташриф буюрдилар. Кимда ким у киши билан курашишга талабгор бўлса, чиқсин», дейди. Шунда таниқли Самад паҳлавон курашиш учун ўртага чиқади. Холислар бел олиш курашини бошлаган заҳотиёқ Машарифбой бир кифтлаб уни айлантириб уради. Буни кўрган халойиқ офаринлар айтади. Сўнг яна бир полвон чиқади, Машариф паҳлавон у билан ҳам бир оз бел олишиб, тиззага миндириб ташлайди. Томошабинларнинг Машарифбойга яна ҳам ихлослари ортиб кетади. Ниҳоят, холислар унинг давранинг зўри Абдусалом билан курашини эълон қилишади. Шундан сўнг ҳар икки паҳлавон бел тутиб курашни бошлабдилар. Кураш авжига чиқиб, дам Машариф, дам Абдусалом бир-бирини кўтариб уришга ҳаракат қилибди. Ҳар иккиси ҳар хил амаллар билан бир-бирини кўтариб ташлабди, лекин улар ўзларини ҳимоя қилиб оёқда тушибдилар. Уларнинг бел олиши жуда узоқ чўзилиб, охири Машариф кўтариб ташлаб юборган экан, ҳар иккиси ҳам ёнга йиқилибди. Холислар келишиб, бел олиш кураш ҳадисларига амал қилиб, ҳар иккиси бир елкага баравар йиқилди, деб қайтадан беллашишни буюришибди. Улар яна курашни бошлашибди, энди бу сафар Абдусалом кўтариб ташлаган экан, яна ҳар иккиси ён елкаларига баравар йиқилишибди. Холислар яна қайтадан бел олишишни буюришибди, Машарифбой эса кураш одобига риоя қилиб, шундай дебди: «Мусулмонлар, менинг бу ерга ташрифим тасодиф, Хўжанд шаҳрига зиёратга келганман. Абдусалом бу ердаги бел олишчиларнинг ҳаммасини енгди, шунинг учун бош совринни унга беринглар». Кураш ҳадиси одобини пухта ўрганган Машарифбойга офаринлар дейишибди. Шундай қилиб, бош соврин — катта от ва бош-оёқ сарпони Абдусаломга Машарифбойнинг ўзи ҳадя этибди. Ўз навбатида Машарифбойга ҳам бош-оёқ сарпо беришибди. Кураш тугагач, Абдусалом Машарифбойнинг олдига келиб: «Сиз менга устоздек бўлиб қолдингиз, бир дуо қилинг», дебди. Машарифбой ёш Абдусаломни дуо қилиб, дўстлари билан Қўқонга равона бўлибди. Машарифбой ҳақиқатдан зўр паҳлавонлардан бўлиб, у ҳақида кам ёзилган. Мана шу ерда Машарифбой ҳақидаги бир расмий-тарихий ҳужжатга эътиборингизни қаратамиз. «Ўзбекистон санъати» журналининг 1981 йилдаги 6-сонида босилган мақолада шундай дейилган:

«Машарифбой жуда бақувват, паҳлавон одам экан. Инқилобдан олдин бир неча дўстлари билан ҳинд юртига саёҳатга бораётганда Афғонистонда тўхташибди. Чегарадан ўтиш шартларига мувофиқ саволларга жавоб бериш керак экан. Саволга жавоб бера олмаганлар бир неча ой текинга подшолик фойдасига ишлаб берар, агар бирор ҳунари бўлса, шуни кўрсатиб ўтиларкан. Бахтга қарши унинг ҳамроҳлари шартни бажара олмабди. Машарифбой паҳлавон дўстларини қутқариш учун амирнинг барзанги хабаши полвони билан бел олишибди. Бу бел олишда қўқонлик паҳлавон ғолиб бўлиб, дўстларини бандиликдан халос этган экан. Шу ерда Машарифбой ҳақидаги тарихий ҳикоямизга яқун ясаймиз.¹

* * *

Ўрта Осиё тарихида тош кўтариш, улоқтириш ўйинлари манбаларда кўп учрайди. Ўрта Осиё миллатлари ичида ўзбеклар ҳам бу жисмоний тарбия тури билан қадимдан шуғулланиб келадилар. Кураш ҳадисида айтилишича, тош кўтарувчиларга нисбатан кўпроқ полвон иборасининг ишлатилиши тўғридир. Бел олиш курашчиларини эса паҳлавонлар дейлиб келинган. Кекса тош кўтарувчиларнинг айтишларича, оғир юкларни қийналмай осон кўтара оладиган кишиларни полвон деб тушунишган. Лекин полвон билан паҳлавон атамаларининг маъноси солиштирилса, уларни бир-биридан фарқ қилиш қийин эмас (9-расм).

Ўрта Осиё тарихида шундай тош кўтарувчи полвонлар ўтганки, уларнинг маҳоратларини паҳлавонлар эгаллай олмаган. Ўз навбатида, кучли паҳлавонлар амалиётига тош кўтарувчи полвонлар бардош бера олмаганлар. Лекин баъзи манбаларда полвон сўзини Кураш ҳадисини яхши билган кексалар шундай таърифлайдилар: «Ҳам оғир юкларни



9-расм. Қўқонлик тошполвон Тўланбой Қурбанов.

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.

кўтариб, ҳам паҳлавонлик амалларини бажарганларни полвон деб юритиш тўғридир. Агар фақат йиқитишни ўзига касб қилиб олинса, ундайларни паҳлавон дейиш тўғридир».

Собиқ иттифоқ даврида кураш турларига қисман эътибор берилган бўлса-да, тош кўтарувчи полвонларга деярли эътибор қаратилмади. Уларнинг полвонликлари норасмий сайил, тўйлардагина намойиш этилди. Тош кўтаришнинг ҳам нозик қирралари кўпки, у ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ана шундай тош кўтарувчи полвонларимиздан Тўланбой Қурбонов, аждодлари каби паҳлавонликни эмас, тош кўтариш ҳунарини танлади. У ҳикоямиз бошидаги қаҳрамонимиз Қурбон паҳлавоннинг ўғли, Машарифбойнинг невараси Тўланбой Қурбоновдир. Тўланбойнинг отаси ҳам, волидаси Ўғилой опа ҳам полвонлар экан. 1956 йилда Тўланбой Қурбонов Николай Жеребцов билан танишади. Устозидан оқ фотиҳа олиб, ўз атрофига шогирд тўплаб, томошалар кўрсата бошлайди. Республикамизда ва Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон томошабинлари Т. Қурбоновнинг оғирлиги 450 кг юкни, ўрта ҳисобда 500 кг келадиган етти кишини бир йўла кўтарганини, оғирлиги 200 кг дан ортиқ тирик бузоқни бўйнига миндирганини кўриб ҳайрон қолишган. 1959 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашиш паҳлавоннинг ҳаётидаги унутилмас воқеа бўлди. Декаданинг очилиш маросимида полвон атоқли санъаткор Юсуфжон қизиқ Шакаржонов гувоҳлигида ҳукуматимиз раҳбарига нон-туз олиб чиқади. Тўланбой Қурбонов кўтариб чиққан мис баркашдаги узум, анжир, қовун-тарвуз, олма, шафтоли, писта-бодом, хуллас, республикада етиштирилган мева-чеваларнинг оғирлиги 80 кг эди. У қаерда бўлмасин, меҳрибон устози, машҳур паҳлавон Иван Поддубнийнинг шогирди Н.Жеребцов маслаҳатларига риоя қилди, унинг ҳунаrlарини ўрганди. Томошабинлар кўз олдида «Москвич», «Волга» автомашиналарини кўтарди. Ўн нафар одам тушган аравани тиши билан тортди, 16 дона икки пудли қадоқ тошларни кўтарди. Бу машқларни кўпгина мухлислар ҳали ҳам эслашади. Озарбайжонлик полвон Эльбрус Нажабовнинг куч синаш ўйинларини республика томошабинлари ҳали унутгани йўқ. Тўланбой Қурбонов бу полвон билан ака-ука тутинган эди. У билан гастролда бўлган ва Э.Нажабовдан ҳам полвонлик сирларини ўрганган. Т. Қурбонов полвонлар ҳақида шундай дейди:

«Полвон бўлишга кўпчилик қизиқади, лекин ҳамма ҳам уддалай олмайди. Менинг ҳам шогирдларим кўп, жами 20 дан ортиқ. Полвонликда кўп нарса куч ва машаққатли меҳнатга боғлиқ. Куч бўлса, машқнинг бўлса, оғирликни кўтариш усулини билмасанг, бу ҳам чатоқ, — дейди полвон. — Бузоқни елкамда кўтариш учун уни туғилганидан бошлаб юқорига кўтариб, пастга туширишни машқ қилганман. Натижада, вазни 200 кг дан ошса ҳам елкамга олиб, ерга қўядиган бўлдим».

Биз 58—60-йилларда доврўғ таратган машҳур ўзбек цирки полвони Тўланбой Қурбонов (1928) ҳақида ҳикоя қилдик. Унинг кўрсатган ўйинлари балки бугун унчалик яхши натижа эмасдир. Лекин у киши полвонлик сирларини ёшларга ўргатган биринчи устозлардан ҳисобла-

нади. У кишининг хонадонларига мустақиллик йилларининг дастлабки кунларида кўп ташриф буюрдим. Бел олиш бўйича курашган аждодлари ҳақида ҳикоялар ёзишга ҳаракат қилдим.

Тўланбой Қурбонов ҳозир ҳаёт. Кўқон шаҳридаги Меҳнатобод кўчасининг 2-хонадонда истиқомат қиладилар. 4 ўғил 3 қизнинг отаси. Тўланбой Қурбонов Туркистоннинг машҳур полвони Аҳмад Топилбой ўғли суратининг асл нусхасини ёзувчи Тўлқин Обидовга совға қилган экан. У кишига нима учун бел олиш курашини эмас, тош кўтаришни танладингиз, деганимизда шундай дедилар: «Менинг аждодларим бел олиш кураш билан танилган, лекин мен тош кўтариш санъатини танладим. Курашга келсак, мен ёшлигимда ҳаракат қилиб кўрдим, куч-қувват бўлгани билан бу етарли эмас экан. Шунинг учун менинг маслаҳатим — паҳлавонлар паҳлавонлигини қилсин. Паҳлавонман деб полвонлар ичида юриш бефойда. Шунингдек, полвонлар ҳам полвонлар билан юргани яхши. Полвонман, деб паҳлавонлар ичида юриши уларга ҳам бефойда. Мен тош кўтаришда ҳам, курашда ҳам зўр полвонларни эшитганман, лекин уларнинг бу хунарлари бир-бирига зид бўлган. Шунинг учун у полвонлар икковини кўшиб олиб бормаган. Бир кун тош ўйнаса, ўша куни курашмаган. Тош ўйнаб курашганлари ҳам ҳамма имкониятини кўрсатмай, кейин бел олишган. Лекин дostonларда машҳур одамларни ҳар томонлама — ҳам полвон, ҳам паҳлавон қилиб тасвирланади. Ана шундай қаҳрамонлар умумий манода полвон деб кўрсатилган. Шундай бўлса ҳам бундай одамларга тасаннолар айтаман».

Ҳақиқатан, Тўланбой Қурбоновнинг бундай қарашлари илмий жиҳатдан тўғри. Чунки Кураш ҳадисиде айтилишича «Тош кўтариш полвоннинг иши бўлиб, ишнинг натижаси унинг полвонлигини белгилайди. Паҳлавонларнинг куч-қувватини эса бел олишда қўлланилган амалининг натижасига қараб белгиланади.» Тўланбой Қурбоновга, нима сабабдан ҳеч қайси фарзандингиз ё паҳлавон, ёки полвон бўлмади? — деб савол берганимда: «Шогирдларимдан бири Мелиқўзиев Муроджон тош кўтариш билан бирга классик ва бел олиш кураш билан мунтазам шуғулланди. Шу курашлар орқасидан кўп жойларга борди. Ана шу шогирдимнинг ютуқларида менинг ҳам ҳиссам бор. Аждодингда полвон ёки паҳлавон бўлса, ўз фарзандларингдан бўлмаса ҳам яқинларингдан чиқар экан. Таэквондо бўйича жаҳон чемпиони Пўлат Усмонов менга жиян, унда аждодларимиз қони бор. У мени кўргани тез-тез келиб туради», — деб кулиб қўяди. Сухбатимиз якунида 1958—1960 йилларда мамлакатимизнинг марказий газета ва журналларида номи тез-тез зикр этилган Тўланбой Қурбоновдан тош кўтарувчи полвонларга нима сабабдан етарли аҳамият берилмагани ҳақида сўраганимизда у киши шундай жавоб берди: «Мен ўша даврларда Ўзбекистон циркида қўлимдан келганича хизмат қилдим. Лекин ҳеч қандай унвонга эга эмасман» дейди. Ҳақиқатан шундай, ўша даврда полвонларга ҳеч қандай унвон берилмаган. Нафақат полвонларга, ҳатто дорбозлар, кўзбўямачилар, масхарабозлар, аскиячиларга ҳам ҳеч қандай унвонлар берилмаган. Бағдодлик машҳур дорбоз, масхара-

боз, кўзбўямачи, кўплаб дорбоз шогирдлар тайёрлаган Ҳошим дорбоз Қодиров ҳам яқин йилларда бошқалар сингари армон билан оламдан ўтиб кетди. Ана шу ерда қўқонлик машҳур полвон Тўланбой Қурбонов ҳақидаги ҳикояга якун ясаймиз.¹

* * *

Паркентлик Абдурахмон (1868) паҳлавон 1920 йилларда донг таратган. У Паркент туманининг сўлим гўшаси – Сўқоқ қишлоғида умргузаронлик қилган. Жуда кучли бўлган. Абдурахмон полвон бел олиш курашларига доим бир ўзи отда келар экан ва сайилда ҳаммани ютиб, кейин, мен билан беллашадиган йўқми, дер экан, ҳеч ким талабгор бўлмагач, бўлмаса менга жавоб, деб отга ўтириб кетаверар экан. У кетганидан кейин яна бел олиш кураш давом этаверар экан. У ҳеч кимга талабгор бўлиб чиқмас экан. Фақат менга ким талабгор бўлса, чиқсин, дер экан. Уни Паркент яқинидаги паҳлавонларнинг ҳаммаси танир экан. Бир куни Паркентда катта кураш бўлиб, Фарғона, Андижон, Наманган, Хўжанд, Жалолобод, Лайлак, Ўратепадан полвонлар келишибди. Шу курашга Абдурахмон кечикиб келибди. Келса, бел олиш кураш охирлаб қолган экан. Дарҳол ўртага чиқиб, менга ким талабгор, дебди. Уни танимаган, узоқдан келган паҳлавонлардан бир нечтаси чиқибди. Улар билан курашиб, ҳаммасини йиқитибди. Ўша куни 15 паҳлавонни йиқитиб, яна ҳар сафаргидай отига ўтириб, жўнаб кетибди.

Абдурахмон полвоннинг бир одати бор экан. Агар рақиб ўта кучли бўлса, босиб тушишга ҳаракат қилар экан, кимни бир маротаба ютдим, қайтиб у билан бел олишмас экан. Унинг хотираси кучли бўлиб, 3 йил олдин йиқитган одамни уни қандай ютганигача адашмай айтиб берар экан. Охирги 3 маротаба сайилга келганда, ҳеч ким у билан бел олишмабди, шунда у ўртага чиқиб: «Мана, мен уч сафардан буён ўзимга талабгор сўраялман, талабгор бўлса, чиқсин», дебди. Ҳеч ким индамабди. Кейин у шундай дебди: «Мен кимни ютган бўлсам, бел олиш кураш ҳадисига биноан ютдим, сизлар мендан рози бўлинглар, мен энди курашга келмайман», деб халқдан дуо олиб, отига миниб кетган экан. Бу одам бел олиш курашини ташлаганидан кейин бир неча йиллар ўтиб, бир куни Паркент—Сўқоқ йўлларида Усмон Юсуповнинг машинаси лойга тиқилиб қолибди. Ҳайдовчи шунча ҳаракат қилса ҳам машинани чиқара олмабди. Шунда У.Юсупов машинадан тушиб тепаликка чиқиб қараса, бир отда шу Абдурахмон полвон келаётган экан. Усмон Юсупов бир қараб парво қилмабди. Абдурахмон машинанинг олдига келиб ҳайдовчидан машина бузилиб қолдими, деб сўрабди. Ҳайдовчи, бузилгани йўқ, лойга ботиб қолди, итариб чиқаргани одам йўқ, дебди. Шунда Абдурахмон полвон, машинага ўтир бўлмаса, дебди. Ҳайдовчи ҳайрон бўлиб қараб қолибди, у яна «қулоғингни том босганми», ўтир, машинага» дебди. Шунда

¹ Н.Азизов. «Танти одамнинг тожи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. №2(3831), 2006.

енгларини шимариб, Абдурахмон бир ўзи машинани кўтариб лойдан чиқариб юборибди. Унинг бу қилган ишини тепадан кузатиб турган Усмон Юсуповга полвон: «Эй олифта, пастга тушиб ёрдам берсанг бўлмайдеми», деган экан. Бу гапларни эшитган Усмон Юсупов пастга тушиб ҳайдовчига ўзининг кимлигини айтиб қўймаслигини айтади, сўнгра «Ассалому алайкум отахон, бу қилган ишингиз билан мени лол қолдирдингиз. Мен бўлса сизни қийнамай, биронта ёшроқ одам ўтиб қолармикин, деган эдим. Отахон, сиз қаерда яшайсиз, кимсиз, дебди. «Менинг исмим Абдурахмон, шу Сўқоқ қишлоғида тураман, бир вақтлар бел олиш кураш бўйича паҳлавон бўлганман» дебди. Шунда У. Юсупов бир қоғозга хат ёзиб, шуни туман биринчи секретарига бериб қўйинг, деб илтимос қилибди. Абдурахмон жуда ҳалол инсон бўлган экан. У хатда нима ёзилганидан ҳам беҳабар экан. Эртаси куни хатни Паркент тумани биринчи секретарига олиб бориб берибди. Хатда шундай деб ёзилган экан: «Ушбу хатни олиб борувчи Абдурахмон полвонни турар жой солиқларидан озод этинг. Шу инсоннинг оилавий шароитидан хабардор бўлиб туринг». Бу хатни ўқиган секретар саросимага тушиб, нима бўлди ўзи, бирор нима дедингизми у кишига, деб кўрқиб кетибди. Секретар, хатни сизга ким берганини биласизми, деб Абдурахмондан сўраган экан, у: «Ким билади дейсиз, кеча Тошкентдан келган шляпа кийган хўжайин берди», дебди. Кейин Абдурахмон бўлган воқеанинг ҳаммасини гапириб берибди. Шундан кейин секретар бир оз тинчланибди ва Абдурахмонга: «У киши Ўзбекистон Марказий комитети секретари Усмон Юсупов» деганда, у, эй эссиз, мен ўзимни камтар десам, у киши мендан ҳам камтар эканда, дебди.

Мана шу ҳикоя қилинган Паркент туманида ҳали ҳам катта бел олиш курашлари ўтказилиб келинади. Биз баён қилган бу воқеани Тўланбой Курбоновга қўйликлик имом 1960 йилларда ҳикоя қилиб берган экан. Ўша воқеа 1938 йилда содир бўлган, у пайтда Абдурахмон паҳлавон 70 ёшларда бўлган экан.¹

Пскентлик Дўст (1867—1935) паҳлавон ҳақида

Ўзбеклар бошқа миллий ўйинлар қатори Бел олиш курашига қадимдан эътибор берган миллатлардан ҳисобланади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Дўст паҳлавон 1867 йил Пскент туманидаги Култепа қишлоғининг Қўрғонча маҳалласида туғилган. Дўст паҳлавоннинг отаси қассоб бўлган. Ўзи ҳам шу касбни эгаллайди. Дўст ёшлигидан зийрак, бақувват ва дуркун бўлиб ўсди. У саккиз ёшидан эски мактабга ўқишга борди. Отаси уни ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ўқитиб, саводли қилиб тарбиялади. Дўстнинг Ортиқ исмли акаси ва Мавлон исмли укаси бўлган. Ўз навбатида оталари Ортиқ ва Мавлонни ҳам ўқитди. Уларнинг ўз томорқалари ҳам бўлиб, экинларга кўпроқ акаси Ортиқ ва укаси Мавлон ҳам қарар эди. Деҳқончилик билан шуғулланган акаси ўша даврлардаги бел олиш кураш, ҳар хил

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.



10-расм. Пскентлик Дўст паҳлавон (1867—1935).

томошалардан қолмас эди. Ўшанда Ортиқ 15 ёш, укаси Дўст 12 ёш, энг кичиги Мавлон 10 ёш бўлиб, ҳаммасидан Дўстнинг гавдаси йўғон эди. Болаликда бел олишга қизиққан Ортиқ укаларини ҳам кураш мусобақаларига олиб борар эди. Ўзи ютқазганларга укаси Дўстни курашга солар ва у галаба қозонарди. Болалик чоғларида курашга унча қизиқмаган Дўст акаси Ортиқнинг қистови билан бел олиш курашига қаттиқ берилиб кетади. У 16 ёшга етганда, секин-аста катта паҳлавонлар билан ҳам курашадиган бўлиб қолади. Унга кураш сирларини акаси Ортиқ ўргата бошлайди ва секин-аста кўшни қиш-

лоқларда ўтадиган бел олиш курашларига ҳам олиб борадиган бўлади. Ўша даврларда шундай одат бўлган экан, ўспирин болалар ўзлари келишиб олиб навбатма-навбат қишлоқларга бориб, бир-бири билан бел олишганда, томошабинлар кўпайиб кетар экан. Курашларда мана бу фалончи қишлоқдан фалончининг ўғли деб курашга туширилар экан. Голиб бўлган полвонни мана бу фалончининг ўғли, давранинг зўри бўлди, деб овоза қилар эканлар. Болаликдан бел олишиб борган Дўст 19 ёшга кирганда таниқли паҳлавон бўлиб етишади. Бир куни шундай воқеа бўлибди. Кўшни Тожикистон қишлоқларидан бирида катта сайил бўлибди. У пайтларда сайиллар ҳафталаб ёки ойлаб давом этар экан. Шу сайиллардан бирига Ортиқ укаси Мавлон билан бел олишга бориб, Дўст отасининг дўконида қолибди. Ўша куни уларнинг оталари Тошкентга юмуш билан кетган экан. Акаси ўша пайтда сайилга бориб қараса, паҳлавонлар жуда ҳам узоқлардан келган экан. Бир қирғиз Алимқул деган полвон бир неча одамни йиқитибди. Яна бир тожик полвони Шермат ҳаммани чирпирак қилиб урибди. Ортиқ ўзи билан тенгқур паҳлавонлардан тўрттасини ютгач, Алимқулга рўпара келибди. У билан борган кексалар ҳали Ортиқ ёш, чиқмайди деса ҳам, унинг ўзи беллашаман, деб туриб олибди. Қирғиз паҳлавони Алимқул Ортиқни шунақанги айлантириб урибдики, ўрнидан зўрга турибди. Ортиққа жуда алам қилибди.

Кураш қизиб бориб, улар ҳаммани ютиб, охири Шермат билан Алимқул қолибди. Шермат паҳлавон Исфара томондан келган экан, Алимқул эса Қирғизистоннинг бир тоғли қишлоғидан экан. Шермат паҳлавоннинг вазни Алимқулникидан оғир экан. Ортиқ аламзада бўлгани учун Шермат паҳлавоннинг тарафдори бўлиб, унинг ютишини жуда хоҳлабди. Шундай қилиб, улар ўртасида бел олиш кураш бошланибди. Ҳамманинг эътибори шу икки паҳлавонда экан. Улар жуда ҳам пишиқ экан, бир оз курашгандан кейин, пайт пойлаб Алимқул рақибини ўнг оёқ билан кўтариб ташлабди. Шермат паҳлавон оёғида тушибди, кейин у рақибини чап оёғи билан кўтариб ташлабди, Алимқул ҳам оёқда тушибди. Ҳамма: «Офарин, қойил, барака топинглар» деб юборибди. Яна курашни давом эттиришибди, улар бири қўйиб, бири оёқларини узиб ташлашар, лекин ҳар сафар

оёқда тушаверишар экан. Охири Алимқул чап оёғида баландроқ кўтариб ташлаган экан, шу ҳаракатини пойлаб турган Шермат паҳлавон оёғида тушибоқ, рақибини ўнг елка томон қаттиқ тортиб чалақайтарма амалида кўтариб ташлабди. Алимқулнинг ҳар икки оёғи осмондан бўлиб йиқилибди. Одамлар орсиди қий-чув бўлиб, офарин, баракалла Шермат, деб юборишибди. Шундай қилиб, давранинг зўри Шермат паҳлавон бўлибди. Шу бел олишдан сўнг Ортиқ Шермат паҳлавоннинг олдига бориб салом-алик қилиб, сўнг дардини баён қилибди. Шермат паҳлавон Ортиқни дарров таниб, нимага Алимқул билан курашга чиқдингиз, дебди. Ортиқ уялиб, ўзимни бир синаб кўрдимда, дебди. Шунда Шермат паҳлавон: «Алимқул жуда катта паҳлавон, у қирғизларнинг узоқ тоғли қишлоғининг сут-қаймоғи, қазисини еб катта бўлган. Уларнинг аждоди паҳлавонлар ўтган. Мен у билан 3 маротаба курашдим. Биринчи маротаба унга қишлоғида ютқазганман, кейин Ўратепада ажрашиб кетганман. Энди мен зафар кучдим, дебди. Бу гапларни эшитган Ортиқ шундай катта паҳлавондан ютқазганига кўнгли таскин топибди.

Шунда Ортиқ Шермат паҳлавонга, менинг бир укам бор, шуни шогирдликка олинг, дебди. Шермат паҳлавон кулиб, шогирдликка бордош бера олармикин, дебди. Албатта, у жуда чидамли, дебди. Мен ҳали шу ерда бир ҳафта бўламан, укангизни бир кўрай, агар кўнса ўзим билан бир-икки ойга олиб кетаман. У отларимга қараб юрса бас, ўзим кураш сирларини ўргатаман, дебди. Хурсанд бўлган Ортиқ ўша заҳотиёқ йўлга тушибди. Эртаси куни дадасига бўлган воқеаларни гапириб берибди. Унинг гапларини эшитган отаси ўзбошимча ўғлини койибди. Иккинчи бунақанги катта паҳлавонлар билан бел олишмасликни буюрибди. Шермат паҳлавоннинг таърифини эшитгач, унинг ўзи ўғли Дўстни шогирдликка олиб борган экан. Шундай қилиб, Дўст бел олиш кураш ҳадиси амалларини ўргангани Шермат паҳлавон билан бирга кетган экан. Шермат паҳлавоннинг ёнида Дўст бир неча ой қолиб кетади, ундан отда чопишни ҳам пухта ўрганади. Бел олиш амаллари сирларини пухта ўрганган Дўст ўз юртига қайтиб, катта бир сайилда номи чиққан паҳлавонларни ютиб, Дўст паҳлавон деган ном олади. Энди уни Чорбоғ, Хўжанд, Марғилон, Ўзган, Тошкентдаги сайил томошаларига тез-тез таклиф қилишадиган бўлади. Унинг бир ўзи Хўжанд, Ўратепа, Марғилон, Ўзгандаги тўй-томошаларда катта паҳлавонларни енгади. У тошкентлик Аҳмад Топилбой ўғли, қувалик Азимхўжа ва Мазаффар паҳлавонларга ўхшаш бўлган. Лекин Дўст паҳлавон кўпроқ четдаги тўй, сайил бел олиш курашларида голиб бўлган. Пскент тумани чекқасида Бобоғози Турктоғон бува мозори бўлиб, у жуда эски мозор ҳисобланади (11-расм). Айтишларича, ана шу мозорга кўплаб зиёратчилар ташриф буюришар экан. XIX асрнинг охирларида шу мозорнинг ёнгинаси катта сайил ва ҳар хил ўйинлар ўтказиладиган жой бўлган. Ана шу ерда 1897 йилда катта сайил кураши ўтказилади. Шу сайлға Марғилон, Хўжанд, Ўш, Жалолобод, Лайлак, Қўқон, Чимкент ва Тошкент вилоятининг бир қанча жойларидан паҳлавонлар келадилар. Бу пайтда Ортиқ паҳлавоннинг ёши 33 да, Мавлон паҳлавоннинг ёши 28 да, Дўст паҳлавоннинг ёши 30 да



11-расм. XIX аср охири. Пскент туманидаги Бобоғози Турктоғон мазори ёнидаги сайилгоҳдаги бел олиш кураш. 0-94343. Ўзбекистон давлат архиви.

бўлиб, вазни 140 кг, новча, гавдали бўлган экан. Укаси 90 кг, акаси эса 100 кг атрофида бўлган экан. Кураш жуда катта сайилга айланиб кетади. Ана шу сайилга Қўқондан сара паҳлавонлар келиб ҳаммани ютади. Дўст паҳлавоннинг укаси Мавлон тўрт паҳлавонни, акаси Ортиқ эса беш паҳлавонни йиқитиб, охири қўқонлик паҳлавонларга ютқзади. Шундан кейин Дўст паҳлавон қўқонлик бир паҳлавон билан бел олишиб, уни росмана кўтариб уради. Одамлар офарин, баракалла, деб юборишади. Сўнг яна бир қўқонлик паҳлавон чиқади. Дўст паҳлавон у пайтда жуда чиниққан, не-не паҳлавонларни доғда қолдирган эди. У кейинги паҳлавонни ҳам кўтариб айлантириб, қайтариб уради. Энг сўнгида ўзига ўхшаган вазни оғир Сабибулло паҳлавон билан курашади. У жуда ҳам кучли бўлиб, анча олишади. Дўст паҳлавон охири унинг белини қаттиқ сиқиши натижасида қўқонлик Сабибулло курашдан бош тортади.

Дўст паҳлавон 55 ёшигача бел олишиб курашган. У 1925 йилда курашни тўхтатиб, янги тузилган республиканинг жамоат ишларида фаол қатнашади. 1935 йилда 68 ёшида фожиали ҳалок бўлади. Дўст паҳлавондан 3 ўғил ва 1 қиз: Қўш полвон, Бой полвон, Ҳасанбой полвон ва Тиллахонлар қолган. Катта ўғли Қўш паҳлавон 1890—1973, иккинчи ўғли Бой паҳлавон 1894—1977, учинчи ўғли Ҳасан паҳлавон 1896—1956 йилларда яшаб ўтганлар. Ҳасан паҳлавоннинг ўғли Турғунбой ҳозир ҳаёт — 62 ёшида ҳам катта курашчи. Дўст паҳлавоннинг қизи Тиллахон Дўстова 1980 йилда оламдан ўтганлар. Улардан бир қиз, 4 ўғил қолган. Ўғиллари Фуломжон (1925 йилда туғилган), Қаримжон (1933 йилда туғилган), Эркинжон (1941 йилда туғилган), Ўқтамжон (1942 йилда туғилган) ва қизи Иноятхонларнинг ҳаммалари ҳаёт. Уларнинг ҳаммалари боболарининг паҳлавонлигини давом эттириб, Ўзбекистоннинг бир неча бор ғолиб ва совриндорлари бўлишган.¹

¹ Н. Азизов. «Отбоқарликдан полвонликка», «Маърифат» газетаси. 2006 йил, 9 август. №63 (7880).

Ўзбекларда қадимдан бир нақл бор: бир оиладан паҳлавон чиқса, унинг қонида бор дейишади. Ҳақиқатан, ҳаётда шундайлар кўп. Ҳикоямиз қаҳрамони Эркин Мусаев айнан XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида машҳур бўлган паҳлавон Дўстнинг набирасидир. Агар йўлингиз тушиб, Пскентга бориб қолсангиз, Эркин Мусаевни (1941) танийсизларми, десангиз, ҳамма Полвон Эркин аканими, дейди. Мана шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Ўзбекларда ҳам XIX аср охири XX бошларида курашчилар паҳлавон деб юритилган. Ҳатто қўлёзма асарларда ҳам 1925 йилгача, ҳатто ундан кейинги даврларда ҳам курашчини паҳлавон дейилган. Собиқ иттифоқ даврида уларни полвон дейиш одат бўлиб қолди. Ҳозир ҳам шундайлигича қоляпти. Биз айтмоқчи бўлаётган нарса, курашчиларни ўз исми билан эмас, балки паҳлавон, ҳозир эса полвон сўзини қўшиб аташади. Мана шу ерда бу мавзунини тўхтатиб, яна Эркин Мусаев ҳақидаги суҳбатни давом эттирамиз.

Эркин Мусаев 1960–1975 йилларда бўлиб ўтган Республика ва вилоят биринчиликларида ғолиб ва совриндор бўлган. У 1960 йилда 74 кг вазнлилар орасида Республика чемпиони, 1973 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон чемпиони бўлди. Эркин Мусаев қатнашган мусобақаларнинг ўзи бир тарихдир. У киши Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб бел олиш кураш спорт устаси меъёрини бажарди. У кишининг бел олишмаган сайиллари, бормаган жойлари қолмади. Эркин ака нафақат курашчи паҳлавон бўлиб ном таратди, балки мураббий сифатида вилоятларда кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий унвонига эришди. Вилоят терма командасини Татаристоннинг Алметевск шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларга бир неча маротаба олиб бориб, алоқаларни тиклаганлардан биридир. Ўз навбатида, у кишининг саъй-ҳаракатлари туфайли Пскент туманида бир қанча тадбирлар, халқаро турнирлар уюштирилди. Бу турнирда Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Татаристон, Қорачай-Черкесия спортчилари қатнашдилар. Эркин аканинг энг яқин дўстларидан Рихсибек Файзиев ҳамisha у билан мусобақаларда бирга қатнашди. Рихсибой ака ҳам дўстидан қолишмади. У ҳам бир неча бор бел олиш кураш бўйича республика ғолиби ва совриндори бўлди. Унинг ўғли Олимбек ҳам бир неча йил республика ва халқаро турнирлар ғолиби бўлди. Пскентда яна бир элга танилган республика ва халқаро турнирлар ғолиби Музаффар Аҳроров яшайди, бу паҳлавон 1958 йилда туғилган. У киши 74-81-90 кг вазнларда олишиб, ажойиб ғалабаларни қўлга киритган курашчилардан. Биз юқорида ҳикоя қилган Дўст паҳлавоннинг чевараси. Дўст паҳлавоннинг ўзини ва яқинларини кўрган одамларнинг айтишича, Музаффар Аҳроровнинг юз тузилиши Дўст паҳлавонга ўхшаши билан бирга, унинг бел олиш амаллари ҳам уни эслатар экан.

Шу томонда яшайдиган, 1958 йилда туғилган Тоҳир Беков ҳам Музаффар билан бир неча бор Республика ва халқаро турнирлар ғолиби бўлган. Пскент тумани қадимдан паҳлавонлар юрти бўлган, у

ердан кўплаб паҳлавонлар чиққан. Улардан Нуриддин Маликов (1925 – 1994), Олимбой Пўлатов (1925 – 1995), Қудрат Ҳамдамов (1920 – 1980), Ҳаким Бегматов (1930 – 1985), Халил Бегматов (1940 – 1997), Тўхта Жўраев (1940 – 1992), Мамат Каримов (1922 – 1985), Раим Каримов (1924 – 1956), Неъмат Муллажонов (1936–2004), Абдужалил Маҳкамов (1939 йил), Умрзоқ Душаев (1944 – 2003), Муҳаммад Муллажонов (1951 – 1983), Содиқ Мусурмонқулов (1941 – 1996), Иброҳим Пўлатов (1944 – 1998), Исоқ Арслонов (1941 – 2003). Шунингдек, ҳозир ҳаёт полвонлардан Интизом Исомов (1930 йил), Исмоил Жўраев (1932 йил), Ориф Исомов (1934 йил), Ҳамидхон Ваҳобов (1940 йил), Турғунбой Ҳасанов (1943 йил), Абдуқаҳҳор Носиров (1944 йил), Абдуманноп Беков (1948 йил), Исоқ Исомов (1952 йил), Илҳом Исомов (1956 йил), Жалил Шоматов (1956 йил), Шерали Турсунов (1958 йил), Шавкат Шеров (1958 йил), Рустам Фозилов (1962 йил), Усмон Фозилов (1964 йил), Шўҳрат Зокиров (1964 йил), Абдурасул Саидбоев (1970 йил)лар бугунги кунда бел олишиб келаётган ёшларга кураш сирларини ўргатмоқдалар.

Қува қишлоғилик Азимхўжа Подшоҳўжа (1878) ўғли ҳақида

XIX асрнинг охирлари XX асрнинг бошларида, аниқроғи Чор Россияси ағдарилгунча Тошкентда катта бел олиш курашлари уларнинг назорати остида ўтказилган. Ўша даврда Ўрта Осиёнинг турли жойларида катта-катта бел олиш курашлари ўтказилар эди. Курашларда сараланган паҳлавонлар Тошкент шаҳрига келиб турганлар. Бу энг йирик бел олиш курашлари Ўрта Осиёда — Тошкентда ўтказилган, дегани эмас. Ўша даврларда Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳар-қишлоқларида ўтказилган бел олиш курашлари ҳақида манбаларда маълумотлар бор. Улардан, масалан, Чимкент, Сайрам шаҳарларида, Хўжанд, Ўратепа, Қува (Қабоҳ) қишлоғи, Сусамир водийси, Туркменистоннинг Керки шаҳрида (ҳозирги Лебаб вилоятига қарашли шаҳар) ва бошқа бир қанча жойларда бўлиб ўтган мусобақаларни кўрсатиш мумкин. Ана шу бел олиш курашлари Тошкентдаги матбуотда оз бўлса-да ёритилган. Бунинг ўзига яраша сабабларидан бири, ўша даврда Тошкент марказ бўлганлигидир. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Азимхўжа Подшоҳўжа ўғли тахминан 1878 йилда Фарғона вилоятига қарашли Марғилон уездининг Қува (Қабоҳ) қишлоғида туғилган. Отаси оқсуяклардан бўлиб, ислом илмини пухта эгаллаган олимлардан бири бўлган. Уларнинг аждоди хўжалардан бўлганлиги сабабли, хўжа сўзи исмига қўшиб айтилган. Отасининг исми Подшоҳ бўлиб, Подшоҳўжа деб юритилган. Ўғлининг асл исми Азим бўлиб, уни ҳам Азимхўжа деб аташган. Собиқ иттифоқ даврида бу паҳлавон ҳақида тўла маълумот берилмай, бир неча китобларда Хўжа паҳлавон деб юритилган. Чунки ўша давр мафқурасига кўра у ҳақда китобларда ёзиш имкони бўлмаган. У жуда кучли бўлиб, бел олиш кураш ҳадисига риоя қилиб курашган паҳлавонлардан бўлган. Шунинг учун рақибларини кураш ҳадисига амал қилган ҳолда йиқитган. У ўзи ихчам бўлса-да, лекин полвонларга хос чиниққан эди. Беллашганда ҳагто

кучли паҳлавонларни ҳам ердан даст кўтариб, бир-икки айлантриб ерга қайтариб қўйган. Агар шунда полвон ўзи билиб, кучи етмаганлигини тан олиб чиқиб кетмаса, кейин уни шунақанги кўтариб ерга урар эканки, чалпак бўлиб тушар экан. Баъзи одамларни бир чайқатиб (силтаб), чап ёки ўннга ташлаб юборар экан. У катта бир курашда беш соат ичида ўн саккиз полвонни йиқитади, шу билан кураш тугайди. Қаландархона (ҳозирги Чорсу атрофи)да бўлиб ўтган бел олиш курашларининг бирида тошкентлик оғир вазнли Охунжон ҳожи унга талабгор бўлиб чиқади. Улар белбоғ ушлашганда, Азимхўжа Охунжон ҳожининг олдида кўринмай қолади. У ҳақда шундай дейилган экан: «Азимхўжа Охунжон ҳожи олдида бир ёш боладек кўриниб қолди, зероки, Охунжон паҳлавоннинг қадди-қомати уч газ чамаси, ўзи 12 пуд келадурган ва онинг қўл-оёғининг остида йўқдек кўриниб, мазкур Охунжон ҳожи чаптастлик қилиб Азимхўжани икки маротаба кўтарса ҳам, ташлаб юбориб йиқитмоқнинг иложини топа олмай турган вақтда Азимхўжа бир зўр бериб тортиб олиб, озод кўтармасдан бир чайқатиб (силтаб) юбориб, иккинчи дафъада мазкур Охунжон ҳожини ҳам забун қилди (кўтариб урди)».

Уларнинг бел олишида Охунжон ҳожи бир-икки марта Азимхўжаниннг оёғини ердан узиб, амални охирига етказа олмайди, яъни йиқита олмайди. Азимхўжа унинг оёғини ердан узмай бир марта силтаб кўриб, иккинчи ҳаракатида кўтариб уриб, елкасини ерга теккизган.

«Шу билан 1904 йил 4 март ҳамда 5 март, аниқроғи пайшанба, жума кунлари бўлиб ўтган кураш тугаган. Ушбу икки кун ўтказилган томошага биринчи кун 5—10 мингдан ортиқ одам йиғилиб, биринчи куни бел олиш кураши пешин номозидан кейин бошланиб, ҳаммаси бўлиб 5 соат давом этган курашда Азимхўжа 18 курашчини ютади. Эртасига эса 5 нафар паҳлавоннинг елкасини ерга теккизади. Ва мазкур бел олиш курашига келган одамларнинг бетартибчилик қилмасликлари учун 4-частнинг ҳурматли пристави икки нафар рус старшинаси ва ўн беш нафар полициячиларни нозир қилиб қўйдилар. Мазкур бел олиш кураш жойини ниҳоятда яхши ва тартиблик қилиб ва атрофда бир неча самоварчиларга жой қилиб, ҳамма нарсаларни барпо айлаган мазкур курашнинг мустажири (ташкilotчиси) Усмон паҳлавон ушбу мавзени ораста ва пораста айлаб, ўлтириш жойларини тuzатиб, ҳар қайси одамлар беш тийинлик билетларни сотиб олиб кириб ўтирдилар».¹

Азимхўжа Подшоҳўжа ҳақида иккинчи ҳикоя

«Ушбу йил март ойининг 11 кунда Тошкент шаҳридаги Қаландархона деган жойда яна беш минг одам йиғилди. Бу йиғинга Фарғона музофотидан келган Азимхўжа Подшоҳўжа ўғли, Неъматилла Исмаилла ўғли, Тошмуҳаммад Орифбой ўғли, Музаффар Асрорқулибий

¹ «Туркистон вилояти газети»нинг 1904 йил 11—12 март сонидида шундай хабар босилган эди. А. Навоий номидаги Ўзбекистон республикаси миллий кутубхонасининг нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимининг бошлиғи Раҳим Файзуллаев таржимаси.

ўгли, Саримсоқ Миррозиқ паҳлавонлар даврага тушиб ўтирдилар, шу вақтда ҳар тарафдан тошкентлик паҳлавонлар чиқиб мазкур илан курашиб ва мазкур хўқандликлар қайси одамлар илан бел тутишса озод кўтариб йиқитиб турдилар ва мазкур паҳлавонларга қувват етмай, баъзилари беш нафар ва баъзилари ўн одамни забун айлаб, хусусан Азимхўжа қилгон курашларда сар ва озод кўтариб чархпалак айлантириб ургонига ҳамма ҳолойиқлар таҳсин ва офарин қилдилар ва шул куни бел олиш кураш томом бўлди». Ҳикояни ўша пайтдаги эски ўзбек тилида айнан келтирдик. Ундан маълум бўлишича, 11 март пайшанба куни Азимхўжа, Музаффар — Кува (Қабоҳ) қишлоғидан, қолганлари кўқонлик Неъматилла, Тошмуҳаммад, Саримсоқ паҳлавонлар шу куни Қаландархонада уларга талабгор бўлган тошкентликларнинг ҳаммасини дангал кўтариб, беш паҳлавон ерга урадилар. Уларнинг баъзи бирлари беш нафар, баъзилари ўн нафар курашчини кўтариб уради. Шулар ичида Азимхўжа ҳаммани айлантириб чархпалак қилиб уриб, одамларни лол қолдиради.

Эртаси, 12 март куни ҳам Азимхўжа Подшоҳўжа ўгли ўн беш нафар одамни гоҳ айлантириб, гоҳ кўтариб ерга урди. Ўша куни Тошмуҳаммад ҳам бир неча одамни кўтариб уради. Сўнг тошкентлик Охунжон ҳожи билан бел олишади. Шунда Охунжон ҳожи уни кўтариб, тагига тушиб қолади. Тошмуҳаммад қоидага мувофиқ ютган бўлса ҳам, одамлар Охунжон ҳожи кўтарди, деб ҳисоблайдилар. Холислар буни ҳисобга олмай, Тошмуҳаммад билан Охунжон ҳожини қайтадан бел олишга солишади. Охунжон ҳожи рақибини енгишнинг иложини қилолмай ажрашиб кетади. Ана шу ерда кўқонликлар билан тошкентликлар ўртасида низо чиқади. Кўқонликлар шу низонинг олдини олиш учун бир ҳийла ўйлаб топадилар. Уларни хурсанд қилиш учун кўқонлик Неъматилла паҳлавон тошкентлик Усмон паҳлавон билан бел олишгандай бўлиб, бир-икки кўтариб Неъматилла ўзи унинг тагига тушиб беради. Томошабинлар хурсанд бўлиб Усмон паҳлавонни олқишлайдилар. Шу йўл билан кўқонликлар жанжалнинг олдини оладилар. Агар шундай қилинмаганда, Неъматилла паҳлавон олдинги бел олишларига қараганда биргина Усмонни эмас, бир неча Усмонни йиқитган бўлар эди. Шундан сўнг Азимхўжага яна бир қанча паҳлавонлар талабгор бўлиб чиқади. У ҳаммасини ютиб, жим тураверади. Шундан сўнг бел олиш мусобақаси тугаб, ҳаммалари ватанларига қайтиб кетадилар.¹

Азимхўжа ва Аҳмад паҳлавонлар учрашуви.

Азимхўжа Подшоҳўжа ўгли тўғрисида гап кетганда, албатта, бу паҳлавонга холисона баҳо беришда бирмунча камситилишга йўл қўйилган. Масалан, Тухфат Одилов ўзининг «Ўзбек полвонлари» китобида у ҳақда шундай деган: «Кунлардан бир куни фарғоналик Хўжа полвон Аҳмад полвоннинг курашдаги зўрлигини, енгилмасли-

¹ «Туркистон вилояти газетаси»нинг 1904 йил 11—12 март сонидан шундай хабар босилган эди.

гини эшитиб, у билан беллашиш учун Фарғонадан Тошкентга келади, уни суриштириб чойхонадан топади ва у билан сўрашиб, ижозати билан ёнига келиб ўтиради. Бир пиёла чойдан кейин унга мурожаат қилиб:

— Аҳмаджон ака, мени кечирасиз, мен Фарғона шаҳридан сизнинг бел олишдаги донфингизни эшитиб келдим, айбга буюрмасангиз, сиз билан беллашсам, куч синашсам,— дейди-ю, мулойимгина қўл қовуштириб Аҳмад аканинг жавобини кутади.

— Хўп, яхши келибсиз меҳмон... Энди сизга бир шартим бор, рози бўлсангиз айтай, дейди. Меҳмон рози бўлади. — Мен тик тураман, сиз менинг белбоғимдан ушлаб, оёғимни ердан узиб даст кўтарсангиз, мен сиз билан курашаман, — дейди. Шунда Хўжа паҳлавон Аҳмад полвонни ҳатто қимирлата олмайди. Кейин ўзи билан миниб келган улоқчи отини кўярда-қўймай унга ташлаб кетади».

Санъатшунос олим Тўлқин Обидов эса ўзининг «Ўзбек полвонлари» китобида (1979 йил, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти) бундай ёзади: «Талабгор бўлиб чиққан Хўжа паҳлавонни Аҳмад паҳлавон оёғини ердан узиб бир оз кўтариб туриб, сўнг ерга қўйиб: «Меҳмонсиз, сийладим» дейди». Бу ҳар икки ҳикояда ҳам Азимхўжа паҳлавон бирида кўпроқ, бирида озроқ бўлса ҳам камситилади, бу эса ҳақиқатдан йироқ.

Биз бу билан марҳум Тухфат Одилов, Тўлқин Обидовларни танқид қилмоқчи эмасмиз, чунки у даврда миллий курашларга эътибор бугунгидай эмас эди. Шунинг учун бу маълумотлар манбаларни тўлиқ ўрганилмай ёзилган, дейиш билан танқиддан ўзимизни тиямиз. Чунки бу ҳар икки инсоннинг миллий кураш ривожини учун қилган ишлари таҳсинга сазовордир. Энди манбалардаги хулосаларга таяниб шуни қайд қилишимиз мумкин.

Воқеа бундай бўлган: 1904 йил 12 март куни Аҳмад паҳлавон бел олишга тушар экан, деган гап тарқалади. Томошага ўша куни 10 минг одам келиб ўтиради, шу куни Аҳмад паҳлавон ҳам ўзига ўхшаш донгдор паҳлавонлар билан томошабинлар орасида ўтиради. «Ва мазкур Азимхўжа ҳурматли приставга старшина воситасида илтимос қилдики, мен Қува қишлоғидан ушбу Аҳмад паҳлавоннинг овозасини эшитиб келган эдим. Ушбу кун Аҳмад паҳлавон илан беллашиб, Худованди Карим мадад берса, йиқитиб ё йиқилиб ўз ватанимга қайтиб кетсам деб. Жаноб пристав айтдиким, келадурган жума кунгача сабр қиласиз, андан сўнг Аҳмад паҳлавон илан кураш тушасиз», дейди. Шундан сўнг Азимхўжа бу жавобдан қониқиб, бошқа талабгорларнинг ҳаммасини айлантриб уради. Ниҳоят, айтилган 19 март келиб, Қаландархонадаги курашда Аҳмад паҳлавон кураш тушар эмиш деб 15 минг одам йиғилади. Шу томошага шаҳарнинг обрўли кишилари ҳам Аҳмад паҳлавоннинг беллашишини кўраман, деб келиб ўтиради. Бу ҳақда шундай дейилган: «Ушбу кун Тошкент шаҳрининг приставлари ва потомственной, почетной гражданин Саидазимбой ва управо Боқижонбой ва шаҳар оқсоқоллари ва первой гилдиялик купец Юсуфбой яҳудий ўз афродлари (қўриқчилари) илан Қаландархона томида ўлтириб тофриқ айлаб турдилар. Улар қўқонлик (хўқандлик) паҳлавонлар

ҳар курашида йиқитгандан сўнг Саидазимбой, яҳудий Юсуфбой ва ғайрилардан инъом олиб турдилар. Уларнинг ҳар иккиси хазор мажлисидан фотиҳа олиб, ниҳоят, ўртага қувалик Азимхўжа билан Аҳмад паҳлавонлар кириб келадилар».

Сўнг улар бир-бирларининг белбоғларидан ушлашиб курашни бошлашади. Улар бир-бирини силтаб кўради. Ҳеч қанча вақт ўтмай Аҳмад паҳлавон Азимхўжанинг оёғини ердан узиб кўтариб олади, кейин уни ташлай олмай ерга қўяди. Кейин Аҳмад паҳлавон кўлини қўйиб юборади. У шундай баён қилинган: «Улар бир-бирларининг белларидан маҳкам ушлашиб ва харба қилишиб, андак фурсат ўтмай Аҳмад паҳлавон зўр бериб мазкур Азимхўжани ердан узиб кўтариб ташлай олмай, энди навбат Азимхўжага келганда мазкур Аҳмад паҳлавон кўлини тортиб олиб қараб туради». Шундан сўнг Азимхўжа Аҳмад паҳлавонга: «Нима сабабдан мени кўтариб ташлай олмай қўйиб қўйдингиз, энди кўтариш навбати менга келганда, қўлни қўйиб юбордингиз», дейди. Аҳмад паҳлавон эса: «Бўлди, мен бел олишганим шу, бошқа курашмайман», дейди. Бу ўша давр тилида шундай баён қилинган: «Азимхўжа, эй паҳлавон, нима сабабдан мени кўтариб ерга урмадингиз ва ё менга навбат бермадингиз, деганда мазкур Аҳмад паҳлавон айтдики, ўшал кўтарганим бўлди деб ва мазкур Азимхўжага ушбуға таажжуб айлаб турган вақтда ҳолойиқларнинг баъзилари Аҳмад паҳлавонни ва баъзилари Азимхўжа паҳлавонни чақириб тўн ва пул берадилар.» Баъзи одамлар приставларга арз қилиб, бошқатдан курашсин, дейди. Бел олишни қайтадан бошлашга рухсат берилганда Аҳмад паҳлавон курашдан бош тартади. Сабаби сўралганда, қовурғам синган, кураша олмайман, деб айтади.

Машҳур Азимхўжа ва Аҳмад паҳлавонларнинг бел олиши шундай яқунланади.

Энди ўша даврдаги курашни холисона таҳлил қиладиган бўлсак, «Кураш ҳадиси»да шундай дейилади: «Агар курашчи бирон бир сабаб, аниқроғи бел олишиш учун тан жароҳати сабабли бош тортса, мағлубият ҳисобланмайди». Лекин у ўша даврдан бошлаб бел олишни давом эттиришдан холос этилади. Кураш ҳадисидаги одоб қонун-қоидаларига кўра бундай кишилар шаънига мағлубиятга учраган, деб талқин қилиш ноҳақликдир.

Бундай паҳлавонлар тўғрисида гап кетганда, кураш ҳадиси одоби бўйича шундай дейилар экан: «Фалон паҳлавон фолон йил, кунда фолончи паҳлавон билан жароҳати туфайли беллаша олмаган».

Ҳақиқатан ҳам, бунда Аҳмад паҳлавоннинг қовурғаси жароҳати тўла тузалиб битмаган. У зўриқиш натижасида Азимхўжа паҳлавоннинг оёғини ердан узиб олади. Ана шунда Аҳмад паҳлавон қаттиқ оғриқ сезган, у жароҳати тўла тузалмаганлигига тушуниб етган, шунинг учун у кўлини қўйиб юборган.

Биз уларнинг ўша пайтдаги ҳолатини таҳлил қилганда мана шундай фикр билдирсак, Кураш ҳадисидаги одобга тўла амал қилган бўламиз.

Азимхўжа паҳлавон XIX аср охирлари XX аср бошларида бел олишиб, бирор маротаба елкаси ер кўрмаган курашчи бўлган. У билан

беллашиш учун паҳлавонлар Кува қишлоғига бориб мағлуб бўлиб қайтишган. У 1916 йилда Туркистоннинг энг зўр паҳлавони деб тан олинган. Унинг қачон, қаерда вафот этгани ҳозирча номаълум. Ҳали биз билмаган паҳлавонлар ҳақида маълумотлар йиғилмоқда. Камина ушбу ҳикояларни манбаларга асосланиб баён қилдим. Муҳтарам ўқувчилар, Азимхўжанинг авлодлари Кувада ёки қўшни вилоятларда бўлиши мумкин. Агар келажакда изланишлар давом этиб, Азимхўжанинг авлодлари топилса, бел олиш кураш тарихи ҳамда тараққиёти учун улуғ иш қилинган бўлар эди.¹

Қувалик Музаффар (1878) паҳлавон ҳақида

XIX аср охирлари ва XX аср бошларидаги паҳлавонлардан яна бири Фарғона музофоти (вилояти) Қабоҳ (Кува) қишлоғининг фуқароси Музаффар Асрорқулибий ўғли Азимхўжа билан доимо бирга юриб, кураш давраларини қизитган. «Туркистон вилояти газети»да 1904 йил 11–12 мартда бўлиб ўтган кураш ҳақида шундай дейилади: «Музаффар Асрорқулибий ўғли чунон чапдаст ва тез курашчи эканким, қайси одам белини ушлаган он тўхтовсиз айлантириб, якбор ерга уриб турди. Шу йиғинда Музаффар паҳлавон бир неча паҳлавонни ютиб туриб қолади. Ҳеч ким унга талабгор чиқмай қолганда, бир барваста, узун қоматли қозоқ паҳлавони талабгор бўлиб ўртага чиқади. Мазкур Музаффар ушбу қозоқ паҳлавонини кўтариб чунон урдики, «ғиқ-ғиқ» деган овозни аҳли мажлис эшитиб, ҳамма якбор кулишиб, шул тариқа Афросиёбдек одамни кўтариб урганига раҳмат ва баракалло дедилар».

Музаффар паҳлавон ҳам жуда кучли паҳлавон бўлиб, елкаси ерга тегмаган. У билан курашишга талабгор бўлиб чиққан бир неча паҳлавонлар мағлубиятга учраган: «Исфара волостининг фуқароси Абдуҳолиқ деган паҳлавон Кува қишлоғилик Азимхўжа ва Музаффарнинг паҳлавонлигини эшитиб, бел олишмоққа келган экан. Шул сабаб мазкур Музаффар илан кураш тушганда ўзини яқин келтирмай қочиб юрган пайтда мазкур Музаффар паҳлавон бир зўр илан кўтариб айлантириб чунон урдики, ерга фарш бўлиб, бахазор машаққат ила ўрнидан турди ва мундан муқаддам Хўжа паҳлавон ҳам мазкурни забун қилган эди». Қаландархона мевзесида бўлиб ўтган сайил бел олиш курашида Азимхўжа ва Музаффарлар ҳаммани ютиб лол қолдиргани ҳамда уларни ҳеч ким енга олмаганини таъкидлаб, уларни Туркистоннинг тенги йўқ паҳлавонлари деб таъкидланади «Туркистон вилояти газети»нинг 1904 йил март ойидаги сонларидан бирида.

Яна Музаффар паҳлавон ҳақида: «1906 йил март ойининг 1 чи душанба куни Қаландархона мавзесида жуда катта кураш бўлиб, томошабинлар тартибли ва интизомли ўтирадилар. Бунинг боиси Тошкент шаҳрининг ҳурматли полисмейстери ва приставлари, юзбоши ва старшина ва миршаблар ҳар бир гўшаларда нозир бўлдилар. Бу курашга атроф вилоятлардан паҳлавонлар келиб курашни кузатдилар. Шул

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.

мажлисда бир тошкентлик сарт (ўзбек), ёши олтмишга яқин борган одам бир неча ёш паҳлавонларни йиқитиб ва унинг қилган ҳаракатларига таҳсин ва офарин қилишдилар. Хусусан, Шайхонтоҳур даҳалик Қашқар маҳаллалик Абдулла усто Тошмуҳаммад ўғли Фарғона вилоятига бориб ўтмиш йилдаги Хўжа паҳлавон билан Музаффар паҳлавон ва Тошмуҳаммад деган ландовур паҳлавонларни олиб келган экан. Ўша куни Музаффар паҳлавонга бир-икки паҳлавонлар талабгор бўлиб чиқади. Музаффар паҳлавон аста-секин ўрнидан туриб бориб, биринчи талабгор билан бел ушлашибоқ бир дақиқа ичида чунон кўтариб урдик, бечора базўр ўрнидан турди. У иккинчи паҳлавоннинг ҳам белбоғини ушлаши билан, у ҳаракат қиламан дегунча Музаффар паҳлавон уни ҳам дарҳол баландроқ кўтариб чунонам урдик, ерга фарш бўлди. У билан майдонга тушган паҳлавонларни шундай қилиб елкасини ер тишлатди. Шундай қилиб, шу куни кураш тамом бўлди».¹ («Туркистон вилоятининг газети», 1906 йил 22 март, 12-сон, 3—4-б.)

Музаффар Асрорқулибий ўғли тахминан 1878 йилда Фарғона музофотининг Қабоҳ (Кува) қишлоғида туғилган. Унинг қачон, қаерда вафот этгани ҳозирча номаълум. Биз изланишлар орқали қариндош-уруғлари ва оиласи ҳақида яқин йилларда у ҳақда маълумот берамиз.

Албатта, китоб чиққандан сўнг бу ишларга Фарғона вилояти Кува тумани ёш изтопарлари яқиндан кўмак берадилар, деб умид қилиб қоламиз.

Тошкентлик Аҳмад полвон Топилбой (1865—1932) ўғли.



12-расм. Аҳмад Топилбой ўғли, 28 ёшлик даври (1865—1932).

XIX аср охирлари ва XX аср бошларида катта шов-шувларга сабаб бўлган паҳлавонлардан бири, бел олиш курашининг етук устаси Аҳмад Топилбой ўғли эди. Унинг доврўғи нафақат Туркистонда, балки чор Россиясида ҳам машҳур бўлган (12-расм).

Аҳмад паҳлавон 1865 йили Тошкентнинг Чақар маҳалласида ўзига тўқ, катта ер эгаси бўлган боғбон Топилбой оиласида дунёга келган. Юсуф, Содик исмли акаларига қараганда Аҳмад анча дуркун, бақувват бўлиб, кўнгли очик, ўртоқларига меҳрли, садоқатли эди.

Ўғли Аҳмаднинг бел олишга бўлган қизиқишини сезган отаси уни бел олиш кураши илмини яхши билувчи мураббийлардан бирига шогирдликка беради. Эндигина 15 ёшга тўлган Аҳмад устозидан паҳлавонлик сирларини ўрганаркан,

¹ Азизов Н. «Музаффар паҳлавон», «Гулистон» журнали. Т., 2006 й., №4, 8-бет.

унинг дон-дунга тўла катта қанорқопларни бир ўзи аравага ортиб, яна қайта тушириб машқ қилишига ҳаваси келарди.

Бир куни устози Аҳмадга шундай дейди:

— Паҳлавонлик кишидан кучли иродани, чидамни, энг асосийси, куч-қувватни талаб этади. Отангизга айтинг, сизни ғалла бозорига ишга жойлаштирсин. Ҳар куни қоплардаги ғаллаларни тушириб-ортиб, куч-қувватга тўласиз. Сизда интилиш яхши, аммо куч-қувват кам. Машғулотларни эса кечқурун давом эттирамиз... Аҳмад отасидан дон бозорига ишга жойлаб қўйишини илтимос қилади.

Ота ўглининг гапларидан таажжубланиб сўрайди:

— Бирор нарсадан қийналиб қолган бўлсангиз айтинг, ҳаммасини муҳайё қилайин.

— Қуллуқ отажон, ҳамма нарса етарли, ўртоқларимнинг ҳаммаси ўша ерда. Мен улардан ажралиб қолмайин, дейди...

Топилбой ака ўглини ғалла бозорига тарозибон қилиб ишга жойлайди. Кейинчалик Аҳмад ўз хоҳиши билан юк туширувчиликка ўтиб олади. У жисмоний чиниқиш билан бирга устозидан бел олиш кураш сирларини ўрганиб, сайилларда ғалабага эришади, элга танилади.

* * *

Кунлардан бир куни ўртоқлари Аҳмаднинг кучини синаб кўришмоқчи бўлишди ва унга юриб келаётган учта от қўшилган извошни орқа ғилдираги ўқидан кўтариб, тўхтатишини сўрайдилар. Аҳмад ғилдиракни орқа томонидан даст кўтариб, икки оёғини ерга тираб туради. Извошчи ҳар қанча уринмасин, отлар бир жойда туриб қолади.

Бешёғочлик Эгам паҳлавон ўша даврнинг кучли паҳлавонларидан саналарди. Тошкентдаги Қаландархонада бўлган навбатдаги бел олиш кураш сайлида Эгам паҳлавон барчани енгади. Аҳмад паҳлавоннинг акаси Юсуф ҳам ундан мағлуб бўлади. Бундан хабар топган Аҳмад эртаси куни Эгам паҳлавонга талабгор бўлиб чиқади ва уни енгади.

Аҳмад паҳлавон чиройли кураши, одоби, маданияти билан ҳам ўша даврнинг катта амалдорлари ва савдогар бойлари назарига тушади. Улардан бири князь Романов бўлган. Манбаларда қайд қилинишича, у машҳур Романовларнинг қариндоши бўлиб, Аҳмад паҳлавоннинг ашаддий мухлиси бўлган ва уни ҳамиша қўллаб-қувватлаган. Князь Романовнинг бундай хатти-ҳаракати чор Россияси амалдорларига унча ёқавермаган.

1895 йилнинг 23 июнида Туркистон генерал-губернаторининг таклифи билан рус подшосининг ишонган полвони, машҳур Риппел Тошкентга келади. Романов ва Саидазим бойвачча Риппел билан бел олиштириш учун Аҳмад паҳлавонни цирк биносига олиб келишади.

Дастлаб Риппел 8 пудлик тошларни кўтариб, ҳаммани қойил қолдиради. Сўнгра Аҳмад паҳлавонни чақириб, тошларни кўтаришга таклиф қилади. Аҳмад бу тошларни аранг кўтарса-да, Риппелни қанотлантиради. Навбат Аҳмад паҳлавонга келганда, у бир қанорқоп донни от аравада келтириб туширади ва қопдаги бугдойни аравага ортиб қўйишни, Риппелга буюради. Риппел жуда кучли бўлишига қарамай,



13-расм. XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган Бел олиш курашининг ашаддий ишқибози, ўзи полвон ўтган Тошкент шаҳар халқ судьяси Муҳиддин ҳожи. Туркистон албоми. Ўзбекистон давлат архиви.

Йиғинлардан бирида, 1895 йил 23 июнда Тошкент циркига келган россиялик кучли полвон Риппел маҳаллий сарт паҳлавони Аҳмад Топилбоев билан бел олишиб, енгилди».

Аҳмад паҳлавон тўғрисида собиқ шўролар даврида ёзилган бел олиш кураш тўғрисидаги маълумотлар турлича талқин этилган. Шу сабабдан манбаларни ўрганиш орқали аниқ маълумот беришга ҳаракат қилдик. Курашдан сўнг циркда бошқа томошалар бўлиши керак эди. Мухлислар



14-расм. XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган Тошкентнинг энг катта зиёли бойларидан Саидазимбой. Туркистон албоми. Ўзбекистон давлат архиви.

ҳар қанча уринмасин, қанорқопни ўрнидан жилдира олмайди. Шундан сўнг Аҳмад паҳлавоннинг ўзи қопдаги буғдойни даст кўтариб аравага жойлайди. Бел олиш кураш баҳсида эса Аҳмад паҳлавон ўзидан икки баробар йирик гавдали Риппелни белбоғидан азот кўтариб, икки-уч айлантириб, бир ҳаракат билан уни шундай ташлайдики, ердан чанг кўтарилиб кетади.

Бу ҳақда «Гулистон» журналининг 1937 йил 1-сонида ёзилган, лекин воқеалар тўлиқ баён қилинган деб бўлмайди. Русларнинг машҳур ёзувчиси Н.П. Остроумов бу воқеани 1896 йилда ўзининг «Сарти: этнографические материалы» китобида шундай ёзади: «Сартлар шаҳарларида катта йиғинларда бел олиш кураш томошаларини кўриб завқланишади. Улар паҳлавонларни бақириқ-чақириқлар, қийқириқлар билан олқишлашади, бойлар эса пул ва чопон либослар билан тақдирлашади. Шундай

Риппел ва Аҳмад паҳлавоннинг бел олиш кураши туркистонлик кучли полвон Риппел билан маҳаллий сарт паҳлавони Аҳмад Топилбоев билан бел олишиб, енгилди».

Мухлислар кулгиси, қий-чуви сабаб томоша бир оз тўхтайтиди, одамлар ҳеч кимга қулоқ солмай Аҳмад паҳлавонга қоғоз ва танга пуллар бера бошлайди. Мағлубият аламиндан нима қилишини билмай турган Риппел важоҳат билан ичкарига кириб кетади. Уни кузатиб турган князь Романов Саидазимбойга ишора қилади. Буни олдиндан сезган Саидазимбойнинг одамлари Аҳмад паҳлавонни олиб чиқиб кетишади (14-расм). Шу пайт важоҳат билан цирк майдонига кириб келган Риппел қўлида тўппонча билан Аҳмад паҳлавонни қидиради.

Бу воқеадан сўнг рус амалдорлари Риппелни сўроққа тутадилар.

— Нечун сиз маҳаллий аҳоли зиёллари ва томошабинлари олдида аҳмоқона иш қилдингиз? (13-расм).

— Мени афв этинглар, уни тўппонча билан қўрқитиб, дўқ-пўписа билан бинодан чиқариб юбормоқчи эдим. Кечирсаларинг, у кишидан узр сўраб, биродар бўлиб қоламан.

Қанорқопдаги буғдойни Риппел ўрнидан жилдира олмагани нотўғри, албатта. Риппел жуда кучли полвон бўлган, фақат қопда буғдой кўтаришни машқ қилмаган, холос. Маълум бўлишича, кейинчалик Аҳмад паҳлавон Риппелга шу машқни ўргатган.

Орадан бир йил ўтиб, 1896 йилда Россиядан яна бир Крутис номли паҳлавон Тошкентга келади. Бу ҳақда «Туркистон вилояти газети» шундай ёзади: «Ушбу йил тўртинчи январь — пайшанба куни кеч соат саккизда Тошкент шаҳри даҳаси циркида, яъни от ўйинлари ва масхарабозлик, симдорлар (дорбозлар) ва ҳар хил ғайри макру навзуҳр томашалар бўлди ва уч мингдан зиёдроқ ҳар тоифа халқлардин мазкур томошагоҳда ҳозир эдилар. Хусусан, мусулмонлардин ҳаддин ташқари бор эдиларким, паҳлавонларнинг курашларини кўрамиз деган ва бир қанча одамларга чипталари етишмай ва чипта олганлар ҳам одамларнинг кўплигидан сиғмай, неча одамларнинг қўлида чипталар бекор қолиб, ташқарида туриб қолдилар. Кирган одамларнинг нафасларидан чиққан ҳавонинг иссиқлигига ўтирган ва турган одамлар тоқат қилолмай, дастрўмол билан ўзларини елпиб ва шамоллатиб ўлтирди. Шул аснода мазкур от устида паҳлавон Крутис номли ўзини ораста ва пороста айлаб, устина совут мисола оҳанин либосларини кийиб ва белига бир қайиш камарни боғлаб ва ул қайишни икки адад тасмасини икки путининг икки орасидан ўтказиб, орқасига ва тиззасигача банд қилиб, кураш майдонига кирди. Мазкур қайиш белбоғнинг икки жойидан қўл билан ушлаб, кўтармоқ учун халқа мисоли қилган экан ва онинг эълонномасида айтибдурки, кураш вақтида ушбу халқалардан маҳкам ушлаб, баданни сиқмасдан беозор қилиб йиқитса, боши икки қўли баробар ерга фарш бўлса, ҳисоб, бўлмаса — йўқ, дейилибди».

Аммо тошкентлик Аҳмад паҳлавон Топилбой ўғли бунақанги тасмабозлик курашини умримда кўрмаган ҳамда эшитмаганман, деб полиция приставларига ва кураш мутасаддиларига айтади. Мен олдин Риппел билан қандай бел олиш кураш тушган бўлсам, шундай кураш тушаман, дейди. «Туркистон вилоятининг газети» да эса шундай баён қилинади: «Ва мазкур мутасаддилар ушбуни қабул кўрмай, Аҳмад паҳлавоннинг белига белбоғ боғлаб, қадимги ўз либос, яъни устида бир оқ яктак билан кураш майдонига тушириб турди ва мазкур Русия паҳлавони билан қўл беришиб омонлашиб, якбора бир-бирининг белбоғини ушлашиб олади. Шундай қилиб, бел олиш кураш бошланиб, ҳеч қанча вақт ўтмай, Аҳмад паҳлавон бир зўр бериб, паҳлавоннинг белбоғидан кўтариб, тиззасига олиб букиб ташлайди».

Аҳмад паҳлавоннинг бундай зўр йиқитганини кўрган томошабинлар ўрнидан туриб кетади. Аммо мутасаддилар Аҳмад паҳлавоннинг оёғи рақибининг «пут»¹и орасига кириб қолди, деб ҳисобга олишмайди, бир оздан сўнг 6 дақиқалик вақт тугайди. Сўнг ҳар икки паҳлавонни ажратиб қўйишади. Бир неча бойлар Аҳмад паҳлавонга пул бериб, айлантиришаётганда полиция Аҳмад паҳлавонни қўлидан уш-

¹ Пут — оёқ. В. Наливкинъ., М. Наливкина. Русско-сартовский и Сартовско-русский словарь. «Казань». Въ университетской типографии, 1884 г. С. 98.

лаб ичкарига олиб кириб кетади. Бу ҳолатни кўрганлар норизо бўладилар. Улар: «Аҳмад паҳлавон йиқитганда яна қайтадан курашга солдиларинг. Энди биз Аҳмад паҳлавонни тақдирламоқчи бўлсак, нечун йўл кўймайсизлар», дейдилар.

Аҳмад паҳлавон бел олиш курашларининг кўпида қатнашиб, ҳам-масида ғалаба қозонган, у бирор маротаба мағлубиятга учрамаган, аммо унинг натижалари ҳақида матбуотда кам ёритилган. Бу ҳақда «Туркистон вилоятининг газети» шундай ёзади: «Афсуски, кейинги йиллари циркда бўладиган ўйинлар ва бел олиш курашлар тўғрисида эълонлар берилган, лекин бўлиб ўтган курашлар натижаси ҳақида ҳамда Аҳмад паҳлавон тўғрисида маълумот кам учрайди». («Туркистон вилоятининг газети», 1896 йил 16 февраль 2-сон).

«Гулистон» журналининг 1937 йилдаги 1-сонидан Аҳмад паҳлавон 1914 йилда 49 ёшида қорасон касали билан ўлган, деб ёзилган.

Кекса паҳлавонлар эса у охириги бир неча йилда қочиб юрган, дейишади. Бир нарсани аниқ айтишимиз мумкин, Аҳмад паҳлавон доимо князь Романовнинг ҳимоясида бўлган. Ундан ташқари, ўша даврнинг энг бой одамларидан Саидазимбой уни хўш кўрган ва шуларнинг паноҳида юрган. Аҳмад Топилбой ўғли қачон, қаерда ва-фот этганлиги номаълум. Агар ҳақиқатан 1914 йилда ўлган бўлганда, унга катта мақбара қурилган бўлар эди. Чунки унинг мухлиси бўлган катта бойлар у пайтда жуда кўп бўлган.

* * *

Аҳмад паҳлавонни кўрган ёки у ҳақда эшитган андижонлик Али паҳлавон Мирзакаримов, тошкентлик Обид ота, Олим паҳлавон, Тўйчи паҳлавон Раҳимбоев, Асқар паҳлавон Отабоевларнинг тахминларига қараганда, у 1930 йилларда Ҳажга сафар қилгандан сўнг оламдан ўтган.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ қадриятларни тиклаш-



15-расм. Устоз
Жўрақул Турсунов.

га кенг имкониятлар очилди. Устоз Жўрақул Турсунов (охиратлари обод бўлсин) (15-расм) билан Тошкентнинг бир қанча маҳаллаларидаги нуруний отахонлардан, бел олиш кураш мухлисларидан Аҳмад паҳлавон ҳақида сўраб-суриштирдик. Излай-излай, «Чорсу» дўконининг орқа томонидаги кўчалардан биридаги Аҳмад паҳлавоннинг акаси Юсуф паҳлавоннинг невараси Қаяумберди ака ҳовлисига келиб қолдик. Қаяумберди ака 71 ёшда оламдан ўтган экан. У кишининг ўғли Ҳасанбой бизни уйга таклиф қилиб, оналарига нима мақсадда келганимизни маълум қилди. Онахон ҳаяжонланиб, ҳақиқатан ҳам Аҳмад паҳлавоннинг туғишганлари хонадонига келганимизни айтди. Шунда Жўрақул ака: «Онахон, айбга бу-

юрмайсиз, Аҳмад паҳлавоннинг авлоди эканлигингни қандай исботлай оласиз?», деб сўради. Онахон эса афсус билан сандиқдаги Аҳмад полвоннинг сурати йўқолганини айтди. Бизнинг аҳволимизга тушунган онахон ўғлига қараб: «Ҳасанбой, буларни Ҳожимурод амакининг уйларига бошлаб бор, уларда катта бобонг Аҳмад полвоннинг сурати бўлиши керак», деди.

...Биз Ҳасанбой билан Ўзгариш ва Машҳур кўчалари кесишган жойдаги бир уйга келдик. Бу ҳовлида Аҳмад паҳлавоннинг акиси Юсуф отанинг ўртанча ўғли Ҳожимурод ака 1969 йилгача яшаган экан. Ҳожимурод аканинг умр йўлдошлари: «Мана шу ҳовлида Аҳмад паҳлавон истиқомат қилган», деди. Онахон кенжа ўғли Баҳромжонга «Тур, ўғлим, токча устида осиглик турган Аҳмад полвон бобонгнинг суратини олиб чиқ», деди. Бир оздан кейин Баҳромжон катта портретни олиб чиқди. Бу Аҳмад Топилбой ўғли 28 ёшида тушган суратининг асл нусхаси эди.

...Кейинчалик «Спорт» газетасида Аҳмад паҳлавон ҳақида «Юз йилдан кейинги учрашув» мақоласи эълон қилинди.

Бир куни уй телефоним жиринглаб қолди.

— Мен Эргаш Исмадуллаевман. Носиржон, сизлар қидираётган Аҳмад паҳлавоннинг ўғли топилди, тезда менинг ишхонамга етиб келинг, — дея у гўшакни қўйди.

Аҳмад паҳлавоннинг ўғли қандай ҳаёт бўлиши мумкин, деган хаёллар билан Эргаш аканинг ишхонасига кириб бордим.

Хонада оппоқ соқолли, бошига Марғилон дўппи кийган отахон мен билан кўришаркан, «Умрингдан барака топгин, болам», деб дуо қилди. Эргаш ака бизни Аҳмад полвоннинг ўғли Маҳкам ота билан таништирди. У киши ҳаяжон билан қўлидаги халта ичидан магнитофонни олиб, стол устига қўйди. Магнитофонда 90 ёшли Нортой исмли отахондан Аҳмад паҳлавоннинг кимлиги, қаерларда бел олишгани, уйи қаерда бўлгани ҳамда ўғли ва ҳозирда Қашқадарёда яшайдиган бир қизи тўғрисидаги маълумотлар ёзиб олинган экан...

Бир куни устозим Жўрақул акани Маҳкам отанинг уйига олиб бордим. Маҳкам ота келишганимиздай Қашқадарёда яшайдиган синглиси Шаҳодат опани ҳам чақиртирган эканлар.

Ўша куни биз Маҳкам ота ва Шаҳодат ая билан анча суҳбатлашдик.

Шундан сўнг Жўрақул ака: «Носиржон, яна бир нарсани аниқлашимизга тўғри келади. Маҳкам отанинг онаси қабрини зиёрат қилиб, ёшини аниқлаймиз. Агарда оналарининг ёши тасдиқланса, биз қидирган одам шу киши бўлиб чиқади», деб мен билан хайрлашди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Жўрақул ака оламдан ўтиб қолдилар. Энди барча юмушлар, югур-югурлар бир ўзимга қолганди. Хайрият, меҳнатларим зое кетмади.

Бир куни Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» кўрсатуви режиссёри Қодир Сулаймонов «Сизлар Аҳмад Топилбой авлодларини сўроқлаб юрган эмишсизлар. Шу ишларни бирга суратга олсак», деб қолди.

Келишилган куни телевидение ходимлари, мен ва Қодир ака Маҳкам ота ҳовлисига йиғилдик. Маҳкам ака отаси Аҳмад Топилбой ҳақида сўзлаб берди. Кейин Аҳмад Топилбой ўғлининг болалиги, у яшаб ўтган ҳовли ҳамда у кишининг Заҳарикдаги қабри ҳамда умр йўлдоши Собира опа дафн этилган Шайхонтохур туманидаги «Тешик-қопқоқ» қабристони суратга олинди .

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Маҳкам ота оналарини 107 ёшда дафн этганмиз, деб айтдилар. Қабрни кўздан кечирганимизда, қабр сағанасидаги ёзувда Ғофурова Собира 1893 йилда туғилиб, 1988 йилда дафн этилганлиги ёзилганди. Негадир қабр санаси 95 ёшни кўрсатди. Таажжубланиб турган эдим, шунда Қодир ака: «Носиржон, у кишининг айтганлари тўғри. Бизда олдинлари мучал ёшини кўшиб айтишган. Ана энди 95 ёшга 12 ёшни кўшсангиз, ўша Маҳкам ота айтган 107 ёш келиб чиқади...», деди.

Ана шундай қилиб, Маҳкам ота Аҳмад паҳлавоннинг ўғли дейиш учун асослар йиғилди.

Биринчидан, фамилияси Аҳмедов, иккинчидан, онаси XIX асрнинг одами бўлиб чиққанлиги, учинчидан, ёшлик йилларида онаси Собира опа унга, отанг катта бир рус паҳлавонини циркда енггани учун ўша паҳлавон отангни отаман, деб тўппонча кўтариб чиққан деб, бир неча йил қулоғига қуйгани.

Тўртинчидан, учрашганимизда менинг отам Аҳмад Толипбой эмас, Топилбой ўғли бўлган деб айтгани бўлди. Бешинчидан, Шайхонтохур туманидаги «Заҳарик» қабристонига гўрков бўлиб ишлаётган Соатов Миррисқи аканинг айтишича, уларнинг аждодлари гўрков бўлишган. Отаси Миржўра (1924—1989 й.), бобоси Соат ака (1880—1944 й.), катта бобоси Шоҳодат оталар ҳам гўрков бўлган эканлар. Бобоси Соат аканинг айтишича, 1932 йилларда «Заҳарик» қабристонига катта бел олиш курашчи-паҳлавони қўйилган экан.

Энди Аҳмад паҳлавон зурриётлари тўғрисида қисқача сўз юритсак.

Боғбон Топилбойнинг уч ўғли бўлган. Улар Юсуф, Содиқ, Аҳмад. Аҳмад паҳлавон Топилбой ўғли 1865 йилда туғилган, тахминан 1932 йилларда оламдан ўтган. Аҳмад паҳлавоннинг 1 ўғил ва 1 қизи бўлган. Ўғли Маҳкам Аҳмедов 1923 йилда, қизи Аҳмедова Шаҳодат 1925 йилда туғилганлар, улар ҳозир ҳаёт. Акаси Содиқ паҳлавон Топилбой ўғли 1863 йилда туғилган, қачон оламдан ўтгани номаълум.

Юсуф паҳлавон Топилбой ўғли 1861 йилда туғилиб, 1915 йилда оламдан ўтган. Унинг уч ўғли, 5 қизи бўлган. Биринчи ўғли Ориф Юсупов 1898 йилда туғилиб, 1958 йилда оламдан ўтган. Иккинчи ўғли Ҳожимурод Юсупов 1906 йилда туғилиб, 1969 йилда оламдан ўтган. Учинчи ўғли Тўйчи Юсупов 1910 йилда туғилиб, 1996 йилда вафот этган.

Унинг 5 қизидан биринчиси Саломат Юсупова 1900—1960, иккинчи қизи Башорат Юсупова 1901—1964, учинчи қизи Холбуви Юсупова 1903—1965, тўртинчи қизи Муборак Юсупова 1904—1985, бешинчи қизи Жамила Юсупова 1912—1980 йиллари яшаб ўтганлар.



16-расм. Маҳкам ота умр йўлдоши билан фарзандига ўз отаси қаерда дафн қилинганини кўрсатмоқда. Собиқ иттифоқ даврида ўзбекларнинг миллий қадриятларига унчалик аҳамият берилмаган. Ўтганларнинг қабрини тиклаш у ёқда турсин, борлари бузиб йўқ қилинди. Қандай мудҳиш ҳолат, эътиборсизлик орқасидан ота қабрини излаш.

Муҳтарам ўқувчи! Ифтихоримиз бўлган Аҳмад паҳлавон ҳақида билганларим ҳозирча шулар эди. Уни баҳоликудрат қоғозга тушириб, сизларга ҳавола қилдим. Кам-кўсти бўлса, узр.

1914 йилда оламдан ўтган Аҳмад Топилбой ўғлини қайтадан «тирилтириб», 1932 йилда дафн этиш учун жуда катта меҳнат қилишимга тўғри келди. Каминанинг биргина мақсади Аҳмад Топилбой ўғлининг номини абадийлаштириш орқали Бел олиш курашининг нуфузини кўтариш эди. Чунки бу кураш аждодларимиз курашидир. Шуларни амалга ошириш учун керакли кўрсатмаларни Маҳкам отага бердим ҳамда моддий томондан қўллаб-қувватлаб турдим. Шу ишларимизни рўёбга чиқаришда бизни қўллаб турган раҳбарларимизга миннатдорчилик билдираман. Ана шу ишларни амалга ошириш учун Маҳкам ота Аҳмедов ўз отасининг қабрига ёдгорлик ўрнатиш ҳамда Тошкент кўчаларидан бирига унинг номини қўйиш учун елиб-югурди (16-расм). Ниҳоят, мурувватли инсонлар ҳомийлигида 2007 йилда Заҳариқ қабристонидан Аҳмад паҳлавон Топилбой ўғли хотирасига ёдгорлик ўрнатилди ҳамда давлатимиз томонидан Тошкент кўчаларидан бирига унинг номи берилди.¹

Бағдод Бел олиш кураш тури ривож топган маскан

Фарғона вилояти Бағдод тумани бел олиш кураш тарихи илдизлари Фарғона вилоятининг Бағдод тумани, унинг атрофидаги қишлоқларнинг номланиши миллий кураш тарихи билан боғлиқ.

Бағдод тумани ҳокимияти маданият ва маърифат бўлимида туман қишлоқларининг номланиши ва курашлар ҳақида маълумотлар тўпланган. Булар Самарқанд, Боғишамол, Бағдод, Қашқари-Мақай, Кахат, Оқчангал, Қўштеғирмон, Самандарак, Отхона, Ултарма, Говхона, Кенағаз каби қишлоқлардир.

Ана шу қишлоқлар ичида Оқчангил қишлоғида яшаб ўтган Аъзам полвон Раҳмонов жуда машҳур бўлган. У ўзининг ўттиз йиллик беллашувларида бир неча бор республика голиби бўлган. Катта сайилларда галаба қозониб, Аъзам полвон деган номга сазовор бўлган. Аъзам полвон Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган республика биринчилигида голиб бўлади. Мусобақадан сўнг собиқ Пушкин боғида катта сайил уюштирилади. Ана шу сайилга Ўрта Осиё полвонлари йиғилиб, сайл бир неча кун давом этади. Сайилда у ҳаммани енгади. Ўша сайилда Тошкент циркига гастролга келган озарбайжонлик тош кўтарувчи полвон Эльбрус Нажопов ҳам иширок этибди. Одамлар Эльбрус Нажоповдан уни бир ёқли қилишини илтимос қилишади. Эльбрус одамларнинг қарсақлари остида ўртага кириб келади. У Аъзам полвонни менсимайгина тик туриб белбоғидан тутибди. Шундан сўнг кураш бошланибди, ҳеч қанча вақт ўтмай Аъзам полвон бир кифтлаб Эльбрусни қайтариб ташлайди. Одамлар ўринларидан туриб қарсақ чаладилар. Эльбрус полвон эса русчалаб бир нималар деб даврандан чиқиб кетади.

¹ Н. Азизов. «Туркистон паҳлавони», «Тошкент ҳафтаномаси» газетаси. 2006 йил, 26 апрель 17(604)-сон, 14-бет.

Аъзам полвон жуда кучли паҳлавон бўлган, унинг довруғи қўшни тожик ва қирғиз қишлоқларига ҳам етиб борган. Бир кун бир неча қирғиз чўпонлари унинг олдига келишади. Биз билан беш-ўн кунга кетсангиз, тоғда катта бўри пайдо бўлиб, қўйларни бўғизлаб кетяпти, ушлашнинг иложисини қилолмаяпмиз, дейишади. Аъзам полвон рози бўлади ва айтилган жойга бориб, отда юриб бўрини қидирди. Тўртинчи кун оти устида турган Аъзам полвонга қир устидан бир катта бўри сакраб ташланди. Бўрини шу заҳотиёқ ўнг қўли билан бўғиб ўлдиради. Ўлган бўрини чўпонларнинг оёғи остига ташлайди. Бўрининг катталигидан чўпонлар ўзини олиб қочибди. Уларни бўрининг ўлганига қанча ишонтирса ҳам ишонишмабди, шунда этигидан пичоғни олиб, бўрининг бўғзидан тортибди. Ўшанда унга катта қўйни совға қилишган экан. Аъзам полвоннинг жамоат ишларидаги намунали иштироки ҳам мақтовга лойиқдир. У катта Фарғона канали, Лоған канали, жанубий Фарғона канали қурилишларида ва халқ ҳашари йўли билан бунёд этилган бошқа иншоотларда, халқ сайиллари, тантаналар ҳамда бошқа спорт байрамларида маҳоратини кўп марта намоён этган эди. Аъзам полвонга ўхшаган полвонлар Бағдод туманида кўпчиликни ташкил этган. Ушбу суҳбат полвоннинг хонадонидида 1984 йилда бўлган эди. 1986 йилда эса Аъзам полвон Раҳмонов 77 ёшида бу дунёни тарк этди (охиратлари обод бўлсин).

Бағдод туманидаги Қашқари-Макай ва Ултарма қишлоқларидан ҳам етук паҳлавонлар етишиб чиққан. Қашқари-Макай қишлоғининг номи эса бир замонлар Шарқий Туркистоннинг Қашқар шаҳридан келиб ўрнашган уйғурларнинг макай уруғи номи билан боғлиқ. Қашқар вилоятида бел олиш курашининг бузилмаган ҳолатда ҳозиргача сақланиб қолиши бу икки жой халқи ўртасида этномаданий алоқалар қадимдан давом этиб келаётганидан далолат деб билиш мумкин.

Ана шу Қашқари-Макай қишлоғида XVIII—XX асрларда яшаб ўтган ва яшаётган машҳур паҳлавонлар — Назарлар сулоласи ҳозиргача бел олиш курашини давом эттириб келмоқдалар.

Бу қишлоқдагиларнинг „келинг“, „боринг“, „олдинғиз“, „келдинғизми“ деб сўзлашлари ҳамда кексаларнинг дўппини учбурчак кийишлари, илгарилари йўл-йўл чопон кийишлари, урф-одатлари Хитойнинг Қашқар уйғурларини эслатади.

Ана шундай узоқ тарихга эга бўлган шаҳар ва қишлоқлардан етишиб чиққан паҳлавонлар Фарғона вилоятида талайгина. Биргина Бағдод туманида Қўшоқ паҳлавон, Оқчангалдан Ҳамид паҳлавон, Аъзам паҳлавон, Қашқари-Макайдан Эгамназар, Шерназар, Элназар паҳлавонлар бунга мисол бўлиши мумкин (17-расм).

Ана шу туманда бел олиш курашининг ривожига ҳисса қўшиб келаётганлардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Бахтиёр Ҳайдаровдир. Унинг иш услуги, мураббийлик фаолияти нафақат вилоятда, балки республикада ягона дейиш мумкин. Бахтиёр Ҳайдаров дастлабки йилларда классик кураш, эркин кураш ва бел олиш кураш бўйича вилоят шаънини ҳимоя қилиб келди.

Эркин кураш бўйича спорт устаси, бел олиш кураш бўйича вилоятда биринчилардан спорт усталари нормасини бажарди. Унинг



17-расм. Бағдод боғидаги Бел олиш кураш. 1954 йил. Ушбу боғ жуда катта курашларнинг гувоҳи бўлган. Бағдолликларнинг архивидан.

мураббийлиги остида қатор республикаларда танилган бир қанча спорт усталари етишиб чиқди. Улардан кўп қарра республика ва халқаро турнирлар ғолиб ва совриндорлари Ҳамид Тожиев, Рустам Тожиев, Ўқтам Ҳамидов, Муҳаммаджон Исмоилов, Маҳамад Мамажонов, Носир Азизов, Аҳмаджон Давлатов, Вали Солиев, Равшан Илёмов, Аҳрор Абдуллаев, Фанзе Салимжонов, Турсунали Қоқонбоев, Роман Ли, Толиб Усмонов, Маҳсуд Холматов, Асқар Аҳмедов, Рустам Мамадалиев, Аҳмад Тўрақулов, Бахтиёр Маматов, Бахтиёр Қўлдошев, Мурод Қамбаров, Маъмур Қамбаров, Бахтиёр Исоқов, Акрам Назаров, Зафар Тожиев, Алишер Хўжаев, Замзам Ўлмасов, Фахриддин Болтабоевлардир. Йўлингиз тушиб, Бағдод туманига келиб уларнинг иш тажрибасига кўз ташласангиз, қувониб кетасиз. 1975 йилдан буён кимлар, қачон, қайси спорт туридан қаерга борганлиги ва қандай натижаларни қўлга киритганлигини қайд этган китобга кўзингиз тушади. Бағдод туманидаги спорт ютуқлари китобига назар ташлар экансиз, бир неча йиллик бел олиш кураш тарихига кўзингиз тушади. Улардан Бағдод тумани ҳақиқатан бел олиш курашчилари ватани эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу ҳали ҳаммаси эмас, ҳар йили Бағдодда туман газетаси соврини учун мусобақалар ўтказилиб, қатнашчилар сони 400 кишидан ошиб кетади. Бағдоллик таниқли курашчилар: «Менинг энг қийин мусобақаларда эришган ғалабам туман биринчилиги бўлган», деб эслайди. Бағдод туман иш тажрибасидан шу нарса аёнки, таниқли паҳлавонлар шу туман биринчилигидан сўнг сараланиб олинади. Бағдод туманидан 1975 йилдан 2004 йилгача бир неча юзлаб спорт усталари, халқаро спорт усталари етишиб чиқди. Улар бир қанча давлатларга, жумладан Россия, Эрон, Украина, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон давлатларига бориб ғолиб ва совриндор бўлишган. Собиқ иттифоқ даврининг ўзидаёқ бир қанча халқаро турнирлар ўтказилди. Тан олиш керак, у даврда миллий курашларга ҳозиргидай давлат миқёсида эътибор берилмас эди. Баъзида Бахтиёр Ҳайдаров нопок мураббийларнинг қила-

ётган ишларини кўриб дарғазаб бўлиб кетади. У шундай дейди: «Қанийди менинг умримни 30 йил орқага суришнинг иложи бўлса. Қандай шинам бинолар, замонавий кураш гиламлари, фақат қаттиқ ишлаш керак». У баъзи бир таниқли паҳлавонларни олдига чақириб қойиши: «Нимага фалон жойга сайилга бормадинг ёки нега машғулотларга келмай қўйдинг, ўз устида ишламаган паҳлавон имкониятларидан айрилиб боради», дейди. Ҳақиқатан, қаттиққўл, қатъий интизомга риоя қиладиган мураббий Бахтиёр Ҳайдаров республикада ўзининг кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Ҳар бир ғолибни столда ўтириб эмас, амалий иш билан тайёрлаш керак деб таъкидлайди.¹

Ҳозирги кунда эса Бахтиёр ака Ҳайдаров вилоят белбоғли олиш кураш федерациясида етакчи мутахассис сифатида иш олиб бормоқда.

Сирдарё вилояти паҳлавонлари

Сирдарё вилояти республикамиздаги ёш вилоятлардан ҳисобланиб, унинг Ховос шаҳри эса қадимий шаҳарлардан ҳисобланади. Вилоятда асосан Боёвут, Ховос туманлари Тожикистон ва Қирғизистон билан чегарадош бўлиб, тез-тез ҳар икки томонда тўй курашлари бўлиб туради. Шунинг учун бўлса керак, вилоятда бел олиш кураш жуда ривожланган, тўйларда катта бел олиш мусобақалари бўлиб ўтади.

Бу вилоятда элга танилган бир қанча паҳлавонлар етишиб чиққан. Улар Аҳмедов Товбой (1947—1995), Ҳақбердиев Мажид (1954—1996), Норқулов Абдурахмонлардир.

Ховос туманининг собиқ Мичурин совхозида яшаган паҳлавон Карим Бурҳонов оғир вазнда кўп карра республикада ғолиб ва совриндор бўлган. Карим Бурҳонов Ўзбекистонда оғир вазнли бел олиш курашчилари ичида ўзининг кўрсаткичи билан ягонадир (18-расм).

У Ўзбекистонда 1979, 1982 ҳамда 1986 йилларда ўтказилган спартакиадалар чемпиони. Карим ака курашганда рақибларини даст кўтариб, елкаси билан ерга урар эди. Бу тўғрида бежиз тўхталмадик, чунки у оғир вазнлилар ичида рақибларни даст кўтариб урар эди. Узоқ йиллар бел олишиб курашиш билан бирга вилоят бош мураббийси Қудрат акага кўмак бериб келди.

Ана шундай таниқли паҳлавонлардан яна бири Жума паҳлавон Умаровдир. У бир неча йил Ўзбекистон чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлди. Тўй сайилларида Жума полвон бўлиб элга танилди. Бундай полвонлар вилоятда талайгина. Улар қуйидагилар:

Сайипназаров Мамат, 1950 — Ховос
Саидмуродов Холиқ, 1952 — Ховос
Эгамов Худойберди, 1962 — Ховос
Искандаров Толиб, 1968 — Ховос
Холназаров Жўра, 1968 — Ховос
Абдуллаев Низом, 1967
Мавлонов Улуғбек, 1967

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.



18-расм. 0-111736 Косонсойда бўлиб ўтган оғир вазнлилар ўртасидаги бел олиш кураш мусобақаси иштирокчилари чапдан Аҳмаджон Тошмуродов, Эгамберди полвон Қодиров, Карим Ураимов, Алишер Абдурахмонов, пастда Карим Бурҳонов. 20.04.1977 йил. Ўзбекистон давлат архиви.

Қўзибоев Сулаймон, 1957
 Қўзибоев Мутал, 1967
 Искандаров Фазлиддин, 1978
 Эгамов Абдуқаҳҳор, 1981
 Қўзибоев Иброҳим, 1981
 Холназаров Али, 1956

Тошкент шаҳри паҳлавонлари

Тошкент шаҳри қадимги ёзма манбаларда Чоч, Чочистон, Шош, Тошканд деб аталган. X асрда номаълум муаллиф томонидан форс тилида ёзиб қолдирилган «Худуд ул-олам» («Олам чегаралари») асарида «Чоч — катта вилоят, халқи жанговар, бой ва сахийдир. У ёқда ўқ-ёй тайёрланади. Бинкат — Чочнинг пойтахти. Бу катта шаҳар, айти вақтда подшоҳнинг қароргоҳидир... «Бинкат» номи «кўримли шаҳар» деган маънони билдиради», деб ёзилган. Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луготит турк» асарида «Тархан — Шошнинг номи, унинг асл номи «Тошканд» — Тошдан қурилган шаҳар демакдир» деб ёзади.

Тошкент азалдан Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва маданий-маънавий марказларидан бири ҳисобланган. Тошкент милoddан аввалги III ва милoddий V асрларда Қанғ давлати, эфталитлар, Турк ҳоқонлиги таркибига кирган. VIII асрга келиб эса араб халифалиги таркибига кирди. Кейинги бир неча аср давомида Тошкент сомонийлар, кораконийлар, Хоразмшоҳлар, мўғиллар, темурийлар давлати таркибида бўлган. Тошкент геосиёсий жиҳатдан қулай жойда жойлашган бўлиб, Буюк Ипак йўлининг марказида Хитой билан ғарб давлатларини бирлаштирувчи савдо тугуни сифатида жуда муҳим аҳамиятга эга эди. XVI асрда

Тошкент кўчманчи ўзбеклар давлати таркибига киритилди ва шайбонийлар давлатининг муҳим иқтисодий ва сиёсий марказларидан бирига айланди.¹ 1642 йилда Тошкент мустақил беклик сифатида таркиб топди. Бироқ бир муддат қозоқлар ҳукмронлиги остига тушиб қолади. 1723 йилда қозоқлар хонлиги ҳам ағдарилиб, Тошкент жунғорлар ҳукмрончилигидаги шаҳарга айланди. 1758 йилга келиб Жунғор давлати Хитой томонидан ағдарилгандан сўнг Тошкент Хитойга расман вассал шаҳарга, амалда эса мустақил давлатга айланган эди.

Бу мустақил давлатнинг бошқаруви ўзига хос бўлиб, беклар томонидан бошқарилган ва шунга кўра давлат номи ҳам Тошкент беклиги деб юритилган. Тошкентда тўртта маъмурий бирлик бўлиб, улар Кўкча, Себзор, Бешёғоч, Шайхонтоҳур (Шайх Хованди Тоҳир) даҳаларидан иборат эди. 1784 йилда Шайхонтоҳур даҳаси ҳокимининг ўғли Юнусхўжа Тошкент даҳаларини бирлаштириб, ягона ҳокимиятни шакллантиради. Ҳокимиятни мустақамлаб олган Юнусхўжа Россия империяси билан иқтисодий ва дипломатик алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилади.² XIX аср ўрталарида Тошкентнинг ўн икки дарвозаси бўлган. Улар Кўқон, Самарқанд, Комолон, Кўкча, Чиғатой, Соғбон, Қорасарой, Тешикқопқоқ, Тахтапул, Қашқар, Қўймас, Бешёғоч.³

Ўз навбатида Тошкент ўзининг паҳлавонлари билан танилган қадимий шаҳри азимдир. Тошкентлик Аҳмад паҳлавон Топилбой бел олиш кураш сирларини пухта эгаллаган, халқ орасида обрў қозонган паҳлавонлардан бири бўлган. Унинг издошлари шаҳарнинг Қўштут маҳалласидан Абдувалибойвачча, Охунжон ҳожи, Усмон паҳлавон, Фани паҳлавон Ҳакимов, Маҳкам паҳлавон Юсупов, Зухур паҳлавон Яҳёев, Қаям паҳлавон Абдуллаев, Маннон паҳлавон Абдуллаев, Асқар паҳлавон Отабоев, Тожи паҳлавон Аълоев, Муродбек Акбарбеков, Одилхон паҳлавон Умархонов, Юсуп паҳлавон Пирматов, Нажмиддин паҳлавон Муҳиддинов, Эгамберди паҳлавон Қодировлар жуда кўп йиллар халққа хизмат қилиб келдилар ва республикаимизда бел олиш курашининг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшдилар (19-расм). Тошкентнинг Қаландархона Кўмир саройида (ҳозирги Чорсу дўконининг ўнг томонида), Кўкчада, ҳозирги телевидиние биноси ўрнида ҳамда XIX—XX аср бошларида ташкил этилган кўчма цирк биносида ҳамда шаҳар маҳаллалари ўртасида, тўйларда, сайилларда катта бел олиш курашлар бўлиб ўтган. XIX—XX асрлар бошларида Тошкентда Туркистоннинг етук паҳлавонлари ўртасида бел олиш бўйича катта курашлар бўлиб ўтган. 1966 йилда Тошкентдаги кучли зилзила натижасида шаҳар қайтадан қурилди. Ўша даврда катта сайилгоҳлар бузилиб кетди. Кейинчалик бел олиш курашлари ҳам секин-аста йўқолиб кета бошлади. Тўйлардаги бел олишлар йўқолиб кетди. Миллий анъанавий дор ўйинлари, полвонлар ўйини, кураш тадбир-

¹ Кўқон хонлигининг Россия империяси билан дипломатик ва иқтисодий алоқаси, 262 бет.

² Тошкент. Қомус бош таҳририяти. 1992 йил, 8-бет.

³ Кўқон хонлигининг Россия империяси билан дипломатик ва иқтисодий алоқаси, 273-бет.



19-расм. 0-104925. Бел олиш кураш мусобақасидан кўриниш. Тошкент шаҳри. Ўзбекистон давлат архиви.

ларига эътиборсизлик, маҳаллий урф-одатларни хуш кўрмайдиган четдан келган янги раҳбарлар таъсирида бел олиш кураш бошқа кураш қоидаларига мослаштирилиши натижасида унинг оммавийлиги йўқолиб кетишига сабаб бўлди. Тарихий маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, Тошкентда пайшанба ва жума кунлари доимий равишда катта бел олиш курашлари бўлиб ўтган. Ана энди ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, ҳафтасига 2 маротаба, бир ойда 8 маротаба, 1 йилда эса 88 маротаба бел олиш кураш туридан мусобақалар ўтказилган (Рамазон ойида ҳеч қандай тадбир ўтказилмаган). Бу санаб ўтилган бел олиш курашлари катта майдонда халқаро миқёсда бўлган. Ундан ташқари маҳаллалар ўртасидаги ва тўй-байрамлардагилар қўшиб ҳисобланса, анчагинани ташкил этади. Бу курашлар Туркистон ҳудуди бўлингунга қадар давом эттирилган. Кейинчалик дам олиш кунлари шанба ва якшанбага кўчирилганлиги ҳам курашга анча таъсирини ўтказган. Чунки пайшанба, жума кунлари курашлар пешин номозидан олдин ва кейин ўтказилганлиги учун томошабинлар ва паҳлавонлар кўп бўлган. Манбаларда айтилишича, ислом динига эътиқод қилувчи муллаваччалар орасида бел олиш курашчилари кўп бўлган. Томошаларда 5 мингдан 15 минггача одам йиғилган. Россия Туркистонни босиб олгандан сўнг дастлаб йиғинларни тақиқлашни бошлашган. Лекин бунинг уддасидан чиқа олмай, аксинча «бел олиш кураш» бўйича ўтказилган сайилларни муҳофаза қилганлар. Рус армияси полицейлари ҳамда зиёли ҳарбийлар ва амалдорлар ўртасида бел олиш кураш томошаларига қизиқиш катта бўлган. Чунончи, катта рус амалдорлари ва бошқа миллат бойлари ҳам тошкентлик Аҳмад Топилбой паҳлавоннинг бел олиш курашини хуш кўрганлар. Кексаларнинг айтишича, бундай сайилларни тиклаш жуда мушкул иш эмиш. Сабаби, илгари бел олиш курашларида ҳар қандай ҳолатда бир маротаба елкаси билан йиқилиш мағлубият ҳисобланган. Бел олиш курашининг ҳаммабоп, оммавийлиги ҳам шунда бўлган, дейдилар.



20-расм. Тошкент шаҳрида узоқ йиллар бош мураббий бўлган Карим Маликов, пастдан чапдан учинчи.
20.04.1977 йил. 0-111735. Ўзбекистон давлат архиви.

Обид ота Назиров ҳақида

Тошкент вилояти, Паркент тумани ҳақида гап кетганда бу полвон тўғрисида алоҳида тўхталиш ўринли. Обид Назировнинг асли шу ерлик эканини кўпчилик билмаса керак. У киши бир неча йиллар Ўзбекистон спорт кўмитаси раиси лавозимида фаолият юритди. Ўзбекистондаги курашнинг барча турлари билан шуғулланувчилар бир нарсани яхши биладилар. Айнан Обид Назиров раҳбар бўлган пайтларда курашнинг ҳамма турига эътибор кучайди. Бунинг сабаблари бор албатта, у киши эркин ва юнон-рум кураши бўйича мураббий бўлиб, кўплаб шогирдлар тайёрладилар. Ана шу ҳам сабаб бўлса керак, мамлакатда бир қанча жаҳон ва олимпиада голиблари етишиб чиқди.

У кишининг шогирдлари мамлакатимизга таниқли мураббийларни жалб қилиши натижасида, мураббийларнинг малакаси бирмунча ошди. Натижада Ўзбекистонда бир қанча халқаро турнирлар ташкил қилина бошлади.

Обид ака ёшлик йилларида эркин кураш ва миллий кураш билан ҳам мунтазам шуғулланиб, не-не паҳлавонларни кўрмади дейсиз.

Шахсан шу кишининг ташаббуси билан 1990—1991 йиллардан сўнг мамлакатда миллий курашларга катта эътибор берила бошланди. Айниқса, бел олиш кураш бўйича бир неча халқаро турнирлар уюштирилди. Ана шу халқаро турнирларнинг барчасини уюштиришда унинг шогирдларидан Арслон ака Тожибоев ҳамиша кўмак бериб келди. Арслон ака Паркентда ўтказилган тадбирларни уюштиришда ташкилий ишларда фаоллардан бўлиб келди. Бундан ташқари от спорти, улоқ ўйинлари тиклана бошланди. Обид ака олдига бирон-бир масалада кирган кишиларнинг айтганича, ишлари албатта, ижобий ҳал бўлган.

Обид ака ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган бўлсалар-да, ҳали ҳам мамлакатимизда ўтказиладиган спорт ўйинларига қўлдан келганча ёрдамларини аямайдилар.

У киши ниҳоятда камтарин инсон, ҳамсуҳбат бўлганлар билан дилдан суҳбатлашиб, уларни диққат билан тинглайди.

Ҳар замонда Паркент туманидаги бел олиш курашларига келганларида Обид акамиз келибдилар деб, йўлларига пешвоз чиқади-лар. Мамлакатдаги спортга бўлган эътиборни кўриб Обид ака ич-ичидан қувонадилар. Биз у киши билан бўлиб ўтган суҳбатда қилган ишлари тўғрисида сўрасак, қўлимиздан келганича хизмат қилдик, яхшиси ҳозиргилардан сўранглар, деб суҳбатни камтарона қисқа қиладилар. У кишининг қилган хизматларини ҳамма яхши билади. Лекин у кишининг бир гапи ҳаммага далда бўлади: «Сизлар учун имкониятлар эшиги очиқ, мамлакатни, спортни юксакларга кўтаринглар».

Паркент фаҳри Баҳодир ака Назиров ҳақида

Паркент ҳамда Пскент туманларида азалдан катта бел олиш курашлари бўлган ва ҳозиргача давом этиб келади. Бу курашларда каминан ҳам кўп қатнашганман. Бир куни Паркентдаги катта сайил-курашига қаердандир бир ўрта бўйли, бақувват одам келиб ўтирди. У киши келиши билан даврага файз-барака кириб, бел олиш кураш жонланиб кетди. Ҳамма у билан қўл олишиб кўриша кетди. У кишига юқоридан, меҳмонлар учун ажратилган ердан жой кўрсатишса ҳам, у ерга ўтирмади. Ёнларида бир рус бола ҳам ўтирибди (21-расм).

Ҳар замонда курашда қий-чув бўлиб, полвонлар рақибларини дангал кўтариб урмоқда. Ҳалиги ўтирган рус бола ҳам мазза қилиб бел олиш курашини томоша қиляпти. Энг қизиғи, ҳар бир учрашувдан сўнг у киши полвонларга пул бериб, рағбатлантириб турибди.

Ана шу бел олиш сайил-курашида у тахминан 1 соатча ўтирди, кейин узр сўраб, бир юмуш билан келган эдик деб, чиқиб кетди.

Мен кўп сайилларда бел олишиб, бунақанги томошабинни кўрмаган эдим. Кейин сўраб-суриштирдим. У киши Баҳодир Назиров экан. Мени ҳайрон қолдирган нарса, 3 миллиондан ортиқ пул тарқатган бўлса ҳам, ерда ўтириб, роҳатланиб курашни томоша қилгани бўлди. Бунақанги бел олиш курашига ихлос қўйган томошабинни биринчи кўришим эди.

Баҳодир ака даврадан халқнинг дуоиси билан, қўлини кўксига қўйиб чиқиб кетди. Шу-шу бир неча бел олиш сайил-курашларида у кишини кўрдим, ҳаммиша паҳлавонларни моддий томондан қўллаб-қувватлайди.

Қани энди ҳамма бадавлат одамлар ҳам шу инсонга ўхшаса, деб ҳавасинг келади. Шу инсон билан яқиндан танишиш учун у кишини излаб фирмасига бордим. Эшик тагида дабдабали машиналар турибди. Боришга бордим, биров сўраса нима дейман, деб мен ҳам



21-расм. Ўзбекистон Бел олиш кураш федерацияси президенти Баҳодир Назиров.



9-май Бел олиш кураш хотира турнири. 2006 йил.



22-расм. Бел олиш кураш мусобақасидан лавҳа.
2007 йил.

навбат кутиб турдим. Навбат тегмади, эртага келинг, дейишди. У кишининг идорасидаги ходимлар жуда хушмуомала экан, кўриб ҳавасинг келади.

Эртаси куни қабулига кирдим, жудаям самимий, хушмуомала инсон экан. Мен полвон-курашчи эканлигимни айтиб, ўзимни таништирдим. У киши эса: «Биздан қандай хизмат, айтаверинг қандай ёрдам керак», деди. Тилим калимага келмай қолди. Йўқ, менга ҳеч нарса керак эмас, фақат сизнинг бел олиш курашига кўрсатаётган гамхўрлигингиз учун раҳмат айтгани келдим, дедим. Одамлар ҳам унинг бу илтифотларидан миннатдор эканликларини айтдим.

Бироз суҳбатлашганимиздан сўнг, хайрият, бизга ҳам ўз оёғи билан келиб раҳмат айтадиганлар бор экан, деб кулиб қўйди. Кейин биз бел олиш кураш тўғрисида, унинг келажаги, қандай қилиб уни халқаро миқёсга олиб чиқиш мумкинлиги ва бошқа муаммолар ҳақида суҳбатлашдик. «Сизга раҳмат, бизга анча маълумотлар бердингиз, лекин бизга ҳеч ким бел олиш курашини халқаро майдонга олиб чиқишни айтмаган, фақат ўзларининг муаммоларини айтиб кетаверишган», деб қўйди. Шундан сўнг Баҳодир ака билан хайрлашдим.

Мени у кишининг яқин бир одами — Мансуржон кузатиб қўяётиб, шундай деди: «Сиз бизни тўғри тушунинг, биз ҳеч қачон бел олиш курашини халқаро майдонга олиб чиқишни ўйламаганмиз. Таклифларингиз учун сизга раҳмат. Бу ерга аксарият одамлар молиявий ёрдам сўраб келади. Биз қўлимиздан келганча ёрдам берамиз, деб мен билан хайрлашди.

Хўш, Баҳодир ака ўзи қандай одам?! У кишининг курашга бўлган меҳри шу даражага олиб келганми ёки мақсади шу спорт турини кўтариш бўлганми. Аслида униси ҳам эмас, буниси ҳам, у кишининг қандай тарбия олганлигидадир. У кишининг дадалари Азмиддин ака ҳар замонда йўқлаб келган ўғлига: «Мен яхшиман. Кеча Паркентда сел бўлибди, бир неча одамлар азият чекибди, фалончи ўғлини уйлаётган экан, ночор оила, фалончи-пистончилар уруш ногирони, уларни йўқлаб қўйсангиз. Халқнинг гамига ўзини шерик билган одам бой бўлади. Ана шуларни доимо эсда тутинг», деб насиҳат қиларканлар. Баҳодир ака худди отаси айтганидек, ночор, муҳтож одамлар ташвишларини енгиллатишга ҳаракат қилиб келди.

Баҳодир ака Паркентда ўтадиган катта бел олиш курашларига ҳам ёрдам бериб келган. У ерда ўтадиган бел олиш курашига томоша қилиб, хузур қилиш учун эмас, аксинча биринчи навбатда ўша курашни томоша қилаётган узоқ-яқиндан келган фахрий полвонларнинг кўнглини кўтариш учун келарди. Йигирма йилдирки, 8—9 май кунлари Паркент туманида катта бел олиш кураш ўтказилади. Ана шу курашга ҳар йили туманда истиқомат қилувчи уруш фахрийлари, кураш фахрийлари ва республиканинг катта полвонлари йиғилади ва уларга совға-саломлар берилади.

Байрам дастурхони уюштирилиб, 200—300 кг ош дамланади. Шундай катта тадбир ўтказилишига қарамай, Баҳодир ака ҳеч кимни ёддан чиқармасликка ҳаракат қилади. Агар шундай ҳолатлар бўлиб қолса, укаси Мансуржонни чақириб: «Тезда машинага ўтир, манави совғаларни фалончи-пистончиларнинг уйига обориб бер», дейди.

Мана шу ерда Паркент туманида бел олиш кураш тадбири тарихи ҳақида қисқача маълумот берсак.

Бизга маълумки, Паркент тумани қадимий тоғли ҳудуд бўлиб, боғдорчилик билан шуғулланади. Халқи меҳнаткаш, тўғри сўзли, тан-ти, мард халқ, ундан ташқари талабчан ва иззатталаб. Бу ерга қандай раҳбар келмасин, авваламбор халқнинг кайфиятини ўрганишга мажбур, ўрганмаса, бу халқ иззатталаб, ўрганишини талаб қилади. Лекин уларни яхши йўлга бошлаб, катта ишларни амалга ошириш мумкин, сабаби улар тезда уюшиб кетади. Бу ерда яшовчилар азал-азалдан бел олиш кураш турини ёқтирадилар. Собиқ иттифоқ даврида миллий қадриятларга эътибор сусайиб кетди. Кунларнинг бирида тумандаги кураш фахрийлари, уруш фахрийлари ва туман фаоллари йиғилишиб, тадбиркор С. Абдувалиевнинг олдига боришади. Уларнинг мақсади ҳар йили 9-май куни бел олиш кураш туридан катта сайил уюштиришни сўраб илтимос қилиш эди.

Тадбиркор спортни тушунадиганлардан, айниқса, эркин курашни ёқтирарди. Олдига келганларнинг талабини эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолади. Паркент халқи бел олиш курашини шунчалик хуш кўришини, рости, билмас экан...

Хайриятки, мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонга миллий қадрият ва маънавиятни тиклашни биринчи ўринга қўйган раҳбар

келди. Ана шундан руҳланган тадбиркор спорт ишларини, айниқса, миллий бел олиш курашини ривожлантиришга қўл урди. У энди ҳар йили 9-майда катта бел олиш кураш тадбирларини ўтказишга раҳнамолик қила бошлади. Албатта, бу тадбирларни ўтказишда ишбилармон Баҳодир ака четда қолаётгани йўқ. Баҳодир ака ҳам бошқа тадбиркорлар қатори бу тадбирга ҳар йили ўз улушини қўшиб келмоқда.

Баҳодир ака Назиров бир неча йилдирки, бел олиш кураш бўйича ўтказилаётган жаҳон, Осиё, халқаро турнирларида ҳамда мамлакат биринчиликларида паҳлавонларни қўлидан келганича моддий томондан қўллаб келмоқда.

2006 йилда республикаимиз бел олиш кураш спортчилари, кураш фахрийлари ва ишқибозлар тадбиркор Баҳодир Назировни Ўзбекистон белбоғли олиш кураши федерацияси президентлигига сайлашди. Яқинда бир мухбир у кишининг олдига келиб, бизнесда эришган ютуқлари тўғрисида суҳбат ўтказибди. Бир вақтлар Баҳодир ака деҳқончилик қилиб картошка етиштириб, дўстлари билан сотгани Қорақалпоғистонга боришибди. Картошка жуда кўп бўлиб, уни тезда сотиб Тошкентга қайтиш керак экан. Шериклари билан уни улгуржи нарҳда 120 сўмдан сотишибди. Сўнг пулни санашса, 1 қоп картошканинг пули кўп чиқибди. Шериклари Тошкентга қайтишга шошилибди, Баҳодир ака эса шу ортиқча пул берган одамни қидириб кетибди. Одамлардан улгуржи савдогарлар қаерда тунашини суриштириб, охири топибди. Бир кўримсиз уйга кирса, бир кекса ёшли отахон олдига пулларини қўйиб қайта-қайта санаётган экан. У кишининг келганини сезган отахон, келинг ўғлим, деб кўришибди. Бир оз вақт ўтгандан кейин Баҳодир ака гап бошлаб, отахон, ҳисоб-китобингиз тўғри чиқяптими, дебди. Отахон эса, ҳа тўғри, ўғлим, шунчаки ҳисоб-китобни қилиб турган эдим, дебди. Баҳодир ака эса, ундай эмас, сиз еттита қоп картошкага пул бериб олти қоп олиб кетибсиз, деб қолган пулларни қайтариб берибди. Хурсанд бўлган отахон, сен бизнесда катта одам бўлиб кетасан, деб дуо қилибди. Ҳақиқатан Баҳодир ака халқнинг дуосини элди. Чунки унинг бобоси халққа катта яхшиликлар қилган, ҳалол, пок инсон, катта ер эгаси бўлган, ўша мудҳиш шўролар даврида қатағон қилинган. Мустақиллик шарофати туфайли катта тадбиркорликка йўл очилган даврда Баҳодир ака яхши инсонлар маслаҳати билан катта бизнесни ўрганди.

Яқин йиллар ичида «Кумушкон» дам олиш масканини хусусийлаштириб, янгидан халқаро талабларга жавоб берадиган жаннатмакон жойга айлантирди. У ўзи туғилиб ўсган Паркент туманидаги туғруқхонани капитал таъмирдан чиқариб, катта савоб ишга қўл урди. У киши қаерда бўлмасин, қандай иш қилмасин, Юртбошимизнинг, тадбиркорлардан умидимиз катта, деган сўзларини ёдда тутати.

Мамлакатимиздаги ана шундай тадбиркорларнинг саховатини кўриб қувониб кетасан киши. Улардан полвонлар ҳамиша миннатдор, ана шундай саховатли инсонлар иштирокидаги курашларда доимо барака ёғилади. Чунки ўзбекларнинг аجدодлари ҳам полвонларни эъзозлашган. Биз ана шундай саховатли инсонларнинг мамлакатда ҳам, кураш даврларида ҳам кўплаб бўлишини истаб қоламиз.

Андижон полвонлари

Бизга маълумки, қадимий манбаларда (Довон) Паркана ёки Праганик аталиб, бугунги кунда Фарғона водийси деб юритилади, ана шу ҳудудда Андижон вилояти жойлашган. Ўзбек халқининг узоқ тарихга эга бўлган бел олиш кураш тури кишиларга завқ-шавқ бахш этиб, мардларга майдонда ўлчов тоши бўлиб келди.

Андижонда урф-одат даражасига кириб борган спорт тури бел олиш курашидир. Бу ерда бир неча асрлардан бери мавжуд бўлган бу кураш тури бугунги кунгача етиб келганлиги бежиз эмас. XV аср охири, XVI аср бошларида яшаб ижод этган атоқли намояндалардан бири, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Андижондандир. Темурийлар сулоласидан бўлган Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо ҳам жисмоний тарбия турларига ихлоси баланд одам бўлган. У ўша даврларда улоқ ўйини, бел олиш кураш ҳамда муштлашув санъати ва бошқа бир қанча жисмоний тарбия ўйинлари ташкил қилиб, томошалар беради. Умаршайх Мирзонинг ўзи ҳам мушти зўр полвон бўлиб, урган одамни қулатмай қўймаган.

Бобур XVI аср бошларида Шайбонийхон билан бўлиб ўтган жангда енгилиб, кейинчалик Афғонистон ва Ҳиндистонни эгаллайди. У ўз юртида амалга оширолмаган армонларни ўзга юртларда амалга ошириш билан бирга, урф-одатларини давом эттирган саркарда ҳисобланади. Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида бу ҳақда кўплаб маълумотлар қолдирган. «Бобурнома» асаридан Бобур ўзининг армиясида жисмоний тарбия турларига катта аҳамият берганлигини билиб олиш мумкин. У, айниқса, жисмоний тарбия турларидан бел олиш курашига катта аҳамият беради. Тўйларда паҳлавонларни кураштириб, уларни ўзи тақдирлаганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар келтиради. Бобур бир неча хонлар элчилари иштирокидаги тўйда кўчқор, туялар ва филларни уруштириб ва ниҳоят, катта паҳлавонлар иштирокида бел олиш кураш томошаларини уюштиради. Ана шу томошаларда унинг юртидан келган паҳлавонлар ҳам иштирок этганликларини айтиб ўтади.

У «Бобурнома» асарида шундай ёзади: «Шанба куни ойнинг олтинчисида тўй бўлди. Қизилбош ва ўзбак ва ҳиндуларнинг элчилари бу тўйда бор эдилар. Ошдин бурунроқ маст тевааларни (туяларни) ва филларни ўртадаги оролда уришга солдилар.

Бир неча кўчқор ҳам уруштурдилар. Булардан сўнг курашчилар белбоғ тутиб курашдилар», деб ёзади ҳамда шу тўйда меҳмонларга кумуш, олтин, тугмалик чакмон, қимматбаҳо тўнлар ҳамда паҳлавонларга ханжар инъом этганлигини қайд этади.

Ана шу тўйга ўз юртидан келганлар тўғрисида шундай дейди: «Яна Андижондин ва бевилоят ва беватан юрган ерларимиз Сўх ва Хушёрдин келганларга чакмонлар ва кумош хилатлар ва олтундан ва кумушдин, рахтдин, жинсдин инъомлар бўлди». Бу сатрларни келтиришимиз бежиз эмас. Ана шу XV ва XVI асрларда бўлиб ўтган тўй-томошалардаги урф-одатлар ҳозиргача Андижонда сақланиб қолган.

Манбаларда бел олиш кураш тури тўғрисида бир қанча маълумотлар сақланиб қолган.

XIX аср охири XX аср бошларида яшаган Мирзакарим аканинг авлод-аждодлари паҳлавонлар бўлган. У киши 1895 йилда Андижон вилояти Избоскан туманининг Тўртқўл қишлоғида туғилган. Оилали бўлгач, у ўғил кўради. Ўзбекларда ҳали-ҳануз кўплаб оилаларда ўғил туғилса, Ҳазрати Алидек паҳлавон бўлсин, деган яхши ният билан исмини Али деб қўядилар. Мирзакарим паҳлавон ҳам шу ниятда ўғлига Али деб исм қўяди. Ҳақиқатан, Мирзакарим паҳлавоннинг ўғли Али паҳлавон ўн етти ёшга тўлганда катта даврада етти таниқли паҳлавоннинг елкасини ерга теккизади. Бу ҳақда ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романида маълумот берилган. Али паҳлавон Мирзакарим ўғли 1920—1939 йилларда элга танилган паҳлавон бўлган. Кейинчалик ёш республика қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда фаол қатнашади. У 1937 йилда Бутуниттифоқ миллий курашлар фестивалига республикамиздаги паҳлавонлардан Қоратой паҳлавон Юсупов ҳамда бир қанча паҳлавонларга бош бўлиб Москвага бориб, Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

1985 йилда Тухфат Одиловнинг «Ўзбек полвонлари» китоби чоп этилади. У киши бу китобни ёзиш учун кўплаб паҳлавонлар билан учрашади. Ўша паҳлавонлар ичида Али паҳлавон Мирзакаримов энг кексаларидан бўлган. У мамлакатимиз ҳамда қўшни республикалардаги таниқли паҳлавонлардан Жаъфар полвон, Ўсар паҳлавон Ботиров, Низом полвон, Саттор полвон, Қоратой паҳлавон Юсупов, Аъзам паҳлавон Раҳмонов, Деҳқон полвон Мамараҳимов, Асқар паҳлавон Отабоевларга кураш сирларидан сабоқ берган устоздир.

Али полвон Мирзакарим ўғли қаерда зўр полвон чиқибди деб эшитгудек бўлса, у билан майдонда бел олишга отланар эди.

Кунларнинг бирида унинг уйига ҳамқишлоқлари келиб, Хўжанддаги катта тўй курашига бориб ютқазиб келганликларини айтишади. Ўша тўйга Ўсар паҳлавон ҳам борган экан, ундан нима гаплигини сўрайди. У: «Али ака, сизнинг йўқлигингиз билинди, ўша тўйда вазни юз килодан ошадиган Шариф паҳлавон ҳаммани енгди. У жуда баҳайбат, кучли экан. Мен ҳам бас келолмадим», дебди. Бу гапларни эшитиб турган Али полвон Ўсарни койибди: «Доим сенга айтаман, кучли паҳлавон билан рўпара келсанг, аввал унинг ҳаракатини кузат. Бу пайтда фақат фурсатни пойлаб курашиш керак. Бел олиш кураш илмида кучнинг ўзи иш бермайди, рақибнинг ҳам имкониятини ҳисобга олиш керак. Бўлар иш бўпти, кейинги тўй қачон?» деб сўрабди. Ўсар паҳлавон икки ҳафтадан сўнг катта бел олиш кураш бўлишини айтибди. Али ака ўз шогирдлари билан биргаликда бир неча кун қаттиқ тайёрланиб, Хўжандга боришибди. Ҳақиқатан, тўйда жуда катта паҳлавонлар йиғилишибди.

Қоратой полвон, Матёқуб полвон, Ҳамид полвон, қўқонлик Шокир паҳлавон (Тўппонча полвон), Бозор полвон ва бир қанча таниқли полвонлар жам бўлган ана шу тўйда Али паҳлавон бошлиқ андижонликларнинг иши юришиб, бирин-кетин кўп паҳлавонларнинг елкасини ерга теккизадилар. Навбат Али паҳлавонга келади. У биринчи чиққан паҳлавон билан ушлашибоқ, айлантирганича ерга уради. Ана шу тўйга Шариф паҳлавон келмаган экан. Хўжандликлар

Али полвонни кўрибоқ, қандай бўлса ҳам Шариф паҳлавонни олиб келиш учун чопар юборишибди. Шундай қилиб, ана шу тўйда Али полвон бир қанча паҳлавонларни кўтариб уради. Али аканинг маҳоратини кўрган Қоратой полвон, Шокир (Тўппонча) паҳлавонлар унга тасаннолар айтишган экан. Шу тўйга Фарғона, Кўқондан борган паҳлавонларнинг кўпи Али паҳлавон тарафи бўлиб, курашмабдилар. Ниҳоят, кутилган дақиқа келиб хўжандлик Шариф паҳлавон тўйга кириб келибди. Одамлар ўтирган жойларида хурсанд бўлиб, энди кураш қизийди, деб юборишибди.

Али паҳлавон кураш илмига риоя қилиб, ўзининг тарафи бўлиб турган фарғоналик, кўқонлик паҳлавонларни бел олишга солибди. Хўжандлик Шариф паҳлавон биринчи чиққан паҳлавонни қайтариб урибди. Иккинчисини босиб тушибди, учинчисини айлантириб урибди. Шариф паҳлавоннинг курашини зимдан кузатиб турган Али паҳлавон ҳам унга қойил қолибди. Ниҳоят, тўйнинг энг зўрлари Али полвон ва Шариф паҳлавонларнинг бел олиш фурсати келибди. Али паҳлавоннинг устозлари унга хушёрроқ бўлишни, фақат фурсатни кутиш кераклигини айтиб фотиҳа беришибди. Ниҳоят, ўртани олиб борувчи холислардан бири халққа овоза қилибди: «Мана, бугунги тўй бел олиш курашининг ғолиблари андижонлик Али полвон ва хўжандлик Шариф паҳлавонлар бўлдилар. Уларнинг курашида ким ғолиб бўлса, тўй эгаси бир улоқчи от, гилам, чопон ва бир кўчқор ҳадя этади».

Кураш бошланибди. Ҳар иккисининг бўй-басти, бақувватлигига томошабинларнинг ҳаваси келибди. Улар бир оз юргандан кейин Шариф паҳлавон рақибини бир-икки силтаб кўрибди. Сўнг Али паҳлавон яқинлашиб борганда, Шариф паҳлавон унинг оёғини ердан узиб, ташлаб юборишига сал қолибди. Али паҳлавонни кузатиб турган устозлари, уни фурсатни кутмагани учун койишади. Али паҳлавон шу



23-расм. Андижонда Бел олиш кураш мана шундай ўтади.
Навбатдаги Бел олиш кураш мусобақаларидан бири. 2001 йил,
Хонобод шаҳри.

пайт устозларига бир назар солиб, хатосини тушунади. Томошабинлар ҳайқириги бошланиб, Шариф паҳлавон ёпишиб ҳаракатга тушиб кетади. Али паҳлавоннинг оёғини яна бир-икки маротаба ердан узиб ташлашга ҳаракат қилибди. Улар бир соатдан ортиқ ҳаракат қилиб бир-бирини йиқита олмабди. Энди бу сафар ёпишиб келаётган Шариф паҳлавонни Али паҳлавон ўнг оёғи тиззаси билан кўтариб уради. Ҳаммининг кўз ўнгида Шариф паҳлавон тепага бир кўтарилиб, елкаси билан йиқилади. Томошабинлар бундай ҳалол, чиройли йиқитган Али паҳлавонга офаринлар айтишади. Ҳаяжонда ўтирган устозларининг кўзидан ёш оқиб кетади.

Мана шу воқеани Ўш шаҳридаги чойхонада бир нотаниш кекса паҳлавон 1999 йилда гапириб берган эди. У ана шу тўй курашига 1939 йилда ўзининг отаси билан бирга бориб, шу воқеаларга гувоҳ бўлган экан.

Ана шунга ўхшаш воқеалар Али паҳлавон Мирзакарим ўғли ҳаётида кўплаб бўлган. 1996 йилда ёзувчи Шокир Шокаримов ўзининг «Андижон паҳлавонлари» китобида вилоят полвонлари ҳақида ажойиб ҳикоялар келтирган. Лекин китобларда номлари қайд этилмаган андижонлик таниқли паҳлавонлар жуда кўп. Ана шундай паҳлавонлардан бири Мухтор Дармоновдир.¹

Дардақлик Мухтор паҳлавон Дармонов (1940—1969) ҳақида

Андижон вилояти Кўрғонтепа туманининг бир чеккасида Дардақ қишлоғи жойлашган. Шу кичкинагина қишлоқ Андижон вилоятида номи чиққан қишлоқлардан ҳисобланади, чунки II жаҳон уруши Қаҳрамони Кўчқор Турдиев шу қишлоқдан чиққан. Ана шу Дардақ қишлоғи Қирғизистоннинг Қорадарё қишлоғига қўшнидир. Қишлоқ аҳолиси деҳқончиликка ихтисослашган бўлиб, улардан девзира гуручларни улгуржи баҳода тонналаб сотиб олишингиз мумкин. Одамлари жуда аҳил, айниқса, бел олиш курашига ихлослари баланд, тез-тез тўй курашлари ўтказиб турадилар. Унинг ўзига яраша сабаблари бор, чунки қўшни Қирғизистоннинг Қорадарё қишлоғи аҳолиси ҳам худди шундай бел олиш курашига шинаванда. Шу сабабдан улар тўй курашларида тез-тез учрашиб туришади. Дардақ қишлоғида Дармон ака оиласида 1940 йилда ўғил туғилиб, исмини Мухтор деб қўйишди. Дармон ака оиласидаги хурсандчилик байрамга айланиб кетди. Ўғлим паҳлавон бўлсин, деб элдан дуо олди. Мухторжон болалик чоғларидан отасининг таъсирида бел олиш курашига ихлоси ортиб, ўз тенгкурларини енгиб, тўй кураши ва сайилларда ғалабаларга эришди. Ниҳоят, болалик йиллари ортда қолиб, ўсиб-улғайиб вояга етди. Мухторнинг ҳаётида умр имтиҳонлари бошланди. Бир куни қишлоқда катта тўй кураши бўлиб, ана шу тўйда у курашиб, бир қанча паҳлавонларнинг елкасини ерга теккизади ва Мухтор паҳлавон деган ном олади. Дардақ қишлоғида одамлар ўртасида дув-дув гап тарқала бошлайди: «Эшитдингларми, Дармон аканинг ўғли Мухтор тўй курашида ҳаммани енгибди». Ана шу гап-сўзлар тез орада қўшни Қирғизистон қишлоқла-

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.

рига ҳам етиб боради. Бу даврда Мухтор паҳлавон энди йигирма бир ёшга тўлган эди. Унинг бел олиш курашда таърифини эшитган одамлар тўй курашига бир қанча қишлоқ, туманлардан келишади. Кейинги тўйда ҳам донгдор паҳлавонларни ютиб, «Мухач» лақабини олади. Унинг таърифини эшитган кўшни қирғиз қишлоғининг бел олиш кураш ишқибозлари уни тўйга таклиф этишади. Кўшни қирғиз қишлоғи тўй курашида ҳам бир қанча таниқли полвонларнинг елкасини ерга текизиб, эл дуосини олади. Шундай қилиб, Мухтор паҳлавон тўй курашларининг энг илғор паҳлавонлари сафидан жой олади.

Бир куни уни узоқ қирғиз қишлоғига тўйга таклиф этишиб, бошқа қишлоқ номидан курашга туширишади. У донғи кетган паҳлавонларнинг елкасини ерга теккизади. Шунда бир ҳамқишлоғи: «Ахир, сиз дардақликсиз-ку, нима учун бошқа қишлоқ номидан беллашасиз», деб койийди. Шу гаплардан сўнг бу айрим одамларнинг найранглари эканлигини тушуниб етади ва афсусланади. Ана шу найрангни ўйлаб топган кўшни қирғизистонлик ўзбек биродарлари Мухторнинг ўзларига рақиб бўлишидан чўчишар эди.

Бир куни Мухтор паҳлавоннинг олдига кўшни Қирғизистон қишлоғида катта тўй бел олиш кураш бўлишини айтиб, бир неча одам келади ва ундан яна бошқа қишлоқ номидан беллашишини сўрашади. У эса шундай деб жавоб беради: «Мени кечиринглар, мен бир марта бошқа қишлоқ номидан курашганлигим учун қишлоғимдаги қирғизлар ҳам мендан хафа. Агар хоҳласаларинг, фақат Дардақ қишлоғи номидан курашаман» дейди. Бу гапдан таъсирланган қирғизистонлик ўзбеклар: «Ахир биз ўзбек бўлсак, сен узоқ қирғиз қишлоғида курашсанг, улар сенинг қаерданлигингни билишмайди» дейди. Мухтор паҳлавон бу тўй курашига боришдан узил-кесил воз кечади. У шундай қилиб бир қанча тўй курашларига бормайди. Ундан ютқазган рақиблари ўч олиш мақсадида, у бу ерларга келолмайди, у мағлубиятга учрашдан чўчийди, деб гап тарқатишади. Бу гаплар Мухтор паҳлавоннинг ҳам қулоғига етиб келади. У бир тўй курашига бориб, унга қарши гап тарқатганларнинг ҳаммаси билан бел олишиб, кўтариб елкасини ерга уради. Бундай шармандаликка чидай олмаган рақиблари ундан ўч олиш режасини тузишади. Мухтор (Мухач) борган тўй сайилларида барча рақиблари ютқизади, беллашмаса эл улардан талаб қилади. Шунинг учун ундан бутунлай қутулиш йўлини излашади. Улар ҳийла йўли билан Мухтор паҳлавон билан ярашиб, олди-сотди савдоси орқали даромад қилишга кўндиришади. Шундай қилиб, бир-икки ишни ҳам амалга оширишади.

Бир куни Мухтор паҳлавондан узил-кесил қутилиш учун унинг душманлари Қирғизистоннинг Қорасувидан Ўзбекистоннинг Хонобод шаҳрига мотоциклда боришни режалаштирадилар. Келишилгандай, рулда бир одам, орқа ўриндиқда Мухтор полвон ва кажавода унинг ҳамқишлоқ дўсти Ҳамраш ўтиради. Мухтор паҳлавон уни йўлда нима кутаётганидан беҳабар эди. Мотоцикл режалаштирилган жойга яқинлашганда, уларни юк машинасида кутиб турадилар. Юк машинаси мотоциклни қувиб етиб, бир киши Мухтор паҳлавонни орқасидан узун ёғоч билан қаттиқ уради. Шунда Мухтор паҳлавон мотоциклдан учиб тушиб, асфалтга боши билан йиқилади. Мотоциклни ўнгга буриб

юборган шофёр ҳамда кажавадаги Ҳамраш ҳам йўлнинг чеккасига учиб тушиб ҳушидан кетади. Шу воқеадан сўнг Мухтор оғир аҳволда касалхонага ётқизилади. Касалхонага бир неча бор терговчилар келиб Мухтор паҳлавондан нима бўлганлигини сўрашади. Лекин у ҳеч нарса демайди. Унинг дўсти Ҳамраш касалхонага кўргани бориб, ундан бўлган воқеани очиқ-ойдин айтиб, жиноятчиларни жазолашни йиғлаб сўрайди. Мухтор паҳлавон эса «Мен бу ишларни ким уюштирганини биламан. Агар худо умр берган бўлса, касалхонадан чиқиб улар билан ўзим гаплашаман, Агар оламдан ўтсам, бу дунёда номардлар яшасин», дейди. Мухтор паҳлавон Дармонов (Мухач) икки ой касалхонада ётиб, ўша ерда вафот этади.

Мухтор паҳлавон оз умр кўради, у 1960—1969 йилларда беллашиб, элга машҳур бўлиб танилди. Унинг машҳурлигига ҳасад қилувчи номард паҳлавонлар унинг умрига зомин бўлдилар. Мухтор паҳлавон ўттиз ёшга ҳам етиб бормади. Унинг ўлиmidан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай, умр йўлдоши ўғил кўрди. Унинг ўғлига Ёдгоржон деб исм қўйишди. У ўзининг қисқа умри давомида Дардақ қишлоғининг фахрли паҳлавонига айланди. Уни дафн маросимига Дардақ қишлоғига кўшни бўлган барча узоқ-яқин қишлоқлардан паҳлавонлар йиғилди. Бу ҳикояни ёзишдан олдин бир қанча машҳур бел олиш кураши усталари билан суҳбатлар ўтказилди. Қорадарё қишлоғилик Қирғизистоннинг йигирма беш карра ғолиби, бир неча бор Ўрта Осиё ҳамда Халқаро турнирлар ғолиби Иброҳим Узоқов (Тўппонча полвон) шундай дейди: «Мен Мухтор аканинг бел олиш курашини ўз кўзим билан кўрганман, у киши билан курашиш менга насиб қилмаган. Мен унда ёш эдим. Оғир вазнли паҳлавонлар ичида бунақанги эпчил беллашадиган ва рақибини дангал оёғини узиб йиқитадиганларни кам кўрганман». Унинг ҳамқишлоғи, спорт устаси Мирзааҳмад Мамадалиев шундай ҳикоя қилади: «Мен ёш эдим. Дадам чопонининг этагида ўтириб тўй курашида Мухтор паҳлавоннинг бел олишини томоша қилганман. Қиш пайти эди. Мухтор паҳлавон ялангоёқ бир неча паҳлавонларнинг оёғини баланд кўтариб ташлаб, елкасини ерга теккизган». Йўлингиз тушиб, Қўрғонтепа туманидаги Дардақ қишлоғига бориб қолсангиз, Мухтор исмини кўп учратасиз. Дардақ қишлоғининг фахри бўлган Мухтор паҳлавоннинг хотираси учун шу исм қўйилган. Биринчилардан бўлиб унинг дўстлари ва ҳамқишлоқларидан Абдуваҳоб, Абдураззоқ, Миродил полвон, Маъруфжон Муқимов ва бошқалар ўғилларининг исмини Мухтор қўйишган. Ана шу Дардақ қишлоғида бугунги кунда Мухтор исмли бир неча бел олиш кураш спорт усталари истиқомат қилади. Мана шу ерда ҳикояга яқин ясаб дардақликларнинг умри эмас, кураш амаллари Мухтор паҳлавонникидай бўлиб қолишини Яратгандан сўраб қоламиз.

Шу ерда бир нарсани айтишни жоиз деб топдик. Мухтор паҳлавон ўлимини уюштирганлар ҳеч қандай жавобгарликка тортилмади. Лекин ҳеч қанча вақт ўтмай, Худонинг қаҳрига учраб, бахтсиз ҳодиса туфайли ваҳшиёна ўлим топди.¹

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.

Андижондан жуда ҳам кўплаб паҳлавонлар етишиб чиқди: Мирзакарим паҳлавон, Ботир паҳлавон, Бойқўзи паҳлавон, Али паҳлавон Мирзакарим ўғли, Мулла Ўсар паҳлавон Ботир ўғли, Карим паҳлавон Маллабой ўғли, Қорабой паҳлавон Омон ўғли, Жаъфарали паҳлавон, Комил Иброҳим ўғли. Улар ўзларининг бел олиш курашлари билан тарихда из қолдирдилар. Уларнинг ғолиб бўлишида кейинги авлод мураббий ва ташкилотчиларидан Маъруфжон Икромов, Карим Ниёзов ва Раҳим Эминжон ўғлининг хизматлари беқиёсдир. Шу инсонларнинг хизматлари туфайли вилоят полвонлари республика ва халқаро турнирлар ғолиби ва совриндорлари бўлдилар. Улар Раим Дехқонов, Камолиддин Нуриддинов, Абдулла Қамбаров, Нурмамат Исоқов, Эркин Турсунов, Равшан Исоқовлардир. Вилоятдаги бир қанча туман ва қишлоқлар ўзининг узоқ йиллик кураш тарихига эга. Уларнинг номи чиққан паҳлавонлари шундай кўпки, уларни санаб адоғига етиш қийин. Улар ҳақида ёзувчи Собиржон ака Шокаримовнинг «Андижон паҳлавонлари» китобидан тўлиқ маълумотлар олиш мумкин. Ҳозирги кунда Андижонда бир неча йиллардан буён бел олиш курашининг ривожини учун толмай меҳнат қилаётган Мамасоли Исмоиловнинг саъй-ҳаракати билан мустақиллик йилларида кўплаб республика, халқаро турнирлари ғолиблари етишиб чиқди. Мана, бир неча йиллардан буён эл назарига тушган оғир вазнли полвонлардан Шавкат Омонуллаев, Зоҳид Жумаевлар вилоят шарафини ҳимоя қилиб келмоқдалар. Шулар ичида Зоҳид Жумаевни жуда истеъдодли паҳлавон дейиш мумкин. У нафақат Ўзбекистонда, ҳатто Марказий Осиё давлатлари сайилларидаги афсонавий паҳлавонга айланиб қолди. У 2005 йилда «Бел олиш кураш» бўйича ўтказилган IV Жаҳон чемпионатида 43 давлат ичида 90 кг вазнда кумуш медаль соҳиби бўлди. Алматида ўтган VI Жаҳон чемпионатида эса олтин медал соҳиби бўлди. Ана шундай жаҳон чемпионатларининг бирида Шавкат Омонуллаев кумуш медаль билан тақдирланди. Биз ана шу ерда Андижон вилояти паҳлавонлари тўғрисидаги ҳикоямизни тугатиб, уларга омадлар тилаб қоламиз.

Наманганлик полвонлар

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманига борсангиз, бел олиш кураши ҳақида гап кетганда, албатта, Даврон полвон Баҳромовни (1930—2003) эслашади.

Наманганнинг кўп жойларига кураш сайилларига борганимизда, у киши ҳақида одамлар тўлқинланиб гапирганини кўп эшитганмиз. 1997 йилда бир қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бир бел олиш кураш ишқибозининг тўйига Ўзбекистоннинг турли ерларидан полвонлар йиғилган эди.

Тўйхонага йиғилган кекса полвонлар бел олиш кураш ҳақида гурунглашиб ўтиришибди. Сухбат борган сари қизиб бормоқда, бу сухбатда Даврон ака йўқ эди. У сухбатни ташқаридан тинглаб турган экан.

Сухбатдаги гаплардан нимадир ёқмади шекилли, бирдан ичкарига кириб: «Нима деяпсизлар? Ҳаммаларинг полвонман деб мақтанасан-

лар, қайси бирларинг мени ютгансанлар?» деб сўраб қолди. Бирдан уй ичидаги полвонлар жим бўлиб қолишди. Шунда кексалар ичидан бири кулиб, ҳа, гапинг тўғри, сен ичимизда энг зўри эдинг, деб қолди. Бу суҳбатга Даврон полвон ҳам қўшилиб, ўзи тўғрисида гапира кетди. Ана шу ерда Лайлак, Ўш, Жалолобод, Хўжанд, Чорбоғ, Ўратепа, Андижон, Кўқон, Бағдод, Паркент, Пскент, Ховосдаги тўй ва сайилларда бўлиб ўтган бел олиш курашлари эсга олинди.

Суҳбат чоғида Даврон паҳлавоннинг тез, чапдаст курашганлиги ҳақида узоқ гапиришди. У киши кўп сайилларда бел олиш курашида галаба қозонган. 80-йиллардан то умрининг охиригача Наманган вилоятининг полвонларига бош бўлиб, тўй курашлари, сайилларда, давлат мусобақаларида бирга юрди. Камина ҳам Даврон аканинг сўнгги йилларда полвонларга йўлбошчи бўлиб юрганига гувоҳ бўлганман.

У кишининг ўғли Аҳмад Баҳромов бел олиш кураш бўйича бир неча мартаба Республика ва Халқаро турнирлар ғолиби бўлди. Қанчалик зўр курашмасин, Даврон акадан: «Ўғлингизнинг бел олиш курашлари қалай?» дейишса, у ҳали ғўр курашяпти, дер эдилар (24-расм). Бу гапдан албатта Даврон полвоннинг ўзи қандай курашчи бўлганлигини билиш мумкин. Полвонлар у кишининг дуосидан тортиб насиҳатларига ҳам ўрганиб қолган экан. Мана бир неча йилдирки, у киши полвонлар орасида йўқ, давраларда йўқлиги сезилиб қолади.

Даврон ака мамлакатдаги ҳамма полвонларни бирдай кўриб, кучоқлаб, бағрига босар эди. Агар мусобақаларда бирортаси кўринмай қолса, албатта эсга олиб сўрарди. Бир куни ўғли Аҳмадга: «Носир полвонни кўрсаларинг айтиб юборинглар, келсин», дебди. Кўргани Тўрақўрғонга бордим. У киши: «Нега кўринмай қолдингиз, эшитишимча, бошқа жойда ишлаётган экансиз. Сизни бугун тушунмайдиганлар кейин тушунади. Сизни Оллоҳнинг ўзи қўллайди, сиқилманг», дедилар. Анча суҳбатлашдик, у кишининг гапларидан қувониб кетдим. Курашларимни кўп кўрган экан, ҳаммасини гапириб берди. У киши билан суҳбатлашар эканман, бир нарсага ҳайрон қолдим. Нафақат



24-расм. Наманган Бел олиш кураш терма жамоаси.
1995 йил. Наманган шаҳри.

Ўзбекистон, ҳатто Қирғизистон, Тожикистондаги полвонларнинг ҳаммасини эсга олдилар. Ўша пайтларда Даврон ака бетоб эдилар. Орадан 2 ой вақт ўтиб, у кишининг оламдан ўтганини эшитиб, кўзларимга ёш келди. Нима ҳам қилардик, Оллоҳнинг иродаси, деб ўзимга таскин бердим. Мана шу ерда биз таниган ва танимаган, оламдан ўтган полвонларни Оллоҳ раҳматига олсин деб, суҳбатимизни якунлаймиз.¹

Наманганлик полвонлар

Тўрақўрғон тумани полвонлари:

1. Тўйчи Сидиқов, 1903—1969 йил
2. Сойиб Тўйчиев, 1928—1995 йил
3. Даврон Баҳромов, 1930—2003 йил
4. Аҳмаджон Муллабоев, 1935 йил
5. Фулом Шерматов, 1944 йил
6. Абдурашид Муҳаммаджонов, 1955 йил
7. Тожиддин Ҳамдамов, 1957 йил
8. Шухрат Муллабоев, 1958 йил
9. Миршариф Раимов, 1960 йил
10. Алишер Латипов, 1961 йил
11. Аҳмад Баҳромов, 1964 йил
12. Қодир Ботиров, 1962 йил
13. Қодир Тўйчиев, 1968 йил
14. Азимжон Жўраев, 1971 йил
15. Тўлқин Баҳромов, 1971 йил
16. Эркин Ҳақназаров, 1971 йил
17. Нуриддин Ғозиев, 1972 йил
18. Муҳиддин Ғозиев, 1977 йил
19. Баҳодир Тўйчиев, 1977 йил
20. Шухрат Тошпўлатов, 1972 йил
21. Шариф Раимов, 1962 йил
22. Бахтиёр Бозоров, 1970 йил
23. Абдулҳафиз Пирматов, 1977 йил
24. Шухрат Бозоров, 1979 йил
25. Зафар Абдуллажонов, 1978 йил
26. Ҳошимжон Холқўзиев, 1981 йил
27. Одилхон Хўжаев — ташкилотчи, 1947 йил
28. Олим Тожибоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий — 1925 йил
29. Неъматжон Тўйчиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий — 1958 йил

Наманган тумани полвонлари

30. Қоратой Юсупов, 1903—1968 йил
31. Шариф Эгамов, 1928—1997 йил

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.

32. Мирзамурод Масаидов, 1926—1990 йил
33. Сотволди полвон, 1926—1990 йил
34. Усмон Ризаев, 1956 йил
35. Алишер Абдурахмонов, 1935 йил
36. Асқар Мирзамуродов, 1953 йил
37. Раҳмон Мирзамуродов, 1957 йил
38. Асқар Раҳмонов, 1962 йил
39. Акбар Раҳмонов, 1958 йил
40. Шариф Аҳмадалиев, 1962 йил

Наманган шаҳри полвонлари

41. Баҳриддин Насриддинов, 1930—1995 йил
42. Омон Низомбоев, 1946—1998 йил

Янгиқўрғон тумани полвонлари

43. Карим Абдурахимов, 1938 йил
44. Йўлдошали Ботиров, 1944 йил

Чортоқ тумани полвонлари

45. Бахтиёр Юсуфбеков, 1953 йил
46. Сотиволди Холмирзаев, 1942 йил
47. Неъматжон Тўхтаназаров, 1953 йил

Поп тумани полвонлари

48. Тўйчиали Абдуллаев, 1949 йил
49. Ўзган Назаров, 1952 йил
50. Мурод Дадабоев, 1962 йил
51. Эшон Абдуллаев, 1962 йил

VIII БОБ. ҚОЗОҒИСТОНДА БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, қозоқ халқининг ҳаёти, турмуш тарзи, маданий даражаси ўзбеклар билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланганини кўриш мумкин. Қозоғистон халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутган жисмоний тарбия ҳамда у билан боғлиқ турли кўнгилочар ўйин ва маросимлар илдишларини узоқ ўтмишдан изламоқ лозим. Ҳозирда кенг тарқалган бадантарбия машқлари, ўйин ва мусобақалар қайсидир кўринишда ибтидоий жамоа даврида ҳам маълум ва машҳур эди. Эрамиздан аввалги III—II асрларда яшаган грек ёзувчиси Элиан Клавдийнинг маълумотларига қараганда, 2500 йил илгари ҳозирги Қозоғистон ҳудудида яшаган туркий қабилалари орасида «Курес» кенг тарқалган. Биз сўз юритмоқчи бўлган Бел олиш кураш ҳам қозоқ халқининг қадимий кураши ҳисобланади. Бир қанча манбаларда, достонларда қайд этилганидек, туркий миллатлар ичида қозоқ халқининг ҳам ўрни каттадир. XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган бир қанча ботирлар, чунончи, Ҳожимуқон, Чўлоқ полвон, Шониез полвон, Мўмин Кўнишбойлар нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳон спорт тарихида ҳам чуқур из қолдирдилар. Бел олиш кураш қозоқ халқининг қадимий кураши бўлиб, у юксак қадрланиб келди. Уларнинг тўй, сайил ва бошқа маросимларидаги бел олиш кураш, отдан ағдариш, улоқ ўйинлари бугунги кунгача етиб келди.

Бел олиш курашидан кўплаб кучли паҳлавонларни тарбиялаган қозоқ ўлкасида бугунги кунда тўгаракларни учратиш мушкул. Бунинг ўзига хос сабабларини сиз кўлингиздаги кўлланмани ўқигач билиб оласиз, деб умид қиламиз. Бу ҳақдаги суҳбатни шу ерда тўхтатсак-да, Қозоғистонда олиб борилган изланишлар ҳақида сўз юритсак.

Камина 1992 йилда Чимкент шаҳрига бордим. Бир қанча жойларни бориб кўрдим, жумладан, Сайрам шаҳрига ташриф буюрдим. У ерда кўпгина нуруний кексалар билан учрашишга тўғри келди. Қозоғистонда, жумладан, Чимкент, Сайрам, Талас (илгариги Авлиёота) шаҳарларининг чекка қишлоқларида ҳам тўйлар бел олиш курашисиз ўтмаганлигини одамлардан эшитдим. Шундан сўнг Чимкент шаҳридаги вилоят спорт кўмитаси раҳбарлари билан учрашдим. Қарангки, ўша пайтда Қозоғистоннинг бошқа бир шаҳридан К.Р. Байдасов деган киши иш билан келган экан. Менга у кишини рўпара қилишди. «У киши қозоқ халқининг кураш тарихини яхши билади, сизни қизиқтирган саволларга жавоб беради», дейишди. Мен у киши билан узоқ суҳбатлашдим. У ҳақиқатан қозоқларда «бел олиш кураш» бўлганлигини тан олди. «Ҳозир, курашимиз анча такомиллашган, бу кураш билан самбочи ҳам, бошқа кураш вакиллари ҳам кураша олади»,— дейди Байдасов. Мен у кишидан бел олиш кураши тўгараклари қаерларда борлигини сўраганимда, шундай деди:

— Ёшингиз нечада?

— 32 да.

— Ундай бўлса, бу ишларнинг тагига етиш учун бир неча йил изланишингиз керак. Сизга шуни айтишим мумкинки, Қозоғистоннинг чекка овулларида бел олиш кураш билан шуғулланган одамлар билан суҳбатлашиб, анча маълумотлар олишингиз мумкин.

Шунда мен: «Ахир сизларнинг «бел олиш кураш»ларинг ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетавараркан-да», десам, у шундай деб жавоб берди:

— Бу бизнинг қадимий курашимиз, ҳозир бирор бир жойда тўғрақлар йўқ, лекин биз унинг амалларини сақлаб қолганмиз.

— Мен курашларингни томоша қилдим, бу бел олиш кураш тури эмас-ку, дедим.

— Қоидада агар рақиблар «тенг» бўлиб қолса, албатта белбоғдан ушлаб курашилади. Бунинг сабаби, қадимий курашимизни сақлаб қолиш,— деди.

— Мен 1987 йилда бир китоб чиқарганман, афсуски ҳозир ёнимда йўқ, агар кўзингиз тушиб қолса, ўқинг, у ерда бу кураш ҳақидаги суратлар ҳам берилган, — деб у киши мен билан хайрлашди.

У билан хайрлашар эканман, ўйланиб қолдим. Уларда миллий қадриятларга бўлган муносабат бошқача экан-да. Бу менинг Қозоғистондаги мутахассислар билан биринчи бор учрашимиз эди.

Иккинчи маротаба 1996 йил Андижонда ўтказиладиган Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқаро турнирига чақирув қоғози билан яна Чимкентга бордим. У ердан Сайрам шаҳрига бориб кураш қоидаларини кўрсатиб бердим. Улар мусобақада қатнашишга ваъда беришди. Айтганларидай, тўлиқ жамоа бўлиб Андижонга келишди. Мусобақанинг ташкилий қисми уларга маъқул бўлибди. Лекин мусобақа давомида уларнинг бош мураббийси кураш қоидасидан норози бўлди. У шундай деди:

— Сизларнинг меҳмондўстлигингиздан биз жуда хурсандмиз. Лекин биз бунақанги бел олишга кўниколмаемиз. Ахир ўзингиз ўйланг, энди кўтараман десанг ўзини орқага ташлаб юборади, 5—6 маротаба елкаси ерга тегиб, яна ўрnidан туриб курашаверади.

Бундай эътирозларни ана шу турнирда қирғиз, тожик биродарларимиз ҳам билдирган эдилар. Шу эътирозлар кейинчалик бел олиш кураши қоидаларини узил-кесил ўзгартиришга сабаб бўлди.

Учинчи маротаба Қозоғистонга 2002 йил февраль ойида бордим. Катта семинар уюштирилди: унда 50 одам қатнашди. Кураш қоидалари кўрсатилди, янги қоида уларга манзур бўлди. Улар бундан буён тadbирларимизда мунтазам қатнашишга ваъда беришди. Бироқ Ўшда бўлиб ўтган катта турнирда келишмади.

Тўртинчи маротаба Жетисойга 2003 йилда «Бел олиш кураш» бўйича семинар ўтказгани бордим. Буни қарангки, у ерда Қозоғистоннинг бир неча бор чемпиони—Бахт Жанбирбоев соврини учун ўтадиган халқаро турнирда тўғри келиб қолдим. Бу турнирда Қозоғистоннинг барча спорт раҳбарлари йиғилган экан. Фақат Давлат Турлихонов йўқ холос. Бу мусобақага Қозоғистон миллий кураш федерацияси президенти ҳам келибди. Улар мусобақа ичида баскетбол ўйинини ташкил қилишди. Меҳмондорчиликни жуда ўрнига қўйишар экан.

Келган меҳмонлардан ҳар бирининг чўнтагига Бахт ака 3—4 минг танге солиб қўйяпти. Алматидан келган бир федерация аъзоси томошабинларни 5—10 минг танге бериб сийлаб турибди. Ким курашга кўпроқ мухлислик қилса, аямай пул беряпти. Сахийликни қарангки, томошабинлардан яхши бақир-чақир қилганига машина мукофоти эълон қилди. Буни қарангки, ҳеч қаерда ишламайдиган бир томошабин курашга яхши мухлислик қилгани учун машина билан тақдирланди.

Федерация аъзоларининг ярми машҳур спортчилар, катта тадбиркорлар экан. Мен ана шу ерда қозоқларнинг 1928 йилда ёзилган бел олиш кураш қондасини уларга топширдим, улар пинагини ҳам бузмади. Федерация президенти ҳатто ўз фикрини ҳам билдирмади. Бу ҳам етмагандек, Эронда бўладиган Бел олиш кураш бўйича халқаро турнирга боришни ҳам рад этишди. Ниҳоят, мен нима учун бундай қилаётганларининг сабабини тушуниб етдим, улар бел олиш курашини хуш кўрмас эканлар. Бугунги қозоқча «Курес» жуда ҳам чиройли, «Самбо» курашидан қолишмас экан. Лекин, бел олиш кураш тури қозоқ халқининг қадимий кураши эканлигини унутиб бораётган қозоқ биродарларимиздан хафа бўлиб кетдим.

Қадимдан Қозоғистоннинг узоқ-яқин шаҳар ва овулларида тўй, сайиллар бел олиш кураш мусобақасисиз ўтмаган. Тарихий манбаларда келтирилишича, қозоқлар ҳам бошқа Ўрта Осиё халқлари сингари бир қанча давлатларга бориб бел олиш мусобақаларида қатнашганлар ва голибликни қўлга киритганлар. Бугунги кунда улар бел олиш курашидан ҳар қандай мамлакат полвонлари билан бемалол беллаша олади. Манбаларда қозоқ полвонлари ҳақида кўплаб мисоллар келтирилади. Эътиборингизни бир ҳикояга қаратамиз.

Қозоқ паҳлавони Мўмин Қўнишбой ҳақида

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентдаги А.Навоий номидаги кутубхонанинг нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимида сақланаётган «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1903 йил 18 август 32-сонидagi мақолада шундай сўзларни учратиш мумкин: «1321 йил хижрий 12 асадда (1903 йил) Чимкент шаҳрида бўлиб ўтмиш Нуртой Мингбошибой Бобой ўғли саройида барпо бўлган театрда Фарғона тарафидан келган Рустам исмли паҳлавон Чимкент уездининг қозоғи Нормуҳаммад паҳлавон билан бел тутиб, мазкур қозоқни кўтариб ерга урган ҳолда қозоқ полвони беҳуш бўлиб қолибди. 14 асадда иккинчи дафъа чимкентлик паҳлавон Мусамуҳаммад, Дадамухаммад новвой ўғли (ака-укалар) билан курашиб, они ҳам йиқитди. Тўртинчи дафъа Сайрам шаҳридан яна бир қозоқ паҳлавони Мўмин Қўнишбой ўғли мазкур Рустам билан хат қилишиб кураш тушмоққа шартнома қилиб таъин қилган кунига келиб кураш тушдилар. Шул куни томошага ҳаддан зиёд одамлар йиғилибдилар ва ҳам жаноби пристав, ҳам биринчи тўралар ҳозир эдилар. Одамларнинг кўплигидан билет ҳам етишмай қолиб, соат ўн бирда мазкурлар бел тутушиб бир-бирларига зўр бозуларини кўрсатиб, охир Мўмин паҳлавон Рустам паҳлавонни қаддирост кўтариб чунон ерга урди, томошахонага жамъ бўлган



25-расм. Қозоқ паҳлавони Мўмин Қўнишбой.

холойиқлар қарс уриб офарин деб, бир неча одамлар тўн ва бир неча одамлар танга бериб мажлис бузулди».¹ Қозоқ паҳлавони Мўмин Қўнишбой (25-расм) Чимкент вилоятининг Сайрам шаҳридан катта бел олиш кураш паҳлавони бўлган. Айтишларича бирор маротаба мағлубиятга учрамаган. Тошкент шаҳрида ўтадиган курашларга ҳам кўп маротаба ташриф буюрган. Тошкентлик Аҳмад паҳлавонни жуда ҳурмат қилган ва ўзига устоздай билган. У тахминан 1875 йилда туғилган, вафот этган йили ва жойи номаълум (тадқиқот хулосалари). Ўша даврда мақолани газетада чоп қилган одам шундай ёзади: «Мен фақир Роқам ушбу ҳодиса мазкур томошادا ҳозир эдим, бул воқеани батафсил ёздим».

Ўша давр бел олиш курашининг кучли паҳлавонларидан бири қўқонлик Рустам паҳлавоннинг биринчи маротаба елкаси ерга тегиши эди. Шу сабабдан армонда қолган Рустам паҳлавон қайтадан бел олишни даъво қилади. Шу воқеани ўша даврдаги шоирлардан бири ўзининг шеъри орқали мана шундай баён қилади:

*Кураш тушганда Мўмин билан Рустам,
Тамошо айлар эрди аҳли олам.
Дами майдон оро қаттиқ сурушти,
Тизазил онда эл кўнглига тушди.
Қилиб бир зўр Мўмин паҳлавон
Кўтариб урди ерга шул замон.
Йиқилган ҳолда Мўмин паҳлавондин,
Етиб кўкга фарқ аҳли жаҳондин.
Уриб қарсак халойиқ қилди таҳсин,
Малак эди фалак бомида Омин.
Ки Мўмин фатҳ нусрат топти майдон,
Халойиқ зар насору қилди эҳсон.
Олиб хушнуд бўлди онда Мўмин,
Ки Рустам бўлди ким беҳуда мажнун.
Чиранма паҳлавон кўб ҳаддин ошма,
Йиқилдинг бўлса инсофинг толошма.
Юрма паҳлавонликдин уриб дам,
Отингни қўймағил беҳуда Рустам.
Ҳариф² олдида ҳолинг бўлди маълум,
Халойиқ билдиким шунқор ким бул.
Кўтармай ул кунни тошларни ўйнаб,
Иложин топмадинг Мўминга сақлаб.
Кўтариб паҳлавон урганда чоғлаб,
Ётиб майдонда қолдинг нақш боғлаб.
Халойиқ набрасидин кетди ҳушинг,
Уялгил суди йўқ жўш хурушинг.*

¹ Н.Азизов. «Белбеули қурестин болашағи жарқин», «Нурлы жол» рўзномаси. №49. (1340), 2006.

² *Хариф* — рақиб.

Ўзингни сақлагил, лоф урмағил кўб,
 Кўтарди ердан эҳсон пристуф.
 Туриб ердан юриб чотинг керасан,
 Уялмай халқдан ақча терасан.
 Мунингдек паҳлавонлик нархи бир пул,
 Муни дер мардлар хансойи мушкул.
 Кўзинг уйқудин очғил бўлғил огоҳ,
 Будурму паҳлавонлик баракалло.
 Сенингдек паҳлавондин бўлғони кўб,
 Бу Чимкент ичра турмай кетгани хўб.
 Агарда рост оринг бўлса Рустам,
 Йиқилдинг ҳозир урмағил дам.
 Яна мастлар билан бод ичиб бод,
 Қилибсан паҳлавон дод устига дод.
 Мени кўб урдилар деб нола айлаб,
 Кўзим кўр қилдилар деб зор йиғлаб.
 Ки бошинг ёрсалар дод демагайдинг,
 Ва ўлдурсалар вой демагайдинг.
 Қаматиб сен ё бир нечаларни,
 Ҳариф эрмас сенга дундуқчаларинг.
 Ё Рустам сени оринг кетибдур,
 Ва ё эсинг кетиб ақлинг етибдур.
 Бу ишинг тоб айлаб турганинг дам,
 Дер эрдик — баракалло от, Рустам.
 Яна якшанба кун тушмоқчи эрдинг,
 Ки Сайрам бординг ва ҳам пора бердинг.
 Баҳодирлик нишони бул эмасдур,
 Ки тушмак қайта йўлдошга ҳавасдур.
 Ўзин билган Мусодир қайта тушмас,
 Йиқилдим дебки Нормаи даъво қилмас.
 Хард олдида этмас талошинг,
 Курашмакликни қўй сен ўйна тошинг.
 Кучинг бўлса олиб яққол урардинг,
 Ва ё ваъданг бериб боқиб турардинг.
 Они машҳурлиги оламга кетди,
 Ки Мўмин саҳроб Рустамни йиқитди.
 Ки Рустам олдида Мўминдир аждар,
 Онадин туғмайдир ҳеч кимса модар.
 Ки Мўмин ҳимматинг аршдин баланддир,
 Йиқилма ҳам йиқит ким тож сардур.
 Ҳамиша фатҳ нусрат бергай Оллоҳ,
 Мададкоринг эрурким Қози бизо.
 Ҳамма таҳсин дерларким аломат,
 Ки номинг ўчмагай рўзи қиёмат.»¹

Ҳожимуқон Мунгайтпасов ҳақида

Машҳур қозоқ полвони — Ҳожимуқон Мунгайтпасов (26-расм) французча кураш бўйича нафақат Ўрта Осиёда, балки Европа, Осиё ва Америкада ҳам машҳур бўлган. Ўз даврининг дунё чемпионлари Поль

¹ «Туркистон вилоятининг газети», — 1903 й., август. 32-сон.

Поне, Лоран Бокаруа, Иесе Педерсонлар устидан галабага эришиб, дунё чемпиони бўлган. У Франция, Германия, Бельгия, Польша, Туркия, Япония, АҚШ ва бошқа давлатларда голиблик шоҳсупасига чиқди. Ҳожимуқоннинг ўзини кўрган ёки бўлмаса у ҳақда эшитган ҳамюртларининг айтишича, у ёшлигида жуда бақувват бўлган экан. 17 ёшга тўлганда кўкариб турган дарахтни суғуриб ташлаб, ҳаммани ҳайратга солган экан. У болаликдан тўйларда дастлаб бел олиш курашида элга танилади. Қозоқ ёзувчиси Қалмоқон Абдуқодировнинг «Ҳожимуқон» романида унинг «Чўчқа кўли»даги бел олиш ҳақида ҳикоя қилади. Ҳикоянинг қисқача мазмуни шундай: «Қозон шаҳрининг катта маъракаси — «Сабантўй» (одат бўйича ҳар йили кўш ҳайдаб бўлгач, шундай тўй билан ёзни қарши олиш) ҳар йили «Чўчқа кўли» («Кабан кўли»)да ўтар эди. Бу маъракага Қозон атрофидаги қишлоқлардан, овуллардан, Самара, Екатеринбург, Уфа, Златоус шаҳарларидан ҳам одамлар келишар, бу ер ярмаркага айланар эди.

Атторлар, савдогарлар, ошпазлар, ёғочдан заранг коса ясаб сотадиганлар, дуо ёзадиган муллалар, бахшилар, фолбинлар, дўкондор савдогарлар, яғрини ерга тегмаган полвонлар, пойгачилар, кўзбойлогичлар, яқин-атрофдагилар ҳар йилги одат бўйича шу ерга тўпланишади. Бу ерга сотиш учун Омскдан савдогар Пресняковнинг минглаб қўйи ҳам ҳайдаб келинди. «Чўчқа кўли» атрофида ҳар йили бўладиган кураш бошланиши билан қийқириқлар ўрмонни янградиб юборди. Ҳар сафаргидек бу сафар ҳам Добрий-Рабий сабантўйга келган паҳлавонларнинг ҳаммасини енгди. Шунда ўртани олиб борувчи ҳакам Симғат баланд овозда:

— Талабгор бўлса чиқсин. Эдил бўйи фақат Добрийнигина яратмагандир.

— Шу пайт одамлар орасидан оломонни нари-бери итариб кимдир олдинга чиқди.

— Эдил яратмаган бўлса, Эсил яратган. Мана, мен борман, — деб устига эски туя жунли чакмон, бошига сирма чит дўппи, оёғига этик кийиб олган бир қора одам ўртага тушди. Унинг гавдаси Добрий-Рабийникидан қолишмас эди. Симғат йигитга пешвоз юриб, кекса полвонга икки қадам қолганда, уни тўхтатди:

— Нега чиқдинг укам?

— Курашмоқчиман.

— Шундайми. Қаердан келдинг, қайси уруғдансан.

— Оқмўладанман. Эсил бўйидан. Қозоқман.

— Ҳали ёшга ўхшайсан, нечага кирдинг?

— Ўн тўққиздаман. Ёш эмасман.

Одамларнинг ҳаяжонлари Муқон Добрий-Рабийнинг белбоғини ушлаб кураш бошламагунча босилмади. Кураш ҳам бошланиб кетди. Рабий ўзининг барча амалларини ишга солса ҳам, ҳеч нарса қила олмади. Навбат Муқонга келганда, унинг белидан маҳкам ушлаб, тиззаси билан кўтариб олди. Ёш полвон Добрий-Рабийни кўтарганча тўрт-беш қадам юриди-да, ерга қўйди. Бу ҳолат бел олиш курашида «рақибини сийлаш» дейилади. Одамлар эса: «Добрий-Рабийни йиқитолмади, бошқатдан курашсин» дейишди. Шунда Добрий-Рабий

халққа қараб: «Мен ютқиздим. Энди мен қаридим, елкам ерга тегмай курашдим, яна ерга тегмай тугатдим. Келингла, уни қўллаб-қувватлаб дуо қилайлик, елкаси ер кўрмасин» — деб халққа мурожаат қилди.

Симғат, одамлардан бир четда, сув бўйидаги қулаган дарахт устида ўтирган икки полвоннинг олдига борди. Унинг кетидан борган одамлар полвонларни сийлаб, кимдир узук, кимдир билагузук, яна кимдир ўзининг камзулини, яна кимлардир барқут, учтўрт метр мато, дўппиларни икки полвон олдига ташлашди. Шундан сўнг одамлар арваларга ўтириб, тарқалиша бошлашди.

Ўтган давр мобайнида Ҳожимуқон бир қанча мамлакатларда зафарлар қучиб, дўстлар орттирди. У машҳур курашчилар Андрей Злобин, В.Лебедев, Иван Подубний, Вейланд-Шульц, Иван Шемякин, Станислав Забишко-Циганевичлар билан бир гиламда ёнма-ён куч синашди. Ҳожимуқон бир неча йилдан сўнг дўсти Хабибулин билан бирга Уфа шаҳрига келади. У ерда Сабантўйга келган кавказлик Бола, Казбек, Эсабус, Ўрта Осиёдан келган Турсинали, Абдулланиёз Байрам ва бошқирдистонлик Исоқлар бор эди. Муқон ҳамма билан бирин-кетин беллашиб енгади. Охири навбат Исоққа келганда, Муқоннинг бел олиш курашини кўрган Исоқ курашдан бош тортади. Халқ бундан норози бўлади. Унга халқининг норозилигидан кўра мағлубиятга учрамаслик афзал эди.

Шундай қилиб, бу мусобақада Ҳожимуқон ғолиб деб топилади. Ҳожимуқон «Жиб-жица» кураши билан ҳам курашган полвонлардан. Бу кураш рақибининг фожеаси билан тугайди. Воқеа шундай бўлган: Дунёни кезиб чиққан полвонларнинг кемаси узоқ сафардан сўнг Харбин шаҳрига келиб тўхтади. Бу ерга Хитой, Япония, Корея, Мўғулистондан полвонлар келишган эди. Ана шу мусобақада япониялик Сар-Кек-Ки ғолиб бўлади. У энди юртига обрў билан қайтаман деб турганида, уни бир вақтлар французча кураш бўйича икки дақиқада мағлубиятга учратган Ҳожимуқон россиялик полвонлар билан кириб келади. Бу мусобақада Сар-Кек-Ки ўн икки полвонни енгган эди. Шундан сўнг кураш комиссияси вақтни чўзмаслик учун кимдаким Сар-Кек-Кини енгса, ўн икки полвонни енгган билан барабар бўлади, деган қарорга келади ва кураш французча бўлишини айтади. Мен японча «Жиб-жица» курашида курашаман деб туриб олган Сар-Кек-Ки, агар рус полвонлари курашмаса, биринчилик меники, дейди. Рус полвонлари билан бир гуруҳда бўлган Ҳожимуқоннинг жаҳли чиқиб, «Мен чиққаним бўлсин, ёз мени», дейди. Бу курашда ҳеч қандай қоида бўлмас экан, тўғри келган жойидан ушлаб, тўғри келса юлиб ташлайверар экан. Кураш комиссияси, мободро бирортаси ўлиб қолса, жавобгар бўлмаслик учун иккаласидан тилхат олиб, кейин циркдаги икки одамга тилхатга қўл қўйдириб олишади. Шундан сўнг



26-расм. Қозоқ паҳлавони Ҳожимуқон Мунгайтпасов (1871—1948).

улар ўртасида олишув бошланади. Япон полвони темирдай қаттиқ қўли билан Ҳожимуқонни бир уриб ўтади. У қўз илғамайдиган тезликда яна бир уриб, циркнинг иккинчи томонига сакрайди. Ҳожимуқоннинг бош-кўзидан тирқираб қон оқади. Рус полвонлари ўринларидан туриб япон полвони сари ташланишади. Ҳакамнинг ҳуштаги устма-уст чалиниб, Сар-Кек-Кига қарши ташланган рус полвонларининг йўлини тўсди:

— Бу курашнинг қоидаси шу. Кучи етса у ҳам шундай қилсин! Учта полвон чиққан жойида туриб қолишади. Япон полвони яна урмоқчи бўлиб учинчи маротаба ўқдай учиб келаётганда, қонга бўялган Ҳожимуқон уни икки қўлидан ушлаб, орқасига қайиради-да, елкасига қўтариб олиб ерга уради. Муккасидан тушириб, ўнг тиззаси билан яғринидан, чап оёғи билан елкасидан босиб туриб, чап қўли билан Сар-Кек-Кининг бутун юз терисини шилиб олади. «Ўлдим!» деган даҳшатли товуш эшитилади. Сар-Кек-Кининг бош териси сидирилиб, елкасига келганда цирк бошқарувчисининг ҳуштаги чалинади. Шундай аянчли жанг Сар-Кек-Кининг ўлими билан тугайди. У касалхонага олиб борилгандан кейин жон таслим қилади. Ҳожимуқон эса 1 ой касалхонада даволанади. Манбаларда ёзилишича, Ҳожимуқон 1926 йил Тошкентга келган ва у ерда бўлиб ўтган курашда рус полвони К.Бульдни енган.

Ҳожимуқон II Жаҳон уруши тугаши арафасида Олма-Отада Абай таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрамда қатнашади. Ана шу ерда у ёш ўспиринларни қозоқча курашга таклиф этади ва уларга кийиниб, белларига белбоғ боғлашни буюради (27-расм). Курашга тушаман, деб келган ўспиринларга қараб шундай дейди:

— Белбоғни сал бўшатиб боғланг. Курашганда чалиш, тиззага, тўпикқа тепиш бўлмасин. Дунёда мен кўрмаган кураш йўқ. Белини маҳкам боғлаган одам, рақиб белимдан бемалол ушлай олмасин, деб ўйлайди. Кучли қўл ушласа, қовурғани синдириб юборади, белбоғни бемалол ушлагани маъқул. Белбоғни жуда бўш боғлаш ҳам ярамайди. Кучли қўлдан лип этиб чиқиб кетаман, деб ўйламанглар.

Ҳожимуқон тарафидан курашдан олдинги ана шу тушунтиришлар Ўрта Осиё халқларининг қадимдан курашиб келинган бел олиш курашидир.

Қозоқ баҳодири Ҳожимуқон Мунгайтпасов 1948 йил 12 августда Чимкент вилоятининг Арис қишлоғида 77 ёшида оламдан ўтган.¹

Бугунги кунда Талас вилояти мутахассислари «бел олиш» курашини Қозоғистонда ривожлантиришни йўлга қўйишган. Натижа ёмон бўлмади, Эрон Ислом Республикасида ўтказилган 2003 йилги Осиё ва жаҳон чемпионатида қозоғистонлик Далабоев Жондас 73 кг вазнлилар орасида Осиёда бронза, Жаҳон биринчилигида эса 81 кг вазнда кумуш медални олди. 2004 йилда Истамбулда ўтказилган III Жаҳон чемпиона-

¹ Н. Азизов. «Қозоқ полвони Ҳожимуқон Мунгайтпасов», «Нурли жол» газетаси, №(1340) 26 маусым, 2006-жыл.



27-расм. Ҳожимуқон таърифлаган қозоқларнинг миллий қураши миниатюраси.

тида эса яна бир қозоғистонлик полвон Далабоев Элдос 66 кг вазнда III уринни олди.

Кўриниб турибдики, қозоқларда бел олиш қураш қадимдан мавжуд бўлган. Бугунги кунда Юнон-Рум қураши бўйича 1989 йилги жаҳон ғолиби, 1987 йилги Европа ғолиби, 1995 йил Осиё ғолиби, 1996 йилги Сеул олимпиадаси ва 1992 йилги Барселона олимпиадаси совриндори, 7 мартаба СССР ғолиби Давлат Турлихонов Қозоғистонда бел олиш қурашини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Чунки унинг сай-ҳаракати туфайли Алматида 2006 йилда «Борьба на поясах» қураши бўйича V Жаҳон чемпионати ўтказилди.

IX БОБ. ТУРКМАНИСТОНДА БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Туркманлар Ўрта Осиё заминида қадимдан яшаб келган туркий миллатлардан ҳисобланади. Турколог олим Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида туркманларни ўғузлар деб кўрсатади. Шу билан бирга, Маҳмуд Кошғарий уларнинг бу ном билан аталиши ҳақида кенг изоҳ берган. Дарҳақиқат, Маҳмуд Кошғарийнинг туркман тили ҳақидаги изоҳлари туркман тили ўғузлар тилига тамоман яқинлигидан далолат беради. Лекин бир қисм туркманлар бошқа қабила-ларга кўшилиб, уларнинг тиллари ҳам ана шу қабила тилига мослашиб кетганлигига мисоллар кўп. Академик А.Асқаров ва М.Жўрақуловларнинг «Энеолит ва Бронза даврида Ўрта Осиё» китобида Жанубий Туркменистон археологиясида намозгоҳ маданияти қадимги шарқ цивилизациясининг ажралмас бир қисми эканлиги, бу ерларда қабила-лараро муносабатлар доираси ва чегараси кенглиги ҳақида маълумотлар берилган.

Муаллифлар Жанубий Туркменистон жанубда шимоли-шарқий Эрон қабилалари билан, шимолда эса Ўрта Осиёнинг калтаминоралар маданияти (неолит даври) жамоалари билан яқин алоқада бўлганликларини ёзадилар. Яна Жанубий Туркменистоннинг Копетдог этакларида номозгоҳ маданияти бўйича олиб борилган қазилмаларда В.М.Массон Олтинтепада қадимги илк шаҳар харобаларида олиб борган кўп йиллик дала-тадқиқот ишлари давомида юздан ортиқ аёл маъбудаларга чизилган пиктографик белгиларни топди. Бу белгилар ўзининг шакли, характери бўйича храппа ва шумер ҳамда протоэлам ёзувларидан деярли фарқ қилмайди. Номозгоҳ IV, айниқса номозгоҳ V маданияти ҳайкалчаларида тез-тез учраб турадиган бу пиктографик белгилар асосан маъбуда елкасида, кўкрак устида учрайди ҳамда худди ўша белги танасининг пастки қисмида ҳам бор. В.М.Массон томонидан 6 та гуруҳга бўлиниб ўрганилган баъзи бир белгилар Жанубий Туркменистоннинг энеолит даври сополларида рангли гул сифатида ишлатилган. Аммо уларнинг деярли кўпчилиги келиб чиқиши жаҳатидан протошумер ва протоэлам ёзувларига бориб тақалади.

Дарҳақиқат, қадимда Ўрта Осиё ибтидоий жамоалари билан Месопотамия ва Храппа аҳолиси ўртасидаги фаол маданий алоқалар бунга ёрқин мисол бўлишини олимлар таъкидлаб ўтадилар.

Биздаги қадимий бел олиш курашининг ибтидоси ҳам Месопотамия маданиятига бориб тақалади. Шу қатори Ўрта Осиё таркибига кирувчи туркманларнинг бел олиш кураш спорт тури ҳам қадимийдир.

Биз туркман курашига аҳамият берадиган бўлсак, улар ҳам ўзбек, қирғиз, тожик, қозоқ халқларига ўхшаб, узун чопон, кенг иштон кийиб, белдаги белбоғдан ушлаб курашадилар. Туркманларда бел олиш кураш «гуреш» деб номлашиб, туркман халқ эртақларида, дostonларида келишмовчиликлар, можаролар баъзида катта урушлар — «гуреш»

билан ҳал қилинган. Туркманистонлик дўстимиз, миллий кураш бўйича хизмат кўрсатган мураббий Овез Хондурдиев узоқ йиллардан бери туркман кураши тарихини ўрганиб, 2004 йилда шу кураш ҳақидаги қўлланмани нашрга тайёрлади. 2005 йил қўлланма босилиши арафасида мен у билан Литвада халқаро «Бел олиш» кураши симпозиумида баъзи бир маълумотларни олишга муяссар бўлдим. У бизга XIX асрда шуҳрат қозонган полвон Баяхбит ҳақида сўзлаб берди. Баяхбит 1860—1870 йилларда елкаси ерга тегмаган полвон бўлган экан. У Амударёнинг суви музлаб қолганда 26 қадоқ юкни олиб ўтган экан, унинг донғи Туркманистон, Хива, Эронга ҳам бориб етади.

У ўз дўстларини асирликдан озод қилиш шарти билан Эрон шоҳининг Фуломмирза исмли полвони билан бел олишиб, уни кўтариб олиб шоҳнинг оёғи остига ташлайди. Жаҳли чиққан шоҳ туркман полвони Баяхбитга ўзини ўтирган оти билан бирга кўтаришини буюради. Ғалабадан руҳланган полвон Баяхбит отни кўтариб уч-тўрт қадам босади.

Яна туркман полвонларидан бири Аннадурди Ёғсўрар бўлган. Унинг асли исми Аннадурди бўлиб, Ёғсўрар лақаби билан қолиб кетган. У Балқон вилояти Этрек туманининг чекка қишлоғида дунёга келади. Доимо мусобақа бошланишидан икки соат олдин кўй ёғини ичиб, сўнг беллашган. Шунинг учун уни Ёғсўрар деб аташган. Аннадурди ҳеч қандай қийинчиликларсиз 4—5 пиёла ёғни ичган, 1 пиёла ёғ 200 гр бўлган. Аниқроғи 1—1,5 литр ёғни ича олган.

Аннадурди кўй боқувчи — чўпон бўлган. Бир куни кўйларни ўтлатиб юриб, Эронга тўй курашига бориб қолади. У ўша куни бел олишиб мағлубиятга учрайди. Ундан мағлубият сабабини сўрашганда, у ўша куни ёғ ичмаганлигини сабаб қилиб кўрсатади. Эртаси куни унга думба ёғи олиб келиб беришади. Олдин 1 пиёла ичади. Кейин ҳаммасини эритиб ичиб юборади. Шундан сўнг хўжайинининг қудуғига тушиб, елкасигача сувга кўмилиб ярим соат ўтиради. Шундан унинг баданидаги ҳамма ёғлар сувга қалқиб чиқиб кетади. Ундан сўнг 1 соат офтобда чўзилиб ётади, кейин бел олиш бошланади. У шу бел олишда ўртага туриб олиб, рўпара келган полвонлар билан бирин-кетин курашади. У йигирмага яқин полвонни белбоғидан ушлаган зохотиёк йиқитиб, яна беллашаман деб мурожаат қилади. Оддий одамлардан чаққонлиги ва кучлилиги билан ажралиб турарди. Уни кўрган одамлар от билан чопиш бўйича баҳслашиб кўришни таклиф қилишади. Аннадурди рози бўлади, чунки унга одамлар билан курашишнинг энди қизиғи қолмаган эди. У яқин масофаларга от билан чопишганда, от тезлигини оширгунча полвон манзилга етиб олган бўлар эди. Доимо мусобақа бошланиши олдидан ёғ ичишини канда қилмас эди. Қариган чоғида от билан мусобақалашиб, у билан тенг чопиб, ундан ўзиб кетаётган отнинг думидан тортиб қолиб, ўзиб кетади. Ана шунда у ўзининг кучқуввати заифлашганлигини тан олиб, бошқа мусобақаларда қатнашмайди. Аннадурди Ёғсўрар жуда ажойиб кўрсаткичларни кўрсатиб, 1938 йилда Этрек туманининг Оҳяйла қишлоғида оламдан ўтади.

XVIII аср охири XIX аср бошларида Балқон вилоятининг Гарриқалъа туманида яшаб ўтган Гисиремен деган полвон бўлган. У тўғри-

дан-тўғри молларнинг сутини эмиб катта бўлган. У узоқ йиллар бел олиш курашида чидамлилиги билан яхши натижаларга эришган. Эрон ва туркман полвонлари иштирокидаги уч кунлик учрашувда Гисир-еменга тенг келадиган полвон топилмаган.

XIX аср охири—XX аср бошларида яшаб ўтган таниқли полвонлардан Пяви, Ораздурди Торкейнеги, Насир полвон, Гарли полвон, Балиш полвон, Салар полвон, Нафас Чиқан полвон, Шалар полвон, Мотдуқ полвон Туркменистон курашини элга танитдилар.

Туркистонда давлат чегаралари бўлиниши арафасида Туркменистон Республикаси ташкил топди. Бу эса албатта туркман курашининг мустақил ривожланишига замин яратди. Туркменистонда 1928 йилда спорт байрами ўтказилди.

1912 йилда Туркменистоннинг Теджен шаҳрида туғилган Худойберди Полтаев ўзининг миллий «гураш» амаллари билан бир неча йиллар республика голиби бўлди. У 1938 йилларда рус самбо кураши асосчиларидан Харлампиев ва бошқа бир қанча мутахассислар билан кенгайтирилган амалий машғулотларда қатнашади. У туркман гурашидаги «Оёқдан қоқиш», «Оёғ орасидан кўтарма», «Кўшала ёнбош» амалларининг Самбо курашида қўлланишига амалий ёрдам кўрсатди.

Худойберди Полтаев биринчи туркман гураш спорт устаси ва хизмат кўрсатган мураббий. У кўплаб шогирдлар етиштирди: Хўжагелди Наушов, Аман полвон, Тиркаш полвон ва бошқалар. Худойберди Полтаев 1975 йилда оламдан ўтди. Яна машҳур туркман полвонларидан Ата Овезов, Матвали Матиев, ака-ука Розиевлар, Хемро Юсупов, Жума полвон, Хондурди Газулиевларни айтиб ўтиш мумкин.

Туркменистонда 70—90-йилларда бел олиш кураш (гураш) бўйича кўплаб етук спорт усталари етишиб чиқди. Улардан қизилравотлик полвон Карвон Ражапов 2 марта Ўрта Осиё чемпиони, 10 маротаба Туркменистон голиби бўлди. Яна Казанжик шаҳридан Гарагул Гарагулов ўз вазнида 19 марта Туркменистонда ўтказилган турли мусобақаларда уч карра мутлоқ голиб, 1974 йилда ўтказилган мусобақада Ўрта Осиё чемпиони бўлди. Ашхободда ўтказилган сайил ва бошқа тадбирларда Мерет Режепов, Гурбан Чабанов, Абдукерим Аманмамедов, Овездурди ва Давлетдурди Хондурдиев, Ягмур Чариев, Гапбар полвон Мухаммет Коменов, Джумали полвон, Мурат полвон, Чари Ананбериев, Гурбан Керимов, ашхободлик Мухаммет Овезлиев, балқонлик Гареғди Мамлиев, Тиркеш Ишангулиевлар Туркменистон бел олиш курашида ёрқин из қолдирдилар.

1973 йилда Тошкентда ўтказилган халқаро турнирда туркменистонлик спортчилар 2-ўринни олдилар. 1974 йил Ашхободда ўтказилган халқаро мусобақада Туркменистон командаси 1-ўринни эгаллади. Қорачай-Черкесия Республикасининг Қорачай шаҳрида (Россия) 1988 йилда ўтказилган «Тутуш» бел олиш кураш мусобақасида Носиров Жума, Қосимов Оразмурат, Мемедов Чорилар ўз вазнларида голиб бўлдилар.

1993 йилда Ашхобод шаҳрида Эрон Ислом Республикаси ва Туркменистон Республикаси ўртасида бел олиш кураш бўйича ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Унда Туркменистон командаси галабага эришди.

2001 йил май ойида Эрон Ислом Республикасида яна қайтадан Эрон ва Туркменистон командалари учрашишди. Бу сафар кураш қонунқоидаларини яхши ўзлаштириб олган эронликлар ғалабага эришдилар. Мустақиллик даврида халқаро аренада туркман спортчиларидан Дёрғулли Холиқов, Алламурот Сайитниёзов, Амангелди Тачево, Довлат Хоммадов, Нурпўлат Ойўлиев, Алла Низометдинов, Чори Шихобердиев, Довлетдурди Хондурдиев, Назардурди Ораздурдиев ва Бабеш Керимовлар ғалабага эришдилар. Туркман «гураши»ни ривожлантиришда марҳум Бабеш Керимовнинг хизмати катта эканлигини улар яхши биладилар. Унинг ишларини бугунги кунда шогирдлари давом эттирмоқдалар (28-расм).

Бугунги кунда туркман миллий курашини ривожлантиришда Чоржўй, ҳозирги Лебаб вилояти спорт қўмитаси раиси Бобониёз Қиличев ҳамда хизмат кўрсатган мураббийлардан Розижума Мередов, Овез Хондурдиевлар катта ишларни амалга оширмоқдалар. 2002 йилда туркман спортчилари жаҳон бел олиш кураш саҳнасида юқори натижаларни қайд этдилар. Ўйлаймизки, туркман бел олиш кураш усталари ҳали ўзларининг «Гураш» амаллари билан кўпчиликни хушнуд этадилар.¹



28-расм. Туркменистон Бел олиш кураш терма жамоаси.
1981 йил, Тошкент шаҳри.

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.

Х БОБ. ТОЖИКИСТОНДА БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

«Тоҷик» атамаси биринчи бўлиб Ўрта Осиё худудида XI асрга оид ёзма манбаларда қайд этилган. Кўпгина тарихчиларнинг таъкидлашича, тоҷиклар XI асрда катта этнослардан бири эди. «Тоҷик» атамаси кўпчилик олимлар эътиборини ўзига тортди. Уни арабча «тази» сўзидан келиб чиққанлигини таъкидлайдилар. Араблар Ўрта Осиёдаги биринчи босиб олган худудларини шундай аташган. Тоҷиклар этногенези эр. ав. II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Тоҷиклар шаклланган худудда (Бақтрия, Суғдиёна, Фарғона водийси) кўчманчи саклар ҳам яшаган.

Ҳозирги тоҷик халқи сомонийлар ҳукмронлик қилган даврда қадимги сўғд ва Бақтрия тили асосида шаклланган. Ўша даврда тоҷикларнинг адабий тили (дорий) пайдо бўлган.

Ўрта Осиё худудида шаклланган ўзбек, қozoқ, туркман, қирғиз ва қорақалпоқ халқлари каби тоҷик халқи ҳам узоқ ва мураккаб тарихий тараққиёт жараёнини босиб ўтди. Уларнинг урф-одатлари кўшни халқларнинг урф-одатлари билан деярли бир хил бўлиб, фақат тиллари форс тили оиласига мансубдир.

Тоҷикларнинг бел олиш кураш тарихи ҳам узоқ асрларга бориб тақалади. Бу ҳақда 1964 йилдаги археологик қазилмалар гувоҳлик беради. Бунга қадимги Панжикентда топилган бел олиш кураш лавҳасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Манбаларда ёзилишича, Александр Македонский Ўрта Осиёга юриш қилган пайтда Хўжанд атрофида Олимпия ўйинларига ўхшаш гимнастика ўйинлари ва бошқа ўйин турлари бўйича мусобақалар ўтказиб туриш расм бўлган.

«Хўжанд вилоятининг Ўратепа шаҳрида, ҳозирги Истарафшонда Мух ва Тал тепалиги бўлиб, бу бел олиш кураш тарихидан дарак беради. Бир вақтлар бу ер гоҳ Қўқон хонлигига, гоҳ Бухоро амирлигига қарашли бўлган Ўратепа беклиги бўлган. Бу шаҳар доимо Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги можаровий жой бўлиб келган. Қўқон хони лашкарлари билан Ўратепа лашкарлари ўртасида бўлиб ўтган урушлардан бирида қон тўкилмаслик учун ҳар икки томон можарони бел олиш кураш орқали ҳал қилишни келишиб оладилар. Шу кураш Ўратепа беклиги лашкарлари ва Қўқон хони лашкарлари ўртасида бўлиб ўтади. Бу бел олиш курашида Ўратепа лашкарлари ғалабага эришадилар. Шундан сўнг Қўқон хони лашкарлари уришмай, шаҳарни тарк этадилар. Ана шу кураш бўлиб ўтган Мух ва Тал тепалиги ҳозирги кунгача сақланиб қолган (29-расм).

Биз зикр этаётган Сўғд вилояти бир неча асрлар ўзининг катта кураш мактабига эга бўлган. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, XIX аср охирилари ва XX аср бошларида бу ердан бир қанча кучли полвонлар етишиб чиққан. Чунончи, Исфарадан Абдулхолиқ паҳлавон, унинг акаси Абдулқодир паҳлавон, Саидсултон паҳлавон ўша даврнинг зўр паҳлавонлари бўлганлар.



29-расм. Ўратепа (ҳозирги Истарафшон) шаҳридаги Мух тепалигининг кўриниши. Сурат 1999 йилда олинган.

Ўтмишда Тожикистоннинг Исфара, Конибодом, Ўратепа, Чорбоғ, Хўжанд шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда катта курашлар ўтказилиб турган. Ана шу шаҳарларда, яъни Исфара, Ўратепа, Чорбоғ, Хўжанд шаҳри атрофларида ҳозирги кунгача бел олиш курашлари бўлиб ўтмоқда. Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирга қадар кўп паҳлавонлар ўтиб кетдилар. Улар орқали курашга доир ажойиб тарихий воқеаларни аниқлаш мумкин эди. Чунки бу ишларни бошлаган давримизда мустамлака зулмининг таъсири сабабли ушбу соҳага етарлича эътибор берилмади. Шундай бўлишига қарамай, бир қанча, паҳлавонлар авлодларини аниқлашга муяссар бўлдик. Ана шу паҳлавонлар авлодларидан бўлган исфаралик Воҳидовлар тўғрисида тўхталамиз.

Исфара шаҳрида Хўжа Абдуллоҳ Ансорий мозори мавжуд бўлиб, бу ерга қўшни Ўзбекистон, Қирғизистондан, ҳатто Душанбе, Тошкент каби йирик шаҳарлардан одамлар зиёратга келадилар. Қўқон шаҳрига яқин Ашт қишлоғида яшовчи Қаршибой деган киши ана шу мозорга ҳар йили бориб, Худодан фарзанд сўрар экан. Орадан бир неча йил ўтгандан сўнг, Худо унга фарзанд ато этади. Унга Тилло бола деб исм қўйишади. Тилло бола жуда кучли полвон бўлиб вояга етибди, эл ичида ажойиб томошалар кўрсатадиган бўлибди. У томошалардан бирида, ўнг ва чап қўлида арғамчи ушлаб, бир неча полвонларни ўзи томонга тортиб олиб келган. Шарт бўйича ҳар икки томондан арғамчини ушлаган одамлар арғамчини суғуриб олиши керак экан. Улар қанча уринмасин, ундан арғамчини тортиб олишолмабди. Ана шу томошага гувоҳ бўлган қирғиз, ўзбек, тожиклар ундаги бундай кучқувватни кўриб ҳайрон бўлишибди.

Тилло боланинг ўзи иккита ўғил, битта қиз кўради. Тўнғич фарзанди Эрбазоз катта савдогар бўлиб, дўкони бўлган экан. Кичик ўғли Шермуҳаммаднинг икки қизи ва уч ўғли — Абдувоҳид, Абдурахмон, Абдуманнон бўлиб, шу ўғилларидан ўртанчаси Абдурахмоннинг икки ўғли бўлган — каттаси Абдуманнон, кичиги Абдуали полвон бўлишган.



30-расм. Воҳидовлар сулоласи вакили
Дадахон Воҳидов ҳозир
80 ёшга бориб қолдилар.

Шермуҳаммаднинг тўнғич ўғли Абдувоҳид катта полвон бўлиб, иккинчи жаҳон урушида Курск аэродромида посбонлик қилади. У узоқ йиллар курашиб, бир қанча жойларга борган. Воҳидовлар сулоласи мана шу ердан бошланади.

Исфара шаҳридаги ҳозирги автовокзал ёнидаги сайилгоҳда 1958 – 59-йилларда катта бел олиш мусобақаси бўлиб ўтади. Мана шу сайилда машҳур хонандалар ва сўз усталари, жумладан Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров, Муроджон Аҳмедов, шунингдек Исфара халқ театри санъаткорлари иштирок этадилар. Ана шу курашда Фарғона, Андижон, Наманган, Ўш, Хўжанд, Сўх полвонларидан 140–150 кг вазн-

ли Ҳамид полвон, Деҳқон полвон, Назир полвон, Бобораҳим полвон, Қўчқор полвон, Қўшоқ полвон, Тўхташ полвонлар, исфаралик Қўчқор полвон, Ҳаким полвон, Абдунабижон паҳлавон, Амакпоччо паҳлавон, Бобошоҳ, Мулло паҳлавон, Илёс паҳлавон, Қодирхон, Аҳмад паҳлавон, Исмоилжон паҳлавон, Маҳмуд паҳлавон, Абдувоҳид ва Абдураҳмон Шермуҳаммад ўғиллари ҳамда унинг невараси Точибой паҳлавон иштирок этадилар. Учрашувни номдор паҳлавонлардан Абдураҳмон, Абдулмуқаддам, Дадахон, Ўлмасбой, Абдулваҳҳоб ва Шариф суфий кузатиб турдилар. Ана шу катта бел олиш курашида туман раҳбарларидан Ашурбиби Азимова, А. Шарипов, Ш. Ҳасанов, Нуриддин Бобомансуров, Ортиқ Қурбонов иштирок этиб, полвонларни қутлайдилар.

Исфарада бир неча паҳлавонлар авлоди ўтган, шулардан Шермуҳаммад ўғли Абдувоҳид 1902 йилда туғилиб, 1997 йилгача яшаган. Абдувоҳид паҳлавондан уч ўғил – Тожибой, Абдуҳамид, Дадахон Воҳидовлар қолган бўлиб, уларнинг сулоласи яқин кунларгача курашиб келдилар. Абдуҳамид Воҳидовнинг оламдан ўтганига кўп бўлмади. Тожибой Воҳидов ва Дадахон Воҳидовлар эса қариллик гаштини суришмоқда. Уларнинг ўғиллари Абдуҳофиз Воҳидов, Абдушукур Воҳидов, Абдусабур Воҳидовлар ҳозирги кунгача Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистонда бўлиб ўтаётган халқаро турнирларда голиб ва совриндор бўлиб келмоқдалар (30-расм).

Тожикистоннинг ҳозирги Сўғд вилояти, Хўжанд, Исфара, Конибодом, Қатаған, Қистакўз, Зафаробод, Ўратепа, Чорбоғ каби шаҳар ва қишлоқларидан катта полвонлар етишиб чиқдилар.

Ҳар бир юртнинг етакчи, кекса паҳлавонлари бўлганидек, ўтган асрнинг 60–80-йилларида тожик паҳлавонлари етакчиси Ғозихон Эшон бўлган. Бу паҳлавонни ўша йилларда Қирғизистонда, Ўзбекистонда, Тожикистонда бел олишган полвонлар яхши эслашади. Эшон ота ҳамма тожик полвонларини бир жойга йиғиб, қўшни Қирғизис-

тон, Ўзбекистонда ўтказиладиган тўй ва сайилларга олиб бориб кураштираган. Уларнинг баъзиларининг ёшлари бир-биридан бир оз фарқ қилган бўлса, баъзилари анча ёш бўлган.

Хўжанд атрофидаги Қистакўз қишлоғидан Тожибой полвон, Малик полвон, Эргаш полвон, Каби полвон, Мирпоча полвон, Бува полвонлар, яна Қатагон қишлоғи ва унга яқин қишлоқлардан, хуллас, ҳозирги Сўғд вилоятининг бир қанча жойларидан ажойиб полвонлар етишиб чиқдилар. Улардан Али полвон, Мирҳайдар қайирмачи полвон, Муҳаммади полвон, чорбоғлик Аҳмаджон полвон, Мирсаид полвон, Сойиб полвон, Баҳодир полвонларнинг бел олиш кураш амаллари бир-бириникига ўхшамас ажойиб полвонлардир.

2002 йилда Душанбе шаҳрида «Қиссаи Фозилпахлавон» деб номланган китоб чиқди. Унда Фозилпахлавон ва унинг ўғиллари ҳамда ҳозирги Сўғд вилоятининг Ўратепа, Чорбоғ, Исфара, Қистакўз каби бир қанча шаҳар ва қишлоқларининг маълуми машҳур полвонлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ана шу китобда суратлар ҳам берилган бўлиб, бир суратда Мирумар Ҳамидов, Бобожон Азизов, Фозил пахлавон, Субхон Асадовларнинг сиймоси акс эттирилган бўлиб, улар ўз даврининг номдор полвонлари бўлишган экан. Ана шу китобда юзлаб номдор полвонларнинг исми-шарифлари тилга олинади.

Фозил пахлавон Ориф (1916—1991) ўғли ҳақида

Айтиб ўтганимиздек, Истарафшон (Ўратепа) шаҳри қадимий шаҳарлардан бўлиб, ўзининг пахлавонлари билан донг таратган. Бу шаҳар ўзининг 2500 йиллигини нишонлаган. Бундан кўринадики, бел олиш курашининг тарихи ҳам жуда қадимийдир.

Бизгача Кўқон хонлиги ва ундан ҳам олдинги даврларда Ўратепа (ҳозирги Истарафшон) шаҳридаги Мух ва Тал тепаликларида бел олиш курашлари бўлиб ўтганлиги манбаларда қайд этилган. Ана шу жойлардаги бел олиш кураш турлари ҳозиргача сақланиб қолган. Истарафшон шаҳри атрофида бир қанча қишлоқлар бўлиб, шу қишлоқларда курашлар ҳозирги кунда ҳам бўлиб ўтади.

Ана шу қишлоқлардан бири Катта Қалачи бўлиб, ўзининг пахлавонлари билан машҳурдир. 1916 йилда шу қишлоқда яшовчи Ориф полвон уйига хурсандчилик кириб келди — у ўғил фарзандли бўлди, исмини Фозил қўйди. У соғлом туғилиб, тез улғайди. 10 ёшга етганида пахлавонлиги билан ҳаммани лол қолдира



31-расм. Фозил пахлавон Ориф ўғли (1916—1991).

бошлади. Катта қўйларни ўзи бемалол етаклаб, керак бўлса араваларга ортаверар экан. 13 ёшида илк маротаба бел олиш курашига тушиб, бир қанча полвонларни енгиб, эл оғзига тушди (31-расм).

Фозил 17 ёшга етганда вазни 110 кг эди. У жуда бақувват бўлиб, катталар билан бел олиша бошлади. 18 ёшга тўлганда ўз қишлоғидаги катта сайил-курашда барчани енгади. Ана шунда у Фозил паҳлавон лақабини олади. У урушгача бўлган курашларда қўшни Қирғизистоннинг Лайлак, Баткент, Жалолобод, Ўш, Новқат, Ўзган ва Ўзбекистоннинг Марғилон, Ёзёвон, Бағдод, Қўқон, Тошкент, Паркент, Пскент ва бир қанча жойларига бориб курашиб, ғалаба қозонади. У нафақат курашчи, балки яхши улоқчи ҳам бўлган. Улоқ ўйинларида ҳам ном чиқарганлардан эди.

Фозил паҳлавон 50 ёшигача катта давраларда бел олишди. У 1966 йилда 50 ёшида Катта Қалачи қишлоғидаги бел олиш курашида ҳаммани енгади. Ўзи ўртага чиқиб, халққа мурожаат қилиб: «Мен кимни ютган бўлсам, ҳалол, бел олиш кураш ҳадисларига амал қилиб енгдим. Иложи борича ҳеч кимга кўполлик қилмадим. Кимнинг армони бўлса, рози бўлсин, менинг бугун охириги бел олишим», деб кексалардан оқ фотиҳа олди. Шу-шу курашларга бош-қош бўлиб, сайилларда фаол иштирок этиб келди.

Фозил паҳлавоннинг икки ўғли ҳам отаси йўлидан бордилар. Катта ўғли Ҳусайн, кичик ўғли Ўлжаҳонлар ҳам кураш билан мунтазам шуғулланиб, сайилларда, тўйларда курашни канда қилмадилар.

Фозил паҳлавон катта ташкилотчилардан бўлиб, Сўғд (собик Ленинобод) шаҳри ёнидаги Қатағон қишлоғилик Ҳозихон эшоннинг энг яқин одамига айланади. Ҳозихон эшон ўзининг ташкилотчилиги билан Қирғизистон, Ўзбекистон ҳамда Тожикистоннинг Хўжанд, Чорбоғ, Ўратепа — ҳозирги Истарафшон, Зафаробод, Конибодом, Исфара ва Қатағон, Қистакўз, Хишеват, Хўжахо каби йирик қишлоқларига донг таратди. Ҳозихон эшон 1897—1980 йилларда яшаб, умрини бел олиш курашига бағишлаган инсонлардан эди.

Ана шу инсон умрининг охириги кунларида Фозил паҳлавонга: «Ўғлим, сиз курашда ва улоқ ўйинларида донг таратгансиз, сизнинг курашларингизни ўзим томоша қилиб, сизни ҳам бир неча йил олиб юриб, тарбияладим. Энди Сиздан илтимос, мендан сўнг бу ишларни сиз давом эттиринг», деб айтган эканлар.

Фозил паҳлавон Ҳози эшон отадан сўнг Сўғд вилоятида у кишининг ишини давом эттирди. Кўпчиликнинг дуосини олди. Катта бел олиш курашларига бош-қош бўлди. У киши ҳам катта ўғли Ҳусайнни ўзи билан бирга олиб юриб, насиҳатлар қилди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади. Улардан чорбоғлик Аҳмаджон нафақат курашчи бўлиб етишди, балки ташкилотчилик сир-асрорларини Фозил паҳлавондан ўрганди. Кекса кишиларнинг айтишича, Фозил паҳлавон новчадан келган, вазни 160 кг бўлган бақувват одам экан. Ҳеч чарчашни билмас, ёшлардай чаққон, қишлоқнинг фахри эди, дейишади.

Яна кўпчилик жуда ҳам сахий, очиққўнгил инсон эканлигига кўп гувоҳ бўлганмиз, деб эслайдилар. Ўлим ҳақ деганларидай, 1991 йил

Фозил паҳлавон 75 ёшида оламдан ўтди. У киши ҳамиша одамлар қалбида яшайди. Катта ўғли Ҳусайн Ҳожи отасининг хотирасига бағишлаб катта сайил-курашлар уюштирди. Бора-бора бу бел олиш сайил кураши Фозил паҳлавон халқаро турнирига айланди. Бу турнирда 100 дан ортиқ паҳлавонлар қатнашиб, Катта Қалачи қишлоғида байрамга айланиб кетди.

Фозил паҳлавоннинг ўғли Ҳусайн отасининг ўғитларига амал қилиб, ҳар йили Қалачи қишлоғида катта бел олиш курашлари ўтказмоқда. Йўлингиз тушиб, Истарафшон ёнгинасида жойлашган Қалачи қишлоғига бориб қолсангиз, ихчам чойхонага кўзингиз тушади. Бу чойхонага Фозил паҳлавон номи берилган. Ҳикоямиз сўнгида Фозил паҳлавоннинг ишларини давом эттираётган ўғли Ҳусайн Ҳожининг ишларига Оллоҳдан барака тилаб қоламиз.¹

Чорбоғлик Аҳмаджон полвон Тошмуродов (1953) ҳақида

Сўғд вилоятининг Ўратепа (ҳозирги Истарафшон) шаҳрининг бир чеккасидаги Чорбоғ қишлоғида Тошмурод исмли доригар (ўқ-дори тайёрловчи) яшар эди. Унинг авлод-аждодлари доригарлик билан шуғулланган. Кунлардан бир куни Тошмурод аканинг оиласида ажойиб бир хурсандчилик юз берди — энг сўнги фарзанди ҳам ўғил бўлди. Исмини Сафар деб қўйишди. Бола жуда соғлом туғилган эди, у чақалоқлигидаёқ кўзга ташланиб қолди. Лекин бола бир ёшга етганида, кутилмаганда нафас олиши қийинлашади, ҳатто нафас олиши тўхтагандек туюлади. Шунда Тошмурод худога нола қилиб: «Оллоҳим, менга соғлом фарзанд берган эдинг, энди уни қайтариб олмагин», деб ўкиниб йиғлайди. Лекин фарзанди гўё жонсиздек ётарди. Буни кўрган Тошмурод ака боланинг жағини боғлаб, энди мен мулла Отажонни олиб келай, деб чиқиб кетади. Мулла Отажон келиб, чақалоқнинг жағи боғланган рўмолни ечиб, дуо қилади: «Менимча, бола ҳали ўлгани йўқ. Мен бомдод номозидан кейин келаман», деб чиқиб кетади. Бу гаплардан эсанкираб қолган Тошмурод ака боланинг бошини ушлаб кўриб, қани энди шундай бўлса, деб ўксиб йиғлаб, ҳовлига чиқади. Бола эса ҳануз нафас олмай, жим ётарди. Ҳаш-паш дегунча Тошмуроднинг қўни-қўшнилари, таниш-билишлари унинг ҳовлисига йиғилишади. Шунда Тошмурод аканинг аёли ҳўнграб йиғлашни бошлайди, эри уни қаттиқ жеркиб, уйга киритиб юборади. Унинг яқинлари, нима ҳам деймиз, Оллоҳнинг иродаси, деб таскин-тасалли беришга интилади. Ҳамма жим, бошини эгиб ўтирарди. Бир оздан сўнги бомдод номозига азон айтилади. Тошмурод ака аёлига, мен мачитга бориб келаман, овозингни чиқарма, деб тайинлайди. Уйда қолганлар худога илтижо қилишиб қолаверишади.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Тошмурод ака билан мулла Отажон кириб келишади. Худога илтижо қилиб ўтирган аёллар уларни кўриб, яна ўкириб йиғлаб юборишади. Мулла Отажон аёлларга қараб насиҳат қила кетади: «Бу ўкириб йиғлаш нимаси, ҳар нарсани берувчи ҳам

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.

Оллоҳ, олувчи ҳам — Оллоҳ». Шундай деб у бола ётган уйга кириб кетади. Тошмурод ака ҳам мулла Отажон билан бирга ичкарига киради. Бола ҳамон қалин тўшалган кўрпанинг устида жим ётарди. Мулла унинг бошини ва қўлларини ушлаб кўрди-да, Тошмурод акага қараб: «Деразани очинг, озгина шабада кирсин», дейди. Сўнгра мулла Отажон баланд овозда дуо ўқий бошлайди, унинг овози ҳовлига ҳам эшитилиб турарди. Тонг ҳам ёришиб бораверди, ҳовлида йиғилган одамлар худодан нажот сўраб, жим ўтиришар эди. Дуо жуда узоқ ўқилди. Оллоҳнинг иродасини қаранг, бола секин-аста нафас ола бошлади. Ҳали мулла Отажоннинг дуоиси тугамасданоқ фарзанд доғида жигар бағри ўртаниб ўтирган Тошмурод болага қараб, турмоқчи ҳам бўлди. Бироқ мулла дуо ўқиётган жойида кўз қири билан қараб, Тошмуродга жим ўтиришни ишора қилди.

Мулла Отажон дуо ўқишни тугатиб, болани онасига олиб чиқиб беринг, деди ва яна уларга айтинг, ваҳима қилиб, болани безовта қилишмасин, деб қўшиб қўйди.

Ана шу воқеадан сўнг бир неча кун ўтгач, Тошмурод ака ош дамлаб, мулла Отажонни ва бир неча кекса одамларни уйига чақирди. Шунда мулла Отажон гап бошлаб, шундай деди: «Оллоҳга беҳад ҳамду санолар бўлсинки, болангизга қайта умр берди. Энди сиз унинг исмини ўзгартиринг, Тошмуродбой». «Сиз айтгандай бўлади, мулла бува, исмини ўзингиз қўя қолинг», дейди Тошмурод. «Болангиз паҳлавон бўлсин, исмини мана шу ердан ўтган доригарларнинг бошлиғи Аҳмаджон паҳлавоннинг шарафига Аҳмаджон деб қўямиз», дейди мулла. Мулла Отажоннинг таклифи ўтирганларнинг ҳаммасига маъкул бўлди. Шундан сўнг Оллоҳ қайта умр берган азиз фарзанд Аҳмаджонга узоқ умр тилаб, унинг паҳлавон бўлиб улғайишини сўраб фотиҳа қилинади.

Оллоҳнинг қудратини қарангки, Аҳмаджон чиндан ҳам жуда зўр паҳлавон бўлиб етишади.

Ана шу ерда кексалардан бирининг сўзларини келтирсак, жуда ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. Бир вақтлар Чорбоғда доригарлар бўлган экан. Улар махфий равишда Қўқон хонлиги даврида ҳам, ундан олдинги даврларда ҳам мижозларга милтиқлар учун ёки бўлмаса портлатиш учун ўқ-дорилар тайёрлаб берар эканлар. Энг қизиғи, уни тайёрлаш чорбоғликлардан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмас экан. Ана шуларнинг бошлиғи Аҳмаджон паҳлавон бўлган экан. Кучли паҳлавонлар билан бўлган беллашувларда, хусусан, бел олиш курашида унинг елкаси асло ер кўрмаган экан.

Аҳмаджон Тошмуродов 20 ёшга етганида забардаст паҳлавон бўлиб элга танилди. У бутун Ўрта Осиёда доврўғ таратган, манаман деган паҳлавонларни енгади. У курашганда энг қийин, мураккаб амалларни қўллаб, рақибларининг курагини ерга теккизган. Аҳмаджон Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ўтказилган қатор йирик мусобақаларнинг голиби бўлган. У Марғилон, Ёзёвон, Қўқон, Бағдод, Ўш, Саҳоба, Ўзган, Жалолобод, Баткент, Лайлак, Ховос, Боёвут, Паркент ва Пскентдан етишиб чиққан паҳлавонлар ўртасида маълум ва машҳур бўлган. Фарғона водийсида энг кучли паҳлавонлар иштирокида ўтган бел олиш кураш сайилларида бир неча бор

голибликни қўлга киритган. Саҳоба, Лайлак, Ўратепа, Чорбоғ сайилгоҳларида бўлган курашларда баъзан унга ҳеч ким талабгор бўлиб ўртага чиқа олмаган. У киши ҳозирги кунда 50 ёшдан ошган ва бир қанча ўғил-қизларнинг падари бузруквори бўлса-да, ҳамон кураш ишқи билан яшамоқда. У ҳар йили Чорбоғда ўтадиган катта курашларга етакчилик қилади. Унинг отаси Тошмурод ака ҳам катта паҳлавон ўтган. У катта сайил курашларида ўғли Аҳмаджоннинг зафар қучганини кўп бор кўриб, беҳад фахрланган. Бир куни отаси ўғлига шундай насиҳат қилади: «Бу ерда бўладиган бел олиш курашларига энди ўзинг бош-қош бўлгин ўғлим, чунки бу кураш тожик, ўзбек, қирғиз, туркман, қозоқлардан қолган аждодлар бел олиш курашидир, улар билан алоқани ҳеч қачон узма, ҳалол, пок, тўғри инсон бўлгин».

1987 йилда Тошмурод ота 87 ёшида ҳаётдан кўз юмади. Биз Аҳмаджон ака билан курашларда бирга юрганмиз. У бел олиш кураш илмини ҳақиқатан пухта эгаллаган инсон. У билан кўп бор суҳбатлашганман. 2002 йил август ойида бўлган суҳбатимиз янада мароқли бўлган эди. Ушбу ҳикоямизни қаҳрамонимизнинг: «Худога шукр, ҳозир давлатимизнинг бизга бўлган муносабати яхши томонларга ўзгарди. Ундан ташқари, падари бузрукворимнинг насиҳатлари ҳали-ҳали ёдимда ва токи тирикман, уларга амал қилиб боравераман», деган сўзлари билан якунламоқчимиз.¹

Мирсаид, Баҳодир, Сойиб ва Муҳаммади паҳлавонлар ҳақида

Чорбоғлик номдор полвонлардан яна бири Мирсаид полвондир. Камина бу енгилмас полвоннинг Сирдарёдаги тўй курашида 19 полвонни енгганининг гувоҳи бўлганман. У енгганда ҳам оддий эмас, чиройли амалларни қўллаб рақибларининг елкасини ерга теккизди. Мирсаид қаерга бормасин, ҳамма ерда рақибларини чиройли йиқитиб, ҳақиқий полвон номига муносиб бўлиб элга танилди.

Унинг укаси Баҳодир ҳам полвонликда акасидан қолишмайди. У Новқат сайилгоҳидаги бел олиш курашига борганда, бир кунда 13 полвоннинг елкасини ерга теккизди. Теккизганда ҳам бировни қайтарма, бировни айлантириб, бировни кўтариб ташлаш амаллари билан енгди. Яна шундай таниқли полвонлардан бири Сойиб полвон ҳам ўзига хос, чиройли амаллари билан эл оғзига тушиб, довруғ қозонди. Шулар қаторида катта полвонлардан Муҳаммади полвон ҳам уларнинг энг ишонган суянчиғи бўлди. Мободо четдан келган бирорта зўр полвон бўлса, охири барибир Муҳаммади билан беллашишига тўғри келган. Албатта Муҳаммади охирида бел олишиб, рақибини бир ёқли қилиб, тожикистонлик полвонларнинг шаънини ҳимоя этишга, обрўйини сақлашга ҳаракат қилган.

Али полвон Ўринбоев (1947) ҳақида

Юқорида айтиб ўтилган полвонларнинг ичида энг ёши улуғи Қатағон қишлоғилик Али полвон Ўринбоевдир (1947), у мабодо Қистакўз қишлоғига борса, уни шу ерлик деб эълон қилишади.

¹ Н. Азизов. «Аҳмадчонпаҳлавон», «Овози тожик» рўзномаси. №45(13187), 2006.

Биз 1981 йилда Хўжандга бел олиш тўй курашига борганимизда, энг зўр паҳлавон Али ака бўлди, кейин тўйлар бир-бирига уланиб кетди. Қистакўзда ҳам Али полвон ҳаммани енгди. Қатағонга кўчган тўйда ҳам у ҳаммани енгиб, лол қолдирди. Шу ерда рўй берган бир қизиқ воқеа ҳали-ҳануз ёдимда. Унинг шогирди бир тўйда кўпчиликни енгиб, ўз устози Али ака билан бел олишаман, деб даъво қилди. Одамлар қанчалик насиҳат қилишмасин, шогирд аҳдидан қайтмади. Уларнинг курашига фотиҳа қилинди, ҳақиқатан шогирднинг кучли экани сезилиб турарди. Уларнинг бел олиши ҳал бўлмай, дам олишга ўтиришди. Ана шу бел олиш курашида бир-икки киши, яхши иш бўлмапти, дея, шогирд олдига бориб, сен ҳали ёшсан, Али устозингнинг елкасига уриб чиқиб кетгин, дейишди. Лекин қайсар шогирд кўнмади, улар курашни яна қайтадан бошлашди. Уларнинг кураши энди ҳамманинг эътиборида бўлди. Шогирд зўр бериб чирмашиб, бир-икки бор Али полвоннинг оёғини ердан узгандай бўлди, бироқ эплай олмади. Кутилмаганда ёпишиб келган шогирдини ушлаб қолган Али полвон уни шунақанги қайтариб урдик, ердаги тупроқ чангиб кетди. Шу ҳолатни жуда интизорлик билан кутган одамлар Али полвонни ўртадан кўтариб олиб чиқиб кетишди. Кечқурун чойхонада ҳамма Али полвонни мақташиб, болади, дейишди, шогирди номард экан, деб койишди.¹

Исфаралик Абдуҳаким Ҳалимов (1940) ҳақида

Биз Тожикистон полвонлари ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Бу юрт тарихида ҳам «Бел олиш» кураш удум ва анъаналари узоқ-узоқ асрларга бориб тақалади. Тожикистон бел олиш кураши тарихи тадқиқотчиларидан, жонкуяр, фидоий инсон Абдуҳаким Ҳалимов бир неча йиллардан буён шу спорт турини ривожлантириш учун ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Абдуҳаким Ҳалимов 1940 йилда Сўғд вилоятининг Исфара шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати — тожик.

1962 йилда Тожикистон политехника институтини тугаллаб, қурилиш муҳандиси ихтисосини олди ва кейинчалик ўқишни Москвада давом эттирди.

Меҳнат фаолиятини 1962 йилда Шўроб шахта қурилишида уста сифатида бошлаб, махсус қурилиш вазирлиги «Тожиксантехмонтаж» трести бошлиғининг ўринбосари даражасигача кўтарилди. Сўнгра унинг партиявий ишлардаги фаолияти бошланди. 1981–1983 йилдан эса у Тожикистон қишлоқ қурилиши вазири вазифасида фаолият юритди.

Кейинчалик Душанбе шаҳар партия комитетининг биринчи котиби, йўллар қурилиши ва ундан фойдаланиш вазирлиги Исфара шаҳар Раиси вазифаларида фаолиятини давом эттирди.

Нафақага чиққандан кейин ҳам Абдуҳаким Ҳалимов ором олиб ўтирмасдан, мамлакатнинг ободончилиги ва спортчи ёшларни тарбиялаш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилиб келмоқда.

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.

Унинг ташаббуси билан Тожикистон Республикаси Белбоғли олиш кураш Федерацияси таъсис этилди, унинг қароргоҳи Исфара шаҳрида жойлашган. Бу асрлар давомида мавжуд бўлган миллий курашни ривожлантиришга ва миллий спорт турини халқаро майдонга олиб чиқишга мустақкам заминдир. Бу хайрли ишларнинг амалга оширилишига у Республика Бел олиш кураши федерацияси президенти сифатида жуда катта ҳисса қўшмоқда.

Бир неча йиллардан буён Тожикистон миллий спорти ривожига бир неча халқаро мусобақалар ғолиби, Самбо кураши бўйича жаҳон чемпиони Саидмўмин Раҳимов устозлик қилиб келмоқда. Миллий кураш бўйича қатор тожик спортчиларининг халқаро майдонларда пайдо бўлишида Саидмўмин Раҳимовнинг хизматлари беқиёс. Яқин келажакда Тожикистон бел олиш усталари халқаро майдонда кўпроқ кўзга ташланиши аниқ. Чунки тожикларда бу курашга қизиқиш ва ихлос қадимдан баланд.

Сўғд (собиқ Ленинобод) вилоятида яшаб оламдан ўтган паҳлавонлар

Фозихон Эшон паҳлавон — (1897—1980)

Эргаш паҳлавон (1913—1990), Хўжанд тумани Қатағон қишлоғи

Очилхон паҳлавон (1945—1990), Қатағон қишлоғи

Ўринбой паҳлавон (1917—1997), Қатағон қишлоғи

Нов тумани

Абдувоҳид паҳлавон (1902—1987)

Исфара (Навгилм қишлоғи)

Абдуқуддус паҳлавон (1905—1985)

Ўратена (ҳозирги Истарафшон)

Аҳмад паҳлавон (1890—1970)

Қодирқул паҳлавон (1875—1960)

Алпонов Тошмурод (карвонбоши) (1900—1987 йил)

Фозил паҳлавон Орипов (1916—1991)

Амин паҳлавон (1904—1990)

Комил Орипов (1930—1984)

Анорқул Тўйчиев (1917—1985)

Абдураҳмон паҳлавон (1911—1989), Хишеват қишлоғи

Қурбон Туротов (1910—1945)

Абдураҳмон паҳлавон (1870—1940)

Холиқ полвон (1905—1990)

Раҳматхўжа Неъматиллаев (1917—1995), Фончи тумани Хўжахон қишлоғи

Наби паҳлавон (1907—1977), Фончи тумани

Тўра паҳлавон (1928—1995), Фончи тумани

Маҳкам паҳлавон (1905—1990)

Абдурашид Бойназаров (1941—1986), Чорбоғ қишлоғи

Зубай паҳлавон (1915—1991), ташкилотчи, Чорбоғ қишлоғи
Насриддинов Мамат (1938—2003)
Эгамов Борлибой (1911—1999)
Мамажонов Тоштемир (1944—2001)

Сўғд вилоятидан етишиб чиққан паҳлавонлар

Саидали паҳлавон — 1938, Гончи тумани
Ражабов Саттор — 1938, Гончи тумани
Ражабов Жаббор — 1940, Гончи тумани
Ражабов Фаффор — 1953, Гончи тумани
Ражабов Ражаб — 1958, Гончи тумани
Ражабов Давлат — 1968, Гончи тумани
Ражабов Қаҳҳор — 1950, Гончи тумани
Ҳайдар паҳлавон (Ҳайдарча) — 1957
Исроил паҳлавон — 1968

Хўжанд тумани

Чўян паҳлавон — 1938, Қистакўз қишлоғи
Шойимов Аюб — 1950, Зафаробод
Мамажонов Икром — 1944, Қайрағоч қишлоғи Хўжанд тумани
Мамажонов Муҳаммади — 1950, Хўжанд
Катта Али паҳлавон Ўринбоев — 1947, Қатағон қишлоғи
Абдуқодир паҳлавон — 1941
Обид паҳлавон — 1941
Толиб Ҳасанов, — 1966, Қатағон қишлоғи

Истарафшон — Ўратена

Ёриев Шукур — 1954
Эрназаров Сойиб — 1955
Эрназаров Ғойиб — 1958
Жўраев Абдуғаффор — 1947
Жўраев Абдуҳалил — 1954
Асрорқулов Раҳмат — 1941
Тошмуродов Бўрон — 1940
Ҳамроқулов Холиқул — 1947
Тошмуродов Бобоҳожӣ — 1936

Шаҳристон тумани

Эгамшукуров Ғофур — 1937
Тўйчиев Ортиқ — 1936, Зафаробод
Тўйчиев Худойберди — 1938
Азим паҳлавон — 1937

XI БОБ. ҚИРҒИЗИСТОНДА БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Ўрта Осиёдаги миллатлар орасида қирғизлар ҳам қадимий туркий халқлардан ҳисобланади. Қирғизистон тарихига оид қадимий қўлёзма-ларда қирғизлар эрамиздан олдинги III аср охирида Ўрта Осиё ҳудуд-ларида, кейинчалик, Енисей дарёси қирғоқларида яшаганлиги таъ-кидланади. XV аср охири ва XVI аср бошларида Ало-Тоо шаҳрини барпо этиб, маҳаллий кўчманчи қабилаларни бирлаштирдилар ва улар негизида замонавий миллат шаклланди. Қирғизларнинг Ўрта Осиё тарихидагина эмас, Жанубий Сибирь тарихида ҳам қўшган ҳиссаси катта. Қирғизлар ҳақида машҳур турколог олим Маҳмуд Кошғарий-нинг «Девону луғотит турк» асарида шундай сўзларни ўқиш мумкин: «Улар тариқ, гурунч ва туя гўштидан бошқа (қорамол) урғочи қўй, эчки ва бошқаларнинг гўштарини ейдилар. Уларнинг алоҳида тутган йўллари, фикрлари, ёзувлари ва ибодатлари бор. Улар чироғларини ўзи ўчмагунча ўчирмайдилар. Уларнинг қофиялик сўзлари бор, олдиларига хушбўй нарса қўйиб, номоз ўқийдилар. Уларнинг бир йил ичида бир неча байрамлари бор, нишонлари кўпдир, жануб томонга қараб номоз ўқийдилар. Кўкдаги Зуҳал, Зуҳра (Венера) ва Сатурн юлдузларини хурматлайдилар. Аммо Миррих (Марс) юлдузини ёқтирмайдилар, уни наҳс деб ҳисоблайдилар. Уларнинг мамлакатларида йиртқич ҳайвонлар жуда кўпдир. Уларда кечаси нур таратадиган бир тош бор, шунинг учун чироққа эҳтиёжлари бўлмайди. Бундай тош уларнинг мамлакат-ларидан бошқа жойда бўлмайди. Уларнинг барча бўйсунадиган бир подшолари бор. Унинг олдида қирқ ёшдан ўтган кишидан ташқари бирор киши ўтирмайди».¹

Қадимда қорахоний пойтахти шарқида Баласоғун шаҳри, кейин-чалик Қашқар шаҳри, ғарбда эса дастлаб Ўзган шаҳри, кейинчалик Самарқанд шаҳри бўлган. Улуғ шоир Юсуф Ҳос Ҳожиб ҳам Баласо-ғунда туғилган. Қадимий шаҳар Баласоғун Қирғизистон ҳудудида жойлашган бўлиб, Тўқмоқ шаҳрига яқин бўлган.

Улар ҳам қадимдан бир неча кураш тури билан шуғулланиб келган. Жумладан «Бел олиш» кураш ҳам қирғиз халқининг ҳам қадимий, ҳам бугунги кунда энг оммавий спорт тури ҳисобланади.

Қирғизистоннинг Тундук вилоятига ҳозирги Чуй, Норин, Ис-сиқкўл ва Талас вилоятлари кирса, Тушлук вилоятига эса Жалолобод, Ўш, Баткент вилоятлари киради. Ана шу вилоятларнинг ҳаммасида бел олиш кураш миллий кураш ҳисобланади. Қизиғи шундаки, Тун-дук вилоятида бу кураш турида чалиш амали билан курашилса, Туш-лук вилоятларида чалишсиз амаллар билан курашилади. Нима сабабдан шундай эканлигини мазкур китобнинг хулоса қисмида баён қиламиз.

Қирғизистонда XIX аср охири ва XX аср бошларида жуда кўплаб кураш мактаблари бўлган. Улардан Ўзган, Жалолобод, Ўш, Қорадарё,

¹ «Муъжамул булдон», 5-т, 411-бет.

Қорасув, Новқат, Араван, Баткент, Лайлак кураш мактабларини қайд этиш мумкин. Тундук вилоятлари ичида Талас, Норин, Иссиққўл, Бишкек кураш мактаблари алоҳида ўрин тутди. Айниқса, Тушлук вилоятидан кўплаб полвонлар етишиб чиқдилар. Биз ҳозир уларни зўр ҳурмат билан эсга оламиз. Сабаби, уларнинг кўплари оламдан ўтиб кетди, лекин халқнинг хотирасида абадий сақланиб қолдилар. Булар қуйидагилардир: Эски Новқат туманидан Султон полвон (асли мар-филонлик) (1886—1982), лақаби Ёғоч полвон бўлган.

Новқат туманидаги Руқия Солиева номли колхозда яшаб ўтган машҳур Бузрукхон тўра ўғли Ҳожихон (1890—1977 йиллар), Эски Новқатдан Лайли қори полвон (1885—1930), Ганжир полвон (1895—1990 йиллар), жалолободлик машҳур Бозор полвон (1900—1985). Эски Новқатдан Сулаймон полвон (1901—1991), Баҳроҳор полвон 1901 йилда туғилган, эски Новқатда оламдан ўтган. Янги Новқатдан Абдуғаффор полвон (1930—2000), Ориф полвон (1938—2003), Минач полвон (1935—2000), Эгамберди полвон (1935—1998), Шоқир Бадалов (1913—1986), жалолободлик Душа полвон (1910—1980), Жалолобод вилоятининг Қора Қулжа тумани (илгариги Советобод) дан Тўрабек полвон (лақаби Ёғоч полвон бўлган) жуда машҳур полвон бўлган. Бу полвон ўз даврида жуда машҳур полвонларнинг елкасини ерга теккизган. У тўғрисида фарғоналик Аъзам полвон, хўжандлик Ғози Эшон полвон, қизилқиялик Деҳқон полвонлар ўз эсдаликларида гапириб ўтганлар.

Ёғоч полвоннинг бел олиш курашини бир кўрган одам уни узоқ вақт хотирасида сақлаб қолган. У туғилиб ўсган Қора Қулжа туманида бўлганимда, бир кекса нуроний — Абдумалик ота шундай деган эди: «У бошқалардан кўра новчароқ, доимо рақибларини дангал кўтариб ташлар эди. Ҳеч кимдан чўчимасди, мен унинг ҳеч қачон ютқазганини кўрмаганман. Доимо умри бел олиш курашида ўтди. Уни йўқлаб Хўжанддан, Марғилондан, Лайлакдан, Бағдоддан, ҳатто Тошкентдан ҳам полвонлар келар эди».

Қора Қулжа халқи унинг вафотидан сўнг, 80-йилларда у туғилиб ўсган жойда унга ҳайкал ўрнатди.

Новқат туманида 1925—1997 йилларда Кўпчивой Турдиев яшаб ўтган. У катта полвон ва ташкилотчи бўлган. Замонанинг зайлини қарангки, унинг ўғли Абдуҳалил ҳам Новқатдаги сайилларга бир неча йиллардан бери ташкилотчилик қилиб келмоқда. У бел олиш кураш бўйича халқаро тоифадаги ҳакам, бир нечта хорижий мамлакатларда хизмат сафарида бўлган. Бугунги кунда кексалик гаштини суриб юрган полвонлардан яна бири лайлаклик Тўхташ полвондир (1928). У киши ҳозир 80 ёшга яқинлашиб қолишига қарамай, ҳанузгача бел олиш кураш кетидан қолмайди. Тўхташ полвон бугунги кунда кекса полвонлар ичида энг катта бел олиш кураш мактабини ўтаган Ўрта Осиёдаги полвонлардан ҳисобланади. У Ўрта Осиёда кўплаб машҳур паҳлавонлар билан беллашган ва уларни ўз кўзи билан кўрган, ҳатто кўпларининг дуосини олган.

Бугунги кунда Баткент вилояти Лайлак туманида истиқомат қилувчи Тўхташ полвонни Ўрта Осиёнинг кўплаб полвонлари йўқлаб келиб, дуосини олишмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда эски новқатлик Абдуназар Раҳмонов, Турсунмат Ҳакимов, Ўш шаҳрининг чеккасидаги Япалоқ қишлоғидан Тўқабек Абдужалиевлар кекса полвонлар ҳисобланадилар.

Қирғизистонда кўплаб донгдор полвонлар 1980 йилдан сўнг етишиб чиқдилар. Улар йирик халқаро турнирлар ғолиби бўлишди. Улардан Эгам Чанаев, Аҳмад Раҳимов, Темур Қамчибеков, Қувват полвон, Латиф полвон, Сулаймон Узоқов, Тоғай Узоқов, Толиб Мирзакаримов, Жалил Жамшитов, Кенжа Тожибоев, Абдумамат Шерматов, Ибайдилла Мингбаев, Турдимамаат полвон, Махсим Қамчибеков, Собир полвон, Манатай полвон, Жанибек полвон, Иброҳим Мамараҳимов, Замир Акиев, Сапар Аканов, Чингиз Аканов, Эмил Жусупов, Исомиддин Султонов, Абдумалик Муллажонов, Умрзоқ Обдинов, Абдурахмон ўғли Бакитбеклар эл орасида анча танилганлар.

Улар кетидан навқирон полвонлар авлоди етишиб чиқиб, Қирғизистон обрўйини элга ёймоқдалар. Албатта, уларни эл танийдиган полвон даражасига етказишда мураббийлардан Узоқов Иброҳим, Талай полвон, Жиянбек Акиев, Юнус Маҳмудовлар ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ана шу ерда қорасувлик ишбилармон ташкилотчилардан Муса акани ҳам ёдга олиш жоиз. У киши бир неча йиллардан буён элга ҳалол хизмат қилиб, бел олиш курашларига бош-қош бўлиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан ҳар йили май ойидан ноябрь ойигача Қорасув тумани марказида бел олиш кураш сайиллари ташкил қилинмоқда.

Сусамирлик Хўжамқул Кабба ўғли (1887—1955) ҳақида

Қирғизистоннинг энг забардаст паҳлавонларидан бири XIX асрнинг охирларида, яъни 1887 йилда туғилган Хўжамқул Кабба ўғлидир (32-расм). У Сусамир водийсининг Сусамир қишлоғида вояга етди. Хўжамқул туғма йўғон елкали бўлиб, бундай одамларни Ўрта Осиёда юз йилда бир келади, дейишади. Хўжамқул 14 ёшга тўлганда гавдаси отасининг гавдаси билан тенглашади, у ўзидан катта ёшдагилар билан баравар меҳнат қилади: дарахтларни ағдариш, ёриш, буғдой ўриш,



32-расм. Хўжамқул Кабба ўғли.

оғир қопларни ташиш ва бошқа ишларда катталардан қолишмас эди. Бойнинг қўлида отаси билан бирга, у билан теппа-тенг хизмат қилсада, Хўжамқулга ёш болага тўлагандай ҳақ тўлашарди. Кундан-кунга елкалари етилиб, қўл мускуллари бўртиб чиқиб бораётган Хўжамқулга отаси бир кун шундай насиҳат қилади:

«Ўғлим, баданингни чиниқтириш учун оғир-оғир тошларни узоқ-узоқларга отиб машқ қилишинг лозим. Мен сенинг жисмонан бақувват бўлиб ўсишингни хоҳлайман».

Хўжамқул отасининг айтганларини тўла адо этишга, паҳлавон бўлиб улғайишга интилади.

У 15 ёшида ўта кучлилиги билан элга танилди. Бир кун ҳамқишлоқлари, манаман деган паҳлавонлардан қолишмайсан, энди кучингни бир синаб кўрсанг бўлади, бирор-бир одам билан бел олишиб кучингни синаб кўр, деб маслаҳат беришди.

Хўжамқул бел олиш курашига тушишга рози бўлади, унинг рақибни 45 ёшларга борган, ўта кучли полвон эди. Умрида бир маротабагина бел олиш курашини кўрган Хўжамқул белига белбоғ боғлаб, кураша бошлайди. Кураш жуда шиддат билан бошланади. Хўжамқулнинг йиқилишига бир баҳягина қолади. Тасодифан кураш бўлаётган жойга келиб қолган падари бузруквори от устида туриб, бўш келма ўғлим, кўтариб ташла, деб бақира бошлайди. Ҳамма ўша томонга ўгирилиб қарайди. Отасининг ҳайқиригидан илҳомланган Хўжамқул рақибини даст кўтариб ерга уради. Ундан енгилган полвон: «Қойилман, туянинг кучи бор экан-е сенда», деб елкасига уриб, даврандан чиқиб кетади.

Ана шу галаба Хўжамқулнинг ҳаётида дастлабки муҳим қадам бўлди. У тез орада замонасининг забардаст полвони бўлиб танилди, донгдор полвонларнинг елкасини ерга теккизди. У бир неча спорт тури бўйича мусобақаларда узоқ йиллар ғолибликни қўлдан бермади. Жумладан, у қирғизларнинг севимли спорт ўйинларидан бўлмиш отдан ағдариш, улоқ ва бел олиш кураш турлари бўйича ҳаммиша биринчи ўринни олган. Унинг номи нафақат ўз она юрти — Қирғизистонда, балки қўшни республикаларда ҳам машҳур бўлиб кетди. У билан қозоғистонлик машҳур полвон, бир неча бор жаҳон ва халқаро турнирлар ғолиби бўлган Ҳожимуқон ҳам дўст тутинган. Хўжамқул ҳақида машҳур Деҳқон полвон шундай эслайди:

«Мен 1950 йилда Жалолободда бўлган бел олиш тўй курашида бир неча полвонларни енгдим. Шунда биринчи маротаба Хўжамқул полвонни кўриш насиб қилган. Аниқ эсимда, у киши мени олдига чақириб, қўл бериб кўришган, сўнгра чопон ҳадя қилган. Ўша даврларда кексайиб қолган бўлишига қарамай, сўрашганинг ўзидаёқ ниҳоятда кучли одам эканлигини сезганман. У кишининг: «Амалларингиз яхши, лекин қўлингизнинг кучи суст экан», деб айтган гапи ҳамон хотирамда.

Мен ҳам ўз кучимнинг қай даражадалигини билмас эканман, рақибларимни осонгина ердан узиб ташлар эдим. Кейин билсам, Хўжамқул Кабба ўғли бирор киши билан сўрашгандаёқ унинг қай даражада кучга эга эканлигини билиб олар экан.

Мен кўрган полвонлар ичида Хўжамқулдай арслон келбатли, бакуват, кучли одам бўлмаган».

Ҳақиқатан, Хўжамқул кучлиликда Иван Поддубний, Иван Шемякин, Иван Заикинлардан қолишмаган.

Унинг бўйи 1 м 97 см, оғирлиги 164 кг (48 ёшида) бўлган.

У 1924 йилда минора деворини тиклаш пайтида цемент аралашмасига қўл кафти панжаларининг изини туширган. Қўл панжаси 26 см; бош бармоғининг эни — 4 см; кичик бармоқ учининг эни — 2 см бўлган.

Хўжамқул яшаган уйдан нарироқдаги катта қабртошда унинг қўл панжалари изи туширилган. Шу гумбазсимон тошга араб имлосида: «Бу тошни 1910 йилда Хўжамқул Кабба ўғли кўтариб олиб келган», деган сўзлар битилган.

Тош айланасининг энг қалин жойи — 1 м 89 см; ўрта айланаси — 1 м 70 см; юқори айланаси 1 м 60 см; баландлиги 1 м 60 см эканлиги қайд этилади.

Хўжамқул 1955 йилда 68 ёшида оламдан ўтди. Умрининг сўнгги йилларида Соқолуқ тумани «Ғалаба» колхозида бошқарувчи лавозимида ишлаган.

Хўжамқул Сусамир қишлоғидан 3 км нарида дафн этилган. Унинг қабри Ўрта Осиё полвонлари учун зиёратгоҳ жойга айланган бўлиб, бу ердан зиёратчиларнинг қадами узилмайди.¹

Лайлак қишлоғилик бруслан Абдурахмон полвон Мўминов (1949—1980) ҳақида

Абдурахмон Мўминов 1949 йилда Ўш вилояти Лайлак туманида (ҳозирги Баткент вилоятида) туғилган. Лайлак тумани ўз бел олиш кураш амалларининг қадимийлиги билан ажралиб туради. Бу туман Ўзбекистон ва Тожикистон туманлари билан қўшни ҳисобланади. Ана шу туманда туғилган Абдурахмон 15 ёшдан эл оғзига туша бошлади, дастлаб у кичик ёшлилар ўртасида доврўф қозона борди. Болалик йилларида, асосан, тўй, сайилларда бел олиш курашига тушиб ҳаммани ҳайратда қолдирди. У 18 ёшга тўлганда катта полвон бўлиб етишди, ўзи туғилиб ўсган Лайлак тумани ҳамда қўшни Тожикистоннинг Чорбоғ, Ўратепа, Хўжанд шаҳри ёнидаги Қатағон, Қистакўз қишлоқларида, шунингдек Ўзбекистоннинг Боёвут, Ховос туманларида бўлиб ўтган тўй ва сайилларда танила бошлади. 1970—1980 йилларда Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда Абдурахмон полвон номи билан шуҳрат қозонди. Қаерда бел олиш кураш бўлмасин, унинг номи улуғланадиган бўлди. 1970—80 йилларда Қирғизистоннинг Новқат тумани Саҳоба дам олиш масканида бўлиб ўтган сайилларда ҳамма унинг бел олиш курашини кўриш учун ошиқарди (33-расм).

Абдурахмоннинг машҳур бўлиб кетишига авваламбор Лайлак бел олиш кураш мактаби ҳамда ҳозирги кунда фахрий полвон Тўхташ ака

¹ Байман Ф.Е., Никулин В.П. «Каба — УУЛА Кожомкул» Бишкек, «Учкун», 1996 г.



33-расм. Бел олиш кураш тури буйича эл назарига тушган ва хотирасида қолган XX аср охирининг кураш ҳадиси билимдони Абдурахмон полвон Мўминов.

ва Юсуф полвон сабаб бўлди. Инсоннинг машхур бўлиб кетишига унинг ўз амаллари камлик қилар экан, агар уни ҳаётда бирор-бир инсон моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаб турсагина элга тезда танилиб, камолот сари парвоз қилаверар экан. Ўш шаҳрининг чеккасидаги Япалоқ қишлоғида истиқомат қилаётган Тўқабек ака Абдужалиев шундай ҳикоя қилади:

«Бир куни Саҳоба сайлида бўлаётган бел олиш курашини томоша қилиб турганимда, бир ихчамдан келган йигитнинг бел олиши эътиборимни тортиб қолди. Вазни унча оғир ҳам эмас, лекин елкалари чиққан, қўллари бақувват. Исми Абдурахмон экан. Олдимга чақириб, қаердансан, дедим. У Лайлак туманиданман, деди. Ўша куниёқ унга кураш тугаши билан менинг уйимга борасан, дедим. Чунки 1 май куни бўлган бел олиш кураш

2 май куни ҳам давом этади, у қаергадир барибир бориши керак. Ўйлаб ҳам ўтирмай рози бўлди, уни яхши меҳмон қилдик, кейин унга, агар рози бўлсанг, уйимизда туравер, ўғилларимни ҳам бел олиш курашига ўргатасан, ҳамма шароитни яратиб бераман, дедим. У бироз ўйланиб туриб, мен уйга бориб, ота-онам билан маслаҳатлашай, деди...»

Шу-шу бўлдию, Абдурахмон Мўминов Тўқабек аканинг уйида яшай бошлади. Мезбон ҳовлидаги катта бир уйни курашхона қилиб берди ва у ўша ерда астойдил шуғуллана бошлади.

Тўқабек ака ўша даврларда вилоят ДАН идорасида имтиҳон қабул қилувчиларнинг раиси лавозимида ишлар эди. Абдурахмонга бош-оёқ сарполар ҳадя этди, бундан ташқари, хоҳлаган пайтида Лайлак туманига бориб келиш учун енгил машина берди.

Тўқабек аканинг айтишича, Абдурахмон жуда меҳнаткаш экан, эрталаб саҳарлаб туриб чопар, ундан ташқари кунига 4—7 соатлаб машгулотлар ўтказарди. Бу ҳаракат ва интилишлари натижаси ўлароқ, сайил ва тўйларда ҳеч кимдан чўчимайдиган, бировдан енгилмайдиган машхур полвон бўлиб етишди. Абдурахмон Мўминов 1970—80-йилларда кўпгина машхур полвонларнинг елкасини ерга теккизган. Тошкентдаги собиқ Пушкин боғида бўлиб ўтган Ўрта Осиё чемпионатида голиб бўлган, бир неча бор Қирғизистон чемпиони шоҳсупасини эгаллаган.

Абдурахмоннинг машхур полвон бўлиб етишувида қадимий кураш амалиётини пухта эгаллаганлиги муҳим омил бўлди. У XX асрнинг охиридаги ягона бел олиш кураш устаси, Ўрта Осиёнинг маълум ва машхур кекса паҳлавонлари фарғоналик Аъзам полвон Раҳмонов, Ҳомид полвон Қодиров, Деҳқон полвон Мамараҳимов, Тўхташ пол-

вон, Ғози Эшон полвон, Али полвон, Аҳмаджон полвонларнинг таърифлашича ҳам ягона паҳлавондир.

Ғарғоналик Аъзам полвон Раҳмонов уни шундай таърифлайди:

«Мен катта ва кичик полвонларни кўп кўрдим, лекин бунақанги машҳур полвонни фақат кексайганимда кўрдим, холос».

Қизилқиялик Деҳқон полвон у ҳақда шундай дейди:

«Баъзи бир амалларни бажаришда шунча куч-қувватни қайдан олишига ҳамон ақлим етмайди».

Абдурахмон полвоннинг шунчалик машҳур бўлиб кетишига яна бир сабаб, у вазни бор-йўғи 80–85 кг бўлгани ҳолда, вазни 120–140 кг бўлган полвонларни кўтариб, елкаси ерга тегар-тегмас, яна қайтариб кўтариб ўрнига қўйганини минглаб одамлар ўз кўзи билан кўрган. Шунинг учун бўлса керак, Қирғизистоннинг Новқат тумани Саҳоба дам олиш масканида 1–2 май ва 9–10 май кунлари бўладиган бел олиш кураш сайлига Абдурахмоннинг курашини кўраман деб Қирғизистон, Тожикистон, ҳатто Ўзбекистоннинг Паркент ва Пскент туманларидан ҳам томошабинлар келган.

Тўқабек ака шундай хотиралайди: «Ўша кезларда худди катта санъаткорларни тўйга таклиф қилгандай, одамлар бизнинг уйга келишиб, энди, илтимос, палончи куни суннат тўйида кураш қилаётган эдик, шунга Абдурахмон полвон бориб бел олишиб берсин, деб илтимос қилишарди».

Тўқабек ака яна шундай дейди: «Мен ўзим уни бир неча йил ДАН ходимлари билан кузатиб борганман. Борган жойимизда, Абдурахмон полвон келди, деб қий-чув бўлиб кетар эди. У эса ўзбеклар билан ўзбекча, тожиклар билан тожикча, қирғизлар билан қирғизча сўзлашиб, ёшу кексалар билан сўрашиб чиқар эди. Кейин унга тўй эгаси ва бошқалар чорси, сарполар, кўп одамлар дуррага тугилган пуллар бериб, дуо қилишарди, кўп одамлар унинг қўлига ёш болаларни тутқазиб, дуо қилинг, болам ёки неварам сизга ўхшаб полвон бўлсин, дейишарди».

Ҳикоямиз қаҳрамони Абдурахмон Мўминов қандай паҳлавон бўлганлигини аниқ таърифлаб бериш учун камина 25 йил изланиш олиб бордим. Ушбу ҳикояни ўқиётган киши, бир одамни таърифлаш учун шунча йил изланиш шартмикин, дейиши мумкин. Мен шарт ва зарур эди, деб жавоб бераман. Чунки ҳикоямиз қаҳрамони 1980 йилда фожиали ҳалок бўлган. Ахир унинг ўлими билан қадимий бел олиш кураш амалиёти йўқолиб кетмаслиги керак-ку! Менинг ўзим шу кураш амалиёти асосида узоқ йил бел олишганлигим ҳамда шу спорт турига бўлган иштиёқим сабабли изланишлар олиб боришдан асло чарчамадим. Бунга руҳлантирувчи куч – Абдурахмон билган тарихий бел олиш кураш амалиёти бўлди. Ана шу амалларни келажак авлодларга етказишни ўз бурчим деб билдим.

Тўғри, ўз кўзим билан кўрмаган, ўзи билан бирор маротаба учрашмаган одамнинг кураш амалиётини тўла очиб бериш анча қийин кечди, албатта. Абдурахмон полвон 1978 йилларда жуда машҳур бўлиб кетган, уни кўриш насиб этмаган эди. Унинг вафотидан кейин, яъни 1980 йилда ҳарбий хизматни тугатиб келганимдан сўнг Ўзбекистон,

Қирғизистон ҳамда Тожикистоннинг ҳамма ерида унинг бел олишини таъриф-тавсифланиб гапирилиши мени унинг кураш амалиётини илмий томондан ўрганишга ундади. 1981 йилдан 2004 йилгача Тожикистон, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистонда қаерга бормай, Абдурахмон полвонни таниган, унинг курашини кўрган кишилар билан суҳбатлашиб, у ҳақдаги хотираларни ёзиб бордим. Чунончи, Тожикистоннинг Сўғд вилояти Қистакўз қишлоғидаги Абдурайим аканинг тўй курашидан сўнг ўша ерлик Маннон ака хонадонида бўлган гурунгда 30 одамни ўзига қаратиб, Абдурахмон полвоннинг бел олишини таърифлаши мени жуда ҳайратга солди.

У киши шундай ҳикоя қилган эди:

«Мен Абдурахмоннинг курашини 5 йил орқасидан қувиб юриб томоша қилдим. У ҳақиқий полвон эди, ҳеч қандай ортиқча вазни ҳам йўқ эди, лекин катта вазндаги полвонларни ҳам ҳалол кўтариб урарди. Энг қойил қоладиган жойи — ҳеч қайси полвоннинг устидан эзиб тушмай, уни яна кўтариб, турғизиб қўяр эди».

Фарғоналик кураш бош мураббийи Бахтиёр Ҳайдаровнинг таърифлашича, Абдурахмон полвон, агар рақиб кучли бўлса, кўтарганда оёғи ёрдамида ҳимояга ўтиб, рақиб оёғининг устига чиқиб олиб ташлашни кутиб турар эди. Ташлаган томонига оёқ билан тушар эди.

Қирғизистонлик машҳур Тўппонча полвоннинг таърифлашича, «у ҳеч кимдан чўчимай, ҳатто катта вазнли полвонларга ҳам тенг келар эди».

Яна бир таниқли полвон — Абдурахмоннинг бел олиш курашини кузатган Малик полвон Осмонов шундай дейди:

«Унинг баъзи пайтларда оғир вазнли полвонларни ҳам осонлик билан кўтариб йиқитиши мисолида бизнинг бел олиш курашида ҳам «Айкидо»га ўхшаш ўз кучини ўзига едириш мужассам бўлса керак, деб ўйлаб қоламан. Ана шу амални Абдурахмон яхши билган бўлса керак, шунинг учун унинг бел олиш кураш амалларини ҳар томонлама ўрганиш зарур».

Азиз китобхон, исм-шарифи бу ерда қайд қилинмаган, яна кўплаб кишилар билан ҳам узоқ йиллар давомида суҳбатлашишга тўғри келди. Уларнинг аксарияти Абдурахмон полвоннинг бел олиш курашига холисона ижобий баҳо берди. Лекин Абдурахмоннинг ўлимидан сўнг, мен уни ютганман деб ёки у мен билан курашмаган, деб одамларни лақиллатиб юрганларни ҳам учратдик.

Ҳурматли устозим Жўрақул ака 1996 йилда биринчи мартаба Қирғизистоннинг Қорасув, Ўш шаҳарларида бўлиб ўтган бел олиш кураш сайилларида томошабин сифатида қатнашиб, бир қанча кекса одамлар билан суҳбатлашган экан. Ана шунда кўплаб кекса ва ёш полвонлар Абдурахмон полвоннинг бел олиш курашини таърифлаб берган эканлар. У киши ўша пайтларда мендан шу полвонни танийсизми, кўрганмисиз деганда, мен у кишига, кўрган эмасман, лекин унинг амаллари ҳақида кўп эшитганман, деган эдим. У киши: «Баъзи бир полвонлар дунёга 100 йилда бир келади, Абдурахмон полвон айнан ана шу полвонлар сирасига киради. Сиз шу полвоннинг ҳаёти, амаллари ҳақида пухта ёзинг», деган эди.

Мен Абдурахмон полвон туғилиб ўсган жойга бир неча маротаба ташриф буюрдим, ҳақиқатан ҳам Лайлакда ҳамма Абдурахмон полвонни яхши таниб, ҳурмат билан эсга олди. Ҳатто унинг дўстлари бир неча йилдан буён Бешкек шаҳрида ана шу машҳур полвоннинг хотирасига бағишлаб турнирлар ўтказиб келишаётган экан. Бел олиш курашини эса «лайлакча» кураш деб номлашади. Йиғилган бир қанча маълумотларга таяниб, унинг бел олиш кураш амалини тўла ёритиб бермоқчи бўлганимда, қутилмаганда ажойиб бир инсон билан учрашиб қолдим. Гап шундаки, 2004 йилда мен Ўш шаҳридаги мустақил «Инсоният» тижорат телеканалига интервью берган эдим. Шу интервьюдан сўнг, мазкур телевидиние раҳбарларидан Касимбой Бапов деган киши менинг олдимга келиб, «Носир Азизов сизми?» деб сўради. «Ҳа, менман» дедим. «Ундай бўлса мен фалончи, деб ўзини таништирди-да, шундай деди: «Сиз узоқ йиллардан буён Абдурахмон тўғрисида ёзиб юрар экансиз. Мен Абдурахмон полвон билан бир жойданман»,— деди ва Абдурахмон Лайлак туманининг Бешкент айилдан (қишлоқ) эканлигини таъкидлаб ўтди. Гап орасида болалигидан танийман, кўп бирга юриб, курашини кузатганман, деб қолди. Мен эса суҳбатдошимни мароқ билан тингладим.

«Абдурахмон полвонни биринчи бор 1968 йилда Тожикистоннинг Исфара шаҳридаги курашхонада кўрганман, — дея ҳикоясини давом эттирди суҳбатдошим. Бел олиш кураш кечки салқинда бошланиб, кечқурун чироқ ёруғида давом эттирилган эди. Ўзиям Исфарадаги одамлар бел олиш курашини шунчалик яхши кўрар эканки, чамаси 10 мингча одам қилт этмай томоша қилди. Шунда Абдурахмон 17 паҳлавонни ютди, мен тушган пулларни кўриб, қўрқиб кетдим, қандай қилиб келган жойимизга етиб оламиз, деб хавотирга тушганман. Ана шу ерда Абдурахмон полвон билан беллашишга 150 кг вазнли, жуда баҳайбат полвон ўртага чиққан. Абдурахмон полвон унинг ёнида деярли кўринмай ҳам қолди. Шу баҳайбат полвон Абдурахмон полвонни бир неча бор кўтариб ташлади, қайси томонга кўтариб ташламасин, Абдурахмон оёқда тушаверди. Охири амални бажариш навбати Абдурахмон полвонга келганда, у рақибини шундай қайтариб ташлаб, яна тезлик билан ўрnidан турғизиб жойига қўйиб қўйдик, одамлар ҳайқариб, ҳайратдан ўрnidан туриб кетганлигини ҳам билмай қолди. Мен ўшанда бир нарсани кўриб, ҳайрон бўлиб қолганман, яъни у кимни йиқитса, устидан эзмас экан. Унинг бел олиш курашларини узоқ йиллар кузатиб шу фикрга келганман. У мени ўзи билан кўп бел олиш курашларига олиб борган. У баъзи бир рақибларни ушлабоқ, хоҳласа чап томонга, хоҳласа ўнг томонга қайтариб ташлар эди. Баъзи пайтларда кекса одамлар, шу амалингизни кўролмайд қолдик-да, яна қайтадан олишиб беринг, деса, хўп, деб яна ўртага чиқиб кетаверар эди. Абдурахмонни Тўқабек деган бир ўшлик одам ўз уйига олиб кетган, ҳамма шароитларни яратиб берган экан. Бир куни Абдурахмоннинг ўзи мени шу уйга олиб борди. Ана шу ерда Абдурахмоннинг машгулотларини кўриб ҳайрон бўлиб қолганман, одам эмас, темир одам, яъни робот деб ўйлаганман. Кейин бизни ДАН ходимлари кузатиб, Саҳобага бел олиш курашига олиб боришди.

Абдурахмонга кўрсатилаётган иззат-икромни кўриб гоят ҳайрон қолганман. Ўзиям узоқ шуғулланар экан, соат кечки 4 да бошлаб кечқурун 9 деганда тугатди. Кейин бир жойга югуриб бориб, сойда чўмилиб келди. Келишига дастурхонда ҳар хил мевалар, пишлоқ, икки хил гўштли таом тайёрлаб қўйилди. У бировнинг уйида эмас, катта бир санаторияда яратиладиган шароитда яшар экан. Очиғи ҳавасим келиб кетди. Қани, мен ҳам полвон бўлсам-у, шу ерда яшасам, деб хаёлимдан ўтказдим. Бел олиш курашига, унинг амалларига ақлим етмаса ҳам, бир нарсани сезиб қолганман. У ҳар икки — чап ва ўнг томонга ҳам амалларни бир хил қўллар экан. Ўта оғир вазнлилар билан олишганда, Абдурахмонни улар осонгина кўтариб оларди. Кейин қарасанг, ё у босиб қолади, ёки унинг ўзи кўтариб ташлайди. Мен у билан, ўлмасидан 1 йил олдин суҳбатлашганман. Ўшанда:

«Абдурахмон, сени кўтарган одам ўзи тагинга тушиб қолади, боиси нима?» деб сўрадим. Шунда у кулиб: «Эй, дўстим, сенга сирни айтсам бўлаверади. Анави Иброҳим — Тўппонча полвонларга ўхшаганларга айтиб бўлмайди. Сабаби — бир кун бўлмаса бир кун у менга рақиб бўлиши мумкин. Сенга айтсам бўлаверади, сабаби — сен спортчи эмассан. Биринчидан, мен рақибнинг белидаги белбоғни ушлашим билан унинг қандай қобилятли эканлигини билиб оламан. Шунинг учун мен бел олиш курашчиларини тўрт тоифага бўлиб, амалларимни шу тоифаларга қараб бажараман.

1. Биринчи тоифадагиларга мендан вазни кичик ёки тенглар киради. Буларга ҳар қандай амални қўллашим мумкин.

2. Иккинчи тоифадагилар — булар мен билан вазни тенг, лекин кучли ҳамда вазни оғирлар. Улар билан қулай вазиятни пойлаб, сўнг ҳар қандай амални бажаришим мумкин.

3. Учинчи тоифадагилар — улар ўта оғир вазндагилар. Уларни кўтаришдан кўра, ҳимоя йўли билан йиқитишга ҳаракат қиламан. Чунки улар мени осон ердан кўтариб олади, сабаби ўзим ёрдам бераман. Кўтариб олганда, иложи борича оёқ сонининг энг баландроқ жойини мўлжаллаб оёқ қўйиб ҳимояланиб тураман. Қўлни ўзим томонга тортиб ташлашини кутиб тураман. Ташлаган пайтда албатта оёқларим ҳимояда бўлиб, иккинчи оёғимни узоқроққа ташлайман, оёғим ерга тушиши билан, қўлни етказиб оламан, ҳимоядаги оёғимни ҳам биринчи ерга тушган оёғимнинг олдига қўйиб рақибни тортаман. Мана шу ерда тўхтамай ҳаракат бажарилиши керак. Шунда рақиб қайси елка томонга ташламоқчи бўлса, ўша елкаси томонга ўзи йиқилади. Сабаби — ташлаган пайтда сиз биринчи бўлиб оёқ билан тушиб тортганингизда, рақиб белингизнинг орқа томонига осилиб қолади. Шунда рақибни ҳолатига қараб босиб тушиш мумкин ёки бўлмаса яна ўнг қўлни етказиб ушлаб қайтариб ташлаш мумкин. Ўта оғир вазнлиларни ташлаган пайтда ҳам, қай даражада кучли эканлигига қараб, амални бажариш мумкин. Агар у бўшроқ бўлса, ташлашининг ўзида сезилади, сабаби — бўш бўлса, амални секин бажаради. Ундай кишиларни қўлни етказиб қайтариб ёки кўтариб уриш мумкин. Агар рақиб ўта кучли бўлса, амални тез бажаради, шунинг учун дарҳол оёқни қўйиб оқ босиб тушишга ҳаракат қилиш керак.

4. Тўртинчи тоифага кирувчи рақиблар ўта новча бўлади, уларни кўтариб, оёғини ердан узаман деб овора бўлишнинг кераги йўқ. Сабаби — бўйи узун одам босиб тушиши мумкин, иккинчидан, кучлар тенг бўлиб қолганда, у бўйи ҳисобига устунликка эришиши мумкин. Шунинг учун улар билан беллашганда иложи борича рақибга оёқ билан ҳимоя қилиб чиқиб олиш керак. Ташлаган томонга оёқ билан тушиб, қўл билан тортиб босиш мумкин. Бундай одамларни қайтариб ташлайман деб овора бўлмаслик керак».

— Абдураҳмон, айт-чи сенинг ҳам ютқизган пайтинг бўлганми?

— Албатта бўлган, Ёзёвонда тўйда риштонлик (Фарғона вилояти) полвон Аҳмаджон акага ютқизганман. У кишининг ёши мендан катта, таниқли полвон, бир неча бор менга ютқизган, вазни ҳам катта. Бир кун Ёзёвонда тўйда учрашиб қолдик. Биз кўпчилик бўлиб борган эдик. У менга ўзи талабгор бўлиб чиқди. Озгина олишганимиздан сўнг дарҳол мени кўтариб, тезлик билан икки оёғининг орасидан ўтказиб ташлаб юборди. Ўзиям мени ютиш учун анча тайёрланган экан. Бундай амални мен биринчи маротаба кўришим эди, чиройли йиқилдим. Шундан сўнг ана шу амалга қарши қаттиқ тайёрландим, ҳатто бир кунда 7 соатлаб тайёрланган куним бўлди. Орадан чамаси 1 ой ўтгандан кейин Марғилондаги тўй курашида Аҳмаджон акага талабгор бўлиб чиқиб, ниҳоят ютдим.

Ундан ташқари, Саҳобадаги курашда оёғим сирпаниб Жума деган ўзбек полвонига ютқизганман. Лекин ўзим ютқизган полвонларни албатта уч-тўрт маротаба қайтадан талабгор бўлиб чиқиб ютганман. Аммо бир нарсани тан олиш керак, мени ютган одамларнинг вазни мендан анча оғир бўлган. Ўзим тенги ёки бир оз оғир вазнлиларни нақ ўзим хоҳлагандай қилиб ютганман ва бундан роса лаззатланганман.

— Абдураҳмон, қани айт-чи, нима сабабдан сен ҳеч кимдан чўчимай, одам танламай ўртага чиқаверасан?

— Чунки ёшлигимда акам, сен ботир бўласан, ботирлар ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан чўчимайди, деб тарбиялаган. Ёшлигимда, эсимда бор, акам икки-уч илонни оёғимнинг остига ташлаб қўярди, мен ўйнаб ўтирар эдим. Катта-катта қирғиз итларининг ёнига олиб борар, мен эса уларнинг думидан тортиб чопардим. Албатта, илонлар заҳарсиз, итлар эса ўргатилган бўлса керак. Эсимда бор, 12—15 ёшларимда ҳам катта полвонлар билан олишгим келаверар эди.

— Абдураҳмон, сен ҳар икки томонга ҳам, яъни чап ва ўнг томонга ҳам бир хил амал бажарасан, сабаби нимада?

— Ҳақиқатан ҳам шундай, ёшлигимда Юсуф акам мени бел олиш курашига шундай ўргатганлар. Аниқ эсимда, бир амални ўнг томонга уч маротаба қайтарганимдан сўнг, айна шу амални чап томонга қайтаришга тўғри келганда қийин бўларди, лекин кўп такрорлаш орқали икки томонга ҳам бир хил чиқаришга ҳаракат қилар эдим. Шу амалларни икки томонга бир хил қайтаришга эришиш узоқ машғулот эвазига бўлди, албатта.

— Сен ўзингни қай даражадаги полвон деб ҳисоблайсан?

— Агар нокамтарлик бўлмаса, мен ўзимни Лайлак бел олиш кураш мактабининг ўртаҳол полвони деб ҳисоблайман.

— Сенингча полвонлар қандай бўлиши керак?

— Полвон, аввало, кўп машқ қилиши керак, биринчидан, қўллар белбоғ сиқувидан бир маротаба бўлса ҳам шилиниб кетиши керак. Бел олиш курашида амаллар жисмоний куч сарфлаш орқали бажарилади. Шунинг учун кўп машқ қилиш, амалларни бир неча ўн маротабалаб қўллаш керак. Амални қўллаш учун фақат кучнинг ўзи камлик қилади. Машқларни чаққонлик билан қўшиб олиб бориш керак. Бошқа кураш турларига нисбатан «бел олиш кураш» амалларини бажариш кўп жисмоний кучни талаб этади. Ана шу қийинчиликларни енгиб ўтган одамгина амалларни осон бажариши мумкин. Яхши бел олиш курашчи бўлиш учун 5 йил тинимсиз ишлаш керак. Шундай қилингандагина 18 ёшда яхши курашчи бўлиш мумкин. Иккинчи босқичда 21 ёшдан кучли бўлиш мумкин, учинчи босқичда 25 ёшгача, тўртинчи босқич эса 25 ёшдан сўнг тўхтовсиз бел олишиб, 55 ёшгача яхши курашчи бўлиб етишиш мумкин. Бел олиш курашчиларига ушбу қатъий талаблар қўйилади: қорни пресс бўлиши, қўл мускуллари чиниққан, оёқларнинг болдирлари ғоят кучли бўлиши керак.

— Абдурахмон, қани, айт-чи, сен кўрган бел олиш курашчиларида ана шу хусусиятлар мужассамми?

— Йўқ, мен кўрмаганман, кўпларининг қорни пресс эмас, ёки қўли кучли-ю, оёғида кучи кам, ёки оёғида кучи кўпу қўлида кучи йўқ.

— Хўш, буларни нимага асосланиб айтаяпсан?

— Мен Юсуф акам ва ёшлигимда бел олиш курашига ўргатган фахрий полвонларнинг гапига асосланиб айтаяпман. Айтишларича, ўзбекларда қадимдан қолган бел олиш кураш сирлари китоби бўлган, ана шунда ёзилган экан. Менга шундай ўргатишган».

Кўп одамлар ялангоёқ курашади, шундай одамларда куч кўп бўлади, дейишади. Мен ундай одамларнинг ўзи ўйлаб топган сафсаталарига ишонмайман. Ялангоёқ беллашишнинг сабаби — рақибнинг ҳаракатини яхши сезиш учун, икинчидан, оёқ ерга яхши тиралади (чир-машади). Лекин ҳеч қачон ер одамга куч бермайди. Бизни кекса паҳлавонлар бел олиш курашидан олдин қўлингни ерга ишқалаб ол, қўлинг терламасин. Терламаган қўл белбоғни яхши мижиғлайди (белбоғни яхши сиқиб ушлайди) деб айтишган.

Агар ер одамга куч берса, дунёда энг кучли халқ Ўрта Осиё халқлари бўларди. Чунки уларнинг аксарияти деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Меҳнати эса ер билан боғлиқ.

Лекин мени тарбиялаган кекса паҳлавонларнинг айтишича, паҳлавонлар куч олиш учун қадимдан жисмоний машқлар билан шуғулланган экан. Ана шундай жисмоний машқлар орқали куч йиғган паҳлавонларни китобларда ҳам ўқиганман.

— Абдурахмон, ўзинг қандай машқларни бажарасан?

— Аввало, эрталаб туриб, очиқ ҳавода югураман. Иккинчидан, ҳар куни қорнимнинг прессини мустаҳкамлаш учун ҳар хил машқларни адо этаман. Масалан, турникка осилиб, 40—60 секунд оёғимни 90° га

букиб ушлаб тураман, тиззамни букмай, 20—30 маротаба пешонамни тиззамга теккизаман, 40—50 маротаба қўлда «отжимания» қиламан. 40—50 маротаба турникда тортиламан. Деворга кўприк бўлиб, 25—30 маротаба эгиламан.

Учинчидан, рақибни белбоғидан сиқиб кўтариб, чап томонга 100 маротаба, ўнг томонга 100 маротаба ярим айланма ўтқазиб машқ қиламан, рақибнинг оёғи ерга тегмаслиги керак. Кунора оғир тошлар билан шуғулланаман.

Тўртинчидан, кураш машғулоти уч қисмга бўлам, шундан 1-қисмини тайёргарликка, 2-қисмини амалларни ҳар хил йўсинда такрорлашга сарф этаман. 3-қисмини эса амалий бел олиш курашига сарфлайман.

Ҳар куни очлик пайтида овқат ейиш учун қорнимни тайёрлайман, яъни жисмоний машқлар қилиш ёки бирон-бир машқни адо этиш орқали овқатланишга тайёрланаман. Кечки овқатдан сўнг 2 соат вақт ўтгандан кейингина дам олам. Ҳеч қачон овқатдан кейин дарҳол дам олмаганман, мен ҳеч қачон, қандай кураш бўлишидан қатъи назар, тайёргарликсиз беллашмаганман».

Ҳақиқатан ҳам, Абдурахмон Ўрта Осиёда донғи кетган кўплаб полвонларнинг елкасини бир неча маротаба ерга теккизган ягона, тенги йўқ полвондир. Агар дунё бел олиш курашчиларини оладиган бўлсак, у ўз эътиқодига содиқ бўлган ягона шахс ҳисобланади. Чунки у қадимдан қолган кураш ҳадисларига амал қилган, халқ орасида арслон ёки қоплон мартабасига эришган брусландир.

Минг афсуслар бўлсинки, у орамиздан жуда эрта кетди. Унинг жонига қасд қилганлар нафақат унга, балки «бел олиш кураш» амалиётига ҳам қасд қилган манфур кимсалардир! Абдурахмон полвоннинг сўнгги кунлари ҳақида Тўқабек ака шундай ҳикоя қилади:

«Мен 1980 йил 2 март куни Қарағанда шахрига хизмат сафарига учиб кетдим. Ортимдан 7 март куни шундай мазмундаги телеграмма етиб борди: «Тезда етиб келинг, Абдурахмон ўзини осиб қўйди!» Эшитдим юрагимни чангаллаб қолдим.

Эвоҳ, бу қанақаси бўлди, навқирон пайтида, ўзига тўқ, хушчақчақ, эл оғзига тушган полвонни нима мажбур қилди, дея оҳ чекардим. Кўзларимда ёш, ҳар хил ўй-хаёллар билан уйга етиб келдим. Абдурахмонни дафн қилиб бўлишган экан. Эртаси куни у ўзини осган жойига бориб, ўз кўзим билан кўрдим. Ўш вилояти маъмуриятига тегишли қурилиш биноси Ўш шаҳридан бир оз четроқда. Бино қурилиши ҳали битмаган, бинодаги бир симни кўрсатиб, шунга ўзини осган, деб ишни ёпишган. Кўриниб турибдики, бу ерда бир гап бўлган, у симга одам осилганга ўхшамайди. Ҳаммани оёққа турғаздим, кирмаган эшигим қолмади. Ҳатто ўзим шубҳаланган бир-икки одамни олиб келиб, дўппослатишгача ҳам бордим, лекин ҳеч қандай маълумотга эга бўлмасдим. Бир йил югурдим, катта ўғлим Расулбек қачон бел олиш курашига борса, Абдурахмонни эслаб, йиғлаб юрди. Катта-катта кураш сайилларидан файз-барака кетганга ўхшаб қолди. Кўплар Саҳобага келиб, Абдурахмонни эслаб кўзларига ёш олганларини кўриб, юрак-бағрим эзилиб кетади.

1980 йил 9 май куни Қозон шаҳридан 3 татар йигити келиб, мендан Абдурахмон нима сабабдан ўзини осганлиги тафсилотларини сўраб-суриштириб, афсуслар чекишди. Улар ҳам, бу сирли ўлим, деб Абдурахмоннинг ўз жонига қасд қилганига ишонишмади.

Маълум бўлишича, 1979 йили бир татар йигити Саҳобада дам олган экан. У ҳам 9–10 май кунлари Саҳобада Абдурахмоннинг бел олиш курашини кўрган экан. Айтишларича, у ўзи тамонлардаги сабан тўйлардаги бел олишларни ҳам кўп кўрган, ашаддий ишқибоз экан. У Абдурахмоннинг бел олиш кураш амалларини кўриб, юртига бориб гапириб берибди. Унинг гапини эшитган бир-икки оғайнилари, бизни ҳам олиб бориб Абдурахмонни кўрсатасан, деб кўярда-қўймай келган эканлар».

Тўқабек аканинг айтишича, Абдурахмон ҳаётлигида кўп одамлар у билан суҳбатлашган, ҳатто унинг ўзини кўриш учун ҳам келган эканлар. Жиноятнинг очилишига озгина қолган экан. Шунда бир катгароқ мансабдор одам уни чақиртириб: «Нимага суриштириб қолдингиз, иш ёпилган, сиз яхшиси, ўзингизни ишингиз билан шуғулландингиз», деб дўқ урибди. «Агар яна озгина қўйиб берганда эди, ишни очган бўлар эдим», дейди Тўқабек ака.

Аслида, Абдурахмонга қасд қилган бир қанча одамлар уни хотин-бозликда айблаб, тўхмат уюштиришади ва гап тарқатишади. Абдурахмон бу ишлардан ўз яқинлари ва дўстларини огоҳ этади. Шу тўхмат юзасидан у бир-икки одамни яхшилаб дўппослайди ҳам. Лекин у бу фитналар ҳақида ҳеч қандай идорага мурожаат қилмайди. Ўшанда мансабдор кишилар Тўқабек аканинг Қарағандага хизмат сафарига кетганидан фойдаланиб, уни ўз машинасида сим билан бўғиб ўлдиришади. «Кимнинг топшириғи билан ўлдирилганлиги маълум бўлсада, орадан 24 йил ўтгандан кейин қотилнинг номини айтиш бефойда. Бир нарса аниқки, ўша мансабдор одамнинг фарзандини Абдурахмон яхшигина дўппослаган экан. Уни ўлдиришни буюрган одамнинг ҳам оламдан ўтганига анча булди.¹ Кимки нима қилса, мукофотини ҳам, жазосини ҳам бергувчи ёлғиз Оллоҳдир»,— деган эди Тўқабек ака, мен билан 2004 йилда бўлган суҳбатда.

Қорадарёлик Тўппонча полвон — Иброҳим Узоқов (1948) ҳақида

Кунлардан бир кун Қорасув туманида бел олиш сайил кураши ўтказилади. Полвонлар Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистоннинг турли ерларидан келишган. Бел олиш кураш ҳар сафаргидан ҳам қизиқ бормоқда. Ҳар сафар зафар қучадиган қорадарёлик полвонлар бу гал енгилди. Кутилмаганда кимдир Иброҳим Узоқовга ишора қилиб қолди. «Энди ўзинг чиқиб, бир ёқли қиласан, худо хоҳласа ғалаба сен томонда». Ўртани олиб борувчи ҳакам бу гапни эшитгач, кинояомуз:

«Эй, қорадарёликлар, эсингизни едингизми, ахир бу ҳали ғўр, танилмаган полвон бўлса» — деди.

Улар эса:

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.

«Тўғри, ҳали буни ҳеч ким танимайди, лекин сиз айтгандай, гўр ҳам эмас, майли туша қолсин», — дейишди.

Шундай қилиб, шу кунги йиғиннинг энг зўр полвони хўжандлик Чўян билан бел олиш учун Иброҳим полвонни ўртага чиқаришди (34-расм). Ҳамма бел олиш курашини синчиклаб кузатиб турди, кутилмаганда, ҳеч қанча вақт ўтмай, Иброҳим полвон Чўян полвонни кўтариб урди, бўлди қийқириқ, бўлди қийқириқ! Чўяннинг кетидан лайлаклик Ҳомид полвон ўртага чиқди. У ҳам узоққа бормади, Иброҳим полвон бир-икки кифт уриб, уни ҳам ерга ташлаб юборди. Бунақанги абжир, чаққон курашчини яқин ўртада ҳеч ким кўрмаган эди. Кейин андижонлик Юсуф, ўзганлик Абдумалик полвонлар талабгор бўлиб чиқди, Иброҳим буларни ҳам тезлик билан йиқитди. Борган сари унга одамларнинг ихлоси ортиб борди. Шу сайилга қўқонлик машҳур полвон Шокир Қурбонов ҳам ташриф буюрган эди. У кишига ҳам Иброҳимнинг чаққон, тез амал қўллаб, ўзидан кучли полвонларни йиқитиши ғоят маъқул тушибди. Чунки Шокир Қурбонов ҳам худди шундай тез амал қўллаб, кучли рақибларни ҳам йиқитиб, 1935 йилларда «Тўппонча полвон» деган ном олган эди. У ҳам шу кунги сайилда меҳмон сифатида иштирок этмоқда эди.



34-расм.
Иброҳим полвон Узоқов.
1948 йил.

Иброҳим полвон шу сайилда таниқли полвонлардан 4 кишини, жами 11 полвонни йиқитади. Шунда Тўппонча полвон ўртани олиб борувчи холисан Темир ва Қурбон полвонларни чақириб: «Бу бола бугун яхши томоша кўрсатди. Шунинг учун унга элдан дуо олиб берайлик, бугун бошқа курашмасин», дейишини сўради. Бу таклифни ҳакамлар, Темир ва Қурбон полвонлар ҳамда меҳмон бўлиб келган кекса нуроний полвонлар ҳам маъқуллашди.

Шунда ўртани олиб борувчи ҳакамлардан бири Темир полвон бел олишни тўхтатиб, «Мана бугун ўзларинг гувоҳ бўлиб турибсизлар, қорадарёлик ёшгина йигит, ҳали ҳеч кимга танилмаган Иброҳим полвон ажойиб томоша кўрсатди. Унинг маҳоратига сайилимизга меҳмон бўлиб келган қўқонлик машҳур Шокир полвон (Тўппонча полвон) ҳам қойил қолди. Келинг, ана шу кишининг таклифини қабул қилиб, Иброҳим полвонни қўлларимизни очиб дуо қилайлик: «Илоҳим Иброҳим полвон ҳам эл ичида обрўли, чаққон, машҳур полвон бўлиб етишсин, илоҳа омин».

Шундай қилиб, ҳамма дуога қўл очди. Шу кундан бошлаб энди 18 ёшга тўлган Иброҳим «Тўппонча» тахаллусини олди. Шу сабаб бўлдию, сайилларда Иброҳим полвоннинг доврўгига доврўғ қўшила бошлади. Ўзиям тўй, сайиллардаги, мамлакат миқёсидаги бел олиш курашларида тинимсиз курашди. У нафақат бел олиш курашида, балки юнон-рум курашида ҳам бир неча бор мамлакат ғолиби бўлди.

Спорт устаси нормасини бажарди. Тўппонча полвон Қирғизистон тарихида чуқур из қолдирди. У 25 йил голибликни қўлдан бермай келди, бел олиш кураш бўйича рекорд қўйган ягона кураш устаси. Иброҳим Узоқов охирги маротаба 1996 йилда Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирда қариялар ўртасида оғир вазнли полвонлар устидан ғалаба қозониб, ўз полвонлик фаолиятига яқун ясади.

Иброҳим полвон Узоқов 1948 йил Жалолобод вилоятининг Қорадарё қишлоғида туғилган. У Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон мамлакатларида бўлган сайилларда, мусобақаларда ғалабага эришиб, «Тўппонча» тахаллуси билан элга танилган. У сайил, тўй курашларида ўзининг кучли рақиблиги туфайли бир неча бор голиб деб топилган. Ҳозирги пайтда у ўз хунарини мураббийлик орқали ёшларга ўргатмоқда.

Иброҳим полвон жуда кўплаб таниқли бел олиш курашчилари устидан ғалабага эришган. У кишининг илтимосига мувофиқ бу курашчиларнинг исм-шарифларини кўрсатишни лозим топмадик. Чунки ҳозирги кунда Иброҳим полвон бел олиш кураш орқали улар билан дўст туғиниб кетганлигини таъкидлайди.¹

Уйғурларда «челиш» кураши ҳақида қисқача маълумотлар

Авваламбор, уйғурлар ҳам қадимий туркий миллатлардан эканлиги манбаларда баён қилинган. Уйғурларнинг «челиш» бел олиши ҳам уларнинг қадимий тарихи билан боғлиқдир.

Уйғурлар туркий халқлар оиласидаги қадимий халқлардан биридир. Қадимда Муғулистон чўлларида яшаган кўчманчи халқлар илк бор манбаларда эрамиздан аввалги III асрда, Ўрхун-Енисей ёзувларида эса VIII асрдан тилга олинади.

Хитойнинг қадимий тарихий манбаларида шундай деб ёзилган: «Уйғурлар эрамиздан аввалги III асрда Хитойнинг шимолида яшаган қадимий халқлардир. VI асрдан бошлаб уйғурлар расмий равишда қайд этилган. Хитой хони Юаньху милодий 809- йилда уйғур элига элчи юбориб, миллатнинг номини «шунқор каби парвоз этувчи» маъносида уйғур деб атаган». Абулғози Баҳодирхон эса ўзининг «Шажараи турк» асарида шундай ёзади: «Ўғузхон уларга «уйғур» деб ном берган. Уйғур дегани уюшиш, иттифоқ бўлиш демакдир. Уйғурлар V асрдан VIII асргача Жужан ҳоқонлиги, кейинчалик турк ҳоқонлиги таркибига кирганлар. Уйғурларнинг этник уюшуви жараёни VIII асрда Турк ҳоқонлиги инқирозидан кейин Ўрхун дарёси бўйида дастлабки Уйғур феодал давлати тузилиши билан яқунланади. VIII асрга келиб «уйғур» этноними Шарқий Тяншанда ўз давлатини вужудга келтирган этносга нисбатан ишлатилган. Бу даврда уйғурларнинг ҳарбий қудрати шу қадар ўсадики, улар 744-йилда Шарқий Турк ҳоқонлигига зарба бериб, 745-йилда ўзларининг давлатларини вужудга келтиришади».

Турк ҳоқонлиги 716—734-йилларда ҳукмронлик қилган Билга ҳоқон даврида минтақанинг энг қудратли давлатларидан бирига ай-

¹ Мақола тадқиқот материалларига таяниб ёзилди.

ланди. 716-йилда Селенга дарёси ҳавзасида истиқомат қилувчи уйғурларга, 717-йилда ўғузларга, 718-йилда қарлуқларга қарши жанг қилиб, уларни ҳоқонликка бўйсундирди. Бу даврда ҳоқонлик ҳудудлари шарқда Сирдарёнинг шарқидан ғарбда Хинган тоғлари ёнбағирлари — Шандун ўлкасининг, жанубда Тибетнинг шимоли, Шарқий Туркистон, Хитойнинг шимолидаги вилоятлардан то Шимолда Енисей дарёси ва Байкал бўйини ўз ичига олганлиги маълум бўлади.

Ниҳоят, турк ҳоқонлиги 745-йилда уйғурлар томонидан босиб олинди. Биз уйғурлар тарихи орқали уларнинг ҳам Сибирдаги туркий халқлар билан ёнма-ён яшаганлигини билиб оламиз. Худди ана шу халқлар қатори уйғурларнинг қадимий «челиш» деб номланувчи бел олиш курашлари бўлган.

Археологик қидирув натижасида Ордосдан топилган бронзадан ишланган от тўқаси уйғурларнинг ҳам бошқа туркий миллатлар қатори қадимдан бел олиш кураш билан шуғулланганлигидан далолат беради. Машҳур турколог олим Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Туркий сўзлар девони» («Девону луғотит турк») асарида ҳам уйғурлар тўғрисида кўп маълумотлар берган. Уйғурлар жангари ҳамда уларнинг жисмоний тарбия турлари ҳам қадимий бўлганлигини баён қилади. Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» асарида қуйидагиларни изоҳлайди: «Низомиддин Исрофил Тўғон тикин биннининг Муҳаммад жақир Тўнқохон отасидан эшитган хабарини менга шундай сўзлайди: Зулқарнайн уйғур вилоятига яқинлашгач, турк ҳоқони унга тўрт минг киши йўллади. Улар қалпоқларининг патлари худди ёввойи қушлар қанотидек эди. Улар ўқ отишга жуда моҳир эдилар. Орқадан ҳам олдиндан отгандай ўқ отар эдилар. Зулқарнайн буларга ҳайрон қолди. Инсон худхуранд — булар ўз овқатларини ўзлари топиб еувчи, бировга муҳтож бўлмовчилар. Чунки ов булардан қочиб қутула олмайди. Қачон хоҳласалар тутиб едилар. Сўнг ўлка Худхур аталиб кетган, «ху» у га алмашган. Удхўр бўлган. Сўнгра яна ўзгариб, уйғур бўлган (1 том, 490-491 бет «Девону луғотит турк»). Маҳмуд Кошғарийнинг ана шу асарида ҳам жисмоний тарбиянинг бир неча турлари ҳақида кўп маълумотлар берилган бўлиб, бел олиш кураш ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи ҳақида сўз кетганда, унинг бобоси Кошғарда туғилганлиги ҳақида айтиб ўтилади. Биз сўз юритаётган бел олиш кураш ҳам уйғурларнинг қадимий жисмоний тарбия тури бўлиб, бу кураш бугунги кунда ҳам ўз амалларини йўқотмай келмоқда. Улар қаерга кўчиб ўтган бўлсалар, у ерларга ҳам ўз бел олиш курашларини олиб ўтганлар. Айнан ана шу миллатларда бугунги кунгача бел олиш кураш тури сақланиб қолган. Камина 2003 йилда Хитойга ташриф буюриб, Синъцзян Уйғур Республикасининг бир қанча жойларида бел олиш курашига доир маълумотлар йиғишга ҳаракат қилдим. Уйғур Республикасида қадимдан бел олиш кураш бўлган, «челиш» деб номланувчи бел олиш кураш бугунги кунгача сақланиб қолган. Қашқарда бўлганимда бир кекса татар миллатига мансуб киши билан тасодифан суҳбатлашиб қолдим. У киши «челиш» курашидан катта унвонга эга эканлигини гапириб, мен «Брусланман» деган эди. Ҳақиқатан, «Бруслан» туркча сўз бўлиб, қоплон ҳамда арслон маъно-

сини берар экан. Кавказда яшовчи туркий ва бошқа миллатларда ҳам Бруслан ёки Арслон, Арсен, яна шунга ўхшаш исмларни эркак кишиларга қўйилишига сабаб улар фарзандларини қоплон ёки арслондай бўлишини ният қилишидандир.

Энди яна ўша қашқарлик татар миллатига мансуб кишига: «Сиз бу ерга кўчиб келганмисиз?» деганимда, у киши: «Ундай эмас, менинг авлод-аждодларим шу ерда яшаб келган», деди. Ҳақиқатан, Синъцзян Уйғур Республикасида қўплаб миллатлар яшаб келмоқда. Тошкентдаги «Ҳидоят» журналининг 9-сонида мусулмонларнинг асосий қисми Уйғур мухтор жумҳуриятида (Шарқий Туркистонда) яшашганликлари айтилиб, улар хуэйлар, саларлар, дунсянлар, баоанлар, қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар, тотарлар ва тожиклардир. Хитойдаги кекса уйғурларнинг таъкидлашича, қадимдан Шарқий Туркистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида бел олиш кураш бўйича алоқалар бўлиб турган. Уларнинг айтишича, Марказий Осиёга кўчиб борган уйғурлар шу ерлик халқларнинг бел олиш кураш билан тўй ва сайилларда бемалол курашганлар. Уйғурлар йўл-йўл чопон кийиб курашган эканлар. Ўз навбатида, Марказий Осиё давлатлари паҳлавонлари ҳам Хитойга ташриф буюришган. Ҳақиқатан ҳам, тадқиқотлар, изланишлар олиб бориш натижасида Марказий Осиё ҳудудларида бир қанча Қашқар, Хитой қишлоқлари бўлганлигига амин бўлдик. Хитойдан келган кўчманчи қашқар уйғурлари ҳам айнан ана шу қишлоқларда ўрнашиб қолганлигини тарихий манбалар ҳам тасдиқлайди. Айнан ана шу жойлардан катта паҳлавонлар етишиб чиққанлиги маълум. Уларга Ўш вилояти Қорасув туманининг Қашқар қишлоғи ҳамда Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги Қашқари-Макай қишлоғи ва бир қанча қишлоқлар мисол бўлиши мумкин. Қирғизистонда ана шу қишлоқларнинг бирида ҳар йили бел олиш сайли ўтказилади. Айнан шу қишлоқларда курашга қизиқиш кучли бўлган.

Бағдод туманидаги Қашқари-Макай қишлоғидан етишиб чиққан паҳлавонлар тарихи ҳам бир неча асрларга бориб тақалади. Уйғурларнинг урф-одати, тили, дини ва кураши Марказий Осиё давлатлари билан қадимдан бир хил бўлган. Улар ўртасида қадимдан иқтисодий ва маданий алоқалари мавжуд бўлганлиги манбаларда баён қилинган. Энг қизиғи, уйғурларда ҳам бел олиш кураш илмида баён қилинган амалларнинг мазмун жиҳатдан бир хиллиги бунинг исботидир. Биз уйғурлар тарихини мисол келтириш орқали бел олиш кураш ҳақида баён қилдик. Тарихни эслаш билан уларнинг бел олиш курашига тўхталиб ўтишимиз бежиз эмас. Чунки уларнинг тарихига мурожаат қилмай, кураш ҳақида ёзиш қийин. Ҳозирги кунда Хитойда ҳар тўрт йилда ўтказиладиган миллий олимпиадага уларнинг «челиш» бел олиш курашининг киритилиши ҳам таҳсинга сазовордир. Биз ўйлаймизки, бугунги замонавий бел олиш кураш тури билан жаҳон ареналарида ўзларини намоён қилиш уйғурлар учун қадриятини ҳимоя қилишдай гапдир.

XII БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИНING ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА УНИНГ ЁЙИЛИШИ ГЕОГРАФИЯСИ

Археологик манбаларнинг далолат беришича, қадимги шарқ мамлакатларининг жисмоний маданияти, қадимги замонга мансуб жисмоний тарбия излари Ўрта ер денгизига ёндашган шарқий районларда, аниқроғи қадимги Месопотамия ҳудудида топилган.


Қадимги Месопотамия ва унга ёндашган минтақалар инсоният маданияти ва цивилизациясининг бешиги ҳисобланади. Ҳозирги Ироқнинг жанубий қисми, яъни шумерлар яшаган жойлар ҳимоя деворлари билан ўраб олинган эди. Америкалик олим Семюэл Крамернинг таъкидлашича, «Тарих Шумериядан бошланган». Унинг хулосасини совет археологик экспедицияси топилмалари ҳам тўла тасдиқлайди. Деярли 5 минг йил аввал Тигр ва Фурот дарёси водийларида ёзув санъати пайдо бўлган. Қадимги ажойиб халқ — шумерлар ҳақидаги тарихни мана шу ёзув санъати сақлаб қолди. Айнан ўша даврдан бошлаб деярли минг йилликнинг ярми давомида Месопотамия жаҳон маданиятининг асосий марказига айланган. Узоқ Шарқда, Осиё саҳроларида ва Европанинг ҳамма жойларида унинг таъсири бор. Қадимий ривожланишнинг меросхўри парфияликлар, саклар, халдейлар, форслар, греклар, римликлар ва араблар ҳисобланади.¹

Жаҳон тарихидан маълумки, халқлар ўтроқ ҳаёт кечира бошлаши билан уларнинг жисмоний тарбияси жанговар тайёргарликка хос бўлган ва, биринчи навбатда, ҳар хил якка кураш турлари пайдо бўлган ва ривожланган. Манбаларда келтирилишича, қадимги инсонларнинг мунтазам яшаш жойларида ов қилиш ҳолатлари билан бир қаторда курашаётган кишиларнинг тасвири пайдо бўла бошлаган. Хусусан, дунёнинг бир қанча мамлакатларида курашнинг ҳар хил амалиёти тасвирлари пайдо бўла бошлади. Миср эҳромлари деворларидаги мукамал техникага эга бўлган курашчиларнинг тасвирлари (эрамиздан олдинги 3 минг йилликнинг ўрталари) шундан далолат беради. Бу тасвирлар шуниси билан ажралиб турадики, қадимги Миср курашининг амаллари, яъни қўл ва оёқ билан олишиш бугунги замонавий эркин ва юнон-рум курашини эслатади (1-расм). Тасвирда биз амалиётнинг икки ҳолатини — олишдаги тик ва ётган ҳолатларини кўрамиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам рақибни кўтариб ташлаш ёки ерга босиш ҳолати тасвирланган.²

Кишилик жамияти қадимги инсоннинг кўп минг йиллар давомидаги ташқи ҳужум ва ҳимояланиш ҳаракатларидан то бугунги дунё миллатларининг замонавий бел олиш кураш турлари амалиётини такомиллаштиришгача бўлган оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтди.

¹ Л. Кун. «Всеобщая история физической культуры и спорта». Москва, «Радуга», 1982, с. 38.

² Л. Кун. «Всеобщая история физической культуры и спорта». Москва, «Радуга», 1982, с. 42.



1-расм. Миср эҳромлари деворларидаги тасвирлар (эрамиздан олдинги 3 минг йилликнинг ўрталари) қўл ва оёқ билан олишиш, замонавий эркин кураш ва юнон-рум кураши қадимий бўлганлигини эслатади.

«Бел олиш кураш» жаҳон курашлари ичида энг қадимийси бўлиб, унинг белбоғдан ушлаш ҳолати қандай бажарилиши тасвирланган бронза ҳайкалча эрамиздан аввалги 2800 йилда тайёрланган бўлиб, Бағдод музейида сақланмоқда.¹

Қадимги асарларда тарихчилар, шоирлар ва олимлар бел олиш курашининг амалиётларини аниқ-равшан таърифлаганлар. Масалан, қадимги юнон шоири Гомернинг «Илиада»сида (эрамиздан олдинги IX—VIII асрлар) Аякс ва Одиссей ўртасидаги беллашув шундай баён этилади: «Курашчилар белбоғларини белига боғлаб, майдон ўртасига чиқдилар ҳамда қўллари билан маҳкам чирмашиб, бир-бирларини қучиб олдилар. Кучли қучоқлашиш таъсирида қахрамонларнинг гавдалари қирсиллади, зўриқди ва улардан тер қуйила бошлади. Курашчилар гъвдасидан қон сизиб чиқа бошлади, лекин олишишни давом эттираверишди...».² Гомернинг бу асарида, бир томондан, бел олиш кураш амалиётининг инсон организмга қанчалик таъсир кўрсатиши баён қилинган бўлса, иккинчи томондан, инсонлар шу спорт тури билан шуғулланиш натижасида чидамликни тарбиялашини исботлаб берган. Буюк юнон шоири Гомер асарида тасвирланган бу ҳолат бугунги кунгача етиб келганлиги ҳайратомуз ҳолатдир, албатта. Ана шу асарга тааллуқли бир қанча воқеалар бошқа бир қанча давлатлар ўтмишида ҳам бўлиб ўтганлиги ҳақида кейинроқ билиб оламиз.

Таниқли тарихчи олимлар, академик А. Асқаров ва М. Жўрақуловларнинг таъкидлашича, Жанубий Туркманистон археологияси намозгоҳ маданияти қадимги Шарқ цивилизациясининг ажралмаслиги, бу ерларда қабилалараро муносабатлар доираси ва чегараси кенгайганини кўрсатади. Жанубий Туркманистон жанубий, шимолий-шарқий Эрон қабилалари билан, шимолда эса Ўрта Осиёнинг Калтаминоралар маданияти

¹ Л. Кун. «Всеобщая история физической культуры и спорта». Москва, «Радуга», 1982, 39-бет.

² Ф. А. Керимов. «Спорт кураши назарияси ва услубияти». 12-бет.

(неолит даври) жамоалари билан яқин алоқада бўладилар. Туркменистоннинг Копетдоғ этакларида намозгоҳ маданияти бўйича олиб борилган қазилмалар пайтида, В. М. Массон Олтинтепада қадимги илк шаҳар харобаларида олиб борилган кўп йиллик дала-тадқиқот ишлари давомида юздан ортиқ аёл маъбудаларга бағишлаб чизилган пиктографик белгилар топилди. Бу белгилар ўзининг шакли, характери бўйича хараппа ва шумер ҳамда проэлам ёзувларидан деярли фарқ қилмайди.¹

Дарҳақиқат, қадимда Ўрта Осиё ибтидоий жамоалари билан Месопотамия ва Хараппа аҳолиси ўртасидаги фаол маданий алоқалар халқларнинг бошқа соҳалардаги тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатган, албатта. Олим Аҳмадали Асқаровнинг таъкидлашича, жуда катта ҳудудни ўз ичига олган маданий алоқаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда жисмоний тарбия тури — Бел олиш кураш бир неча ўн асрлар олдин мавжуд бўлган. Бунга мисол қилиб Месопотамияда топилган бел олиш курашини акс эттирувчи бронза ҳайкални кўрсатиш мумкин (2-расм). Олдин айтиб ўтганимиздек, бу ҳайкалча эрамиздан аввалги 2800 йилда тайёрланган бўлиб, Бағдод музейида сақланмоқда. Шу билан бирга, қадимдан араблар, форслар ва туркий миллатлар бел олиш кураш билан шуғулланганлигидан далолат беради.

Филология фанлари доктори Комил Исмоиловнинг тадқиқотларига кўра, энг қадимги дoston, эртақ ва ривоятларда ҳам курашлар ҳақида лавҳалар учрайди. Уларнинг мазмунига диққат қилсангиз, «матриархат» даврига тегишли эканлигига амин бўласиз. Бундан келиб чиқадики, ўзбекларнинг кураш тарихи 5 минг йил олдинги даврларга бориб тақалади².

Россиялик ва ўзбекистонлик олимларнинг таъкидлашича, қадимдан туркий миллатлар орасида спорт турларидан бел олиш кураш ҳам мавжуд бўлган.

Олимларнинг археологик тадқиқотларига кўра, Ордосдан топилган бел олиш курашини акс эттирувчи бронзадан ясалган отнинг икки тўқаси эрамиздан олдинги V—III асрларга тааллуқлидир. М.П.Грязновнинг ёзишича, бу топилма кўчманчилик даврининг



2-расм. Ушбу Месопотамиядан топилган бронза ҳайкалида Бел олиш кураш тури акс этиб турибди. У эрамиздан аввалги 2800 йилда тайёрланган бўлиб, ҳозирги кунда Бағдод музейида сақланмоқда.

¹ А. Асқаров, М. Жўрақулов. «Энеолит ва Бронза даврида Ўрта Осиё» Ю 16111/3 А.Навоий номидаги Самарқанд давлат Университети.

² Х. Бобобеков ва бошқ. «Ўзбек кураши довуғи». 2002 йил. Т.: Ибн Сино нашриёти. — 17 бет.



3-расм.

Қадимги аجدодларимиз сак-скиф қабилаларининг маънавий ҳаётини, жумладан унинг сеvimли машғулоти бўлган миллий Бел олиш курашини акс эттирувчи бронзадан ишланган отнинг иккита тўқаси бўртма усулда ишланган ҳамда бир хил композицион сюжетга асосланган (милоддан аввалги V аср). Бироқ амалларни бажаришда чап томондаги рақиб шеригининг чап оёғини, ўз навбатида унинг рақибни ҳам шеригининг белбоғидан ушлаб турибди. Бу ҳар икки паҳлавоннинг бир қанча кураш турларидан хабари бордир.

Қадимги йилномаларда, тарихий, моддий ва маданий ёдгорликларда келтирилган маълумотларга кўра Ўрта Осиё ҳудудий таркибида бир қанча тарихий-маданий ҳудудлар, яъни Хоразм, Сугдиёна, Бақтрия, Қанғ, Марғиёна, Фарғона ва бошқа ривожланган давлатлар мавжуд бўлган. Ана шу давлатларда Бел олиш кураш турининг бир қанча йўналишлари қоидалари мавжуд бўлган. Паҳлавонлар эса маълум бир қоида бўйича эмас, аксинча бир-бирининг елкасини ерга теккизиш учун беллашмоқдалар.

дастлабки босқичларига оиддир¹. Марказий Осиёда анъанавий замонавий этномаданий жараёнлар халқаро анжумандаги маърузасида ўзбек олими, академик Аҳмадали Асқаровнинг таъкидлашича, Ордосдан топилган бу ҳар иккала тўқада ҳам бел олиш курашининг

¹ М.П. Грязнов. Древнейшие памятники героического эпоса народов Южной Сибири. Государственный Эрмитаж. Археологический сборник, вып. 3. Ленинград – 1961 г. 10–12-бетлар.

амали тасвирланган, ушбу тўқа камида 2,5 минг йил бурун ишланган¹.

Олимларнинг асослари нақадар тўғрилигини мана бу ривоятдан ҳам билса бўлади.

«... Ғалаба суруридан сармаст, киборона нигоҳ билан Ўрта Осиё тоғларини менсимайгина оралаб кетаётган босқинчи Александр Македонский дарёдан оти билан кечиб ўтаётганида нима бўлади-ю, оти беҳосдан йиқилади. Шунда унинг қимматбаҳо қамчиси ҳам сувга тушиб оқиб кетади. У ғоят афсусланади. Ахир бу қамчи ўша даврда Ўрта Осиёнинг энг яхши усталари томонидан тайёрланган эди-да. Серзарда жаҳонгирнинг жаҳли чиқади ва шу қамчининг товони учун биринчи учраган одамни, ким бўлишидан қатъи назар, қатл этишни буюради.

Орадан озгина вақт ўтгандан сўнг, 30 ёшлардаги, оддий кийинган бир йўловчи дуч келади. Шунда жаҳонгир таржимонини чақириб: «Бу ким? — деб сўрайди. Таржимон эса, бу одам шу ерда яшовчи бир тоғлик сўғд деб жавоб беради. Жаҳонгир вазирга ишора қилади. Вазир эса сўғдга қарата:

— Сиз ўлимга ҳозирлик кўраверинг, — дейди.

— Мен унга ҳамиша тайёрман, — дейди беписанд оҳангда сўғд. — Лекин билсам бўладими, менинг ўлимим кимга шодлик келтираркин?

Бу гапларни эшитган Искандар ғазабнок қиёфада вазирга қарайди. Вазир Искандарга таъзим қилиб, тоғлик сўғдга тушунтира бошлайди:

— Сен олампаноҳнинг йўқотган қамчиси учун товон тариқасида қатл қилинасан, — дейди.

Тоғлик сўғд эса мағрурона жавоб беради:

— Инсоннинг ўлими учун шоҳларнинг мингта қамчиси ҳам камлик қилади, айниқса менинг ўлимим учун.

Бу қадар жасурлик ва қатъиятни кўрган Искандар:

— Наҳотки, сенинг ўлиминг шунчалик қимматли бўлса! — дейди истеҳзоли оҳангда.

Тоғлик сўғд эса:

— Искандарнинг жасурликдан ташқари, яккама-якка беллашувга қизиқишини, иштиёқи кучлилигини эшитган эдим. Мен худди ана шундай беллашув сирларини пухта эгаллаган ерлик паҳлавон бўламан. Ўлимимнинг қимматга тушиши ҳам шундандир, — дейди.

— Қўлингдан нима ҳам келарди, нодон, — масхаромуз жавоб беради Искандар.

Шунда бир оз сукут ичида қолган сўғд, у ҳозир мени ўлдириш учун ҳар қандай разилликдан қайтмайди, деган хаёлга боради-да, шундай дейди:

— Қандай қабул қиласан билмадиму, лекин билиб қўй, мен паҳлавонларингнинг ҳаммасини енгишим мумкин.

¹ А. Асқаров. Ўзбек миллий курашининг археологик материалларда акс этиши. Турон журнали. 1-боб. Тошкент.

— Наҳотки, ҳаммасини-я?— таажжубланади Искандар.

— Йўқ, албатта, бирин-кетин барчасини енгишимга ишонаман, — дейди қатъият ила тоғлик сўғд.

Ўзини паҳлавон деб атаётган тоғлик йўловчининг кенг елкаларига, чайир билакларига зимдан разм солган Искандар ундан сўрайди:

— Сенга қилич беришсинми ёхуд найза?

Шунда сўғд:

— Менга униси ҳам, буниси ҳам керак эмас. Мен қон тўкишни хоҳламайман. Рақибимни енгишим ва уни кўтариб ерга урушим учун худо берган оёқ-қўлим кифоя қилади, — дейди.

Искандар эса ҳамон ишонқирамасдан, майли, унга от беринглар, дея ўзи вазирлари билан биргаликда баландликдаги кўм-кўк адир қўйнига чиқиб боради. Сўнгра, менинг азаматларимни бир кўриб қўй, деган мақсадда икки юнон паҳлавонини курашга чақиради.

Мускуллари бўртиб чиққан икки яланғоч юнон паҳлавони ўзаро курашга тушишади. Улар чаққон ва энгил ҳаракатлар орқали бир-бирини гоҳ оёқларидан, гоҳ қўлларидан ушлаб олиша бошлайди.

Лекин улар бир-бирини йиқитолмасдан, гоҳ тиззага, гоҳ елкага ағанаб олишишни давом эттираверади. Тоғлик сўғд бу олишувни кузатиб туради.

Искандар эса мийиғида кулиб:

— Менинг азаматларим қалай? — дейди.

— Уларнинг кучлилигини тан оламанку-я, лекин менинг юртимда тизза чўкишни тан олишмайди, — деб жавоб беради у ва устидаги чопонини, унинг ичидаги узун яктаги устидан боғлаган белбоғни ечиб, яна узун чопонини кийиб белига белбоғ боғлаб, оёқ кийимини ечиб, ўртага чиқади. Уни бу алфозда кўрган Искандар:

— Ия, сен ҳали чопонда курашасанми,—дейди қизиқсиниб ва рақибни йиқитиш учун белбоғ қулай эканлигини тушунади. У дарҳол икки юнон полвониға ҳам чопон беришни буюради. Кураш қизгин давом этади. Шундай қилиб, туб ерлик полвон ўттизга яқин полвонни енгади...

Бундай ҳайратомуз олишувни кўрган Искандар қойил қолади ва бу жанговар санъатни ким ўргатганини сўрайди.

— Бу бизнинг ота-боболаримиздан мерос қолган кураш. Бизнинг юртда ёшу қари шу кураш билан шуғулланишади, — фахр ила дадил жавоб беради сўғд.

Шунда ҳайратини ва завқини яширолмаган Искандар:

— Сени ўзимга тансоқчиликка олсам нима дейсан, — деб сўрайди.

Йўловчи эса бошини эгиб:

— Мен ҳам ўз навбатида сендан бир нарса сўрасам майлими, — дейди.

Жаҳонгир:

— Майли, сўра, — дейди. Лекин шу он, ҳойнаҳой бу сўғд олтин ва бошқа қимматбоҳо нарсалар сўраса керагов, деган гумонли ўйлар гирдобида қолади.

Сўғд эса шундай дейди:

— Мен йўлда кетаётган бир йўловчи эдим, майлими, яна ўз йўлимда давом этсам...

Жаҳонни фатҳ этган Искандар битта инсон кўнглини забт этолмаганига, ундаги мардлик, жўмардликнинг сир-синоатига тушуна олмай, ҳангу манг бўлади ва узоқ сукутдан сўнг секингина «боравер», дейди».

Қиссадан ҳисса шуки, бу тарихий ривоят замирида бир қанча йўналишни ўзида мужассам қилган курашнинг бир тури бўлган бел олиш курашининг амалиёти нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги кўришиб турибди.

Академик А.Асқаровнинг «Изланишлар давом этади» деб номланган мақоласида қайд этилишича, ўтмишда Сўғдиёна ўлкаси, Хоразм, Чоч ва Праганик вилоятлари ҳамда Бақтрия подшолигининг катта қисми, асосан, ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тўғри келади. Афросиёбдаги қазилмалар вақтида 1,5 минг йил илгари фил суягидан ишланган шахмат тошлари, қизғиш рангли ёқут тошга қарийб милоддан олдинги IV асрда ишланган Искандар Зулқарнайнинг расми ва бошқа қимматбаҳо буюмлар топилган. Булар Ўрта Осиё халқлари ва унинг маданияти тарихини ўрганишда нодир манба ҳисобланади.

Маълумки, қадимги Панжикент Сўғдиёнанинг йирик шаҳарларидан бири бўлиб, V—VIII асрларда айниқса равнақ топган. А.М.Белинский ва Б.И. Маршак раҳбарлигидаги археологлар қадимги шаҳар заминидан олиб борган навбатдаги археологик қазилмалар чоғида сўғдлар маданиятига доир кўпгина далиллар топишга муяссар бўлишди. Жумладан, шаҳарнинг шарқий қисмидан тасвирий санъатга оид янги лавҳа топилди. Масалан Б.И. Маршак Панжикент шаҳарчасида, фараз қилайлик, ўзига тўқ турк деҳқон зодагонларидан бирининг уй-жой комплекси устида изланишлар олиб бораётган кезларида олишаётган икки полвоннинг девордаги тасвирини учратади, уни оддийгина қилиб «спорт мусобақасидан сахна» деб таъкидлайди¹. Бу лавҳа, академик А.Асқаров тадқиқоти бўйича, бир-бирининг белидан ушлаб турган икки курашчи тасвири бўлиб, бу бел олиш курашининг Ўрта Осиёда ва, айниқса, қадимги Сўғдда оммавий тус олганидан далолат беради.²

Машҳур форс шоири Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ҳикоя қилинишича, бел олиш кураш жуда қадимдан араблар, форслар, туркий миллатлар ўртасида кенг тарқалган, ушбу миллатлар вакиллари ана шу амалда кураш тушганлар.

Маълумки, Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома» асарини ёзиш учун ўттиз беш йил меҳнат қилади, жуда кўп ҳужжатлар тўплайди. Буни шоирнинг ўзи ҳам қайд этиб: «араб ва паҳлавий тилларида жуда кўп асарлар ўқидим, жуда кўп заҳмат чекдим», дейди. «Шоҳнома» асарида Фирдавсий Эрон ва Ўрта Осиёнинг афсонавий ва ҳақиқий

¹ А.М. Белинский, Б.И. Маршак. Черты мировоззрения согдийцев VII—VIII вв. в искусстве Пенджикента. Сборник «История и культура народов Средней Азии (древность и средние века)». Москва, 1976, стр. 88.

² А. Асқаров. «Ўзбек миллий курашнинг археологик материалларида акс этиши». Турон тарихи журнали. Т., 2002, 21-бет.

тарихини ёритиб беради. «Шоҳнома» жуда катта эпик достон. «Шоҳнома»нинг ўзида кўрсатилган тарихга қараганда ҳам у тўрт минг йилга яқин давр воқеаларини акс эттирган улкан солномадир. «Шоҳнома»да қадимий қахрамонлар, баҳодирлар тўғрисидаги қиссалар баён этилади. Мазкур достонда бел олиш курашига оид воқеалар ҳам кўплаб келтирилади. «Шоҳнома»даги Рустам машҳур паҳлавон сифатида улуғланади, у ўз юртига чексиз садоқати билан яққол кўзга ташланиб туради. Рустам достонда ўз ўғли Сухроб билан бел олиш кураш амалида курашиб, енгилди. Буни Фирдавсий шундай баён қилади:

*Қанотин ёзганда олам қуёши,
Қуйига эгилди тун зоғин боши.*

*Барс тўнин барига илди Таҳамтан,
Аждар эгариди ўлтирар бўйчан.*

*Бобонг Сом эмасми, падаринг Достон,
Сенмасми Зобуллик Рустам паҳлавон?*

*Унга Рустам дер: «Эй шуҳрат қувган эр,
Қай баҳодир бундай бекор гапни дер.*

*Очиқ беллашмоққа келган эрдим мен,
Менга фириб йўлин ахтарурсен сен.*

*Талош майдонида ғайрат қилайлик,
Тангри хоҳлагани недур, билайлик.*

*Отларини тошга боғлаб келдилар,
Адоватдан дилни доғлаб келдилар.*

*Олиша кетдилар нақ қутурган шер,
Терга қон қотдилар, қаро қонга тер.*

*Саҳардан тушгача гоҳ бу, гоҳи у
Зўр келиб, олишди қилиб ҳою ҳу.*

*Рустам белбоғидан азот кўтарди,
Зўридан гўёки ер дарз кетарди.*

*Сўхроб наъра тортди, овозида кин,
Рустамни ирғитди айлаб ерпарчин.*

*Шер зарбидан ерга қулаган қулон,
Мажолсиз ётарди ерда Таҳамтан...¹*

Филология фанлари докторлари Муҳаммад Нури Осмонов ва Шоислом Шомуҳамедовларнинг шарҳига кўра «Шоҳнома»нинг бош қахрамони сейстонлик баҳодир Рустам Достондир. Шуни қайд қилиб

¹ Абулқосим Фирдавсий. «Шоҳнома». 1 том. Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1975, 491—499-бетлар.

ўтмоқ керакки, сейстонликларнинг аجدодлари — саклар Эрон мифологияси, афсона ва қахрамонлик ривоятлари пайдо бўлган даврдан анча кейин Сейстонга кўчиб келган эдилар. Фирдавсий истифода этган қадимги Эрон «Худойнома»ларида Рустам ҳақида маълумотлар ё бутунлай бўлмаган, ё аҳамиятсизроқ персонажлар қатори тилга олинган. Аммо қайси бир вақтда Сейстон баҳодирлари ҳақидаги ривоятлар Эрон қахрамонлик эпосига қўшилганлиги аниқ эмас. «Шоҳнома»да эса Сейстон баҳодирлари, айниқса Рустами Достон асосий ролни ўйнайди. Шуниси қизиқки, Сейстон баҳодирлари ҳақидаги қиссалар сакларнинг Сейстонга кўчишидан олдин тўқилган эди. Рустамнинг девлар билан жанги ҳақида суғд хатларида сақланиб қолган маълумот шундан далолат беради. Ўрта Осиёда яшаган сакларнинг ва суғдларнинг ҳам қадимий кураши бел олиш курашидир. Аввал айтиб ўтганимиздек, бунга Панжикентда топилган деворий сурат мисол бўла олади (4-расм).

X асрда яшаган буюк қомусий олим Абу Али ибн Сино кураш ҳақида шундай дейди: «Икки курашчининг ҳар бири ўз рақибининг белбоғидан ушлаб ўзига тортади, шу билан бирга курашувчи ўз рақибидан қутулишнинг чорасини қилади. Иккинчиси уни қўйиб юбормасликка ҳаракат қилади».

X аср охири — XI аср бошларида яшаган хоразмлик буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний ҳам ўзининг асарларида кураш ҳақида гапириб ўтади. Унинг «Ҳиндистон» асарида қуйидаги маълумотни учратиш мумкин: «Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди, деган кишининг сўзи жуда тўғридир. Чунки кўриш кўринган нарсанинг ўзи бор пайтда ва ўз жойида турганида қаровчи кўзининг уни учратишидан иборатдир».¹ Берунийнинг ана шу фикрлари кураш амалиётини ўрганиш учун жуда муҳимдир. Шу сабабдан замонасининг бел олиш



4-расм. Ушбу деворий сурат Суғдиёнанинг илк ўрта асрларига тааллуқли паҳлавонларнинг Бел олиш курашидир (Милоднинг VII асри). Ушбу ҳолат ўзбекларнинг кураш ҳадисиди келтирилишича, аجدодларимиз беллашувда дурранг бўлса, натижани ҳал қилиш учун барча курашларда кучоқлашиш амалидан фойдаланиб ғолибни аниқлаганлар.

¹ Абу Райҳон Беруний. «Танланган асарлар». II «Фан» нашриёти, 1965 йил, 25-бет.

курашини ва бошқа кураш турларини ўз кўзи билан кўрган буюк олимлар Фирдавсий, Ибн Сино ва Маҳмуд Кошғарийларнинг изоҳлари жуда тўғри ва ишончлидир. Чунки кураш шундай нарсаки, мазкур спорт тури билан шуғулланган ёки уни ўз кўзи билан кўп бор кузатган одамгина унинг амалиёти қандай бажарилганини изоҳлаб бериши мумкин.

XIII асрда булғор - қипчоқ - турк йигити Лочин Ҳасан қандайдир сабаб билан қулликка тушади. Уни Миср бойлари сотиб олади. Улар ҳам ўз юртига бориб, уни бошқа бир бойга сотиб юборадилар. Лочин Ҳасан ўз хожасидан ёзиш, ўқишни ўрганиб олади. Ўқишга бўлган қизиқиши ва ташкилотчилиги туфайли уни Миср султони саройга хизматга олади. У ўша даврлардаги жисмоний тарбия, спорт ва курашларга майдонларда йўлбошчилик қилади. Шу даврларда у майдонларда курашни қандай олиб бориш тўғрисида рисола ёзади.¹

Биз ҳикоя қилган туркийзабон булғор-қипчоқ-турклар XIII асрда Волга дарёси (Итил) бўйида яшаганлар. Бу ерлар Жўжи улуси — Олтин Ўрда деб юритилган.

Татар-бошқирдларнинг бел олиш кураш турининг қадимийлигига яна бир мисол. Ўзбеклар, қорақалпоқлар, қozoқлар «Алпомиш»ни ўз дostonлари сифатида куйлайдилар. Ойротлар, татарлар, бошқирдлар, тожиклар ўртасида эса ушбу дostonнинг турли вариантлари мавжуд. Бу ҳодиса шуни кўрсатадики, юқорида номлари зикр этилган халқлар бир хил ижтимоий-тарихий шароитда ҳаёт кечирганлар, ўзаро яқин маданий муносабатда, яратиш ва ижодда ҳамкор, ҳамфикр бўлганлар. Айнан мана шу мамлакатларда бел олиш кураш қадимдан мавжуд бўлиб, бугунги кунгача етиб келган. Юқоридаги фикрларнинг тасдиғи сифатида «Алпомиш» дostonидан қуйидаги парчани эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик:

«— Эй Барчиной, Алпомишни ёйини синдира олмадик, оти ҳам ўзди. Энди мени йиқса олади,— деди. Шунда Алпомишнинг Кўкалдошга (қалмоқ алпларидан бири) сўйлаб тургани:

*Гап айтаман олмоқ-солмоқ,
Ўлиб кетар сендай қалмоқ,
Бир ўлмоқ [бор], бир туғилмоқ,
Кел, Кўкалдош, курашайлик.*

*Ёмон-яхши нолишайлик,
Ёт ҳам бўлсак танишайлик,
Икковимиз олишайлик,
Кел, Кўкалдош, курашайлик.*

*Эшитибон мулла Ҳакимнинг гапини,
Бойбўри подшонинг ёлғиз ўғлини,
Худо мадад берди Ҳаким полвонга,
Қисди тўқсон газли девнинг белини.*

¹ И. Ильдaрханов. «Мы родом из «Куреша». «Гасир» нашриёти, 2003 йил, 13-бет.

*Иккови тамом зору зор,
Икки полвон бўлиб қолди баробар,
Гурсиллашиб, дурсиллашиб курашди,
Босган изин бари бўлди шудгор.*

*Билмаганин мулла Ҳаким билдирди,
Каппа ханжар урмай бағрин тилдирди,
Полвон эди Бойбўрининг боласи,
Қиса бериб девнинг белин синдирди.*

*Эшит, Алпомишнинг айғон довшига,
Қалмоқлар тенг қилган ишига,
Кукалдошни қалқон қилиб бошига,
Олиб бориб урди марра тошига...»¹*

Ана шундай паҳлавонликни улуғловчи дostonлардан яна бири қирғизларнинг маълум ва машҳур «Манас» дostonидир. «Манас» дostonида шундай дейилади:

«Қадимдан Ўрхун, Олтой, Энасой, Олатогни макон тутган, кўп асрдан буён зўр курашларни, қирғинбаротни бошдан кечирган отабоболаримиз улкан миноралар, кўркам шаҳарлар, мустаҳкам қалъалар қуришга имкон топади».²

Қадимий Хитой манбаларида душман қабилалари қаҳрамонни ўзига бўйсундириш учун кўл жанги ва кураш усулларини кўллайди. Қадимий жисмоний тарбия турларидан «Кунфу» Хитойда эрамиздан аввалги III минг йиллик бошида, аниқроғи 2698 йилда Хуанхе ва Янцзи водийларида ривожланганлиги таъкидланади. Унда мазкур жисмоний тарбияни таснифлаш тизимида халқ орасида тарқалган даволаш гимнастикаси, жисмоний ҳамда ҳар хил жанговар рақслар баён қилинган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўша даврларда болалар махсус жойларда шуғуллантирилган.³ Венгриялик Л.Кун ўз китобида таъкидлашича, ўрта асрларда Хитойга гунлар, турк, мўғил ва тибет кўчманчи истилочи қабилалари келгач, ҳар хил от ўйинлари, югуриш ҳамда бел олиш кураш турлари ва бошқа удумларини ҳам олиб кирганлар. Ваҳоланки, Хитой шимолида уйғурлар эрамиздан аввал яшагани манбаларда қайд этилган. Бел олиш кураш уларнинг тарихи билан боғлиқ. Хулоса қилиб айтганда, бел олиш кураш Хитой шимолида эрамиздан олдин мавжуд бўлган. Бинобарин, ҳозирги даврда Хитойда яшайдиган уйғурлар, қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар, мўғиллар ҳамда тибетликлар орасида бел олиш кураш сақланиб қолган.

Ҳиндистон тарихига оид манбаларда қайд этилишича, мазкур мамлакат IV—IX асрларда тарқоқлиги ҳамда жамиятнинг табақа-

¹ «Алпомиш». «ФАН» нашриёти, 1969 й., Айтувчи Берди бахши (Бердиёр Примқул ўғли).

² «Манас» Қирғиз халқ дostonи. Тошкент, «Чўлпон» нашриёти, 3-бет.

³ Л. Кун. «Всеобщая история физической культуры и спорта». Москва., «Радуга», 1982, с. 50.

лашганлиги сабабли қашшоқ аҳволда эди. Бу ҳол жисмоний тарбиянинг ривожланишига ҳам тўсқинлик қилган. X асрда мусулмон истилочилари Ҳиндистонни босиб олгандан сўнг, у ерда жисмоний тарбия жадал ривожланиб борди. Айниқса, бел олиш, от ўйинлари ва камондан отиш мусобақалари ривожланиб борди.¹

Бу ҳақда Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома» асарида Эрон подшоҳи Баҳром Гўр билан Ҳиндистон подшоҳи Жангулининг полвонлари ўртасида бўлиб ўтган бел олиш кураш тўғрисида ҳикоя қилади. Ана шундан биз Ҳиндистонда ҳам бел олиш кураш ўрта асрдан бошлаб ривожланганлигини билиб оламиз. Шеърда бел олиш кураш мана бундай баён қилинади (II боб қисмидаги 13-расмга қаралсин):

*Икки девқоматни чорлатди Шангул,
«Курашда бахтингиз синанг!»— деди ул.*

*Ул марди майдонлар маҳкам бел боғлаб,
Даврага тушдилар курашни чоғлаб.*

*Чирмашиб икки зўр олишардилар,
Бир-бирига шердай чанг солишардилар...*

*Шангулга деди у: «Аё Шаҳриёр,
Буюр, мен курашни этгум ихтиёр.*

*Шангул кулиб деди: «Майли, тура қол,
Гар йиқсанг, қонин тўк ва бошини ол».*

*Бу сўзни эшитиб, тик турди Баҳром,
Гардан эгиб, қилди майдонда хиром.*

*Худди қулун томон чопган шердай маст,
Бирининг белидан кўтардию даст.*

Ерга чунон урди, бўлди чилпора...²

Айни ўша даврда мусулмон истилочиларидан бўлган Маҳмуд Фазнавий ҳукмронлиги даврида (998—1030 й.) Шимолий Ҳиндистон чегараларидан то Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача бўлган ҳозирги Афғонистон ва Шимолий-шарқий Эронни ўз ичига олувчи давлат вужудга келди. Маҳмуд Фазнавийнинг улкан давлати — марказий феодал давлатининг вужудга келиши фан ва маданиятнинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди. Кейинчалик Маҳмуд Фазнавий бутун Ўрта Осиёга ҳукмронлик қилган даврда Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва Ўра Осиё ҳудудларида бел олиш курашининг ривожланган даври бўлди.³

¹ Л. Кун. «Всеобщая история физической культуры и спорта». Москва, «Радуга», 1982, с. 123.

² А. Фирдавсий. «Шоҳнома». Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1977. 181—184-бетлар.

³ Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. Т., «Ўқитувчи», 1993 йил, 32- бет.).

Айни ўша даврларда яшаган буюк аллома Абу Али ибн Сино ўзининг «Китоб ал-қонун фи-т-тибб» («Тиб қонунлари») китобини ёзади. Ушбу китобда олим бел олиш кураш турларини таҳлил қилиб беради.

Ҳиндистонда Маҳобхорат, Рамаёна каби қадимий китобларда кураш турлари эслатиб ўтилади. Ж. Неру ҳар бир этник гуруҳ кураш амаллари ҳақида гапириб, Осиё халқлари орасида энг машҳури «Кушти» вариантдир, деб таъкидлайди. Маҳобхорат китобида ёзилишича, «Кушти» Манипурада оммалашган кураш тури бўлиб, «Мукха» деб аталади. Бунда курашчилар бир-бирининг белбоғидан ушлаб, шу ҳолатни ўзгартирмай бошқа амалларни бажаради. Кўпроқ оёқлар ҳаракат қилади. Рақибни йиқитган курашчи ғолиб ҳисобланади.¹ Ҳиндистон ва Афғонистонда бир неча асрлардан бери мавжуд бўлган бел олиш кураш ҳақида афғон шоири Дақиқий Балхийнинг ёзишича, «...белдаги белбоғ муқаддас бўлиб, ҳар бир эркак белбоғ тутиб курашган».

Манбаларга, хусусан Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари, шунингдек, Хитой манбаларига мурожаат қиладиган бўлсак, турк кўчманчи қабилалари Ўрта Осиё ва Сибирдан тортиб то Тинч Океанигача бўлган бепоён ҳудудда ҳамда Хитой шимолида яшаганлигини билиб оламиз. Академик А.Асқаровнинг таъкидлашича, туркий қабилалар ярим ўтроқ ҳолда чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Бел олиш кураш қадимийлигининг манбадаги тасдиғини уйғурлар, қирғизлар, қозоқлар, ўзбеклар, туркманлар, татарлар, бошқирлар, чувашлар, хакасларда ҳамда шу халқлар билан ёнма-ён яшаб келган тожикларда ҳам бугунги кунгача мавжудлиги ҳам кўрсатади.

Камчатка ярим оролида ҳам бел олиш кураш мавжуд бўлиб, сибирлик ва ўрта осиелик туркий халқлар ҳамда Шимолий Хитой — ҳозирги Синьцзян-Уйғур республикаси билан қадимий алоқаларини қўлғиналардан ҳам билса бўлади.

Чингизхон бошчилигидаги мўғил босқинчилари 1219—1221 йилларда Ўрта Осиёни, жумладан Хоразмни эгалладилар.² Шундан сўнг бир неча йил ўтгач, Чингизхоннинг невараси Боту Волга бўйларини ўз қароргоҳига айлантиради ва шу тариқа Олтин Ўрда ташкил топади.³

Мўғиллар истилоси даврида хоразмлик Паҳлавон Маҳмуд Пурёйвалий ўзининг паҳлавонлиги билан машҳур бўлган (5-расм). У 1247 йилда Хива шаҳрида туғилган. У



5-расм. Паҳлавон Маҳмуд
Пурёйвалий
(1247—1326).

¹ Корни борьбы. Традиционные борющиеся стили. Лозанна. 2000, с. 85—86.

² Ўзбекистон тарихи атласи. Тошкент, 1999 йил.

³ Сибирлик ўзбеклар. Давлат нашриёти. Тошкент, 1958 йил, 6-бет.

ҳақдаги ривоятларда айтилишича, Паҳлавон Маҳмуднинг Деҳлига сафари ҳинд халқининг миллий байрамига тўғри келган. Бундай байрамларда савдо-сотик, халқ сайиллари, турфа хил томоша ва мусобақалар уюштирилар эди. Маҳмуднинг шаҳар четидаги саройлардан бирига келганини эшитган султон ундан бел олиш курашида иштирок этиш ва ёш сарой полвони билан беллашишини сўраб одам юборади. Маҳмуд ўзи билан кураш тушмоқчи бўлган полвон ҳали ёшлигини ҳисобга олиб, унга бирон-бир шикаст етказишни эп кўрмай, бу таклифни рад этади. Бу хабарни эшитган султон қаттиқ ғазабланади. Бирон кор-ҳол бўлишидан хавотирга тушган мулозимлар Маҳмуднинг ҳузурига келиб, ундан курашда иштирок этишини қаттиқ илтимос қиладилар. У розилик билдиради. Одатда, Паҳлавон Маҳмуд борган жойларида улуг зотларнинг қадамжоларини зиёрат қилар экан. Ўша сафари чоғида ҳам шундай бўлибди. У шаҳардаги қабристонни зиёрат қилиб юрса, бир аёл эрининг қабрига кўксини босиб: «Эй худо, икки болам ва эримни олдинг, эртанги кун майдонда ёлғиз ўғлимнинг қўлини баланд қилгин»,— деётганмиш. Маҳмуд бу аёл султон саройидаги ёш паҳлавоннинг онаси эканлигини сезибди. Эртаси кун у ўзини заиф, лапашанг қилиб кўрсатибди. Икки-уч даврандан сўнг ёш полвон Паҳлавон Маҳмудни кўтариб урибди. Ёш баҳодирнинг ғалабасидан сўнг султон зиёфат берибди. Тантаналардан сўнг аркони давлат, барча хизматкорлар, меҳмонлар филларга миниб, ўрмонга — овга жўнашибди. Чангалзорлар орасидан кетаётганда бехосдан султон тахтиравони ўрнатилган фил ботқоққа ботиб қолибди, кўп уринишибди, филни лойдан торта олишмабди. Шунда Маҳмуд филнинг олдинги оёқлари орасини ковлаб бўшатишни буюрибди. Ана шу ковланган бўшлиққа катта бир кундани ташлабдилар. Паҳлавон Маҳмуд ана шу кунда устига тушиб фил оёқлари орасига елкасини қўйибди-да, бир зўр бериш билан икки оёғини ботқоқдан бўшатибди, фил ўзини ўнглаб, ҳалокатдан қутулибди. Ҳамма меҳмоннинг қудратига офаринлар айтибди. Овдан кейинги зиёфат пайтида султон Маҳмуддан: «Кеча майдондаги заифлигингиз ва бугунги жасоратингизни қандай тушунса бўлади?» — деб сўрабди. «Эй олийҳиммат султон! Бу йигит бир беванинг ягона фарзанди экан. Истиқболи порлоқ паҳлавон, лекин ҳали тажрибасиз. Мен у билан курашиб, майиб қилиб, умрига зомин бўлишни истамадим. Аммо сиз ғазабланганингиздан сўнг кураш тушишга рози бўлгандим», — дебди Паҳлавон Маҳмуд. Бу жавобдан кўнгли тўлган султон: «Тила тилагингни, нима истасанг муҳайё қиламан», — дебди. Паҳлавон унга кўрсатилган илтифотлар учун қуллуқ қилиб, шундай дебди: «Шоҳим, сиздан бир ўтинчим бор, рухсат этсангиз, баён қилсам, зиндонингизда юртдошларим асир экан, ўшаларни озод қилсангиз, биз сизни дуо қилайлик, мартабангиз зиёда бўлсин».

Султон асирларни озод қилиш учун фармон чиқариб, баҳодирга от-улов, сарполар берибди. Паҳлавон Маҳмуд эса озод этилган юртдошлари билан Хоразмга қайтибди.¹

¹ Ҳ.Ҳамидов. «Қирқ беш аллома ҳикояти». «ФАН» нашриёти, 1995 йил.

Паҳлавон Маҳмуд Пурёйвалий ҳаётидан олинган бу кичик лавҳа унинг нақадар ғайриоддий кучга ва чуқур билимга эга инсон бўлганидан далолат беради. Паҳлавон Маҳмуд яшаган йиллар ҳақида ҳар хил тахминлар мавжуд. Тарихчи олим Ҳайдарбек Бобобековнинг таъкидлашича, у 1247—1326 йилларда яшаган.

Хоразмликларнинг Олтин Ўрдадаги мавқеи шу даражада кучли бўлганки, Миср Олтин Ўрда билан бўлган алоқада хоразмликлардан воситачи сифатида фойдаланган.

Айрим манбаларнинг далолат беришича, ўша даврларда хоразмликларнинг таъсири Волга бўйидан то Венгриягача ёйилган. Венгрия қироли Самуил Аби (1041—1044) келиб чиқишига кўра асли хоразмлик эди.¹

XIV аср ўрталарида мўғил ҳукмронлигига қарши кўтарилган озодлик ҳаракатлари туркий уруғлар бошлиқларининг ҳокимиятни эгаллаш учун курашлари билан кўшилиб, қудратли кучга айланди. Бу курашлар раҳбарларидан бири бўлган Амир Темур 1370 йили Балхда ҳокимиятни қўлга киритди. У Мовароуннаҳрда мўғиллар ҳукмронлигига ва феодал тарқоқликларга барҳам бериб, марказлашган феодал давлатни барпо этди. Амир Темур мамлакат равнақига, илмфан ривожига алоҳида аҳамият бериб, шаҳарларда масжид, мадраса, маданий-маиший бинолар қурдирди. Қишлоқларда деҳқончилик маданиятига алоҳида аҳамият берди, суғориш тизимлари яхшиланди.

Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида (1370—1405) Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Кавказorti, Миср, Туркия ва Руснинг жанубий ҳудудларини эгаллаб, улкан салтанат бунёд этди (6-расм).

1405 йили Амир Темурнинг вафотидан кейин темурий шаҳзодалар ўртасида тахт учун кураш авж олди. Амир Темурнинг бу курашда ғолиб чиққан ўғли Шохруҳ Самарқанд тахтини эгаллади ва 1409 йили ўғли Улуғбекни Самарқанд тахтига ўтқазиб, Мовароуннаҳр ҳукмдори қилиб тайинлади. Улуғбек даврида (1409—1449) Самарқандда илмфан, ҳунармандчилик, савдосотиқ ва меъморчилик ривожланди. Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар қурдирди, дунёга машҳур «Зижи Кўрагоний» жадвалини тузди.

Мирзо Улуғбек ўлдирилгандан кейин тахт учун курашлар



6-расм. Темурийлар даври аскарлари, XV аср. (Камолиддин Бехзод миниатюралари асосида).

¹ С.П.Толстов. Хорезмская генеология Самуила Аби. Советская этнография, М.: 1947, №1

авж олди. 1451 йили Самарқанд тахтини Мироншоҳнинг набираси Абу Саид Мирзо эгаллади. Мовароуннаҳрнинг бирмунча муътадиллашган ижтимоий-сиёсий ҳаёти Абу Саид вафотидан (1469) кейин яна издан чиқди. Ҳокимият учун курашлар авж олди, феодал тарқоқлик кучайди. Дашти Қипчоқда яшаган Шайбонийхон қўшинлари Мовароуннаҳр сари юриш бошладилар. Бу вақтда, яъни 1500 йили Андижон ҳокими Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқанд тахтини эгаллаб, уни мустақамлай бошлади. Бироқ 1501 йили Шайбонийхон билан тўқнашувда енгилиб, Кобулга кетишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, қудратли теурийлар салтанати инқирозга учради.¹

Теурийлар ҳукмронлиги даврида ҳарбий санъат ҳамда жисмоний тарбия машқларининг хилма-хил турлари янада ривож топди.

Айниқса, камондан отиш, найзабозлик, отда чопиш, отдан ағдариш, улоқ ўйинлари, тош кўтариш, муштлашиш ва курашнинг бир неча турлари ривожланди. Бу тўғрида машҳур тарихчи Хондамирнинг асарларидан ҳам ишончли далиллар келтириш мумкин. Унинг таъкидлашича, камончилар, тиртарош ва тирандозлар — кўпроқ ҳарбийларга мансуб бўлган бу касбларнинг номлари шоҳ Исмоил Сафавийнинг 928/1522 йили чиқарган фармонида ҳам келтирилган. Унда камондан ўқ узишда шуҳрат топган бир амирнинг камончилар ва тирандозлар (ўқ отувчилар) отрядига бошлиқ қилиб тайинланганлиги айтилган. Бу шахс тиртарошлар (ўқ ясовчилар) ва камон ишлаб чиқарувчи усталарга ҳам бошчилик қилганлиги кўрсатилган.²

Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатида ислом дини қонун-қоидаларига биноан иш юритган. У ўз лашкарлари билан бир мақсадни кўзлаб жанг қилишга, иложи борича бегуноҳ қон тўкилишининг олдини олишга ҳаракат қилган. Баъзан икки жангчи ботир ўртасида бўладиган яккама-якка беллашув натижаси кенг кўламли уруш оқибатини ҳал этган. Масалан: Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» китобида Темурнинг Хоразм хони Ҳусайн Сўфийга икки ўртадаги низони уруш билан эмас, балки яккама-якка беллашув йўли билан ҳал этишни таклиф қилгани тўғрисида маълумот беради.

Навқарларга махсус кураш амаллари ўргатилган. Қарши қалъаси учун олиб борилган жангларда ана шундай усуллар қўлланилган. Бу ҳақда Амир Темурнинг таржимаи ҳолида шундай дейилган: «Жанг пайтида душман тарафидан ботирлиги ва бақувватлиги билан танилган паҳлавон яқинлашиб келди. У ҳамла қилмоқчи бўлди... Ҳазо баҳодир паҳлавон иккала қўлини чўқмори билан бирга қўшиб маҳкам ушлаб орқасига қайирди ва бамисоли иккала қанотидан ушланган қушдай, қалъага судраб келтирилди». Бу эркин курашга ўхшаш амаллар ўша пайтдаёқ борлигини яна бир бор исботлайди. «Бу ... халқнинг от устида қандай юришини ўз кўзи билан кўрмаган киши ишонмайди», деб ёзган эди Темур саройига келган испан сайёҳи Рюи Гонзалес де Клавихо.

¹ Ўзбекистон тарихи атласи. Тошкент, 1999 йил, 25-бет.

² Б.Аҳмедов. «Хондамир». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1965 й., 35-бет.

Амир Темур ўз саройида бир қанча кураш амалларини биладиган паҳлавонларни сақлаган. Улар доим соҳибқиронга яқин юриб, унинг тинчлигини муҳофаза қилганлар. Фақат саройларда бўлиб ўтадиган томошалардагина улар ўз маҳоратларини кўрсатганлар. Ана шундай томошаларни кўрган испан сайёҳи паҳлавонларни мана бундай тас-вирлайди: «... Эгнига енгсиз камзулга ўхшатиб тикилган чарм либос кийиб олган икки полвон тик туриб олишар ва бир-бирини йиқита олмас... эди. Ниҳоят, улардан бири устун чиқиб, рақибини ерга ағда-ради ва анча вақтгача унинг туриб олишига йўл қўймай босиб ётади, айтишларича, агар у ўрнидан туриб кетса, йиқилган ҳисобланмас экан».

Темурийлардан бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шайбоний-хондан енгилгандан сўнг мамлакатдан чиқиб кетиб, XVI аср бошла-рида Қобулни, кейинчалик Ҳиндистонни забт этади. Бобур ўз салта-нати ҳудудида жисмоний тарбия турларининг равнақ топишига катта аҳамият берган. «Бобурнома» асарида ўша даврда тараққий этган бел олиш кураш ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Бобур бел олиш курашида удум бўлган қоидаларга ўзи ҳам амал қилган. Ўша даврнинг удумига кўра, қаерда кураш бўлса, биринчи бўлиб ўша ернинг энг кучли полвони курашни бошлаб берган. Бошқа юртнинг зўр полвони келиб қолса, шу полвон билан энг охирида кураштирилган. «Бобурнома»да у кемага ўтириб, дарёнинг нариги юзига ўтиб, паҳлавонларни курашга солгани айтилади. Шунда Бобур, бу сафар қоидага хилоф равишда, Дўст Ясин Хайрга паҳлавон Содиқ билан беллашмай, бошқалар билан курашишни буюради. Шу куни Дўст Ясин Хайрга омад кулиб боқади ва саккизта полвонни йиқита-ди.¹ Бобур лашкарлари орасида паҳлавон Содиқ энг кучлиси эди, у нафақат ўз юртида, ҳаттоки Афғонистон ва Ҳиндистонда энг зўр полвон деб ҳисобланган.


Бобурнинг яхши фазилатларидан бири шу эдики, у паҳлавонларни эъзозлаган, уларнинг обрўсини жойига қўйган.

Бобур шундай ёзади: «Бир оролда овқатдан сўнг Содиқ билан Кулолни курашга солмоқчи бўлдик. Кулол даъво қилиб, йўлдан чарчаб келганлигини, бел тутиш учун йигирма кун муҳлат беришни сўради. Шундан сўнг қирқ-эллик кун ўтди, сўнг Кулол Содиқ билан бел тутди. Лекин Содиқ осонликча галабага эришди. Содиққа 10 минг танга ва эгарлик от, бош-оёқ сарпо, тугмалик чакмон берилди. Кулол мағлуб бўлганидан кўнгли ранжимаслиги учун, унга бош-оёқ сарпо ва уч минг танга инъом этилди».²

Бобур курашдаги манманликлар ҳақида ҳам ёзади. Ганг дарёсини кема билан кечиб ўтиб, қирғоқда курашчилар бел тутишганини айтиб: «Бир полвон Соқий Муҳсин даъво қилдиким, мен ўзим бирин-кетин 4—5 кишини ютаман, деб. Шунда у биринчи курашчи билан бел тутиб, зўрға галабага эришди, йиқилишига оз қолди.

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Тошкент, «Юлдузча», 1989 й., 332-бет.

² Ўша асар. 331-бет.



7-расм. Заҳириддин Муҳаммад Бобур оролда Бел олиш курашчилар билан беллашув ўтказмоқда. Шарқ миниатюраси. XVI аср.
Рассом Хайриддин Муҳиддинов.

Иккинчи паҳлавон Шодмон Муҳсинни боплаб йиқитди. Шунда Муҳсин манманликка берилиб айтган гапларидан пушаймон бўлди, ҳаммининг олдида изза бўлди.¹ (7-расм).

Бобур лашкарлари орасида Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистондан кучли полвонлар бўлган. Шоҳ қаерга борса, ўша ерда бел олиш курашларини уюштирган. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай дейилган: «Душанба куни, ойнинг тўртинда кемага чиқиб, дарё ёқалаб тушган жойида бел олишчиларни курашга туширдик, Паҳлавон Лохурий билан Дўст Ясин Хайр бел тутиб олишдилар, қийин кечган бел олишда Дўст йиқитди ва иккаласига сарпо инъом бўлди».²

Табиийки, бир неча асрлардан буён Ўрта Осиё халқларининг жаҳондаги бошқа халқлар билан хоҳ иқтисодий соҳада, хоҳ маданий-маънавий соҳада бўлсин, узлуксиз давом этган алоқалари халқлар ўртасида қон-қариндошлик ва дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига олиб келди. Бу ўринда Ўрта Осиёнинг Россия давлати билан ўрнатган алоқалари хусусида бир-икки оғиз гапириб ўтиш жозидир. Тарихдан маълумки, XV асрнинг охирларида рус давлати марказлашган давлатга айланди. 1552 йилда Рус давлати Қозон, 1556 йилда Астрахань, кейин Сибирь ва Қрим хонликлари марказлашган Рус давлати томонидан босиб олинган, унинг ҳудуди янада кенгайиб кетди. Ана шу даврларда Ўрта Осиё билан Россиянинг Волга бўйида яшайдиган халқлари ўртасидаги алоқалар айниқса мустаҳкамланган. Бунга далил қилиб шунини кўрсатиш мумкинки, Россиядан Бухоро ва Хива хонлигига элчилар тез-тез ташриф буюриб турган. Ўз навбатида, Ўрта Осиёдан ҳам Россияга элчилар бориб турган, рус элчилари Василий Давидов ва Муҳаммад Юсуп Қосимовлар ўз ватанига қайтаётганда, уларга Хива ва Балх элчилари қўшилиб, 1677 йилда Астраханга келганлар. Балх хони Субхонқули Баҳодир (1650—1680) рус подшоҳи Фёдор Алексеевичга элчиси орқали юборган ёрликда ўзаро дўстлик алоқаларини йўлга қўйишни таклиф қилган. Тошкент беклигининг Россия империяси билан дипломатик ва иқтисодий алоқалари 1793 йилда Тошкент беги (ҳокими) Юнусхўжа элчиси Муҳаммадхўжа ва Азимхўжаларни карвон билан Фарбий Сибирь губернаторлигига юбориши билан бошланади. Губернатор Г. Штрадман ҳузурида қабул қилинган Тошкент савдогарлари Россияда ўзларининг олиб борган маҳсулотларини сотиш учун рухсат сўрайдилар. Фарбий Сибирь губернатори бу ҳақда Россия подшоси Екатерина II га маълумот беради. Унинг фармонида кўра Тошкент савдогарларига Сибирь ва Урал ҳудудларида эркин савдо қилишларига рухсат берилади ва айни вақтда улардан имтиёз сифатида божхона солиқлари олинмайди.³ Россия бу алоқалардан манфаатдор эди.

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Тошкент, "Юлдузча", 1989 й., 335-бет.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Тошкент, "Юлдузча", 1989 й., 333-бет.

³ Кўқон хонлигининг Россия империяси билан дипломатик ва иқтисодий алоқаси. 276-бет.

Савдо алоқаларини кенгайтириш мақсадида рус ҳукумати ҳам Тошкент беклигига 1795 йил Омск шаҳридан бир неча савдогарларни элчи қилиб юборди. Элчилар беклик ҳудудида савдо қилишга ва айрим имтиёзлар сифатида қароқчилардан ҳимоя қилишни ва божхона пулини тўламасликни сўрайдилар. 1798 йил бу элчилар Тошкентга етиб келганларида Юнусхўжа томонидан яхши кутиб олинади. 1798 йил 9 январда тошкентлик элчи савдогарлар Муллажон Маҳмуд ва Ашурали Баҳодирлар канслер А. Бубародов суҳбатида бўлиб, икки томонлама савдо муносабатларини йўлга қўйиш мақсадида келишиб оладилар.¹

Бунга кўра, 1798 йил 9 мартда император Павел I томонидан элчиларга жавоб тариқасида расмий ҳужжатлар топширилади. Бу ҳужжатларда Россия томонидан савдони йўлга қўйиш учун савдо йўлларида хавфсизликни ва савдо учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришга ваъда қилиниб, Тошкент беклиги томонидан ҳам ҳудди шундай жавобнинг бўлиши мақсадга мувофиқ экани таъкидлаб ўтилган эди. Шунингдек, Павел I нинг мазкур мактубида Россия империяси Тошкент беклигини ташқи душманлардан, хусусан Хитойдан ҳимоя қилиш ва элчилик, зарур ҳолларда ҳарбий кўмак беришни ҳам билдириб ўтган эди. Элчилик натижалари Тошкент беклиги ҳукмдори Юнусхўжани қониқтирди. Музокараларнинг амалий натижаси сифатида 1800 йилда тоғ ишлари инженерлари Тошкентда элчи бўлди. Уч ой давомида Тошкентда бўлган мутахассислар тоғ-кон ишлари ва ер ости бойликлари, хўжалик ҳаёти ва металлга ишлов бериш ишларига кўмаклашадилар. Тошкент иқтисодий алоқалар борасида Россия, Хитой, Эрон, Ҳиндистон ва Ўрта Осиё хонликлари билан савдо йўлларида асосий боғловчи шаҳар сифатида муҳим ўрин тутган. Шу нуқтаи назардан элчилар ёнига ҳарбий зарурат туфайли қўшин юбориладиган бўлса, қўшиннинг Тошкентга етиб бориши, у ерда жойлашиши ва ҳаракатланишини ўрганиш ҳам топширилган эди.²

Ана шу дўстлик алоқаларининг самараси ўлароқ халқлар ўртасида турли спорт мусобақалари, жумладан бел олиш кураш мусобақаларига ҳам қизиқиш кучайиб борган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўтмишда хоразмликлар билан Грузия халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар йўлга қўйилган. Бундай алоқалар бел олиш курашининг ривожланишига ҳам бирмунча ижобий таъсир кўрсатган.

Қадимдан Грузияда Сваннинг «Либргиел» деб номланувчи бел олиш кураш мавжуд бўлиб, ҳозиргача етиб келган. Бу курашда ҳам, албатта чопон кийиш, белга белбоғ боғлаш каби Ўрта Осиёдаги бел олиш кураш қоидасига амал қилинади. Қизиги шундаки, бу кураш тури билан Грузиянинг Сванети, Рачи, Гурии ва Саингило ўлкалари полвонлари шуғулланиб келади.³ Манбаларга таянган ҳолда шуни

¹ www.istoriya.uzbekistan/uz

² Всемирная энциклопедия. Завоевания Российской империи Какандского Ханства.

³ В. Элошвили. «Грузинская борьба». Тбилиси, 1975 г.

тахмин қилиш мумкинки, бел олиш кураш Грузия ҳудудларига Ўрта Осиёдан, аниқроғи Хоразмдан тарқалган. Чунки бу кураш Ўрта Осиё давлатларида эрамиздан олдин ҳам мавжуд бўлганлиги манбаларда баён этилган.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, жаҳон миқёсида қадимдан мавжуд бўлиб келган бел олиш кураш бугунги кунга келиб яна шуҳрат қозонмоқда. Бугунги кунда бир қанча мамлакатларда давлат миқёсида эътиборда бўлса, баъзи жойларда мазкур спорт тури йўқолиб кетмаслигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тўғри, баъзи бир мамлакатларда бел олиш кураш аллақачон йўқолиб кетган, у ҳақдаги маълумотлар фақат манбалардагина сақланиб қолган.

Бугунги кунда жаҳондаги қатор мамлакатларда, жумладан, Ироқ, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Корея, Бангладеш, Туркия, Грузия, Арманистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Хитой таркибидаги Синъцзян-Уйғур автоном республикасида, тибетликлар ва мўғиллар яшайдиган вилоятларда, Россия таркибидаги Татаристон, Бошқирдистон, Қорачай-Черкесия, Чувашистон, Қалмиқистон, Хакасия каби республика ва вилоятларида бел олиш кураш сақланиб қолган.

Ҳозирги кунда курдлар ўзларининг мустақил давлатларига эга бўлмаса-да, уларда бел олиш кураш сақланиб қолган. Масалан, Эронда яшовчи курдлар ўзларининг тўйларида «бел олиш кураш» мусобақаларини ўтказишади.

Европа қитъасидаги қатор мамлакатларда, жумладан, Швейцария, Испания ва Ирландияда жисмоний тарбиянинг мураккаб турларидан бўлмиш бел олиш кураш, тош иргитиш, арқон тортиш ва дарахтларни арқонда тортиш бўйича мусобақалар ўтказиб турилган. Мана шу тўғрида гап боргудек бўлса, 1857 йилда чоп этилган Женева тақвимидаги бел олиш курашига оид суратни далил қилиб келтириш мумкин. Ушбу суратда Швейцария қишлоқларидан бирида ўтказилган бел олиш кураш мусобақалари акс этирилган (8-расм).



8-расм. 1857 йилда Швейцария қишлоқларидан бирида ўтказилган бел олиш кураш мусобақаси. 1857 йилда Женева тақвимида босилиб чиққан.

Европа мамлакатларидаги айрим кураш турларида паҳлавонлар белига белбоғ боғламаса-да, бироқ кураш тушиш қоидалари айнан Ўрта Осиёдаги кураш қоидаларини эслатади.

Шундан келиб чиқиб, кураш қоидаларига қараб Осиё ва Европа давлатлари яқин алоқада бўлганлигини тахмин қилиш мумкин.

Қадимий қабилалар икки гуруҳга бўлиниб, гуруҳлараро анъанавий мусобақалар, ўзаро курашлар ташкил қилинишига олиб келди. Ўрта асрлар бошларига оид қўлёзмаларда таъкидланишича, Ўрта Осиёнинг турли минтақаларида бўлиб ўтадиган анъанавий ўйинлар, беллашувлар халқлар ўртасида катта қизиқиш уйғотган. Хитойнинг «Тан шажараси» тарихи асарида ҳикоя қилинишича, мусулмончиликдан олдин Фарғона шаҳрининг икки қисми орасида янги йил байрами кунини анъанавий муштлашувлар бўлиб ўтган. X асрда Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё шаҳарларида ҳам худди шундай удумлар бўлганлиги ҳақида Ал-Мақсудий томонидан битилган қўлёзмада хабар берилади.¹

Тарихий манбаларга назар ташлайдиган бўлсак, Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқалар қадим замонлардан буён давом этиб келаётганлигининг шоҳиди бўламиз. Бунга бел олиш кураш соҳасидаги ўзаро ўхшашлик ҳам далил бўла олади.

Осиё ва Европа мамлакатларининг кўпгина машҳур олимлари, шоирлари ва адибларининг асарлари, шунингдек қатор нодир тарихий ашёвий далиллар шундан гувоҳлик берадики, ўтмишда дунё миқёсида бир қанча кураш турлари мавжуд бўлган, лекин уларнинг барчаси битта мақсадга — босқинчиларни яқсон қилиш, қон тўкишнинг олдини олиш ва ўз юртининг довуғини кўтаришга қаратилган эди. Ана шуларнинг замирида инсонларнинг соғлом, баркамол бўлиб ўсишини таъминлаш муддаоси — жисмоний тарбия ётарди. Европалик шоир Кассет курашнинг инсонни соғломлаштиришга қаратилган мақсад-муддаоси ҳақида алоҳида тўхталиб, кураш инсоннинг генеологиясини ўзгартириб юборишини таъкидлаб, бунга қадимий грек муаллифларини мисол қилиб келтиради.

Осиё ва Европа қитъаларидаги бел олиш кураш қоидаларига эътибор берганимизда, бу қоидаларда ўзаро яқинлик мавжудлигини кўрамиз. Улар ўртасидаги озгина тафовут эса иқлим шароити, миллий урф-одатлар, диний удумлар ва уларни асрлар давомида такомиллаштириш натижасида пайдо бўлганлигини таъкидлаш мумкин.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, кўпгина мамлакатларда бел олиш кураш амалиётини бойитиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар пировардида унинг қадимий амалиётидан узоқлашиб кетишига сабаб бўлди. Шунинг натижасида кўпгина давлатларда янги кураш турлари пайдо бўлиб, кўп ҳолларда қадимий курашнинг асл ҳолати йўқолиб борди. Бунга бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Агар биз мутахассис кўзи билан қарасак, шуни пайқаш мумкинки, белбоғли ва белбоғсиз ҳолда рақибнинг белидан кучоқлаб курашганда, қоидаларнинг бир

¹ С. П. Толстов. «По следам древнехорезмийской цивилизации». Изд-во АН СССР, 1948 г, Москва—Ленинград, с. 116.

хиллигига амин бўламиз. Кези келганда шуни айтиш керакки, рақибни қучоқлаб кўтариб ташлаш Ўрта Осиё кураш амалларида ҳам мавжуд бўлганлигини ҳали Европа олимлари билмайдилар. Ана шундай белдан қучоқлаб ташлаш амали қадимги Панжикентда топилган V—VII асрларга оид деворий суратдаги бел олиш кураш лавҳасида ўз аксини топган. Ушбу суратда рақибларнинг бир-бирларини қўл билаклари билан қучоқлаб ташлаш ҳолати акс этган (4-расм). Лекин у Европадаги белдан қучоқлаб ташлаш амалидан ўзига хослиги билан фарқ қилади. Унда рақиблар белни эгмай, аксинча даст кўтариб орқага эгилмай амал бажарадилар. Ушбу амал ўзбеклар қадимий Бел олиш кураш ҳадисида қўлланиб келинган амаллардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда белдан қучоқлаб ташлаш Бел олиш кураш федерацияси томонидан тикланди.

Маълумки, XI—XV асрлар Европада феодализм гуркираб ривожланган давр бўлди. Ана шу даврда мазкур қитъада рицарлар жисмоний тарбия тизими пайдо бўлди. Ҳар хил якка кураш турлари (жумладан, қуролсиз) унинг ажралмас қисмига айланди. Тальхоффернинг (1443—1467) кураш бўйича биринчи китобларидан биридаги ўқув расмларида тасвирланган ҳаракатлар ва қуролсиз ўз-ўзини ҳимоя қилиш амаллари Япония Самурайларининг «джиу-джитсу» кураши техникасини эслатади.

XV аср бошларига келиб, ҳарбий рицарлар машқлари деҳқонлар курашидан фарқли тус олади. Яъни, рақибни ёнбош ва бошдан ошириб ташлаш усуллари қўлланила бошлади. Бу эса бел олиш кураш амалларига ўхшашдир.

Ўрта асрларга мансуб йилномалар ва қўлёзмалардан маълумки, ўша даврларда ҳамма ярмаркалар, тўйлар, диний байрамларда бошқа кўнгилочар томошалар билан бир қаторда бел олиш кураш бўйича ҳам мусобақалар ўтказилган.

Демак, курашлар ҳам эмиграция жараёнлари билан боғлиқ ҳолда қитъалардан қитъаларга, ҳатто Шимолий ва Жанубий Америкага ҳам кўчиб ўтди: «Канадага эмигрантлар (муҳожирлар) ҳар хил миллий кураш турларини олиб кела бошладилар. Улар, асосан, Англия, Ирландия ва Скандинавия кураш амалларидир. Француз эмигрантлари ўзлари билан Бретонц кураш амалларини ва юнон-рум кураши амалларини олиб бордилар».

XVIII аср охирида жаҳон миқёсида шотландча камберланд (камберландский) деб аталган энг машҳур кураш амаллари мавжуд бўлган. 1823 йили Уильям Лит ана шундай кураш ҳақидаги китобини чоп эттирди.

Курашнинг ўзига хос қонун-қоидалари қабул қилингунча кўпгина анъанавий кураш клублари ташкил топди. Эскимослар икки хил амални, яъни оёқларни йиғиб ташлаш ва қўллар қулф ҳолатда турганда оёққа таянган ҳолда кўтариб ташлаш амалларини яратдилар (9-расм).

Канар оролларидаги «Канарин» кураши амалиёти Ўрта Осиёга хос бел олиш кураш қоидаларини эслатади. Бу курашда рақибни кўтариб, елкасини ёки тиззасини ерга теккизиш ғалаба қозонганлик белгиси ҳисобланади.



9-расм. Эскимослар белдан кучоқлаб ташлаш амалида беллашмоқдалар.

Кураш ҳолати ҳам бел олиш кураш ҳолатини эслатади. Ана шу кураш тури Андалусия, Жанубий Америка ва Венесуэла давлатларида анча ривожланган бўлиб, бу давлатларнинг полвонлари ана шу кураш усулида куч синашадилар.

Европа мамлакатларида бир хил қоидага амал қилувчи икки хил кураш амалиёти мавжуд. Булардан бири белбоғ орқали, иккинчиси эса белбоғсиз ҳолда рақибни кучоқлаб ташлаш амалларидир. Швейцария, Исландия, Испания, Болгария, Португалия, Россия, Грузия ва бошқа бир қанча мамлакатларда қадимдан белбоғ боғлаган ҳолда курашиб келганлар, белбоғсиз, кучоқлаб курашиладиган кураш тури эса Франция, Шотландия, Исландия, Нидерландия,

Финляндия, Хорватия, Словения, Босния, Герцеговина ва Италия каби мамлакатларда кенг ёйилган.

Улар ичида «Систрумпа» курашининг қонун-қоидалари айнан Ўрта Осиё бел олиш кураш қонун-қоидаларининг ўзидир, десак янглишмаган бўламиз. Кураш тушувчи полвонлар ялангоёқ ҳолатда оқ иштон, оқ ятак, ятак устидан қора костюм ва иштон устидан қора юбка кийишади. Кураш ҳолатидаги полвонлар доимо кучоқлашиб, тик ҳолатда курашадилар, тизза букишга руҳсат этилмайди. Шу ҳолатда рақибни тиззалатиш ёки унинг елкасини ерга теккизиш ютуқ белгиси ҳисобланади. «Систрумпа кураш қоидалари» қариялар хотирасига таяниб ва тарихий ҳужжатларга асосланиб тузилган. 1989 йилда «Систрумпа» кураши бўйича чемпионатда уч тоифага мансуб ёшлар гуруҳлари иштирок этди. Бу мусобақада Тонино Массиони мутлоқ ғолибликни эгаллаб, бош совринни қўлга киритди.

Ўтмишда Россияда мавжуд бўлган кураш тури ҳақида шундай дейилади: «Бир пайтлар Россияда курашнинг славян белдан кучоқлаб курашиш усули кенг оммалашган. Лекин курашнинг бу усули ҳақида россиялик тадқиқотчилар кам эшлади».

Қадимдан бу усул Россия ҳудудида оммавий тус олган. Унинг баъзи бир хусусиятлари XIX асргача сақланиб қолган эди. Масалан,

курашнинг славян усулига хос кучоқлаш амалиёти ҳатто профессионал цирк соҳасида XIX асрда кенг оммалашган эди. Россия чемпиони Н.Расин шу усулда курашган ва бу ҳақда китоб ҳам ёзган. Цирк томошалари бошланишидан олдин бўладиган реклама чиқишида бу усул Россия-Швейцария усули деб эълон қилинар эди¹. Мусобақа мажбуриятларининг бажарилишини кузатадиган ҳакам йўқ эди. Полвонлар бир-бирининг белидан сиқиб олган ҳолда рақибнинг оёғини узиб, оёқларини ерга тираб курашардилар. Рақибини уч маротаба йиқитган полвон ғолиб ҳисобланарди. Ажнабийлар ҳам айнан шу усулда курашишлари шарт эди. Профессионал курашчилар орасида белдан қисиш бўйича энг кучли ва моҳир полвонлардан Иван Поддубний (1898) жуда ҳам машҳур эди. Унинг бир неча издошлари шу кураш борасида жаҳонни лол қолдирган».

Россияга хос кураш амали тўғрисида гап кетганда, кейинги асрларда бу амал бошқа минтақаларга ҳам ёйилганини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Шундай қилиб, белдан кучоқлаб кўтариб ташлаш амали қўлланиладиган кураш турини Россияга, аниқроғи русларга хос кураш дейиш мумкин.

Энди бугунги кунда Россияда мавжуд бўлган бел олиш кураш тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу кураш эрампиздан олдинга бориб тақалишини қайд этиб ўтиш керак. Манбаларга таяниладиган бўлса, марказлашган Россия давлати ҳудудларида яшаган туркий ва бошқа миллатлар ўртасида бел олиш кураш ривожланган. Мисол учун, Сибирь ўлкаларидан Тинч океанигача чўзилган бепоён кенгликларда умргузаронлик қилган туркий ва бошқа миллатлар ўртасида белдаги белбоғ орқали амал бажариладиган бел олиш кураши қадимдан мавжуд бўлиб, бунга Ордосдан топилган от тўқасини олдинги саҳифаларда мисол қилиб кўрсатган эдик.

Ҳозирги вақтда Россия Федерацияси таркибида яшайдиган татарлар, бошқирлар, чувашлар, хакаслар, кабардин-болқарлар, қорачай-черкеслар, қалмиқлар ҳам қадимдан бел олиш кураш амалида курашиб келганлар.

Маълумки, XI асрда яшаб ўтган машҳур турколог олим Маҳмуд Кошғарийнинг асарида сибирлик туркий миллатлар тўғрисида, хусусан татарлар, бошқирлар, шунингдек, бир пайтлар Сибирь ўлкаларида яшаган қирғиз ва бошқа туркий миллатлар тўғрисида сўз боради. Олим ўша даврларда ўз кўзи билан кўрган бир қанча жисмоний тарбия ва кураш турлари ҳақида ёзиб қолдирган, жумладан, бел олиш кураш ҳақида ҳам маълумотлар келтиради. Шунингдек, бир неча асрлардан бери куйланиб келаётган татар ва хакас дostonларида ҳам бел олиш кураш ҳақида сўз боради.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Россияда бел олиш кураш тури ривожига давлат миқёсида эътибор берилмоқда. Шунинг учун бу кураш ҳақли равишда Россия Федерациясида истиқомат қилаётган миллатларнинг ҳам маънавий мулки дейиш мумкин.

¹ «Анъанавий кураш амалларининг илдизлари» Лозанна, (2000 й.).

Россия Федерацияси тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бел олиш кураш пойтахтдан тортиб Камчатка ярим оролигача чўзилган бепоён маконда яшайдиган кўпгина миллатларнинг севимли кураши бўлган.

Бу кураш Кавказ республикаларида ҳам қадимдан мавжуд бўлган. Лекин кўп ерларда ҳар хил сабабларга кўра аста-секин йўқ бўлиб кетган. Яна бир нарсани айтиш жоизки, Россияда собиқ иттифоқ даврида эркин кураш, юнон-рум кураши ва самбонинг ривожланиши Россия Федерацияси таркибидаги бир қанча ҳудудларда турли хил усулдаги курашларнинг жадал суръатлар билан ривожланишига сабаб бўлди. Бу эса, ўз навбатида, қадимдан ривожланиб келган курашларда асл ҳолидан узоқлашиш жараёни рўй беришига олиб келди. Бу жараён собиқ иттифоқ таркибидаги ҳудудларда мавжуд бўлиб келган курашларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Масалан, Кавказ ўлкасида яшовчи кексаларнинг айтишича, бел олиш кураш Доғистонда ҳам қадимий курашлардан ҳисобланган. Унда курашчилар махсус кийим кийишган, яқтак ва белбоғ боғлашган. Ҳозирги вақтда улар яқтак кийиб, белига белбоғ боғлаган ҳолда ҳам, бошқа оддий кийимда ҳам кураш тушадилар. Айрим вилоятларда эса, белни маҳкам қисиб, учрашув охиригача ушлаб турадиган кураш тури ривожланган.

Россия таркибидаги Қалмиқ Республикасида «Ноолдан» кураши жуда оммалашган. Бу кураш тури «Дангара» номли эпик дostonда батафсил баён этилган. Бу усулда курашувчи полвонлар доимо бир-бирининг белидан қисиб туриши шарт, оёқ ҳаракатлари ман этилади. Кийимлари: калта шим, белбоғ, юмшоқ пойабзаллар. Рақибнинг елкасини ерга теккизган полвон ғолиб ҳисобланади, учрашув 8 дақиқа давом этади.

Африка қитъаси давлатларидаги кураш тури тўғрисида сўз юритмоқчи бўлсак, аввало, Эфиопия давлатидаги кураш тури хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқ. Бунинг боиси бор, албатта. Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида 1996 йил декабрда навбатдаги жаҳон анъанавий миллий кураш турлари фестивали ўтказилган эди. Айнан ана шу фестивалда Эфиопия давлатидан келган курашчиларнинг кўргазмали курашини кўргач, унинг айнан Ўрта Осиё бел олиш курашини эслатишига амин бўлдик.

Африка қитъасидаги араб мамлакатларида ҳам қадимдан бел олиш кураш бўлганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Лекин бу спорт тури борган сари эътибордан четда қолиб, йўқолиб кетишгача борди. Эронда яшовчи араблар ҳам ўзларининг тўйларида ҳар замонда бўлсада, шу кураш тури бўйича беллашувлар ўтказиб туришади. Қадимдан араблар, форсий ва туркий миллатлар ўртасида бел олиш кураш муқаддас ҳисобланган. Ислом олими ва тарғиботчиси, собиқ Шарқий Туркистон Ислом жумҳуриятининг президенти, маршал Алихонтўра Соғуний (Аллоҳ раҳмат қилсин) ана шу миллатлар тарихини чуқур ўрганган буюк олим эди. У ўзининг «Тарихи Муҳаммадий» китобида арабларда қадимдан муқаддас ҳисобланган жисмоний тарбия турларидан бўлган бел олиш кураш ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Ушбу асарда олим ислом дини тарихи, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом-

нинг ҳаёт ва фаолиятлари, 23 йиллик пайғамбарлик даврларида бошдан кечирганлари, тўрт халифалари, саҳобаи киромлари ва бошқа мусулмонлар ҳаётларини ишончли манбалардан олиб, ҳар бир тарихий воқеани чуқур ўрганиб ёзишга эришди. Ушбу асарда муаллиф Алихонтўра Соғуний Муҳаммад алайҳиссалоту васалламнинг ҳаётлигидаги эллик икки мўъжиза ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Ана шу мўъжизаларнинг ўттиз еттинчисида бел олиш кураш ҳақида қизиқ ҳикоя баён этилади. Унда шундай дейилади:

«Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ракона ибн Абу Зайднинг Макка кўчасида ёлғиз турганини кўрдилар. Бу эрса Қурайш йигитлари ичида энг кучлик, атоқли баҳодирлардан эди.

Анга Расулulloҳ:

— Эй Ракона, энди иймон келтиргали вақтинг бўлгандир. Агар хоҳласанг, мўъжиза кўрсатайин, — дедилар.

Йироқдан бир туп ёғоч кўриниб турмиш эди.

Ракона:

— Андоғ эрса, ўшал кўриниб турган дарахтни чақиргил, шундоғким, тенг ярми ўз ўрнида қолсун, қолган ярми эрса келиб, сенинг пайғамбарлигингга гувоҳлик берсун, ана шунда иймон келтиргайман, — деди.

Анда Расулulloҳ дарахтга қараб ишорат қилдилар. Ярми келиб Расулulloҳга салом берди.

— Ўз ўрнингга қайт, — деб яна ишорат қилдилар эрса, дарахт қайтиб бориб ярмига ёпишди.

Бу мўъжизани ривоят қилгувчи саҳоба айтур:

— Ўшал дарахтни кўрдим, ёпишган ўрни узун ип тортиб қўйгандек бўлиб билиниб турибдур.

Бу улуғ мўъжизани Ракона кўрди эрса, ул айтди:

— Бу иш сиррини мен била олмадим. Кел энди, икковимиз курашайлик. Агар сен мени йиқитур бўлсанг, бир қўра қўйим бор, унинг ярмини сенга берайин.

Шу билан икковлари курашдилар эрса, Расулulloҳ унинг белидан ушлашлари ҳамон кўтариб ерга урдилар. Куч-қувватдан бутунлай ажралмиш эди, шарманда бўлиб ўрnidан тургач:

— Эй Муҳаммад, армоним қолмасин, яна бир марта курашайлик, — деди.

Яна курашгач, қўл учлари тегиши билан йиқилиб, нима дейишини билмай, ҳайрон қолиб турди. Сўнгра айтди:

— Эй Муҳаммад, Қурайш мажлисига бориб қолсанг, уларга нима айтурсан?

— Рақонани йиқитиб, унинг ярим қўра қўйини ютиб олдим, дейдурман, — дедилар.

Ракона:

— Йўқ, андоғ айтмагил. Бу иш мен учун қаттиқ номусдур. Ҳада қилиб берди, дегил, — деди.

Расулulloҳ айтдилар:

— Қандоқ ёлғон гапира олурман?

Анда ул:

— Ҳеч ёлгон сўзламасмусан? — деди.

— Албатта сўзламайдурман, — дедилар Расулulloҳ.

Сўнгра Ракона:

— Энди аниқ билдим, сен Аллоҳнинг пайгамбари экансан, — деб дарҳол иймон келтирди».¹

Дунё миқёсидаги Бел олиш кураш тарихига эътибор берадиган бўлсак, туркий миллатларда курашнинг ана шу тури билан боғлиқ удумлар ва атамалар сақланиб қолган. Айниқса, Ўзбекистон худудида бел олиш курашининг амалларини, бугунги кунга қадар уларнинг номи унутилиб кетган бўлса-да, тадқиқотлар, изланишлар, кураш хадисини яхши билган кишиларнинг хотиралари орқали бирмунча тиклашга эришилди.

Ўтган асрнинг бошларида чоп этилиб турган рўзномаларнинг бирида бел олиш кураш тўғрисида мақола эълон қилинади. Ушбу мақола бир муаллифнинг мақоласига жавоб тарзида ёзилган бўлиб, унда шундай дейилади: «Эй бечора, сизга нима азоб ва нима зарур, бекордан бекорга ўзингизни гуноҳкор қилиб, мусулмонларга ноҳақ шикоят қилиб тил узатасиз, на бежо ибора илан муллаларни курашга келди, деб айблайсиз. Агар тарих ва тасаввуф, диндан заррача хабарингиз бўлганда, бу хил қалам тебратмас эдингиз. Кураш ота-онангиз вақтида бўлгандан ташқари, бундан олти юз йил илгари мусулмон подшоҳларининг тараққий этган даврида ҳам бор эди».²

XIX асрда мусулмонлар, насронийлар, шунингдек буддага сиғинувчилар орасида бел олиш кураш билан ўзлари астойдил шуғулланган ва ғолибларни ўзлари тақдирлаган дин арбоблари кўп бўлган. Мисол учун 1818—1889 йилларда яшаб ўтган йирик ислом олимларидан 1-Қозон мачити имом хатиби Шаҳобиддин Маржоний ҳамда 1876—1938 йилларда яшаб ўтган Буинск мадраса ўқитувчиси, кейинчалик имом хатиби Ҳожи Атласи каби татар ўғлонлари ўз даврининг кучли курашчилари бўлган. XIX аср охирларида Қозон шаҳридаги Кабан кўли деб аталган жойда бел олиш бўйича катта курашлар ташкил этилган. Ана шу курашларда бир қанча давлатлардан келган курашчилар иштирок этишган. Айнан шу ердаги беллашувларни насроний дини поплари ва мусулмон дини имом ҳазратларининг ўзлари бошқарган ва курашчиларни ўзлари тақдирлаганлар.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, бир неча аср олдин Ўзбекистон мусулмонлари томонидан «Кураш хадислари» китоби ёзилган, бизгача бу китоб яхлит ҳолида етиб келмаган. Ана шу китобда бел олиш кураш амаллари, курашчиларнинг ёшларига қараб кўрсатадиган натижалари, кураш қоидалари ва курашнинг бир қанча тарбиявий жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Манбаларга муро-

¹ Алихон Тўра Соғуний. «Тарихи Муҳаммадий» 3-нашр: «Шарқ», Тошкент, 2004 й., 37 чи мўъжиза.

² «Туркистон вилояти» рўзномаси. 1914 йил. 10 апрель, 28-сон. Оққа кўчирувчи Р. Файзуллаев.

жаат қиладиган бўлсак, «бел олиш кураш» туркий миллатлар, форслар, араблар ўртасида қадимдан кенг тарқалган бўлиб, ўз кийиниш маданиятига ҳам эгадир. Кураш пайтида узун чопон, чопон ичидан узун ятак кийилиб, чопон устидан белбоғ боғланган. Бу кураш тури Ўрта Осиё миллатлари орасида узоқ асрлардан буён ўз кийиниш анъаналарини сақлаб келди. Фақат 1950 йиллардан сўнггина баъзи бир жойларда бошқа курашларга тақлид қилиш натижасида кийиладиган либослар ўзгариб борди. Айниқса татар ва бошқирларда миллий курашларда кийиладиган чопон йўқ қилиниб, яланғоч курашиш оддий ҳолга айланиб қолди. Дунё миллатлари орасида, шунингдек, курашга тушишдан олдин бажариладиган одатлар борасида ҳам тафовутлар юзага келди. Масалан, будда динига сифинувчи полвонлар кураш тушишдан олдин ерга қараб ҳар хил ибодат амалларини бажарадиларда, сўнгра курашга чиқадилар. Ўзбек, туркман қозоқ, тожик, қирғиз миллатларида эса мана бундай одат бор: улар курашдан олдин қўл панжаларини очиб фотиҳа оладилар, кейин эса қўлларини ерга ишқаб, курашга чиқадилар. Қўлни ерга ишқашда ҳеч қандай илоҳий маъно бўлмаган, курашганда қўлнинг терламаслиги учунгина шундай қилинган.

Ўрта Осиёда ва дунёнинг бошқа бир қанча давлатларида бел олиш курашида ҳеч қачон мусиқа садолари остида курашилмаган, ҳозир ҳам шундай. Фақат Ўрта Осиёда кураш бошланишидан олдин, полвонларни ва томошабинларни кураш ўтадиган манзилгоҳга чорлаш учун мусиқа чалинган.

Россия Федерацияси таркибидаги Қорачай-Черкесияда бел олиш кураш мусиқа садоси остида (ҳар доим эмас) ўтказилади. Кексаларнинг айтишича, ушбу ҳолат ҳам, асосан, Кавказдаги бошқа курашларнинг таъсирида кейинчалик юзага келган. Грузиялик дўстимиз, тадқиқотчи, Грузия миллий кураш федерацияси бош котиби Юрий Имеришвилининг айтишича, Грузияда «Либргиел» бел олиш кураш амалида қадимдан ҳеч қандай мусиқасиз курашилади. Бу кўпгина бошқа миллатлардаги бел олиш курашига хос хусусиятдир. Қадимдан ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, тожиклар, эронликлар, афғонлар, татарлар, бошқирлар, уйғурлар мусиқа оҳангсиз курашиб келганлар. Мазкур миллатларда ҳам мусиқа фақатгина кураш манзилгоҳига олдиндан чақирув воситаси сифатида чалинган.

Бугунги кунгача собиқ иттифоқ миллий курашлари тарихи тўла, тадқиқотлар асосида ўрганилмаганидек, бел олиш курашининг ҳам ўзига хос хусусиятлари тўла ўрганилмаган. Бир қанча манбаларда берилган хулосалар чалакам-чатти, мавзунини ёритишда чалкашликлар бисёр. Бу тўғрида кураш бўйича тўрт карра жаҳон чемпиони ва олимпия чемпиони А.Иванецкий куюниб шундай дейди: «Биз миллий курашлардан қадриятларни сақлаш учунгина ёки кўрғазмали чиқиш учунгина, гоҳида кутубхонада ўтириб илмий ишлар ёзиш учунгина фойдаландик, холос»¹.

¹ Ян Дымов. «И дружбой сильны богатыри». Т., «Медицина», 1985, с. 332.

XIII БОБ. РОССИЯ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРИ БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИДАН

Россия бел олиш кураш тарихи Россия Федерацияси таркибида яшовчи туркий миллатлар тарихи билан боғлиқдир. Манбаларда баён қилинишича, Сибирда бир қанча туркий миллатлар истиқомат қилиб келганлиги бел олиш кураш тарихини чуқурроқ ўрганишга асос бўла олади.

Россия Федерацияси таркибида яшовчи татар, бошқирд, қорачай-черкес, кабардин-болқар, чуваш, хакаси туркийзабон ва бошқа миллатлар бир неча асрлардан буён бел олиш кураш билан шуғулланиб келадилар. Ўша собиқ иттифоқ даврида ҳам Россияда яшовчи туркий халқлар курашлари етарли даражада ўрганилмади. Аксинча, Россияга кириб келган янги халқаро курашларни ҳар томонлама ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Маълум бир вақт Бел олиш кураш турлари бўйича татар ва бошқирдларнинг ташаббуси билан сабантўйлар ташкил қилинди. Бироқ улар ҳам мунтазам ўтказилмади. Бу эса, ўз навбатида, кураш қоидаларининг ўзгариб кетишига олиб келди.

XI асрда яшаб ўтган турколог олим Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида татарларнинг қадимий халқлардан эканлигини таъкидлаб, татар—турк қавмлардан бири, деб кўрсатади¹. Ушбу асарда олим бир қанча жисмоний тарбия турларига ҳам тўхталиб ўтади. Унда бел олиш кураш ҳақида шундай жумлаларни ўқиш мумкин:

«Улар бир-бирининг қўл энгини силкитишади ва курашда ўннга, чапга силтаб йиқитмоқчи бўлиб чайқатишади»². «Қиз билан ўйнашма, чунки у кучли ва сени энгади, ёш қисир бия билан пойга қилишма, у айғирдан кўра кучлидир, у ҳам сенинг устингдан ғалаба қилади (сени энгади)»³. Бу мақол Ҳақоний қизларидан бири Султон Маъсуднинг никоҳ кечаси ўз эрини оёғи билан чалиб йиқитганидан кейин ҳақонийлар томонидан тўқилгандир. Мана шу мисоллардан бел олиш курашининг бир қанча йўналиши қадимдан мавжуд бўлганлигини билиш мумкин. Россияда бел олиш кураш XIX асрлардан ривожланди, деб ёзади Н.Н.Сорокин ўзининг «Спортивная борьба», «Физкультура и спорт» (Москва. 1960. 12-бет) китобида. Бу дегани Россияда XIX асрда бел олиш кураш пайдо бўлди дегани эмас. Аксинча Россияда яшовчи туркий-забон татар, чуваш, бошқирд, қорачай, болқар, хакас ва бир қанча бошқа миллатларнинг бел олиш курашлари уларнинг тарихи билан боғлиқдир. Шу сабабдан Россия таркибидаги бел олиш кураш бир неча минг йиллик тарихга эга дейиш мумкин (1-расм). Россияда яшовчи туркийзабон миллатларнинг кураши Ўрта Осиёда

¹ М. Кошғарий. «Девону луғотит турк» I том, Тошкент, Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти, 1960 йил, 344-бет.

² М. Кошғарий. «Девону луғотит турк» II-том, Тошкент, Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти, 1961 йил, 122-бет.

³ М. Кошғарий. «Девону луғотит турк» асари I-том, Тошкент, Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти, 1960 йил, 439-бет.



1-расм. XIX аср охирлари ва XX аср бошларида татарларнинг Сабантўйидаги Бел олиш курашларидан лавҳа.

истиқомат қилувчи туркий миллатлар курашига ўхшашдир. Ана шу миллатларнинг урф-одати, маданияти, тили ва дини Ўрта Осиё элатлари кураши билан бир хил бўлган. Шу боис улар ҳам ўз миллий чопонларини кийиб, белга белбоғ боғлаб курашганлар. Москва шаҳрида яшовчи Уфа, Қозон татар-бошқирдлар курашидаги мостга кетиш ёки мостда туриб қолишлар XIX аср охирлари — XX аср бошларида махсус тайёргарлик натижасида амалга оширилган кураш амалларидир. ФИЛА томонидан чиқарилган «Анъанавий кураш амалларининг ил-дизлари» (2000 йил) китобида қадимдан Россияда мавжуд бўлган кураш тури ҳақида шундай дейилади: «Бир пайтлар Россияда курашнинг славян белдан кучоқлаб курашиш усули кенг оммалашган. Унинг баъзи бир хусусиятлари XIX асргача сақланиб қолган. Худди шундай славян усулига хос кучоқлаш амалиёти профессионал цирк соҳасида XIX асрда кенг оммалашган эди. Россияда кураш амалларидаги белга сочиқ ташлаб курашиш славянларнинг белдан кучоқлаб курашиши таъсирида пайдо бўлган. Худди шундай кураш билан Иван Поддубний, Иван Заикин ва бир қанча россиялик полвонлар курашганлар.

Татар-бошқирдлар миллий курашининг бузилиши 1950 йилларнинг охири 1960 йилларнинг бошида классик кураш (юнон-рум кураши), эркин кураш ва самбо федерациялари ягона ҳолатда фаолият юритиши натижасида келиб чиққан (2-расм). Шунинг учун татар-бошқирд кураши қоидалари юнон-рум курашига мослаштирилган. Шу сабабдан яланғоч ҳолатда курашадиган юнон-рум курашчилари бел олиш кураш билан бемалол курашаверган¹. Агар мутахассислар назари

¹ И.Г.Ильдархонов. «Мы родом из «Курэша». Казан, «Гасыр» нашриёти, 2003 йил, 42-бет.



2-расм. Сурат 1830—1860 йилларда Қозон университетига ўқиган ва ишлаган поляк Франц Залецкий томонидан олинган. XIX аср ўрталаридаги татар сабантўй кураши.

билан қаралса, юнон-рум кураши қоидаларидаги белбоғни ҳисобга олмаганда, бир хил бўлган. Бу ўз навбатида сабантўй маданиятининг бузилишига олиб келди. Натижада миллий чопонлар кийилмай, яланғоч ҳолатда курашга тушиш одатий ҳолга айланиб қолди. Ана шу ерда табиий савол туғилади: татар-бошқирларнинг тарихий миллий курашлари, уларнинг қонун-қоидаси қандай бўлган? Ана шу саволларга 1978 йилдан 2004 йилгача олиб борилган изланишлардан жавоб топгандай бўлди. Бизга маълумки, татар халқи ҳам тарихда кўплаб босқинчилар зулмидан жафо чеккан халқдир. Ёзувчи Мажид Ҳасанийнинг китобида кўрсатилишича, Иван Грозний 1552 йилда Қозонни, 1556 йилда Астраханни босиб олиб, мусулмон динидаги халқларни зўрлик билан бошқа динга кирита бошлайди. Уларнинг Волга яқинида яшаши ман қилинган, масжидлар бузиб ташланиб, уларнинг маълум қисми ўрис черковларию ибодатхоналарга айлантирилган ёхуд мослаштирилган¹. Шунини айтиш жоизки, бу босқинчилик татар-бошқир маданиятига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Узоқ йиллик тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, Татаристонда ва бошқа юртларда истиқомат қилган татар миллатига мансуб кексаларнинг айтишича, ўша босқинчилик даврида, шунингдек 1930—37 йиллардаги қатағон йилларида ҳам татар халқи тарихига оид қўлэмалар йўқ қилинган. Сақланиб қолганлари ҳам кейинчалик йўқ бўлиб кетган. Ана шу қўлэмалар ичида татар курашига оид маълумотлар ҳам кўп бўлган.

Манбаларга, хусусан Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари, шунингдек, Хитой манбаларига мурожаат қиладиган бўлсак, туркий кўчманчи қабилалари Ўрта Осиё ва Сибирдан тортиб то Тинч Океанигача бўлган бепоён ҳудудда ҳамда Хитой шимолида яшаганликлари маълум бўлади. Урф-одати, анъаналари, тили, дини бир бўлган туркий миллатлар тарихига назар солсак, уйғурлар, қирғизлар, қозоқлар, ўзбеклар, туркманлар, татарлар, бошқирлар, чувашлар, хакаслар ҳамда шу халқлар билан ёнма-ён яшаб келган тожиклар ҳам бир неча асрлардан буён бугунги кунгача шу бел олиш кураш тури билан беллашиб келганлар.

¹ М. Ҳасаний. «Туркистон босқини». Тошкент, «Нур», 1992 йил, 17-бет.

Камчатка ярим оролида ҳам Бел олиш кураш мавжуд бўлиб, си-бирлик ва ўрта осиелик туркий халқлар ҳамда Шимолий Хитой (ҳозирги Синъзян – Уйғур республикаси) билан қадимий алоқалар-ни турли битиклардан ҳам билса бўлади.

Қримлик Мустафо Ҳалил (1897 йилда туғилган) тақдир тақозоси билан 1931 йили Тошкентга келади ҳамда умрининг охиригача шу ерда яшаб қолади. Қрим, Татаристон, Бошқирдистон ва Ўрта Осие тарихини ҳар томонлама ўрганган Мустафо Ҳалил 1929 йилда Қозон шаҳрига борганда, ўша ерлик кексалар минг йиллар олдин ёзилган кўлөзма ҳолидаги бел олиш кураш ҳақидаги бир ҳикояни ўқиб беришади.

Унда ёзилишича, Қозон шаҳрига яқин қишлоқлардан бирида Муса ботир деган бир паҳлавон бўлган экан. У жуда камбағал бўлиб, савдо-гарлар қўлида хизмат қилар экан. Унинг курашга иштиёқи баланд экан. У камбағаллиги туфайли ўттиз ёшга кирганда ҳам уйланмаган экан. Лекин у шу ёшгача ҳеч кимдан енгилмаган экан. Бир куни савдогарлар бошлиғи Ҳисомиддинбой Муса ботирнинг таърифини эшитиб, уни катта курашга таклиф қилибди. Ана шу йиғинга донғи кетган ботирлар йиғилибди. Ҳисомиддинбой қарасаки, Муса ботир ҳақиқатдан кучли экан. Чопон кийганда ҳам бўйин ва қўл билаклари мускуллари ажралиб турар экан. Навбат унга келганда, рақибининг белбоғдан ушлашини кутиб турибди. Кейин ўзи белбоғдан ушлаб рақибини бир-икки чай-қатиб, белидан сиқиб кўтариб олиб ерга урибди. Унга бир қанча ботир-лар бас келолмабди. Сўнг Ҳисомиддинбой ўзи суйган Жалил ботирни ўртага чақирибди. Жалил ботир ҳаддан ташқари йирик экан. Муса ботирнинг жуссаси унинг олдида кичик бўлиб қолибди. Кураш бошлани-ши билан Жалил ботир Мусани кўтариб олиб ерга ташлабди. Муса ботирнинг енгилишига оз қолибди. Улар анча олишишибди, охири Муса ботир Жалил ботирни кўтариб олиб, уч-тўрт қадам босиб Ҳисо-миддинбойнинг олдига олиб бориб ерга урибди. Умрида елкаси ерга тегмаган Жалил ботирнинг енгилганини кўрган Ҳисомиддинбой жуда таъсирланиб кетибди. Муса ботирга эса чопқир от совға қилибди. Шу кундан эътиборан Муса ботирга меҳри тушган Ҳисомиддинбой дўстла-рига бўлажак Хитой сафарига уни ҳам бирга олиб боришни таклиф қилибди. Ҳисомиддинбойнинг дўстлари бунинг сабабини сўрашганда, у Хитойнинг Қашқар шаҳрида бўлиб ўтадиган бел олиш кураш бўйича мусобақада Муса ботирнинг кучини синаб кўришини айтибди. Ҳисо-миддинбойнинг дўстлари таклифни маъқуллашибди. Сўнг Муса ботир-нинг уйига одам жўнатишибди. Бойнинг одамлари унга: «Сен Хитой юртига борадиган савдо карвонига соқчилар бошлиғи бўласан. Агар Хитойда ҳам курашиб барчани енгсанг, катта пул ишлаб олишинг ҳам мумкин», дейишади. Бу гаплар ғурури баланд Муса ботирга жуда қаттиқ ботибди. «Бориб бойга айтинглар, мен у ерларга боролмайман. Иккин-чидан, қашқарлар юртидаги паҳлавонларни енгиш ёки енгмаслигим менинг ихтиёримда эмас. Чунки у ёлғиз Оллоҳга аён», дебди. Муса ботирга қанча ёлворишмасин, рад жавобини берибди. Ҳафсаласи пир бўлган Ҳисомиддинбойнинг одамлари бўлган гапларни унга айтиб беришибди. Бу суҳбатдан хулоса чиқарган бой Муса ботирнинг олдига ўзи ташриф буюрибди. Бироз суҳбатлашгандан сўнг бой: «Биз томондан

ўтган одобсизлик учун узр сўраймиз», дебди. Муса ботир эса: «Сиз ҳимматингизни баланд тутинг, юрт, миллат шарафи пул билан ўлчанмайди. Она-юрт шарафини ҳимоя қилиш учун жонимни ҳам беришга тайёрман. Галаба эса Оллоҳдан сўралади. Моддий эҳтиёжни Оллоҳнинг ўзи белгилайди. Сизнинг ташрифингиз курашга бўлган меҳримни яна ҳам ошириб юборди. Мен розиман, борганим бўлсин, сафар кунини белгилашингиз мумкин», деб Муса ботир бойни қузатиб қўйибди.

Шундай қилиб, карвон Қашқар (Хитой)га равона бўлибди. Кунларнинг бирида Қашқар бойларидан бирининг катта тўй курашига татар бойларини ҳам таклиф қилишибди. Бу тўйда уйғурларнинг «челиш» бел олиш кураш мусабоқаси бўлиб ўтибди. Бу мусобақада Муса ботир ҳам курашиб, бир неча полвонни енгибди. Лекин Муса ботирнинг хавфсизлигини ўйлаган Қашқар бойлари унинг узоқ юртдан эканлигини сир тутишибди (3-расм).


Мусанинг кураш усули Қашқар бойларига маъқул тушибди. У курашганда дадил туриб, рақибига белбоғдан ушлашни буюрар экан. Кейин ўзи ҳам унинг белбоғидан ушлаб, бир-икки силкиниб, мувозанатни тўғрилаб олар экан. Ўзига сиқиб тортганда, ҳеч бир рақиб чидай олмас экан. Шу тариқа у бирин-кетин ўндан ортиқ полвонни йиқитибди. Қашқар бойлари татар савдогарларидан уни бир неча йил шу ерда яшашини, агар хоҳласа шу ердан уйлантириб қўйишларини сўрашибди.

Савдогарларнинг бошлиғи Ҳисомиддинбой: «Йўқ, биз бундай қилолмаймиз, у қул эмаски, бу ерда қолдирсак, ихтиёр ўзида» дейибди. Муса ботирнинг ўзидан сўрашганда, у ҳам рози бўлмабди.

Шундай бўлишига қарамай, Қашқар бойлари унинг уйига қимматбаҳо совға-саломлар билан, жўнатишган экан. У ҳам секин-асталик билан бой савдогар бўлиб, кейинчалик курашларда кўринмай қолибди.

Бу ҳикояни Мустафо Ҳалил 1985 йилда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги уйда ўз шахсий қўлёзмасидан ўқиб берган эди. У киши бу ҳикояни 1929 йилда Қозон шаҳрида истиқомат қилган кекса татар полвонида сақланаётган қўлёзмадан кўчириб олади. У Мустафо Ҳалилга XIX аср охирида суратга олинган бир номаълум татар полвонининг Тошкент шаҳрида кураш тушаётган фотосуратини ҳам совға қилади. Ана шу фотосуратни Мустафо Ҳалил каминага тарихий ҳужжат сифатида топширган эди (4-расм). Камина бу тарихий фотоҳужжатни 2005 йилда Вильнюсда ўтказилган «Борьба на поясах» халқаро симпозиумида Борьба на поясах халқаро ассоциацияси президенти Риф Гайнановга топширган эдим.

Гайнанов Риф Фаткилбаянович 1957 йилда Россия шаҳарларидан бирида ўртаҳол оилада туғилди. У ёшлигидан зукколиги, одоби, серғайратлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Болалик чоғидан классик кураш билан шугулланиб, қатор галабаларга эришди. Улғайганда етук спортчи сифатида элга танилди. Бир қанча халқаро турнирлар голиби бўлди. Ниҳоят, у жаҳон кубогини ҳам қўлга киритди. Спортдан эрта кетиб, бизнесда катта ютуқларга эришди. 2002 йилда у Россиянинг «Борьба на поясах» федерацияси президенти этиб тайинланди. Унинг нияти татар-бошқирдларнинг «куреш»ни юксакларга кўтариш эди. У шундай қилди ҳам. Россияда бир неча турли миқёсдаги чемпионатлар, халқаро



3-расм. Татар ботири Мусанинг Хитой элида уйгурларнинг «Челиш» Бел олиш кураш тури билан беллашаётган даври. Ушбу сурат XI асрга оид миниатюра. Рассом Хайриддин Муҳиддинов.



4-расм. XIX аср. Чап тарафда шахси аниқланмаган татар полвони.
Тошкент шаҳри.

турнирлар уюштирилди. 2003 йилда Техрон шаҳрида ўтказилган жаҳон конгрессида «Бел олиш кураш» халқаро федерацияси президенти этиб тайинланди. Сўнг 2004 йилда Истамбулда, 2005 йилда Қозонда навбатдаги Бел олиш кураш бўйича жаҳон чемпионатлари ўтказилди. 2005 йилда янги тузилган «Борьба на поясах» халқаро ассоциациясига яна қайтадан президент этиб сайланди.

У шу спорт тури билан дунёнинг 50 га яқин давлатларини бирлаштирди, 2006 йилда Алматида, 2007 йилда Россиянинг УФА шаҳрида, 2008 йилда Африка қитъасида ва ниҳоят, 2009 йилда Тошкент шаҳрида навбатдаги жаҳон чемпионатини ўтказди. Риф Гайнанов педагогика фанлари номзоди, Россияда хизмат кўрсатган мураббий. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Шу соҳадаги хизматлари учун орден ва медаллар билан тақдирланган. Минг афсуслар бўлсинки, мудҳиш ўлим уни 2009 йил 14 ноябрда орамиздан олиб кетди. Бу хабарни эшитган ўз яқинлари қатори ўзбекистонлик яқин дўст-оғайнилари ва шу спорт тури ишқибозлари чуқур қайғуга ботдилар. Риф Гайнановни қисқа вақт ичида қилган хизматларини катта бир дoston қилиб ёзиш мумкин. Унинг қилган ишлари одамлар хотирасида абадий сақланишига ишонамиз. Биз у кишининг охиратлари обод бўлишини яратгандан сўраб қоламиз.(5-расм).

Биз дунё «Бел олиш кураш» ҳақида сўз юритар эканмиз, араб, форсий ва туркий миллатларнинг маданий ва маънавий тараққиёти бўлган бу кураш тури жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига тарқалишига туртки бўлганлигини қадимий манбаларга асосланиб айта оламиз. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони, Абу Райҳон Берунийнинг қатор асарлари, Ибн Сино асарлари, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари ана шулар жумласидандир. Ушбу манбаларда «Бел олиш кураш» ҳақидаги кўплаб қимматли маълумотларга дуч келамиз. Шунингдек, рус олимлари В.В.Бартольд, С.Л.Толстовлар ҳам Ўрта

Осиё ҳамда Волгабўйи халқларининг иқтисодий ва маданий алоқалари қадимдан мавжуд бўлганлигини, ўз навбатида улар ҳам бир қанча мамлакатлар халқлари билан ўзаро алоқада бўлганлигини кўрсатиб ўтадилар. Бу эса, Шарқ халқлари, жумладан Ўрта Осиё халқлари тарихи жаҳон халқлари тарихи билан муштарак эканлигини кўрсатади.

«В.В.Бартольд, — деб гувоҳлик беради А.Ю.Якубовский, — В.Р.Розен мактабидан баҳраманд бўлар экан, аввало Шарқ тарихисиз чинакам жаҳон тарихини яратиб бўлмайди, бошқача айтганда, кишилиқнинг тарихий ривожланиш қонуниятларини тўлатқис очиб бўлмайди», деган хулосага келади. Розеннинг бошқа шоғирдлари сингари Бартольд ҳам Шарқ халқларининг маданий ютуқларини юксак баҳолайди, бу маданиятнинг қадимда ва ўрта асрлар даврида Европа маданиятига кўрсатган таъсирини эътироф этади ва бу таъсирни халқлар тарихига ҳамда тасвирий санъат, архитектура ва маданий ҳаётнинг бошқа соҳаларига оид ишончли далиллар асосида кўрсатишга интилади¹. Шундай экан, бундай алоқаларнинг Бел олиш курашига ҳам таъсири бўлганига шак-шубҳа йўқ.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё халқларининг Волга бўйларида яшовчи халқлар билан алоқаси қадим даврлардан бошланиб, бир неча юз йилларни ўз ичига олади. Чунончи, хоразмликлар VI асрнинг охирида Волганинг қуйи оқимида вужудга келган Хазар подшоҳлигига ўз таъсирларини ўтказганлар. Улар 712 ва 730-йилларда Хазар қўшинларининг қўмондонлигини қўлга киритиб, подшоҳликда муҳим мавқени эгаллаганлар. Ҳатто Хазар подшоҳлигида хоразмликларнинг мустамлакалари ҳам бор эди.

VIII аср ўрталарига келиб хоразмликларнинг мавқеи шу даражада кучайиб кетдики, пировардида Хазар подшоҳлиги билан Хоразм сиёсий жиҳатдан бирлашиб, Қрим ва Азов бўйидан Хоразмгача бўлган ерларни ўз тасарруфига олган катта империя вужудга келди. Тарихий манбаларда қайд этилишича, 764-йили хоразмлик Растархан (Астархан) бошчилигидаги Хазар аскарлари Тбилисини босиб оладилар. Тарихчи М.Чулковнинг кўрсатишича, Булғор шаҳри харобаларидан топилган ва Петр I буйруғи билан таржима қилинган қабр тошларидаги ёзувларда самарқандликларнинг ҳам номи зикр этилган экан.



5-расм. Суратда Риф Гайнанов (1957—2009) — «Борьба на поясах» халқаро ассоциацияси президенти.

¹ Б. В. Лунин. «В. В. Бартольд» Ўз ССР ФА нашриёти, Тошкент, 1970, 10-бет.

VIII аср ўрталарида арабларнинг Ўрта Осиёга ҳужуми Волгабўйи билан бўлган алоқани сусайтирди. X асрда Хазар-Хоразм империяси яна тикланади. Академик В.Бартольднинг тадқиқотларига кўра, хоразмликлар Волгабўйи халқлари маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшганлар¹. Бу халқлар ўртасида кенг тарқалган анъанавий спорт ўйинлари, шу жумладан бел олиш курашининг ривожланишига сабаб бўлган. Лекин китобхонни Хитойнинг Қашқар шаҳрида истиқомат қиладиган уйғурлар билан татарларнинг қадимдан қандай алоқада бўлганлиги ва бу алоқалар натижасида уларнинг кураш турлари ва усулларида қандай муштараклик борлиги қизиқтириши табиийдир. Бизга маълумки, турк кўчманчи қабилаларидан бўлган хакаслар, тувинлар, қирғизлар, татарлар, уйғурлар бепоеён Сибирдан тортиб Хитой шимолигача бўлган ҳудудларда яшаган.

VIII аср охирида уйғурларнинг илк ҳоқонлиги ташкил этилиб (744–745), биринчи ҳоқон этиб Пейло тайинланди. Пейлонинг вафотидан сўнг 746 йилда унинг ўғли Маюнчур ҳоқон бўлади. Ҳоқонлик тахтига ўтирган қонуний меросхўр шаҳзода Муюнчур кутилмаганда халқнинг қаршилигига дуч келади. Муюнчур уйғур ҳоқонлигининг шимолий чегараларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиларди. Бунинг учун шимолий кўшинларни хакаслар ва уларнинг иттифоқчилари бўлган туркий тилли чикларлардан (ҳозирги Тува ҳудудларида яшаган) ҳимоя қилиш керак эди². 750-йилнинг кеч кузида Муюнчур Тувада кўриқчи горнизонларни қолдириб, ўзи шарққа — Ўрхун томонга силжиди. У ердан шимолий-ғарбдаги Манчжуриядаги татарларни ҳам тор-мор қилди. Лекин 751-йил кузида ҳоқон Тува ҳудудини ўз қўлида сақлаб қолиш учун тезкор чора кўриши керак бўлиб қолди. Чунки 1 йил давомида Сиян-Олтой тоғ қабилалари орасидаги уйғурларга қарши коалиция Иртишда яшаган қарлуқлар, хакаслардан ташкил топган эди. Қадимги Хакас хони турклар, қарлуқлар билан маслаҳатлашиб, Тувага чиклар орасида исён кўзғатиш учун айғоқчиларни юборишади. Аммо бу ҳаракат муваффақиятсиз чиқади, чунки юборилган туркларнинг айримлари сотқинлик қилиб, аллақачон бу ҳақда уйғур ҳоқонини огоҳлантирадилар ва уйғурлар хакас разведкачиларини ушлашга муваффақ бўлишди³.

Тува қабиласи ҳақида. Тува халқлари тарихини ўрганиш учун бир қанча экспедициялар ташкил қилинган. Бу халқлар этногенезида Сибирь халқлари муҳим роль ўйнаган Тува қабиласи 16 аср охири 17 аср бошларида Олтинхонга қарам бўлган ва унга хирож тўлаган. XVI асрнинг охири «Сойот»лар ҳақида Паллас (1778), Георгилар (1779) маълумот тўплайдилар. Георгийнинг фикрича, «Сойот» қабилалари олдинроқ суйот ёки сайот деб аталган. Улар овчилик ва балиқчилик

¹ Х.Зияев. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари XVI асрнинг иккинчи ярми — XIX асрлар. “ФАН” нашриёти, Тошкент, 1965 йил, 14–15-бетлар.

² Кызласов Л. Р. “История Тувы в средние века”. М., 1969 йил, 50–53-бетлар.

³ Кызласов Л. Р. «История Южной Сибири в средние века». М., 1984 йил, 49-бет.

билан шуғулланишган¹. Бу тавсиф Саянь тоғида яшовчи тувинларнинг бир қисмига тааллуқлидир. Тувин халқлари тарихини ўрганишга инженер Спасский (1819), немис олими Клапрот (1823–31), Чихачев (1842) ўз ҳиссаларини қўшганлар. Айниқса, Спасский чорвадор тувинлар билан суҳбатлашиб, тувин луғатини (50 сўзлик) тузади ва фанда тувинларнинг татарларга қариндошлигини исботлади. Уйғур ҳоқонлигининг кучсизланиши қирғизларнинг кучайишига олиб келди. 820 йилда қирғизлар бошлиғи Ажо уйғурларга қарши уруш бошлаб, у 20 йил давом этди ва қирғизлар ғалабаси билан яқунланди. Шундай қилиб, Уйғур ҳоқонлиги 839–840-йилларда инқирозга юз тутди².

Хитой, Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Яқин Шарқ мамлакатларини ўзаро боғлаган қадимги савдо йўли тарихда «Ипак йўли» номи билан машҳурдир.

Бизга маълумки, тарихда Буюк Ипак йўли милоддан аввалги I минг йиллик ўрталаридан то милодий XVI асрғача (сув йўллари очилгунга қадар) Шарқни Ғарб билан боғлаб, савдо-сотик ва маданий алоқаларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Айниқса, IX–XII асрларда Марказий Осиё давлатлари ҳудудидан ўтган Буюк Ипак йўли орқали Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Хазария, Русия, Булгория ва бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари кенг йўлга қўйилган³. Венгриялик машҳур ёзувчи Л.Куннинг «Всеобщая история физической культуры и спорта» китобида ёзилишича, ўрта асрда турк, мўғил ва тибет истилочи кўчманчи қабилалари Хитойга келгач, югуриш, от спорти ўйинлари ва бел олиш кураш ривожлана бошлаган.⁴ Бинобарин, Хитой шимолида яшаган уйғурларнинг бел олиш кураш тури уларнинг тарихи билан боғлиқдир. Камина устозим Аҳролжон Рўзиевнинг таклифига биноан бел олиш кураш тарихини чуқурроқ ўрганиш мақсадида амалий семинар ўташ учун 2003 йилда Хитой шимолидаги Синь-Цзянь – Уйғур автоном республикасида бўлдим. Биринчи гал борганимда, Қашқар шаҳрида қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдим. Хитой бозорлари Ўрта Осиё бозорларини эслатади. Қассобхоналарда қўй гўшти, мол гўшти, расталарда бодом-ёнғоқ, писта, ўрик қоқи, олма, ҳар хил мевалар. Ҳунармандчилик расталаридаги пичоқ, ўроқ, теша, болта, бешик, қўйингки, ҳаммаси ўзимизникидай. Бир ерда уйғурча лағмон эмоқчи бўлиб, ошхонага кирдим. Овқатни олиб столга ўтирганимда, ёнимга бир қорачадан келган, кексароқ одам келиб ўтирди. Мени бошқа юртдан келганлигимни билиб, қаердан эканлигимни сўради. Мен «Тошкентдан келдим», дедим. У киши ўзини татар миллатига мансублигини айтди. Мен ундан: «Сиз ҳам бу ерда меҳмонмисиз», десам, у: «Йўқ, мен бир тоғли қишлоқданман, авлод-аждодим шу ерлик», деди. Кейин у киши: «Сир бўлмаса, нега келдингиз?» – деб сўраб қолди. Мен курашчилигимни, бу ерга бел

¹ «Проблемы антропологии исторической этнографии Азии». М., 1968 йил, 242-бетлар.

² Исхаков Г. М. «Краткая история уйгуров». Алма-Аты, 1991 г., стр. 115.

³ Ўзбекистон тарихи атласи. Тошкент, 1999 йил, 24–25-бетлар.

⁴ Л. Кун. «Всеобщая история физической культуры и спорта», «Радуга», 1982, 125-бет.

олиш кураш бўйича семинар ўтказгани келганимни айтдим. Сизларда уни «Челиш» дейди, дедим. Шунда у киши: «Эй, сиз ҳали брусланларнинг олдига келибсиз-да. Биласизми, мен ҳам ёшлигимда зўр бруслан бўлганман», деди. У киши 85 ёшда бўлса ҳам, лекин жуда бақувват эди, кўринишидан ҳеч ким унга бу ёшни бермасди. Мени ўйлантирган нарса, ўша татар қариянинг «брусланлар» ҳақидаги гапи бўлди. Чунки биз «бруслан» сўзини эшитганимизда, машҳур кино актёр Брюс Ли кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ва ниҳоят, душанба куни Қашқар Тан тарбияси олий даргоҳида семинар ўташимга рухсат беришди. У ердаги бел олиш кураш қоидалари худди бизникига ўхшаш экан. Лекин «бруслан» сўзини ҳеч ким тушунтириб бера олмади. Манбаларни ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, «Бруслан» сўзи аслида туркча сўз бўлиб, шундай таърифланар экан: «Бруслан сўзининг асл маъноси – қоплон демакдир». Ундан ташқари, бу сўзни арслон маъносида ҳам тушуниш мумкин¹. Бизни қизиқтирган нарса, ҳикоямиз қаҳрамонининг аجدодлари Хитойда қачондан бери яшаб келганлиги эмас, балки бел олиш кураш билан шуғулланганларнинг «бруслан» унвонига эга бўлганлигидир. «Бруслан» машҳур ботирларга бериладиган унвон. Сибирда яшаган туркий миллатга мансуб хакас халқининг жисмоний тарбия турларидан бўлган бел олиш кураш тарихи ҳам қадим замонларга бориб тақалади.

Н.Я.Бичуриннинг қўлёзмаларида қайд этилишича, уларда яхши отлар кўп бўлиб, бу отлар ёғоч чаналарни ҳам музда яхши тортган². Эслатиб ўтилган жисмоний тарбия турларидан ташқари, камондан отиш, оғир тошлар кўтариш, кураш ва отда чопиш ҳам ривожланган. Афсоналар, ривоятлар ва қадимги маданиятнинг бошқа ёдгорликлари буни тасдиқлайди.

Масалан, хакас халқи бахшиси С.П.Кадишев «Олтин Ариқ» дostonида курашчилар ҳақида шундай дейди:

*Бир-бирининг белбоғини тутадилар,
Сиқиб ўзларига тортадилар.
Рақиб белбоғини узмоқчидай,
Шериги ҳам қисади шундай³.*

«Енисей губернияси» саҳифаларида хакаслар миллий кураши ҳақида собиқ губернатор Степанов шундай ёзади: «Улар курашадилар: санъат ва куч-қувват навбатма-навбат ўрин алмашади. Голиблар шуҳрат қозонадилар, мағлуб бўлганлар кам учрайди».

Байрамлар паҳлавонларсиз ўтмас эди. Тўйларда қизиқарли беллашувлар бўлиб ўтарди. Тўйлардаги кураш мусобақалари ҳақида Аскиз районининг Казановка қишлоғилик нуруний чол Манса Майнагашев

¹ Маҳмуд Кошғарий. “Девону луғотит-турк”. III том, Тошкент, Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти, 1963 йил, 424-бет.

² Н.Я.Бичурин. (ИАКИНФ). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, Т.1, изд АН СССР, М–И., 19, стр. 354. Москва–Ленинград, 1950.

³ А.С.Кадышев. Алтин Арыг. Антология хакасской поэзии. Абакан, 1961 г., стр. 23.

қуйидагиларни сўзлаб берган: «Илгари ёшлар курашга қизиқарди. Кичик ёшли ўспиринлар ҳам мусобақаларда қатнашарди. Тўйларга энг кучли полвонлар келарди. Куёвнинг ва келиннинг қариндошлари ўзаро куч синашардилар. Ҳар бир қишлоқнинг ҳатто дostonларга солиб қуйланган паҳлавонлари бўлган»¹.

Бир неча асрлардан буён Сибирь ўлкаларида яшаган қирғиз, уйғур, хакас, татар, ўзбек қабилаларининг севимли кураши — бел олиш кураш бўлган. Улар ўртасида бир неча асрлар мобайнида дўстлик ришталари узилмаган.

Шу ўринда ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг гултожи ҳисобланган «Алпомиш» дostonи ҳақида алоҳида тўхталмоқ жоиздир. Жаҳон маданияти хазинасида муҳим ўрин тутувчи бу дoston туркий тилда сўзлашувчи кўпчилик халқлар ўртасида кенг тарқалган. Шунинг учун ҳам атоқли шоир Ҳамид Олимжон «Ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва бошқаларда эски уруғлардан бири бўлган кўнғиротни тасвир этган «Алпомиш» Ўрта Осиёда яшовчи (ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ каби) халқларнинг оғзаки адабиётига кирган», — деган эди. Ойротлар, татарлар, бошқирлар, тожикларда эса ушбу дostonнинг турли вариантлари мавжуд². Бу далиллар шуни кўрсатадики, юқорида номлари зикр этилган халқлар бир хил ижтимоий-тарихий шароитда ҳаёт кечирганлар, ўзаро яқин маданий алоқада, ҳамкор, ҳамфикр бўлганлар. Айнан мана шу мамлакатларда бел олиш кураш қадимдан мавжуд бўлган ва бугунги кунгача етиб келган.

«Бобурнома» асарида Сибирь хонлари билан бўлган алоқалар ҳам баён этилади. Бу ҳақда жумладан шундай дейилади: «Шанба куни, ойнанинг олтисида тўй бўлди. Қизилбош, ўзбек ва ҳиндуларнинг элчилари бу тўйда бор эрдилар. Ушбу тўйда ошдан бурун маст теваларни ва филларни ўртадаги оролда урушга солдилар. Бир неча кўчқорлар ҳам уришдилар. Булардан сўнг курашчилар белбоғ тутиб кураш тушдилар. Ош тортилгандан сўнг меҳмонларга эҳсонлар инъом этилди. Кучумхоннинг (Сибирь хони) навқари ва Ҳасан Чалабийнинг инисига кумуш тош билан олтин тош инъом этилди», деб ёзади³.

Ҳамид Зиёевнинг «Сибирдаги ўзбеклар» китобида Сибирь ўлкаларида татарлар ҳам ўзбеклар билан ёнма-ён яшаганлиги, улар ҳам бир неча асрлардан буён иттифоқликда ҳаёт кечирганлиги ҳақида маълумотлар бор⁴. Сибирь хонлигининг асосий аҳолиси XII–XIII асрларда Фарбий Сибирь пасттекислигидан то Волга этакларигача чўзилиб кетган кенг ерларда ўрнашган туркий тилдаги Қипчоқ қабилаларининг авлодлари, жумладан татарлардан иборат бўлган⁵.

¹ Л.Н.Сагалков. «Курес» (хакасская национальная борьба). Абакан — 1969, стр. 7.

² «Алпомиш». Тошкент, «ФАН» нашриёти, 1969. Айтувчи Берди Бахши, ёзиб олувчи А.Алавий, 3-бет.

³ «Бобурнома». Тошкент. «Юлдузча», 1989 йил, 323–324-бет.

⁴ Ҳ.Зияев. «Сибирдаги ўзбеклар», Ўзб ССР давлат нашриёти, Тошкент, 1958 йил, 41–42-бетлар.

⁵ Ҳ.Зияев. «Сибирдаги ўзбеклар», Ўзб ССР давлат нашриёти, Тошкент, 1958 йил, 7-8-бетлар.

Биз Сибирь ўлкаларида яшаган туркийзабон хакас, қирғиз, уйғур, татар ва ўзбек қабилалари тўғрисида бежиз тўхталмадик. Ўтмишда уларнинг дини, тили, урф-одати, ҳатто кураш амаллари бир хил бўлган. Биз юқорида ҳикоя қилган Муса ботир Хитой элига XI аср охирларида бориб курашган дейишимизга асос бор, деб ўйлаймиз. Чунки XI аср Волга атрофида маданий ҳаёт, савдо-сотик алоқалари ривожланган давр бўлган. Ана шу ерларда татарлар истиқомат қилиб келгани бир қанча манбаларда баён этилган.

Биз қадимдан араблар, форсийлар ва туркийзабон миллатлар маданий мероси бўлган бел олиш кураш тарихи ҳақида ҳикоя қилдик ва уни Россияда яшаётган татарлар тарихи билан боғладик. Лекин бел олиш кураш ҳақида сўз кетганда, унинг тарихи туркий миллатлар маданияти билан боғлиқ эканлигини айтиб ўтиш зарур. Демак, юқорида келтирилган далилларга асосланиб, туркий миллатга хос бўлган бел олиш кураш Россияда яшаган туркий халқлар таъсирида бу ўлкада ҳам қадимдан мавжуд бўлган ва бу миллий кураш тури ўз амалларини ҳам тўлиқ сақлаб қолган дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу мақолада Россияда бел олиш кураш тарихини Россия Федерацияси таркибида яшаган туркий халқлар, хусусан татарлар тарихи билан боғлаб ёритишга ҳаракат қилдик.

Шаҳобиддин Маржоний ҳақида



6-расм. Татар ботири
Шаҳобиддин Маржоний
(1918—1989).

Татар-бошқирдлардан XIX аср ҳамда XX аср бошларида катта полвонлар етишиб чиққанлар. Улардан бири татар миллатига мансуб Шаҳобиддин Маржонийдир (6-расм). У 1918 йил 3 январда Қозондан 50 км нарида, Ябинчи қишлоғида дунёга келган. У дастлаб ўзларидаги «Ташкечу», кейин Бухородаги «Кўкалдош», ундан сўнг эса Самарқанддаги «Шердор» мадрасасида билим олиб, ўз юртига қайтади. Шундан сўнг у 1850 йилдан Қозоннинг биринчи жоме масжидида имом бўлиб ишлайди. 1867 йилда Қозон муфтийси этиб тайинланади. 1870 йилда Маржоний мадраса очиб, 1876—1884 йилларда диндан сабоқ бера бошлайди. Шу билан бирга, татар ўқитувчилар мактабида ҳам дин дарслари олиб боради ҳамда университет қошидаги археология, тарих, этнография жамияти аъзоси бўлиб, унинг ишида фаол қатнашади. Шаҳобиддин Маржоний 1889 йилнинг 18 апрелида вафот этади.

Бугунги кунда «Қобон» (чўчқа) кўли бўйидаги масжид, Татаристон Фанлар академиясининг тарих институти ҳамда миллий татар гимназияси унинг номи билан аталади. Азиз китобхон, энди бу қахрамонимизнинг ёшлик чоғлари ҳақида икки оғиз сўз. Шаҳобиддин Маржоний ёшлик йилларида катта паҳлавон бўлган. Унинг довюраклиги 15 ёшида

маълум бўлган. У синглиси ва Садриддин исмли укасини бир эшикка ўтқазиб, тегирмоннинг тезоқар суvidан — Тошкечувдан бир чақирим наридаги «Кисма» қишлоғига олиб борган. У ёшлик чоғидан бадантарбия билан шуғулланиб, соғлом, бақувват бўлган. Садриддин ҳазрат у ҳақда шундай ёзади: «Маржоний ҳар жиҳатдан кучли бўлиб, курашни жуда яхши кўрган. Кураш сирларини яхши билган. Ёшлигида— болалик чоғида Тошкечув ва қўшни қишлоқ сабантўйларида йирик кучли полвонларни енгган». Шунинг учун у Тошкечув ва бошқа тарафларда «ботир полвон» номини олган. Яна бошқалар Маржонийни «Шаҳобиддин ботир» деб тан олганлар. Бир вақтлар — Шаҳобиддин 19 ёшлик пайтида, атроф қишлоқларда Ибрай деб танилган машҳур полвон билан кураш тушишига тўғри келади. Уни ёшсан, деб курашмасликка ундашибди. Уларнинг сўзига кирмай курашиб, Ибрай ботирни енгибди. Садриддин ҳазратнинг ёзишича, Маржонийнинг бир одати бўлган, у ўзи бир маротаба йиқитган киши билан бошқа курашмаган. Бундан ташқари, унга ютқазган кишиларни енгган кишилар билан ҳам курашмаган. 1951 йилда Қозонда чоп этилган «Маржоний» номли китобда у ҳақда жуда кўп маълумотлар берилган.¹

Ҳадий Атласий ҳақида

Татар халқининг яна бир паҳлавон ўғлонларидан бири тарихчи, жамоат арбоби, «Бунис» мадрасасида ўқиган Ҳадий Атласийдир (1876—1938) (7-расм). У 1903—1909 йилларда Бугулма туманининг Алмет қишлоғида имом хатиб бўлган. Шу қишлоқда мадраса қошида қизлар мактабини очган. Қозон ҳамда Сибирь хонликлари тўғрисида кўп маълумотлар ёзиб қолдирган. Россия II думасининг депутаты (1907) ҳамда миллий мажлис депутаты (1917—1918) бўлган. Ҳадий Атласий (1898—1903 йилларда) мадрасаларда ишлаб юрган пайтларида эл танилган машҳур курашчи бўлгани маълум.²



7-расм. Татар ботири
Ҳадий Атласий.
(1876—1938)

Ҳафиз Бароза

Яна бир татар курашчиларидан Ҳафиз Бароза «Чобаталы батыр» номи билан машҳур бўлган. Татаристон қишлоқларида асрлардан асрларга ўтиб келган халқ томошалари бўлиб, бу ерларда чаққон, кучли, эпчил одамни аниқлар эдилар. Албатта, бу томошаларда кучли ботир курашчилар аниқланар ва элнинг оғзида дoston бўлар эди. Ана шундай ботирлардан Қозон орқасидаги Бароза қишлоғидан Ҳафиз Саҳибулин (Ҳафиз Барозий) 1910—1940 йилларда кураш майдонида ажойиб галабаларни қўлга киритган (8-расм). Бароза қишлоғилик Саҳибулло исмли курашчининг ўғли Ҳафиз 16 ёшида курашда отасини ютибди,

¹ И.Г.Ильдарханов. «Мы родом из «Курэша». Казань, «Гасир», 2003, с. 14.

² И.Г.Ильдарханов. «Мы родом из «Курэша». Казань, «Гасир», 2003, с. 16.



8-рasm. Татар ботири
Ҳафиз Бароза.

деган гаглар майдонларда курашувчилар уйқусини қочирибди.

Қозон шаҳрида бўлиб ўтадиган Сабантўйларининг бирига петербурглик бир полвон келади. У полвоннинг вазни йирик –140 кг экан. Қишлоқ одамлари, мана бизнинг ботир, деб Ҳафиз Барозийни кўрсатишибди, петербурглик полвон уни кўриб, назарига илмай кулиб қўйибди. Кураш бошланибди, 140 кг ли полвон ўзидан 40 кг енгил Ҳафизни енга олмабди. Кураш авжига чиқиб, Ҳафиз уни икки маротаба силтаб кўтариб ерга урибди ва петербурглик полвон икки елкаси билан йиқилибди. Буни кўрган халқ хурсанд бўлганидан ўрнидан туриб

кетибди. Шу воқеадан сўнг «Қозон орқасида бир полвон чиқибди», деган хабар Бошқирдистонга ҳам етиб борибди. Бу воқеадан сўнг уни Бошқирдистондаги сабантўйларга ҳам таклиф қила бошлашибди. Октябрь тўнтаришидан сўнг Ҳафиз Барозий Қозон циркида кураша бошлабди. У циркда ишлашни ўзига эп билмай, яна ўз қишлоғига қайтади. У жуда ҳам кучли курашчи бўлиб, отни эгари билан кўтариб ташлар экан. Кунлардан бир куни бозорда ўтин тўлдирилган чанани кўрибди. Лекин у ўтинни сотиб олиш учун сотувчи билан келишолмабди. Барозий сотувчига, бир кўтара ўтиннинг пулини ол, дебди. Сотувчининг аччиғи келиб, «агар сен шу ўтинни чанаси билан кўтариб кета олсанг, шу сеники», дебди. Шунда Ҳафиз ўтинни чанаси билан кўтариб кетган экан.

Ўша даврларда полвонларни бойлар қўллаб-қувватлаши туфайли «фалончи бойнинг ботири» деб аташар экан. Бойлар доимо полвонларни ўзлари билан сабантўйларга олиб борганлар. Айтишларича, Ҳафиз Барозийнинг 1946 йилда ҳам курашганлиги маълум. Унинг фарзандлари Қозонда яшаганлар. Уларнинг айтишларича, оталари ҳақиқатан кучли полвон бўлган.¹

Тарихга назар ташласак, 1920–30-йилларнинг яна бир зўр татар ботири ҳақида билиб оламиз. У Дебъяз яқинидаги Ола-Битамон қишлоғидаги Хайрулло оғанинг 1904 йилда туғилган ўғли Шайдуллодир. У яқин қишлоқларда бўлиб ўтадиган сабантўйларда ғалабаларга эришади. 1928 йил июнь ойида Қозонга Қозоғистон, Бошқирдистон, Чувашия, Мари республикасининг Вятка ўлкасидан курашчи-полвонлар келадилар. Улар саралаш кўригидан ўтиб, Бутуниттифоқ спартакиадаси қатнашчиси ҳуқуқини оладилар. Август ойи бошида ўтказилган бутуниттифоқ спартакиадасида 24 ёшли Шайдулло Хайруллин ғолиб бўлиб қайтади. У 1929–30-йилларда Ҳафиз Барозий билан ҳам курашиб, ғалабага эришади. Кейинчалик Шайдулло оиласи билан Владимир ўлкасига бориб, ёлланиб ишлайди. У ерда 5–6 йил яшаб, сўнг Москвага кўчиб ўтади.

¹ И.Г.Ильдарханов. "Мы родом из "Курэш"а". Казань, "Гасир", 2003, с. 17.

Татар халқининг бу таниқли забардаст полвонини 1942 йилда бешафқат ўлим ўз домига олади.

Шайдуллонинг укаси Самигулло ҳам кучли курашчи бўлган. II Жаҳон уруши бошланганида урушга кетиб, бадарак йўқолади. 1947 йилда унинг хотини икки боласи билан Бурятияга кетади. Унинг ўғилларидан бири – Нодир ботир отасининг қишлоғига қайтиб, 1970 йилларда сабантўйларда кураш тушиб, ғалабаларга эришади. Шайдулло, Самигулло, Ҳамидулло ва синглиси Сабира вафот этиб кетишган. (Охиратлари обод бўлсин.) Ҳозирги кунда бу ботирлар авлодидан Сабиранинг қизи Ҳалима ҳаёт бўлиб, у шу ботирлар зурриетидир.¹

Мана кўриб турганимиздек, татарларнинг кураши узоқ тарихга эга бўлиб, ҳозир мутахассислар томонидан чуқур ўрганилмоқда. XVIII–XIX асрларда татарлар катта кураши — Сабантўй Қозон шаҳрининг катта хиёбонида — «Қобон кўли» (Чўчка кўли) ёнида ўтар эди. Бу ерга руслар, украинлар, кримлар, кавказликлар, ҳатто Ўрта Осиёдан полвонлар ташриф буюришган. Бу ерда кўплаб полвонлар ном чиқарган. Улардан Абдулла Оренбурли, Ҳафиз Барозий, Курс Қориси, Мангара Ҳабибулин, поляк Франц Залецкий, Добрий-Рабий, Ҳожимўқон ва бир қанча донгдор полвонларни айтиш мумкин. Кези келганда шуни айтиш жоизки, татарлар XVIII асрдан то бугунги кунгача сабантўй ғолибларининг бир қанчасининг номларини кундаликларида сақлаб келганлар.

Татарларда бир яхши одат бор, улар қайси соҳанинг эгаси бўлмасин, татар кураши олдида бирдек бўлиб кетаверади. Татар йигитлари, ҳаётида бир маротаба бўлса ҳам курашади ёки томоша қилади, қўллайди, ҳеч бўлмаганда ҳаётида кураш мавзусига рўпара келади. Улар қаерда бўлмасин, қаерда яшамасин, кураш ҳамиша улар билан бирга. Улар ўзларининг бир неча йиллардан буён етишиб чиққан ғолибларини аниқладилар. Жумладан: XX асрнинг 60-йилларида танилган ботирлардан Ахат Зокиров, Виталий Кузнецов, Радис Сайфуллин, Батир Сабантуев; 60–70-йиллардаги Асхат Гайфуллин, Нешль Ҳамидуллин, Раббани Гайфуллин; 70-йилларда танилган Васил Гарифуллин, Фидаил Шакиров, Гейнитдин Мухаммадиев, Виссарион Какашев, Ганиф Бурганов, Экзам Губайдуллин, Фаил Ахмадиев, Фазил Ахметзянов, Данил Галиев; 80-йилларда танилган ботирлар Асхат Фахрудинов, Габбас Ахмадиев, Салават Юсупов, Рим Синякаев, Фарил Фатийхов, Максим Васильев, 80–90-йиллардаги ботирлар Марсел Тагиров, Рашит Семигуллин, Ранил Ҳамитов, Рустам Гиниятов, Рафаэль Сафиуллин, Халил Шайхутдинов, 1990–2000 йилларда Рафил Ахметханов, Айрат Гилаев, Айдар Хайретдиновлардир (9-расм). Татарлардан кўплаб бел олиш курашчиларини айтиш мумкин, биз улардан айримларинигина эсга олдик, холос. Уларнинг халқаро, жаҳон ва олимпиада ўйинларида қўлга киритган медалларини ҳисобга

¹ И.Г.Ильдарханов. "Мы родом из "Курэш"а". Казань, "Гасир", с. 18.



9-рasm. Татарча «Бел олиш кураш» мусобақаси.
1970—1999 йиллар Қозон шаҳри.

олсак, татарлар ҳамдўстлик давлатлари ўртасидаги туркий миллатлар ичида кураш бўйича энг юқори ўриндадирлар.

Шунинг учун ҳам улар: «Биз курашли халқмиз», дейишади.

Бошқирдистон

Бошқирдлар ҳам татар халқи билан ёнма-ён яшаб келган, урф-одати, тили, дини, кураши бир халқдир. Улар ҳамиша дўст-биродар бўлиб келган. Шунинг учун бўлса керак, татар-бошқирд кураши бир қоидада курашиб келади. Бошқирдистоннинг пойтахти Уфа шаҳрининг ҳам тарихда ўз ўрни бор. Бу шаҳар қадимдан қанча-қанча курашларга гувоҳ бўлмаган, дейсиз. Бошқирдистоннинг ҳар бир шаҳар ва қишлоқларида сабантўйлар ўтказиб келинади (10-рasm). Улар ўз ҳаётини курашсиз тасаввур қила олмайдиган қадимий халқлардандир. Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» китобида бошқирдларни ҳам тилга олиб ўтади.

XIX – XX асрларда Уфа шаҳрида катта сабантўй курашлари ўтказилган. Бу курашларга Кавказ, Татаристон ва Ўрта Осиёдан полвонлар келиб курашганлар. Сабантўйда ном чиқарган полвонлардан бири



10-рasm. Бошқирдистон миллий кураши.

Исоқ полвон бўлган. У бир неча йил бошқирд полвонлари ичида машҳурлардан бири бўлиб келган.¹

Бошқирдистон кураши ҳақида кўплаб илиқ гаплар айтиш мумкин. Уфа шаҳрида бир инсон яшайди. Унинг исми Қудусов Фанис. Фанис полвон Уфа бошқирд курашчилари ичида кўп маротаба ғолиб ва мутлоқ ғолиб бўлган курашчидир. Ҳатто унинг номида халқаро мусобақалар ўтказилиб туради. Чунки у шунга муносиб инсон. Хизмат кўрсатган мураббийдир.

Қорачай-Черкесия

Қорачай-Черкесия Кавказ республикаларидан бири бўлиб, Россия федерацияси таркибига кирувчи республикадир, бу ерда ҳам бир неча асрлардан буён бел олиш курашида курашиб келинади. Улар бу курашнинг номини «Тутуш» деб аташади. «Тутуш»нинг маъноси белбоғдан ушлаб амаллар бажариб, рақибнинг елкасини ерга теккизишдир. Қорачайларнинг тўйларида, байрамларида албатта курашлар бўлган ва ҳозиргача давом этиб келмоқда (11-расм).

Қорачай-Болқар халқи достонига кўра Сосрук номли навқирон нарт баҳодири кучли ва айёр Эмегенни курашда мағлуб қилади. Эмеген нарт халқининг чорвасини ўғирлайди, нарт халқи ундан чорва молларини қайтариб олиб келишини талаб қилади. Лекин Эмеген халққа шундай шарт қўяди: «Нартлар оқсоқоли мен билан кураш тушсин, ким ғолиб бўлса, шунинг айтгани бўлади», дейди. Оқсоқолнинг ёши ўтган, кекса одам бўлгани учун навқирон, довюрак Сосрук оқсоқолнинг ўрнига курашишни таклиф этади, оқсоқол бунга рози бўлади. Шундан сўнг Сосрук Эмегенга мурожаат қилади: «Сен курашда олдин мени енггин, сўнг оқсоқол билан курашасан», — дейди. Сўнг улар бир неча соат курашадилар, бу курашда Сосрук ғолиб бўлади, мағлуб бўлган Эмегенга кишан тақишади.

Бошқа бир афсонада айтилишича, Болқариядан кураги ерга тегмаган машҳур паҳлавон Қорачайга келади. Шу пайтгача паҳлавон ким билан кураш тушса, енгиб чиққан. Қорачай халқи бу паҳлавонга муносиб рақиб қидира бошлабди. Шунда бир қари чол келинининг ғайриоддий даражадаги кучи ҳақида гапириб берибди. Ёш келин манаман деган эркаклар эплей олмаган баҳайбат



11-расм. Қорачай-Черкесларнинг «Тутуш» миллий курашидан лавҳа.

¹ А. Буркитбаев. "Ходжи-Мукан". Алма-Ата. "Жалын", 1983, с. 57.

кўтосни (буйволни) бемалол соғар экан. Табиийки, Қорачайда аёллар кураш тушмас эди. Чолнинг илтимосига кўра келини эркакча кийиниб курашга келади. Икки рақиб қўл олиб кўришганда, аёлнинг кучли қўлларига дош беролмаган болқар паҳлавони курашдан бош тортади. Чунки аёл унинг қўлини сиққанда, у нақадар кучли эканлигига амин бўлиб, у билан курашишда энгилишига ақли етади. Шундай қилиб, аёл киши олдин елкаси ерга тегмаган паҳлавон устидан ғалаба қозониб, ўз халқининг обрўсини сақлаб қолади. Қорачай ва болқарларда ўзининг жисмоний кучи билан машҳур бўлган паҳлавонлар кўп эди. Уларнинг ҳар бири қишлоқларда қадимий бел олиш курашининг тизза миндириб ташлаш, оёқ ичидан эшиб ташлаш, ўгирилиб оёғидан кўтариб ташлаш амалларини чиройли бажариш билан, бугунги кунгача курашиб келмоқдалар.

XIX асрнинг охирида Қорачай-Черкесияда энг кучли полвонлардан бири Кочхар Абайханов бўлган. У ҳаётида бир марта ҳам курашда ютқазмаган. Кочхар ёшлик чоғидан оғир юмушлар қилиб, меҳнатда тобланган. У Жазлик (Джазлик) қишлоғида чорвадор оиласида туғилади. Кочхар қайсидир қилган айби учун Россиянинг марказий шаҳарларининг бирида қамоқда сақланади. Кунларнинг бирида шаҳар циркида паҳлавонлар ўртасида мусобақа бўлибди. Бу курашда қатнашган америкалик полвон ҳаммани ютиб, барчани лол қолдирибди. Курашни қамоқхона бошлиғи ҳам томоша қилибди. У бу курашни ташкил қилган шаҳар маъмурларига Кочхарни кураштиришни таклиф қилибди ва бу фикрини Кочхарга айтибди. Буни эшитган Кочхар «Мен кураш тушишим мумкин, бироқ куч-қувватим аввалгидай эмас», дебди. Шундан сўнг унга яхши овқатлар бериб, уч-тўрт кун дам ҳам беришибди. Бир неча кундан сўнг Кочхар курашиш учун майдонга чиқибди. Кочхар Абайханов ўйлагандай бел олиш кураш бўлмай, французча кураш бўлибди ҳамда куч ишлатишга ҳам рухсат берилибди. Кураш бошланибди ҳамки, Кочхар нима қилишни билмай, рақибининг атрофида айланиб юраверибди. Кураш давомида америкалик полвон бир мушт туширишга улгурибди. Новчадан келган, кураш кийимини кийиб, устига ёғ суртиб олган полвонни Кочхар Абайханов пойлаб туриб чап қўли билан кийимидан, ўнг қўли билан кучоқлаб ўзига тортиб, ўзи яхши кўрган «ёнбош» амалини қўллабди. Америкалик полвон икки елкаси билан йиқилаётганда ўзини тутиб қолиб ҳам, мост (кўприк) туришга ҳаракат қилиб ҳам ҳеч нарсага эриша олмабди. Охири ҳакамлар Кочхарнинг ғалаба қозонганини айтиб, курашни тўхтатишибди. Ғалабага эришган Кочхарга катта миқдорда пул беришибди. Кочхар Абайхановга пулдан кўра озодликка чиқиш муҳим эди. У қамоқдан уйига қўйиб юборишларини сўрабди ва уни озод қилишибди.

Яна Қорачайнинг машҳур паҳлавонларидан ака-ука Соббақ ва Юсуф Гочияевлардир. Соббақ 1890 йилда Қора-Юрт (Карт-Джурт) қишлоғида таваллуд топган. У ёшлигидан жуда кучли полвон бўлган. Соббақ 1912 йилда таниқли полвон бўлиб етишади. Ўша даврлардаги биронта тўй ёки байрам Соббақ Гочияевсиз ўтмайдиган бўлди. У 1927 йилда октябрь тўнтаришининг ўн йиллик байрамига атаб вилоятда

ўтказилган биринчиликда тўрт одамни бирин-кетин енгиб, ғалабага эришади. Бу байрамда бошқа спорт турларидан от спорти, тош отиш ўйинлари ҳам бўлиб ўтади. Шу мусобақада эндигина 16 ёшга тўлган Соббақнинг укаси Юсуф ҳам қатнашади. Кейинчалик у Қорачай шаҳрига келган полвонлар устидан икки маротаба ғалабага эришди.

Қорачай шаҳрига турли жойлардан полвонлар келиб, ўз кучларини намойиш қилиб, томошалар кўрсатиш одат бўлган эди. Ана шундай томошалардан бирига 1931 йилда америкалик Эдуард Крон келади. У томошаларда 10 одамни ёғочга ўтқизиб, елкасида кўтаради. Иккинчи кўринишда қўлини қулф қилиб олганда ўн одам тортиб уза олмайди. Кейин саҳнага Юсуф Гочияев чиқиб келади. У полвоннинг қулф ҳолатдаги қўлини бир томондан бир ўзи, иккинчи томондан эса ўн киши тортади. Юсуфнинг кучига бардош беролмаган полвоннинг қулф ҳолатдаги қўли очилиб кетади. Шундан сўнг Крон французча курашни таклиф қилади ва бирин-кетин икки одамни йиқитади. Навбат «тутуш» кураши устаси Юсуфга келади. У одамлар талаби билан саҳнага чиқади. Юсуф французча курашни билмаса ҳам, бир неча вақтдан кейин «тутуш» амалини қўллаб ютади. Улар билан ҳамиша Кабардин-болқар полвонлари Кавказ республикаси халқлари мусобақаларида қатнашганлар. Кабардин-болқарлар ҳам «тутуш» мусобақаларида яхши натижалар кўрсатганлар. Кавказ халқининг биринчи спорт байрами 1925 йилда Владикавказнинг Орджоникидзе шаҳрида, иккинчиси 1927 йилда Нальчик шаҳрида, учинчиси 1936 йилда Пятигорскда бўлиб ўтади. Уларнинг ҳар бирида команда ҳисобида қорачой-черкеслар ғалабага эришганлар. Улар билан бирга Кабардин-Болқар, Шимолий Осетия спортчилари яхши натижаларга эришганлар.¹ (12–13-расм).

Кавказликлар ичида бел олиш курашидан ҳамиша Қорачай-Черкес республикалари биринчи ўринда бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Қорачай-Черкес ва Кабардин-Болқар бел олиш курашининг дастлабки асосчиларидан бўлиб миллат фахри бўлган паҳлавонлар етишиб чиқдилар. Жумладан, қорачайликлардан Кочхар Абайханов, Кочхар Кочхаров, Соббақ ва Юсуф Гочияевлар, Али Узденов, Адей Салпагаров ва Касим Семёнов; болқар паҳлавонларидан эса Хаджи-Мурат Асыев, Бисолтан Шамшаев, Бисолтан Туалиев, Богатир Лепекаев, Рамазан



12-расм. Бел олиш кураш кабардин-болқарларнинг ҳам сеvimли спорт тури.

¹ Х. К. Байрамкулов. «Тутуш». Ставропольское книжное издательство Карачаево-Черкесское отделение. Черкесск. 1971. с. 6–11.



13-расм. Бел олиш кураш кабардин-болқарларнинг ҳам миллий курашидир.

галабаларда Россияда хизмат кўрсатган мураббий Азред Жонкетовнинг хизмати беқиёсдир, чунки бу инсон бел олиш кураш келажагига умид билан қараганлардан бири, бу соҳада унинг меҳнатлари беқиёсдир. Шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Бел олиш курашини жаҳон майдонига олиб чиқиш учун халқаро семинар 2002 йилда иккинчи марта Қорачай-Черкесияда, дастлаб пойтахт Черкесия шаҳрида ўтказилди. Шунда бизга уларнинг фахрий устозларидан Герман Хаджимуратов ва мураббийлардан Куркмазов Алимбек ҳамроҳлик қилдилар. Семинар тугагач, улар бизга бир савол билан мурожаат қилдилар: «Мана, сен бизнинг «Тутуш» бел олиш кураш мактаби полвонлари билан танишдинг, қани айт-чи, келажакда қайси мамлакатларнинг курашчилари жаҳон ғолиблигига даъвогар». Шунда камина уларга: «Яқин келажакда сизлардан жаҳон чемпиони чиқади», деган эдим. Улар бу сўзларни эшитиб, кўзларига севинч кўз ёшлари келиб, «илоҳим айтганинг келсин», деган эдилар. Мана шу умидни Ринат Акбаев 2003–2007 йилларда 5 марта жаҳон ғолиблиги, бир неча бор Европа ғолиблиги ва бир неча йирик халқаро турнирлардаги олтин медаллари билан оқлади. Қорачай-Черкесиядан ҳали кўплаб истеъдодли бел олиш кураш усталари чиқиши тайин, чунки бу халқ азалдан бел олиш кураш билан шуғулланиб келган.

Гуттаев ва бошқалар. Бу фахрий спортчиларнинг анъаналарини кўплаб қорачайликлар давом эттирдилар, улардан: Султон Теккеев, Азрет Беккиев, Азрет Чеченов, Юрий Гажанов, Руслан Бойонсузов, Борис Батчаев, Саид Курджиев, Саид Карабашев, Умар Абдуллаев, Али Могомедов, Шамил Бархозов, Назир Байрамкулов, Альберт Албатов, Саппар Елканов, Хизир Ульбашев, Борис Кочкаров, Абдухасан Богатирёв, Руслан Сариев, Осман Джуржубаев, Азрет Жонкетовлар кўп марта ғолиблик супасига чиқдилар.¹ Яқин йиллар ичида Қорачай-Черкесия республикасининг обрўсини кўтарадиган полвони пайдо бўлди. У Акбаев Ринатдир. Вазни 90 кг бўлган бу курашчи ажойиб ғалабаларга эришмоқда. Албатта, ҳар бир ғалаба ўз-ўзидан бўлмайди. Бу

¹ А.Т.Кодзаков. "Северокавказская национальная борьба". Нальчик. Издательский центр «Эль-ФА», 1997, с. 13.

Қалмиқлар миллий кураши

Қалмиқларнинг маҳаллий «Халыг унн» газетасида (1997 йил) қалмиқларнинг миллий кураши ҳақида сўз кетганда, унда бу кураш тури келиб чиқиши бўйича мўғил-ойротларнинг жуда қадимий маданий мероси эканлиги айтилади, (14а,б-расм). Халқ оғзаки ижодининг авлоддан-авлодга ўтиб келган дostonларидан курашнинг қандай ривожланганини, қандай йўналиш бўлганлигини билиб оламиз. Мўғил-ойротларнинг қадимий халқ оғзаки ижоди намуналарига кўра курашнинг келиб чиқиши ҳарбий юришларга бориб тақалади. Курашчининг мағлубияти ёки зафарига қараб бутун бошли қабила тақдири ҳал бўлган. Қалмиқлар «Джангар» (Данғара) номли халқ достонида ботир-



а



б

14а, б-расм. Қалмиқларнинг «Ноолдан» миллий курашидан лавҳалар.

лар кураши кўп ҳолларда у ёки бу тарафнинг зафари ёки мағлубияти билан тугаган. Курашчи ботирлар у вақтда ғайриоддий кучга эга бўлишган. Улар ҳақида тури хил афсоналар тўқилган. Масалан, афсонавий қаҳрамонлардан Хонгр Алийшер, Савр-Оғиркул, шу жумладан, Мазн-ботир, Митр-Нойон ва бошқалар.

XVII асрга келиб Россияга мўғил-ойротларнинг қўшилиши қалмиқ халқ курашининг оммалашиб кетишига сабаб бўлди. Россияга қўшилган пайтда қалмиқ миллий кураши фақат юқори табақалар ичида намойиш қилинган. XVII–XVIII асрларда хон ҳузурида сарой курашчилари пайдо бўла бошлаган. Қалмиқ оиласида ўғил туғилганда катта зиёфат уюштирилган. Бундай зиёфатларда қалмиқ халқ кураши асосий томошалардан ҳисобланган. Қалмиқ элига бошқа юртлардан меҳмонлар келганда халқ паҳлавонлари ўз кучлари ва курашларини намойиш этардилар. Бундай намойишларда хон ва унинг мулозимлари бир томон, диндорлар эса бир томон бўлардилар. Мусобақаларда курашчиларга соврин тариқасида от, сигир ва қўйлар берилар эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб қалмиқ бел олиш кураш шунчалик оммалашиб кетдики, нафақат хон саройида, балки оддий овулларда бўлиб ўтадиган тўйларда ҳам паҳлавонлар ўз кучларини синай бошладилар. Бу вақтга келиб ўзига яраша кураш мактаби очилиб, курашчилар тобора кўпайиб борди. Йилнинг иссиқ вақтларида қариялар қулай жойда ёшларни кураш тушишга ўргата бошлашди.¹ Кўп тарихий манбаларда таъкидланишича, қалмиқлар жуда уюшган, жангари бўлишган. Улар Ўрта Осиё халқлари билан кўплаб урушлар олиб борган. Ҳатто қирғизларнинг «Манас», ўзбекларнинг «Алпомиш» дostonларида, қозоқларнинг тарихий китобида, Ҳамид Зиёевнинг «Сибирлик ўзбеклар» китобида қалмиқлар тўғрисида сўз боради. Унда шундай дейилади: «Қалмиқлар ёки жунқорлар мўғиллардан келиб чиққан халқ бўлиб, дастлабки вақтларда Сибирь билан Қашқар ўртасидаги ҳудудда Олтойдан то Или дарёсигача бўлган ерларда яшаганлар. Улар қозоқ ва қирғизлар устидан галаба қилиб, Или водийсида, ҳозирги Гулжа ўрнида ўзларининг пойтахтини барпо этганлар. Улар XVI асрнинг охирларидан то 1756 йилгача Шарқий Туркистон устидан ҳам ҳукмронлик қилганлар».²

Қалмиқларнинг Ўрта Осиё шаҳар ва вилоятларига тез-тез ҳужум қилиб турганлиги ҳақида манбаларда айтиб ўтилади. Шунингдек, муаллиф: «Кўчманчи қалмиқларнинг сиқуви остида қозоқлар ўз ерларидан ўтовлари ва чорва моллари билан Самарқанд вилоятига келдилар», деб такидлайди.³

Биз бежиз қалмиқлар тарихига тўхталмадик. Қалмиқларнинг бел олиши ҳам узоқ тарихга бориб тақалади. Бу тўғрида кўп манбаларда

¹ Қалмиқ миллий розномаси "Хальмг унн". "Калмыкская национальная борьба". 1997 йил.

² Х.Зияев. "Сибирлик ўзбеклар". Ўз ССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1958 й., 17-бет.

³ Х.Зияев. "Сибирлик ўзбеклар". ЎзССР давлат нашриёти, 1958 йил, 16-бет.

ёзилган. Ўзбекларнинг «Алпомиш» достонида шундай сатрларни ўқий-
миз. Достончи Фозил Йўлдош ўғли йўналишида:

*Оҳ урса оламни бузар товуши,
Тўқсон молнинг терисидан ковуши.
Одам тушунмас унинг айтган сўзига,
Беш юз қулоч арқон етмас унинг белига...
Қаҳрланса тошни ёрар қаҳри,
Тўқсон норнинг гўшти бўлмас наҳори.
Ҳар изига кетар анча баҳори,
Шундай қалмиқ келиб турди майдонга.*

Алпомиш билан олишишга келган қалмиқ паҳлавонларининг азаматлиги ишонарли муболага билан кўрсатилган. Достонда Ойбарчин Алпомишга шундай танбеҳ беради:

*Йиқолмасанг, тўра, навбат тилайин,
Эркак либосини ўзим кияйин.
Бор кучимни билагимга йиғайин,
Бу қалмиқни пора-пора қилайин.
Мардлар олишмайди, силтаб отади,
Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади.
Бу сўз Алпомиш юрагига бориб тегади.
Унинг ғурури қўзғаб,
Ёр сўзиман шердил бўлиб кетади,
Чирпиб Кўкалдошни кўкка отади...*

Мана шундай мисраларни ўқиб, қалмиқ халқининг ҳам кўп асрлардан буён бел олиш кураш тури билан шуғулланганининг гувоҳи бўламиз.

2000 йилда ФИЛА ташкилоти ташаббуси билан чоп этилган «Корни борьбы. Традиционные борющиеся стили» китобида ҳам қалмиқларнинг «NOOLDAN» деб номланувчи бел олиш кураш ҳақида сўз боради. Унда курашчилар доимо бир-бирларининг белидан қисиб туриши керак, рақибнинг елкасини ерга теккизиш голиблик ҳисобланади. А.Т.Кодзасковнинг «Шимолий Кавказ миллий кураши» китобида («Северокавказская национальная борьба») қалмиқларнинг бел олиш кураш ҳақида сўз боради. Унда шундай дейилади: «Қалмиқлар миллий кураши ҳам бошқа миллатларнинг курашларидай қадимий бўлиб, халқ сайилларида паҳлавонларни аниқлаб келганлар. Шу йўл билан ўзларининг афсонавий қаҳрамонларини кадрлаб, қалмиқ баҳодирлари номларини улуғлаб, бугунги кунгача бу анъаналарни давом эттириб келмоқдалар». Рус олимларидан Павел Небольсин 1852 йилда Қалмиқ чўлларини зиёрат қилиб шундай ёзган эди: «Қалмиқ кураши ўзига хос қизиқ жараёнки, қалмиқларга қўшни қабилаларда бундай жараён йўқ». Қадимги Олимпия ўйинлари каби полвоннинг голиблиги ҳақидаги хабар бутун қалмиқ халқига ёйилади. Октябрь тўнтаришидан сўнг миллий кураш фаоллашди. Вилоят, туман, қишлоқларда бирон-бир тадбир, байрамлар миллий курашсиз ўтмасди. 1921–1940 йилларда ҳамма мусобақаларда волгабўйлик Джанва Менкеев алоҳида ажралиб

турган. У қалмиқ кураши бўйича бир неча бор республика голиби бўлган. Унинг бўйи 176 см, вазни 85 кг, мускуллари йўғон бўлган. У майдонга чиққанда бутун вужуди билан рақибга қарши чаққон курашиб, рақибни 2—3 дақиқада мағлубиятга учратган.

Қалмиқларнинг миллий кураш федерациясини узоқ йиллар давомида бошқарган Анатолий Жемчуев 1975 йилда чоп этилган «Борьба» китобида шундай ёзади: «Курашчилар белбоғ орқали очиқ ерда курашадилар, улар бир-бирларини кўтариб ташлайдилар ва елкасини ерга теккизган ғалабага эришади. Қалмиқ паҳлавонларидан У. Тутаев, Б. Целенов, Д. Менкее, С. Мергенов, Басанг Қомушев, Санджи Мучкаев, Балтик Аджиев ва бошқалар халқ қахрамонлари эди».

Анатолий Жемчуев ўзи Самбо кураши бўйича собиқ иттифоқ спорт устаси бўлган. Кўплаб халқаро мусобақаларда қатнашган. Қалмиқ миллий кураши бўйича 1972 йилда «Советская Калмикия», 1996 йилда «Известия Калмикии» газеталарида мақолалар чоп эттирди. Унинг мақолаларида миллий кураш бўйича Шимолий Кавказ халқлари биринчилиги 1961 йилдан Доғистон, Кабардин-Болқария, Шимолий Осетия, Қорачой-Черкесия, Ингушетия, Адигеяда, шулардан 1972, 1977 ва 1981 йилларда Қалмиқ Республикаси шаҳарларида мусобақалар ўтказилганлигини гапириб ўтади.¹

Республика миқёсида ўтказилган қатор биринчиликларда кўп йиллар давомида миллий кураш бўйича кўплаб спорт усталари етишиб чиқдилар. Улардан Геннадий Утнасанов, Анатолий Цебенев, Алий Абдуллаев икки маротаба Шимолий Кавказ Республикасида голиб деб топилди. Бошқа курашлар ва миллий курашлар бўйича яна кўплаб фахрий спорт усталарини айтиш жоиз. Улардан Тул Балдашинов, Николай Колдаринов, Илья Зассев, Алтай Дорджиев, Михаил Арутюнов, Анатолий Жемчуев, Петр Конушний қалмиқ эли спортини бошқа элларга танитдилар. 1999 йилда Анатолий Жемчуев билан учрашиб, у кишидай фидоий киши Қалмиқ юртида ягона эканлигига амин бўлдим.

Биз ўйлаймизки, бугунги кунда Россия давлат дастурига кирган «Бел олиш кураш» спорт турига Қалмиқ Республикасида ҳам катта аҳамият берилади.

¹ «Известия Калмыкии». 26 декабря 1966 г.

XIV БОБ. ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТУРИ ВА УНГА ЎХШАШ КУРАШЛАР

Арманистон



1-расм. Арманларнинг «Лорьян» КОХ миллий кураши.

Арманларнинг «Лорьян» КОХ тур курашида ҳарбий энги узун кийимда, белга белбоғ боғлаб курашилади. Белдан пастдан ушлаш ман қилинади. Арманларда КОХ энг ривожланган миллий спорт тури ҳисобланади. II асрга оид Наваррсардиан қадимий қўлёмаларида, ўрта аср миниатюраларида, эпик дostonларда, Ахтамар оролининг черковидаги (X аср) чизилган расмларда ҳам бу спорт тури кўзга ташланади. КОХ кураши бир неча турга бўлинади.

1672 йилда Арманистонга саёҳат қилган Чардан ўз китобида ушбу спорт тури ҳақида баён қилади. Унда айтилишича, ўша даврдаги мураббийлардан Г. С. Турманиан ва К. Онтоянлар КОХ курашининг 365 амалини яратганлар.

Уларнинг ичида «Лорьян» КОХ кураши ҳолати бел олиш курашини эсалатади.

Франция

XVIII асрда юнон-рум курашининг ривожланиш даври бўлди ва унинг қоидалари яратилди. Ушбу қоидаларни яратишдан мақсад рақибнинг кийимини ечиб, яланғоч ҳолатга келтиришнинг олдини олиш эди.

Иккинчиси, курашда оёқларни ишлатишни камайтиришга эришиш.

Учинчиси, курашни ерда олиб бориш, бу усулнинг ҳарбий амалиётга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

Францияда қадимий курашнинг яна бир тури — «Гоурен» кураши бўлган. Унда рақибни йиқитиш учун кураш доимий ушлаш ҳолатида олиб борилар эди. Ғарбий Европада унча оммавий бўлмаган ушбу ер кураши Францияда ривожланиб кетди.



2-расм. Францияда XIX асрда «Гоуран» кураши энг оммавий кураш тури бўлган.

Шундай қилиб, цирк ареналарида ва мактабларида бу кураш билан шуғулланиш жадаллашиб кетади. XIX асрнинг энг яхши полвонлари Л.Дубис, Пауль Понс ва бошқалар Парижда таълим олган. Ўтган 2000 йил давомида Францияда кураш асосий спорт тури бўлиб келди. «Гоуран» Франциядаги энг оммавий кураш амалларидан эди. Унинг қоидасига кўра рақибини елкадан ошириб урган ғолиб ҳисобланарди. 1930 йилдан бошлаб қоидалар замонавийлаштириб олингандан сўнг бу йўналиш ривожланиб кетди (2-расм).

«GOURAN» (Гоуран) кураши ўз федерациясига эга. 1983 йил «Кельт» кураш халқаро федерацияси тузилди. Унинг аъзолари Британия, Исландия, Корнуолл, Шотландия, Нидерландия ва бошқа давлатлардир.

Бангладеш

Бангладеш кураши оммавий ҳисобланади. Курашнинг асосий мусобақалари янги йил байрамининг охириги 7-кунда бўлиб ўтади. Курашни ерда тушадилар. Ҳеч қандай категориялар ва вақт белгиланмайди. Ютган курашчи рақибини ердан узиши шарт. Кўллар ҳар доим белни босиб ушлаб туриши шарт. Шу ҳолатда оёқлар билан ҳаракат қилиш керак. Бу курашда ҳам бел олиш курашидагига ўхшаб турилади.

Англия ва Шотландия

«CUMBERLAN», «WESTMORLAND» кураш турлари амали шимолий Англия ва Шотландиядан келиб чиққан. Курашувчи жағини рақибнинг елкасига қўйиб, унинг белидан маҳкам қисиб ушлаб мусобақани бошлайди. Энг асосийси оёқ таянч ҳисобланади. Курашувчи рақибни кўлидан чиқариб юборса, у мағлуб ҳисобланади. Оёқдан ташқари тананинг ҳеч қайси жойи ерга тегиши керак эмас. Кўтарганда агар иккаласи баробар йиқилса, биринчи бўлиб йиқилган ва тагида қолган мағлуб ҳисобланади (3-расм).

Агар икки курашувчи баравар йиқилса, ҳакамлар олишувни давом эттиришади. Ҳозирги пайтда бу кураш 8 вазн тоифасида ташкил этилади, айланма тур бўйича курашилади.



3-расм. Англия ва Шотландиянинг кучоқлаб курашиш тури.

Канар кураши (Канар ороллари кураши)

Мусобақа 10 м ли айлана ичида ўтади. Курашувчилар оёқяланг бўлиб, пахтали шим-кўйлак кийишади. Шимнинг почаси қайириб кўйилади. Бел олиш курашига ўхшаш улар фақат шимдан ушлашади. Курашувчи ерга йиқилса ёки тиззаси ерга тегса, мағлуб ҳисобланади. Курашувчилар уч-беш маротаба иргитади. Жамоа бўлиб курашганда 12 та вазн иштирок этади (4-расм). Мана шу кураш билан Андалусия ва Жанубий Америка ҳамда Венесуэла давлатларида ҳам курашилади.



4-расм. Канар ороллари кураши.

«LEONIAN» кураши Испаниянинг Леон вилояти кураши

Бу курашда ҳар бир жамоа 12—20 кишидан бўлиб курашади. Бу кураш техникаси профессионал жиҳатдан кучли, курашувчилар мусобақани рақибнинг белбоғидан иккала қўли билан ушлаб бошлайди. Мусобақа уч учрашувдан иборат, икки карра рақибини йиқитган ғолиб ҳисобланади. Рақиблар кураш давомида ҳар доим бир-бирининг белбоғини ушлаб туриши шарт, оёқдан таянч сифатида фойдаланилади (5-расм). Мувозанат ҳолатини ушлаб туриш муҳим ҳисобланади. Ўзининг мувозанатини ушлаб рақибини мувозанатдан чиқариш керак. Бу амалда курашган паҳлавонлардан энг машҳурлари Н.Гонзалес, Д.Серранолар бўлган. Португалиядаги «GALFAVA» (Калфава) кураши ҳам худди шундай анъанавий амалларга эга.



5-расм. Испания «Леон» кураши.

Италия «Систрумпа» (SISTRUMPA) кураши



6-расм. Систрумпа кураши.

кучоқлаб ушлаб туриши керак. Курашчилар учрашганда ялангоёқ, оқ иштон, унинг устидан қизил камзул ва қора калта этик кийиб курашганлар. Оғирлик 5 вазнда белгиланади: 62 кг гача; 62—68 кг гача, 68—74 кг гача, 74—81 кг гача ва 81 кг дан юқори вазндагилар ўртасида. Мусобақа давомида курашчилар бир-бирини итариб, қайириб, иргитиб ташлайдилар. Ғалабага эришиш учун курашчи рақибнинг елкасини ерга теккизиши шарт. Тиззалаб йиқитиш мумкин эмас. Чиройли ҳаракатлар амалга оширган курашчи ғолиб ҳисобланади. Мусобақа 3 мин, давом этади. Кураш 8x8 м ли майлонда ўтказилади. Кураш қоидалари кўп жиҳатдан Ўрта Осиё курашлари қоидаларига ўхшаб кетади.

Италияда Систрумпа (SISTRUMPA) кураши қоидалари қарияларнинг хотиралари ва тарихий ҳужжатларга асосланиб тузилди. Бу кураш мусобақалари ҳудудий байрамларда уюштирилиб, унда Сильвестр Сталлоне ва Арнольд Шварцнеггер каби машҳур одамлар қатнашган. 1989 йилда Систрумпа (SISTRUMPA) кураши чемпионатида уч тоифа ёшлар гуруҳлари иштирок этди. Бу мусобақада мутлақ ғолибликни Тононо Массиони қўлга киритди (6-расм). Мусобақа давомида рақиблар бир-бирини

Скандинавия

Скандинавия мамлакати кураш маданияти ўз қирраларига эга. Курашчилар ҳақида «Калавале» (KALAVLA) эпик достонида ҳам ёритилган. Викинглар ўз фарзандларини беш-олти ёшлигидан курашга ўргатишган. Мусобақалар ташкил қилиниб, қимматбаҳо совринлар қўйилган. Турли халқ сайиллари ва байрамлар кураш мусобақасисиз ўтмас эди. Норвегияда Исландия аъъанавий кураши акс этган «Глима» кураши ҳайкалчаси XII асрда яратилган.

Исландиянинг «Глима» курашида рақибни шимидан ушлаб, оёғидан йиқитилган. 1907 йилда Аурерида қоидалари қабул қилинди. Чемпион кумуш белбоғ соҳиби бўлган. «Глима» нинг маъноси «ёниб турувчи, ёруғлик»дир. Бу кураш турида 1908 йилдан чармдан белбоғ тақиш қоидаси киритилган. Мусобақанинг вақти чегараланган, ку-

рашчиларга ўнг қўлни қўйиб юбориш тақиқланган, рақибни белидан сиқиб оёқларга таяниб кўтариб ташланади. Танасининг қайси қисми ерга тегса ҳам мағлуб бўлади. Мусобақалар уч хил вазн тоифасида ташкил этилган.

Эрон Ислом республикасининг миллий кураш турлари

Эрон Ислом республикасининг бир қанча миллий кураш турлари мавжуд. 1985 йилда «Ифрон» нашриёти муаллиф Абулхусайн Малек Муҳаммадийнинг «Анъанавий, тубжой ва маҳаллий спорт турлари» китобини босмадан чиқарди. Биз ушбу китобдаги Бел олиш кураш турларига ўхшаш беллашувлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Лурий кураши

Маҳаллий курашнинг бу тури Луристон вилоятининг турли минтақаларида «куштие даст зирболо» ёки «софуне» деб номланиб, қадим замонлардан бери вилоятда яшовчи кўплаб қабила ва уруғлар ўртасида кенг тарқалгандир.

Курашнинг бу тури бўйича мусобақалар маҳаллий кийим ва оёқ-яланг, соз ва даҳл (ноғора, катта барабан) жўрлигида ўтказилади.

Мусобақа икки киши ўртасида ўтказилади. Кураш тушиш вақти 15 дақиқа бўлиб, тўхтовсиз равишда давом эттирилади. Агар кўрсатилган вақт давомида натижа қўлга киритилмаса, 5 дақиқа танаффусдан сўнг мусобақа қайтадан бошланади.

Кураш қуйи ва юқоридан қўл олиш билан бошланиб, курашчилар грек-рим, эркин курашлардан фарқли равишда қўлга нисбатан фақат қўл ва оёққа нисбатан фақат оёқ ишлатадилар, оёққа нисбатан қўлдан фойдаланиш ёки унинг аксини қўллаш мумкин эмас, чунки бу хато ҳисобланади. Кураш тушувчилар турли амаллар (приёмлар) ни қўллаш учун бир-бирларининг кийимларидан тутишлари мумкин.

Курашнинг бу турида қўлланадиган амаллар «ланг», «пўшти по», «қўлпўште» ва «фанни камар»лардан иборат. Мусобақа давомида кам-



7-расм. «Кушти даст зирболо»

ҳаракатлилик учун ҳеч қандай огоҳлантириш ёки фаоллик учун имтиёз (очко) берилмайди (7-расм. «Куште даст зирболо»).

(А.М.Муҳаммадий: Анъанавий, тубжой ва маҳаллий спорт турлари, 90-бет.)

Качгардон кураш

Зобил шаҳристонининг кўплаб чегера қишлоқларида кенг ривож топган, маҳаллий кураш турларига кирувчи «Кач гардони даст» кураши ҳозирда ҳам турли муносабатлар билан ўтказиб турилади.

Мусобақа ўтказиш тартиби

Маҳаллий кийим кийиб белига шолрўмол (белбоғ) боғлаб олган икки курашчи бир-бирининг белбоғидан тутганча куч синашишга тушади. Ҳарифини (рақибини) ерга ўтказа олган курашчи ғолиб ҳисобланади.

Курашнинг бу турида вазн ва вақт аҳамиятга эга эмас, кураш соатлаб давом этиши мумкин, одатда, бундай маросимларда ғолиб курашчи учун бир қўй мукофотга берилади.

Шолрўмол бир парча махсус маҳаллий матодан иборат.

Тос суюги «кач» деб аталади, курашнинг асосий амали «кач» устига тушиши сабабли курашнинг бу тури «качгардон» номи билан машҳур (8-расм. «Качгардон» кураши.)



8-расм. Качгардон» кураши.

(А.М.Муҳаммадий: Анъанавий, тубжой ва маҳаллий спорт турлари, 213-бет.)

Дасте бағал кураши

Форс вилоятининг «дасте бағал» кураши маҳаллий кураш турларидан бири бўлиб, ушбу вилоятнинг Арсанжон районидан кўпроқ шуҳратга эга. Курашнинг ушбу турида маҳаллий курашнинг бошқа кўплаб турларидан фарқли равишда деярли бир хил вазнга эга кишилар бел оли-



9-расм. “Дасте бағал” кураши.

шадилар. Икки курашчи вазнидаги ўзаро фарқ кўпи билан 5 кг бўлиши мумкин. Бу курашнинг бошқа маҳаллий курашлардан яна бир фарқи шундаки, унда бир мартагина ютиб чиқиш ёки мағлуб бўлиш етарли бўлмай, бу ғолиб ёки мағлубни аниқлаб бермайди. Икки киши албатта уч марта кураш тушадилар. Қатъий натижа уч марта бел олишишдан сўнг қўлга киритилиб, қуйидаги икки ҳолатдан бири шаклида бўлиши мумкин: 3:0 ёки 2:1.

Кўринишидан бундай тартиб «тасодифий» ёки «бир омад келиб ғолиб бўлиш» нинг олдини олади ва ғолиблик катта қудрат, маҳорат, кўпроқ ва юксакроқ тайёргарликка эга бўлган кишиники бўлади (9-расм. “Дасте бағал” кураши).

Бу кураш тўшак устида ёки курашчилар учун беҳатар ва муносиброқ ерда ўтказилади. Ҳарифлар (рақаблар) тўшак ёки мусобақа ўтказилаётган ернинг қарама-қарши икки томонида бир-бирларига юзма-юз турадилар, у ерни айланиб чиқадиладар, қудратларини намойиш этадилар ва ҳамла қиладилар. Ҳар иккила курашчи бир қўли билан рақибнинг қўлтиғидан ва иккинчи қўли билан унинг қўли устидан тутган ҳолат курашнинг расмий бошланиши ҳисобланади. Кураш тури атамасининг келиб чиқиши ҳам шу билан боғлиқ. Икки курашчи ўртасида куч синашиш шу ҳолатда бошланади. Кўпроқ қудратга эга киши ҳарифини кўтариб ерга уради. Фақатгина ерга уриш етарли эмас, ҳарифнинг орқаси ерга тегиши лозим. Кураш мана шу ҳолатда уч марта такрорланади ва кўпроқ ютуқни қўлга киритган курашчи мусобақа ғолиби ва қаҳрамони сифатида тан олинади.

Бу курашнинг муҳим ҳаракат ва амаллари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳарифни (рақибни) ўрnidан кўтариш;
2. Айлантириб йиқитиш, оёқни ҳариф оёғи устига қўйиш;
3. Биқинларни сиқиш;
4. Энгакни ҳариф кўксига қўйиш ва уни эзиш;
5. Ҳарифнинг икки оёғи ўртасига кириб уни бош узра кўтариш, айлантириш ва ерга уриш;
6. Қўлни ҳариф қорнига қўйиш ва уни бўйиндан ошириб ерга ағанатиш (бу ҳаракат катта тайёргарлик, тажрибага эга, ўз ишининг устасига

айланган кишиларгагина хос), бу жуда тез, чақмоқ тезлигида ўтказиладиган ҳаракатдир ва ҳозирги дзюдо кураши ҳаракатига ўхшаб кетади.

Хатолар

1. Сочлардан тутиш
2. Кийимдан ушлаш
3. Юзнинг бирор бир еридан тутиш
4. Моякдан тутиш
5. Ҳариф тирноқларига оёқ қўйиш ва уларни эзиш
6. Ҳариф баданига тирноқ ботириш.

Курашчилар кийими

Ўтмишда курашчиларнинг кийими оқ рангдаги узун кўйлак, қора рангдаги кенг иштон ва маҳаллий «гиве» (таги мато ва устки қисми тўқима пойабзал) дан иборат бўлган. Бундан ташқари белга белбоғ ҳам боғланган.

(А.М.Муҳаммадий: Анъанавий, тубжой ва маҳаллий спорт турлари, 244–246-бетлар)

“Анъанавий, тубжой ва маҳаллий спорт турлари” китобида Эрондаги вилоят миллий курашлари ҳақида маълумотлар берилади

Ношир: Эрон Ислом Республикасининг Миллий Олимпиада комитети.

Нашириёт: «Ирфон».

Китобда келтирилган кураш турлари, улар тарқалган вилоятлар номи

Вилоят номи	Кураш турининг номланиши	Бет
Гилон	Гиле мардий	41-44
Гилон	Бовўж	52-54
Бохтарон	Зирўболо	62
Хуросон	Чухе	73-74
Чаҳормаҳоли бахтиёрий	Мўқалли	83-84
Луристон	Лурий	90
Луристон	Жанг ёки журон	92-93
Занжон	Бағал бе бағал	108-110
Исфохон	Камарбандий	126-127
Фарбий Озарбайжон	Оширма	130
Язд	Лашкар каший	156-158
Мозандорон	Лучу	168-170
Мозандорон	Бо шол (кенг белбоғли)	171
Мозандорон	Чак чишт	172

Вилоят номи	Кураш турининг номланиши	Бет
Мозандорон	Туркманча кураш	173-174
Мозандорон	Камарий	175
Сейистон-Балужистон	Качгардон	213
Кермон	Кавирий	226
Илом	Даст зир даст боло	238
Форс	Дасте бағал (Даст бе бағал)	244-246

XV БОБ. Ўрта Осиёда жисмоний тарбиянинг муштлашув ва бошқа турлари ҳақида

Ўрта Осиё ҳудудларида кураш, муштлашув ва жисмоний тарбиянинг бошқа турлари милоддан олдин ва кейин ҳам бўлганлиги ҳақида бир қанча ашёвий далиллар топилган. Ана шундай далилларга бир қанча Ўрта Осиё ва шарқ олимлари ҳамда саркарда олимларнинг асарларида дуч келишимиз мумкин. Жумладан, туркшунос олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғоти турк», Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», буюк саркарда Бобурнинг «Бобурнома» асарларида шу спорт турлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Бел олиш кураш тури тарихини ўрганишда Ўрта Осиёдаги кекса паҳлавонлар билан ҳам учрашишга тўғри келди.

Энг қизиғи, Тошкентнинг Бешёғоч даҳаси маҳаллаларидан бирида яшаган кекса Мустафо Ҳалилнинг маълумотлари эди. Авваламбор, Мустафо Ҳалил тўғрисида икки оғиз гапириб ўтсак. У киши тақдир тақозоси билан 1931 йилда Қримдан Тошкентга келади ва шу ерда яшаб қолади.

У киши билан учрашганимизда, қизиқ воқеаларни баён қилган эди. Аввал айтиб ўтганимиздек, у киши 1932 йилда Бухорога ташриф буюриб, тўйда бел олиш курашини кўрганлигини ҳамда шаҳарнинг бир четида муштлашув машғулотларини кўрганлиги, худди ана шу жойда одамларнинг тўнғакка ўтириб, қалин кесилган дарахтга қўл тирсақларини қўйиб, кучларини синашганликлари ҳақида сўзлаб берган эди.

Мустафо Ҳалил 1985 йилда ўз кўрганлари асосида тадқиқотлар ўтказишни илтимос қилган эди. У ҳатто сўзини исботлаш учун ўша даврларда ўзбекларда табобат кучли бўлганлигини айтиб, шундай деган эди:

«Мен келган дастлабки йилларимда томоғим қаттиқ оғриб қийналганимда, бир кампир ҳеч қандай операциясиз, қўли билан ангинамни олиб ташлаган эди».

«Бел олиш кураш»ининг тарихи тўғрисида чуқурроқ маълумотга эга бўлиш учун олиб борган изланишларимиз чигаллашиб кетди. Сабаби, Ўрта Осиёда муштлашув, қўл панжа кураш (армреслинг), ҳатто Ўзбекистоннинг воҳа вилоятларида бел олиш кураш бўлганлиги бизни ҳайратга солди. Буларни исбот-далиллар билан кўрсатиш жуда катта меҳнат талаб қилар эди. Бунинг учун жойларга бориб, кекса

кишилар билан суҳбатлашиш ва улардан олинган маълумотларни манбалардан излаб топиш масъулияти бизга тинчлик бермади.

Кунлардан бир куни яқин танишимиз, зиёли олим Бурхон Набиев ҳақиқатдан Бухорода муштлашиш санъати бўлганлиги, бу ҳақда ўзи ўқиганлигини айтиб қолди. Лекин қайси китобдан ўқиганлигини эс-лай олмади. Ана шу келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, Бухорода бел олиш курашининг муштлашув ёки қўл панжа кураш (арм-реслинг) ўзбекча йўналиши бўлганлигини исботлаш учун далиллар зарур эди.

Шунинг учун манбаларни узоқ йиллар ўрганишга тўғри келди. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли кутубхона ҳамда республика давлат архивларида маълумотлар излашга тўғри келди. Қилинган меҳнат зое кетмади. Бир қанча керакли маълумотлар йиғилгандай бўлди.

Каратэга ўхшаш муштлашув санъатини Бухорода эшитган ва кўргани ҳақида Садриддин Айний ўз асарида ёзган.

Садриддин Айний давр мафқурасига мослаб бу муштлашув санъати ҳақида маълумот берган ва Ўрта Осиё халқлари ичида бу спорт тури қадимдан бўлганлигига ишора қилади.

Асарда шундай воқеа баён қилинади: «Муштлашувчиларнинг умумий номи «Олифталар» бўлган. Уларнинг кўпчилиги косиб, отбоқар, аравакаш, мешкобчи (сув ташувчи), шувоччи, дурадгор ва шунга ўхшаш оддий одамлар бўлган. Булар ҳокисор, хушмуомала, ширин суҳбатдош, одобли бўлишган. Улар ҳаммаси сўзга чечан бўлганлиги сабаб «Олифталар» деб умумий ном билан аталганлар. Биров лоф гапирса, улардан бири «Кўп баланд кўтарилма, баландга кўтарилганлар йиқилган еридан туролмайди» — дер эдилар.

Агар бировнинг бемаъни гапи ёқмаса: «Жим тур, йўқса оғзингни эски калишга айлантираман» дер эди. Улар калиш расм бўлмасдан олдин ковуш сўзини ишлатар эдилар. Эски калишни кўрганларидан кейин бу сўзни муносиброқ деб ишлатишган. Ана шу одамлар ўзининг баданини чиниқтирган, сўнг бошларига коса-товоқ, ҳатто кўзаларни уриб синдираар эдилар. Бу билан улар ўзларининг калла уриш маҳоратларини намойиш қилар эдилар. Улар шу ҳунарлари туфайли базмларга битта-яримта ёш йигит келиб қолса, уларни ўғри ва ҳар хил ёмон одамлардан зарар кўрмаслиги учун уйигача кузатиб қўйишган. Дўстларига жонларини қурбон қилишга тайёр, душманга душмандай, лекин мардга мард бўлганлар. Уларнинг ичидан битта-яримта безори чиқиб қолса, унга шафқатсизларча жазо беришган.

Уларнинг ичидаги ҳар қандай келишмовчилик яккама-якка курашиш йўли билан ҳал қилинган. Уларнинг дуэли европалик аслзодаларникидан фарқ қилиб, Бухоро косиблари ўртасида сендан мен камми, дейдиган зўравонлар ўртасида бўлиб ўтарди. Яккама-якка уришнинг сабаблари бировнинг иззат-нафсига, номус, шаънига тегиш ёхуд ҳарифнинг (рақибнинг) куч-қудратини тан олмаслик, рад этишдан келиб чиқар эди. Улар ўша даврларда муштлашиш санъати билан қаттиқ шуғулланиб, ўзларининг унвонларига эга бўлганлар. Буларнинг бошланиш унвони «Нимтайёр» бўлиб, улар махсисиз баланд



1-расм. Бухоролик муштлашув санъати намоёндаларидан «Нимтайёр» унвони эгаси.



2-расм. Бухоролик муштлашув санъати намоёндаларидан «Тайёр» унвони эгаси.



3-расм. Бухоролик муштлашув санъати намоёндалари бошлиғи, «Марди майдон» унвони эгаси.

пошна ковуш кийиб, саллани эшиб боғлар, калта (сичқондум) қилиб қўярдилар (1-расм).

Белларига рўмол боғлаб, унга иккита кичикроқ пичоқ осиб юрганлар. Буларнинг киядиган кўйлагининг олди берк (яктак сингари олди очик эмас), ҳошияли бўлган. Булар ўзларининг машғулоти туфайли калла уриш, оёқ тизза уришни ва бошқа амалларни ўрганиб олгандан сўнг, ўзларига ўхшаган «Нимтайёр»ларни ютиб, «Тайёр» унвонига эришганлар.

«Тайёр» бўлиб улар пошналик этик кияр, тиғи ярим газ келадиган катта пичоқ тақиб олар эдилар (2-расм). Булар яктак кийиб, кўкракларини очиб юришарди. Фашинасини ёшларга нисбатан узунроқ қўйиб, саллани замбар қилиб, яъни салланинг печини шундай бураб ўрар эдиларки, у новдадан тўқилган замбар шаклини олар эди. Ана шундай муштлашувчиларнинг юқори унвонлари «Марди майдон» бўлган.

«Марди майдон» сариқ чармдан тикилган учи ингичка пошналик ковушни махсус киярди, буни Бухорода «ковуши олак» дейишарди. Саллани ихчам, кичикроқ ўраб, афгонлардек фашина узун қўярди. Қишин-ёзин яктак кийиб, устидан арзонбаҳо оддий белбоғ боғлаб, қинли қаламтарош осиб юрардилар (3-расм).

Бу муштлашувчи кишиларни «Олифталар» деб юритилган. Уларнинг қасами «Саттор» бўлиб, шу сўзни айтиб фалон ишни қиламан дедими, ҳар қандай ҳолатда, боши кетса ҳам қилган.

Агар у қасамини бузиб, айтган ишини қилмаса «номардлик» билан машҳур бўлиб, «Олифталар» орасидан ҳайдалар эди. «Тайёрлар» гўё «Марди майдон»ликка номзодлар эдилар. Агар «марди майдон» ўлса ёки мардликка хилоф бир иш қилиб, бу мартабадан тушса, «тайёр»лардан мардликда мумтоз, зўрликда мислсиз, безорилик ва ўғирлик билан бадном бўлмаган бирортасини сайлашар эди.

Гоҳ «марди майдон» билан «тайёр»лар орасида яккама-якка кураш ҳам бўларди. Агар бунда «тайёр» голиб чиқса, «марди майдон» унводини ўша оларди, бордию «марди майдон» ғалаба қилса, «тайёр» «олифталар» орасидан ҳайдаларди. Чунки у ўзининг кучи етмаслигига қарамай, «марди майдон»га ҳурматсизлик қилган бўлади.

Гоҳида икки «тайёр» орасида бўлиб ўтган урушда бири енгилиб, мағлубиятини тан олса, у «олифталар» ичида қолар эди. Башарти тан олмаса, «олифталар» сафидан ҳайдалар эди.

Ана шундай якка спорт турлари Осиё давлатларида қадимдан мавжуд бўлиб, уларнинг номланиши японларда «Каратэ», корейларда «Таэквандо», хитойларда «Кунфу» бўлса, ўзбекларда шунга ўхшаш муштлашув санъати вакиллари «Олифталар» деб юритилган экан. Энг қизиғи, жаҳон фани учун кераклиги — бу жисмоний тарбия тури инсонларни чидамлилик, мардлик, одоблилик ва кучсизларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, шу йўналишда ўзини тарбиялаш ҳам ўзбекларда мужассам бўлган.

Ана шу ўзбекларнинг «Олифталар» деб номланувчи муштлашиш санъати мутахассисларнинг таъкидлашича японларнинг «Каратэ» ёки корейс ва хитойларнинг «Таэквандо» ва «Кунфу» муштлашувидан қолишмас экан.

Садриддин Айнийнинг асарларини ўқиганимизда, уларнинг уюшмалари, шу уюшмаларнинг бошлиқлари ва қонун-қоидалари қаттиқ интизом билан бошқарилганлигига амин бўламиз. Уларда ҳам худди «Каратэ»га ўхшаш унвоплари бўлган экан. Уларга мисол: биринчи унвон «Нимтайёр», иккинчи босқичдаги унвоплари «Тайёр», учинчи босқичдаги унвоплари «Марди майдон» ҳамда жазо тариқасида қонун-қоидаларга, одоб-интизомга риоя қилмаганларга «Номард» номи берилиб, уларни четлаштиришлар бугунги замонавий спорт турларида ўзбекларда анча олдин мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Яна уларнинг ҳар зарби санаш маъносида номланган. Уларга мисол: «Алиф», «Бе», «Пе», «Те», «Се» ва ҳоказо. Энг қизиғи, ҳар сафар бир жойга урилмай, бош томондан бошланиб кейин оёққа ўтилган. Бу муштлашув санъатини 1932 йилда Бухорода ўз кўзи билан кўрган Мустафо Ҳалилнинг айтишича, ўша даврларнинг ўзидаёқ бу жанговар спорт тури билан шуғулланиш тақиқланган ва улар қувғинда юришган.

Унинг айтишича, маҳаллий халқлар ичида бундай спорт тури билан шуғулланиш ўша давр мафқурасига тўғри келмаган экан. Асарда уларнинг энг кучлиси бўлган «Марди майдон» Муҳаммадий маҳдум билан Барно «тайёр» ўртасида бўлиб ўтган муштлашувни Садриддин Айний шундай баён қилади:

«Мен Бадалбек мадрасасида яшаб юрган вақтларда Бухоро «олифталари»нинг «марди майдон»и Муҳаммадий маҳдум эди. У Бухоро-

нинг Морокуш гузаридан бўлиб, ёши элликдан ошган бўлса ҳам, соқолида бирорта оқи йўқ эди. Муҳаммадий маҳдум ўрта бўйли, кам гўшт, бугдойранг, бароққош, қора кўзлари чақнаб турувчи бир одам эди.

Унинг касби шоҳи тўқиш бўлиб, Жўбор шоҳичиларининг корхоналарида ҳалифакорлик қиларди. Шоҳичиларнинг корхоналари қоронги, зах эди. Бунинг устига халифалар (ишчилар) белигача чуқурга тушиб ишларди, бу шароит усталарнинг саломатлигига ўз таъсирини ўтказмай қолмасди. Муҳаммадий маҳдум болалигидан шу касбда, шу шароитда яшаб келгани учун ранглари синиқ, сил касалига йўлиққан одамдай нимжон, бедармон кўринарди.

Шоҳичиликдан келган даромад ишчиларнинг таъминотига аранг етарди. Халифа ҳафта давомида муайян миқдорда яхши мол тайёрлаб бериб, бунинг эвазига ҳафта охирида арзимас иш ҳақи олар эди. Бошқаларнинг корхоналарида ишлайдиган ишчилар бошқа касбдаги кишилар сингари бир ҳафта кечаю кундуз ишлаб, шу корхонада яшардилар. Фақат пайшанба куни соат ўн иккида ишдан озод бўлиб, уйларига ёки сайру томошага кетардилар. Улар жума куни шом вақтида корхонада ҳозир бўлиб, яна иш бошлашлари лозим эди.

Бухоро корхоналарининг халифакорлари (ишчилари) шаҳарнинг бошқа аҳолиси сингари Девонбеги лабиҳовузида дам олар, шу ернинг чойхоналарида ўтириб суҳбат қилишарди. Пайшанба оқшомларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб бирортасининг ҳовлисида тўпланишиб гурунглашар ёки базм қурадилар. Жума кунини ҳам шу хилда сайру томоша билан ўтказишар, агар ҳаво яхши бўлса, шаҳар атрофидаги гузарларга чиқишар эдилар.

Муҳаммадий маҳдум охирги вақтларда бундай сайру томоша ва базмларда иштирок этмасди. У корхонадан чиқиб тўғри ўз ҳовлисига келарди. Унинг уйи тор, тўртбурчак ҳовлининг йўлаги устига қурилган бир хонали болохонадан иборат эди.

Муҳаммадий маҳдумнинг хотин, бола-чақаси йўқ эди. У шу болохонада бефарзанд тул опаси билан яшарди. Корхонадан келгач, опасига бирор иссиқ овқат буюрарди. Агар ҳаво ёмон бўлса, болохонага кириб ухлар, бир ҳафталик хордигини чиқарар, бордию ҳаво яхши бўлса, ўз гузаридан сал нарироқда бўлган Ғозиён лабиҳовузига борарди.

Ғозиён лабиҳовузи сердарахт ва хушҳаво жой бўлса ҳам, чойхоналари йўқ эди. Шунинг учун Муҳаммадий маҳдум Ғозиён бозоридаги чойхоналардан бир чойнак чой келтириб, ҳовуз зинаси устида ўтирар, агар ҳаво иссиқ бўлса, оёқларини тиззасигача сувга солиб ўтирарди. Ёнига рўмолчасини ёзиб, унга битта иссиқ нонни синдириб қўяр, нон еб, чой ичиб фикрга чўмарди. Аммо у нима тўғрида фикр қила-япти, иш устидами, тирикчилик ва замонаси ҳақидами, ёйинки ўз саргузаштларини хотирлаб завқланаяптими, ё бўлмаса афсус чекаптими, бунисини билиб бўлмасди.

Агар шу вақтда бирор ошнаси кўзга кўриниб қолса, уни чақириб бир пиёла чой берар, истар-истамас икки-уч дақиқа суҳбат қилиб, у кетгач яна фикрга чўмарди.

Кунлардан бир кун Муҳаммадий маҳдум Ғозиён лабиҳовузининг зинасида ўтирган чоғда, ковушдўзлар оқсоқоли келиб ёнига ўтиради. Суҳбат вақтида ўша даврдаги безори ёшлардан шикоят қилади. Укаси бозорга чиққанда баъзи безориларнинг унга гап ташлаб, номуносиб ҳаракатлар қилганларини ҳикоя қилади. Сўзининг охирида Муҳаммадийдан бу безориларга насиҳат қилиб қўйишни илтимос қилади.

— Менинг Девонбеги лабиҳовузига борадиган одатим йўқ, — деди Муҳаммадий, — аммо сизнинг ҳурматингиз учун ҳозир бораман. Укангизга айтинг, то мен Девонбеги лабиҳовузига бориб келгунимча орқамдан юрсин. Шу билан безориларнинг тили ҳам, қўли ҳам тийилиб қолади.

Шу заҳотиёқ ковушдўзлар оқсоқолининг укаси келиб Муҳаммадий маҳдумга ҳамроҳ бўлади, Маҳдум олдинда, у бир қадам орқада йўлга тушадилар. Муҳаммадий маҳдум Чорхарос, Говкушон, Сесу гузарларидан, баззозлик растасидан ва Тоқи Саррофондан ўтиб, Девонбеги лабиҳовузига унинг жануби ғарб бурчагидан кириб боради. Сўнгра ўнг тарафдан лабиҳовузни бир айланиб, шимоли ғарб томонидан чиқиб, чойфурушлик растаси, калава бозори, атторлик, мева бозорига бориб, ошқовоқ бозори, Тоқи Хожамуҳаммад Паррондан ўтиб, чилангарлик растаси, Сиёҳкорон гузари, Модарихон бозори, Муҳаммад Ғаззолий ва Даббиён орқали яна Ғозиён лабиҳовузига келади. У ердан ҳалиги бола уйига кетиб, Муҳаммадий маҳдум ҳовуз бўйида қолади.

Шу билан шаҳар олифталари ва безорилари орасида, ковушдўзлар оқсоқолининг укасини Муҳаммадий маҳдум ўз ҳимоясига олибди, деб овоза тарқалади. Энди бирор безори унга нисбатан номуносиб ҳаракатда бўлолмайди, кўз олайтириб қараёлмайди.

Барно «тайёр» Понобиён гузаридан бўлиб, касби шувоччилик эди. Унинг ёши йигирма саккиз-ўттизларда, бўйи баланд, қўл-оёқлари узун ва мушакдор, сергўшт ва биққабадан эди. Ранг-рўйи оқиш, сочсоқоли ва қошлари қора-қизғиш, қўй кўз, аммо қарашидан қизиққонлиги ва тез табиатлиги кўриниб туради.

У «тайёр» унвонига мувофиқ баланд пошна этик кийиб, кичик салла ўрарди. Зўрликда у бошқа тайёрлардан устун бўлиб, ҳамма унга бўйсунган эди. Фақат «марди майдон» Муҳаммадий маҳдумнинг даражаси ундан баланд бўлиб, бу ҳол унинг шухратпараст табиатига, зўравонлик гурурига мос тушмас эди. У бирор баҳона топиб Муҳаммадий маҳдум билан яккама-якка уришиб, ундан ғолиб чиқиб, «марди майдон» бўлиб, шаҳар олифталари орасида ҳаммадан юқорироқ даража олиш ниятида эди.

Юқорида фикр қилинган йигитчанинг Муҳаммадий маҳдум ҳимоясига ўтгани ҳақидаги овоза Барно «тайёр» учун баҳона бўлди. Бу орада Ғозиён гузарига ҳовлиларнинг бирида тўй бўлиб, базм қурадилар. Бу базмда Барно «тайёр» ҳам ўз шериклари билан ҳозир бўлади. Шу маҳаллалик бўлгани учун ошналари билан ҳалиги бола ҳам келади.

Базм давомида Барно «тайёр» бир пайт топиб, ковушдўзлар оқсоқолининг укасига бундай дейди:

— Ука, сиз Муҳаммадий маҳдумнинг ҳимоясига ортиқча бино қўйманг. У қариб кучдан қолган, «Фарҳоднинг навбати ўтиб, Мажнуннинг навбати келди», дейдилар. Энди давру даврон бошқаларники.

Бу хабар эртасига эрталаб Муҳаммадий маҳдумнинг қулоғига етади. Барно «тайёр»нинг бу сўзи олифталик қондасига мувофиқ, Муҳаммадийни урушга даъват қилиш эди. Муҳаммадий маҳдум бу талабни жавобсиз қолдира олмасди, чунки у ҳолда ўзининг қирқ йиллик «олифта»лик шарафи поймол бўларди.

Шу базмдан кейин биринчи пайшанба куни Муҳаммадий маҳдум Девонбеги лабиҳовузига бориб, чойхона сўрисининг четига чой чақириб, ёлғиз ўзи ичиб ўтиради. Кўп ўтмай Барно «тайёр» ҳам узоқдан кўринади. Муҳаммадий маҳдумнинг рўпарасига келгач, ўнг қўлини кўкрагига қўйиб салом беради. Муҳаммадий маҳдум алик олгач, ундан сиҳат-саломатлик сўрайди ва бир пиёла чой узатади. Барно «тайёр» тик туриб чой ича беради. Шу вақтда Муҳаммадий маҳдум Барно «тайёр»га савол беради:

— Қачон?

— Эртага, жума куни, — жавоб беради Барно «тайёр».

— Қайси вақтда? — яна сўрайди Муҳаммадий маҳдум.

— Жума намозидан кейин!

— Қаерда?

— Хожа Муҳаммадий Туркижанги тепалигида.

— Худо сизга қувват берсин, мардларнинг арвоқлари мадаккорлик қилсин! — деди Барно «тайёр»га Муҳаммадий маҳдум унинг охириги сўзини эшитгандан сўнг.

Барно «тайёр» қўлидаги чойни ичиб, пиёланинг лабини тўнининг кўкрак устини ёпиб турган жойида артиб, Маҳдумга беради ва:

— Саломат бўлинг, узоқ умр кўринг, Маҳдум ака! — деб ўз йўлига равона бўлади.

Мен бу воқеани Шарофжон исмли йигитдан эшитган эдим, у Бадалбек мадрасаси олдидаги бир чилангарнинг шогирди эди. Шарофжон олифтабоз бўлиб, улар орасидаги ҳодисаларни билишга ишқибоз, бунинг устига Муҳаммадий маҳдумнинг ҳамгузари эди.

Шарофжон ҳам бошқа корхоналарнинг ишчилари сингари ҳафтада олти кун чилангарнинг дўконида ишлаб, иш тамом бўлгач, кечаси шу дўкондаги сандон ва кўралар орасида ётарди. Гоҳо мен чилангарнинг дўконига бориб, у билан суҳбат қураб эдим. Гоҳо у бекорчилик вақтларида менинг олдимга чиқиб гаплашиб ўтирарди.

У олифтабоз бўлганидан нуқул «олифталар» ҳақида сўзлар, мен эса ҳар нарсани билиб олишга ҳавасманд, кунжков бўлганим учун унинг сўзларини завқ билан тинглар, гап орасида саволлар бериб, ҳикоянинг менга норавшан жойларини таг-томири билан билиб олардим.

Шарофжон бир пайшанба куни соат ўн иккида ишдан бўшаб уйига кетди, у кечаси уйида ётиши керак эди. Лекин шомдан кейин чилангарнинг ёпиқ дўкони олдида пайдо бўлди ва менинг мадраса саҳнида ўтирганимни кўриб, даров келиб ёнимга ўтирди-да, шу куни Муҳаммадий маҳдум билан Барно «тайёр» орасида бўлган воқеани ҳикоя қилиб деди:

— Эртага тепаликда улар уришадилар. Агар томошага қизиқсанг, бирга борамиз.

Мен қабул қилдим. Эртасига жума намозидан эрта қайтиб, Шарофжон билан мазкур тепаликка чиқиб олдик. Бу тепалик мазор бўлиб, Хожа Муҳаммад Туркижанги мақбарасининг уч тарафини ўраб олганди. Тепаликнинг ўртасида чуқурроқ бир майдони бўлиб, мазорнинг қор, ёмғир сувлари тўпланарди. «Олифта»ларнинг уришадиган жойи ҳам шу чуқур майдонча экан. Биз иккимиз майдонча жуда яхши кўринадиган баландликда ўтириб олдик. Ҳали у ерда ҳеч ким йўқ эди. Бир неча дақиқадан кейин Муҳаммадий маҳдум пайдо бўлди. У ҳамгузари Шарофжонга салом бериб, бизнинг олдимиздан ўтиб кетди ва майдончага бориб тиз чўкиб ўтирди.

Шундан сўнг бу воқеани эшитган томошабинлар кела бошлашди. Бора-бора томошабинлар майдончанинг атрофини ўраб олишди. Ҳаммадан кейин тепаликнинг шимол тарафидан — Понобиён гузари томонидан Барно «тайёр» намоён бўлди. У келиб майдончага тушди ва тўғри Муҳаммадий маҳдум ҳузурига бориб, иккиси салом-алик қилишди, ҳол-аҳвол сўрашди. Шундан сўнг тўнларини ечиб бир тарафга қўйишди, саллаларини олиб тўнлари устига қўйдилар.

Сўнгра ҳар иккиси майдончанинг ўртасига бориб қўл қовуштириб рўпарама-рўпара туришди. Барно «тайёр» Муҳаммадий маҳдум рўпарасида тол қаршисида турган теракка ўхшарди. У маҳдумга қараб:

— Маҳдум ака, бошланг! — деди.

— Йўқ, ўзларидан, — деди Маҳдум.

— Сиз бошлангиз, сиз бизнинг улуғимизсиз! — деди Барно «тайёр».

— Йўқ, — деди яна Маҳдум, — сиз талаб қилдингиз, талабгор илгари бошлаши керак. Мардларнинг қоидаси шу.

Барно «тайёр» ҳужумга ҳозирланди. У ўнг қўлини чўзиб қулочкаш-лаб Муҳаммадий маҳдумнинг қулоқ-чаккасига солди. Аммо маҳдум, ковушнинг пошнаси билан дарахт кундасига ургандай, қимир этмади.

Шундан сўнг Барно «тайёр» қўл қовуштириб:

— Хўп, Маҳдум ака, ҳаққингизни олинг, — деди.

— Йўқ, «тайёр»,— деди Маҳдум,— «алиф», «бе», «пе», деганлар. Сиз уч марта ўз ҳунарингизни кўрсатишингиз керак.

— Дарвоқе, — деб Барно «тайёр» Маҳдумнинг сўзини тасдиқлаб, иккинчи ҳужумга ҳозирланди.

Бу дафъа чап қўлини ёзиб, Маҳдумнинг ўнг қулоғи тагига туширди. Бу дафъа ҳам Маҳдум қимирламади.

Учинчи ҳужумда Барно «тайёр» тепишга ҳозирланди. Унинг оёғида қалин, баланд пошна булғори этик бор эди. Аммо Маҳдумнинг оёғида мартабасига мувофиқ шиппаксимон енгил олаки ковуш бўлиб, болдирлари очиқ эди. Барно «тайёр» қўлларини орқага қилиб, чап қўлининг панжаларини ўнг қўл панжалари орасига олиб, ўнг оёғини кўтариб, чап оёғини қимирлатмай, танасини ўнг тарафга эгиб, сўнг тезлик билан ўқилондек қоматини ростлаб, этикли оёғи билан маҳдумнинг очиқ болдирига тепди.

Маҳдум бу гал ҳам ўрнидан қимирламади. Барно «тайёр» қўл қовуштириб зарба емоққа тайёр турди. Маҳдум унга:

— Рухсат беринг, ҳушёр бўлинг, «тайёр!» — деди-да, ўнг қўли билан қулочкаш қилиб Барно «тайёр»нинг қулоқ-чаккасига туширди.

Барно «тайёр» бамисоли болта билан томиридан кесиб ташланган теракдай ўнг қўли томонга учиб, ерга юмалади. Шу вақтда бир сағананинг орқасидан уч киши қўлларида пичоқ билан чопиб чиқиб, маҳдумнинг орқасидан ҳужум қилдилар ва бошингми-кўзинг демасдан тўғри келган жойига пичоқ ура бошладилар.

Маҳдум бу ногаҳоний ва хоинона ҳужумга тайёр эмасди. Бинобарин, бир лаҳза паришон бўлиб, ҳаракатсиз қолди. Сўнгра ўзини тутиб олиб, орқасига ўгирилди, пичоқ ураётганларнинг иккитасини қўлидан ушлаб, учинчисини оёғи билан тепиб ўзидан узоқлаштирди. Аммо Барно «тайёр» ўрнидан туриб, Маҳдумнинг орқасидан келиб икки оёғига ёпишиб бор кучи билан тортди. Пайдарпай пичоқ еб, кўп қон кетиб турган маҳдум Барно «тайёр» оёғидан тортгандан сўнг йиқилди.

Одамлар пичоқ билан ҳужум бошлагач, томошачиларнинг бир қисми «Муҳаммадий маҳдумни ўлдиришди», деб фарёд кўтариб кўча томонга югуришди. Баъзи жасоратли томошабинлар қон тўкилишининг олдини олиш ниятида югуриб бориб ўзларини маҳдумнинг тепасига ташлашиб йиқилганда, уни ўлдиришга хезланган пичоқдорлар ҳужумидан сақлаб қолишди. Бошқа томшабинлар бу кутилмаган қонли ҳодисадан ҳайратда қолиб, гангиб қолган эдилар.

Томшабинлар кўчага чиқиши билан шу атрофга тафтиш қилиб юрган ҳоким одамлари улардан қонли ҳодиса ҳақида эшитиб, янги томошабинлар билан югурганча жиноят устига етиб келдилар. Аммо унгача Барно «тайёр» ва шериклари қочиб кетган эдилар. Ҳоким одамлари қонга бўялиб ётган ҳушсиз Муҳаммадий маҳдумни томошабинларга кўтартириб, тепаликдан кўчага олиб чиқдилар ва арава топиб касалхонага юбордилар.

Бир ҳафтадан кейин эшитсам, Барно «тайёр» қўлга олиниб, сургунга ҳукм бўлибди, қийнашса ҳам жиноятчи шерикларини айтмабди.

Муҳаммадий маҳдум эса қирқ кун касалхонада ётиб, яралари тузалгач чиқди. Аммо у тамом тузалиб кетмади, касалхонадан чиққандан сўнг, икки ой ўтар-ўтмас ўз уйида қон қусиб ўлди.

Шарифжон унинг ўлими хабарини менга етказиб, ўзи корхонасидан жавоб олиб жанозага кетди. «Марди майдон»нинг бундай фожиали ўлимига юрагим ачиб, уйига таъзияга бордим. Унинг ҳовлиси олдида гузар оқсоқоли билан яна бир-икки киши ўтирган экан. Мен ҳам ўшалар қаторида орқамни деворга қилиб, чўкка тушиб ўтирдим ва «худо раҳмат қилсин», деб фотиҳа ўқидим.

Шу вақтда асли регистонлик ва Регистон беданабозларининг бошлиғи, «тайёр»ларнинг машҳури — Жалил таъзияга келиб, бизнинг қаторимизда чўкка тушиб ўтирди-да, ўз-ўзича гапира кетди:

— Муҳаммадий мард одам эди. Мардлик куйида одамларга яхшилик қиларди, фойда етказарди. У ўзи биров билан уришган эмас, то бошига мушт теккунча сабр қилар, шундан сўнг душманнинг жазосини берарди. Худо раҳмат қилсин, қиёматда мардлар қаторида бош

кўтарсин, — деб фотиҳа ўқиди ва ўрнидан турди-да, гузар оқсоқолига қараб: — Мен бориб болаларни («олифталар»ни) ўлик кўтариш учун тўплаб келаман, — деб равона бўлди.

Мен хўжайинларимга ош пишириб беришим зарур эди, шунинг учун ўлик кўтаришга қолмай, ўрнимдан туриб, Жалил билан йўлга тушдим, то Бобоинонкаш гузаригача гаплашиб кетдим. Мен гап орасида Жалилдан Барно «тайёр»нинг Муҳаммадий маҳдумга нисбатан мардлик қоидаларига хилоф ва ўзининг ҳам нобуд бўлишига олиб келган номуносиб ҳаракатларининг сабабини сўрадим.

— Киши фақат қўл кучи билан одам бўлмайди, — деди Жалил бунга жавобан, — одамнинг яна одамча юраги бўлиб, одамларга зарар етказишни раво кўрмаслиги керак. Ҳаммадан олдин одам ҳокисор бўлмоғи зарур, токи бошқалар уни ҳурмат қилсин, ўзларига бошлиқ қилиб кўрсатсин. Наҳотки ҳурмат ва юқори мартаба учун кишини талашса.

Жалил бу файласуфона муқаддимадан сўнг ўз сўзини давом эттириб, деди:

— Барно «тайёр» аслида бизнинг орамизга адашиб кириб қолган. Унинг табиати безориликка мойил эди. Фақат «марди майдон» бўлиш умидида ўзини безориликдан сақлаб келарди. Бу мақсадига ҳадеганда етолмагач, гўё бир қимор ўйнади. Бу ўйинда у ё ютар, ё бой берарди. Агар бой берса, у албатта мардлар орасидан чиқиб кетарди, у ҳолда беобрў бўлиши бир дард бўлса, ҳарифи (рақиби) маҳдумнинг тирик юриши унинг учун яна оғирроқ дард бўларди.

Шунинг учун у, агар мен нобуд бўлсам, ҳарифим (рақибим) ҳам йўқ бўлсин, деб маҳдумнинг йўқолишини худодан тилаб юрган икки-уч безорини ёллаб, бу номардона ишни килган...

Муҳаммадий маҳдумнинг вафотидан сўнг унинг ўрнига «марди майдон» сайланмади. «Олифталар»нинг орасига ихтилоф тушди. Регистонликлар Жалил беданавоз номзодини кўтаришди. Чорсуликлар бунга қарши чиқиб, саллоўхоналик Авлиёқул номли бошқа беданабоз номзодини кўрсатдилар. Буларнинг икковининг ўртасида беданабозлик юзасидан зиддият бўлгани учун уларнинг тарафдорлари ҳам бир-бирларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар. Бетарафлар жўборилиқ Қозоқхўжа номзодини илгари сурдилар. Бу номзодга икки тараф «олифталар»нинг аксарияти қарши чиқди: «У хожазода, ўзини катта олади, у бизга бошлиқ бўлолмайди», — дейишди. Бинобарин, «марди майдон» сайлаш «тайёр»лар орасидан ҳаммага маъқул бир одам етишиб чиққунча кейинга қолдирилди.

Бухоро «олифталари» илгари умуман майхўрлик қилишмас ва агар махсус май мажлисларида қўлбола мусаллас ичишда ҳам, майхўрликни мастлик даражасига олиб бормасдилар. Бухорода майфурушлиқ дўконлари очилгач, арақ кўпайди, «олифталар» ҳам бора - бора мастликка ружу қўя бошладилар. «Олифталар»нинг илгариги поклик ва мардликлари қолмай, кўплари безорига айланди.

Баъзилари ўз покликларини сақлаб қолган бўлса ҳам, уларнинг «фаолияти» ўзларининг шахсий фаолияти бўлиб қолиб, «нимтайёр»,

«тайёр», «марди майдон» даражаларига чиқиш тартиби барҳам еди».¹ Бу ҳикоя Садриддин Айний асаридан ҳеч қандай таҳрирсиз ёзиб олинди.

Тошкентлик нуроний Мустафо Ҳалилнинг Бухорода муштлашиш жисмоний тарбия турини кўрганлигига ишонмасликка асос йўқ эди. Олдин айтиб ўтганимиздек, яна Мустафо Ҳалилнинг айтишича, Бухорода одамларнинг қўл панжа кураш, аниқроқ қилиб айтганда, икки киши узун оқ ятак кийган ҳолатда белидаги белбоғига иккинчи чап қўлини қистириб, тўнғакка ўтиришган. Сўнг йўғон кесилган дарахтнинг устига қўлларини қўйиб, бир-бирининг қўл панжаларини ушлаган ҳолатда кучларини синаб кўришган. Улар дам чап қўл, дам ўнг қўл билан кучларини синаб кўришган.

Улар буни «Қўл панжа кураш» деб юритишган. Ҳатто уларнинг қоидасида ўриндан туриш, белбоғдан қўлни чиқариб юбориш ман этилган. Ана шу одамларнинг қўллари йўғон, бўйинлари ҳам йўғон бўлган экан. Бу жисмоний ўйин тури замонавий армреслингнинг ўзбекча варианты дейиш мумкин. Бу албатта бизга ғалати туюлган эди. Изланишлар олиб бориш натижасида ҳақиқатан шунга ўхшаш кучли одамлар бўлганлиги ҳақида кўп эшитишга тўғри келди. Ана шунга ўхшаш табиатан кучли полвонлар тўғрисида Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романида ҳам маълумот берилган. Унда 1939 йилда Катта Фарғона каналида ишлаган Дўнан Дўсматов ҳақида сўз боради.

Дўнан Дўсматов чарчаш нималигини билмай, кунлик иш режасини 700—800 фоизгача бажарган. Унинг қўл билаклари жуда кучли бўлган, катта кетмонини ерга урганда, кетмоннинг юзасига тупроқ тўлиб ботган экан. Қўқонлик Тўланбой Курбоновнинг айтишича, бобоси Машарифбойнинг қўл билаклари жуда кучли бўлиб, ҳеч ким унинг қўл билакларини бука олмаган экан.

Биз айтмоқчи бўлаётган замонавий «армреслинг» турларига ўхшаш спорт тури Ўзбекистонда ҳам бўлганлиги ҳақида қуйидаги манбадан ҳам билсак бўлади.

XIX асрда, аниқроғи 1827 йилда Бухоро шаҳрида туғилиб, 1897 йилгача яшаган оташин публицист, ўткир ёзувчи Аҳмад Дониш ўзининг «Новодирул вақое» («Нодир воқеалар») асарида қизиқ воқеаларни ёзиб қолдирган. Ана шу асардаги Мулла Холматнинг ҳикоясида шундай сўзларни ўқиймиз:

«Мен ёшлигимда илм оламан деб Бухоро мадрасасига бордим. Шундай ўтакетган қашшоқ эдимки, кеча ва кундузни оч ўтказардим. Тагимга бўйра, бошимга гишт қўйиб ўқир эдим. Ёшим 23 га етганда Бухорода Шукурбек деган тунда юрувчи ўғри борлигини эшитиб қолдим. Одамлар унинг жабридан уйларида ётолмай қолибдилар. Унинг гавдаси филдек, ҳайбати арслондек эди. Тош билан уришда жуда моҳир бўлиб, донғи кетган эди. Тош билан дарахтга урса, дарахт белидан синар эди. Кечаси унга икки юз киши ҳам бас келолмас эди. Унинг отган тошидан қанча миришабларнинг кўкраклари тешилган, довулчиларнинг юраклари эзилган. Аммо кундузи уни ҳеч ким

¹ С. Айний. «Эсдаликлар». III қисм, Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти. 1965, 103—114-бетлар.

кўрмас, тунда эса у уккидай уясидан чиқар эди. Манаман деган баҳодирлар, оти чиққан паҳлавонлар унинг йўлини тўсиб кўрганлар, аммо ундан ҳаммалари ожиз қолиб, аранг қочиб қутулганлар. Лекин бу ўғри шунчалик довюрак, мардум озор бўлиши билан бирга, олий-ҳиммат, мард ҳам эди. Бахил, нонемас, хасис бойларнинг молларини босиб олиб, ожиз ва муҳтожларга берар, илм аҳллари, мадраса талабаларига кўп ёрдам қилар эди.

Бир куни султоннинг амрига кўра миршаб: «Кимдаким Шукурбекни тутиб берса, унга юз тилла мукофот берамиз», деб жар солди. Бунни эшитгач, қашшоқлик жонга текканидан ҳамда ўз кучимга ишониб, шу хизматнинг уддасидан чиқсам ҳам номим чиқади, ҳам обрўйим ошади ва юз тиллалик бой бўламан; агар маблағни қўлга киргизолмай қурбон бўлсам, шу тирикчиликнинг меҳнат ва машаққатларидан ўзимни қутқариб, яна яхшиликка эришаман, деб маслаҳат учун мударрис домла ёнига кирган эдим, у: «Ҳай-ҳай, зинҳор бу хаёлни ўйлама, нима бало, сен васвас бўлиб қолдингми, унинг қорасини кўрмай туриб жонингдан ажраласан; йўлбарсни тулки қандай ов қила олади, филни бўри сайд қила олмайди; канча-қанча баҳодирлар шу хаёлни қилиб, охират сафарига жўнадилар»,— деди.

Ўшанда мен, кишининг куч-қуввати, бахт-давлати доим сақланмайди, ғалаба қозониб душманни енгиш тақдирнинг ёрдамига боғлиқдир; Рустами дostonдек жаҳон паҳлавони Шағотнинг ўрасига тушиб ҳалок бўлди; Асфандиёри Рўянинг баҳодирликда қандай марди майдон эди, иқболи қайтган эди, Рустамнинг отган ўқи унинг икки кўзига қадалиб кўр қилди, дедим.

Даҳрнинг фойдали куни бўлганидек, унинг зарарли куни ҳам бордир. Ажаб эмас, менинг ишим ўнгидан келиб, унинг иши тескарисига айланган бўлса, шу баҳона билан давлатга эришишим ҳам мумкин, деб ўйладим. Барибир, бу ҳужранинг тўрт девори ичида ўлтирганим билан ҳеч қачон унинг шипидан нон тушиб, осмондан буғдой ёғмайди. Ризқнинг келиши ҳам банданинг касб ва ҳаракатига боғлиқдир. Менинг бу ишим ҳам ризқ эшигини очиш учун қилинган бир касбдир. Сарвари олам, касб қилувчи одамни худо дўст кўради, деганлар:

*Шубҳасиз, ризқинг ҳамма вақт етар,
Шарт шулки, унга эшик қидириш керак.*

Шундан сўнг мударрис домла сенинг айтганларинг дуруст, лекин:

*Ажали етмаса киши ўлмас,
Аждарҳо оғзига биров келмас,— деди*

Шунга қарамасдан, сен бу ишга қаттиқ киришибсан, қанчалик гапирганимиз билан бу ниятингдан қайтмайдиганга ўхшайсан; хайр энди, худо ёринг, ниятинг йўлдошинг бўлсин, деб фотиҳа берди. Ундан рухсат олиб, тўгри амири Асаснинг уйига бордим. Мени тиланиб юрган бир фақир деб билган бўлса керак, «домла, нима иш билан келдингиз», деди. Мен Шукурбекни кимда-ким тутиб берса, мунча

тилла бераман деб жар қилдирган экансиз, шуни эшитиб шу хизматни бажаришга ва айтганингизни олгани келдим, дедим. Асас менинг бу сўзимдан кулди, чунки қорним очлигидан қоним қочиб, рангим ўчган эди. У менинг гапимни мутоиба деб билиб, менга нон, сув келтириб беришга буюрди.

Ўшанда мен, кўринишимга қараманг, неча кунлардан бери овқат еганим йўқ, очман, аввал менинг қорнимни тўйгазинг, сўнг хизматга буюринг, дедим. Шундан сўнг палов қилишга буюрди. Шомдан сўнг паловни олдимга келтириб қўйдилар. Паловни еб, табақни ялаб қўйдим. «Агар Шукурбекни тутиб келтирсанг, юз тилла нақд бераман, буниси сенинг қадам ҳақинг», деб, беш юз танга пул берди.

Хуфтондан сўнг уч-тўрт киши бўлиб кўчага чиқдик. Йўлдошларимдан унинг қаерда бўлишини ва қаерда у билан учрашишимизни сўрадим. Улар уни ҳеч ким ўз кўзи билан кўра олганича йўқ; аввал унинг йироқдан отган тоши гувуллаб келади, бу унинг келаётганидан дарак беради; ундан сўнг юз қадам ердан, оқ кийимли бўлганидан, оқарган қораси кўринади; қўлида йўғон калтаги, белида ханжари ва бир халта тоши бор; шер олдидан қорақулоқ юрганидек унинг олдидан отган тоши юради; унинг тоши гуриллаб келар экан, ҳеч ким унга бардош бера олмайди, дедилар. Шу билан Хўжа Муҳаммад Паррон мазорининг тоқи остидан юриб, шаҳар чорсусига етган ҳам эдикки, ковуш бозори растаси томонидан ғувиллаб отилган тош товуши чиқа бошлади. Миршабларнинг аҳволи ўзгариб, чидаб туролмасдан довулларини тўхтатиб, ўзларини панага олдилар.

Менинг қоним қайнаб, ботирлигим кўзғолиб, уни кўзимга илмай, у ҳам менга ўхшаган киши бўлса керак, уни ахир пўлатдан ясамагандирлар, деб мардоналик билан юрганимча, унинг қаршисига етиб бордим. У менга, сен кимсан, деб бир ҳайқирган эди, ботирлигим шундай кўзғолдики, ер-кўк кўзимга кўринмай қолди. Агар қўлимдаги калтагим билан бошига солсам, мияси чиқиб кетади, яхшиси оёғига уриб ярадор қилиб, қўл-оёғини боғлаб Асас ёнига олиб борайин деб, менинг ким эканимни мана энди биласан деб калтагимни кўтарган ҳам эдимки, чапдастлик қилиб арслондек устимга ташланиб, кекирдагимдан тутиб, ўзимни ростлаб олгунимча қўймай, ерга уриб, тоғ босгандай кўксимга чиқиб ўлтирди. Бошимдан дудим чиқиб, жонимдан умидимни уздим. Ялтираган ўткир ханжарини бўғзимга тақиб туриб, исмингни айтиб қол, ҳозир жаҳаннамга кетасан, деди. Ўшанда мен, ҳай айланай, мен бир ғариб мусофир бола эдим, қашшоқлик дардидан юз тиллага қизиқиб бу балога йўлиқдим, ўзим эса бойсунлик, Бухорога ўқиш учун келганман, отим Муллахолдир, дедим.

— Сени бу ишга ким қизиқтирди? — деб сўради.

— Асас амир, ким Шукурбекни тутиб келтирса, унга юз тилла бераман, деб элга жар солди, фақирлик дарди жондан ўтиб кетганлигидан, сени тутиб берсам шунча кўп тиллага эга бўлар эканман деб, ёш жонимга қасд қилишга сабаб бўлдим, дедим.

Бу сўзларни айтиб бўлгунча, унинг оғирлигидан нафасим тикилиб жоним чиқаёзди.

— Сўзинг рост, мен ҳам шундай деб эшитган эдим; сен бир мусофир гуноҳсиз киши экансан, оч қолган бўри ўзини йўлбарсга уради. Энди мен сенинг жонингни ўзингга бағишладим, аммо шарт шулки, бу кеча мен билан бўлиб, айтган сўзимдан чиқмайсан, иккинчиси кўзимга кўринмай, бу шаҳардан чиқиб ўз ерингга кетасан, деган эди, мен йиғлаб, нима десанг шуни қилайин, дедим. Буюрган ишингни жоним борича бажарайин, деб ялиниб-ёлворганимдан сўнг устимдан турди. Гўё тоғ кўтарилгандай бўлди. Қалтираб-титраб, кетидан эргашдим. Тўғри Кўкалдош мадрасасига келиб бир ҳужра эшигини қоқиб эди, бир мулла бола югуриб чиқиб, таъзим билан, қани ич-карига, деб таклиф қилди. Ҳужрага кирганимиздан сўнг Шукурбек ундан егани ниманг бор, деб сўраган эди, бор нарсаларни айтди. Бу нарсалар меҳмонимиз билан бизга етмайди; фалон қассобга бориб бунча гўшт ол, ош асболарини мўл қилиб келтиргин, яхшилаб ош қил; бу кун менинг ҳам қорним оч, деди.

Мулла бола югурганича чиқиб кетиб, ҳаял ўтмай қайтиб келди ва ошга уринди. Ўртамиздаги ваҳшат улфатчиликка айланиб, ҳар ёқдан гаплашиб ўлтирдик. Ҳар биримиз ўз куч-қувватимизни айтиб, кўрсатган баҳодирлигимизни ўртага солдик. Мен тоғ, чўлларда ов қилиб юриб, айиқ ва йўлбарсларга йўлиқиб қолганимда улар билан олишганимни, от, эшакларимни кўтарганимни айтиб мақтанар эдим. У, агар сўзинг рост бўлса, ортимга ўтиб мени торт, агар ўрнимдан жилдиросанг, сўзингга ишонаман, деди. Тура солиб, орқасига ўтиб, бор кучим билан тортдим; у куйилган пўлатдек ёки бир тоғдек бўлиб ўлтираверди. Уни ўрнидан ҳеч қимирлатиб бўлмади. Икки қўлим шалпайиб ишдан чиқди. Қаттиқ кучанганимдан бурнимдан қон отилиб кетди.

— Айтмадимми, сен ёлғон айтасан деб, йўлда келаётгандаёқ сенинг кучсиз эканингни билган эдим; чунки оёқ босганингда зарби сезилмас эди; эр кишилар қадам ташлаганларида метиндай зарб билан тушади, деди. Сўнгра чап қўлига бир чангал тиллани олиб, агар қўлимни қайира олсанг, шу тилла сеники, деди.

Мен тиллага қизиқиб, бор кучим билан яна унинг қўлига ёпишдим. Қўлини очиш у ёқда турсин, ҳатто бирорта бармоғини ҳам қайира олмадим; бармоқлари деворга қоққан миҳдек турар эди. Сўнгра у менинг қўлимни тутиб сиққан эди, бармоқларим янчилиб кетгандай бўлиб оғриғига чидай олмай дод деб юбордим. Ўшанда у қулиб қўлимни бўшатди. Шунчалик ҳолинг бор экан, ортиқча баҳодирлик қилиб баҳодирларнинг йўлини тўсма, ўзингни ҳалокатга солиб, ўкиниб нобуд бўлиб кетасан, деди.

Шу онда палов келди. Биргалашиб едик. Сўнг қўлимга беш юз танга бериб, бу сенинг йўлкиранг, эртадан қолмай, бу шаҳардан чиқиб кет; айтиб бўлмайди, яна пулга алданиб қолсанг, иккинчи марта минг жонинг бўлса ҳам мендан омон қутула олмайсан, деди.

Мен пулни олиб Асас ёнига бордим ва бўлган воқеани айтиб бердим. Амир менга тўн кийдириб, рухсат берди. Мен Бухородан чиқиб, ўз юртимга келдим. Умримда ҳеч қачон бундай кучли одамни кўрмадим».

Бу қиссадан ҳисса шуки, одам ҳар канча кучли бўлса ҳам, душмани ўздан кучлироқ чиқиб қолишини ўйлаши керак; ўз кучига ишониб ҳар ёққа кетавериши тўғри келмайди.

Байт:

*Худойи ки, балоу наст офарид,
Забардасти хар даст офарид.*

Таржимаси:

*Худойим барча оламни яратди,
Яна зўр устидин зўрни яратди.*

Кучли ва баҳодир бўлиб яратилган одамлар агар шу сифатларининг талабларига кўра, талон-тарожлик каби ёмон ишларга киришиб кетган бўлса ҳам, бу ишдан камбағал, ожиз ва муҳтожларга ёрдам беришни ният қилсин. Масалан, бахилнинг молини олиб, аёлманд, муҳтожликда қолган бир яшининг қозонини қайнатса, унинг ёмонлигини бунинг яхшилиги билан ёпган бўлиб, бу қилган иши ҳам ажрсиз қолмайди!¹

Аҳмад Донишнинг асаридаги ана шу ҳикоядан ҳам билсак бўладики, ҳақиқатан 1932 йилда Мустафо Ҳалил Бухорода ўз кўзи билан кўрган «қўл панжа кураш» (армреслинг) бўлганлигига асослар борлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Мустафо Ҳалил ўзининг қўлёзма-сида 1931 йилда Тошкентга келиб, Ўрта Осиёда кўрганларини қоғозга туширганлигини куюниб гапирган эди. Унинг бир қанча қўлёзма китобларини бегона кишилар олиб кетганлиги учун тадқиқотлар ўтказиш йўли билан унинг ҳақлигига ишонишимизни айтган эди. У Ўзбекистонга келган даврларида Бухоро ва бошқа шаҳарларда бел олиш кураш, муштлашув, «қўл панжа кураш» (армреслинг) бўлганлигини санаб ўтган эди.

Биз бир неча далиллар орқали Бухородаги бел олиш кураш, муштлашув санъати, «қўл панжа кураш» (армреслинг) ва табиблар тўғрисида сўз юритишимиздан мақсад, Мустафо Ҳалилнинг қўлёзма-сини тадқиқот ва изланишлар орқали ўрганиб, ана шу китоб «кураш илми» (хадиси) китоби бўлган, деган фикрга келдик. Бу ҳақда кейинги саҳифаларда тўлароқ тушунчалар бериб ўтамиз. Мана шу ерда 1931 йилда Қримдан тақдир тақозоси билан Тошкентга келган Мустафо Ҳалилнинг айтган сўзларига таянган ҳолда олиб борилган тадқиқотлар, изланишларнинг хулосаларига якун ясаймиз.

¹ Аҳмад Дониш. «Новодирул вақое». Ўз ССР «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1964, 292-бет.

XVI БОБ. КУРАШ ҲАДИСИ ВА УНИНГ ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА

Бел олиш кураш ҳадиси

Авваламбор, кураш ҳадиси тўғрисида сўз кетганда, уни тўлиқ англамоқ лозим. Ўзбек тили изоҳли луғатининг иккинчи томида шундай ёзилган: «Ҳадис — Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам — пайғамбардан қолган гап-сўз ҳамда пайғамбар ҳақидаги ривоятлар ва ҳикоялар» (Москва. «Рус тили» нашриёти, 1981). Нима сабабдан айнан «кураш ҳадиси» атамасининг ишлатилиши ва уни теранроқ тушунмоқ учун бир қанча диний уламолар ва олимларга мурожаат қилишга тўғри келди. Уларнинг таъкидлашича, «ҳадис» ҳақиқатан ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламдан қолган гап-сўзлар ҳамда пайғамбар ҳақидаги ривоятлар, ҳикоялардир.

Кураш ҳадиси тўғрисида сўз кетганда, уни «Кураш илми» деб қараш маъқулдир. Шунингдек, уни ҳар доим «Кураш илми» атамаси билан ёзиш, айтиш, тушунтириш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки у ҳар доим илмий нуқтаи назардан ўзгариб, тўлдирилиб борилиши мумкин. Унга илоҳий нуқтаи назардан қараш эса ширк ҳисобланиб, эҳтиёт бўлмоқни талаб этади.

«Кураш илми» га доир китоблар туркий мамлакатларда, айниқса Ўзбекистонда бир неча асрлар мобайнида мавжуд бўлган. Даставвал у араб имлосида ёзилиб, бизгача тўла китоб ҳолида етиб келмаган. Тадқиқотлар туфайли кураш илми ҳақидаги кекса нуроний паҳлавонларнинг ҳикояларига асосланиб бир қанча маълумот йиғишимизга тўғри келди.

Уларнинг айтишича, зўриқиш белга бориб тақаладиган бир қанча йўналишларни ўзида мужассам қилган, амалларга таяниб рақибнинг елкасини ерга теккизиш кураш дейилади.

Кураш қоидасига эса шундай изоҳ берадилар: «Ушбу қоидада олдиндан белбоғ ушлашмай ташланиш, рақиб белбоғидан бир қўл билан ушлаб ёки икки қўл билан ушлаб, уни чалиб ва чалмай амал бажариш ҳамда белдан кучоқлаб, жисмоний куч ишлатиб, кўтариб ташлаш бу кураш».

Ана шу мақсадга эришиш учун ҳар қандай рақибга жисмоний куч ишлатиш пайтидаги ҳаракат бу олишдир, деб таъкидлайдилар.

Шунингдек, зўриқиш белга тақалган курашларнинг барчасини бел олиш кураш деб айтадилар ва унга қуйидагича изоҳ берадилар:

а) амални бажариш бел орқали бўлиб, белбоғни икки қўл билан ушлаб қўлни қўйиб юбормай чалиб ёки чалмай амаллар қўллаш — бу бел олиш кураш;

б) амални бажариш бел орқали бўлиб, белбоғни икки қўл билан ушлаб, қўлни қўйиб юбормай кўтариб чалмай амаллар қўллаш — бу бел олиш кураш;

в) амал бажариш бел орқали бўлиб, белбоғни икки қўл билан ушлаб, сўнг бир қўлни қўйиб юбориб бир қўл панжа билан белбоғ ушлаб чалиб ёки чалмай амаллар қўллаш — бу бел олиш кураш.

Ўша биз таъкидлаётган кураш илми китобида умуман кураш ҳақида сўз бориб, унинг ҳар бир турига алоҳида тўхталиб ўтилади. Биз ушбу қўлланмадаги бел олиш кураш ҳақида сўз юритамиз, унда ахлоқ, одоб, тарбия, баданни чиниқтириш, паҳлавонларнинг ўзини қандай тутиши, кучсизларга кўмак бериш ҳамда бел олиш курашидаги амаллар ва унга доир бир қанча илмий қарашларни баён қиламиз. Кекса паҳлавонларимиз эса озми-кўпми уларга амал қилганлар. Уларнинг таъкидлашича, паҳлавонлар доимо тоза, покиза, таҳорат олиб юрганлар. Доимо катта-кичikka салом-алик қилиб, камтарин бўлишган. Бел олиш кураш давраларида паҳлавонлар одоб сақлаб жим ўтиришган, сайил давраларида уларни ўртага бел олишга таклиф қилишмагунча, ўзлари биров билан курашаман, деб ўртага чиқмаган. Паҳлавонлар одоб юзасидан ҳеч қачон кўпчилик олдида яланғоч баданини кўрсатмаганлар. Бел олиш курашида ғалаба қилгандан сўнггина навбатда турган паҳлавонлар билан бирин-кетин, то мағлубиятга учрамагунча бел олишган. Башарти у бел олишишни ихтиёр этмаса, унинг рақибни бел олишни давом эттирган, шу сайлда бошқа паҳлавонлар билан яна учрашиш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Агарда бир тарафдаги паҳлавонларнинг ҳаммасини мағлуб этса, унга бир нечта томондан талаб тушса, ким билан бел олишишни ўзи ҳал қилган. Бел олиш кураш даврида жароҳати ёки бошқа жиддий сабабларга кўра кураша олмаса, шу сайилда бел олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Лекин мағлубиятга учради, деб овоза қилинмаган. Паҳлавонлар йиқитган рақибнинг ўрнидан туриб олишига кўмак берганлар. Паҳлавонлар бел олиш кураш амалларини пухта эгаллашлари учун шогирдликка тушиб тарбия кўрганлар. Паҳлавонларга бел олиш кураш амалларини ўргатишдан ташқари, уларни жисмоний машқлар, ахлоқ-одоб ва бошқа бир қанча йўналишлар бўйича тарбиялаганлар. Ушбу китобдан сиз бел олиш кураш амалларининг баъзи бирлари қандай номланган бўлса шундайлигича танишасиз. Улардан бурув, қайирма, қайтарма, чалақайтарма, ёнбош, илиш, тўсиш, айлантириш (тегирмон), улоқтириш (ирғитиш), чап тиззага миндириб ташлаш (бетга ташлаш), босма (қоқма), чайқатиш (силташ), кифтлаш, қўшала-ёнбош, тўғаноқ чалиш атамалари ва бошқа бир қанча амаллар азалдан қўлланиб келинган. Ана шу номлар узоқ йиллик изланишлар натижасида тикланган бел олиш курашининг, амалларининг бир қисмидир. Аммо улар қачон ва қайси даврдан шундай номланганлиги маълум эмас. Кексаларнинг таъкидлашича, ушбу атамалар кураш илми китобида изоҳлари билан тўлиқ берилган бўлиши мумкин. Албатта, бу номлар туркий сўзлар бўлганлиги боис ҳозиргача бир қанча туркий миллатларда, айниқса, уларнинг энг кўпи Марказий Осиё давлатларида сақланиб қолган. Ўзбекларда кураш илми китоби бўлганлигини қуйидаги манбадан билса ҳам бўлади:

1937 йил «Гулистон» журналида «Кураш ҳадиси» — кураш илми ҳақида бир парча эълон қилинган. Ўша даврда журнал лотин имлосида босилган экан. Унда шундай дейилади: «Кураш ҳадисини пухта билган фарғоналик Ҳожимат полвоннинг айтишича, бел олиш курашида қўлоёқ билан бел кучигина иш беради.

Полвонлар кучни учга бўлиб қарайдилар:

Биринчиси — суяк кучи энг асосий куч ҳисобланиб, чандир ва пайларнинг пишиқлигига боғлиқ. 20—25 ёшгача бўлганларда бу куч яхши натижалар беради. Суяк кучи семиришни кўтармайди, полвонлар семирса, курашдан қолади.

Иккинчиси — мускул кучи бўлиб, суяк кучи ҳам шу мускул кучидан айри нарса эмас, лекин полвонлар буни фарқлайдилар. Гўшт кучи 25—50 ёшлар орасида бир ривожланиб, полвон узоққа бормай ишдан чиқар экан. Лекин кўп машқ қилиб, кўп курашиб ўзини пишитганлар умрининг охиригача полвонлик қиладилар. Аксар машхур полвонлар шу гуруҳдан чиқади, дейдилар.

Учинчиси — белбоғ кучи — 18—20 ёш орасида бўлиб, бу полвонлар бот сўниб қоладилар. Кураш илмини тартибли ўрганганда булардан ҳам узоқ йиллар курашадиган полвонлар чиқади, лекин озчиликни ташкил қилиши мумкин. Курашда куч билан баравар, балки ундан ҳам ортиқроқ ролни кураш ҳадиси ўйнайди. Кураш илми деганимиз кураш ҳунари бўлиб, жиддий машқни талаб қилади. Полвонлар ўртасида кураш илмини билувчилар эътиборли ҳисобланади. Кураш илмида ҳар қайси устанинг ўзига яраша амали бўлади. 1930 йили Наманган сайлидаги бел олиш курашида Ғофир полвон ўзининг «тегирмон» (айлантириш) амали билан танилади. Бу амалда у полвоннинг белини ушлаган он тўхтамасдан чирпирак қилиб айлантиради-да, шу билан рақибини (ҳарифини) йиқитади. Ғофир полвон шундай қилиб Тошкентдан борган машхур Ўлан полвонни йиқитади. Ундан сўнг кетма-кет бир нечта полвонни ҳам мағлуб қилади. Ниҳоят, тошкентлик номаълум полвон Ғофирнинг тегирмон амалини тўхтатади. У Ғофир полвоннинг амалидан қаттиқ ҳимояланиб, ўзининг амали билан Ғофирни йиқитади. Бел олиш курашида тўн кийилади. Ялангоёқ бўлиб, икки билакни бир айлантириб оларлик белбоғ боғланади. Кураш илмининг тавсифи бўйича кучи (малакаси), яъни гавдалари бир-бирига мос келадиганлар курашга туширилади.¹ Курашчилар бир-бирини қоидага мувофиқ ушлаб олмагунча ҳаракатни бошламайдилар. Ушлашиб олгач, ҳар иккиси бутун куч ва кураш илмларини ишга соладилар ҳамда бир-бирини чайқатиб синаб кўрадилар. Агар курашчилар бир-бирига мос бўлмаса, бир зарбдаёқ кучсизроқ рақиб йиқилиб қолади. Полвонлар бир-бирини силтаб кўриб, кейин оҳиста ҳаракат қиладилар. Бунда ҳар икки томон ҳам оёғини олдинма-кетин қўйиб, белини узоққа олиб қочган ҳолда гавдасини букиб юради. Бу юришда полвонлар ўз кучлари билан рақибининг белини ярим чарчатишга ва уни сиқиб кўтаришга ҳозирлик кўрадилар. Қайси томон рақибининг белини букишга ҳаракат қилса, иккинчи томон олдинги оёғини букиб, белини қочириб унинг ҳаракатини

¹ "Гулистон" журнали. 1-сон. Тошкент. 1937 йил, 30—31-бетлар.

Эслатма: чайқатиш — силташ, ҳариф — рақиб, лангар ташлаш — мувоzanатни сақлаган ҳолда оёқ ташлаш.

қайтаради. Агар ҳариф (рақиб) забардаст бўлса, рақибининг белидан сиқиб уни олдига тортиб олади, бел тиклангач, кўтариш осон бўлади. Уста курашчилар кўтариб олганидан сўнг ҳарифни қучоқлаган кўйи айлантириб ерга уради. Бунинг сабаби, йиқилувчи уста бўлса лангар ташлайди, яъни оёғини йириб, бир силтаб оёғини ерга етказиб олади. Ёки йиқитувчи уни ерга урганда, мўлжаллаб туриб оёғини ерга тираб олади. Агар рақиб амални тез бажариб айлантириб ташласа, йиқилувчи лангар ҳам ташлай олмайди, оёғини қўйиш мўлжалидан ҳам адашади. Баъзан шундай бўладики, йиқитмоқчи бўлиб кўтариб олган полвон ноқулай иш кўргани ва кўпинча оёқларининг кучсизлиги туфайли орқасига ўзи йиқилиб қолади, бунда голиблик бояги босиб тушганга берилади. Бел олиш курашида Фарғонада, Қўқонда ёхуд Тошкентда оёқ билан чалиб йиқитиш, кўтариб олмасдан ёнбошга ва буриб йиқитишларга йўл қўйилмайди.¹

Бу билан биз бел олиш кураш тури илмигагина хос бир маълумот бердик, холос. Умуман олганда, «Кураш илми» китобида кураш амаллари, қонун-қоидалари, атамалар, жисмоний тарбия машқлари, машғулот ўтказиш, ахлоқ-одоб, тарбия, қандай овқатланиш, кураш ма-лакалари, унвонлар, тўғрилиқ, қўрқмаслик, хуллас бир қанча йўналишларга эга бўлган тушунчалар баён қилинган. Тадқиқотлар даврида машҳур кекса полвонлар билан учрашганимда, уларнинг аксарияти бу тушунчаларни кимдан, қайси китобдан ўқиганларини айта олмадилар. Фақат уларни устозлари ўргатгани, уқтирганларини сўзлаб бердилар, холос.

Ана шунинг учун ҳам ҳар бир бел олиш илмини ўргатувчи мураббийлар ўз амаллари бўйича тарбия берганлар. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин: XIX асрда яшаган татар ботири Шаҳобиддин Маржоний бир маротаба ютган одами билан бошқа курашмаган. Туркман паҳлавони Аннадурди Ягсурар (ёғ ичувчи) ҳар доим бел олиш курашидан олдин эритилган ёғни истеъмол қилиб паҳлавонларни енгган ва шунга амал қилган. Қозоқ паҳлавони Мўмин Қўнишбой ўзига ишониб, зўр паҳлавон билан аҳдлашиб (шартлашиб) бел олишга тушган.

XX аср бошларида яшаган паркентлик (Тошкент вилояти) Абдурахмон паҳлавон сайилларда биров билан бел олишишга талабгор бўлмай, аксинча, одоб юзасидан ўзи билан курашувчиларни талаб қилган. Доимо ёлғиз ўзи бел олиш курашига келиб, ёлғиз қайтиб кетган. Бағдодлик (Фарғона вилояти) Қўшоқ паҳлавон энг забардаст паҳлавонлар учун ўзининг бел сиқув ҳунарини ишлатган. Ҳаммага маълум қирғизистонлик машҳур Абдурахмон паҳлавон оғир вазнли полвонлар билан бел олишганда лангар ташлаб, мувозанатни сақлаб, яъни оёқда тушиб босиб қолиш амаллари билан ҳаммани қойил қолдириб ютган. Ана шу санаб ўтилган паҳлавонлар ўз ихтиёри билан мағлубиятга учраган кишилар билан бел олишмасликни, ёғ истеъмол қилиб бел олишишни, ўзига ишониб аҳдлашиб (шартлашиб) бел

¹ "Гулистон" журнали. 1-сони. Тошкент. 1937 йил, 30—31-бетлар.

олишишни, бировга талабгор бўлмай ўзига талабгор сўрашни, фақат ҳар замонда рақиб белини қаттиқ сиқиш орқали ёки лангар ташлашни ўзлари шуни хоҳлаганлари учун эмас, бел олиш кураш илмини ус-тозлари ўргатгандай пухта эгаллаганлигидан деб тушунишимиз лозим. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буни қирғизистонлик машҳур Абдурахмон Мўминов 1965—1980 йилларда бел олиш кураш илмига, яъни кураш ҳадисига қандай амал қилганлигидан билиб олса бўлади.

Бугунги замонавий бел олиш курашини мукамал эгаллаш учун олдиндан ёзилган ва амалда қўлланилган кураш илмидан фойдаланиш ижобий самара бериши тайин. Биз бу китоб орқали қадимдан бел олиш кураш илмига риоя қилиб курашган паҳлавонлар ҳақида қисқача ҳикоя қилдик. Уни ўқиган ҳар қандай мураббий ва спортчилар уларнинг амалларидан фойдаланса, бу фақат фойдадан холи бўлмайди, деб кураш илми тўғрисидаги қисқа маълумотларимизга яқун ясаймиз.

XVII БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ИЛМИ (ҲАДИСИ) САБОҚЛАРИ

Юқорида айтиб ўтганимиздек, туркий миллатлар ичида бел олиш кураш илмини ўргатадиган мураббийлар бўлган. Улар курашчилар билан ўспиринлик давридан бошлаб машғулот ўтказганлар. Ҳар бир мураббий ўз йўналиши бўйича тарбия берган. Кекса бел олиш курашчиларининг айтишича, қадимдан уста мураббийлар амалларни шогирдларининг ёшларига қараб ўргатишган. Ҳатто қадимдан бел олиш кураш амалларини ўргатиш жадваллари ҳам бўлиб, шу жадвал бўйича сабоқ берилган. Улар машғулотнинг ҳафталик, ойлик, йиллик жадвалларини тузишган. Масалан, ҳафталик жадвалда ёшларига қараб машғулотлар 3, 4, 5 кунлик қилиб белгиланган. Қолган бўш кунларда эса фақат жисмоний машқлар билан чиниқтиришган.

Бел олиш кураш илмини чуқур ўрганган кекса паҳлавонларнинг айтишича, кураш ўргатувчи мураббийлар ҳафта кунларини бўлиб олиб, шунга қараб сабоқ амалларини ўргатишган. Улар, болани бел олиш кураш машғулотлари кунлари амалларни ўргатиш орқали чарчатиш ва шу кураш амалларига ёрдам берадиган оғир ва енгил машқларни қилдиришни тўғри деб тушунтирадилар. Қолган бўш кунлари эса фақат оғир жисмоний машқлар қилдиришни тўғри деб билганлар ва меъеридан ортиғини зарар деб ҳисоблаганлар. Кураш амалларидан сўнг оғир жисмоний машқлар қилдиришни зарарли деб билганлар. Амалларни бажаришда қўл, оёқ, бел мускуллари қотиб қолмаслиги учун шу куни жисмоний машқлар қилишни тақиқлаганлар. Оғир жисмоний машқлар бадандаги зўриқишни кучайтиради ва тезликни сусайтиради деб ҳисоблаганлар. Ўз навбатида, кураш илмини пухта эгаллаш учун тезликдан ташқари оёқ, қўл, бел, бўйин мускулларини чиниқтириш кераклигини таъкидлаганлар.

Бел олиш кураш илмини пухта эгаллаш учун барча амалларни ўрганишни тавсия этадилар. Сабаби, ҳар бир амални пухта эгаллаш орқали малакали курашчи бўлиш мумкинлигини баён қиладилар. Ҳар бир курашчи ўзининг бир қанча кураш амалларини яхши бажариш билан бошқалардан ажралиб туради. У шу амалларни бажариш орқали рақибларини мағлубиятга учратади. Бошқа амалларни қўллашни эса ўзига эп кўрмай, айнан ана шу амаллар унга қийиндай туюлади. Бел олиш кураш илмини пухта эгаллаганлар шундай тавсиялар берадилар: Ҳар қандай амални бажариш осон ёки қийин эмас, ҳар бир полвоннинг осон амали бошқалар учун мураккабдай туюлиши мумкин. Шунинг учун амалларнинг ҳар бирини ой давомида жадвал асосида ўргатиш зарур. Биз амалларни ўргатишда ана шу кўрсатмага амал қилдик.

Қадимдан мураббийлар ҳар ойнинг икки кунида мустақил амалларни қайтариш мажбурий деб ҳисоблайдилар. Ойнинг ҳар икки ҳафтасида бир маротаба ҳаммомга тушишни фойдали деб биладилар. Ундан ортиғини курашчилар учун зарар деб ҳисоблайдилар.

Кечки овқатни ётишдан икки соат олдин ейишни, машғулотдан сўнг совуқ ичимликлар ичмасликни тавсия этадилар.

Паҳлавонларнинг писта, ёнғоқ ёки бодом мағзини майизга қўшиб туйиб, уни асалга аралаштириб ёнғоқ шаклида қотирилганидан икки донасини ҳар кунги нонуштада ейиши жуда фойдали деб айтадилар.

Бугунги бел олиш кураш амалларини кураш ҳадисига асосланиб жадвалга солиш орқали ўргатишни тавсия қиламиз.

Кураш илми бир йил давомида ҳар ойда ёшларига қараб ўргатиб борилади. Масалан, 10—11—12 ёшдаги болалар учун, 12—14 ёшли болалар ҳамда 14—16 ёшли ўсмирлар ҳамда 16—19 ёшли ёшлар учун сиз бир йил давомида ҳар ойда қанча амалларни ўргатишни билиб олишингиз мумкин.

Мисол учун, ойлик дарс соати аниқ кўрсатилиб, амални ҳар ойда биринчи маротаба ўтиш, мисол учун -1 , -17 , -19 , амалларни қайтариб ўтиш учун эса, мисол учун $+25$, $+28$, $+30$ қилиб белгиланади.

Сиз ана шу жадвал асосида ҳар бир амалнинг ой давомида, шунингдек йил давомида бир хил ўтилишига эришасиз. Амални қайтариб ўтишда озгина фарқ бўлиши мумкин.

Кураш илмини ўргатувчи мураббийларнинг таъкидлашича, амалларни ана шундай тартибда ўргатиш орқали кўзланган мақсадга етиш мумкин.

Қуйида қадимги кураш ҳадиси сабоқларини ўргатиш жадвалини ҳавола этамиз.

Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш тўғарақларига ёшга қараб қабул қилиш, гуруҳларда ўқув машғулотларини соат ва дақиқаларга тақсимлашнинг ҳафталик ҳамда ойлик тахминий жадвали

Сентябрь

1-жадвал

№	Туғилган йили	Ўқиш даври: йиллар	Синфдан синфга кучиш	Ёши	Шуғулланган йили	Бир ойда гуруҳ соати ва дақиқалари	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба	Жами бир ойда ўқув машғулотлари соати ва дақиқаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	2003 йил	2010—2011 йил	1-синф	7 ёки 8 ёш	—	—	Ойнинг ҳар душанбаси		Ойнинг ҳар чоршанбаси	Ойнинг ҳар пайшанбаси	Ойнинг ҳар жумаси	Ойнинг ҳар шанбаси		
2	2003 йил	2011—2012 йил	2-синф	8 ёки 9 ёш	—	—								
3	2003 йил	2012—2013 йил	3-синф	9 ёки 10 ёш	қабул қилиш вақти	—								
4	2003 йил	2013—2014 йил	4-синф	10 ёки 11 ёш	1 йил	24 соат	2 с 2 с		2 с 2 с		2 с 2 с			6 × 4=24 соат
5	2003 йил	2014—2015 йил	5-синф	11 ёки 12 ёш	2 йил	1080 дақиқа	2 с 2 с		2 с 2 с		2 с 2 с			270 × 4=1080 дақиқа
6	2003 йил	20015—2016 йил	6-синф	12 ёки 13 ёш	3 йил	32 соат	2 с 2 с		2 с 2 с		2 с 2 с	2 с 2 с		8 × 4=32 соат
7	2003 йил	2016—2017 йил	7-синф	13 ёки 14 ёш	4 йил	1440 дақиқа	2 с 2 с		2 с 2 с		2 с 2 с	2 с 2 с		360 × 4=1440 дақиқа

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
8	2003 йил	2017—2018 йил	8-синф	14 ёки 15 ёш	5 йил	48 соат	3 с 3 с		3 с 3 с		3 с 3 с	3 с 3 с		12 × 4=48 соат
9	2003 йил	2018—2019 йил	9-синф	15 ёки 16 ёш	6 йил	2160 дақиқа	3 с 3 с		3 с 3 с		3 с 3 с	3 с 3 с		540 × 4=2160 дақиқа
1	2003 йил	2019—2020 йил	коллеж ёки лицейнинг 1-босқичи	16 ёки 17 ёш	7 йил	56 соат 2520 дақиқа	3 с 3 с		3 с 3 с	3 с 3 с	3 с 3 с	2 с 2 с		14 × 4=56 соат 630 × 4=2520 дақиқа
2	2003 йил	2020—2021 йил	2-босқич	17 ёки 18 ёш	8 йил		3 с		3 с	3 с	3 с	2 с		
3	2003 йил	2021—2022 йил	3-босқич	18 ёки 19 ёш	9 йил		3 с		3 с	3 с	3 с	2 с		
1	2003 йил	2021—2022 йил	Олий малакали спортчилар	18 ёш ва ундан юқорилар	10 йил	72 соат 3240 дақиқа	4 с 4 с 4 с 4 с		4 с 4 с 4 с 4 с	4 с 4 с 4 с 4 с	3 с 3 с 3 с 3 с	3 с 3 с 3 с 3 с		18 × 4=72 соат 810 × 4=3240 дақиқа

Ушбу қўлланмадаги бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган, халқимизнинг миллий маданий мероси, маънавий бойлиги, гурури, ифтихори ва дўстлик рамзи бўлган Бел олиш кураш турини авайлаб асраш, ҳимоя қилиш, ҳар бир ўзбекнинг муқаддас бурчидир. Шунингдек, қўлланмадаги ажодларимиз Бел олиш кураш турида болани ўн ёшдан амалларни ўрганиши илмий жиҳатдан жуда тўғридир. Фақатгина болага машғулот жараёнигача яъни етти ёшдан ўн ёшгача ҳар қандай кураш турида амалий шакллари зўриқтирмасдан ўтиш тўғридир. Мусобақа даврини эса ўн икки ёшдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Талъат Усмонхўжаев,
педагогика фанлари доктори

Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича 10—12 ёшли бошланғич гуруҳлар учун 312 соатлик йиллик машғулотларни соат ва дақиқаларга тахминий тақсимлаш жадвали

2-жадвал

№	Машғулотлар мазмуни	Режадаги соат ва дақиқалар	Машғулот даври													Жами соат ва дақиқалар
			сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	Ўзбекистонда жисмоний тарбиянинг ривожланиши	1 соат 45 дақиқа	1												1 соат 45 дақиқа	
2	Жисмоний тарбия асосларининг табиийлиги	1 соат 45 дақиқа		1											1 соат 45 дақиқа	
3	Шахсий ва жамоат гигиенаси	2 соат 90 дақиқа			1	1									2 соат 90 дақиқа	
4	Ж/т, спорт, меҳнат, дам олиш режаси	1 соат 45 дақиқа					1								1 соат 45 дақиқа	
5	Миллий бел олиш курашининг техника ва тактикаси	2 соат 90 дақиқа						1	1						2 соат 90 дақиқа	
6	Миллий бел олиш курашининг ривожланиш тарихи	2 соат 90 дақиқа								1		1			2 соат 90 дақиқа	
7	Мусобақа даври	2 соат 90 дақиқа									1		1		2 соат 90 дақиқа	
8	Спорт жиҳозларини сақлаш	1 соат 45 дақиқа												1	1 соат 45 дақиқа	

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
9	Жами соат ва дақиқалар	12 соат 540 дақиқа	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	12 соат 540 дақиқа
Амалий машғулот															
1	Умумий жисмоний тайёргарлик	112 соат 5040 дақиқа	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	8 соат	8 соат	8 соат	8 соат	112 соат 5040 дақиқа
2	Махсус жисмоний тайёргарлик	44 соат 1980 дақиқа	4 соат	4 соат	4 соат	4 соат	3 соат	3 соат	3 соат	4 соат	4 соат	4 соат	4 соат	3 соат	44 соат 1980 дақиқа
3	Бел олиш курашининг техника ва тактикасини ўргатиш	120 соат 5400 дақиқа	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	10 соат	120 соат 5400 дақиқа
4	Қабул қилиш. Гуруҳдан гуруҳга ўтказиш синовларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш	24 соат 1080 дақиқа	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	2 соат	2 соат	2 соат	1 соат	3 соат	3 соат	3 соат	4 соат	24 соат 1080 дақиқа
Жами дақиқалар		14040 дақиқа													14040 дақ : : 45 дақ = =312 соат
Соатлар. Жами		312 соат	26	26	26	26	26	26	26	26	26	26	26	26	312 соат

Эслатма: Барча жадвалларда амаллардан сабоқ берилганда йилнинг 52 ҳафтасига соатлар тақсимланиши назарда тутилади.

**Кураш ҳадиси (кураш илми)га асосланган Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича бошланғич гуруҳлар учун
312 соатлик амаларни ўргатишнинг йиллик жадвали**

3-жадвал

№	10—12 ёшли бошланғич гуруҳлар учун йиллик 312 соат давомида ўргатилалиган амалларнинг номлари	Сабоқ ўтиш жадвали												Жами бир йиллик сабоқ давомида бажарилган амаллар сони	
		сен-тябрь 0—26	октябрь 0—26	ноябрь 0—26	декабрь 0—26	январь 0—26	февраль 0—26	март 0—26	апрель 0—26	май 0—26	июнь 0—26	июль 0—26	август 0—26		
0	Назарий машғулот бир йилда 12 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Белбоғдан ушлаш ҳолати	1— 21+	1—	1—	1—	1— 25+	1—	25—	1—		1—	25—	1—	—11	+2
2	Босиш амали	2— 23+	2— 21+	2—	25—	15—	2— 25+	1— 19+	2—	1— 25+	13—	1—	14— 24+	—12	+6
3	Силташ ҳаракати	3— 22+	4—	3— 25+	2—	16—	19—	16—	15— 25+	14—	2—	6—	2—	—12	+3
4	Кифтлаш ҳаракати	4—	5—	4—	20—	2— 17+	3—	2— 20+	3—	2—	20—	19—	15— 21+	—12	+3
5	Силтаб тортиб тиззалатиш амали	5—	3— 22+	5—	3—	18—	18—	15—	4— 21+	13—	12—	11—	3— 25+	—12	+3
6	Силтаб итариб ўтиргизиш амали	6—	20—	6—	24—	3—	4—	3—	14—	3—	3— 26+	2—	13—	—12	+1
7	Кифтлаб итариб ўтиргизиш амали	15— 26+	6— 23+	7—	4—	4—	5— 26+	17— 21+	5—	12—	14— 23+	18— 22+	4—	—12	+6
8	Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали	8—	17—	22—	5—	5— 26+	15— 21+	4—	13— 26+	19—	4—	3— 23+	16—	—12	+4
9	Чап ва унғ оёқда ҳар хил йўналишда тўғаноқ чалиш амаллари	9—	7— 24+	17—	6— 18+	23—	6— 22+	14— 26+	6—	4— 20+	19—	12—	5—	—12	+5

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
10	Босма амали	10—	18— 25+	24—		6—	8—	5—	20—	11—	5— 25+	4—	20—	—11	+2
11	Кутарма амали	11—	8—	8—	7— 17+	14—	20— 23+	22—	7— 22+	5— 24+	11—	13—	6—	—12	+4
12	Чап ва унг оёқда тиззага миндириш амали	12—	19—	9—	9— 26+	24—	7—	6—	16— 23+	6—	15— 24+	5— 24+	12— 23+	—12	+5
13	Қайирма амали	18—	9—	10—	8—	7—	10—	13—	8—	10— 21+	6—	14—	7— 26+	—12	+2
14	Супурма амали	7— 25+	10—	11— 23+	10— 22+	8—	9—	7—	12—	7— 22+	16—	10—	19—	—12	+4
15	Ёнбош амали	13—	14— 26+	18—	11—	9— 20+	16— 24+	18—	17—	15—	7— 26+	15— 20+	8—	—12	+5
16	Буров амали	14—	11—	12— 19+	14— 23+	13—	17—	8— 23+	9— 24+	8—	17—	7— 26+	11— 22+	—12	+6
17	Оширма амали	19—	15—	13— 26+	13— 21+	19— 21+	11—	9—	18—	16— 23+	8— 21+	16—	9—	—12	+5
18	Супуриб ошириш амали	16—	12—	14— 20+	12—	10—	13—	11— 24+	19—	18—	10—	8— 21+	17—	—12	+3
19	Ҳимоя ва амалларга қарши амаллар	17— 24+	16—	15— 21+	15— 19+	11— 22+	12—	10—	10—	17—	9— 22+	17—	10—	—12	+5
20	Чала қайтариш амали	20—	13—	16—	16—	12—	14—	12—	11—	9—	18—	9—	18—	—12	
Ҳар бир сабоқда амалларни биринчи марта қайтариш сони — жами		20—	20—	20—	19—	20—	20—	20—	20+	19—	20—	20—	20—	238	
Ҳар бир сабоқда амалларни такрорий қайтариш сони — жами		6+	6+	6+	7+	6+	6+	6+	6+	7+	6+	6+	6+		+74

10—12 ёшли бошлангич гуруҳлар учун Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича 24 соатлик ойлик машғулотларни соат ва дақиқаларга тақсимлаш жадвали

Сентябрь

4- жадвал

№	Тайёргарлик қисми	Соатларга бўлиш													Жами соат ва дақиқа
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
1	Сафланиш, рапорт қабул қилиш. Машқларни диққат билан ўзлаштириш. Юриш, югуриш умумривожлантирувчи машқлар. Гилам устидаги махсус машқлар	21	21	21	21	21	21	21	21	21	21	20	20	20	270 дақиқа 6 соат
2	Назарий машғулот	5	5	5	5	5	5	5	5	5					45 дақиқа
3	Асосий қисм Махсус жисмоний тайёргарлик	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	13	13	180 дақиқа 4 соат
4	Бел олиш курашининг техника ва тактикасини ўргатиш	36	36	36	36	31	31	31	31	31	36	37	39	39	450 дақиқа 10 соат
5	Қабул қилиш ва гуруҳдан гуруҳга ўтказиш синовларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш.					5	5	5	5	5	5	5	5	5	90 дақиқа 1 соат
6	Яқунловчи қисм Қайта сафланиш, енгил югуриш, юриш, нафасни ростловчи машқларни бажариш, мускулларни бўшаштирувчи машқлар. Сабоқ яқуни, уйга вазифа	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	13	13	180 дақиқа 4 соат
7	Жами соат ва дақиқалар	90 2	90 2	90 2	90 2	90 2	90 2	90 2	90 2	90 2	90 2	90 2	90 2	90 2	1170 : 45= 26 соат

**Кураш ҳадиси (кураш илми)га асосланган Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича бошланғич гуруҳлар учун
26 соатлик амалларни ўргатиш ойлик жадвали**

Сентябрь

5- жадвал

1	10—12 ёшли бошланғич гуруҳларда 1 ойда ўргатиладиган 26 соатлик ойлик амалларнинг номлари	Соатлар бўлиниши													Жами ҳар бир сабоқ давомида бажарилган амалларнинг ойлик сони	
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13		
		1 2	3 4	5 6	7 8	9 10	11 12	13 14	15 16	17 18	19 20	21 22	23 24	25 26		
0	Назарий машғулот Ўзбекистонда жисмоний тарбиянинг ривожланиши	5 а	5 а	5 а	5 а	5 а	5 а	5 а	5 а	5 а						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
1	Белбоғдан ушлаш ҳолати	—										+			—1	+1
2	Босиш амали	—											+		—1	+1
3	Силташ ҳаракати		—									+			—1	+1
4	Кифтлаш ҳаракати		—												—1	
5	Силтаб тортиб тиззалатиш амали			—											—1	
6	Силтаб итариб ўтиргизиш амали			—											—1	
7	Кифтлаб итариб ўтиргизиш амали								—					+	—1	+1
8	Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали				—										—1	
9	Ҳар хил йуналишда бажариладиган тўғаноқ чалиш амали					—									—1	
10	Босма амали					—									—1	

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	
11	Кўтарма амали						—								—1		
12	Чап ва унғ оёқда тиззага миндириш амали						—								—1		
13	Қайирма амали									—					—1		
14	Супурма амали				—									+1	—1	+1	
15	Ёнбош амали							—							—1		
16	Бутов амали							—							—1		
17	Оширма амали										—				—1		
18	Супуриб ошириш амали								—						—1		
19	Ҳимоя ва амалларга қарши амаллар									—			+		—1	+1	
20	Чала қайтариш амали										—				—1		
Ҳар бир сабоқда амалларни биринчи мартаба қайтариш сони — Жами		—2	—2	—2	—2	—2	—2	—2	—2	—2	—2				20		
Ҳар бир сабоқда амалларни такрорий қайтариш сони + Жами													+2	+2	+2		+6

**Кураш ҳадиси (кураш илми)га асосланган Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича бошланғич гуруҳлар учун
26 соатлик амалларни ўргатиш ойлик жадвали тузишни мустақил ўрганиш**

6- жадвал

№	10—12 ёшли бошланғич гуруҳларда 1 ойда ўргатиладиган 26 соатлик амалларнинг номлари	Соатлар бўлиниши														Жами ҳар бир сабоқ давомида бажарилган амалларнинг ойлик сони		
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13				
		1 2	3 4	5 6	7 8	9 10	11 12	13 14	15 16	17 18	19 20	21 22	23 24	25 26				
0	Назарий машғулот																	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17		
1	Белбоғдан ушлаш ҳолати																	
2	Босиш амали																	
3	Силташ ҳаракати																	
4	Кифтлаш ҳаракати																	
5	Силтаб тортиб тиззалатиш амали																	
6	Силтаб итариб ўтирғизиш амали																	
7	Кифтлаб итариб ўтирғизиш амали																	
8	Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали																	
9	Ҳар хил йўналишда бажариладиган тўғаноқ чалиш амали																	
10	Босма амали																	
11	Кутарма амали																	

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
12	Чап ва ўнг оёқда тиззага миндириш амали															
13	Қайирма амали															
14	Супурма амали															
15	Ёнбош амали															
16	Бутов амали															
17	Оширма амали															
18	Супуриб ошириш амали															
19	Ҳимоя ва амалларга қарши амаллар															
20	Чала қайтариш амали															
	Ҳар бир сабоқда амалларни биринчи мартаба қайтариш сони — жами															
	Ҳар бир сабоқда амалларни такрорий қайтариш сони + жами															

Бел олиш кураш илми амалларини ўргатишнинг йиллик жадвалига қараб амалларни ўргатишнинг кейинги ойлар учун жадвалини тўлдиришни мустақил ўрганинг. Катакларга қаламда чизинг (3 жадвалга қаралсин). Қайси назарий машғулотларни кейинги ойларга қўйиш учун 2 жадвалга қаралсин.

**Ёшга қараб қабул қилиш ва гуруҳдан гуруҳга ўтказиш Бел олиш кураш ва Белбоғли курашларида машгулотлар ўтказиш бўйича
10—12 ёшли бошланғич гуруҳлар учун тахминий жадвали**

7- жадвал

№	Умумий жисмоний тайёргарлик	Шугулланган йили		Туғилган йили	Ўқиш даври: йиллар	Синфдан синфга кўчиш	Ёши
	Махсус жисмоний тайёргарлик	1 йил	2 йил				
1	2	3	4	5	6	7	8
1	30 м. га югуриш дақиқа ва лаҳза (с)	Қабул қилишда 5.	Қабул қилишда 4.9	2003 йил	2013—2014 йил	4-синф	10 ёки 11 ёш
		Кўчиришда 4.9	Кўчиришда 4.8	—	2014—2015 йил	5-синф	11 ёки 12 ёш
2	60 м. га югуриш лаҳза (с)	Қабул қилишда —	Қабул қилишда 10.4	—	2013—2014 йил	4-синф	10 ёки 11 ёш
		Кўчиришда 10.8	Кўчиришда 10.2	—	2014—2015 йил	5-синф	11 ёки 12 ёш
3	Баланд турникда тортилиш (марта)	Қабул қилишда 3.	Қабул қилишда 4.	—	2013—2014 йил	4-синф	10 ёки 11 ёш
		Кўчиришда 4	Кўчиришда 5.	—	2014—2015 йил	5-синф	11 ёки 12 ёш
4	25 м га сузиш дақиқа (мин)	Қабул қилишда —	Қабул қилишда вақт чегараланмаган	—	2013—2014 йил	4-синф	10 ёки 11 ёш
		Кўчиришда —		—	2014—2015 йил	5-синф	11 ёки 12 ёш

1	2	3	4	5	6	7	8
5	Оёқ ёрдамида арқонга чиқиш (4 м) (маррага етиш шарт билан)	Қабул қилишда —	Қабул қилишда вақт чегараланмаган	2003 йил	2013—2014 йил	4-синф	10 ёки 11 ёш
		Кўчиришда —	Кўчиришда вақтсиз	—	2014—2015 йил	5-синф	11 ёки 12 ёш
6	Ерга таяниб қўлни букиб-ёзиш (10 лаҳза (с) ичида, ким кўп қайтариш (марта))	Қабул қилишда —	Қабул қилишда имконият даражасида	—	2013—2014 йил	4-синф	10 ёки 11 ёш
		Кўчиришда имконият даражасида	Кўчиришда имконият даражасида	—	2014—2015 йил	5-синф	11 ёки 12 ёш
7	Гиламда кўприк (мост) ҳолатига ташлаш 1 дақиқа (мин)	Қабул қилишда —	Қабул қилишда 10	—	2013—2014 йил	4-синф	10 ёки 11 ёш
		Кўчиришда 10	Кўчиришда 12	—	2014—2015 йил	5-синф	11 ёки 12 ёш
8	Гиламда кўприк ҳолатда туриб, пешона атрофида 5 та чапга 5 та ўнгга югуриш	Қабул қилишда —	Қабул қилишда 6 вақт	—	2013—2014 йил	4-синф	10 ёки 11 ёш
		Кўчиришда 5	Кўчиришда 7	—	2014—2015 йил	5-синф	11 ёки 12 ёш
9	Гиламда ўзлаштирган амалларни ихтиёрий намойиш этиш	—	Қабул қилишда 3 та	—	2013—2014 йил	4-синф	10 ёки 11 ёш
	Сифатига эътибор бериш	Кўчиришда 3	Кўчиришда 5	—	2014—2015 йил	5-синф	11 ёки 12 ёш
	Мураббий ўз малакасидан келиб чиқиб машқларни ўзи танлаши мумкин						

Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича 12—14 ёшли ўсмирлар учун 416 соатлик йиллик машғулот ўтиш учун соат ва дақиқаларни тахминий тақсимлаш жадвали

8-жадвал

№	Машғулотларнинг мазмуни	Режадаги соат ва дақиқалар	Машғулот даври												Жами соат ва дақиқалар
			сен-тябрь	ок-тябрь	но-ябрь	де-кабрь	ян-варь	фев-раль	март	апр-ель	май	июнь	июль	ав-густ	
	Назарий машғулот		4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Ўзбекистонда жисмоний тарбиянинг ривожланиши	1 соат 45 дақиқа	1												1 соат 45 дақиқа
2	Жисмоний тарбия асосларининг табиийлиги	1 соат 45 дақиқа		1											1 соат 45 дақиқа
3	Шахсий ва жамоат гигиенаси	2 соат 90 дақиқа			1	1									2 соат 90 дақиқа
4	Ж/т, спорт, меҳнат, дам олиш режаси	1 соат 45 дақиқа					1								1 соат 45 дақиқа
5	Миллий бел олиш курашининг техника ва тактикаси	2 соат 90 дақиқа						1	1						2 соат 90 дақиқа
6	Миллий бел олиш курашининг ривожланиши тарихи	2 соат 90 дақиқа								1		1			2 соат 90 дақиқа
7	Мусобақа даври	2 соат 90 дақиқа									1		1		2 соат 90 дақиқа
8	Спорт жиҳозларини сақлаш	1 соат 45 дақиқа												1	1 соат 45 дақиқа

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
9	Жами соат ва дақиқалар	12 соат 540 дақиқа	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	12 соат 540 дақиқа
Амалий машғулот															
1	Умумий жисмоний тайёр- гарлик. Жами	150 соат 6750 дақиқа	13 соат	13 соат	13 соат	13 соат	13 соат	13 соат	12 соат	12 соат	12 соат	12 соат	12 соат	12 соат	150 соат 6750 да- қиқа
2	Махсус жисмоний тайёр- гарлик. Жами	90 соат 4050 дақиқа	8 соат	8 соат	8 соат	8 соат	8 соат	8 соат	7 соат	7 соат	7 соат	7 соат	7 соат	7 соат	90 соат 4050 да- қиқа
3	Бел олиш курашининг техни- ка ва тактикасини ўргатиш. Жами	140 соат 6300 дақиқа	13 соат	13 соат	11 соат	13 соат	13 соат	9 соат	11 соат	11 соат	11 соат	11 соат	12 соат	12 соат	140 соат 6300 да- қиқа
4	Қабул қилиш. Гуруҳдан гу- руҳга ўтказиш синовларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш. Жами	24 соат 1080 дақиқа	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	3 соат	3 соат	3 соат	3 соат	3 соат	2 соат	2 соат	24 соат 1080 да- қиқа
Жами дақиқалар.		18720 дақи- қа : 45= =416 соат													18720 дақи-қа : 45= =416 соат
Соатлар. Жами			36	36	34	36	36	34	34	34	34	34	34	34	416 соат

Кураш ҳадиси (кураш илми)га асосланган Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича ўсмирлар учун амалларни ўргатишнинг 416 соатлик йиллик тахминий жадвали

9- жадвал

№	12—14 ёшли ўсмирлар гуруҳида ўргатиладиган йиллик 416 соатлик амалларнинг номлари	Сабоқ ўтиш жадвали													Жами бир йиллик сабоқ давомида ба- жарилган амаллар сони	
		сен-тябрь 0+36	ок-тябрь 0+36	но-ябрь 0+34	де-кабрь 0+36	ян-варь 0+36	фев-раль 0+34	март 0+34	ап-рель 0+34	май 0+ 34	июнь 0+34	июль 0+34	ав-густ 0+34			
0	Назарий машғулот Бир йилда 12 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	15	16
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	Бел олиш кураш ҳолатлари		-2	-2	-2		-1	-1			-2	-1		-7		
2	Силташ ҳаракати	-3 +16	-3 +36	-4	-33	-1	-2 +34	-2		-2	-26	-2	-2	-11	+3	
3	Кифтлаш ҳаракати	-5 +7	-4	-3 +31	-3	-33 +36	-15	-17	-1 +19	-1	-12	-18 +33	-12 +31	-12	+6	
4	Силтаб тортиб тиззалатиш амали	-17 +19	-20 +30	-5 +19	-18 +35	-2 +34	-8 +23	-3 +34	-12 +32	-3 +23	-3 +20	-12	-3 +33	-12	+11	
5	Силтаб итариб ўтирғизиш амали	-18	-11 +21	-11 +28	-13 +30	-3 +18	-10 +22	-18 +26	-14 +33	-12 +34	-19	-3	-13	-12	+8	
6	Кифтлаб итариб ўтирғизиш амали	-8 +22	-18 +26	-15 +30	-14 +36	-5 +29	-3 +21	-4 +20	-2 +27	-4 +29	-4 +27	-13 +20	-18 +25	-12	+12	
7	Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали	-2 +23	-13	-1 +16	-15 +21	-7 +19	-13 +24	-19 +32	-13 +31	-5 +22	-13	-4	-17 +34	-12	+9	
8	Босиш амали	-6 +24	-12 +31	-6	-16 +32	-9 +30	-9 +32	-5 +21	-3 +20	-13 +24	-5 +21	-14 +27	-4 +20	-12	+11	
9	Чап ва ўнг оёқда ҳар хил йўналишда туғаноқ чалиш амаллари	-1	-1 +33	-22 +33	-1 +34	-31 +35	-20 +33	-27 +33	-29 +34	-33	-1 +33	-26 +34	-1	-12	+9	

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
10	Босма амали	-9 +25	-5 +22	-20 +26	-19 +20	-11 +20	-16 +29	-7	-4 +18	-6 +28	-6 +8	-5 +21	-14 +27	-12	+11
11	Кўтарма амали	-10 +20	-15 +32	-18	-9 +25	-16	-18 +26	-6 +22	-5	-14 +25	-14 +32	-19	-5 +21	-12	+8
12	Оширма амали	-11 +21	-14 +28	-12 +24	-11 +28	-4 +27	-11	-8 +28	-17 +25	-15 +21	-15 +22	-6 +28	-19 +29	-12	+11
13	Чап ва ўнг оёқда тиззага миндириш амали	-12 +15	-6 +23	-7	-4 +22	-6 +21	-4 +27	-9 +30	-6 +21	-7 +30	-7 +23	-15 +22	-6 +28	-12	+11
14	Қайирма амали	-26 +31	-19 +29	-8 +25	-6 +24	-13 +26	-5 +25	-10 +23	-15 +28	-16 +26	-16 +24	-8 +23	-15 +22	-12	+12
15	Супурма амали	-27 +32	-7	-14 +32	-5 +29	-15 +22	-6 +28	-12 +29	-7 +26	-8 +32	-28 34	-16 +24	-7 +23	-12	+11
16	Иргитиш амали	-4 +28	-16 +27	-9 +27	-8 +26	-17 +24	-12 +31	-11 +24	-8 +22	-9 +20	-9 +25	-7 +29	-16 +24	-12	+12
17	Оёқ ёнбош амали	-13 +29	-17 +24	-17 +34	-10 +27	-12 +25	-17	-13	-9 +24	-18	-10 +29	-9 +25	-8	-12	+8
18	Амалларга қарши амаллар	-14 +30	-8 +35	-13 +29	-17	-8 +23	-19	-15	-10	-17 +27	-17 +30	-10 +31	-9 +26	-12	+8
19	Оширма тусиш амали	-33 +35	-9 +34	-23	-12 +23	-10 +32	-7 +30	-14 +25	-16 +23	-10 +31	-11 +31	-17 +30	-10 +32	-12	+11
20	Қайтарма амали	-34 +36	-10 +25	-10 +21	-7 +31	-14 +28	-14	-16 +31	-11 +30	-11 +19	-18	-11 +32	-11 +30	-12	+10
Ҳар бир сабоқда амалларни биринчи марта қайтариш сони — жами		-19	-20	-20	-20	-19	-20	-20	-18	-19	-20	-20	-19	-234	
Ҳар бир сабоқда амалларни такрорий қайтариш сони + жами		+17	+16	+14	+16	+17	+14	+14	+16	+15	+14	+14	+15		+182

Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича 12—14 ёшли ўсмирлар учун 36 соатлик ойлик машгулотлар ўтиш тахминий соат ва дақиқалар жадвали

Сентябрь

10-жадвал

№	Тайёргарлик қисми	Соатлар бўлиниши																		Жами соат ва дақиқалар
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	
1	Сафланиш, рапорт қабул қилиш. Машқларни диққат билан ўзлаштириш. Юриш, югуриш, умумривожлантирувчи машқлар. Гилам устида махсус машқлар	19	19	19	19	19	19	19	19	19	19	19	19	19	19	19	20	20	20	345 дақиқа
2	Назарий машгулот	5	5	5	5	5	5	5	5	5									45 дақиқа	
3	Асосий қисм Махсус жисмоний тайёргарлик	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	360 дақиқа	
4	Бел олиш курашининг техника ва тактикасини ўргатиш	33	33	33	33	33	33	33	33	33	33	33	33	33	33	30	30	30	585 дақиқа	
5	Қабул қилиш ва гуруҳдан гуруҳга ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш.										5	5	5	5	5	5	5	5	45 дақиқа	
6	Яқунловчи қисм Қайта сафланиш, енгил югуриш, юриш, нафасни ростловчи машқларни бажариш, мускулларни бўшаштирувчи машқлар. Сабоқ якуни, уйга вазифа	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	15	15	15	240 дақиқа	
7	Жами дақиқалар	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	1620 : 45=	
Соатлар жами		2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	36 соат	
		с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с		

**Кураш ҳадиси (кураш илми)га асосланган
Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича ўсмирларга амалларни ўргатиш ойлик жадвали**

Сентябрь

11- жадвал

№	12–14 ёшли ўсмирлар учун ойлик 36 соатда ўргатиладиган амалларнинг номлари	Соатларнинг бўлиниши																		Жами ҳар бир сабоқ да- вомида амалларни бажарилган ойлик сони	
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18		
		1	3	5	7	9	11	13	15	17	19	21	23	25	27	29	31	33	35		
0	Назарий машғулот Ўзбекистонда жисмоний тарбия- нинг ривожланиши 1ойда 1 соат	5 д	5 д	5 д	5 д	5 д	5 д	5 д	5 д												
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
1	Бел олиш кураш ҳолатлари																				
2	Силташ ҳаракати		–							+										–1	+1
3	Кифтлаш ҳаракати			–	+															–1	+1
4	Силтаб тортиб тиззалатиш амали									–	+									–1	+1
5	Силтаб итариб ўтирғизиш амали									–										–1	
6	Кифтлаб итариб ўтирғизиш амали				–							+								–1	+1
7	Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали	–											+							–1	+1
8	Босиш амали			–										+						–1	+1
9	Чап ва ўнг оёқда ҳар хил йўналиш- да тўғаноқ чалиш амаллари	–																		–1	
10	Босма амали					–									+					–1	+1

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22		
11	Кутарма амали					-					+										-1	+1	
12	Оширма амали						-					+										-1	+1
13	Чап ва ўнг оёқда тиззага миндириш амали						-		+													-1	+1
14	Қайирма амали													-			+					-1	+1
15	Супурма амали														-		+					-1	+1
16	Иргитиш амали		-												+							-1	+1
17	Оёқ ёнбош амали							-								+						-1	+1
18	Амалларга қарши амаллар							-									+					-1	+1
19	Оширма тўсиш амали																		-	+		-1	+1
20	Қайтарма амали																		-	+		-1	+1
Ҳар бир сабоқда амалларни биринчи марта қайтариш сони — жами		-2	-2	-2	-1	-2	-2	-2		-2					-1	-1				-2		-19	
Ҳар бир сабоқда амалларни такрорий қайтариш сони + жами					+1				+2		+2	+2	+2	+1	+1	+2	+2			+2			+17

**Кураш ҳадиси (кураш илми)га асосланган
Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича ўсмирларга амалларни ўргатиш ойлик жадвалини
тузишни мустақил ўрганиш**

12 жадвал

№	12—14 ёшли ўсмирлар учун ойлик 36 соатда ўргатиладиган амалларнинг номлари	Соатларнинг бўлиниши																		Жами ҳар бир сабоқ давомида бажарилган амалларнинг ойлик сони	
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18		
		1	3	5	7	9	11	13	15	17	19	21	23	25	27	29	31	33	35		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
0	Назарий машғулот																				
1	Бел олиш кураш ҳолатлари																				
2	Силташ ҳаракати																				
3	Кифтлаш ҳаракати																				
4	Силтаб тортиб тиззалатиш амали																				
5	Силтаб итариб ўтирғизиш амали																				
6	Кифтлаб итариб ўтирғизиш амали																				
7	Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали																				
8	Босиш амали																				
9	Чап ва ўнг оёқда ҳар хил йўналишда туғаноқ чалиш амаллари																				

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
10	Босма амали																				
11	Кутарма амали																				
12	Оширма амали																				
13	Чап ва ўнг оёқда тиззага миндириш амали																				
14	Қайирма амали																				
15	Супурма амали																				
16	Иргитиш амали																				
17	Оёқ ёнбош амали																				
18	Амалларга қарши амаллар																				
19	Оширма тўсиш амали																				
20	Қайтарма амали																				
Ҳар бир сабоқда амалларни биринчи марта қайтариш сони — жами																					
Ҳар бир сабоқда амалларни такрорий қайтариш сони + жами																					

Бел олиш кураш илми амалларини ўргатишнинг йиллик жадвалига қараб амалларни ўргатишнинг кейинги ойлар учун жадвалини тўлдиришни мустақил ўрганинг. Катакларга қаламда чизинг (9 жадвалга қаралсин). Қайси назарий машғулотларни кейинги ойларга қўйиш учун 8 жадвалга қаралсин.

Ёшга қараб қабул қилиш ва гуруҳдан гуруҳга ўтказишда Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича машғулотлар ўтказишнинг 12—14 ёшли ўсмирлар учун тахминий жадвали

13- жадвал

№	Умумий жисмоний тайёргарлик Махсус жисмоний тайёргарлик	Шуғулланган йили		Тугил- ган йили	Ўқиш даври	Синфдан синфга кўчиш	Ёши
		3 йил	4 йил				
1	2	3	4	5	6	7	8
1	60 м. га югуриш дақиқа ва лаҳза (с) Имконият даражасидан юқорироқ тезликда	Қабул қилишда ўртача меъёрий вақт	Қабул қилишда меъёрий вақт	2003 йил	2015—2016йил	6-синф	12 ёки 13 ёш
		Кўчиришда ўртача меъёрий вақт	Кўчиришда меъёрий вақт	—	2016—2017 йил	7-синф	13 ёки 14 ёш
2	100 м. га югуриш лаҳза (с) Имконият даражасидан юқорироқ тезликда	Қабул қилишда ўртача меъёрий вақт	Қабул қилишда ўртача меъёрий вақт	—	2015—2016йил	6-синф	12 ёки 13 ёш
		Кўчиришда ўртача меъёрий вақт	Кўчиришда ўртача меъёрий вақт	—	2016—2017 йил	7-синф	13 ёки 14 ёш
3	Баланд турникда тортилиш (марта)	Қабул қилишда 10 та	Қабул қилишда 12 та	—	2015—2016йил	6-синф	12 ёки 13 ёш
		Кўчиришда 11 та	Кўчиришда 13 та	—	2016—2017 йил	7-синф	13 ёки 14 ёш
4	50 м га сузиш дақиқа (мин)	Қабул қилишда вақт ҳисобга олинмайди	Қабул қилишда вақт ҳисобга олинмайди	—	2015—2016йил	6-синф	12 ёки 13 ёш
		Кўчиришда вақт ҳисобга олинмайди	Кўчиришда вақт ҳисобга олинмайди	—	2016—2017 йил	7-синф	13 ёки 14 ёш

1	2	3	4	5	6	7	8
5	Оёқ ёрдамисиз арқонга тортилиш (4 м) (маррага етиш шarti билан)	Қабул қилишда вақт ҳисобга олинмайди	Қабул қилишда вақт чегараланмаган	—	2015—2016йил	6-синф	12 ёки 13 ёш
		Кўчиришда вақт ҳисобга олинмайди	Кўчиришда вақт ҳисобга олинмайди	—	2016—2017йил	7-синф	13 ёки 14 ёш
6	Ерга таяниб қўлни букиб-ёзиш (марта)	Қабул қилишда 10 та	Қабул қилишда 12 та	—	2015—2016йил	6-синф	12 ёки 13 ёш
		Кўчиришда 11 та	Кўчиришда 13 та	—	2016—2017йил	7-синф	13 ёки 14 ёш
7	Гиламда пешана билан кўприк ҳолатда туриб, оёқ ёрдамида 5 марта чапга, 5 марта ўнгга югуриш. Сифатига эътибор бериш.	Қабул қилишда имкон қадар тез	Қабул қилишда имкон қадар тез	—	2015—2016йил	6-синф	12 ёки 13 ёш
		Кўчиришда имкон қадар тез	Кўчиришда имкон қадар тез	—	2016—2017йил	7-синф	13 ёки 14 ёш
8	Гиламда ўзлаштирган амалларни ихтиёрий намойиш этиш (марта). Сифатига эътибор бериш.	Қабул қилишда 5 та	Қабул қилишда 7 та	—	2015—2016йил	6-синф	12 ёки 13 ёш
		Кўчиришда 6 та	Кўчиришда 8 та	—	2016—2017йил	7-синф	13 ёки 14 ёш
	Мураббий ўз малакасидан келиб чиқиб машқларни ўзи танлаши мумкин.						

Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича 14—16 ёшли катта ўсмирлар учун 624 соатлик йиллик машғулотларни соат ва дақиқаларга тахминий тақсимлаш жадвали

14- жадвал

№	Машғулотлар мазмуни	Режадаги соат ва дақиқалар	Машғулот даври												Жами соат ва дақиқалар
			сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	
Назарий машғулот			4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Ўзбекистонда жисмоний тарбиянинг ривожланиши	1 соат 45 дақиқа	1												1 соат 45 дақиқа
2	Жисмоний тарбия асосларининг табиийлиги	1 соат 45 дақиқа		1											1 соат 45 дақиқа
3	Шахсий ва жамоат гигиенаси	2 соат 90 дақиқа			1								1		2 соат 90 дақиқа
4	Ж/т, спорт, меҳнат, дам олиш режаси	2 соат 90 дақиқа					1							1	2 соат 90 дақиқа
5	Миллий бел олиш курашининг техникаси	2 соат 90 дақиқа				1			1						2 соат 90 дақиқа
6	Миллий бел олиш курашининг ривожланиш тарихи	3 соат 135 дақиқа	1							1		1			3 соат 135 дақиқа
7	Мусобақа даври	2 соат 90 дақиқа						1			1				2 соат 90 дақиқа
8	Спорт жиҳозларини сақлаш	1 соат 45 дақиқа												1	1 соат 45 дақиқа

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
9	Жами соат ва дақиқалар	14 соат 630-дақиқа	2 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	2 соат	14 соат 630 дақиқа
Амалий машғулот															
1	Умумий жисмоний тайёргарлик	192 соат 8640 дақиқа	16 соат	16 соат	16 соат	16 соат	16 соат	16 соат	16 соат	16 соат	16 соат	16 соат	16 соат	16 соат	192 соат 8640 дақиқа
2	Махсус жисмоний тайёргарлик	111 соат 4995 дақиқа	10 соат	10 соат	10 соат	9 соат	10 соат	9 соат	9 соат	9 соат	9 соат	9 соат	8 соат	10 соат	111 соат 4995 дақиқа
3	Бел олиш курашининг техника ва тактикасини ўргатиш	272 соат 12240 дақиқа	24 соат	24 соат	21 соат	22 соат	24 соат	22 соат	22 соат	22 соат	22 соат	22 соат	22 соат	24 соат	272 соат 12240 дақиқа
4	Ҳакам инструкторлар тайёрлаш	10 соат 450 дақиқа		2 соат	2 соат	2 соат	2 соат						2 соат		10 соат 450 дақиқа
5	Қабул қилиш ва гуруҳдан гуруҳга ўтказиш синовларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш.	25 соат 1125 дақиқа	2 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	3 соат	3 соат	3 соат	3 соат	3 соат	2 соат	2 соат	25 соат 1125 дақиқа
	Жами дақиқалар	28080 дақиқа : 45 =													28080 дақиқа : 45 =
	Соатлар Жами	624 соат	54	54	51	51	54	51	51	51	51	51	51	54	Жами 624 соат

Кураш ҳадиси (кураш илми)га асосланган Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича катта ўсмирлар ўртасида амалларни ўргатишнинг йиллик жадвали

15- жадвал

№	14—16 ёшли катта ўсмирлар учун ўргатиладиган йиллик 624 соатлик амалларнинг номлари	сентябрь 0+54	октябрь 0+54	ноябрь 0+51	декабрь 0+51	январь 0+54	февраль 0+51	март 0+51	апрель 0+51	май 0+51	июнь 0+51	июль 0+51	август 0+54	Жами бир йил сабоқ давомида амалларни бажарилиши	
														15	16
0	Назарий машгулот Бир йилда 14 соат	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Бел олиш кураши ҳолатлари	-1 +50	-49 +53	-49	-49- +51	-49	-49	-1 +50	-49	-49	-49	-49	-49	-12	+4
2	Силтаб тортиб тиззалатиш амали	-25 +49	-10 +29	-1 +4	-4 +25	-4 +16	-4 +25	-4 +49	-1 +26	-1 +39	-2 +26	-3 +37	-4 +29	-12	+12
3	Силтаб итариб ўтирғизиш амали	-10 +34	-1 +39	-7 +26	-21 +44	-1 -45	-7 +41	-10 +25	-2 +36	-12 +31	-5 +36	-8 +45	-7 +42	-12	+12
4	Кифтлаб итариб ўтирғизиш амали	-7 +37	-7 +13	-21 +37	-12 +42	-7 +30	-1 +34 +50	-18 +36	-11 +40	-3 +16	-1 +4	-1 +14	-1 +13 +52	-12	+14
5	Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали	-4 +38	-4 +32	-16 +35	-18 +36	-10 +13	-10 +40	-21 +43	-12 +35 +50	-2 +30	-7 +30	-4 +36	-17 +28	-12	+13
6	Босиш амали	-5 +31	-2 +30 +54	-2 +43	-5 +35	-5 +25 +54	-8 +39	-11 +35	-3 +25	-5 +25	-6 +20	-7 +27	-8 +44	-12	+14
7	Ўнг ва чап оёқда тиззага миндириш амали	-2 +28	-5 +42	-25 +34	-2 +41	-14 +35	-13 +33	-5 +30	-19 +34	-26 +36	-37 +44	-2 +38	-38 +39	-12	+12
8	Оёқ ёрдамида қайириш амали	-19 +32	-8 +38	-10 +27	-6 +29	-2 +34	-5 +26	-17 +37	-4 +27	-32 +40	-32 +41	-42 +44	-2 +43	-12	+12
9	Қайгарма амали	-13 +39	-14 +25	-17 +44	-11 +20	-15 +40	-20 +44	-26 +45	-13 +44	-41 +44	-31 +45	-17 +43	-5 +30	-12	+12

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
10	Чап ва унг оёқда ҳар хил йўналишда тўғаноқ чалиш амаллари	-16 +26 +53	-6 +34 +50	-20 +33 +50	-19 +30 +50	-21 +26 +50	-11 +32 +51	-12 +34 +51	-5 +39 +51	-9 +27 +50	-10 +27 +51	-11 +41 +50	-12 +45 +50	-12	+24
11	Кўтарма амали	-3 +29	-3 +37	-11 +42	-3 +40	-3 +36	-2 +43	-16 +40	-18 +33	-6 +34	-12 +28	-15 +39	-15 +41	-12	+12
12	Оёқ ёнбош амали	-6 +33	-9 +40	-3 +28	-13 +26	-17 +39	-14 +27	-6 +31	-6 +41	-13 +33	-9 +39	-5 +18	-6 +37	-12	+12
13	Ирғитиш амали	-8 +30	-11 +33 +52	-12 +38	-7 +37	-6 +42 +51	-19 +35	-2 +38	-20 +37	-14 +38	-11 +38	-12 +40	-14 +33	-12	+14
14	Ёнбош амали	-20 +40 +52	-15 +44	-5 +32 +51	-17 +38	-8 +38	-6 +31	-13 +27	-7 +28	-20 +35	-14 +40	-16 +20 +51	-16 +32	-12	+15
15	Кўшала ёнбош амали	-17 +43	-12 +31	-15 +36	-14 +31	-27 +44	-15 +38	-19 +39	-14 +29	-10 +42	-17 +42	-6 +31	-9 +26 +51	-12	+13
16	Илиш амали	-18 +44 +54	-16 +35	-6 +29	-8 +27	-9 +33	-9 +36	-7 +42	-8 +38	-4 +43	-15 +35 +50	-13 +35	-3 +25	-12	+14
17	Оширма амали	-11 +35	-20 +21	-8 +9	-15 +32	-18 +37 +52	-3 +28	-14 +28	-17 +42	-17 +45	-18 +43	-19 +32	-20 +34	-12	+13
18	Бузов амали	-12 +45	-27 +41	-18 +39	-1 +33	-11 +28	-16 +42	-3 +41	-9 +30	-15 +37	-13 +16	-9 +29	-10 +36	-12	+12
19	Ўраб эшиб чалиш амали	-14 +27	-17 +43	-30 +45	-9 +39	-19 +31	-12 +37	-8 +32	-15 +32	-21 +29	-25 +34	-26 +33	-27 +40	-12	+12

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
20	Супурма амали	-9 +41	-18 +45 +51	-13 +40	-16 +28	-12 +29 +53	-17 +29	-15 +29	-10 +31	-28 +11	-29 +19	-30 +21	-31 +19 +53	-12	+15
21	Супуриб ошириш амали	-15 +42	-26 +36	-14 +41	-10 +34	-20 +32	-18 +45	-9 +33	-16 +43	-7 +18 +51	-3 +21	-10 +25	-11 +21	-12	+13
22	Оширма тўсиш амали	-21 +36 +51	-19 +28	-19 +31	-43 +45	-43 +41	-21 +30	-20 +44	-21 +45	-8 +19	-8 +33	-28 +34	-18 +35 +54	-12	+14
23	Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил қайтариш	+22 +23 +24	+22 +23 +24	+22 +23 +24	+22 +23 +24	+22 +23 +24	+22 +23 +24	+22 +23 +24	+22 +23 +24	+22 +23 +24	+22 +23 +24	+22 +23 +24	+22 +23 +24		+12 +12 +12
24	Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил қайтариш	+46 +47 +48	+46 +47 +48	+46 +47 +48	+46 +47 +48	+46 +47 +48	+46 +47 +48	+46 +47 +48	+46 +47 +48	+46 +47 +48	+46 +47 +48	+46 +47 +48	+46 +47 +48		+12 +12 +12
Ҳар бир сабоқда амалларни биринчи маротаба бажариш сони — жами		-22	-22	-22	-22	-22	-22	-22	-22	-22	-22	-22	-22	-22	-264
Ҳар бир сабоқда амалларни такрорий қайтариш сони + жами		+32	+32	+29	+29	+32	+29	+29	+29	+29	+29	+29	+29	+32	+360

Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича 14—16 ёшли катта ўсмирлар учун 54 соатлик ойлик машғулотларнинг тахминий соат ва дақиқаларга бўлиниш жадвали

Сентябрь

16- жадвал

№	Тайёргарлик қисми	Соатларнинг бўлиниши																	Жами соат ва дақиқалар	
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17		18
1	Сафланиш, рапорт қабул қилиш. Машқларни диққат билан ўзлаштириш. Юриш, югуриш, умумри-вожлантирувчи машқлар. Гилам устида махсус машқлар	30	30	30	30	30	30	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	480 дақиқа
2	Назарий машғулот										10	10	10	10	10	10	10	10	10	90 дақиқа
3	Асосий қисм Махсус жисмоний тайёргарлик	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	450 дақиқа
4	Бел олиш курашининг техника ва тактикасини ўргатиш	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	1080 дақиқа
5	Қабул қилиш ва гуруҳдан гуруҳга ўтказиш синовларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш.				5	5	5	10	10	10	10	5	5	5	5	5	5	5	5	90 дақиқа
6	Яқунловчи қисм Қайта сафланиш, енгил югуриш, юриш, нафасни ростловчи машқларни бажариш, мускулларни бушаштирувчи машқлар. Сабоқ якуни, уйга вазифа	20	20	20	15	15	15	15	15	15	10	10	10	10	10	10	10	10	10	240 дақиқа
7	Жами дақиқалар	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	2430 : 45=
Соатлар		3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	54 соат
		с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	с	

Кураш ҳадиси (кураш илми)га асосланган Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича катта ўсмирларга амалларни ўргатиш ойлик жадвали

Сентябрь

17 жадвал

№	14—16 ёшдаги катта ўсмирлар учун ўргатиладиган ойлик 54 соатлик амалларнинг номлари	Соатларнинг бўлиниши																		Жами ҳар бир сабоқ давомида бажарилган ойлик амалларнинг сони	
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18		
		1-2-3	4-5-6	7-8-9	10-11-12	13-14-15	16-17-18	19-20-21	+22 +23 +24	25-26-27	28-29-30	31-32-33	34-35-36	37-38-39	40-41-42	43-44-45	+46 +47 +48	49-50-51	52-53-54		
0	Назарий машғулот а) Ўзбекистонда жисмоний тарбиянинг ривожланиши б) Миллий бел олиш курашининг ривожланиш тарихи Сентябрь ойида 2 соат	10 дақ.	10 дақ.	10 дақ.	10 дақ.	10 дақ.	10 дақ.	10 дақ.	10 дақ.												
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
1	Бел олиш кураш ҳолатлари	—																+		-1	+1
2	Силтаб тортиб тиззалатиш амали									—								+		-1	+1
3	Силтаб итариб ўтирғизиш амали				—								+							-1	+1
4	Кифтлаб итариб ўтирғизиш амали			—										+						-1	+1
5	Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали		—												+					-1	+1
6	Босиш амали		—									+								-1	+1
7	Ўнг ва чап оёқда тиззага миндириш амали	—									+								+	-1	+2
8	Оёқ срадамида қайириш амали							—				+								-1	+1
9	Қайтарма амали					—								+						-1	+1
0	Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш								+	+	+							+	+	+	+6

377

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22		
10	Чап ва унғ оёқда ҳар хил йуналишда тўғаноқ чалиш амаллари						-		Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш	+										-1	+1		
11	Кўтарма амали	-										+								+	-1	+2	
12	Оёқ ёнбош амали		-										+									-1	+1
13	Ирғитиш амали			-								+							+			-1	+2
14	Ёнбош амали							-								+						-1	+1
15	Қўшала ёнбош амали						-										+					-1	+1
16	Илиш амали						-										+					-1	+1
17	Оширма амали				-									+						+		-1	+2
18	Буrow амали				-												+					-1	+1
19	Ўраб эшиб чалиш амали					-					+											-1	+1
20	Супурма амали			-												+						-1	+1
21	Супуриб ошириш амали					-										+						-1	+1
22	Оширма тўсиш амаллар							-					+								-1	+1	
Ҳар бир сабоқда амалларни биринчи марта қайтариш сони — жами		-3	-3	-3	-3	-3	-3	-3		-1											-22		
Ҳар бир сабоқда амалларни такрорий қайтариш сони + жами									+3	+2	+3	+3	+3	+3	+3	+3	+3	+3	+3	+3		+32	

Кураш ҳадиси (кураш илми)га асосланган Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича катта ўсмирларга амалларни ўргатиш ойлик жадвалини мустақил ўрганиш

18- жадвал

379

№	14—16 ёшдаги катта ўсмирлар учун ўргатиладиган ойлик 54 соатлик амалларнинг номлари	Соатларнинг бўлиниши																		Жами ҳар бир сабоқ давомида бажарилган ойлик амалларнинг сони			
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18				
		1-2-3	4-5-6	7-8-9	10-11-12	13-14-15	16-17-18	19-20-21	22-23-24	25-26-27	28-29-30	31-32-33	34-35-36	37-38-39	40-41-42	43-44-45	46-47-48	49-50-51	52-53-54				
0	Назарий машғулот																						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22		
1	Бел олиш кураш ҳолатлари																						
2	Силтаб тортиб тиззалатиш амали																						
3	Силтаб итариб ўтирғизиш амали																						
4	Кифтлаб итариб ўтирғизиш амали																						
5	Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали																						
6	Босиш амали																						
7	Ўнг ва чап оёқда тиззага миндириш амали																						
8	Оёқ ёрдамида қайириш амали																						
9	Қайтарма амали																						
10	Чап ва ўнг оёқда ҳар хил йўналишда туғаноқ чалиш амаллари																						

Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш

Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	
11	Кўтарма амали								Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш								Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш					
12	Оёқ ёнбош амали																					
13	Ирғитиш амали																					
14	Ёнбош амали																					
15	Қўшала ёнбош амали																					
16	Илиш амали																					
17	Оширма амали																					
18	Бутов амали																					
19	Ўраб эшиб чалиш амали																					
20	Супурма амали																					
21	Супуриб ошириш амали																					
22	Оширма тўсиш амаллар																					
Ҳар бир сабоқда амалларни биринчи марта бажариш сони — жами																						
Ҳар бир сабоқда амалларни такрорий бажариш сони + жами																						

Бел олиш кураш илми амалларини ўргатишнинг йиллик жадвалига қараб кейинги ойлар учун амалларни ўргатиш жадвалини тўлдиришни мустақил ўрганинг. Катакларга қаламда чизинг, 15 жадвалга қаралсин. Қайси назарий машғулотларни кейинги ойларга қўйишни аниқлаш учун 14 жадвалга қаралсин.

Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича 14—16 ёшли катта ўсмирларни қабул қилиш, гуруҳдан гуруҳга ўтказиш ва машғулотларни бажариш тахминий жадвали

19- жадвал

№	Умумий жисмоний тайёргарлик Махсус жисмоний тайёргарлик	Шуғулланган йили		Туғилган йили	Ўқиш даври: йиллар	Синфдан синфга кўчиш	Ёши
		5 йил	6 йил				
1	2	3	4	5	6	7	8
1	30 м. га югуриш лаҳза (с)	Қабул қилишда 4.5	Қабул қилишда 4.4	2003 йил	2017—2018 йил	8-синф	14 ёки 15 ёш
		Кўчиришда 4.4	Кўчиришда 4.4	—	2018—2019 йил	9-синф	15 ёки 16 ёш
2	300 м. га югуриш дақиқа (мин.)	Қабул қилишда 12 дақ.	Қабул қилишда 11.3	—	2017—2018 йил	8-синф	14 ёки 15 ёш
		Кўчиришда 11.4	Кўчиришда 11.1	—	2018—2019 йил	9-синф	15 ёки 16 ёш
3	Баланд турникда тортилиш (марта)	Қабул қилишда 14 та	Қабул қилишда 16 та	—	2017—2018 йил	8-синф	14 ёки 15 ёш
		Кўчиришда 15 та	Кўчиришда 17 та	—	2018—2019 йил	9-синф	15 ёки 16 ёш
4	Кўприк ҳолатда гиламга таянган ҳолда рақибининг оёғини ушлаб чўккалаш ҳолатига тушиш ва унинг акси	Қабул қилишда 7 марта	Қабул қилишда 8 та	—	2017—2018 йил	8-синф	14 ёки 15 ёш
		Кўчиришда 8 та	Кўчиришда 8 та	—	2018—2019 йил	9-синф	15 ёки 16 ёш
5	Ерга таяниб қўлни букиш ва ёзиш (марта)	Қабул қилишда 15 та	Қабул қилишда 17 та	—	2017—2018 йил	8-синф	14 ёки 15 ёш
		Кўчиришда 16 та	Кўчиришда 18 та	—	2018—2019 йил	9-синф	15 ёки 16 ёш

1	2	3	4	5	6	7	8
6	Луъбатда кўкракдан ошириб ташлаш I дақиқа (мин) давомида	Қабул қилишда сифатига эътибор бериш	Қабул қилишда сифатига эътибор бериш	—	2017—2018 йил	8-синф	14 ёки 15 ёш
		Кўчиришда сифатига эътибор бериш	Кўчиришда сифатига эътибор бериш	—	2018—2019 йил	9-синф	15 ёки 16 ёш
7	Гиламда рақибини кўтариб ўнг ва чап ён томонга тортиб ўтказиш, оёқлар гиламга тегмаслиги керак (марта)	Қабул қилишда 10 та	Қабул қилишда 15 та	—	2017—2018 йил	8-синф	14 ёки 15 ёш
		Кўчиришда 13 та	Кўчиришда 17 та	—	2018—2019 йил	9-синф	15 ёки 16 ёш
8	Гиламда узлаштирган амалларни ихтиёрий намойиш этиш мумкин. Сифатига эътибор бериш.	Қабул қилишда 6 та	Қабул қилишда 8 та	—	2017—2018 йил	8-синф	14 ёки 15 ёш
		Кўчиришда 7 та	Кўчиришда 10 та	—	2018—2019 йил	9-синф	15 ёки 16 ёш
	Мураббий ўз малакасидан келиб чиқиб машқларни ўзи танлаши мумкин						

Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича 16—19 ёшлилар учун 728 соатлик йиллик машғулотларни соат ва дақиқаларга тахминий тақсимлаш жадвали

20- жадвал

№	Машғулотлар мазмуни	Режадаги соат ва дақиқалар	Машғулот даври												Жами соат ва дақиқалар
			сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Ўзбекистонда жисмоний тарбиянинг ривожланиши	1 соат 45 дақиқа	1												1 соат 45 дақиқа
2	Жисмоний тарбия асосларининг табиийлиги	1 соат 45 дақиқа		1											1 соат 45 дақиқа
3	Шахсий ва жамоат гигиенаси	2 соат 90 дақиқа			1								1		2 соат 90 дақиқа
4	Ж/т, спорт, меҳнат, дам олиш режаси	1 соат 45 дақиқа					1							1	1 соат 45 дақиқа
5	Миллий бел олиш курашининг техникаси	2 соат 90 дақиқа				1			1						2 соат 90-дақиқа
6	Миллий бел олиш курашининг тарихий ривожланиши	3 соат 135 дақиқа	1							1		1			3 соат 135 дақиқа
7	Мусобақа даври	2 соат 90 дақиқа						1			1		1		2 соат 90 дақиқа

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
8	Спорт жиҳозларини сақлаш	1 соат 45 дақиқа												1	1 соат 45 дақиқа
9	Жами соат ва дақиқалар	14 соат 630 дақиқа	2 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	1 соат	2 соат	14 соат 630 дақиқа
Амалий машғулот															
1	Умумий жисмоний тайёргарлик. Жами	240 соат 10800 дақиқа	20 соат	20 соат	20 соат	20 соат	20 соат	20 соат	20 соат	20 соат	20 соат	20 соат	20 соат	20 соат	240 соат 10800 дақиқа
2	Махсус жисмоний тайёргарлик. Жами	126 соат 5670 дақиқа	10 соат	12 соат	12 соат	12 соат	10 соат	10 соат	12 соат	10 соат	12 соат	10 соат	9 соат	9 соат	126 соат 5670 дақиқа
3	Бел олиш курашининг техника ва тактикасини ўргатиш. Жами	324 соат 14580 дақиқа	24	24	24	24	24	24	24	24	24	24	24	24	324 соат 14580 дақиқа
4	Ҳакам инструкторлар тайёрлаш. Жами	24 соат 1080 дақиқа	1 соат	2 соат	2 соат	2 соат	2 соат	2 соат	2 соат	2 соат	2 соат	2 соат	3 соат	2 соат	24 соат 1080 дақиқа
Жами дақиқалар		32760 дақиқа													32760 д : 45 д =728
Соатлар. Жами		728 соат	60	62	60	62	60	60	62	60	62	60	60	60	Жами = =728 соат

Кураш ҳадиси (кураш илми)га асосланган Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича ёшлар ўртасида амалларни ўргатишнинг йиллик жадвали

21- жадвал

№	16—19 ёшлилар учун йиллик 728 соат давомида ўргатиладиган амалларнинг номлари	сентябрь 0+60	октябрь 0+62	ноябрь 0+60	декабрь 0+62	январь 0+60	февраль 0+60	март 0+62	апрель 0+60	май 0+62	июнь 0+60	июль 0+60	август 60	Жами бир йиллик сабоқ давомида бажарилган амаллар сони	
														15	16
0	Назарий машғулот Бир йилда 14 соат	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Бел олиш кураши ҳолатлари	-1 +34	-3 +53	-1 +35	-1 +31	-1 +32	-16 +32	-3 +32	-4	-6 +23	-9 +31	-21 +36	-24 +50	-12	+11
2	Силтаб тортиб тиззалатиш амали	-12 +39	-1 +46	-5 +41	-16 +46	-2 +34	-26 +51	-2 +31	-7 +51	-1 +24	-12 +48	-22 +55	-1 +38	-12	+12
3	Силтаб итариб ўтирғизиш амали	-2 +51	-12 +35	-3	-27 +48	-3 +33	-17 +47	-1 +49	-3 +32	-21 +40	-1	-24 +35	-23 +51	-12	+10
4	Кифтлаб итариб ўтирғизиш амали	-16 +38	-2 +27	-22 +55	-2 +47	-19 +54	-27 +56	-6 +51	6 +57	-2 +46	-2 +49	-23 +57	-2 +49	-12	+12
5	Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали	-25 +33	-16 +52	-2 +40	-17 +32	-4 +35	-18 +31	-5 +50	-2 +50	-22 +41	-10 +51	-20 +54	-22 +39	-12	+12
6	Босиш амали	-3 +57	-41 +54	-4 +46	-3 +33	-20 +53	-1 +33	-4 +33	-5 +33	-3 +39	-3 +47	-1 +34	-3 +37	-12	+12
0	Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш	+13 +14 +15	+13 +14 +15	+13 +14 +15	+13 +14 +15	+13 +14 +15	+13 +14 +15	+13 +14 +15	+13 +14 +15	+13 +14 +15	+13 +14 +15	+13 +14 +15	+13 +14 +15		+36
7	Ўнг ва чап оёқда тиззага миндириш амали	-4 +50	-26 +42	-6 +39	-18 +57	-5 +36	-2 +46	-7 +35	-1 +49	-20 +42	-4 +56	-2 +53	-4 +48	-12	+12
8	Оёқ ёрдамида қайириш амали	-17 +37	-4 +36	-11 +50	-4 +34	-21 +52	-19 +52	-8 +48	-8 +34	-4 +25	-5 +46	-3 +38	-21 +40	-12	+12
9	Қайтарма амали	-24 +55	-17 +55	-7 +33	-19 +51	-6 +37	-3 +34	-20 +34	-17 +56	-38 +47	-11 +34	-4 +33	-5 +56	-12	+12

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
10	Чап ва ўнг оёқда ҳар хил йўналиш тўғаноқ чалиш амаллари	-27 +47	-25 +47	-12 +49	-5 +35	-7 +55	-20 +53	-27 +57	-9 +48	-5 +26	-6 +42	-19 +52	-25 +56	-12	+12
11	Кутарма амали	-5 +32	-18 +34	-8 +47	-20 +50	-8 +38	-4 +42	-9 +36	-16 +52	-19 +54	-16 +50	-5 +51	-6	-12	+11
12	Оёқ ёнбош амали	-18 +54	-5 +37	-16 +38	-6 +49	-22 +51	-21 +48	-21 +47	-10 +35	-7 +48	-7 +35	-18 +37	-26 +47	-12	+12
13	Иргитиш амали	-23 +49	-11 +51	-9 +32	-21 +36	-9 +39	-5 +35	-10 +37	-12 +47	-18 +27	-17 +52	-6 +32	-7 +35	-12	+12
14	Ёнбош амали	-6 +56	-31 +57	-10 +54	-7 +56	-23 +56	-22 +54	-22 +52	-11 +36	-8 +53	-8 +55	-25 +56	-20 +46	-12	+12
0	Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш	+28 +29 +30	+28 +29 +30	+28 +29 +30	+28 +29 +30	+28 +29 +30	+28 +29 +30	+28 +29 +30	+28 +29 +30	+28 +29 +30	+28 +29 +30	+28 +29 +30	+28 +29 +30		+36
15	Қўшала ёнбош амали	-26 +53	-6 +38	-17 +37	-22 +37	-10 +40	-6 +36	-11 +38	-18 +46	-31 +52	-18 +36	-7 +31	-8 +41	-12	+12
16	Илиш амали	-7 +40	-19 +48	-23 +31	-8 +52	-11 +49	-23 +55	-23 +53	-24 +37	-9 +36	-26 +41	-17 +39	-27 +42	-12	+12
17	Оширма амали	-19 +35	-7 +33	-18 +48	-23 +38	-24 +41	-7 +41	-26 +42	-19 +42	-17 +32	-19 +37	-8	-9 +34	-12	+11
18	Бурув амали	-8 +41	-20 +50	-24 +52	-9 +53	-12 +57	-8	-12 +54	-23 +53	-10 +49	-25 +54	-26 +50	-19 +53	-12	+11
19	Ўраб эшиб чалиш амали	-20 +52	-24 +49	-56 +42	-24 +39	-25 +42	-9 +49	-16 +39	-20 +38	16 +34	-20 +38	-9 +40	-10 +31	-12	+12
0	Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш	+43 +44 +45	+43 +44 +45	+43 +44 +45	+43 +44 +45	+43 +44 +45	+43 +44 +45	+43 +44 +45	+43 +44 +45	+43 +44 +45	+43 +44 +45	+43 +44 +45	+43 +44 +45		+36

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
20	Супурма амали	-9 +46	-8 +32	-57 +36	-10 +40	-16	-10 +38	-24 +55	-25 +41	-11 +50	-27 +57	-10 +49	-11 +57	-12	+11
21	Супуриб ошириш амали	-21	-21 +56	-19 +51	-25 +24	26 +48	-24 +50	-17 +41	-21 +39	-56 +33	-21 +40	-11 +27	-16 +54	-12	+11
22	Оширма тўсиш амали	-10 +42	-23 +39	-20 +53	-11 +41	-17 +50	11 +39	25 +46	-26 +54	-12 +37	-24 +39	-16 +41	-12 +32	-12	+12
23	Тўсиш амали	-22 +36	-9 +40	-25 +27	-26 +55	-27 +47	+25 +57	-18 +40	-22 +40	-17 +35	-22 +32	-13 +46	-17 +55	-12	+12
24	Чалақайтарма амали	-48	-61 +62	-34	-61 +62	-46	-37	-61 +62	-31	-61 +62	-33	-48	-52	-12	+4
0	Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш	+58 +59 +60	+58 +59 +60	+58 +59 +60	+58 +59 +60	+58 +59 +60	+58 +59 +60	+58 +59 +60	+58 +59 +60	+58 +59 +60	+58 +59 +60	+58 +59 +60	+58 +59 +60		+36
25	Босма амали	-11 +31	-10 +22	-21 +26	-12 +42	-18 +31	-12 +40	-19 +56	-27 +55	-57 +51	-23 +53	-42 +47	-18 +33	-12	+12
	Ҳар бир сабоқда амалларни биринчи марта қайтариш сони — жами	-25	-24	-25	-25	-25	-25	-24	-25	-24	-25	-25	-25	-300	
	Ҳар бир сабоқда амалларни такрорий қайтариш сони + жами	+35	+38	+35	+37	+35	+35	+38	+35	+38	+35	+35	+35		+428

Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича 16—19 ёшлилар учун 60 соатлик ойлик машғулотларнинг тахминий соат ва дақиқалар жадвали

Сентябрь

22- жадвал

№	Тайёргарлик қисми	Соатлар бўлиниши																				Жами соат ва дақиқалар
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23
1	Сафланиш, рапорт қабул қилиш. Машқларни диққат билан ўзлаштириш. Юриш, югуриш, умум-ривожлантирувчи машқлар. Гилам устида махсус машқлар	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	600
2	Назарий машғулот							10	10	10	10	10	10	10	10							90 дақиқа
3	Асосий қисм Махсус жисмоний тайёргарлик	30	30	22	22	22	22	20	20	20	20	20	20	20	20	22	25	25	25	25		450 дақиқа
4	Бел олиш курашининг техника ва тактикасини ўргатиш	60	60	63	63	63	63	60	60	60	60	60	60	60	60	63	60	60	60	60		1215 дақиқа

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	
5	Ҳакам ва инструкторларни тайёрлаш			5	5	5	5										5	5	5	5	5	45 дақиқа	
6	Яқунловчи қисм Қайта сафланиш, енгил югуриш, юриш, нафасни ростловчи машқларни бажариш, мускулларни бўшаштирувчи машқлар. Сабоқ якуни, уйга вазифа	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	300 дақиқа
7	Жами дақиқалар	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	135	2700 : : 45=
Соатлар		3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	3 с	60 соат

**Кураш ҳадиси (кураш илми)га асосланган Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича
ёшлар ўртасида амалларни ўргатиш ойлик жадвали**

Сентябрь

23-жадвал

№	16—19 ёшдаги ёшлар ўртасида ойлик 60 соатда ўргатиладиган амалларнинг номлари	Соатларнинг бўлиниши																				Жами хар бир сабоқ давомида бажарилган амаллар- нинг ойлик сони				
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20					
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	
0	Назарий машғулот а. Ўзбекистонда жисмоний тарбиянинг ривожланиши б. Миллий бел олиш курашини ривожланиши	15	10	10	10												15	10	10	10						
1	Бел олиш кураши ҳолатлари	—				Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш																		-1	+1	
2	Силтаб тортиб тиззалатиш амали				—										+										-1	+1
3	Силтаб итариб ўтирғизиш амали	—																		+					-1	+1
4	Кифтлаб итариб ўтирғизиш амали							—								+									-1	+1
5	Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали		—												+										-1	+1
6	Босиш амали	—																				+			-1	+1
7	Ўнг ва чап оёқда тиззага миндириш амали		—																	+					-1	+1
8	Оёқ ёрдамида қайириш амали							—								+									-1	+1
0	Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш					+						+											+		+12	

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24					
9	Қайтарма амали					Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш			-		Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш					Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш				+	Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш	-1	+1					
10	Чап ва унғ оёқда ҳар хил йуналишда тўғаноқ чалиш амаллари																			+						-1	+1	
11	Қўтарма амали		-											+													-1	+1
12	Оёқ ёнбош амали							-															+				-1	+1
13	Ирғитиш амали									-												+					-1	+1
14	Ёнбош амали		-																					+			-1	+1
15	Қўшала ёнбош амали											-											+				-1	+1
16	Илиш амали			-														+									-1	+1
17	Оширма амали				-										+												-1	+1
18	Бузов амали			-														+									-1	+1
19	Ўраб эшиб чалиш амали				-														+				-1	+1				
20	Супурма амали			-													+						-1	+1				
21	Супуриб ошириш амали							-															-1					
22	Оширма тўсиш амаллари				-										+								-1	+1				
23	Тўсиш амали								-				+										-1	+1				
24	Чалақайтарма амали																-						-1					
25	Босма амали				-							+											-1	+1				
Ҳар бир сабоқда амалларни биринчи марта қайтариш сони — жами		-3	-3	-3	-3		-3	-4	3	-2							1						25					
Ҳар бир сабоқда амалларни такрорий қайтариш сони + жами						-3					-3	+3	+3	+3	+3	-3	+2	+3	+3	+3	-3			35				

Кураш ҳадиси (кураш илми)га асосланган Бел олиш кураш ва Белбоғли кураш бўйича ёшлар ўртасида амалларни ўргатиш ойлик жадвалини тузишни мустақил ўрганиш

24-жадвал

№	16—19 ёшдаги ёшлар ўртасида ойлик 56 соатда ўргатиладиган амалларнинг номлари	Соатларнинг бўлиниши																				Жами ҳар бир сабоқ давомида бажарилган амалларнинг ойлик сони	
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20		
		1	4	7	10	13	16	19	22	25	28	31	34	37	40	43	46	49	52	55	58		
		2	5	8	11	14	17	20	23	26	29	32	35	38	41	44	47	50	53	56	59	23	24
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24
0	Назарий машгулот а. Ўзбекистонда жисмоний тарбиянинг ривожланиши б. Миллий бел олиш курашининг ривожланиши																						
1	Бел олиш кураши ҳолатлари																						
2	Силтаб тортиб тиззалатиш амали																						
3	Силтаб итариб ўтиргизиш амали																						
4	Кифтлаб итариб ўтиргизиш амали																						
5	Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали																						
6	Босиш амали																						
7	Ўнг ва чап оёқда тиззага миндириш амали																						
8	Оёқ ёрдамида қайириш амали																						
9	Қайтарма амали																						
0	Спорт ўйинлари ва амалларни мустақил бажариш																						

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24					
10	Чап ва унг оёқда ҳар хил йуналишда тўғаноқ чалиш амаллари					Спорт ўйинлари ва амаллари мустақил бажариш					Спорт ўйинлари ва амаллари мустақил бажариш					Спорт ўйинлари ва амаллари мустақил бажариш					Спорт ўйинлари ва амаллари мустақил бажариш							
11	Кутарма амали																											
12	Оёқ ёнбош амали																											
13	Ирғитиш амали																											
14	Ёнбош амали																											
15	Қўшала ёнбош амали																											
16	Илиш амали																											
17	Оширма амали																											
18	Бутов амали																											
19	Ўраб эшиб чалиш амали																											
20	Супурма амали																											
21	Супуриб ошириш амали																											
22	Оширма тўсиш амаллари																											
23	Тўсиш амали																											
24	Чалақайтарма амали																											
25	Босма амали																											
	Ҳар бир сабоқда амалларни биринчи марта қайтариш сони — жами																											
	Ҳар бир сабоқда амалларни такрорий қайтариш сони + жами																											

Бел олиш кураш илми амалларини ўргатишнинг йиллик жадвалига қараб кейинги ойлар учун амалларни ўргатиш жадвалини тўлдиришни мустақил ўрганинг. Катакларга қаламда чизинг, 21 жадвалга қаралсин. Қайси назарий машғулотларни кейинги ойларга қўйишни аниқлаш учун 20 жадвалга қаралсин.

Қадимий «Бел олиш кураш» ҳадисига тааллуқли тушунчалар таҳлили

№	Ўзбек тилида номланиши	Вазифаси ва унинг тушунчаси	Келиб чиқиши, маъноси, вазифа ва мазмунининг тўлиқ тушунчаси
1	2	3	4
1	«Кураш»	Йиқитиш	Бирор-бир амал ёрдамида рақибнинг елкасини ерга теккизиш.
2	«Олиш»	Куч ишлатиш	Ҳар қандай рақибга жисмоний куч ишлатиш пайтидаги ҳаракат.
3	Бел олиш кураш	Белга куч ишлатиб йиқитиш	Рақибнинг белига куч ишлатиб бирор бир амал ёрдамида уни йиқитиш
4	Амал	Турли жисмоний ҳаракатлар натижаси	Ҳар қандай рақибга қарши ҳаракат қилиш натижасида тиззалатиш, ўтирғизиш, ёнбошлатиш ва елкасини ерга теккизиш
5	Белбоғ	Бир қанча кураш турларида белга боғланадиган матодан тайёрланган чопон боғичи.	Оддий пахта матосидан ўраб тайёрланади. Унинг узунлиги 180 см дан 210 см гача, эни эса 4 смдан 7 см гача бўлиши мумкин.
6	Чопон, тўн, чакмон	Курашда баданнинг ҳар қандай шикастланишининг олдини олиш, бел сиқувини қисман камайтириш учун кийиладиган кийим.	Оддий пахтали пишиқ матодан тайёрланади. Узунлиги тиззагача ва ундан биров узунроқ бўлиши мумкин. Қадимий миллий кийим.
7	Чопоннинг энги	Қўл тирсақларини ҳар қандай шикастланишдан ҳамда рақиб юзини шилинишдан сақлайди.	Қадимий миллий услубда тикилган кийим энги, қўл билагини тўлиқ ёпиб туради.
8	Яктак	Кураш пайтида бадандаги терни ўзида сақлаб қолиш ҳамда авратни ёпиб туришга мўлжалланган қўйлак	Узунлиги чопондан 10 см калта, оддий пахтали матодан тикилган оқ қўйлак.
9	Иштон	Курашда кийиладиган иштон. Унинг кенлиги бемалол ўтириб-туришга мос.	Оддий матодан тикилган, узунлиги оёқ тўпиғигача бўлади. Ранги оқ, қора ва қорамтир бўлиши мумкин.
10	«Силташ»	Рақибни олд ва орқага (чайқатиш) тебратиш ҳаракати	Белни сиқиш, итариш-тортиш ҳаракатларини ўз ичига олади. Кураш ҳадисида унинг номи "Чайқатиш ҳаракати" дейилади

1	2	3	4
11	«Кифтлаш» ¹	Рақибга елка уриш натижасида унинг чап қўлига остидан ўнг қўлни ўтказиб белбоғдан ушлаш	Елка уриш натижасида рақибнинг чап қўлига остидан ўнг қўлни ўтказиб белбоғдан ушланади. Яъни елка билан туртиш орқали ўнг белбоғдан ушлаган қўлни чап белбоғдан ушлаган қўлга яқинлаштирилади.
12	<p>а) «Силтаб тортиб тиззалатиш»</p> <p>б) «Силтаб итариб ўтирғизиш»</p> <p>в) «Кифтлаб итариб ўтирғизиш»</p> <p>г) «Кифтлаб тортиб тиззалатиш»</p> <p>д) «Тизза»</p> <p>е) «Ўтирғизиш»</p> <p>ё) «Босиш»</p> <p>ж) «Буров»</p> <p>з) «Босма»</p> <p>и) «Тиззага миндириш»</p> <p>к) «Қайтарма»</p> <p>л) «Қайирма» оёқ ёрдамисиз</p> <p>м) «Чалақайтарма»</p> <p>н) «Тўсиш»</p> <p>о) «Иргитиш»</p> <p>п) «Айлантириш»</p> <p>р) «Илиш»</p>	<p>Ушбу амаллар бел олиш курашининг чалишли ва кўтариб йиқитиш йўналишларида бажариладиган амаллардир. Амалларнинг номланиши қадимий кураш ҳадисида қайт этилган. Масалан: «Айлантириш» амали кураш ҳадисида «тегирмон» атамаси билан ёки «тиззага миндириш» амалининг чап оёқда бажарилиши «бетга ташлаш» атамаси билан ҳамда «босма» амали эса «Қоқма» атамаси билан юритилган. Шунингдек, «Силташ» ҳаракати «Чайқатиш» атамаси билан юритилган. Қолган барча атамалар ҳам ҳаракат йўналишига қараб номланган. Масалан: «Иргитиш» ҳадисида «Улоқтириш» деб аталган. Яъни бир ҳамла билан ҳаракатни тўхтатмай бажариладиган амалдир.</p>	Ушбу амалларнинг номланиши ўзбекларнинг аجدларига бориб тақалади. Амалларнинг номланиши кураш ҳадисларида ҳам ёзиб қолдирилган. Ўзбекларда амаллар номларининг шу бугунги кунгача етиб келишининг асосий сабаби аждодларнинг авлодларга қолдирган ёзма ёки оғзаки кураш ҳадисларидир.

¹ Кифт — елка. В. Наливкинъ. М. Наливкина. Русско-сартовский и Сартовско-русский словарь. «Казань». Въ университетской типографии, 1884 г. С. 67.

1	2	3	4
13	а) «Оёқ ёрда-мида қайириш» б) «Тўғаноқ чалиш амаллари» в) «Оёқ ёнбош» г) «Кўтарма» д) «Қушала ёнбош» е) «Супурма» ё) «Ўраб эшиб чалиш»	Ушбу амаллар бел олиш курашнинг чалиш йўналишида бажариладиган амаллардир. Масалан: бу амаллар бажарилганда рақибнинг оёқларини оёқ билан қайириб ёки оёқ солиб ҳамда ёнидан қоқиш орқали йиқитиш мумкин. Ушбу амалларнинг номланишини ҳаракат йўналишидан ҳам билса бўлади. Айтайлик, супурма амалида албатта оёқни ён томонидан қоқилади. Бошқалари ҳам йўналишига қараб номланган.	Қадимий Бухоро ва қадимий Хоразм ҳудудларига кирувчи жойларда бел олиш курашининг чалиш йўналишида курашилган. Улар ҳозирги Ўзбекистоннинг воҳа вилоятларидир. Ушбу амалларнинг номланиши ва бажарилиши ўзбекларнинг аجدодларига бориб тақалади. Бу амалларнинг бугунги кунимизгача етиб келиши кураш ҳадиси қўлланмаси қадимдан бўлганлигидандир.
14	«Ёнбош»	«Ёнбош» амали тўғрисида гапирадиган бўлсак, у Ўзбекистоннинг воҳа вилоятларида қўлланиб келинган қадимий амаллардандир. Бу амал водий вилоятларидаги „Фарғонача кураш“ (ҳозирги „белбоғли кураш“) қоидасига расмий равишда 1999 йил 9 октябрда киритилган. Фарғона, Наманган, Тошкент курашларида бу амал тақиқлангани 1937 йилда чоп этилган Гулистон журналида айтиб ўтилган. Кураш ҳадисид айтилишича бел олиш курашининг кўтариб йиқитиш йўналишида оёқни ердан узмай ёнбош амалини бажариш тақиқланган.	Ушбу амал бел олиш курашининг чалишли йўналишида воҳа вилоятларида қадимдан қўлланиб келинган. Водий вилоятларида ҳамда Тошкент атрофида, Сирдарё вилоятида оёқдан чалиб йиқитиш ёки рақибни кўтармай ёнбошга олиб йиқитиш тақиқланган. Лекин бу амаллар 1970 йиллардан бошлаб сайилларда қўлланиб келинган. 1980 йилларда тошкентлик Аъзам Шокиржонов сайилларда шу амал билан курашиб донг қозонган ҳамда Аъзам ёнбошчи деб ном таратган. Бу амал 1999 йил 9 октябрдан «Белбоғли кураш» қоидасига расмий равишда киритилган.
15	«Оширма»	Оширма амалида рақибни кўтариб орқага эгилиб кўприк ҳолатда кўкракдан ошириб ташланади.	Бу амал татар-бошқирлар кураш мактабига оиддир. Ўзбекистондаги кураш қоидаларида азалдан тақиқлаб келинган. Ушбу амал расмий равишда 1999 йил 9 октябрда мутахассислар таклифи билан қоидага киритилди.

1	2	3	4
16	«Супуриб ошириш» «Оширма тўсиш»	«Супуриб ошириш» амалини бажаришда рақибни чап ёки ўнг оёғи ён томонидан қоқиш ҳисобига орқага эгилиб кўкракдан ошириб ташланади. «Оширма тўсиш» амалини бажариш учун олдин рақиб кўтариб олиниб, сўнг оёғини тўсиш ҳисобига орқага эгилиб кўкракдан ошириб ташланади.	Бу ҳар икки амал Ўрта Осиё бел олиш кураш қоидаларида бўлмаган амаллардир. Унинг бажарилишига келсак, орқага эгилиб ташлаш Европа мактабига хос, оёқдан қоқиш ва тўсиб ташлаш эса Ўрта Осиё мактабига хос амаллардир. Ана шу икки йўналиш амалларини бирлаштириш орқали камина ва профессор Аҳролжон Рўзиев янги амални яратишга муваффақ бўлди. Ушбу амаллардан бирини «Супуриб ошириш», иккинчисини «Оширма тўсиш» деб номладик.
17	«Ҳариф» «Забун қилди»	Рақиб Кўтариб урди	Бел олиш курашида бир-бирига қарши курашмоқчи бўлган киши ёки курашчи. Курашда рақибнинг оёғини ердан узиб елкасини ерга теккизиш.
18	«Қабоҳ»	Кува	Ҳозирги Фарғона вилоятидаги Кува тумани.
19	«Сарт»	Ўзбек	Бир ерда муқим ҳаёт кечириб, ўша ерни обод қилиб ўзига ватан қилувчилар.
20	«Холислар»	Ҳакамлар	Курашда натижани аниқлайдиган кишилар.
21	«Лангар ташлаш»	Оёқ ташлаш, мувозанатни сақлаш	Яъни рақиб кўтариб олганда ҳар икки оёқ рақибнинг оёқ сонларида ҳимояда турган бўлади. Ташлаганда эса оёқлардан бири ҳимояда қолиб, иккинчисини рақиб оёқ билан кўтариб ташлаган томонга қўйиш.
22	«Чархпалак»	Пастдан юқорига тик кўтариб ташлаш	Рақибни тикка кўтариб, (пастдан тепага) доира шаклида ташлаш
23	«Бетга ташлаш»	Тиззага миндириш	Тиззага миндириб ташлашни чап оёқда бажариш
24	«Белдан кучоқлаш»	Олиш даврида рақибнинг белбоғидан ушламай белдан кучоқлаб ташлаш амали	Бухоро ва Хоразм ҳудудидаги бир қанча кураш турларида белбоғ бўлишига қарамай, белбоғдан ушламай белнинг ўзини кучоқлаб ташлаш. Кураш ҳадисиди айтилишича, бел олиш кураш турининг барча йўналиш қоидаларида қадимдан голибни аниқлашнинг сўнгги чораси сифатида қўлланилган.

1	2	3	4
25	«Чалғитиш»	Рақибга бир амал қўлламоқчи бўлиб бошқасини бажариш	Бир қанча амалларни ўзлаштириб олган курашчи бир амални қўлламоқчи бўлиб, рақибини алдаб бошқа амални қўллаши кураш ҳадисидида «чалғитиш» деб номланади.
26	Қадам ташлаш	Оёқ ҳаракати	Амални бажариш учун рақиб оёқларининг ички ёки ташқи ён томонларига оёқ қўйиш.
27	«Сабоқ»	Дарс	Кураш ҳадисидида амалларни ўргатиш учун қўлланадиган атама.
28	«Буров»	Судраб йиқитиш	Рақибнинг оёғини ердан узмай доира шаклида чап ёки ўнг елка томонга судраб йиқитиш. Кураш ҳадисидида айтилишича, фақат рақибнинг оёғини ердан узмай судраш буров амали бўлиши мумкин. Гоҳида амал тез бажарилганда рақибнинг оёғи ердан узилиши ҳам мумкин.
29	«Қайирма»	Рақиб оёғини судрамасдан букиш	Рақиб оёғини судрамасдан оёқ билан итариш орқали букиб йиқитиш ёки уни кўтариб чап ёки ўнг томонга букиб йиқитиш кураш ҳадисидида қайирма амали дейилган.
30	«Тўғаноқ чалиш»	Ўроқсимон шаклда чалиш	Рақибнинг оёқларини ички ёки ташқари томондан ўроқсимон шаклда оёқ солиб чалиб йиқитиш.
31	«Бруслан»	Унвон	Туркий миллатларда қоплон ёки арслон маъносини билдирадиган унвон. Бу унвон бир неча йил голибликни қўлдан бермай келганларга берилади.
32	«Эшиб чалиш»	Оёқни илон шаклида ўраб чалиш	Бел олиш курашида рақибнинг оёғини оёқ билан илонга ўхшаб ўраб эшиб чалиб кўтариб ёки кўтармай йиқитиш тушунилади.
33	«Танбеҳ»	Жазо	Дастлабки кураш қоидаларида суст олишганларга жазо беришни билдирадиган атама (1959 йил).
34	«Тегирмон»	«Айлантириш»	Рақибни кўтариб доира шаклида айлантириб қарама-қарши томонга ташлаш.
35	«Қоқма»	«Босма»	Рақибни даст кўтариб устига ўзини ташлаш.

1	2	3	4
36	«Оёқдан қоқиш»	«Супурма»	Рақибнинг оёқларини ички ёки ташқари ёнидан қоқиб ташлаш.
37	«Улоқтириш»	«Ирғитиш»	Бир ҳамла билан амални тўхтатмай бажариш.
38	«Илиш»	Оёқ, панжа ва тўпиғи билан рақибини кўтариб ташлаш	Бир ҳамла билан ҳаракатни тўхтатмай оёқ панжа тўпиғи билан рақибини кўтариб ташлаш.
39	«Қўлни етказ»	Рақиб белбоғига ўнг қўлни етказиб белбоғдан ушлаш ҳаракати	Амал бажаришда қулай бўлиши учун ўнг қўлни рақибнинг чап қўлтиғидан ўтказиброқ белбоғдан ушлаш ҳаракати тушиналади.
40	«Тирсагидан сиқ»	Рақиб ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсаги билан сиқиш ҳаракати	Амал бажаришда ёки ҳимояда рақибнинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсаги билан сиқиш ҳаракати.
41	«Ётиб юр»	Рақиб қўлига бошни қўйиб юриш, ҳимояланиш	Кураш даврида рақиб қўлларига бошини қўйиб белни кўпроқ букиб юриш. Кўпинча ўзини ҳимоя қилишда шундай юрилади.
42	Олиш бўлмаса, кураш бўлмайди	Олдин куч ишлатилади, сўнг йиқитилади	Бу мақол кураш ҳадисига тааллуқли бўлиб, куч ишлатилмаса, рақибни йиқитиб бўлмаслиги тушунилади.
43	Бел олиш	Белга куч ишлатиш	Белга куч ишлатиб йиқитиш маъносида ишлатиладиган иборанинг қисқа айтилиши.
44	Ўнг энг қўлни етказиш	Чопон энги ичидаги ўнг қўлни белбоғига етказиб ушлаш	Рақибнинг белидан сиқиш маъносида ўнг қўлни белидан ўтказиброқ белбоғдан ушлаш.
45	Чап энг қўл билан рақиб ўнг энг қўл тирсагини сиқиш	Чопон энги ичидаги чап қўл билан рақиб ўнг энги ичидаги тирсагини сиқиш	Чап қўл билан рақиб ўнг қўл тирсагини сиқиш.

Эслатма: „Олиш“ ибораси кураш ҳадисидида куч ишлатиш маъносида қўлланиб келинган. Собиқ иттифоқ даврида кураш ҳадисига тааллуқли тушунчалар таҳлил қилинмаганлиги сабабли, олиш иборасини одамлар назарида ҳам куч ишлатиш, ҳам йиқитиш маъносида ишлатиш оддий ҳолга айланиб қолишга улгурди.

XVIII БОБ. ТАДҚИҚОТ ХУЛОСАЛАРИ

Узоқ йиллик изланишлар давомида манбалар устида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳамда қатор мамлакатлардаги олимлар ва шу соҳанинг мутахассислари, энг асосийси шу кураш турида узоқ йиллар курашиб келган кекса нурунийлар билан суҳбатлар ўтказиш туфайли Бел олиш кураш бўйича жуда бой материаллар тўпланди. Бу изланишлар натижасида ҳали кураш амалиётида кўп нарсалар ёзилмай қолганлигига амин бўлдик. Бел олиш курашининг номланиши, курашда кийиладиган кийимлар, белбоғнинг вазифаси, амалларнинг қандай маъно англатиши масаласида ўрганилаётган муаммо ечимига қатор аниқликлар киритишга муваффақ бўлдик.

Ниҳоят, қуйидаги хулосага келдик.

1) «Кураш»нинг қадимий маъноси

Зўриқишлар белга бориб тақаладиган, бир қанча йўналишларни ўзида мужассам қилган ҳамда белбоғдан ушлаб амалларга таяниб рақибнинг елкасини ерга теккизишларнинг барчаси курашдир. Курашнинг асл маъноси, бу — йиқитиш.

2) «Олиш»нинг маъноси

Мақсадга эришиш учун ҳар қандай рақибга жисмоний куч ишлатиш пайтидаги ҳаракат, бу — олишдир. Шунингдек, зўриқишлар белга бориб тақалган белбоғни ушлаб бажариладиган амалларнинг барча турлари бел олиш курашидир. Олишнинг асл маъноси куч ишлатишдир. Шунингдек, Бел олиш кураш турининг асл маъноси белга куч ишлатиб йиқитишдир.

3) «Амал»нинг маъноси

Ҳаракатлар давомида бирон-бир ҳаракат натижаси амал дейилади.

Аниқроқ қилиб айтганда, бирон-бир ҳаракат натижасида рақиб тиззалатилса, ўтқазиб қўйилса, бир елкага йиқитилса ёки икки елкага йиқитилса, буларни амал дейиш мумкин.

4) «Белбоғ»нинг вазифаси

Бир қанча кураш турларида белга боғланадиган, матодан тайёрланган чопон богичи.

5) «Тўн (чопон)»нинг вазифаси

Тўн — курашчининг уст кийимидир, унинг узунлиги тиззагача, қора, кўк, кулранг, ола ва бошқа рангларда бўлади.

6) «Яктак»нинг вазифаси

Кураш пайтида бадандаги терни ўзида сақлаб қолиш ҳамда авратни ёпиб туришга мўлжалланган кўйлак. Ранги оқ, узунлиги чопондан 5—10 см калта бўлиб, курашда чопон ичидан кийиладиган кийим, энги ҳам узун бўлган.

7) «Иштон»нинг вазифаси

Узунлиги оёқ тўпигигача бўлган оқ иштоннинг юқори қисми иштонбоғ билан қисиб боғланади. Иштон кенг, курашда бемалол ўтириб-туриш ва оёқни эркин кўтариш имконини берадиган бўлиши керак.

8) Бел олиш кураш турида белбоғ, чопон ва яктакнинг хусусиятлари

Ушбу қўлланмада сиз бел олиш курашига оид амаллар билан танишасиз. Бел олиш кураш — бу белдаги белбоғдан ушлаб амал бажариш демакдир. Худди шунга ўхшаш, бел олиш дейилганда белдаги белбоғдан ушлаб амал бажариш тушунилади. Унинг асл маъноси эса белга куч ишлатиб йиқитишдир. Чунки амал бажаришда барча зўриқишлар белга қаратилган бўлади. Амал бажаришнинг таянч нуқтаси — бу белдир, ана шу белга боғланадиган, матодан тайёрланган боғич эса белбоғдир. Бел олиш курашида кийиладиган кийимлар: чопон, яктак, иштон ва белбоғнинг ўз хизматлари бор. Чопоннинг хизмати белга зўриқишни камайтириш, хар хил шикастланишлардан сақлашдир. Чопоннинг энги эса амал бажаришда қўлларни ҳар хил шикастланишдан, юз терисини шилинишдан, яна ўз навбатида рақибни сиқиш ҳолатларида баданга бўладиган зўриқишлардан қисман ҳимоя қилади. Яктак эса бадан терлаганда терни ўзида сақлаб қолиш каби гигиеник вазифаларга эга. Иштон бел олиш курашида кийиладиган кийимдир.

Бел олиш курашидаги барча кийимлар шойи матодан эмас, оддий пахтали матодан тикилган бўлиши лозим.

Амаллардан сабоқ берганимизда, белни сиқиб кўтариш, белни сиқиш, белни тортиш, белни итариш, белга миндириш, белни олиб қочиш, белдан кучоқлаш, белни тиклаш каби сўзларга дуч келамиз. Ёки «ўнг қўл энгини етказиб ушлаш» деганда, белни сиқиб ушлаш тушунилади. Шунга ўхшаш «Кифтлаш» дейилганда елка уриш натижасида рақибнинг чап қўлтигидан ўнг қўлимизни ўтказиброқ белбоғ ушлаш тушунилади. Енг тирсакни сиқиш деганда, рақиб белимизни сиқиб ушламаслиги учун унинг тирсак қўлини сиқиш тушунилади. Ўнг қўл энги ёки енг тирсак қўл деганда — қўл харакати тушунилади, чунки қўллар енг ичида бўлади. Силташ дейилганда рақибни белбоғдан олд ва орқага тезлик билан чайқатиш ёки тебратиш тушунилади. Ушбу хулосалар узоқ изланишлар натижасида бир қанча давлатларда яшаётган кураш ҳадисини яхши билган ўзбек миллатига мансуб кекса авлодлардан олинди.

Ана шундай қоидалар бел олиш курашида қадимдан ҳукм сурган. Даврлар ўтиши билан иқлим шароити ва бошқа курашлар таъсирида асл бел олиш кураш қоидаларидан узоқлашиб борилди. Қисман бўлса-да, ўзбекларда, қирғизларда, тожикларда, туркманларда, уйғурларда, эронийларда кураш кийимлари сақланиб, бугунги кунгача етиб келди. Бошқирд, татар, қорачай, хакас, қозоқ биродарларимизнинг 60—70-йиллардан сўнг бир неча минг йиллик кийиниш маданияти йўқолиб кетди. Бошқа курашларга тақлид қилиш натижасида улар ўз тарихий кийиниш қоидаларидан узоқлашиб кетдилар. Бир нарсани аниқ айтишимиз мумкин, 2002 йилда Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида бел олиш кураш бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатидан сўнг кўп миллатлар ўз миллий қадриятларини тикладилар. Жумладан, татарлар, бошқирдлар, қозоқлар, қорачай, хакас ва бир қанча халқлар чопон кийиб курашадиган бўлдилар.

Фикримизни узоқ йиллар олиб борилган тадқиқод натижаларига асосладик.

XIX БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШ АМАЛЛАРИНИ БАЖАРИШ. КУРАШ ҲАДИСИГА ТААЛЛУҚЛИДИР

**Бел олиш кураш таркибида ҳаракатлар уч хил бўлиб,
буларнинг ҳар бири бир неча амалларга бўлинади:**

**I. Белнинг зўриқиши, рақибни босишга қаратилган ҳаракатлар;
булар қуйидаги амалларга бўлинади:**

1. Силтаб тортиб тиззалатиш амали.
2. Силтаб итариб ўтирғизиш амали.
3. Кифтлаб итариб ўтирғизиш амали.
4. Кифтлаб тортиб тиззалатиш амали.
5. Тизза амали. (кўтариб ҳам бажариш)
6. Ўтирғизиш амали. (кўтариб ҳам бажариш)
7. Босиш амали.
8. Оёқ ёрдамида қайириш амали.
9. Оёқ ёнбош амали. (бир ҳамла билан ҳам ташлаш мумкин)
10. Ўнг оёқ ичига ўнг оёқни солиб чалиш амали.
11. Ўнг оёқ ичига чап оёқни солиб чалиш амали.
12. Ўнг оёқ ташқари орқа томонига чап оёқ солиб чалиш амали.
13. Чап оёқ ички томонига ўнг оёқ солиб чалиш амали.
14. Ўнг оёқ ташқари орқа томонига ўнг оёқ солиб чалиш амали.

**II. Белнинг зўриқиши, рақибни кўтаришга қаратилган ҳаракатлар;
булар қуйидаги амалларга бўлинади:**

1. Босма амали.
2. Тиззага миндириш амали.
3. Қайтарма амали.
4. Қайирма амали (кўтариб).
5. Чалақайтарма амали.
6. Тўсиш амали.
7. Қўтарма амали.

**III. Белнинг зўриқиши, рақибни бир ҳамла билан тўхтатмай
улоқтиришига қаратилган ҳаракатлар; булар қуйидаги амалларга
бўлинади:**

1. Ирғитиш амали.
2. Ёнбош амали.
3. Буров амали.
4. Айлангириш амали.
5. Илиш амали.
6. Оширма амали.
7. Супуриб ошириш амали.
8. Оширма тўсиш амали.

9. Қўшала ёнбош амали.
10. Супурма амали.
11. Ўраб эшиб чалиш амали.

Эслатма: Белнинг зўриқиши деганда рақибнинг белига тушадиган зўриқиш тушунилади.

БЕЛ ОЛИШ КУРАШНИ БОШЛАШ



1а-расм.

1. Бел олиш кураш ҳолатида бел қисмини орқага ташлаб, ўнг қўл энгини рақибнинг чап қўлтиғи остидан, чап қўл энгини эса рақибнинг ўнг қўл энги устидан ўтказиб белбоғдан ушланади. Курашчининг боши рақибнинг елка қисмида бўлиб, қўллар орасидан унинг оёқ ҳаракатларини кузатиб туради.

2. Кўк кийимли курашчи аввал рақиб белининг ён тараф белбоғидан ушлайди, зангори чопонли унинг рақибни ҳам худди шундай ҳолатда белбоғдан ушлаб, елкалари билан белини орқага эгади. Бел олиш бошлангандан сўнг қўл энги белбоғ орқали юргизилади. Биринчи чақирилган бел олишчи кўк чопон, иккинчи чақирилгани эса зангори чопон кияди.

3. Қўл панжалари билан белбоғнинг ички томонидан ташқарига қайириб белбоғдан ушланади.

4. Белбоғнинг таранглиги бел олишчи тик турганда белбоғ чопонни кўкрак қисмигача кўтарилиб, икки билак қўл сиғадиган қилиб ўлчанади.

Бел олиш курашининг биринчи, иккинчи турида амаллар фақат рақибнинг белидаги белбоғдан ушлаб туриб, уни қўйиб юбормасдан қўлланилади. Бел олишда, фараз қилайлик, қўлларингиз рақиб белбоғига «боғлаб» қўйилган. Белбоғдан қўлни қўйиб юборишнинг иложи йўқ. Сиз ана шу белбоғ ушлаган қўллар ҳамда оёқ, елка, бел ёрдамида рақиб белини сиқиш орқали елкасини ғиламга теккизганингиздан кейингина белбоғдан қўлингиз озод бўлади. Учинчи турида эса фақат олишув бошлангандан сўнг бир қўлни белбоғдан қўйиб юбориш мумкин.

Эслатма:

1. Бел олиш кураш турининг биринчи йўналишида амаллар белбоғдан ушлаб чалишсиз кўтариб йиқитиш орқали бажарилади.

2. Бел олиш курашининг иккинчи турида белбоғдан ушлаб чалиш амаллари орқали бажарилади.

3. Бел олиш курашининг учинчи турида эса беллашув бошлангандан сўнг белбоғдан фақат бир қўлни қўйиб юбориш орқали амаллар бажарилади.

Бел олиш асосан тўрт ҳолатдан иборат бўлади.



1-расм. «Ўнг оёқ олдинда» ҳолати

Бу ҳолатда ўнг оёқни олдинга қўйиб, рақибнинг белидаги белбоғидан ушлаб турилади. Шунинг баробарида, рақибнинг ўнг қўл энги билан чап қўлимиз энги орасидаги бўшлиқдан оёқлар ҳаракати кузатиб турилади.



2-расм. «Чап оёқ олдинда» ҳолати

Бу ҳолатда чап оёқни олдинга қўйиб, рақибнинг белидаги белбоғидан ушлаб турилади. Рақибнинг ўнг қўл энги билан чап қўлимиз энги орасидаги бўшлиқдан оёқлар ҳаракати кузатиб турилади.



3-расм. «Оёқлар тенг турган» ҳолати

Бу ҳолатда оёқлар тенг ҳолатда, рақибнинг белидаги белбоғидан ушлаб турилади. Рақибнинг ўнг қўли энги билан чап қўлимиз энги орасидаги бўшлиқдан оёқлар ҳаракати кузатиб турилади.



4-расм. «Оёқлар букилган» ҳолати

Бу ҳолатда биз оёқларни бир-бирига яқинроқ қўйиб, рақибнинг белидаги белбоғидан ушлаб турилади.

Рақибнинг ўнг қўл энги билан чап қўлимиз энги орасидаги бўшлиқдан оёқлар ҳаракати кузатиб турилади.

БЕЛ ОЛИШ КУРАШИДА


Силташ ҳаракати

1-сабоқ

Рақибни белини сиқиш, итариш, тортиш ҳаракатлари орқали уни олд ва орқа томонга чайқатиш «силташ ҳаракати» дейилади.

Силташ ҳаракатида ўнг қўл энгимиз чап қўл энгига етказилиб, белбоғ ушланмайди (чопон энги ичидаги қўл назарда тутилмоқда).

Бу ҳаракат бел олишда махсус вазифани бажаради. Шу ҳаракатлар орқали бел олишчилар ўз рақибларининг кучли ёки кучсизлигини аниқлаб олишлари мумкин. Белбоғ ушлаган ҳар икки қўл билан рақиб белини орқа ва олд томонга чайқатамиз. Ана шундан сўнг рақибнинг ҳолатига қараб амалларни қўллаш мумкин. Силташ (чайқатиш) ҳаракати белни сиқиш, итариш, тортиш ҳаракатларини ўз ичига олади. Бел олиш курашида ҳар қандай амал бажарилишидан олдин силташ ҳаракатлари қўлланилади. Бел олишда бу ҳаракат кузатув вазифасини ўтайди. Бел олиш курашида кучли чайқатиш ор-



5-расм. «Силташ ҳаракати» бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) чайқатиш.

қали рақибнинг мувозанатини кескин бузиш ҳам мумкин (агар унинг ҳимояси суст бўлса).

Эслатма: «Бел олиш кураш» сир-асрорларини ўргатишда сиз шуни эсда тутишингиз керакки, бу ҳаракат бел олиш амалларини тўлиқ эгаллашга хизмат қилади. Чунки силташ (чайқатиш) бел олиш курашидаги асосий ҳаракатлардан ҳисобланади. У ҳар қандай амални бажаришда ўз ўрнига эга.

Кифтлаш ҳаракати

2-сабоқ

Елка уриш натижасида рақиб белини чайқатиб ўнг қўл тирсагимизни рақибни чап қўлтиғи остидан ўтказиб белбоғдан ушлаш «кифтлаш ҳаракати» дейилади.

Яъни, кифтлаш деганда елка уриш натижасида белбоғ ушлаган ўнг қўл енг тирсагимизни рақиб қўлтиғи остидан ўтказиброқ белбоғдан ушлаш тушунилади.

Фараз қилинг, сиз рақибнинг белидаги белбоғини ушлаб турганингизда, қўлларингиз яланғоч бўлмайди. Аксинча, қўл енг тирсагингиз чопоннинг энги ичида бўлади. Белбоғдан етказиб ушлаш деганда рақиб қўлтиғи остидан ўнг қўл енг тирсакни ўтказиб белбоғдан ушлаш тушунилади. Белбоғни етказиб ушлашда ўнг қўл енг белбоғ орқали юргизилади.

Кифтлаш ҳаракати икки ҳаракат бирикмасидан ташкил топган. Булар белни чайқатиш ва ўнг енг қўлни белбоғ орқали юргизиш ҳаракатларидан ташкил топган. Лекин рақибнинг белини силтамасдан олдин кифтлаш ҳаракатини қўллаб бўлмайди. Мисол учун, рақиб тинч турган ҳолатда ҳам ўнг қўл энгини белбоғ бўйлаб чап қўл энгига яқинлаштириш учун албатта рақибнинг белини чайқатамиз. Кўриб турганингиздай, силташ ҳаракати албатта бажарилади. Лекин биз ҳар қандай ҳолатда амални бажарганимизда ҳам, рақиб озми-кўпми



6-расм. «Кифтлаш ҳаракати»нинг бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) елка уриш натижасида рақиб чап қўлтиғи остидан ўнг қўл энгни ўтказиб белбоғ ушлаш.

ҳимояда бўлади. Шунинг учун ҳар қандай амални бажариш учун биз албатта рақибни белини чайқатиш ва ўнг қўл энгимизни белбоғ орқали юргизишни пухта эгаллашимиз даркор. Кифтлашни амалга ошириш учун рақибнинг белини чайқатиб, ўнг қўл энг тирсагимиз билан рақибнинг чап қўл энг тирсагини юқорига кўтарамиз. Сўнг ўнг энг қўлимизни чап энг қўлимизга яқинлаштирамиз. Кифтлаш ҳаракати бел олиш курашида ўзининг аҳамияти жиҳатидан силташдан кейинги ўринда туради. У кўпинча силташ ҳаракатига суянади.

«Силтаб тортиб тиззалатиш» амали

3-сабоқ

Ҳар қандай бел олиш ҳолатида рақиб белини чайқатиб ўзимизга тортиб тиззага чўккалатиш «Силтаб тортиб тиззалатиш» амали дейилади.

Ҳар қандай бел олиш ҳолатида рақибнинг белини чайқатиб ўзимизга тортиб, тиззасини гиламга теккизишимиз мумкин.

Мисол учун: рақибнинг чап оёғи олдинги ҳолатда бўлганда. Оғирлигимизни олдинги ўнг оёққа ўтказиб, рақибнинг белини сиқиб ўзимизга тортамыз. Тортган вақтимизда оғирликни чап оёққа ўтказамиз. Ҳар икки қўлимиз билан рақиб белбоғидан пастга тортамыз. Рақибнинг белини тортганимизда бутун тана оғирлигимиз орқа оёққа



7-расм. «Силтаб тортиб тиззалатиш» амалининг бажарилиши:
 а) рақиб белини чайқатиш; б) олдинга тортиш; в) тиззага чўктириш;
 з) якуний ҳолат.

ва пастга қаратилган бўлади. Натижада рақиб ҳар икки оёғи билан тизза чўкади. Силтаб тортишда, асосан, рақиб белини сиқишга катта эътибор қаратиш керак.

«Силтаб тортиб тиззалатиш» амалига қарши ҳимоя

Рақибнинг бел чайқатишига бел чайқатиш билан жавоб қайтара-миз. Унинг тортишига йўл қўймаймиз, ҳар икки қўл панжаларини мушт қилиб биқинига тираб, уни итарамиз.

«Силтаб тортиб тиззалатиш» амалига қарши амаллар

Рақибнинг белни сиқиб тортишига жавобан тезлик билан (уни кифтлаб) ўнг қўлимизни етказиб белбоғидан ушлаймиз. Ўнг оёқни унинг оёқлари орасига киргизиб, рақибни чап елка томонимизга тиззага миндириб ташлаймиз. Ўнг оёқ билан ўнг оёқлари ичидан оёқ солиб чаламиз ёки ташқари ўнг оёғи орқа томонидан оёқ солиб чаламиз.

Чалғитиш¹ амаллари

Рақибнинг белини ўзимизга тортиб, ўнг оёқни чап оёғи ёнига қўйиб ўнг елка томонимизга буров амалини бажарамиз. Ундан ташқари, рақибнинг ўнг оёғи ёнига чап оёғимизни қўйиб, чап елка томонимизга буров амалини қўллаймиз.

Рақибнинг белини тортиб, ўнг оёқ билан унинг чап оёғи ёнини қоқиб, ўнг елка томонимизга супурма амалини бажарамиз. Ундан ташқари, рақибнинг ўнг оёғини чап оёқ билан қоқиб, чап елка томонимизга супурма амалини қўллаймиз.

«Силтаб тортиб тиззалатиш» амалига услубий кўрсатма

Рақибнинг белини силтаб тортишда, асосан, қўл кучи катта аҳамиятга эга. Шунинг учун қўл мускулларини яхши чиниқтириш, яъни турникда тортилиш, брусда, гиламда қўлларга таяниб қўлларни букиш ва ёзиш машқларини бажариш керак. Арқон тортиш, гиламда оёқларни чирмаштириб (оёғларни кучлироқ босиб) юриш машқлари-ни бажариш ҳамда тезликни оширувчи машқлар билан кўпроқ шуғулланиш лозим.

«СИЛТАБ ИТАРИБ ЎТИРҒИЗИШ» АМАЛИ

4-сабоқ

Ҳар қандай бел олиш ҳолатида, рақиб белини чайқатиб орқага итариб ўтирғизиш «силтаб итариб ўтирғизиш» амали дейилади.

Амални бажариш учун, ҳар қандай бел олиш ҳолатида, рақибни белбоғидан икки қўл ёрдамида чайқатиб белини сиқиб орқага итарамиз. Рақиб белини чайқатиб итариб ўтирғизишда белбоғга қўл етказиб ушланмайди. Аксинча, белбоғ белнинг икки ён томонидан ушланади.

¹ Чалғитиш — комбинация



8-расм. «Силтаб итариб ўтирғизиш» амалининг бажарилиши:
 а) дастлабки ҳолат; б) чайқатиш; в) орқага итариш; г) ўтқозиш.

Рақибнинг белини итарганимизда, оғирлигимизни олдинги оёғимизга ўтказамиз. Масалан: чап оёқ ёки ўнг оёғимиз олдинда бўлса, шу оёқларга таянамиз. Рақибнинг белини сиқиб, икки қўлимизни биқинига қўйиб ёки белининг ён томонидан елка ёрдамида итариб, уни ўтқизамиз. Агар биз амални тез бажарсак, у ҳолда чайқалиб елкаси билан гиламга йўқилиб қолиши ҳам мумкин.

«Силтаб итариб ўтирғизиш» амалига қарши ҳимоя

Бел олиш ҳолатида мувозанатни сақлаш, рақиб белдан итараётганда орқага кетмаслик ҳамда рақиб биқинига қўлларни тираш лозим. Ундан ташқари, белни итаришига бел итариш билан жавоб қайтариш зарур.

«Силтаб итариб ўтирғизиш» амалига қарши амал

Рақиб белдан итариб келаётганда ўзимиз орқага тисарилиб, рақибнинг ўнг оёғи орқада қолганда, ўнг оёғи ички ёнига чап оёқ билан қадам ташлаб, ўнг елка томонимизга ирғитиб ташлаймиз.

Ёки ўнг оёғи орқада қолганда, чап оёғи ёнига ўнг оёқ билан қоқиб супурма амалини қўллаймиз.

Чалғитиш амаллари

Рақибнинг белини орқага итариб, чап оёқ билан унинг ўнг оёғи орқасига оёқ солиб итариб босамиз. Яна рақибнинг белини орқага

итариб, ўнг қўл энгимизни етказиб белбоғдан ушлаб, оёқ ҳолатига қараб чап ёки ўнг тизза ёрдамида тиззага миндириш амалини бажариш мумкин.

Рақибнинг белини орқага итариб, дарҳол ўнг оёқ билан чап оёғининг ташқари орқа томонидан оёқ солиб тўғаноқ чалиш амалини қўллаймиз.

Силтаб итариб ўтирғизиш амалига услубий кўрсатма


Бу амални яхши ўзлаштириш учун қўл мускулларини чиниқтириш лозим. Тошларни олдинга отиш, штангаларни тезликда кўтариш, машина, дарахтларни итариш лозим. Гиламда икки киши бўлиб қўл ёрдамида бир-бирини итариш, қўлларга таяниб қўлларни букиш ва ёзиш машқларини бажариш керак. Бел мускулларини чиниқтириш лозим.

КИФТЛАБ ИТАРИБ ЎТИРҒИЗИШ АМАЛИ

5-сабоқ

Елка уриш натижасида ўнг қўл тирсагимизни рақиб қўлтиғи остидан ўтказиброқ белбоғдан ушлаб, рақибнинг кўкрагини ва белини орқага итариб ўтирғизиш «кифтлаб итариб ўтирғизиш» амали дейилади.

Айтиб ўтганимиздек, елка уриш натижасида қўл тирсагимизни рақиб қўлтиғи остидан ўтказиброқ белбоғдан ушлаш кифтлаш ҳаракати ҳисобланади. Мана шу ҳолатда елка ёрдамида рақибнинг кўкрагидан итариб қўл билан белини орқага итарганимизда, у орқаси билан гиламга ўтиради. Амални ҳар хил бажариш мумкин. Масалан:



9-расм. «Кифтлаб итариб ўтирғизиш амали» бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) елка уриш натижасида рақиб чап қўлтиғи остидан ўнг қўл энгни ўтказиб белбоғ ушлаш; в) орқага итариш; г) ўтқозиш.

а) рақиб оёқлари орасига ўнг оёқ билан қадам ташлаб, ўнг қўл энгни белбоғ орқали чап қўл энгга яқинлаштириб, елка ёрдамида кўкрагидан, қўл ёрдамида белидан итариб ўтирғизиш;

б) рақибнинг ўнг оёғи ёнига чап оёқ билан қадам ташлаб, ўнг қўл энгимизни белбоғ орқали чап қўл энгга яқинлаштириб, елка ёрдамида кўкрагидан, қўл ёрдамида белидан итариб ўтирғизиш;

в) рақибнинг чап оёғи ёнига ўнг оёқ билан қадам ташлаб, ўнг қўл энгимизни белбоғ орқали чап қўл энгга яқинлаштириб, елка ёрдамида кўкрагидан, қўл ёрдамида белини итариб ўтирғизиш.

Мана шу айтиб ўтилган ҳаракатлар орқали уни ўтқазиш ёки елкасини гиламга теккизиш мумкин.

Баъзан оёқ ишлатмасдан ҳам кучли кифтлаш натижасида рақибни елка ёрдамида итариб ҳам ўтқазиш мумкин.

«Кифтлаб итариб ўтирғизиш» амалига қарши ҳимоя

Рақибнинг ўнг қўл энг тирсагини чап қўл энг тирсагимиз билан сиқишимиз керак. Қўлни рақибнинг биқинига қўйиб итарамиз. Орқага эгилганроқ ҳолатда турамыз.

«Кифтлаб итариб ўтирғизиш» амалига қарши амаллар

Рақиб кифтлаб ўнг қўл энгини ўтказиб улгурмай, тезлик билан унинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсагимиз билан сиқамиз. Чап оёқ билан рақибнинг ўнг оёғи ичига кириб, уни ўнг елка томонимизга ирғитиб ташлаймиз. Ёки чап оёқ билан рақибнинг ўнг оёғи ташқари орқа томонидан оёқ солиб чаламыз.

Чалғитиш амаллари

Ўнг қўл тирсагимизни белга ўтказиброқ белбоғдан ушлаб, ўнг оёғимиз билан рақибнинг оёқлари орасига кириб, чап елка томонимизга тиззага миндириб ташлаш мумкин.

Яна рақибнинг оёқлари орасига чап оёғимиз билан кириб, ўнг елка томонимизга тиззага миндириб ташлаймиз.

«Кифтлаб итариб ўтирғизиш» амалига услубий кўрсатма

Бу амални ҳам яхши ўзлаштириш учун ерга таяниб қўлни букиб ёзиш лозим. Тошларни олдинга отиш, штангаларни тезликда кўтариш, машиналарни, дарахтларни итариш лозим. Гиламда бу амални шерик билан ҳар хил оёқларда қадам ташлаб қайтариш мумкин. Баскетбол, стол тенниси ҳамда қисқа масофаларга югуриш билан шуғулланиш бу амални бажаришда қўл келади.

«КИФТЛАБ ТОРТИБ ТИЗЗАЛАТИШ» АМАЛИ

б-сабоқ

Елка уриш натижасида ўнг қўл тирсагимизни рақиб қўлтиғи остидан ўтказиброқ белбоғдан ушлаб, белини ўзимизга тортиб тиззалатиш «кифтлаб тортиб тиззалатиш» амали дейилади.

Елка уриш натижасида ўнг қўл тирсагимизни рақиб қўлтиғи остидан ўтказиброқ белбоғ ушлаганимиздан сўнг, унинг белини қаттиқ сиқиб ўзимизга тортамыз. Натижада рақиб ҳар иккала оёғи билан тиззалаб чўкади.

Рақиб томон қадам ташлаганимизда ҳар доим олдинги оёғимизга оғирлик тушади. Уни олдимизга тортганимизда эса оғирлик ҳар икки оёғимизга тенг тақсимланади.

Кифтлаб тортишни бажармоқчи бўлсак ҳам, оёқларимизни рақибнинг ўнг оёғи ёки чап оёқлари ёнига ҳамда оёқлари орасига қадам ташлаб бажарамиз.



10-расм. «Кифтлаб тортиб тиззалатиш» амалининг бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) елка уриш натижасида рақиб чап қўлтиғи остидан ўнг қўл энгни ўтказиб белбоғ ушлаш; в) олдинга тортиш; г) тиззага чўктириш.

«Кифтлаб тортиб тиззалатиш» амалига қарши ҳимоя

Рақибнинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсагимиз билан сиқамиз. Тортувига бормаймиз, биқинига қўлни тираб итарамиз. Пастроқ олиш ҳолатида юрамиз.

«Кифтлаб тортиб тиззалатиш» амалига қарши амаллар

Рақиб кифтлаш амалини бажарганда ўнг елка ва ўнг қўлининг тирсагини юқорига кўтариб, чап елкасини пастга эгади. Шу ҳолатда ўнг елкасини кўтарганда чап оёқ билан ўнг оёғи ичига қадам ташлаб, ўнг елка томонга ирғитиш амали билан ташлаш мумкин. Рақибни ташлаганда, албатта, ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсағи билан сиқиб олишимиз зарур. Ундан ташқари, кифтлашига қаттиқ кифтлаш билан жавоб қилиб, ўзини тортиб тиззалатамыз.

Чалғитиш амаллари

Ўнг қўл билан белбоғдан етказиб ушлаб олгандан сўнг, чап елка томонимизга тиззага миндириб ташлаймиз. Яна ҳудди шунинг акси — чап оёқда рақибни кўтариб, ўнг елка томонга тизза миндириб ташлаймиз.

«Кифтлаб тортиб тиззалатиш» амалига услубий кўрсатма

Бу амални ҳам тўлиқ бажариш учун қўл мускулларини ривожлантириш, оғир тошларни ва штангаларни ўзимизга тортиш, дарахтларга белбоғ боғлаб тортиш ва арқон тортиш лозим. Тезликни ривожлантириш машқларини бажариш, қисқа масофаларга югуриш, стол тенниси, баскетбол, қўл тўпи ўйинларини кўпроқ ўйнаш тавсия этилади.

«ТИЗЗА» АМАЛИ

7—8-сабоқ

Рақибнинг белини сиқиб оёғини гиламдан узиб ёки узмай тизза чўктириш «тизза амали» дейилади.

Масалан, рақибнинг белини қаттиқ бураганда, қайирганда ёки бўлмаса кўтариб ташлаганда, у тизза чўккалаб қолиши мумкин. Ҳар



11-расм. «Тизза» амали бажарилиши:

- а) дастлабки ҳолат; б) ўнг қўлни етказиб белбоғ ушлаш;
в) оёқни ердан узиш; г) якуний ҳолат.

қандай амални бажарганимизда қўл тирсақларини ўтказиб белбоғдан ушланади. Кўпинча рақибни кўтариб олганимизда, у оёқларини оёқларимиз устига кўйиб олади, шу ҳолатда дарҳол тизза чўккалатиш керак. Бунинг учун рақибни гиламга қаттиқ уриш керак. Оёқни ички ёки ташқари ён томонидан енгил қоқиш орқали ҳам уни тиззалатиш мумкин.

Тизза амалига қарши ҳимоя

Ҳар қандай ҳолатда рақибга ёпишиб бормаслик, яъни унинг тортувига юрмаслик, биқинига қўлни тираш лозим. Оёқларни оёқ билан тўхтатиш керак.

Тизза амалига қарши амаллар

Рақиб ўнг оёқ билан оёқларимиз орасига кирмоқчи бўлганда, чап оёқ билан оёғини тўхтатиб, ўнг оёқ билан кўтариб ташлаймиз. Чап оёқ билан қайтарганда эса бунинг акси.

Ҳар доим ўнг қўл тирсағини чап қўл тирсағи билан сиқиб ушлаш керак.

Чалғитиш амаллари

Ўнг оёқ билан оёқлари орасига кириб, дарҳол оёқни алмаштириб чап оёқ билан кўтариб ташлаймиз. Ундан ташқари, чап оёқ билан оёқлари орасига кириб, дарҳол оёқни алмаштириб ўнг оёқ билан кўтариб ташлаймиз.

Тизза амалига услубий кўрсатма

Тиззалатиш амалини бажаришда оёқ-қўл мускуллари кўпроқ ишлайди. Бу амалларни бажариш учун гантеллар, оғир тошларни оёқ ёрдамида тепага кўтариш машқларини бажариш зарур. Арқон тортиш, арғамчида сакраш бу амални яхши бажариш учун ёрдам беради.

ЎТИРҒИЗИШ АМАЛИ


9—10-сабоқ

Рақибнинг белини сиқиб оёғини гиламдан узиб ёки узмай ўтирғизиш қўйиш «ўтирғизиш амали» дейилади.

1. Рақибнинг белини сиқиб кўтариб ташлаганимизда ёки белини бураганимизда, қайирганимизда ўтириб қолиши мумкин. Шунинг учун ўнг қўл тирсағимизни етказиб белбоғдан ушлашимиз керак. Рақибнинг белини қаттиқ сиқиб елка билан итарганимизда ҳам у ўтириб қолиши мумкин.

Ўтирғизиш амалига қарши ҳимоя

Ҳар қандай ҳолатда рақибга ёпишиб бормаслик, яъни унинг тортувига юрмаслик, биқинига қўлни тираш лозим, оёқларини оёқ билан тўхтатиш керак. Агарда рақиб оёқларимизни тик қилиб олса, қўл тирсағидан сиқиб тўхтатиш керак.



12-расм. «Ўтирғизиш» амали бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) рақибни ўнг қўл тирсагини сиқиб ўзимизга тортиш; в) чап оёқ билан кўтариш; г) якуний ҳолат.

«Ўтирғизиш» амалига қарши амаллар

Рақиб ўнг ёки чап оёғимиз ёнига қадам ташлаганда, оёқларимизни рақибнинг оёқлари ёнига олиб ўтиб, унинг оёқларини итариб ўтирғизамиз. Ундан ташқари, ўнг оёғини чап оёқ билан тўхтатиб, ўнг оёғи орқасига чап оёқни солиб чаламиз.

Чалғитиш амаллар

Ўнг оёқ билан оёқларининг ичига кирмоқчи бўлиб, чап оёқ билан ўнг оёғининг орқасидан чаламиз. Унинг ақсини қилиб, чап оёқ билан оёқларининг ичига кирмоқчи бўлиб, ўнг оёқ билан чап оёғининг орқасидан чаламиз.

«Ўтирғизиш» амалига услубий кўрсатма

Дарахтларни пастга итариш, оғир тошларни тепадан пастга ташлаш, чўзмаларни тепадан пастга тортиш машқлари амални яхши бажариш учун қўл келади. Амални гиламда икки киши бўлиб бажарамиз, мувозанатдан чиқмасликни машқ қилиш керак. Яъни қадам ташлаганда ёки қайирганда оғир кетмаслик керак.

«ҚАЙИРМА» АМАЛИ

(11—12-сабоқ)

Рақибни белидан сиқиб кўтариб ёки кўтармай, оёқни ишлатиб ёки ишлатмай, оёқларни чап ёки ўнг томонга қайириб ташлаш «қайирма» амали дейилади.

Бу амални бажаришда рақибни кўтаргандан сўнг, оёқ ишлатмасдан чап ёки ўнг елка томонга қайириб ташланади.

Рақибни кўтариб ўнг елка томонга ташламоқчи бўлганимизда, ўнг оёқ орқага тортилади, чап томонга ташлашда бунинг акси бўлади.

Қайирма амалини рақиб оёғини ердан узмасдан ҳам бажарса бўлади.

Масалан, рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари ёнига қадам ташлаб, оёғини ичкарига букамиз, сўнг чап елка



13-расм. «Қайирма» амалининг оёқ ёрдамсиз бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) рақибни сиқиб кўтариш; в) ўнг елка томонга бурилиш; г) ҳавода учиш; д) учишнинг давоми; е) қайрилган томонга бурилиш; ж) якуний ҳолат.

томонга қайириб ташлаймиз. Рақибни чап оёғи олдинда бўлганда эса, ўнг оёғимиз билан оёқлари ёнига қадам ташлаб, рақибнинг оёғини ичкарига итариб ўнг елка томонга қайириб ташлаймиз. Қайириб ташлаш амали икки ҳолатда бажарилади:

а) кўтариб олгандан сўнг қайириш амали (бу ҳолатда оёқ ишлатилмайди);


б) оёқ ёрдамида оёқни итариб қайириш амали (оёқни гиламдан узмай бажарилади).

«Қайирма» амалига қарши ҳимоя

Кўтариб амал қўллашда рақиб асосан кўтаришга ҳаракат қилади, чунки амални у рақибни кўтариб олгач қўллайди. Шунинг учун рақибнинг кўтаришига йўл қўймаслик лозим.

Ўнг қўл тирсагини ўтказмасликка, оёқлари ҳаракатини тўхтатиш ва тортувиغا, етаклашига ҳам йўл қўймаслик керак, чунки етаклаган томонга қайириб ташлаш мумкин. Рақиб ўз рақибини кўтариш учун ёпишиб келади, шунинг учун биқинга қўлини тираб яқинлашиб келишига йўл қўймаслик керак.

Рақиб оёғимиз ёнига қадам ташлаганда, оёқ билан рақибнинг оёғини итариш керак.



13а-расм. «Қайирма» амалини оёқ ёрдамида бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) рақибни олдинга тортиш; в) чап оёқни рақиб ўнг оёғи ёнига қўйиб қайириш; г) учиш ҳолати; д) якуний ҳолат.

«Қайирма» амалига қарши амаллар

Қайирма амалига қарши амал қўллаш учун рақиб кўтариб қайирмоқчи бўлганда гавдани тўғри тутиш, гавданинг бурилиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Рақиб ташлаган пайтда икки оёқда баробар тушиб, ўнг қўл билан уни ёнга тортиб, рақибни белга миндириб ёнбош амалини, ёки чалақайтарма, қайтарма амалларини қўллаш мумкин. Оёқни ердан узмасдан қайирмоқчи бўлганда, масалан, ўнг оёғимиз ёнига чап оёқ билан қадам ташлаганда, дарҳол ўнг оёғимизни унинг чап оёғи орқасига олиб ўтиб чаламиз.

Чалғитиш амаллари

1. Рақибни ўнг елка томонга қайириб, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнидан қоқиб супурма амалида ташлаш мумкин.

2. Чап елка томон қайириб, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнидан қоқиб супурма амалида ташлаш мумкин.

«Қайирма» амалига услубий кўрсатма

Қайирма амали ташқаридан қараганда тўсиб ташлашга ўхшаб кетади. Агар эътибор бериб қаралса, қайириб ташлашда кўтармасдан оёқни ишлатиш ёки кўтаргандан сўнг эса оёқни ишлатмаслик ҳам мумкин. Бунда эгилувчанлик ва белни буриш ёрдам беради. Кўриниб турибдики, бу амални бажариш учун қўл билан кучини оширувчи ва эгилувчанлик машқларини кўпроқ бажаришга тўғри келади.

Белни буриш амалини қўллаш учун чўзма лапшалар ёрдамида машқлар бажариш зарур.

Мисол учун чўзма лапшани бирор жойга маҳкамлаб, икки қўл ёрдамида белни буриб, чап ёки ўнг томонга тортиш машқларини бажариш керак. Турган жойда рақибни чап томондан ўнг томонга ёки ўнг томондан чап томонга кўтариб қўйилади. Кўтариб қўйганда оёқлар бир ҳолатда туриши ва бел ёрдамида бурилиш керак. Бунинг учун оғир юк кўтариб ўнгга ёки чапга бурилиб машқ қилиш керак. Гидамда кўприк (мост) машқини ва бел ёрдамида эгилувчанлик машқларини бажариш лозим.

Албатта, бу машқларни бажаргандан сўнг, амални рақиб билан охирига етказиб такрорлаш керак.


«БОСМА» АМАЛИ

(13—14-сабоқ)

Рақибнинг белини сиқиб кўтариб, сўнг силтаб елка билан гиламга уриш «босма» амали дейилади.

Бу амал рақибни даст кўтариб, дарҳол ерга уриш орқали бажарилади.

Амални турлича бажариш мумкин. Масалан: рақибни кўтариб, икки оёқ орасидан ўтказиб гиламга ташлаш ҳамда рақиб ўзини ҳимоя



14-расм. «Босма» амали:

- а) дастлабки ҳолат; б) даст кўтариш; в) қўл елка ёрдамида пастга силтаб уриш; г) учиш ҳолати; д) якуний ҳолат.

қилаётиб, оёғимиз устига оёқ қўйганда, уни ерга босиш ҳам мумкин. Бу амални ҳар қандай бел олиш ҳолатида бажариш мумкин. Амални яхши бажариш учун ўнг қўл энгимизни белбоғ орқали чап қўл энгига етказиб белбоғдан ушлаш керак. Рақибни иложи борича баландроқ кўтариб, амални тез бажариш лозим. Агар:

а) рақибнинг чап оёғи олдинда бўлса, рақибнинг оёқлари орасига чап оёқ билан кириб кўтарилади.

Рақибни баландроқ кўтариб, қаттиқ силтаб-тортиб ерга урилади.

Бу амални фақат яқин масофадан ёпишиброқ кўтариб бажариш мумкин.

б) Агар оёқлар баравар ҳолатда бўлса, рақибни кўтариб қаттиқ силташ орқали оёқларини оёқларимиз орасидан ўтказиб юбориш мумкин.

в) Рақибнинг ўнг оёғи олдинги ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, даст кўтариб уни ўзимизга қаттиқроқ тортиб, гиламга ташланади.

Агар рақиб ҳимояланиб, оёқ устига оёғини қўймоқчи бўлса, уни сиқиб, қаттиқроқ тортиб устига сакралади.

Эслатма: Ҳар қандай бел олиш ҳолатида рақиб ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлиб оёқларини оёқларимиз устига қўйса, дарҳол унинг устига сакраб тушиш керак.

«Босма» амалига қарши ҳимоя

Босма амалида рақиб асосан кўтариб босишга ҳаракат қилади. Шунинг учун у кўтаришга ҳаракат қилади. Қадам ташлаган пайтда оёқлар ҳаракатини оёқ билан тўхтатиш лозим. Ўнг қўл тирсагини чап

қўл тирсагимиз билан сиқиш керак бўлади. Башарти кўтариб олган тақдирда, ҳар иккала оёқни оёқлари устига қўйиб, қўлларни икки биқинига тираб туриш керак. Шу ҳолатда рақиб елка ва қўл билан силтаб ерга уради, бу пайтда оёқлар билан узоқроққа тушиш лозим. Сўнг, оёқлар туширилган пайтда ўнг қўл билан рақибнинг белбоғидан сиқиб ушлаш керак.

«Босма» амалига қарши амаллар

Рақиб «босма» амалини қўллаганда, бел олишчини кўтариб гиламга урмоқчи бўлади, шунинг учун кўтариб гиламга ташлаганда икки оёқда тушишга ҳаракат қилиш лозим.

1. Рақиб кўтарганда ҳар икки қўлни мушт қилиб биқинига тираб олиш, ташлаганда эса, ўнг қўл энгимизни белбоғи орқали чап қўл энгига етказиб тушилади ва рақибни кўтариб тиззага миндириб чап ёки ўнг елка томонга ташлаш мумкин.

2. Гиламга оёқда тушгандан сўнг, ўнг қўл энгимизни белбоғ орқали чап қўлга етказиб, ёнбош амалини қўллаш мумкин.

Чалғитиш амаллари

1. Рақибнинг оёғини ердан узиб оширма амалини қўллаймиз.

2. Рақиб ҳимоя тариқасида оёғини қўйган заҳоти, уни ўнг елка томон айлантриб олдинга ташлаш мумкин.

«Босма» амалига услубий кўрсатма

«Босма» амални ўзлаштириш учун қуйидаги машқларни такрор-такрор бажариб туриш тавсия қилинади:

қўл кучи ёрдамида юқоридаги буюмларни пастга тортиш; тошларни юқорига кўтариб, икки қўлда тезлик билан пастга ташлаш; оддий кетмонни тезлик билан баланд кўтариб ер чопиш.

Гиламдан рақибнинг оёғини тезлик билан узиб ерга қўйиш машқини бажариш, гиламдан рақибнинг оёғини узиб, узоқ вақт ушлаб туриш. Рақибни кўтариб оёқларимиз орасидан ўтказиб, яна қайтариб суғуриб олиш машқини бир неча маротаба такрорлаш, рақибни кўтариб туриб бир неча дақиқадан сўнг устидан сакраб тушиш машқлари амални яхши бажаришга ёрдам беради.

Бу амал галма-гал шерик билан такрорланади. Амални иложи борича тезлик билан бажариш керак. Сабаби, рақиб ўзини ҳимоя қилишга улгурмай қолиши лозим.

СУПУРИБ ОШИРИШ (ОЁҚНИ ҚОҚИБ ОРҚАГА ЭГИЛИШ) АМАЛИ. ЧАП ОЁҚ БИЛАН АМАЛНИ БАЖАРИШ

(15—16-сабоқ)

Рақибнинг белини сиқиб оёғини қоқиш натижасида орқага эгилиб кўкракдан ошириб ташлаш «супуриб ошириш» амали дейилади.

Амални бажариш. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, кифтлаб ўнг қўлни етказиб белбоғ ушлаймиз. Шундан сўнг чап оёқ тўпиқ



15-расм. «Супуриб ошириш» амалини чап оёқ билан бажарилиши:
а) дастлабки ҳолат; *б)* чап оёқ билан рақиб ўнг оёғи ёнига қадамлаб
белини сиқиш; *в)* чап оёқ билан рақиб ўнг оёғини қоқиб кўкракдан
ошириб ташлаш; *г)* якуний ҳолат.

панжа билан ўнг оёғининг пастки қисмидан қоқиб чап елка томонга кўкракдан ошириб ташлаймиз. Рақибнинг оёғини қоқишда оёқ учлари ва товон билан қоқилади. Орқага яхши эгилмаслик, оёқ қоқишни яхши бажармаслик ва яхши бурилмаслик амалнинг яхши чиқмаслигига олиб келади.

Ҳимоя

Рақибнинг оёқ ҳолатига эътибор бериб юриш. Рақибдан узоқроқ юриш, тортувига йўл бермаслик, қўл муштини биқинига тираб юриш керак. Пастроқ кураш ҳолатида юриш лозим.

Супуриб ошириш амалига қарши амаллар

Рақиб ўнг оёғимиз ёнига чап оёғи билан қоқмоқчи бўлганда, дарҳол чап оёқ билан рақибнинг ўнг оёғи ичига қадам ташлаб, ўнг елка томонга ирғитиш амалини бажарамиз. Бу амални тез бажариш керак. Масалан, рақиб чап оёқ билан келганда, ўнг оёғи орқада қолади. Рақибнинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсак билан яхшилаб сиқиб оламиз. Чап оёқни ўнг оёғи ёнига қўйиб, ўнг елка томонга бурилиб, чап оёқ билан ирғитиш амалини қўллаймиз.

Чалғитиш амаллари


Рақибни ўнг оёқ билан қоқмоқчи бўлиб, дарҳол чап оёқ билан унинг ўнг оёғи ташқарисидан тўғаноқ чалиш амалини бажарамиз.

Супуриб ошириш амалига услубий кўрсатма

Гидамда ҳар хил эгилиш машқларини икки киши бўлиб қайтариш, икки киши бўлиб оёқларни ёндан қоқиш машқларини бажариш. Лапша чўзмаларни чап ва ўнгга тортиш, дарахтларга белбоғ боғлаб, оёқ билан қоқиб орқага эгилиш машқларини бажариш мақсадга мувофиқ.

Супуриб ошириш амалини ўнг оёқда бажариш

Бу амални ўнг оёқда бажариш чап оёқда бажаришга ўхшамайди. Бунда рақибнинг чап оёғини кўрмай амал бажарамиз. У эса оёғимиз ҳаракатини кўриб ҳимояланиши мумкин. Бу амални бажарганда ўнг қўл тирсагимизни етказиб ушлаб, рақиб чап оёғининг пастки қисмидан қоқиб, ўнг елка томонга оширма амалига ташлаймиз.



16-расм. «Супуриб ошириш» амалини ўнг оёқ билан бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) ўнг оёқ билан рақиб чап оёғи ёнига қадамлаб белини сиқиш; в) ўнг оёқ билан рақиб чап оёғини қоқиш; г) кўкракдан ошириб ташлаш; д) якуний ҳолат.

«БОСИШ» АМАЛИ

(17—18-сабоқ)

Рақибнинг белини сиқиб, ўнг ёки чап оёғидан итариб оёқ, қўл ва елка-жағ ёрдамида елкасини итариб босиб тушиш «босиш» амали дейилади.

Амални қўллашда олишчи рақибни қўллари ёрдамида сиқиб, ўзига тортади. Елка билан эса кўкрак қисмини орқага итаради. Сўнг рақиб оёғини ўнг ёки чап ёнидан ичкарига итаради.

«Босиш» амалини бажаришда рақиб оёқлари ёнига оёқ қўйиб ичкарига итариш муҳимдир. Бу амал, асосан, рақиб амали чиқмай қолиб, мувозанатини йўқотган пайтда қўлланилади. Иложи борича, рақибнинг олдинда турган оёқлари ёнига оёқни қўйиб, ичкарига итарган ҳолатда амални қўллаш мақсадга мувофиқ.

«Босиш» амалига қарши ҳимоя

Босиш амалида рақиб итариб босишга ҳаракат қилади. Шунинг учун унинг итариб келишини тўхтатиш, бунинг учун рақибнинг ўнг биқинига чап қўлни тираш керак. Олиш ҳолатида орқароққа чўзилиб



17-расм. «Босиш» амали бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) рақибни белидан сиқиб тортиш; в) рақибни жағ, елка ёрдамида итариб босиш; г) босишнинг давоми; д) якуний ҳолат.

юрилса, босиш амалига қарши ҳимоя бўлади. Рақиб оёқнинг ён томонидан итариб букиб босишга ҳаракат қилади. Бундай пайтда оёқни олиб қочишга ҳаракат қилиш керак. Тик тортишиб қолган пайтда оёқлар ҳолатига аҳамият бериш лозим, иложи борича рақиб оёғини итариб букиш, чап қўл тирсагимиз билан эса ўнг қўл тирсагини сиқиш керак бўлади. Босиш амалида энг яхши ҳимоя мувозанатни сақлай билиш ҳисобланади.

«Босиш» амалига қарши амаллар

Босиш амалида рақиб оёқларини ердан узмасдан, белни сиқиш орқали тўғридан-тўғри икки елкани итариб босишга ҳаракат қилади. Бу амалга биз қандай қарши амал қўллашимиз мумкин?

1. Дейлик, рақиб ўнг қўлни белбоққа етказиб белни сиқади, сўнг ўнг оёғимиз ён томонига чап оёқ билан қадамлаб, оёғимизни ичкарига итармоқчи бўлади. Мана шу ҳолатда ўнг оёқни рақибнинг чап оёғи ён томонига олиб ўтиш, оёқ ҳаракатини тўхтатиб ўнг қўл билан унинг белидан сиқиб кўтариб, чап ёки ўнг елка томонга тиззага миндириш амалини қўллашимиз.

2. Рақиб итариб, яъни суриб босмоқчи бўлганда эса ирғитиш амалини қўллаш мумкин. Бунда рақиб ўз ҳаракати билан ўзи ёрдам берган бўлади, чунки итариб келаётган пайтда сиқув ҳаракати бўлмайди, чап ёки ўнг оёқ билан рақибнинг оёқлари орасига кириб бурилиб ирғитиб юбориш мумкин.

Чалғитиш амаллари

1. Рақибнинг белидан сиқиб ўнг ёки чап оёғини ташқари ён томондан ичкарига қоқиб, супурма амалини қўллаш мумкин.

2. Рақибнинг ўнг ёки чап оёғи ёнига қадам ташлаб, даст кўтариб тўсиш амалини қўллаш мумкин.

3. Рақибнинг чап ёки ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, уни оёқларини итариш ёрдамида қайириб ташлаш мумкин.

«Босиш» амалига услубий кўрсатма

Босиш амалининг бошқа амаллардан фарқи — рақибни кўтармай ёки ирғитмай, балки босиб тушилади.

Кўриниб турибдики, бел олишчи бор кучини пастки томонга, яъни гиламга йўналтириш керак бўлади.

Рақибсиз бу амални қўллаш учун қуйидаги машқларни бажаришни тавсия қиламиз:

Қўл кучи ёрдамида дарахтни пастга тортиш машқларини бажариш ва шунга ўхшаш қўл, оёқ ёрдамида пастга йўналтирилган машқларни бажариш лозим.

Машғулот жараёнида рақиб оёқларини оёқ билан итариш ва елка билан итариб босишни такрорлаш лозим.


«ТИЗЗАГА МИНДИРИШ» АМАЛИНИ ЎНГ ОЁҚДА БАЖАРИШ

(19—20-собоқ)

Рақибнинг белини сиқиб оёқ-тизза ёрдамида кўтариб ташлаш «тиззага миндириш» амали дейилади.

Рақибнинг белини сиқиб, оёғини ердан узиб олгандан сўнг тиззага миндириш амали бажарилади.

Бу амални бажаришда оёқ ҳолатларига эътибор бериш керак бўлади. Мисол учун, рақибнинг чап оёғи орқада бўлганда, амал ўнг оёқ билан бажарилади. Рақибнинг белини сиқиб, уни кўтариб чап елка томонга ташлаймиз. Рақибни кўтарганда иложи борича узоқроққа ташлашга ҳаракат қилиш ва кўтариб ташлаётган томонга кўпроқ бурилиш керак. Рақибнинг оёқлари баравар бўлганда, чап ёки ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб кўтариб ташланади.




18-расм. «Тиззага миндириш» амалини ўнг оёқда бажарилиши:
а) дастлабки ҳолат; б) рақибни оёғини ўнг оёқ билан ердан узиш;
в) баландроқ кўтариб чап елка томонга бурилиш; г) якуний ҳолат.

«ТИЗЗАГА МИНДИРИШ» АМАЛИНИ ЧАП ОЁҚДА БАЖАРИШ

Рақибнинг ўнг оёғи орқада бўлганда, чап оёқ билан оёқлар орасига кирилади. Сўнг оёғини гиламдан узиб, ўнг елка томонга ташланади. Рақибнинг белини сиқиб кўтарганда, иложи борича узоқроққа ташлашга ҳаракат қилиш керак.

«Тиззага миндириш» амалига қарши ҳимоя

Тиззага миндириш амалини бажаришда бел олиш ҳолатига эйтибор бериш керак. Унда тўрт хил бел олиш ҳолати кўзга ташланади. Масалан: ўнг оёқ олдинда бўлган ҳолат, чап оёқ олдинда бўлган ҳолат, оёқлар баравар турган ҳолат, оёқлар букилган ҳолат. Дейлик, рақиб чап оёқ тиззаси билан кўтаришга ҳаракат қилади. Бунда ўнг оёқ олдинда бўлиши керак, чунки рақибнинг чап оёқ ҳаракатини ўнг оёқ билан тўхтатиш мумкин. Оёқ ҳаракати билан бир вақтда рақибнинг қўл тирсагидан ҳам тўхтатиш лозим бўлади. Агар оёқ ҳаракатини тўхтатиб, қўл ҳаракати тўхтатилмаса, рақиб судраб, тортиб, кўтариб кетиши мумкин. Рақибнинг ўнг оёқ билан амал қўллаши пайқаб



19-расм. «Тиззага миндириш» амалини чап оёқда бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) чап оёқ билан рақиб оёғини ердан узиш; в) кўтариб ўнг елка томонга ҳавода бурилиш; з) якуний ҳолат.

қолинса, чап оёқ олдинда ёки оёқлар букилган ҳолатида юриш керак. Оёқларни буккан ҳолатда юришнинг ўзи ҳам ҳимоя ҳисобланади. Етаклаган томонга ҳам юрмаслик керак, рақиб бу пайтда тиззага миндириш амалини қўллаши мумкин, шунинг учун бундай пайтда қарама-қарши томонга юриш керак бўлади.

«Тиззага миндириш» амалига қарши амаллар

Таъкидлаганимиздек, тиззага миндириш амалини қўллаган рақиб чап оёқ ёки ўнг оёқ билан ўз рақибини тизза ёрдамида кўтармоқчи бўлади. Қарши амални бажариш учун, рақиб чап оёғи билан келганда ўнг оёқ ёрдамида унинг ҳаракати тўхтатилади. Кейин чап оёқ ёрдамида тиззага миндириб ўнг елка томонга ташланади. Агар рақиб ўнг оёқда келса, чап оёқда ҳаракати тўхтатилиб, ўнг оёқ билан рақибнинг ўзини чап елка томонимизга тиззага миндириб ташланади.

Рақиб чап ёки ўнг оёғи билан кўтариб ташламоқчи бўлганда, оёқ ёрдамида ҳимояга тушиб, рақибнинг оёқларини ёнга итариб босиб қолиш ҳам мумкин.

Чалғитиш амаллари

1. Ўнг оёқ билан кўтариб, дарҳол чап оёқ билан алмашилиб ўнг елка томонимизга ташлаш мумкин.

2. Чап оёқ билан кўтариб, ўнг оёқ билан алмашилиб чап елка томонимизга ташлаш мумкин.

3. Кўтаргандан сўнг чап елка томонга ташламоқчи бўлиб, дарҳол ўнг елка томонимизга тўсиб ташлаш мумкин.

«Тиззага миндириш» амалига услубий кўрсатма

Таъкидлаганимиздек, тиззага миндириш амали рақибни кўтариш орқали бажарилади.

Бу амални бажаришда асосан оёқ, қўл билаклари кучи катта аҳамиятга эга. Шунинг учун оёқ, қўл билаклари яхши ривожланган бўлса, амални қўллаш осон кечади.

Бу амал унчалик тез бажаришни талаб қилмайди, чунки қўл билак кучи кўпроқ ўрин тутаяди. Тиззага миндириш амалига тайёргарлик машғулотлари давомида оёқ ва қўл билакларига куч берадиган машқларга эътиборни қаратиш керак.

Оёқ ёрдамида вазнига қараб 16, 24, 32 кг. ли тошларни қўлни белга қўйиб оёқда кўтариш ва стол устига чиқиб пастдаги тошларни қўл ёрдамида тепага кўтариш машқларини бажариш мумкин. Бу иккала машқни яхши ўзлаштиргандан кейин эса оғир қопларни оёқ ва қўл ёрдамида кўтариш, қопнинг ўрта қисмига белбоғ боғлаб ўнг ёки чап оёқда кўтариб ташлашни машқ қилиш керак. Шундан кейингина машғулот жараёнида рақиб билан куч синашиш мумкин.

Машғулот жараёнида ўзига ноқулай, қийин шароитда рақиб билан беллашиш кейинроқ фойдали бўлади.

Мисол учун рақибнинг белбоғи меъеридан кенгроқ бўлиши, вазни оғирроқ бўлиши лозим, ўзимиз оғирроқ оёқ кийим кийишимиз ҳам мумкин.

Белбоғи кенг бўлганда, рақибни кўтариш қийин бўлади. Агар вазни оғирроқ бўлса, уни ердан узиш янада мушқуллашади. Машгулот жараёнида машқлар бажариш қанчалик қийин бўлса, мусобақа пайтида курашиш шунча осонлашади.


Сезгирликни ошириш учун оғирроқ оёқ кийим кийиш керак. Оёқ кийим бўлганда рақиб ҳаракатини оёқлар яхши сезмайди, мусобақа пайтида эса ялангоёқ ҳолатда тушганда, оёқлар рақиб ҳаракатини яхши сезади.

«ҚАЙТАРМА» АМАЛИ

(21—22-сабоқ)

Рақибнинг белидан сиқиб оёғини ердан узиб, ярим доира орқага ўтказиб олдинга ташлаш «қайтарма» амали дейилади.

Қайтарма амалини бажаришда рақибнинг ўнг оёғи ёнига чап оёқ қўйилади ва оёғини ичкарига итариб кўтариб, ярим доира шаклида



20-расм. «Қайтарма» амали бажарилиши:

- а) дастлабки ҳолат; б) рақибни сиқиб тортиш; в) оёғини ердан узиш; г) ярим доира орқага ўтказиш; д) учиш ҳолати; е) якуний ҳолат.

белнинг орқасига ўтказиб, олдинга ташланади. Қайтарма амалини оёқ ва қўл ёрдамида ёки бўлмаса, қўлнинг ўзида ҳам бажариш мумкин. Амал фақат қўл билан бажарилганда, рақиб белини қаттиқ сиқиб, белбоғга қўлни етказиб ушлаб кўтариб, тезлик билан белнинг орқа томонига ўтказиб олдинга ташланади. Бу амал қўлнинг ўзида бажарилиши учун кўп машқ қилиш талаб қилинади. Қайтарма амали бел олишда энг чиройли ва айни чоғда қийинроқ бажариладиган амал ҳисобланади. Чунки бу амал бир неча амаллар йиғиндисидан ташкил топган бўлади.

Бу амал икки хил бажарилади:

1. Оёқ ва қўл-елка ёрдамида қайтариш.

2. Оёқсиз, қўл ва елка ёрдамида қайтариш.

Оёқ ва қўл-елка ёрдамида амални қўллаш:

1. *Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда:*

а) чап оёқ билан рақибнинг ўнг оёғи ён томонига қадам ташлаб, оёғини ичкарига итарамиз;

б) рақибни ўнг елка томонга тортиб, ўнг оёғимизни ҳам орқа ён томонга қўямиз, сўнг уни кўтариб белдан ярим доира шаклида ўтказамиз;

в) рақибни олд томонга ташлаймиз.

2. *Рақибнинг оёқлари баравар ҳолатда бўлганда:*

а) чап оёқни рақибнинг ўнг оёғи ёнига ёки ички ён томонига қўйилади;

б) ўнг оёғимизни орқа ён томонга тортиш билан бирга, рақибнинг оёғини ердан узиб, белга миндирилади;

в) рақиб олд томонга ташланади.

Оёқсиз, қўл-елка ёрдамида амални қўллаш:

1. *Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда:*

а) белидан сиқиб оёғи ердан узилади;

б) ўнг елка томонга тортиб, белдан ярим доира ўтказиб

в) олд томонга ташланади.

2. *Рақибнинг оёқлари баравар ҳолатда бўлганда:*

а) ўнг қўл билан белбоғидан қаттиқ тортиб оёғи гиламдан узилади;

б) ўнг елка томонга тортиб, белдан ярим доира ўтказиб

в) олд томонга ташланади.

Бу кўрсатиб ўтилган амаллар қўл кучи билан бажарилади.

Чапақай курашчилар рақибни чап елка томонга ярим доира айлантириб, ўнг елка томон қайтариши мумкин.

Эслатма: Рақибни силташ (чайқатиш) орқали ҳам қайтарма амали билан ташлаш мумкин. Яъни, белбоғга қўлни етказмай ҳам қайтариш мумкин, фақат кўп машқ қилиш лозим бўлади.

«Қайтарма» амалига қарши ҳимоя

Қайтарма амалини рақиб асосан қадам ташлаш орқали бажаради. Шунинг учун рақибнинг қадам ташлаш ҳаракатини оёқлар ёрдамида тўхтатиш ва оёқлар ҳолатига ҳам яхши эътибор бериш лозим. Рақиб қайси оёғи билан қадам ташлашидан қатъи назар, оёқларини ички ёки

ташқи ён томондан итариб букишга ҳаракат қилган маъқул. Шунинг учун оёқ қўйган пайтидаёқ, унинг оёғини итариб букишга ҳаракат қилиш лозим. Ундан ташқари, рақибнинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсагимиз билан сиқиб олишимиз лозим. Рақиб етаклашига юрмасдан, қарама-қарши томонга юриш зарур.

«Қайтарма» амалига қарши амаллар

1. Ўнг оёғимиз олдинда бўлганда, рақиб қайтарма амалини қўллашга ҳаракат қилади. Ўнг оёқ олдинги ҳолатда бўлганда, рақиб чап оёғи билан ўнг оёқ ёнига қадам ташлайди, мана шу ҳолатда рақибнинг ўнг оёғи орқада қолади. Шу пайтда чап оёқ билан рақибнинг ўнг оёғи ичига қадам ташлаб, ўнг қўл тирсагини сиқиб, ўнг елка томонга бурилиб ирғитиш амалига ташланади. Шуни ёдда тутишимиз керакки, чап оёқ билан ирғитиш амалини қўллаганда рақиб белбоғига ўнг қўлимизни етказиб ушлаш шарт эмас, фақат унинг ўнг қўл тирсагини маҳкам сиқиб олиш зарур бўлади.

2. Рақиб ўнг оёғимиз ёнига чап оёғи билан қадам ташлаб, ўнг оёғини орқа ёнга олиб улгурмасдан, чап оёқ билан рақибнинг ўнг оёғи ёнига қадам қўйиб ўзини қаттиқроқ орқа-ёнга тортиб қайтарма амалида ташланади.

Чалғитиш амаллари

1. Рақибнинг белини қаттиқ сиқиб ўнг елка томонга қаттиқ тортиб, ёнбош амалини қўллаймиз.

2. Рақибни ўнг елка томонга қаттиқ тортиб, тўхтатмай айлантириш амалида ташлаймиз.

3. Ўнг оёқ билан рақибнинг чап оёғи ёнига қадам ташлаб, оёғини ичкарига итариб кўтариб, ўнг тизза билан тўсиб ташлаймиз.

«Қайтарма» амалига услубий кўрсатма

Қайтарма амалини бажариш учун рақибнинг оёғини ердан узиш керак, бунда рақибни қўл кучи билан кўтаришга тўғри келади. Шунинг учун жисмоний машғулотларга эътибор бериш лозим.

Тошларни қўл ёрдамида кўтариш, ҳар хил машқларни бажариш, оғир қопларни кўтариб машқ қилиш лозим.

Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда:

а) ўнг қўл енгимизни белбоғ орқали чап қўл енгига яқинлаштириш; б) чап оёқ билан ўнг оёқ ёнига қадам ташлаш; в) рақибни кўтариб ўнг елка томонимизга ўтказиш; г) олдинга ташлаш машқларини кўпроқ қайтариш зарур.

Оёқларни рақибнинг оёқлари ёнига ва орасига қўйиб, кўтариб орқа томонга олиб ўтишни бир неча маротаба такрорлаш лозим.

Қайтарма амалини оёқсиз бажариш учун ўнг қўл билан белбоғдан ушлаб, рақибни ўнг ёки чап томонга бир неча бор ўтказиш лозим. Қўлнинг ўзида қайтаришда оёқ ҳаракатланмайди, шунинг учун машқни такрор ва такрор қайтариш мақсадга мувофиқдир.

Амал яхшироқ чиқиши учун машғулот жараёнида кўпроқ рақиб билан машқ қилиш лозим.


«ТЎҒАНОҚ ЧАЛИШ» АМАЛИ. ЎНГ ОЁҚ ИЧИГА ЎНГ ОЁҚ СОЛИБ ЧАЛИШ АМАЛИ

(23—24-сабоқ)

Рақиб белини сиқиб, ўнг оёғи ичига ўнг оёқ солиб, ўроқсимон шаклда чалиб йиқитиш «тўғаноқ чалиш» амали дейилади

Ўнг оёқ ичига ўнг оёқни солиб чалиш

Амални бажариш: рақибнинг белидан сиқиб олдинга тортганимизда, унинг оғирлиги ўнг оёғига ўтади. Шу ҳолатда тезлик билан рақибнинг ўнг оёғи ичига ўнг оёғимизни солиб орқасига итарамиз. Бутун гавдамиз билан уни орқа томонга босамиз. Агар биз рақибни қаттиқроқ тортмай, мувозанатидан чиқара олмасак, амал чиқмайди.



21-расм. «Ўнг оёқ ичига ўнг оёқ солиб чалиш» амалини бажарилиши:
а) дастлабки ҳолат; б) рақибни олдинга тортиш; в) ўнг оёқни рақиб ўнг оёғи ичига солиш; г) итариб босиш; д) босишни давом эттириш; е) якуний ҳолат.

Ўнг оёқ ичига ўнг оёқ солиб чалиш амалига қарши ҳимоя

Рақибнинг тортувига юрмаслик, ўнг оёқни орқада қолдириб, қўлларни биқинига тираб ҳимоя қилинади.

Ўнг оёқ ичига ўнг оёқни солиб чалиш амалига қарама-қарши амал

Рақибнинг тортишига тезлик билан ўнг оёғимизни чап оёғининг орқа томонидан оёқ солиб итариб босамиз.

Ёки рақиб ўнг оёғимизга ўнг оёқ солган пайтда, ўзимиз чап оёққа яхши таяниб, унинг ўзини орқасига қаттиқроқ итарамиз.

Чалғитиш амали

Рақиб ўнг оёғи ичига оёқ солмоқчи бўламиз ва оёқни унинг чап оёғи ичига солиб, итариб босамиз.

Ўнг оёқ ичига ўнг оёқ солиб чалиш амалига услубий кўрсатма

Гиламда рақибга оёқ солиб мувозанатда кўпроқ туришни машқ қилиш керак. Ундан ташқари, рақиб оёқ солган пайтда, оёғини ердан кўтариш орқали чалишдан озод бўлишни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Дарахтларга белбоғ боғлаб чалиб итариш машқларини бажариш яхши натижа беради.

«ТЎҒАНОҚ ЧАЛИШ» АМАЛИ. ЎНГ ОЁҚ ИЧИГА ЧАП ОЁҚ СОЛИБ ЧАЛИШ (25—26-сабоқ)

Рақиб белини сиқиб, ўнг оёғи ичига чап оёқ солиб, ўроқсимон шаклда чалиб йиқитиш «тўғаноқ чалиш» амали дейилади.

Амални қўллашда рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, сизнинг чап оёғингиз олдинда бўлиши керак:

- а) рақибнинг белини сиқиб ўзимизга тортамыз;
- б) чап оёқ билан ўнг оёғи ичига ўроқсимон шаклда оёқ соламыз;
- в) елка ёрдамида итариб, тўғаноқ чалиш амалини бажарамиз.

Рақибнинг белини сиқиб ўзимизга тортганимизда, оғирлиғимизни ўнг оёққа ўтказамиз. Чап оёғимизни эса уни ўнг оёғи ичига солиб итариб босамиз.

Ўнг оёқ ичига чап оёқ солиб чалиш амалига қарши ҳимоя

Рақибни ўнг оёғимиздан чалишига йўл қўймай, оёқни орқага оламыз.

Ўнг қўлимизни рақибнинг биқинига тираб, орқага чўзилиброқ турамыз.



22-расм. «Ўнг оёқ ичига чап оёқ солиб чалиш» амалининг бажарилиши: а) рақибни олдинга тортиш; б) чап оёқни ўнг оёқ ичига солиш; в) жағ, елка, оёқ ёрдамида итариб босиш; г) босишни давом эттириш; д) якуний ҳолат.

Ўнг оёқ ичига чап оёқ солиб чалиш амалига қарама-қарши амаллар

Рақиб чап оёғи билан ўнг оёғимизга ички томондан оёқ солганда, рақиб белини маҳкам сиқиб, ундан олдин ўнг оёғимиз билан чап оёғининг ташқари орқа томонидан чап оёққа таяниб итариб босамиз.

Чалғитиш амали

Рақибнинг ўнг оёғига чап оёғимизни солмоқчи бўламиз, у эса ўнг оёғини орқага олади, шунда чап оёқ билан оёқлари орасига кириб, ўнг елка томонга бурилиб тиззага миндириш амалини бажарамиз.

Ўнг оёқ ичига чап оёқ солиб чалиш амалига услубий кўрсатма

Гиламда икки киши бўлиб галма-гал амални қандай бажаришни қайтарамиз.

Масалан: Оёқ ичига оёқ солишни бир неча маротаба қайтарамиз.

Бу амални аниқ бажариш учун дарахтларга белбоғ боғлаб бир неча маротаба оёқ солиб итаришни қайтариш лозим.

Эслатма: Оёқ солгандан сўнг рақибнинг белини сиқиб тортиб, елка билан итаришни бир неча маротаба такрорлаш зарур.

«ТЎҒАНОҚ ЧАЛИШ» АМАЛИ. ЎНГ ОЁҚ ТАШҚАРИ ОРҚА ТОМОНИГА ЧАП ОЁҚ СОЛИБ ЧАЛИШ АМАЛИ

(27—28-сабоқ)

Рақибнинг белини сиқиб, ўнг оёғи ташқари орқа томонидан чап оёқ солиб, ўроқсимон шаклда чалиб йиқитиш «тўғаноқ чалиш» амали дейилади.

Рақибнинг белидан сиқиб тортганимизда, ўнг оёғини олдига қўяди, шу ҳолатда чап оёғимиз билан унинг ўнг оёғи ташқари томонидан ўроқсимон шаклда оёқ солиб, елка ёрдамида орқасига итариб босамиз. Уни итариб босганимизда, оғирлик марказимиз бўлган ўнг оёғимизга яхшироқ таянамиз, йўқса амал чиқмайди.

Ўнг оёқни ташқари орқа томонига чап оёқ солиб чалиш амалига қарши ҳимоя

Тортишига бормасдан, оёқларни орқароқ қўйиб, қўллар муштини биқинига тираймиз.

Ўнг оёқни ташқари орқа томонига чап оёқ солиб чалиш амалига қарама-қарши амал

Рақиб оёқ солган пайтда оғирлигимизни чап оёғимизга ўтказамиз. Ундан олдин ўзимиз унинг чап оёғини ўнг оёғимиз билан ўраб эшиб, гиламдан узиб ўнг елка томонга бурилиб эшиб чалиш амалини бажарамиз. Ёки бўлмаса, ўзимиз ундан олдин чап оёғимизга



23-расм. «Ўнг оёқ ташқари томонига чап оёқ солиб чалиш» амалини бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) рақибни олдинга тортиш; в) чап оёғни рақиб ўнг оёғи ташқари томонига солиб итариб босиш; г) якуний ҳолат.

таяниб, ўнг оёғимиз билан унинг чап оёғи ичидан оёқ солиб итариб босамиз. Иккала ҳолатда ҳам рақибнинг белидан қаттиқ сиқишимиз зарур.

Чалғитиш амаллари

Рақиб ўнг оёғига чап оёқ билан ташқари томонидан амал қўлламоқчи бўлганимизда, у ўнг оёғини орқага олиб қочади. Шунда сиз дарҳол унинг белидан сиқиб тортиб, чап оёғингиз билан оёқлари орасидан қўтариб, ўнг елка томонга тиззага миндириб ташлайсиз.

Ўнг оёқ ташқари орқа томонидан чап оёқ солиб чалиш амалига услубий кўрсатма

Биз юқорида бу амални чап оёқда бажардик. Шунинг учун амалларни чап оёқда қайтарамиз. Гиламда амални қайтарганда, иложи бўлса рақиб оғирроқ вазнли бўлиши керак. Машқларни дарахтлар, лапша чўзмалар билан кўпроқ бажариш яхши натижа беради.

«ТЎҒАНОҚ ЧАЛИШ» АМАЛИ. ЧАП ОЁҚ ИЧКИ ТОМОНИГА ЎНГ ОЁҚ СОЛИБ ЧАЛИШ АМАЛИ

(29—30-сабоқ)

Рақибнинг белини сиқиб, чап оёғи ички томонига ўнг оёқ солиб, ўроқсимон шаклда чалиб йиқитиш «тўғаноқ чалиш» амали дейилади.



24-расм. «Чап оёқ ички томонига ўнг оёқ солиб чалиш» амали бажарилиши: а) дастлабки ҳолат; б) рақибни ўзига тортиш; в) ўнг оёқни чап оёғи ичига солиш; г) орқасига итариш; д) якуний ҳолат.

Бу амални рақиб чап оёғи олдинда бўлганда қўллаймиз, чунки унинг оғирлиги чап оёққа тушади. Рақибнинг белидан сиқиб ўзимизга тортамыз ва оғирлигимизни чап оёққа ўтказамиз, сўнг ўнг оёғимизни рақибнинг чап оёғи ичига солиб, елка билан итариб унинг елкасини гиламга теккизамиз. Рақибнинг елкасидан итариш баробарида, унинг оёғидан чалган ҳолда ўзимизга тортамыз.

Чап оёқ ички томонига ўнг оёқ солиб чалиш амалига қарши ҳимоя

Рақибнинг тортувига юрмасдан, ундан узоқроқ юриб, қўлни рақибнинг биқинига тираб ҳимояга ўтамиз. Чап оёқни эса олиб қочамиз.

Чап оёқ ички томонига ўнг оёқ солиб чалиш амалига қарама-қарши амаллар

Рақиб ўнг оёғи билан чап оёғимиз ичига оёқ қўйганда, дарҳол ўнг оёғимизга таяниб рақибнинг ўзини ўнг оёғи орқасидан чалиб йиқитамиз. Бу ҳолатда рақибнинг белини қаттиқ сиқишимиз зарур.

Чалғитиш амали

Ўнг оёқ билан рақибнинг чап оёғига оёқ солмоқчи бўлганимизда, рақиб чап оёғини орқага олади. Шунда оғирлигимизни ўнг оёғимизга ўтказиб, чап оёғимиз билан рақибнинг ўнг оёғи орқасига оёқ солиб, орқага итариб йиқитамиз. Бу ҳолатда ҳам рақибнинг белини қаттиқ сиқишимиз зарур.

Чап оёқ ички томонига ўнг оёқ солиб чалиш амалига услубий кўрсатма

Гиламда рақиб билан амални қаршиликсиз бажарамиз. Дарахтга белбоғ боғлаб, оёқ, елка, кўкрак ёрдамида бор кучимиз билан итариб машқлар бажарамиз.

«ТЎҒАНОҚ ЧАЛИШ» АМАЛИ. ЎНГ ОЁҚНИНГ ТАШҚАРИ ОРҚА ТОМОНИГА ЎНГ ОЁҚ СОЛИБ ЧАЛИШ АМАЛИ

(31—32-собоқ)

Рақибнинг белини сиқиб, ўнг оёғининг ташқари орқа томонига ўнг оёқ солиб, ўроқсимон шаклда чалиб йиқитиш «тўғаноқ чалиш» амали дейилади.

Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда унинг белидан сиқиб ўзимизга тортамыз, ва ўнг оёғимизни ўнг оёғи ташқарисидан оёқ солиб елка ёрдамида итариб босамиз. Амални бажараётганимизда оғирлик чап оёққа тушади. Шунинг учун чап оёққа таяниб рақибни орқага итарамиз.

Эслатма: Рақибни белидан сиқиб орқага итариш билан бирга, унинг ўнг оёғини ўнг оёқ билан ўзимизга тортиб босамиз. Амални



25-расм. «Ўнг оёқни ташқари орқа томонига ўнг оёқ солиб чалиш» амали бажарилиши:

а) рақибни олдига тортамыз; б) ўнг оёғи ташқари орқа томонига ўнг оёқ соламыз; в) оёқ, елка, жағ ёрдамида орқага итарамиз; г) босиб тушамиз.

бажаришда албатта рақибни мувозанатдан чиқариб, ўнг оёғини олдинга қўйганда оёқ соламыз. Шунинг учун амални тез бажариш керак, акс ҳолда рақиб ҳимояга ўтиб қарши амални қўллаши мумкин.

Ўнг оёқ ташқари орқа томонидан ўнг оёқ солиб чалиш амалига қарши ҳимоя

Ўнг оёқни орқада қолдирамыз, рақибнинг сиқиб тортишига юрмасдан, қўлни биқинига тираб орқароқ юрамыз.

Ўнг оёқ ташқари орқа томонига ўнг оёқ солиб чалиш амалига қарама-қарши амаллар

Агар рақиб оёқ солишга улгурган бўлса, тезда чап оёққа таяниб рақибнинг ўзини итариб елкасини гиламга теккизамиз.

Чалғитиш амали

Ўнг оёқ билан рақибнинг ўнг оёғи ташқари томонидан оёқ солмоқчи бўлгандай кўрсатиб, тезлик билан ўнг оёғи ичига оёқ солиб, елкасини кўкрак ёрдамида итариб босамиз.

Ўнг оёқ ташқари орқа томонига ўнг оёқ солиб чалиш амалига услубий кўрсатма

Гиламда рақиб билан амални қаршиликсиз бажарамиз. Дарахтга белбоғ боғлаб, шу амални мустақил бажарамиз. Оёқ, елка, кўкрак ёрдамида бор кучимиз билан дарахтни итариб машқлар бажарамиз.

«КЎТАРМА» АМАЛИ


(33—34-сабоқ)

Рақибни белини ўзимизга тортиб, унинг оёқлари орасига оёқни ўгириб солиб орқа оёқ болдири билан кўтариб ташлаш «кўтарма амали» дейилади.

«Кўтарма» деганда рақибнинг оёқлари орасига оёқ билан кириб, тесқари ўгирилиб орқа оёқ болдири ёрдамида уни кўтариш тушунилади. Бел олишда кўтарма амали, асосан, оёқ болдири ёрдамида бажарилади.

«Кўтарма» амалини бажариш учун рақибнинг икки оёғи орасига оёқ билан бурилиб кириб, орқа оёқ болдири ёрдамида олдинга ташланади.

«Кўтарма» амалининг «тиззага миндириш» амалидан фарқи шундаки, у рақибга тесқари ўгирилиб бажарилади. Иложи борича, рақибнинг оёғини баландроқ кўтариб, қўл ёрдамида олдинга тортиб



26-расм. «Кўтарма» амали бажарилиши:

- а) дастлабки ҳолат; б) рақибни ёнга тортиш; в) ўнг оёқни оёқлари орасига киргизиб чап елка томонга бурилиш; г) бурилган томонга кўтариш; д) ҳавода учиш ҳолати; е) якуний ҳолат.

ташланади. Оёқлар орасига кирганда, олд томонга кўпроқ эгилиб, белбоғдан олдинга тортамыз.

Оғирлик марказимиз олдинги оёқда бўлади, шунинг учун бор кучимиз билан олдинга интиламиз.

Рақиб оёқлари барабар бўлган ҳолатда: кифтлаб ўнг қўлни етказамиз; чап елка олд томонига бурилиб, ўнг тизза орқа болдири билан оёқлари орасига кириб, рақибни кўтариб олдинга ташлаймиз. Амални ниҳоятда тез бажариш зарур.

Эслатма: бу амални рақибни мувозанатдан чиқариб бажариш зарур, акс ҳолда амал чиқмайди. Ундан ташқари, рақибнинг оёғини ўраб кўтариш ҳам мумкин.

Кўтарма амалига қарши ҳимоя

Рақиб амални қўлламоқчи бўлиб ўнг оёқ билан бурилиб оёқлар орасига кирганда, ўнг оёғимиз билан унинг оёғидан тўхтатиб қоламиз. Ўнг қўлимизни белбоққа етказиб ушлаб, рақибни дарҳол кўтариб оламиз. Унинг етаклашига ва тортувига юрмаслигимиз керак. Ўнг ва чап қўлни рақибнинг биқинига тираб ундан узоқроқ юриш керак.

Кўтарма амалига қарши амаллар

Рақиб ўнг оёқ билан қадам ташлаганда:

- а) ўнг оёқ билан рақибнинг ўнг оёқ ҳаракатини тўхтатамиз;
- б) ўнг қўлимизни етказиб рақибни кўтариб оламиз;
- в) чап оёқ билан тўсиб чап елка томонга ташлаймиз.

Чалғитиш амаллари

Рақибнинг оёқлари орасига кирмоқчи бўлиб алдамчи ҳаракат билан чап оёғи ичига ўнг оёқни солиб тўғаноқ чалиш амалини қўллаймиз. Бундан ташқари, оёқлари орасига кирмоқчи бўлиб, чап ёки ўнг оёғини қоқиб, супурма амалини қўллаш мумкин.

Кўтарма амалига услубий кўрсатма

Кўтарма амалини гиламда икки киши бўлиб оёқлар орасига бурилиб киришни кўп маротаба қайтариб, кейин ташлаш керак. Амални яхши ўзлаштириш учун олдин ўзингизга нисбатан вазни енгилроқлар билан такрорлаш зарур. Дарахтларга белбоғни боғлаб, чапга ва ўнгга бурилиб олдинга тортиш машқларини бажариш мақсадга мувофиқдир.

«ҚЎШАЛА ЁНБОШ» АМАЛИНИ ОЛД ТОМОНГА БАЖАРИШ

(35—36-сабоқ)

Рақибнинг белидан ўзимизга тортиб, унинг ҳар иккала оёғи устига оёқ қўйиб, бурилган ҳолатда олдига чалиб ташлаш «қўшала ёнбош» амали дейилади.

Амални қўллаш учун, албатта, рақибнинг оғирлик марказини бир томонга оғдириш керак бўлади. Мисол учун, рақибни сиқиб ўзимизга

тортган ҳолда ўнг қўлни белбоққа етказиб ушлаймиз ва бурилган ҳолатда рақибнинг ўнг оёғи устига ўнг оёқни қўйиб, олд томонга тортиб чалиб ташлаймиз. Рақибнинг тиззаси юқори қисмидан ҳам оёқ ёрдамида олдинга тортиб чалиб ташлаш мумкин.

Қўшала ёнбош амалини рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда бажариш:

а) кифтлаб рақибни ўнг елка томонга тортамыз;

б) чап елка томонга буриламиз ва ўнг оёқни рақибнинг ўнг оёғи тиззаси устидан ўтказамиз;

в) ўнг оёқ билан рақибнинг оёғларини орқага итариб, белбоғидан қаттиқ сиқиб олдинга тортиб чалиб ташлаймиз. Амални бажараётганда оғирлик марказимизни чап оёққа йўналтирамиз. Шунинг учун чап оёқ тиззаси бир оз букилган бўлиши керак. Рақибнинг оғирлик маркази эса олдинги ўнг оёқда бўлади. Шунинг учун рақибнинг оёғини қаттикроқ орқага итариб, қўл ва елка ёрдамида олдинга тортиб чалиб ташлаймиз. Бунда биз рақибни белидан сиқиб белбоғидан олдинга тортиб ташлаймиз.

Бу амални чап оёқда бажариш ҳам мумкин. Чапақай бел олиш курашчиларига чап оёқда бажариш осон кечади. Амални чап оёқда бажарганда ўнг қўлни етказиб ушлаш шарт эмас. Фақат ўнг қўл тирсагини сиқиб ушлаш керак, акс ҳолда бел олишчи ҳимояга ўтиб, қарши амал қўллайди.



27-расм. «Қўшала ёнбош» амалини олд томонга бажарилиши:

- а) дастлабки ҳолат; б) ўнг елка томонга тортиш; в) рақибни олдинга тортиш; з) учиш ҳолати; д) биргаликда учиш ҳолати; е) якуний ҳолат.

«Кўшала ёнбош» амалини ён томонга бажаришда рақибнинг ўнг оёғи устига бурилиб ўнг оёқни қўйиб, ёнга тортиб чалиб ташлаймиз. Рақибни тиззасигача ёки тиззасидан юқори қисмидан ҳам оёқ ёрдамида ёнга тортиб ташлаш мумкин.

Ҳимоя


Пастроқ бел олиш ҳолатида туриб ўнг оёқ билан ўнг оёғидан итариб, рақибнинг оёғини ердан узамиз. Ўнг қўлимизни эса етказиб белбоғдан ушлаймиз.

Кўшала ёнбош амалига қарама-қарши амаллар

Рақибнинг ўнг оёғи орқасига ўнг оёғимизни тираб, рақибни сиқиб кўтариб олиб, чап оёқ билан чап елка томонга тўсиб ташлаймиз.

Чалғитиш амали

Чап елка томонга бурилиб, ўнг оёқни олдинга қўйиб, ёнбош амалини бажарамиз ёки рақибни чап оёғи ичкарасидан оёқ солиб чалиб ташлаймиз.



28-расм. «Кўшала ёнбош» амалини ён томонга бажарилиши:

- а) дастлабки ҳолат; б) рақибни ўнг елка ён томонга тортиш; в) ўнг оёғини ён томонига ўнг оёқни қўйиб тортиш; г) рақибни ён томонга учиш ҳолати; д) учиш давоми; е) якуний ҳолат.

Қўшала ёнбош амалига услубий кўрсатма

Машгулот жараёнида рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлган ҳолатда амални такрорлаймиз. Масалан: ўнг оёғимизни рақибнинг ўнг оёқ тиззаси устига ўтказиб олдинга тортишни бир неча маротаба қайтарамиз. Чап оёқ билан ҳам бир неча маротаба қайтарамиз. Ўнг ва чап оёқлар учига чўзма боғлаб, оёқ ёрдамида тортишни бажарамиз. Ўнг ва чап оёқларда оғир тошлар кўтариш машқларини бажарамиз. Дарахтга белбоғ боғлаб амални мустақил қайтарамиз.


«СУПУРМА» АМАЛИ

(37—38- сабоқ)

Рақибни белини ўзимизга тортиб, оёғини ички ёки ён томондан қоқиб супуриш «супурма» амали дейилади.

«Супурма» (оёқдан қоқиш) амалини чап оёқда бажариш

«Супурма» амали рақибни етаклаб тортиш орқали, яъни оғирлик маркази бир томонга ўтган пайтда қўлланилади.



29-расм. «Супурма» амалини чап оёқда бажариш:

- а) дастлабки ҳолат; б) рақибни белидан сиқиб олдинга тортиш; в) чап оёқ билан рақибнинг ўнг оёғини ён томонидан қоқиш; г) рақибнинг ҳавода учуши; д) рақиб билан ҳавода учуш ҳолати; е) якуний ҳолат.

Амални чап оёқда бажариш учун рақибни чап елка томонимизга етаклаб, ўнг оёғи ёнидан чап оёқ билан қаттиқ қоқиш орқали амалга оширилади. Амал рақибни етакламасдан ҳам ўзига қаттиқ тортганда ёки турган жойида ҳам қўлланилиши мумкин.

Супурма амалини ўнг оёқда бажариш

Амални ўнг оёқда бажариш учун рақибни ўнг елка томонимизга етаклаб чап оёғи ёнидан ўнг оёқ билан қаттиқ қоқиш орқали ёки етакламасдан ўзимизга қаттиқ тортган ҳолда бажариш мумкин.

Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда супурма амалини чап оёқда қўллаймиз. Чап оёғи олдинда бўлганда эса супурма амалини ўнг оёқда қўллаймиз.

Амал рақибни етаклаб, уни белини тортиш орқали, асосан оғирлик маркази бир томонга ўтган пайтда ҳамда рақибни ҳаракатлантирган ҳолда бажариш қулай.



30-расм. "Супурма" амалини ўнг оёқда бажариш:

- а) дастлабки ҳолат; б) рақибни сиқиб олдинга тортиш; в) ўнг оёқ билан рақиб чап оёғини қоқиш; г) рақибнинг учуш ҳолати; д) рақиб билан ҳавода учуш ҳолати; е) якуний ҳолат.

Супурма (оёқдан қоқиш) амалига қарши ҳимоя

Рақибнинг белдан тортувига, етаклашига, юрмаслик керак. Ўнг оёғи билан қоқмоқчи бўлса, чап оёқни олиб қочиш керак. Чап оёғи билан қоқмоқчи бўлса, ўнг оёқни олиб қочиш керак. Биқинига қўлни тираб, ундан узоқроқ юриш керак.

Супурма (оёқдан қоқиш) амалига қарши амаллар

Ўнг оёғимиз олдинда бўлганда рақиб чап оёғи билан қоқмоқчи бўлади. Шу ҳолатда рақибни ўнг елка томонга тортиб, чап оёқ билан оёқлари орасига кириб тиззага миндириш амалида ташлаймиз.

Чап оёғимиз олдинда бўлса, у ўнг оёқ билан қоқмоқчи бўлади. Шу ҳолатда рақибни чап елка томонимизга тортиб, ўнг оёғимиз билан оёқлари орасига кириб тиззага миндириш амалида ташлаймиз.

Чалғитиш амали

Рақибни чап елка томонга етаклаб, ўнг оёқ билан супурма амалини қўллаймиз. Ёки ўнг елка томонга етаклаб, чап оёқ билан супурма амалини қўллаймиз.

Супурма (оёқдан қоқиш) амалига услубий кўрсатма

Гиламда икки киши бўлиб галма-гал амални қўллаш керак. Мисол учун сиз рақибни чап оёқда ёки ўнг оёқда бир неча маротаба ташламоқчи бўлиб уринасиз, сизнинг рақибингиз ҳам шу йўсинда ҳаракат қилади.

Амални дарахтга белбоғ боғлаб қоқиш машқини қайтариш зарур. Чўзмаларни оёқ учларига боғлаб чапга ёки ўнгга тортиш мумкин.

«ИРҒИТИШ» АМАЛИ

(39—40-сабоқ)

Рақибни белдан силташ ёки кифтлаш ёрдамида оёқ ёнига ёки ичига қадам ташлаб, оёқ-қўл ёрдамида бир ҳамла билан рақибни улоқтириш «ирғитиш» амали дейилади.

«Ирғитиш» амалини чап оёқ ёрдамида бажариш

«Ирғитиш» амалини чап оёқда бажариш учун рақибнинг ўнг оёғи ёнига чап оёқни қўйиб, тезлик билан ўзимизга тортиб ирғитиб ташланади. Бу амал ҳаракатни тўхтатмай бажарилади.

Амални чап оёқ билан бажаришда рақибнинг белбоғига ўнг қўлни етказиб ушлаш шарт эмас.

Аксинча, чап оёқда амални қўллашда унинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсагимиз билан сиқиб, чап елка томонга белбоғидан қаттиқроқ тортилади. Акс ҳолда рақиб ҳимояга ўтиб, қарши амал қўллаши мумкин.

«Ирғитиш» амалини ўнг оёқда бажариш. Ўнг оёқни рақибнинг чап оёғи ички ёнига қўйиб, белбоғидан қаттиқ тортиб чап елка томонга



31-расм. «Ирғитиш» амалининг чап оёқда бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) ўнг оёғи ёнига чап оёқ билан қадамлаш; в) рақибни тезликда ўнг елка томонга тортиш; з) баландроқ кўтариш; д) кўтариб чап елка томонга бурилиш; е) учиш ҳолати; ж) якуний ҳолат.

Э с л а т м а : ушбу амал бир ҳамла билан тўхтатмай бажарилади.

ташланади. Бу амал зудлик билан тўхтатмай бажарилиши керак. Ўнг оёқда амални бажаришда ўнг қўлни белбоғ орқали чап қўлга яқинлаштириш лозим. Акс ҳолда рақиб ҳимояга ўтиб, қарши амал қўллаши мумкин. Ирғитиш амалининг тиззага миндириш амалидан фарқи шуки, бу амал қадам ташлаш орқали тўхтатмасдан улоқтириш билан амалга оширилади. Ўнг оёқ билан амални бажарганда, рақибнинг чап оёғи орқада бўлса, амални бажариш осонроқ бўлади. Чунки ўнг оёқ билан кирганда, рақибнинг ҳимояси камроқ бўлади.

Рақибнинг оёқлари баробар ҳолатда бўлганда ирғитиш амалини чап ва ўнг оёқда бажариш мумкин. Сабаби амални ҳар икки оёқда қўллаш қулай ёки уни етаклаб бажариш ҳам мумкин. Мисол учун сиз ўнг оёқда амални бажармоқчи бўлсангиз, рақиб чап елка томонга етакланади. Шунда унинг чап оёғи орқа ҳолатга келганда, ирғитиш амалини ўнг оёқ билан қўллаш мумкин. Чап оёқ билан ирғитиш амали



32-расм. «Ирғитиш» амалини ўнг оёқда бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) рақиб оёқлари орасига кириш; в) баландроқ кўтариш; г) кўтариб чап елка томонга бурилиш; д) ҳавода учиш ҳолати; е) якуний ҳолат.

Э с л а т м а : ушбу амал бир ҳамла билан тўхтатмай бажарилади.

қўлланмоқчи бўлса, уни ўнг елка томонга етаклаб ўнг оёғи орқага ўтиб қолганда чап оёқ билан ирғитиш амалини қўллаш мумкин.

«Ирғитиш» амалига қарши ҳимоя

Ирғитиш амалини рақиб ҳар қандай бел олиш кураш ҳолатида ҳам қўллаши мумкин. Чунки рақиб қадам ташлаш ҳаракати орқали рақибни ўзига томон тортиб, тик ҳолатда уни улоқтириб ташлайди. Рақиб ирғитиш амалини қўллаш учун ўнг оёғи ёки чап оёғи билан оёғларимиз ёнига қадам ташлайди. У қайси оёғи билан қадам ташламасин, оёқлар ҳаракатини оёқ билан тўхтатиш керак. Агар оёқлар букилган ҳолатда бўлса, бу ҳолатда амални қўллаш қийин, чунки оёқ ҳимояда бўлади. Рақибнинг оёқлари ички ёки ташқи томонидан итарилади. Бундан ташқари, ўнг қўл тирсагини етказиб белбоғдан ушлашига йўл қўймаслигимиз ҳамда рақибнинг тортишига ёки етаклашига юрмасликка ҳаракат қилиш керак.

«Ирғитиш» амалига қарши амаллар

Бу амални рақиб чап оёқда қўллаганда, ўнг қўлни белбоққа етказмай белбоғдан ушлайди, аксинча ўнг қўл тирсагимизни сиқиб олади ва чап оёғи билан ўнг оёғимиз ёнига қадам ташлаб амални бажаради. Бундай ҳолатда чап оёғимизни дарҳол рақибнинг ўнг оёғи ички томонига яқинроқ қўйиб, ўнг оёғимизни орқа ён томонга тортиб, рақибнинг ўзини қўл ва оёғи ёрдамида ўнг елка томонга улоқтириб ташланади. Шунини эсда тутиш керакки, рақибнинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсагимиз билан сиқиб олишни унутмаслик керак.

Эслатма: бу қарама-қарши амаллар тезлик билан бажарилиши керак.

Қандай ҳолатда чалақайтариш ёки бўлмаса қайтариш амалини қўллаш мумкин? Ирғитиш амалини бажарганда рақиб ўнг ёки чап оёғи билан оёғларимизнинг ички ёки ташқари томонига қадам ташлайди.

Дейлик, рақиб чап оёғи билан ўнг оёғимиз ёнига қадам қўйганда, унинг ўнг оёғи орқада қолади. Шу ҳолатда чап оёғимиз билан рақибнинг ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, ўнг елка томонга қаттиқ тортиб чалақайтариш ёки қайтарма амалини қўллаймиз.

Чалғитиш амаллари

1. Рақибнинг ўнг оёғи ёнига чап оёқ билан қадам ташлаб, уни ўнг елка томонимизга тортиб чалақайтарма ёки қайтарма амалини қўллаш мумкин.

2. Рақибнинг ўнг оёғи ёнига чап оёғимизни қўйиб кўтариб ўнг елка томонга айлантриб, чап елка томонга ташлаш мумкин.

«Ирғитиш» амалига услубий кўрсатма

Ирғитиш амали тўхтовсиз ҳаракатлар орқали бажарилади. Бу амални пухта эгаллаш учун малака даражасига, тезликка катта аҳамият бериш керак. Бунинг учун қисқа масофаларга югуриш, чўзмани оёқ орасидан ўтказиб тортиш, қўл ёрдамида машқлар бажариш, эгилувчанлик, яъни гиламда кўприк машқларини бажариш ҳамда стол тенниси ўйнаш фойдалидир.

Амални бажариш учун қилинадиган машқлар:

Рақибни силтаб, унинг оёқлари орасига оёқ билан кириб бурилишни бир неча бор такрорлаш.

Рақибнинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсаги билан сиқишни бир неча бор такрорлаш ва ирғитиб ташлашни қайтариш.

Ана шу машқлар ирғитиш амалини яхши эгаллаш учун жуда муҳимдир.

«ЧАЛАҚАЙТАРМА» АМАЛИ

(41—42-сабоқ)


Рақибни белдан силташ ёки кифтлаш натижасида кўтариб чап ёки ўнг ён томонга ўтказиб қарама-қарши томонга ташлаш «чалақайтарма» амали дейилади.

«Чалақайтарма» амалини оёқ ва қўл ёрдамида бажариш

1. «Чалақайтарма» амалини оёқ ва қўл ёрдамида бажаришда оёқни рақиб оёғи ёнига қўйиб, уни ёнга тортилади. Бунинг учун чап оёқни рақибнинг ўнг оёғи ёнига қўйган ҳолатда оёғини ичкарига итариб, уни ўнг ён томонга ўтказиб олдинга ташланади. Рақибнинг ҳар иккала оёғи орасига қадам ташлаб ҳам уни шу тартибда ташлаш мумкин. Агар рақибнинг оёғи ён томонга, яъни елканинг ён томонига ўтмай қолгудай бўлса, уни ўша томонга озгина айлантирилади ёки оёқ ёрдамида ёнга итарилади, натижада рақибнинг оёқлари ён томонга ўтади. Шу ҳолатда рақиб олдинга ташланади. Чалақайтарма амалини бир неча вариантда бажариш мумкин. Масалан, оёқ ёрдамида:

- а) ўнг оёқ билан рақибнинг оёқлари орасига қадам ташлаб;
- б) чап оёқ билан рақибнинг ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб;
- в) ўнг оёқ билан рақибнинг чап оёғи ёнига қадам ташлаб.

2. «ЧАЛАҚАЙТАРМА» АМАЛИНИ ОРҚАГА ЭГИЛИБ БАЖАРИШ. «Чалақайтарма» амалини эгилиб бажариш учун рақибни қўтаргандан сўнғ, уни орқага эгилиш ҳисобига ёнга ўтказиб олдинга таш-



33-расм. «Чалақайтарма» амалини оёқ-қўл ёрдамида бажариш:

- а) дастлабки ҳолат; б) ўнг оёғи ёнига чап оёқни қўйиш; в) ўнг елка томонга ўтказиш; г) рақибни ҳавода учиш ҳолати; д) якуний ҳолат.


ланади. Бу амални эгилиб бажаришда рақибнинг оёғини оёқ билан итариш шарт эмас. Иложи борича, ўнг қўлни етказиб белбоғдан ушлаган маъқул.

3. Чалақайтарма амалини қўлнинг ўзида ҳам қайтариш мумкин. Бунинг учун ўнг қўлни чап қўлга етказиб белбоғдан ушланади, сўнг рақибни ён томонга қаттиқ тортиб ўтказиб ташланади.

«Чалақайтарма» амалининг «Қайтарма» амалидан фарқи: «Қайтарма» амалида рақибнинг оёғи ярим доира ҳолатда орқага ўтказиб ташланади. «Чалақайтарма» да эса рақиб оёғини ён томонимизга озгина ўтказиб ташланади.

«Чалақайтарма» амалига қарши ҳимоя

Рақиб оёқ ёрдамида амални қўлламоқчи бўлганда, оёғини оёғимиз билан ичкарига ёки ташқарига итариб букиш керак. Тортишига ва етаклашига юрмаслик, аксинча қарама-қарши томонга юриш зарур. Чап қўл тирсагимиз билан рақибнинг ўнг қўл тирсагини сиқиш керак.



34-расм. «Чалақайтарма» амалини орқага эгилиб бажариш:

а) дастлабки ҳолат; б) қадамлаб рақиб белини сиқиб тортиш; в) оёғини орқага эгилган ҳолатда узиш; г) орқага эгилган ҳолатда ўнг елка ён томонга ўтказиш; д) якуний ҳолат.

Орқага эгилиб кўтариб амални қўлламоқчи бўлса, паст кураш ҳолатида юриш ва биқинига қўлни тираш керак.

Оёқсиз қўлнинг ўзида амални қўлламоқчи бўлганда, рақибнинг тортувига ёки етаклашига юрмаслик лозим. Рақиб бу ҳолатда кифтлаб ўзига тортмоқчи бўлади, кифтлаган пайтда чап қўлни ўнг биқинига тираш керак. Агар рақибнинг тортувига тик келиб қолсак, бундай ҳолатда унинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсагимиз билан сиқиш мумкин. Чалақайтарма амалига қарши тикроқ юрмасдан, орқароққа эгилиброқ юриш лозим, бу ҳолатда рақибининг амал қўллаши қийин бўлади.

«Чалақайтарма» амалига қарши амаллар

Юқорида қайд этилганидек, чалақайтарма бир неча йўналишда бажарилади:

1. *Оёқ ва қўл-елка ёрдамида чалақайтарма.*
2. *Орқага эгилиб чалақайтарма.*
3. *Қўлнинг ўзида чалақайтарма.*

1. Чалақайтарма амалини рақиб оёқ, қўл ёрдамида бажарганда ўнг оёғимизнинг ташқари ёки ички ён томонига қадам ташлайди. Шу ҳолатда унинг ўнг оёғи орқада қолади. Бунда чап оёқ билан рақибнинг ўнг оёғи ичига қадамлаб, ўнг елка томонга бурилиб, чап тиззага миндириб ташлаймиз.

2. Орқага эгилиб бажариладиган чалақайтармага қарши чалақайтарма амалини қўллаш мумкин. Бу ҳолатда унинг ўнг ёки чап оёғини оёқларимиз билан ичкарига итариб чалақайтарма амалини бажариш мумкин.

3. Қўлнинг ўзида чалақайтарма амалини қўлламоқчи бўлса, унинг ўзини қаттиқ кифтлаш натижасида ёнга ўтказиб чалақайтарма амалига ташлаш мумкин.

Чалғитиш амаллари

1. Рақибни кўтариб ёнга ўтказиб тўхтамасдан айлантриб ташлаш мумкин. Белни буриб ёнбош амалини қўлласа бўлади.

2. Қаттиқроқ орқа ёнга тортиш орқали қайтарма амалини қўллаш мумкин.

«Чалақайтарма» амалига услубий кўрсатма

«Чалақайтарма» қўл кучи билан тез бажариладиган амал ҳисобланади. Бу амалга тайёрланиш учун тезликка жиддий эътибор берилади.

Чалақайтарма амалига тайёрланиш учун чўзмаларни тезлик билан қўл ёрдамида чапга ва ўнгга тортиш машқларини бажаришни ўрганиш лозим.

Чалақайтарма амалини бажаришда кифтлаб қўлни ўтказишга алоҳида аҳамият бериш зарур. Чунки қўл билан белбоғдан етказиб ушлаб амални бажариш осон кечади.

Яъни силтаб (чайқатиб) қўл ёрдамида ёнга тортиб, оёғини узиб, яна қўйиб қайтариб бир неча маротаба такрорланади. Шундан сўнг бу машқни секин-аста вазни оғир рақиб билан такрорлаш зарур.

Оёқсиз, қўл ёрдамида чалақайтарма амалини бажариш. Масалан, рақибни кифтлаб ёнга тортиб олдинга ташлаш, оёқлар қайси ҳолатда бўлса, шу ҳолатда туради. Бунинг учун машғулот жараёнида қўлни ўзида кифтлаб ёнга тортишни кўп маротаба такрорлаш керак.

«ЁНБОШ» АМАЛИ

(43—44-сабоқ)

Рақибни белидан сиқиб уни ҳар иккала оёғини ёнга тортиб ёки олдига ўтиб белга миндириб ташлаш «ёнбош» амали дейилади.

«Ёнбош» амалини ён томон билан бажариш

Амални ён томон билан бажариш учун чап оёқни рақибнинг ўнг оёғи ёнига қўйилади. Сўнг ўнг қўлни белбоғ бўйлаб чап қўлга яқинлаштириб, белидан сиқиб ўнг елка томонга тортилади, шундан сўнг рақибни белга миндириб ташланади. «Ёнбош» амалини чап ёки ўнг томонга ташлаш билан ҳам бажариш мумкин. Уни қандай қўллашни бел олишчининг ўзи ҳал қилади.




35-расм. «Ёнбош» амалини ён томон билан бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) рақибни сиқиб ён томонга тортиш; в) орқа ён томонга ўтказиш; г) белга миндириш; д) учиш ҳолати; е) якуний ҳолат.

«Ёнбош» амалини рақибнинг олдига ўтиб бажариш. «Ёнбош» амалининг бажарилиши ҳар хил бўлиши мумкин. «Ёнбош» амалини рақибнинг олдига ўтиб бажаришда қуйидагиларга амал қилинади: оёқлар баравар ҳолатда бўлганда рақибнинг олд тарафига ўтиб, белга миндириб олдинга ташланади. Машғулот жараёнида рақибни қайси томонга ташлашни бел олишчининг ўзи танлаб олади. Бу амал белни ичкарига буриб бажарилади.

Амални рақибнинг ўнг оёғи ёнига чап оёқ билан қадамлаб, чап оёқ билан унинг оёғини ичкарига итариб, рақибни кўтармасдан ўнг елка томон тортилади. Шунда рақибнинг ҳар иккала оёғи орқа томонга ўтиб қолади, шу ҳолатда рақибни белга миндириб олд томонга ташланади. Худди шу ҳолатни чапақайлар қайтарса, рақибнинг чап оёғи ёнига ўнг оёқ билан қадамлаб, оёғини ичкарига итариб чап елка томонга тортиб ҳар иккала оёғи орқа томонга ўтиб қолганда ўнг елка олд томонга белга миндириб ташланади. Ўнг елка томонга ташлаш чапақайлар учун қулай.



36-расм. «Ёнбош» амалини рақибнинг олдига ўтиб бажариш:

- а) дастлабки ҳолат; б) рақибнинг оёқлари олдига ўтиш; в) белга миндириш; з) олдинга тортиш; д) оёғини узиш; е) учиш ҳолати; ж) учиш давоми; з) якуний ҳолат.

«Ёнбош» амалига қарши ҳимоя

Ёнбош амалига қарши ҳимояланиш учун тортувига юрмаслик керак. Чунки рақиб ўзига тортиб, оёқлар ердан узилар-узилмас белга миндириб ташлайди. Бундан ташқари, етаклашига ҳам юрмаслик керак, бунинг учун қарама-қарши томонга ўнг биқинига қўлни тираб юриш лозим. Ҳар қандай қадам ташлаб тортган пайтида, рақибнинг оёғини ички ёки ташқи томондан итариб букиш зарур бўлади. Агар рақиб тортиб тик келиб олса, у ҳолда оёқ ёрдамида оёғини ички ёки ташқи томондан итариб букиш керак. Ундан ташқари рақибнинг ўнг қўл энг тирсагини чап қўл энг тирсаги билан сиқиш лозим бўлади.

«Ёнбош» амалига қарши амаллар

Бел олишчи рақибини ёнбош амалига ташлаш учун ёнга тортишга интилади. Мана шу ҳолатда у рақибнинг ҳар икки оёғини ёнга ўтказишга ҳаракат қилади. Агар рақиб ўнг елка томонига тортмоқчи бўлса, бу ҳолатда биз чап оёқни ўнг оёғи ёнига қўйиб, ўзини ўнг елка томонга тортиб, ёнбош амалида ташлашимиз мумкин. Ҳар қандай ҳолатда бел олишчи ёнга тортмоқчи бўлса, ундан олдин белни буриб ёнбош амалини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чалғитиш амаллари

1. Рақибни ўнг елка ёнга тортиб, супурма амалини бажарамиз.
2. Рақибни ўнг елка ёнга тортиб, қайирма амалини қўллаймиз.
3. Рақибни ўнг елка ёнга тортиб, чалақайтарма ёки қайтарма амаларида ташланади.

«Ёнбош» амалига услубий кўрсатма

Олишда ёнбош амали энг чиройли амаллардан бири ҳисобланади. Бу амални рақиб оёғи ердан узилмай бажарилади. Ёнбош амали, асосан, белни буриб қўл билан ёнга тортиш орқали бажарилади.

Бу амални бажаришга тайёрланиш учун дарахтга белбоғ боғлаб чап ёки ўнг ён томонга бурилиб, қўл билан ўзига тортиш машқини такрор-такрор бажариш лозим.

Кўриниб турибдики, бу амални бажаришда қўл билан кучи катта аҳамиятга эга, шунинг учун ёрдамчи машқлардан, яъни арқон тортиш машқларидан фойдаланиш қўл келади.

Машғулот жараёнида рақибни турган жойда, ҳар иккала томонга бурилиб, белга миндириб ташланади. Мусобақа давомида қайси томонга ташлашни аниқлаб олиш керак. Чунки қайси томонга ташлаш яхши ўзлаштирилган бўлса, шу томонга ташлаган маъқул.

«ТЎСИШ» АМАЛИ

(45—46-сабоқ)

Рақибни белидан сиқиб кўтаргандан сўнг, оёғини ташқари ёки ички ён томондан итариб ташлаш «тўсиш» амали дейилади.

Тўсиш амали рақибни белидан сиқиб кўтариб олгандан сўнг унинг чап ёки ўнг оёғини ён томондан итариш билан бажарилади.

Бу амал асосан чирмашиб, сиқиб кўтарганда қўлланилади. Амални хилма-хил бажарса бўлади. Мисол учун, рақибни кўтариб олиб, ўнг ёки чап оёғимиз билан уни оёқлари ёнидан ёки ички ён томонидан итариб йиқитиш тушунилади.

Тўсиш амалини ҳар қандай бел олиш кураш ҳолатида ҳам қўллаш мумкин. Мисол учун, рақибнинг ўнг оёғи олдинги ҳолатда бўлганда:

- а) чап оёқ билан ўнг оёқнинг ён томонига қадам ташлаб;
- б) белидан сиқиб кўтарилади;
- в) чап оёқ билан рақибнинг ўнг оёғи ёнга итариб ташланади.

Тўсиб-ташлашни рақибни кўтариб олгандан сўнг бир неча хил бажариш мумкин:

- а) ўнг оёқ билан чап оёқни ён томонидан итариб;
- б) ўнг оёқ билан чап оёқни ички ён томонидан итариб;
- в) ўнг оёқ билан ўнг оёғини ташқари ён томонидан итариб;
- г) ўнг оёқ билан ўнг оёғини ички ён томонидан ёнга итариб ташланади.



37-расм. «Тўсиш амалининг ўнг оёқда бажарилиши:

- а) дастлабки ҳолат; б) белидан тортиш; в) оёғини ердан узиш; г) ўнг тизза билан ёнга итариш; д) якуний ҳолат.

Чап оёқ билан ҳам шундай бажариш мумкин. Фақат бунинг акси.

Элатма: ўнг оёқ билан қадам ташлаб рақибни белидан сиқиб кўтариб, чап оёқ билан ҳам ташқи ёки ички ён томондан ёнга итариб ташлаш мумкин.

Шунинг аксини олсак, чап оёқ билан қадам ташлаб рақибни белидан сиқиб кўтариб, ўнг оёқ билан ҳам ташқи ёки ички ён томондан итариб ташлаш мумкин.

Бу амал асосан ёпишиб сиқиб кўтарганда қўлланилади.

«Тўсиш» амалига қарши ҳимоя

Рақиб тўсиш амалини қўллаганда асосан белдан сиқиб қўлни етказиб белдан ушлашга ҳаракат қилади. Қадам ташлаганда уни оёғининг ён томонидан итариб букишга ҳаракат қилиш ва ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсагимиз билан сиқиш лозим бўлади. Агар рақиб етаклаб юрса, етаклашига юрмай, қаттиқ туришга ҳаракат қилиш ва қарама-қарши томонга юриш керак бўлади. Оёқсиз кифтлаб кўтариб тўсмоқчи бўлса, у ҳолда оёғини ишлатмасдан қўл тирсагини етказиб белбоғдан ушлашга ҳаракат қилади. Бунинг учун рақибнинг ўнг қўл



38-расм. «Тўсиш» амалини чап оёқда бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) оёғини ердан узиш; в) чап тизза билан ёнга итариш; з) якуний ҳолат.

тирсагини чап кўл тирсагимиз билан сиқиш керак. Бошқа ҳолатда кўл муштини рақибнинг биқинига тираш керак.

Эслатма: Мувозанатни сақлай билиш ҳам ҳимоя ҳисобланади.

«Тўсиш» амалига қарши амаллар

Рақиб тўсиш амалини тўла бажариш учун белдан сиқиб кўтариб оёғингизни ёнга итариб ташлашга ҳаракат қилади. Рақиб кўтариб олганда унинг оёғингизни ёнга итаришига йўл қўймай, ташлаган томонига икки оёқда тушишга ҳаракат қилиш керак. Шундан сўнг сиз кўлни белбоғга ўтказиброқ ушлаб, уни ёнга қаттиқ тортиш орқали ёнбош, чалақайтарма ёки қайтарма амалини бажаришингиз мумкин.

Эслатма: Бел олишчи сизни кўтаргандан кейин унинг оёғингизни ёнга итаришига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда қарши амал чиқмай қолади.

Чалғитиш амаллари

1. Рақибни тўсиб ташлаш учун уни даст кўтарган ҳолатда тўсишни кўлламоқчи бўлгандай кўрсатиб, уни чап ёки ўнг тиззага миндириб ташлаш мумкин. 2. Кўтариб оширма амалини ёки босма амалини кўллаш ҳам мумкин.

«Тўсиш» амалига услубий кўрсатма

Тўсиш амалини бажаришга яхши тайёргарлик кўриш учун кўл, билак ва оёқ кучига эътибор бериш даркор.

Бунинг учун қум тўлдирилган қопларни кўтариб тўсиш амалини бажариш лозим.

Оғир тошларни пастдан юқорига кўтариш, чап томондан ўнг томонга узатиш машқларини бажариш ва машғулот жараёнида ўз вазнидан оғирроқ бўлган рақиб билан машқ қилган яхши.

Тўсиш амалини ҳар хил вариантларда бажаришни гиламда шерик билан кўпроқ қайтариш мақсадга мувофиқ.

«АЙЛАНТИРИШ» АМАЛИ

47—48-сабоқ

Рақибни белидан сиқиб кўтариб бир ёки бир неча марта доира шаклида айлантириб қарама-қарши томонга ташлаш «айлантириш» амали дейилади.

Бунда рақибни белидан сиқиб кўтариб, доира шаклида айлантириб олдинга ташланади. Айлантирганда уни, албатта, қарама-қарши томонга ташланади.

Бу амални иложи борича тўхтамай бажариш керак. Агар рақиб ҳимояланиб, оёққа оёғини тираб олса, бу амални такрорламаган маъқул. Амал рақибни қаттиқ силташ (чайқатиш) орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу тез ва катта куч сарфлаш орқали амалга оширилади. Айлантириб ташлаш силташ ва кифтлаш ҳаракатлари билан бажарилади, ҳар қандай бел олиш ҳолатида айлантириш амалини кўллаш мумкин.

Рақибни ўнг оёғи олдинда турган ҳолатда чап оёқ билан ўнг оёғи ён томонига қадам ташлаб кифтланади, сўнг белдан қучоқлаб кўтариб ўнг елка томонга қаттиқ тортиб айлантирилади. Бунда рақиб доира шаклида айланади ва уни қарама-қарши томонга ташланади. Силтаб айлантиришда эса ниҳоятда катта тезлик ва куч сарф қилиш керак бўлади. Бел олиш пайтида рақибнинг қанчалик бўш ёки кучли эканлиги қўл билан силтаб (чайқатиб) тортганда сезилади.

Чап оёқ олдинда бўлган ҳолатда: ўнг оёқ билан рақибнинг чап оёғи ички ён томонига қадамлаб, кифтлаб ўнг елка томонга айлантириш мумкин.

Оёқлар барабар ҳолатда бўлганда эса ўнг ёки чап оёқ билан рақибнинг оёқлари орасига қадам ташлаб, белдан сиқиб кўтариб ўнг елка тарафга ёки чап елка тарафга айлантириб ташлаш мумкин. Амал кифтлаш ҳаракати билан бажарилганда, олдин рақибнинг оёғини гиламдан узиб, сўнг айлантириб ташланади.

Эслатма: силташ (чайқатиш) орқали амал тўхтамай бажарилади. Бунинг учун рақиб оёқлари ёнига қадам ташлаб қаттиқ силтаб ёнга тортганда оёқлари кўтарилиб кетади.



39-расм. «Айлантириш» амали бажарилиши:

- а) дастлабки ҳолат; б) оёғини ердан узиш; в) ўнг елка томонга айлантириш; г) бир доира айлангандан сўнгги учиш ҳолати; д) айлантиришни тўхтатиш; е) олдинга ташлаш; ж) якуний ҳолат.

«Айлантириш» амалига қарши ҳимоя

Агарда рақиб силтаган пайтда мувозанатимиз бўш бўлса, яъни оёқлар гиламга яхши тиралмаган бўлса, у ҳолда силтаб туриб тезлик билан айлантириш мумкин. Шунинг учун мувозанатни яхши сақлаш, тортувига, етаклашига қарама-қарши томонга юришимиз лозим. Кифтлаб айлантирмоқчи бўлганда эса қўлни рақибнинг ўнг биқинига тираш керак. Агар у кифтлаб тикроқ қилиб олган бўлса, чап қўл тирсагимиз билан рақибнинг ўнг қўл тирсагини сиқиб олишимиз лозим. Рақиб қадам ташлаганда унинг оёғлари ички ёки ташқари томондан итариб букилади.

«Айлантириш» амалига қарши амаллар

Кураш ҳадисида айтилишича, рақиб сизни кўтариб айлантиришга улгурган бўлса, оёқларни оёқлари устига қўйиб, ҳар икки қўлингизни рақибнинг бели ён томонига тортиб белбоғдан ушлаб ташлашини кутиб туриш керак.

Рақиб кўтариб ўнг ёки чап томонга ташлаганда, албатта ўша ташлаган томонга икки оёқда тушиб, қўлни етказиб белбоғдан ушлаб, сўнг ёнбош, чала-қайтарма, қайтарма ва босиш амалини қўллаш мумкин.

Чалғитиш амаллари

1. Рақибни айлантириб қайтариб ташлаш мумкин.
2. Ундан ташқари рақибни айлантириб тўсиш амалини қўллаб ташлаш.
3. Рақибнинг оёғини ердан узгандан сўнг, чалақайтарма ёки қайтарма амалини қўллаш мумкин.

«Айлантириш» амалига услубий кўрсатма

Айлантириш амали икки хил бажарилади:

- 1) силташ ҳаракати орқали;
- 2) кифтлаш ҳаракати орқали.

Ҳар иккала йўналишни эгаллаш учун машғулот жараёнида эгилувчанликка, тезликка ҳамда қўл кучини чиниқтиришга эътибор бериш керак. Бунинг учун чўзмалар ёрдамида оёқ, қўллар билан машқ қилиш лозим. Айлантириш амалларини рақиб билан гиламда қайтаришда жисмоний куч кўпроқ сарфланади. Ана шундай машқлар яхши натижа беради. Силташ ҳаракати орқали айлантириш амалини бажарганда, қўл тирсагини ўтказиб белбоғдан ушлаш шарт эмас, чунки амал тўхтамай бажарилади. Шунинг учун амални бажаришда катта тезликка эътибор берилади, машғулот жараёнида силтаб, рақибни бир неча доира айлантириш билан машқларни бажариш даркор. Шундагина қўллар билан силтаб тортганда айлантиришни ўзлаштириш осонлашади.

Кифтлаш орқали айлантирганда, олдин рақиб кўтариб олинадди, кейин айлантирилади, шунинг учун қўл белбоғга ўтказиброқ белбоғ

ушланади. Амални кифтлаб бажарганда ҳам тезлик билан бажариш керак, чунки рақиб ҳимояга ўтиб олиши мумкин.

Силташда ҳам, кифтлашда ҳам оёқ ишлатилади, яъни олдинга қадам ташланади.

Айлантириш амалини оёқ бир жойда турганда ҳам қўллаш мумкин, фақат рақибнинг оёғи ердан узилгандан кейингина, айлантирган томонга юрилади.

Ҳар қандай бел олишчини айлантирганда, унинг ҳимояланиши қийинлашади, шунинг учун айлантиришни машғулот жараёнида кўпроқ такрорланади.

«ИЛИШ» АМАЛИ

(49—50-сабоқ)

Рақибни етаклаб силташ натижасида ўзидан узоқ масофадан оёқ панжа тўпиғи ёрдамида рақиб оёғининг тиззасигача бўлган қисмини илиб ташлаш «илиш» амали дейилади.

Кураш ҳадисида айтилишича, бу амал фақат чайқатиш (силташ) ҳаракати билан бажарилиши билан мураккабдир.

Бу амални рақибнинг оёғи баровар, яъни бир хил ҳолатда бўлганда қўллаш осонроқ бўлади. Уни ўнг ёки чап оёқ билан қўллаш мумкин. Амални бажараётган бел олишчи рақибини фақат ўзи танлаган томонга ташлаши керак. Бу ўзлаштириш қийин амал ҳисобланади. Амал узоқ давом этадиган машқлар эвазигагина ўзлаштирилади. Бундан ташқари, бел олишчидан юқори техника ва катта тезлик талаб қилинади. Акс ҳолда амал чиқмай қолади. Чунки амал силташ орқали оёқнинг панжа учидан тиззасигача бўлган қисми билан бажарилади. Шундай экан, бу амални қандай бажариш керак?

Рақиб оёқлари баробар ҳолатда бўлганда: чап оёғимиз панжа тўпиғи билан рақиб ўнг оёғининг тиззасигача бўлган қисми илиб ташланади.

Шунинг билан бирга қўллар билан ўнг елка томонга қаттиқ тортамиз.


Амал қаттиқ силташ орқали бажарилади. Уни етаклаш билан ташлаш осонроқ бўлади.

Ўнг оёқ билан ҳам худди шундай бажарилади.

Амал силтаб бажарилиши сабаб, узоқроқ масофадан бажарилади.

Илиш амалини бажаришда эса рақибнинг кўкрак қисми ёпишмаган ҳолатда бўлади.

Рақибнинг ўнг оёқ ёки чап оёқ олдинги ҳолатда бўлганда ҳам шу амални қўлласа бўлади. Бу ҳолатда рақибнинг орқада бўлган оёқларини илиш керак. Агар рақибга амални қўлламоқчи бўлсак, у ҳимояда турган бўлса ҳам, масалан: чап оёқ билан илмоқчи бўлсак, рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлса ёки ўнг оёқ билан илмоқчи бўлганимизда рақибнинг чап оёғи олдинда бўлса, у ҳолда рақибни етаклаш ва оёқлари баравар ҳолатда ёки орқага ўтиб қолганда амални қўллаш мумкин.



40-расм. «Илиш амалининг бажарилиши:

- а) дастлабки ҳолат; б) ўнг оёқ панжа тўпиғи билан рақиб чап оёғини илиш; в) оёғини тўхтатмай илиб кўтариш; г) оёғини баландроқ кўтариш; д) учиш ҳолати; е) якуний ҳолат.

Эслатма: Кураш ҳадисида айтилишича бу амални рақибни ҳаракатлантириб, яъни етаклаб, тортиб ёки уни итаришга қараб бир ҳамла билан тез бажарамиз. Акс ҳолда амал чиқмайди.

«Илиш» амалига қарши ҳимоя

Бу амални қўллашда рақиб оёқ ҳолатига қараб ёки етаклаган томонига илиш амалини қўллаш мумкин. Шунинг учун рақибнинг етаклашига юрмаслик ёки тортишига бормаслик керак. Иложи борича рақиб оёғининг оёқлар орасига киришига йўл қўймаслик лозим. Рақиб оёқларини оёқ билан тўхтатишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар рақиб чап оёғи билан илмоқчи бўлса, ўнг қўлни муштраб биқинига тиралади, ўнг оёғи билан илмоқчи бўлса, чап қўл билан биқинига тиралади. Рақиб етаклаган томонига юрмасдан қарама-қарши томонга юриш лозим.

Илиш амалига қарши амаллар

Рақиб илиш амалини қўллаш учун оёқ панжа тўпиқлари билан оёғимиз ичидан илмоқчи бўлади.

Шунинг учун оёқ ҳаракатини оёқ билан тўхтатамиз.

Мисол учун: рақиб ўнг оёғи билан илмоқчи бўлганда, дарҳол чап оёқ билан ўнг оёғининг ҳаракатини тўхтатиб, ўнг елка томонимизга тиззага миндириб ташлаймиз.

Рақиб чап оёқ билан илмоқчи бўлса, унинг аксини қайтарамиз.

Чалғитиш амаллари

1. Ўнг оёқ билан рақибнинг оёқлари орасига кириб оёқни алмаштириб, чап оёқ билан тиззага миндириб ташлаймиз.

2. Чап оёқ билан рақибнинг оёқлари орасига кириб оёқни алмаштириб, ўнг оёқ билан тиззага миндириб ташлаймиз.

«Илиш» амалига услубий кўрсатма

Олишда «илиш» амали қийин ўзлаштирадиган амаллардан ҳисобланади.

«Илиш» амали оёқни панжа учи билан илиб бажарилади, шунинг учун ҳам қийин ҳисобланади. Бу амални ўзлаштиришда тезликка, эгалувчанликка эътибор бериш зарур.

Машғулот жараёнида амални ўздан вазни енгил бўлган шерик билан такрорлаш лозим. Бора-бора машқ вазни оғир рақиб билан ва ниҳоят ўз вазн оғирлигига тенги билан такрорланади.

Бу амални бирданига бажариш қийин, шунинг учун амал чиқмай қолса, руҳан тушиб кетмаслик керак.

Машғулот жараёнида ўнг ёки чап оёқ учига чўзма лапша ва пружиналарни бойлаб, белни буриб оёқлар билан тортилади. Қўл ёрдамида ҳам чўзма лапшаларни бурилиб тортиб машқ бажарса ҳам бўлади.

Илиш амалини пухта эгаллаш учун кўпроқ оёқлар учуда оғир тошларни тез кўтариш машқларини қилиш яхши фойда беради.


Эслатма: Амални яхши ўзлаштириш учун рақибнинг қаршилигисиз унинг ҳаракатидан фойдаланиш лозим.

«ОШИРМА» АМАЛИ

(51—52-сабоқ)

Рақибни белидан қаттиқ сиқиб орқага эгилган ҳолатда кўкракдан ошириб улоқтириш «оширма» амали дейилади.

«Оширма» амалини рақибнинг оёқлари ёнига оёқ кўйиб бажариш. Рақибнинг ўнг оёғи ёнига чап оёқ билан қадам ташлаб белидан қаттиқ сиқиб орқага эгилган ҳолатда кўкракдан ошириб улоқтирилади. «Оширма» амалида рақиб оёқлари оёқ ёрдамида кўтарилмайди. Ўнг қўлни белбоққа етказиб ушлаб, сўнг орқага эгилиш ҳисобига кўкракдан ошириб ташланади. «Оширма» амалини чап ёки ўнг оёқ билан ҳам қадамлаб бажариш мумкин. Бу амаллар ҳар қандай ҳолатда орқага эгилиш ҳисобига амалга оширилади.



41-расм. «Оширма» амалини рақиб ўнг оёғи ёнига чап оёқ қўйиб бажариш:


- а) дастлабки ҳолат; б) чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадамлаш;
- в) рақибни белидан сиқиб кўтариш; г) кўкракдан ошириб ташлаш;
- д) учиш ҳолати; е) якуний ҳолат.

«Оширма» амалини рақибнинг оёқлари орасига оёқ қўйиб бажариш.

«Оширма» амалини оёқлар орасига оёқ қўйиб бажариш ҳам мумкин. Мисол учун, рақибни оёқлари баравар ҳолатда ёки ўнг ва чап оёғи олдинги ҳолатда бўлганда, амални оёқлар орасига қадам ташлаб бажарилади.

Рақибнинг оёқлари баравар ҳолатда бўлганда оширма амалини бажариш:

- а) кифтлаб қўлни стказиб, белбоғ ушлаймиз;
- б) рақибнинг оёқлари орасига ўнг оёқ билан қадам ташлаб, чап оёғимизни ўнг оёғимизга яқинроқ қўямиз;
- в) рақибнинг ҳар икки оёғини икки томонга оёқларимиз билан итарамиз;
- г) орқага эгилиш ҳисобига рақибни кўкракдан ошириб ташлаймиз. Бунда албатта оёқлар букилган ҳолатда бўлади, биз оёқни тўғрилаш ҳисобига рақибнинг оёғини гиламдан узамиз.



42-рasm. «Оширма» амалини рақибнинг оёқлари орасига оёқ қўйиб бажариш: а) дастлабки ҳолат; б) рақибни оёғлари орасига иккала оёқни киргизиб кўтариш; в) кўкракдан ошириб ташлаш; г) учиш ҳолати; д) якуний ҳолат.

«Оширма» амалига қарши ҳимоя

Рақиб ҳар қандай ҳолатда қадам ташлаб келган пайтда, оёқларини оёқ билан тўхтатамиз ва унинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсагимиз билан сиқамиз. Сўнгра қадам ташлаган оёқлари ёнига оёғимизни олиб ўтиб оёғини ичкарига итарамиз. Қўлимизни биқинига тираймиз. Узоқ-роқ бел олиш ҳолатида юрамиз.

«Оширма» амалига қарши амаллар

Рақиб оширма амалини қўлламоқчи бўлиб ўнг оёғи билан оёқларимиз орасига қадамлаб киради, шу пайтда рақибнинг ўнг оёғини чап оёқ билан ичкарига итарамиз ва ўнг қўл тирсагимизни ўтказиброқ белбоғдан ушлаймиз. Ниҳоят, рақибни ўнг ён томонга ўтказиб чала-қайтарма амалида ташлаймиз.

Иккинчи ҳолатда рақиб ўнг оёғимизнинг ён томонига чап оёғи билан қадам ташлаган заҳоти чап оёқ билан рақибнинг орқада қолган

ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, ўзимизга қаттиқ тортиб, қайтарма амалида ташлаш мумкин.

Чалғитиш амаллари

Рақибни ердан узгандан сўнг эгилиш ҳисобига чалақайтарма амалини бажариш мумкин. Ёки кўтариб оширма тўсиш амалида ташлаш ёки қайтарма амалини қўллаш мумкин.

«Оширма» амалига услубий кўрсатма

Оширма амалини амалда яхши қўллаш учун эгилувчанликка катта аҳамият бериш керак. Бунинг учун гиламда кўприк машқини кўпроқ бажариш мақсадга мувофиқ.

Лўъбатда¹ кўкракдан ошириб ташлаш машқини кўпроқ бажариш, стол устидан туриб оғир тошларни юқорига кўтариш керак.

Деворга эгилиб машқлар бажариш. Икки киши бўлиб гиламда эгилувчанлик машқларини бажариш. Амални юшоқ гиламда икки киши бўлиб, мураббий назорати остида бажариш лозим.

«ОШИРМА ТЎСИШ» АМАЛИ

(53—54-сабоқ)

Рақибни белидан сиқиб кўтаргандан сўнг, оёғини ташқари ён томондан итариб кўкракдан ошириб ташлаш «Оширма тўсиш» амали дейилади.

Амални чап оёқда бажариш

Бу амал ҳам икки ҳаракат бирикмасидан ташкил топган. Яъни рақибни белидан сиқиб оёғи гиламдан узилади, сўнг оёқ билан тўсиб



43-расм. «Оширма тўсиш» амалини чап оёқда бажариш:

- а) дастлабки ҳолат; б) чап оёқни рақибнинг ўнг оёғи ёнига қўйиш;
в) кўтариб чап тизза билан тўсиб кўкракдан ошириб ташлаш;
г) якуний ҳолат.

¹ Лўъбат – одам шаклидаги қоп

кўкракдан ошириб ташланади. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, ўнг қўл тирсагимизни етказиб белбоғдан ушланади. Шундан сўнг рақибни кўтариб, ўнг оёғини итариб тўсиб кўкракдан ошириб чап елка томонга рақибни ташлаймиз. Кўриниб турибдики, елкадан оширишдан олдин оёқ билан тўсиш ҳаракати бажарилмоқда. Амални яхши бажариш учун ўнг қўл тирсагимизни етказиб белбоғдан ушлаш, рақиб оёғини узгандан сўнг бурилиш, оёқни эса охиригача ёнга итарган ҳолатда ташлаш керак. Акс ҳолда амал чиқмайди.

«Оширма тўсиш» амалини ўнг оёқда бажариш

Амални ўнг оёқда бажариш ҳам чап оёқда бажаришга ўхшаб кетади. Фақат ўнг тарафга ташлаш ноқулай, чунки амални рақибнинг оёғини кўрмай бажарасиз.

Рақиб сизнинг ҳаракатингизни кўриб туради ва ҳимояга ўтиб олиши мумкин.

Амални яхши бажариш учун рақиб чап оёғини ўнг оёқ билан ичкарига итариб, гиламдан кўтариб оламиз. Шундан сўнг чап оёғини ўнг оёқ билан тўсиб, кўкракдан ошириб ташлаймиз. Оёғини гиламдан узгандан сўнг унинг оёғини ён томондан итарган ҳолатда амални охиригача етказиш зарур.

Ҳимоя

Рақибни тортувига юрмаслик, пастроқ олиш ҳолатида юриш, биқинига қўл муштини тираб юриш лозим.



44-расм. «Оширма тўсиш» амалини ўнг оёқда бажариш:

- а) дастлабки ҳолат; б) рақибни чап оёғи ёнига ўнг оёқни қўйиш;
 в) кўтариб ўнг тизза билан тўсиб кўкракдан ошириб ташлаш;
 д) якуний ҳолат.

Оширма тўсиш амалига қарши амаллар

Рақиб ўнг оёғимиз ёнига чап оёғи билан қадам ташлаб, кўтариб олади. Шунда икки оёғимизни унинг оёқлари устига қўйиб, икки қўлни биқинига қўйиб турамиз, ташлаган томонга икки оёқда тушиб, дарҳол қўлни етказиб, уни босиб қолиш мумкин.

Чалғитиш амаллари

Рақибнинг ўнг оёғи ёнига чап оёқ билан қадам ташлаб, тезлик билан ўнг елка томон тортиб, қайтарма амалини бажарамиз.

«Оширма тўсиш» амалига услубий кўрсатма

Амални яхши бажариш учун эгилувчанлик машқларига катта аҳамият бериш керак. Мисол учун:

кўприк машқлари ва эгилувчанликнинг бир қанча турларини гиламда бажариш, ён томондан тўсишларни қайтариш, орқага йиқилиш машқларини икки киши бўлиб бажариш, гиламда таёқларни ушлаб йиқилиш, ўнг елка ва чап елкаларга йиқилиш машқларини бажариш амални қўллашда ёрдам беради.

«ОЁҚ ЁНБОШ» АМАЛИ

(55—56-сабоқ)

Рақибни белидан сиқиб уни ўзимизга тортиб, оёқлари орасига оёқ сони орқали бурилиб кириб босиб йиқитиш «оёқ ёнбош амали» дейилади.

Амални ўнг оёқда бажариш

Амални қўллашда рақибни сиқиб ўнг елка ён томонимизга тортиб, оёқлари орасига ўнг оёқни қўйиб чап елка томон буриламиз. Ўнг оёғимизнинг ўзини буриб, орқа оёқ болдирлари билан рақибнинг чап оёғини итарамиз. Ўнг қўл тирсағимизни етказиб белбоғдан ушлаб, рақибнинг чап қўлини юқорига кўтарамиз. Чап қўл билан эса рақибни белбоғидан пастга тортиб чап елка томонимизга бурилаверамиз. Оғирлик марказимиз эса чап оёқда бўлади.

Бурилганда чап оёғимиз учига таяниб, рақибнинг чап оёғини ўнг оёқ сони билан чап елка томонимизга итариб, то у елкага йиқилгунча бурилаверамиз. Агар оёқ сонларимизни буриб рақибнинг оёқлари орасига яхши кирмасак ёки сиқиб тортиб босмасак, амал чиқмайди.


1. Рақибни алдамчи ҳаракатлар қилиб мувозанатдан чиқарамиз ва ўнг оёқ сони билан оёқлари ичига бурилиб кирамиз.

2. Рақиб итариб келганда, бурилиб ўнг оёқ сони билан оёқлари орасига кириб, чап елка томонга тортиб итариб босамиз.

Эслатма: рақибни итариб босишда елка, қўл ва оёқ сонининг аҳамияти катта.

Ҳимоя

Рақиб тортганда ўнг оёғини чап оёқ билан тўхтатамиз. Бурилишга йўл қўймаймиз, чўзилиброқ олиш ҳолатида туриб, чап қўлни биқинига тираймиз.



45-расм. «Оёқ ёнбош» амалининг ўнг оёқда бажарилиши:

- а) дастлабки ҳолат; б) рақибни сиқиб олдинга тортиш; в) ўнг оёқ болдирни ўгириб рақиб оёқлари орасига солиш; г) ўнг оёқ сон, елка билан рақибни чап елка томонга итариб босиш; д) рақибни итариб босишни давом этиш; е) якуний ҳолат.

Қарама-қарши амаллар


Рақибнинг тортишига юрмай, ундан олдин ўзимиз чап оёқ билан оёқлари орасига кириб, ўнг елка томонга тиззага миндириб ташлаймиз.

Чалғитиш амали

1. Рақибнинг оёқлари орасига оёқ солиб, тўғаноқ чалиш амалини бажарамиз.
2. Рақибни ўнг елка томонга тортиб, чалақайтарма амалини бажарамиз.

«Оёқ ёнбош» амалига услубий кўрсатма

- а) гиламда бурилиш машқларини бажариш;
- б) гиламда ўнг томондан чап томонга бурилиб тўпларни узатиш машқларини бажариш;
- в) гиламда икки киши бўлиб амални қайтариш зарур. Резина лапшаларда ҳам фақат бурилиш машқларини бажариш. Гиламда кўприк бўлиб бурилиш машқларини бажариш лозим.



46-расм. «Оёқ ёнбош» амалининг чап оёқда бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) рақибни сиқиб ўнг елка томонга тортиш; в) чап оёқ болдирини ўгириб рақиб оёқлари орасига солиш; г) чап оёқ сон, елка билан рақибни ўнг елка томонга итариб босиш; д) рақибни итариб босишни давом этиш; е) якуний ҳолат.

«Оёқ ёнбош» амалини чап оёқда бажариш

Амални бажариш ўнг оёқда бажаришга ўхшашдир. Чап оёқда амални бажариш бир оз қийинроқ, сабаби ўзини ўзи ҳимоя қилиш имконияти камроқ.

Мисол учун: амални бажарганимизда чап қўл тирсагимиз рақибнинг ўнг қўл тирсаги устида бўлади.

Шунинг учун амални бажарганда, рақибнинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсаги билан сиқиб олишимиз керак.

Рақибнинг оёқлари барабар ҳолатда бўлганда, чап оёқ сони билан оёқлари орасига кириб, ўнг елка томонга буриламиз. Чап қўл тирсагимиз билан ўнг қўл тирсагини қаттиқ сиқамиз.

Ўнг қўл билан эса белбоғдан пастга тортиб бурилаверамиз. Чап оёқ сони билан эса то рақибни елкаси гиламга теккунча бурилиш ҳолатида рақибнинг оёғини итариб босаверамиз. Ташқаридан қаралса, бу ҳолат винт бурашга ўхшайди. Амални рақибнинг мувозанати бузилган пайтда ёки ўзи итариб келганда бажариш осон кечади.

Амал қуйидаги ҳолларда чиқмайди:

а) агарда рақибнинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсагимиз билан сиқмасак;

б) оёқ сон билан рақибнинг оёқлари орасига етарлича бурилиб кирмасак;

в) рақибни сиқиб ўзимизга яхши тортмасак;

г) рақиб оёғини яхши итариб охиригача босмасак.

«БУРОВ» АМАЛИ

(57—58-сабоқ)

Рақибни белидан сиқиб уни оёғини ердан узмай қўлнинг ўзида доира шаклида судраш «буров» амали дейилади.

Бу амални бажарганда оёқ ишлатилмайди, аксинча доира шаклида судраб қўлнинг ўзида бураб ташланади.

Амални чап ёки ўнг елка томонга бураб амалга ошириш мумкин, иложи бўлса ўнг қўл тирсагини ўтказиб белбоғдан ушлаб бажарилса, мақсадга мувофиқ. Амални рақибни олдинга тортиб ҳам амалга ошириш мумкин.



47-расм. «Буров» амалининг бажарилиши:

- а) дастлабки ҳолат; б) рақибнинг белини сиқиб олдинга тортиш; в) чап елка томонга судраш; г) судрашнинг давоми; д) якуний ҳолат.

Эслатма: Кураш хадисида айтилишича, рақибни етаклаб, кўтармай доира шаклида судраб йиқитиш бу „буров“ амалидир. Ушбу ҳолатда оёқнинг кўтарилиб кетиши рақибни қаттиқ судрашдан деб тушуниш мумкин.

«Буров» амалига қарши ҳимоя

Бу амални рақиб бажарганда, ўнг қўл тирсагини етказиб белбоғдан ушлайди. Шунинг учун ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсаги билан қисиб олиш керак. Рақибнинг етаклашига, тортишига йўл бермай, қўл муштини биқинига қўйиб юриш керак.

«Буров» амалига қарши амаллар

Рақиб чап елка томонига бурамоқчи бўлса, ўнг оёқ билан тиззага миндириб ташлаш мумкин. Агарда ўнг елка томонига бурамоқчи бўлса, бунинг аксини бажариш мумкин. Яна рақиб чап елка томонига бурамоқчи бўлса, ўнг оёғи билан ирғитиш амалига ташлаймиз. Ўнг елка томонга бурамоқчи бўлса, чап оёғи билан ирғитиш амалига ташлаймиз.

Чалғитиш амаллари

Чап елка томонимизга бурамоқчи бўлиб, ўнг оёқ билан тиззага миндириб ташлаймиз. Ўнг елка томонимизга бурамоқчи бўлиб, чап оёқ билан тиззага миндириб ташлаймиз.

«Буров» амалига услубий кўрсатма


Бу амални бажариш учун қўл билан буров машқларини бажариш зарур, панжа мускулларини яхши чиниқтириш лозим. Оғир юкларни ўнгдан чапга, чапдан ўнгга ўтказиш машқларини бажариш зарур. Қўл ёрдамида арқонларда тортилиш, брусларда машқлар бажариш, турникларга тортилиш амални бажаришда қўл келади.

«ЭШИБ ЧАЛИШ» АМАЛИ. АМАЛНИ ЎНГ ОЁҚ БИЛАН БАЖАРИШ

(59—60-сабоқ)

Рақибни белидан сиқиб, оёқлари ичидан ўнг оёқ солиб ўраб эшиб орқа ёки олдинги елка томонга бураб ташлаш «эшиб чалиш» амали дейилади.

Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг қўлни етказиб белбоғдан ушлаб, ўнг оёғимиз билан унинг чап оёғи ичидан ўраб эшиб оёқ соламиз. Кейин эса гиламдан узиб, орқа ўнг елка томон эгилиб, рақибни бураб ташлаймиз. Амални бажарганда ўнг қўлни белбоғга етказиб ушлашга, оёғини баландроқ кўтаришга ва ўраб эшишга яхши аҳамият бермасак, бу амал чиқмайди. Ўнг оёқ билан амални бажарганда оғирлик марказимизни чап оёққа ўтказамиз.



48-расм. «Эшиб чалиш» амалининг ўнг оёқда бажарилиши:
 а) дастлабки ҳолат; б) ўнг оёқ билан рақиб чап оёғини ичидан эшиш;
 в) ўнг елка томон бурилиб рақибни кўтариш; з) учиш ҳолати; д) якуний ҳолат.

Ҳимоя

Рақибнинг ўнг қулини етказиб белбоғдан ушлашига йўл қўймаслик, чап оёғимиз орқада бўлиши, биқинига қўлни тираб юриш, рақибнинг ўнг қўл тирсагини чап қўл тирсағимиз билан сиқиб ушлаш керак. Агар рақиб оёғини солиб эшиб олса, дарҳол оғирлик марказимизни ўнг оёққа ўтказиб, чап оёғимизни баландроқ кўтариб рақибнинг оёғидан бўшатамиз.

Қарама-қарши амаллар

Рақиб ўнг оёғини солмоқчи бўлганда, ундан олдин ўнг оёғимизга таяниб рақибнинг ўнг оёғи орқасига чап оёғимизни солиб итариб чаламиз. Рақибнинг қўл тирсагини яхшилаб сиқиб олиш керак, акс ҳолда амал чиқмайди.

Чалғитиш амали

Рақибни алдаб ўзимизга тортамиз, у чап оёғини олдинга қўяди. Шунда ўнг оёғимиз билан оёқлари орқасига оёқ солиб чалиб ташлаймиз.

Эшиб чалиш амалига услубий кўрсатма

Айтиб ўтганимиздек, амални яхши бажаришни эгаллаш учун гиллада ўраб эшиб чалиш машқларини кўпроқ қайтариш зарур.


Рақиб оёғини эшиб кўтариб мувозанатда туришни кўпроқ қайтариш керак.

«ЭШИБ ЧАЛИШ» АМАЛИ. АМАЛНИ ЧАП ОЁҚ БИЛАН БАЖАРИШ

(61—62-сабоқ)

Рақибни белидан сиқиб, оёқлари ичидан чап оёқ солиб ўраб эшиб орқа ёки олдинги елка томонга бураб ташлаш «эшиб чалиш» амали дейилади.

Чап оёқ билан ўраб эшиб ташламоқчи бўлган бел олишчи рақибини алдаш йўли билан ўзи томонга келишга мажбур қилади. Шу ҳолатда рақиб оғирлигини ўнг оёғига ўтказди. Ана шу ҳолатда чап оёғингиз билан ўнг оёғини ичидан ўраб эшиб оласиз. Ўнг оёғингизни олдинроқ кўйиб, оғирлигингизни ўнг оёққа ўтказасиз. Кейин эса орқа чап елка томон бурилиб ташлаймиз. Орқага эгилиб тортганингизда чап кўлингиз билан рақиб ўнг кўл тирсагини қисиш баробарида белбоғдан қаттиқроқ тортиб, ўнг енг кўлингиз билан эса рақибнинг тирсагини кўтариброк буриласиз. Оёқ билан албатта рақибни баландроқ кўтариб буриламиз. Буларнинг ҳаммаси кучли эгилувчанлик ва елка қисмини яхши буриш ҳисобига амалга оширилади.



49-расм. «Эшиб чалиш» амалининг чап оёқда бажарилиши:

а) дастлабки ҳолат; б) чап оёқ билан рақиб ўнг оёғини ичидан эшиш; в) чап елка томонга бурилиб рақибни тортиш; г) учиш ҳолати; д) якуний ҳолат.

Амал қай ҳолларда чиқмайди?

Мисол учун:

- а) амални қўлламоқчи бўлганда оёқни ўраб эшиб ушлашни яхши бажармасак;
- б) рақиб оёғини гиламдан яхши узмасак;
- в) таянч ўнг оёқ товони билан яхши бурилмасликда.

Ҳимоя

Агар амални бажарувчи бел олишчи ўнг оёқни ўраб эшиб улгурган бўлса, ҳимоя қилувчи орқароқ чўзилиб чап оёғига таяниб, рақибни оёғини ердан узиб олиб оёқни бўшатади. Ўнг оёқни орқароққа олиб юриш ва биқинига қўлни тираш лозим.

«Эшиб чалиш» амалига қарама-қарши амал

Бу амални бажариш учун рақиб чап оёғини солмоқчи бўлганда, ундан олдин оғирлигимизни чап оёққа ўтказамиз, сўнг ўнг оёқ билан рақиб чап оёғининг ташқари томонидан оёқ солиб орқага итариб тўғаноқ чалиш амалига ташлаймиз.

Чалғитиш амали

Чап оёқ билан рақибнинг ўнг оёғини ичидан ўраб эшмоқчи бўлиб, дарҳол ўнг оёққа таяниб ўнг оёғи ичидан тўғаноқ чалиш амалини қўллаймиз.


«Эшиб чалиш» амалига услубий кўрсатма

Бу амални ўзлаштириш кўп меҳнат талаб этади. Ҳар бир оёқда оғир тошларни узоқ вақт кўтариб ушлаб туриш, оёқлар ёрдамида чўзма лапшаларни чўзиш, гиламда рақиблар оёғини ўраб эшиб кўтариб, узоқ вақт мувозанатни ушлаб туриш. Сим дорда ёки ёғоч дорларда бир оёқда туриб ҳар хил машқлар бажариш керак. Дарахтларни оёқ билан ўраб эшиб, куч борича оёқ-қўл ёрдамида тортиш, эгилувчанликка алоҳида эътибор қаратиш, кўприк (мостда) туриб оғир тошларда ҳар хил машқларни бажариш зарур.




50-расм. БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТУРИДАГИ ҲИМОЯЛАР:

- а) рақиб ўнг қўл тирсагини сиқиш ҳамда биқинига қўлни тираш;
- б) қўлни рақиб биқинига қўйиб ҳимояланиш;
- в) рақиб оёқ ҳаракатини оёқ билан тўхтатиш;
- з) рақибнинг ўнг қўл тирсагини сиқиш.



51-расм. «ЧАЛГИТИШ» АМАЛЛАРИДАН БИРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ:
 а) дастлабки ҳолат; б) рақиб чап қўлтиғи остидан ўнг қўлни ўтказиб белбоғ ушлаб чап елка томонга ташлашдай кўрсатиш; в) дархол ўнг елка томонга бурилиш; г) ўнг елка томонга кўтариш; д) якуний ҳолат.



52-расм. «ҚУЧОҚЛАШ» АМАЛИНИНГ БАЖАРИЛИШИ:
 а) дастлабки ҳолат; б) рақибнинг белини сиқиб олдинга тортиш; в) қучоқлаб кўтариш; г) оёқ солиб кўтариш; д) якуний ҳолат.

XX БОБ. Қадимий «Кураш» ва «Бел олиш кураш» турларида кийиладиган кийимларнинг кўриниши

«Чопон». Пишиқ пахтали матодан тикилган. Қора, кулранг, ола-була ва бошқа рангларда бўлган.



1 б-расм.



1 а-расм.

«Яктас» Пишиқ пахтали матодан тикилган, ранги оқ ёки оқич бўлган.

«Белбоғ». Пишиқ пахтали матодан тикилган, ранги ҳар хил бўлган.



1 г-расм.



1 в-расм.


«Иштон». Пишиқ пахтали матодан тикилган. Оқ, кулранг, қора рангларда бўлган, лекин оқини кийиш кўпроқ удум бўлган.

«Курашчининг кўриниши». Қадимий ўзбек кураши турларининг барчасида паҳлавонларнинг беллашувдан олдинги ҳолати шундай бўлган. Паҳлавонларнинг бош кийим билан беллашуви бош кийим тарихи билан боғлиқ. Курашда унинг ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган. Ҳозирги вақтга қадар сайл ва тўй курашларида кексалар удум бўлган бош кийим билан беллашадилар.



1 д-расм.

БЕЛБОҒ ЎЛЧАМИ ҲАҚИДА



2-расм.

«Белбоғ» оддий пахтали матодан тайёрланади. Унинг тайёрланиши: эни 140 ва бўйи 140 см гача бўлган оддий ўрама матодан ташкил топган, эни 4 см дан 7 см гача белбоғ узунлиги эса 210 см гача бўлиши мумкин. Белбоғ биринчи мартаба муаллиф Н.Х.Азизов томонидан 1996 йилда З.М.Бобур хотира турнирига тайёрланди ва курашда жорий қилинди. Шу-

нингдек, бу ҳақда 2001 йилда босилиб чиққан белбоғли кураш китобида ҳам изоҳ берилди. 2002 йилда ўтказилган I жаҳон ва Осиё чемпионатида ҳам боғич сифатида қўлланилди. Ҳозирги кунда ушбу белбоғ орқали халқаро турнирлар, қитъавий мусобақалар ва жаҳон чемпионатлари ўтказилмоқда. Белбоғнинг шу услубда тикилиши ёки ўлчами тарихи асли ўзбек кураш ҳадисига тааллуқлидир. Кураш ҳадисини яхши билган кекса ўзбекларнинг таърифлашича, ана шу ўлчам қадимдан бел олиш кураш мусобақаларида беллашув боғичи бўлиб келган.



3-расм.

«Белбоғ» Бел олиш кураш спорт турида белга боғланадиган боғич. Амаллар ана шу боғичдан ушлаб бажарилади. Белбоғ қўл панжалари билан белбоғнинг ички томонидан ташқарига қайириб ушланади.

«БЕЛ ОЛИШ КУРАШ» ТУРИДА ЎЗИНИ ЎЗИ ХИМОЯ ҚИЛИШ МАШҚЛАРИ



4-расм.

а) ўтирган ҳолатда олдинга дўмбалоқ ошиш; б) ўтирган ҳолатда орқага дўмбалоқ ошиш; в) ўнг томонга дўмбалоқ ошиш.



5-расм.

Бел олишда ўнг елка томонга йиқилиш орқали ҳимоя машқини бажариш.



а



б

6-расм.

а) ён томонга йиқилиш; б) орқага йиқилиш



7-расм.

Бел олиш курашчиларининг тик ҳолатда бир-бирларини елкадан ошириб ташлаш машқи.



8-расм.

Жуфт ҳолатда ўтириб-туриш машқининг бажарилиши.




9-расм.

Бошни гиламга тираган ҳолатда қўл ёрдамсиз ён томонларга тебраниш орқали бўйин мускулларини чиниқтириш.



10-расм.

Кўприк ҳолатда туриб, бошни орқа ва олдинга тебратиш орқали бўйин мускулларини чиниқтириш.



11-расм.

Бошни гиламга қўйиб, қўл ёрдамида доира шаклида айланиш орқали бўйин ва бел мускулларини ривожлантириш машқини бажариш.



12-расм.

Кўприк ҳолатда рақиб оёғини ушлаб, орқа ва олдинга ўтиш билан бўйин ва бел мускулларини чиниқтириш.




13-расм.

Кўприк ҳолатидан чиқиш орқали ён томонига тез юриб, белнинг олд мускулини ривожлантириш.



14-расм.

Жуфт бўлиб бир-бирининг оёқларини ушлаган ҳолатда дўмбалоқ ошиш машини бажариш.



15-расм.

Таёқ ушлаган ҳолатда олд томонга дўмбалоқ ошиб ёнга йиқилиш.



16-расм.

Таёқ ушлаган ҳолатда бир қўл билан ён томонига йиқилиш.



17 расм.

Дарахтга белбоғ боғлаб ўнг елка олди томонга тортиш орқали «қўшала ёнбош» машқини бажариш.



18-расм.

Чап елка олди томонга тортиш орқали «қўшала ёнбош» машқини бажариш.





19-расм.


Дарахтни итариш машқи орқали бир неча амалларни бажаришга тайёрланиш.



20-расм.

Дарахтни ён томонидан тегиш орқали «супурма» амалини бажаришга тайёрланиш.





21-расм.

Бел олишчиларнинг якка ҳолатда жисмоний машқлар бажариши.



22-расм.
Бел олишчиларнинг якка ва жуфт ҳолатда жисмоний машқлар бажариши.



А Бел олишчиларнинг лўбатда амалларни бажариши.

23-расм.

Б

24-расм.

Эслатма: кураш ҳадисини яхши билган кексаларнинг айтишича, қадимдан аждодларимиз одам шаклидаги қоп ва шунга ўхшаш буюмлар билан амаллар бажаришган. Улар буни «Лўбат» деб аташган.

XXI БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШ АМАЛЛАРИНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ

I. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИДА РАҚИБНИ БОСИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛЛАРНИ ЧАЛИШ ОРҚАЛИ БАЖАРИШ

1. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёқлари ёнига қадам ташлаб оёғини итариб босиш.
2. Оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб оёғини итариб босиш.
3. Ўнг оёқ олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб оёқ билан қайириш.
4. Чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб оёқ билан қайириш.
5. Оёқлари тенг бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб оёқ билан қайириш.
6. Оёқлари тенг бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб оёқ билан қайириш.
7. Оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб оёқ билан қайириш.
8. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадамлаб ташлаб оёқ билан қайириш.
9. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан ўнг оёқ ичига оёқ солиб тўғаноқ чалиш.
10. Оёқлари тенг бўлганда, ўнг оёқ билан ўнг оёқ ичига оёқ солиб тўғаноқ чалиш.
11. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ичига тўғаноқ чалиш.
12. Оёқлари тенг бўлган ҳолатда, чап оёқ билан ўнг оёғи ичига оёқ солиб тўғаноқ чалиш.
13. Оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ичига оёқ солиб тўғаноқ чалиш.
14. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ташқари орқа томонидан оёқ солиб тўғаноқ чалиш.
15. Оёқлар тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ташқари орқа томонидан тўғаноқ чалиш.
16. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёқни ташқари орқа томонидан оёқ солиб тўғаноқ чалиш.
17. Чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғининг ички томонидан оёқ солиб тўғаноқ чалиш.
18. Оёқлар тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ички томонидан тўғаноқ чалиш.
19. Оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ташқари томонидан оёқ солиб тўғаноқ чалиш.
20. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан ўнг оёғи ташқари орқа томонидан тўғаноқ чалиш.

21. Оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан ўнг оёғи ташқари орқа томонидан тўғаноқ чалиш.

22. Оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ташқари орқа томонидан тўғаноқ чалиш.

Эслатма: Кўрсатилган амалларни тўлиқ деб бўлмайди.

II. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИДА КЎТАРГАНДАН КЕЙИНГИ АМАЛЛАРНИ ЧАЛИШ ОРҚАЛИ БАЖАРИШ

1. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига бурилиб кириб кўтарма амалида ташлаш.

2. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан бурилиб кириб кўтарма амалида ташлаш.

3. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан бурилиб кириб кўтарма амалида ташлаш.

4. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан бурилиб кириб кўтарма амалида ташлаш.

5. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан бурилиб кириб кўтарма амалида ташлаш.

6. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан бурилиб кириб кўтарма амалида ташлаш.

Эслатма: Кўрсатилган амалларни тўлиқ деб бўлмайди.

III. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИДА БИР ҲАМЛА БИЛАН ТЎХТАМАЙ УЛОҚТИРИЛАДИГАН ҲАРАКАТЛАРГА КИРУВЧИ АМАЛЛАРНИ ЧАЛИШ ОРҚАЛИ БАЖАРИШ

1. Рақибнинг ўнг оёғи олдинги ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнидан супуриб ошириб ташлаш.

2. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнидан супуриб ошириб ташлаш.

3. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнидан супуриб ошириб ташлаш.

4. Рақибнинг чап оёғи олдинги ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнидан супуриб ошириб ташлаш.

5. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнидан супуриб ошириб ташлаш.

6. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёғи билан чап оёғи ёнидан супуриб ошириб ташлаш.

7. Рақибнинг чап оёғи олдинги ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёғи ён томондан қўшала ёнбош амалини қўллаш.

8. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёғи ён томондан қўшала ёнбош амалини қўллаш.

9. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёғи ён томондан қўшала ёнбош амалини қўллаш.

10. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёғи ён томондан қўшала ёнбош амалини қўллаш.

34. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ўраб эшиб, чалиш амалини қўллаш.

35. Рақибнинг оёғлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ўраб эшиб, чалиш амалини қўллаш.

Эслатма: Кўрсатилган амалларни тўлиқ деб бўлмайди.

I. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИДА РАҚИБНИ БОСИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛЛАР (АМАЛЛАРНИ ЧАЛИШСIZ БАЖАРИШ)

1. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, силтаб тортиб тиззалатиш.
2. Чап оёғи олдинда бўлганда, силтаб тортиб тиззалатиш.
3. Оёқлари тенг турган ҳолатда, силтаб тортиб тиззалатиш.
4. Оёқлари букилган ҳолатда, силтаб тортиб тиззалатиш.
5. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, силтаб итариб ўтирғизиш.
6. Чап оёғи олдинда бўлганда, силтаб итариб ўтирғизиш.
7. Оёқлари тенг турган ҳолатда, силтаб итариб ўтирғизиш.
8. Оёқлари букилган ҳолатда, силтаб итариб ўтирғизиш.
9. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, кифтлаб итариб ўтирғизиш.
10. Чап оёғи олдинда бўлганда, кифтлаб итариб ўтирғизиш.
11. Оёқлари тенг турган ҳолатда, кифтлаб итариб ўтирғизиш.
12. Оёқлари букилган ҳолатда, кифтлаб итариб ўтирғизиш.
13. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, кифтлаб тортиб тиззалатиш.
14. Чап оёғи олдинда бўлганда, кифтлаб тортиб тиззалатиш.
15. Оёқлари тенг турган ҳолатда, кифтлаб тортиб тиззалатиш.
16. Оёқлари букилган ҳолатда, кифтлаб тортиб тиззалатиш.
17. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёғи билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб елка билан итариб босиш.
18. Чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб елка билан итариб босиш.
19. Оёқлари тенг турган ҳолатда, ўнг оёқ билаб чап оёқлари ёнига қадам ташлаб елка билан итариб босиш.
20. Оёқлари букилган ҳолатда, чап оёқ билан ўнг оёқлари ёнига қадам ташлаб елка билан итариб босиш.

Эслатма: Кўрсатилган амалларни тўлиқ деб бўлмайди.

II. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИДА КЎТАРГАНДАН КЕЙИН БАЖАРИЛАДИГАН АМАЛЛАР (АМАЛЛАРНИ ЧАЛИШСIZ БАЖАРИШ)

1. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, босма амалини қўллаш.
2. Чап оёғи олдинда бўлганда, босма амалини қўллаш.
3. Оёқ тенг ҳолатда бўлганда, босма амалини қўллаш.
4. Оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, босма амалини қўллаш.
5. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёғи билан оёқлари орасига қадам ташлаб тиззага миндириш.
6. Оёқлар тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёғи билан оёқлари орасига қадам ташлаб тиззага миндириш.

7. Оёқ букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёғи билан оёқлари орасига қадам ташлаб тиззага миндириш.
8. Чап оёғи олдинда бўлганда, чап оёғи билан оёқлари орасига қадам ташлаб тиззага миндириш.
9. Оёқлар тенг ҳолатда бўлганда, чап оёғи билан оёқлари орасига қадамлаб ташлаб тиззага миндириб ташлаш.
10. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлар орасига қадам ташлаб тиззага миндириб ташлаш.
11. Ўнг елка тамонга етаклаб, чап тизза билан тиззага миндириб ташлаш.
12. Чап елка томон етаклаб, ўнг тизза билан тиззага миндириб ташлаш.
13. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб қайтарма амалини қўллаш.
14. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб қайтарма амалини қўллаш.
15. Оёқлар тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб қайтарма амалини қўллаш.
16. Оёқлар тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб қайтарма амалини қўллаш.
17. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб қайтарма амалини қўллаш.
18. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлар орасига қадам ташлаб қайтарма амалини қўллаш.
19. Чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб қайтарма амалини қўллаш.
20. Оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб қайтарма амалини қўллаш.
21. Чап оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб қайтарма амалини қўллаш.
22. Оёқлар тенг турган ҳолатда ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб қайтарма амалини қўллаш.
23. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб, қайтарма амалини қўллаш.
24. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, қайтарма амалини қўллаш.
25. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, оёқсиз кифтлаб белбоғдан тортиб қайтариш.
26. Чап оёқ олдинда бўлганда, оёқсиз кифтлаб белбоғдан тортиб қайтариш.
27. Оёқлар тенг ҳолатда бўлганда, оёқсиз кифтлаб белбоғдан тортиб қайтариш.
28. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, оёқсиз кифтлаб белбоғдан тортиб қайтариш.
29. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб чалақайтарма амалини қўллаш.
30. Ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб чалақайтарма амалини қўллаш.

31. Оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб чалақайтарма амалини қўллаш.
32. Оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб чалақайтарма амалини қўллаш.
33. Чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб чалақайтарма амалини қўллаш.
34. Чап оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб чалақайтарма амалини қўллаш.
36. Оёқлар тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб чалақайтарма амалини қўллаш.
37. Оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб чалақайтарма амалини қўллаш.
38. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлар орасига қадам ташлаб чалақайтарма амалини қўллаш.
39. Ўнг оёқ олдинги ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб кўтариб, оёқсиз қўлнинг ўзида қайириш.
40. Ўнг оёқ олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб кўтариб, оёқсиз қўлнинг ўзида қайириш.
41. Оёқлар тенг турган ҳолатда ўнг оёқ билан чап оёқ ёнига қадам ташлаб кўтариб оёқсиз қўлнинг ўзида қайириш.
42. Оёқлар тенг турган ҳолатда чап оёқ билан оёқлар орасига қадам ташлаб, қўлнинг ўзида қайириш.
43. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёқ ёнига қадам ташлаб кўтариб, оёқсиз қўлнинг ўзида қайириш.
44. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб кўтариб, оёқсиз қўлнинг ўзида қайириш.
45. Чап оёқ олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёқ ёнига қадам ташлаб кўтариб, қўлнинг ўзида қайириш.
46. Чап оёқ олдинда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб кўтариб, қўлнинг ўзида қайириш.
47. Оёқлар тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб кўтариб, қўлнинг ўзида қайириш.
48. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, кўтариб қўлнинг ўзида қайириш
49. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлар орасига қадам ташлаб, кўтариб қўлнинг ўзида қайириш.
50. Ўнг оёқ олдинда бўлганда, ўнг елка томонга етаклаб, кўтариб қўлнинг ўзида қайириш
51. Чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг елка томонга етаклаб, кўтариб қўлнинг ўзида қайириш.
52. Оёқлар тенг ҳолатда бўлганда, ўнг елка томонга етаклаб кўтариб қўлнинг ўзида қайириш.
53. Оёқлар букилган ҳолатда бўлганда, ўнг елка томонга етаклаб кўтариб қўлнинг ўзида қайириш.
54. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап елка томонга етаклаб кўтариб қўлнинг ўзида қайириш.

55. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, чап елка томонга етаклаб кўтариб қўлнинг ўзида қайириш.
56. Оёқлар тенг турган ҳолатда бўлганда, чап елка томонга етаклаб кўтариб қўлини ўзида қайириш.
57. Рақибнинг ўнг оёғи олдинги ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёқ ёнига қадам ташлаб, кўтариб тўсиб ташлаш.
58. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб кўтариб тўсиб ташлаш.
59. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб кўтариб тўсиб ташлаш.
60. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб кўтариб тўсиб ташлаш.
61. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб кўтариб тўсиб ташлаш.
62. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб кўтариб тўсиб ташлаш.
63. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб кўтариб тўсиб ташлаш.
64. Рақибнинг оёқлари тенг турган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб кўтариб тўсиб ташлаш.
65. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёқ ёнига қадам ташлаб кўтариб тўсиб ташлаш.
66. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёқ ёнига қадам ташлаб кўтариб тўсиб ташлаш.
67. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб кўтариб тўсиб ташлаш.
68. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб кўтариб тўсиб ташлаш.
69. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан кўтариб тизза амалини бажариш.
70. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан кўтариб тизза амалини бажариш.
71. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан кўтариб тизза амалини бажариш.
72. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан кўтариб тизза амалини бажариш.
73. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан кўтариб тизза амалини бажариш.
74. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан кўтариб тизза амалини бажариш.
75. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан кўтариб ўтирғизиш амалини бажариш.
76. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан кўтариб ўтирғизиш амалини бажариш.
77. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан кўтариб ўтирғизиш амалини бажариш.

78. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан кўтариб ўтиргизиш амалини бажариш

79. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан кўтариб ўтиргизиш амалини бажариш.

80. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан кўтариб ўтиргизиш амалини бажариш.

Эслатма: Кўрсатилган амалларни тўлиқ деб бўлмайди.

III. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИДА БИР ҲАМЛА БИЛАН ТЎХТАТМАЙ УЛОҚТИРИЛАДИГАН ҲАРАКАТЛАРГА КИРУВЧИ АМАЛЛАР (АМАЛЛАРНИ ЧАЛИШСIZ БАЖАРИШ)

1. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, тўхтатмай иргитиш амалини бажариш.

2. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, оёқлари орасига ўнг оёқ билан қадам ташлаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

3. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

4. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлар орасига қадам ташлаб, тўхтатмай иргитиш амалини бажариш

5. Рақибнинг оёқлари тенг бўлган ҳолатда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, иргитиш амалини бажариш.

6. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёғи билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

7. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

8. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

9. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

10. Рақибнинг чап оёғи олдинги ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

11. Рақибнинг чап оёғи олдинги ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

12. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёғи билан чап оёғи ичига қадам ташлаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

13. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап елка томонга етаклаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

14. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг елка томонга етаклаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

15. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, чап елка томон етаклаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

16. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг елка томонга етаклаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

17. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг елка томонга етаклаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

18. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап елка томонга етаклаб, тўхтамай иргитиш амалини бажариш.

19. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг елка томонга етаклаб тўхтамай, иргитиш амалини бажариш.
20. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап елка томонга етаклаб тўхтамай, иргитиш амалини бажариш.
21. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, оёғи олдига ўтиб, чап елка олд томонига ёнбош амалини қўллаш.
22. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, оёғи олдига ўтиб ўнг елка олд томонига ёнбош амалини бажариш.
23. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, оёғи олдига ўтиб ўнг елка олд томонига ёнбош амалини бажариш.
24. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, оёғи олдига ўтиб чап елка олд томонига ёнбош амалини қўллаш.
25. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, оёғи олдига ўтиб чап елка олд томонига ёнбош амалини қўллаш.
26. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, оёғи олдига ўтиб ўнг елка олд томонига ёнбош амалини қўллаш.
27. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, қўлнинг ўзида ўнг елка ён томонга тортиб ёнбош амалини қўллаш.
28. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, қўлнинг ўзида ўнг елка ён томонга тортиб ёнбош амалини қўллаш.
29. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, қўлнинг ўзида ўнг елка ён томонга тортиб ёнбош амалини қўллаш.
30. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, қўлнинг ўзида чап елка ён томонга тортиб ёнбош амалини қўллаш.
31. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, қўлнинг ўзида чап елка ён томонга тортиб ёнбош амалини қўллаш.
32. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, қўлнинг ўзида чап елка ён томонга тортиб ёнбош амалини қўллаш.
33. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб ўнг елка ён томонга тортиб ёнбош амалини қўллаш.
34. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб, чап елка ён томонига тортиб ёнбош амалини қўллаш.
35. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёқ ёнига қадам ташлаб, чап елка ён томонга тортиб ёнбош амалини қўллаш.
36. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, ўнг елка ён томонига тортиб ёнбош амалини қўллаш.
37. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, ўнг елка ён томонга тортиб ёнбош амалини қўллаш.
38. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб, чап елка ён томонига тортиб ёнбош амалини қўллаш.
39. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари

орасига қадам ташлаб, ўнг елка ён томонига тортиб ёнбош амалини қўллаш.

40. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, ўнг елка ён томонига тортиб ёнбош амалини қўллаш.

41. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, ўнг елка ён томонига тортиб ёнбош амалини қўллаш.

42. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлар орасига қадам ташлаб, ўнг елка ён томонга тортиб ёнбош амалини қўллаш.

43. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлар орасига қадам ташлаб, ўнг елка ён томонга тортиб ёнбош амалини қўллаш.

44. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, ўнг елка ён томонга тортиб айлантериш амалини бажариш.

45. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, ўнг елка ён томонга тортиб айлантериш амалини бажариш.

46. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлар орасига қадам ташлаб ўнг елка ён томонга тортиб айлантериш амалини бажариш.

47. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, ўнг елка ён томонга тортиб айлантериш амалини бажариш.

48. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, қадам ташламай қўлнинг ўзида ўнг елка ён томонга тортиб айлантериш амалини бажариш.

49. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, қадам ташламай қўлнинг ўзида ўнг елка ён томонга тортиб айлантериш амалини бажариш.

50. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб, ўнг елка ён томонга айлантериш амалини бажариш.

51. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, ўнг елка ён томонга тортиб айлантериш амалини бажариш.

52. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб кўтариб, ўнг елка ён томонга айлантериш амалини бажариш.

53. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, кўтариб ўнг елка ён томонга айлантериш амалини бажариш.

54. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, етаклаб ўнг елка ён томонга тортиб айлантериш амалини бажариш.

55. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, қадам ташламай чап елка ён томонга тортиб айлантериш амалини бажариш.

72. Рақибнинг оёғи букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, чап елка ён томонга тортиб айлантириш амалини бажариш.

73. Рақибнинг оёғи букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқларини орасига қадам ташлаб, кўтариб ўнг елка ён томонга тортиб айлантириш амалини бажариш.

74. Рақибнинг оёғи букилган ҳолатда бўлганда, қадам ташламай қўлнинг ўзида ўнг елка томонга айлантириш амалини бажариш.

75. Рақибнинг оёғи букилган ҳолатда бўлганда, қадам ташламай қўлнинг ўзида чап елка томонга тортиб айлантириш амалини бажариш.

76. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан илиш амалини қўллаш.

77. Рақибнинг чап оёғи олдинги ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан илиш амалини қўллаш.

78. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан илиш амалини қўллаш.

79. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан илиш амалини қўллаш.

80. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан илиш амалини қўллаш.

81. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан илиш амалини қўллаш.

82. Рақибнинг ўнг оёғи олдинги ҳолатда бўлганда, ўнг елка томонга етаклаб, чап оёқ билан илиш амалини қўллаш.

83. Рақибнинг чап оёғи олдинги ҳолатда бўлаганда, чап елка томонга етаклаб, ўнг оёқ билан илиш амалини қўллаш.

84. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг елка томонга етаклаб, чап оёқ билан илиш амалини қўллаш.

85. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап елка томонга етаклаб, ўнг оёқ билан илиш амалини қўллаш.

86. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг елка томонга етаклаб, чап оёқ билан илиш амалини қўллаш.

87. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап елка томонга етаклаб, ўнг оёқ билан илиш амалини қўллаш.

88. Рақибнинг ўнг оёғи ёнига чап оёқ билан қадам ташлаб, орқага эгилган ҳолда кўкракдан ошириб ташлаш.

89. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан қадам ташлаб, орқага эгилган ҳолатда кўкракдан ошириб ташлаш.

90. Рақибнинг оёқлари орасига чап оёқ билан қадам ташлаб, орқага эгилган ҳолда кўкракдан ошириб ташлаш.

91. Рақибнинг чап оёғи ёнига ўнг оёқ билан қадам ташлаб, орқага эгилган ҳолатда кўкракдан ошириб ташлаш.

92. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, орқага эгилган ҳолда кўкракдан ошириб ташлаш.

93. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, орқага эгилган ҳолда кўкракдан ошириб ташлаш.

94. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, орқага эгилган ҳолда кўкракдан ошириб ташлаш.

95. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб, орқага эгилган ҳолда кўкракдан ошириб ташлаш.

96. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб орқага эгилган ҳолда кўкракдан ошириб ташлаш.

97. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, орқага эгилган ҳолда кўкракдан ошириб ташлаш.

98. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб, кўтариб ўнг оёқ билан тўсиб ошириб ташлаш.

99. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, кўтариб чап оёқ билан тўсиб ошириб ташлаш.

100. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб, кўтариб ўнг оёқ билан тўсиб ошириб ташлаш.

101. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёғи ёнига чап оёқ билан қадам ташлаб, кўтариб чап оёқ билан тўсиб ошириб ташлаш.

102. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап оёғи ёнига қадам ташлаб, кўтариб ўнг оёқ билан тўсиб ошириб ташлаш.

103. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг оёғи ёнига қадам ташлаб, кўтариб чап оёқ билан тўсиб ошириб ташлаш.

104. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, кўтариб ўнг оёқ билан тўсиб ошириб ташлаш.

105. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, кўтариб чап оёқ билан тўсиб ошириб ташлаш.

106. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, кўтариб ўнг оёқ билан тўсиб ошириб ташлаш.

107. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, кўтариб чап оёқ билан тўсиб ошириб ташлаш.

108. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, кўтариб чап оёқ билан тўсиб ошириб ташлаш.

109. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, кўтариб ўнг оёқ билан тўсиб ошириб ташлаш.

110. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, чап елка томонга буров амалини қўллаш.

111. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб ўнг елка томонга буров амалини қўллаш.

112. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, чап елка томонга буров амалини қўллаш.

113. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, ўнг елка томонга буров амалини қўллаш.

114. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, чап елка томонга буров амалини қўллаш.

115. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан оёқлари орасига қадам ташлаб, ўнг елка томонга буров амалини қўллаш.

116. Рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, ўнг оёқ билан чап елка томонга оёқ ёнбош амалини қўллаш.

117. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан ўнг елка томонга оёқ ёнбош амалини қўллаш.

118. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап елка томонга оёқ ёнбош амалини қўллаш.

119. Рақибнинг оёқлари тенг ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг елка томонга оёқ ёнбош амалини қўллаш.

120. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, ўнг оёқ билан чап елка томонга оёқ ёнбош амалини қўллаш.

121. Рақибнинг оёқлари букилган ҳолатда бўлганда, чап оёқ билан ўнг елка томонга оёқ ёнбош амалини қўллаш.

Эслатма: Кўрсатилган амалларни тўлиқ деб бўлмайди.

„Қураш ҳадиси илмини билмай туриб, қураш бўйича керагидан ортиқ сабоқ берган кишини олим эмас, деб даъво қилдик. Лекин улар ўзларининг илмлари қай даражада эканлигини билмаганликлари учун бизни инкор этмадилар. Аجدодларимиз қураш ҳадиси илмини ўрганмай туриб, уларнинг илларини менсимай, ўзимизни олим деб билдик. Ўзимиз билмаган илларни улардан сўраб ўрганиш ўрнига, ўзимизникини тўғри ҳисобладик. Лекин билмасликни тан олишининг ўзи ҳам илм эканлигини билмай келдик.“

Ҳурматли китобхон, бағдодлик донишманд Маъмуржон Холмат ўғлининг ана шу хулосалари билан ушбу қўлланмага яқун ясаймиз.



Муаллиф А. Рўзиев.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг жисмоний тарбия ва спортнинг миллий турларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга эътибор кучайди. Тарихий манбаларда қадимий Хоразм ва Бухорода бир нечта кураш турлари мавжудлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Аҳролжон Рўзиевнинг таъкидлашича, буюк мутафаккир алломаларимиз Имом Бухорий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Мотрудий, Ат-Термизий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темура, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Улуғбек, Алишер Навоийларнинг миллий-маданий мероси ўзбек халқи учун қанчалик азиз бўлса, Бел олиш

кураш тури ҳам шунчалик азиз ва қадрлидир. Шу боисдан ҳам унинг тарихини ўрганиш, аждоларимиздан қолган миллий-маданий меросимизнинг бир бўлаги бўлган бу спорт турини тиклаш ва ривожлантириш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ўзбек олими Аҳролжон Рўзиев ушбу китобда узоқ йиллар мобайнидаги изланишлар, тадқиқотлар натижасида йиғилган ашъвий далилларга асосланиб уларни таҳлил қилиш орқали, Бел олиш кураш тури ўзбек халқининг тарихи билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди

Собиқ иттифоқ даврида бу кураш турига ёндашув, унинг амалиётига оид чалкаш фикрларни ойдинлаштиришга ҳаракат қилди. У ўзбек халқининг қадимий кураш ҳадиси илмига асосланиб, кураш турлари ва амалларининг номланиши ва уларни амалиётда тўғри қўллаш йўллари аниқлади. Шу асосда кураш ҳадисидан фойдаланиб амалларни ўргатиш жадвалини тузишни шогирди билан бирга амалга оширди. Ўрта Осиёдан етишиб чиққан ва номлари унутилаётган бир қанча паҳлавонлар тўғрисида маълумотлар тўплади. Шу билан бирга, бизга номаълум бўлган бошқа спорт ўйинларининг қонун-қоидасини тиклашга ҳам эришди.

Ана шу жиҳатдан ушбу қўлланмада келтирилган далиллар ўзбек халқи учун жуда қадрлидир. Муаллифнинг ўзи эркин кураш билан мунтазам шуғулланиш билан бирга, дунё кезди. Бир қанча халқларнинг миллий кураш турларини, уларнинг урф-одатларини синчиклаб ўрганди. Ўзбекистонда Бел олиш кураш спорт турига оид катта миллий қадрият, катта маънавий бойлик сочилиб ётганини тушуниб етди. Аҳролжон Рўзиев ана шу катта бойликни йиғишни кўплаб шогирдлари орасидан Носир Азизовга юкледи. Унга узоқ йиллар устозлик қилиб, керакли маслаҳатлар бериб борди. Унинг ўзи катта спорт йўлини босиб ўтиб, эркин кураш бўйича юқори натижаларга эришди.

1957 йилда Тошкент шаҳрида ўртаҳол оилада туғилган Аҳролжон Рўзиев ўн ёшидан спорт тўғарақларига қатнаша бошлади. Курашга бўлган меҳри, сарғайратлиги, одоби билан тенгдошларидан ажралиб турди. Ўсмирлик давридан бошлаб шаҳар, вилоят, республика мусобақаларида голибликка эришди. 1974 йилда Олмаота шаҳрида ўтказилган Иттифоқ ўқувчилар спартакиадасида ўз вазнида олтин медаль билан тақдирланди. Ана шу даврдан бошлаб катта спортга йўл очилди. 1975 йилда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига аъло баҳолар билан ўқишга

кирди. 1975 йилда Иттифоқ «Зенит» жамиятлари, 1977 йилда эса Иттифоқ касаба уюшмалар биринчилиги голиби бўлди. Фарғонада ўтказилган нуфузли Мамадали Топиболдиев халқаро турнирида олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, Душанбе, Наманган, Петербург, Москва шаҳарларида ўтказилган турнирларда шоҳсупанинг юқори поғоналарини эгаллади. Ўз навбатида, Болгария, Венгрия, Югославия, Афғонистонда ўтказилган йирик халқаро турнирлар голиби бўлди. Ўзбекистонда кўп карра голибликни эгаллаб турди.

1979 йилда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаб, шу йили ҳарбий хизматга кетди. 1981 йилда ҳарбий хизматни тамомлаб, 1983 йилгача Жисмоний тарбия институтида ўқитувчи, 1983–1987 йилларда «Меҳнат» жамиятида эркин кураш тури бўйича мураббий, 1987–1992 йилларда Тошкент авиация лицейида жисмоний тарбия ўқитувчиси, 1994–2001 йилларда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида катта ўқитувчи, кафедра доценти лавозимларида ишлади, 2001–2003 йилларда «Миллий ўйинлар ва спорт ўйинлари» кафедрасида профессорликка номзод, 2003 йилда эса профессор бўлди. Аҳролжон Рўзиев 1992 йилда Москвадаги жисмоний тарбия илмий тадқиқот институтида номзодлик, 1999 йилда эса докторлик диссертацияларини ёқлаб, педагогика фанлари доктори унвонига эришди. 2000 йилда Жаҳон халқаро ҳаваскор курашчилар ассоциацияси (FILA)нинг бюро аъзоси, 2004 йилда FILA сенаторлар клуби аъзоси, 2008 йилда эса яна қайтадан FILA аъзоси этиб сайланди. Спорт соҳасидаги хизматлари учун 1991 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий унвонига эга бўлди. 1999 йилда «Соғлом авлод» ордени, 2004 йилда «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда бизга ўзининг кўрсатмалари ва маслаҳатлари билан кўмак берган Ўзбекистон Республикаси президенти девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, Ўрта Осиё халқлари тарихи институти, Ўзбекистон Республикаси Полвонлар Миллий Энциклопедияси жамияти масъул ходимларига, шунингдек, олим ва мутахассислар Аҳмадали Асқаров, Ҳайдарбек Бобобеков, Жасур Акрамов, Фикрет Керимов, Талъат Усмонхўжаев, Карим Маҳкамжонов, Абдулла Отаев, Ҳафиз Ботиров, Фахриддин Хўжаев, Бурҳон Набиев, Мухторжон Содиқов, Анвар Акрамов, Раҳматилло Саломов, Омон Тоймуродов, Норқул Юсупов, Акмал Бобонов, Абдухалил Маликов, Завқиддин Рахимов, Хожиакбар Каримов, Бахтиёр Ҳайдаров, Бурҳон Олимов, Арслон Тожибоев, Аъзам Шокиржонов, Рустам Исоқов, Неъмат Тўйчиев, Шавкат Мирзақулов, Берди Эгамовларга ўз миннатдорчилигимизни билдираимиз.



Муаллиф Н. Азизов.

Бел олиш кураш ўзбек миллий спорт турларидан бўлиб, бу кураш тури билан воҳа вилоятларида қадимдан курашиб келинган ва кенг тарқалган. Азал-азалдан Бухоро амирлиги ҳудудида ҳамда Хоразмга қарашли ҳудудларда сайилларда, тўйларда ва бошқа катта йиғинларда Бел олиш мусобақалари ташкил этилган. Бу беллашувларда кураги ерга тегмаган Қурбон паҳлавон сингари курашчилар бир неча аср олдин юртимиз довуғига довуғ қўшганлар. Ватанимиз мустақилликка эришгач, қадриятларимиз, шу жумладан миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари тикланди.

Тўғри, собиқ иттифоқ даврида Бел олиш кураш тури норасмий мусобақалар қаторига киририлиб, унутилиш даражасига етиб борса-да, мустақиллик шарофати билан қайта тикланди. Таъкидлаш жоизки, замонавий спорт ўйинлари қаторидан жой олган Бел олиш курашининг кураш ҳадисида таҳлил қилинган нозик жиҳатлари ўзбекларнинг бу кураш турида ажойиб амаллар мавжудлигидан далолат беради.

Улар ҳар қандай мухлисга завқ-шавқ бағишлайди. Муҳими, бу амаллар миллий кийимда, белдаги белбоғдан ушлаб бажарилганда рақибнинг учиб йиқилишдан бошқа имконияти қолмайди.

Ўзбекларнинг ана шу кураш турига ўта ихлос қўйган муаллиф Носиржон Азизов 30 йил умрини шу спорт турига бағишлади. Ушбу тур бўйича уюштирилган мусобақаларда беллашиб, юрт кезди. Устоз паҳлавонлардан кураш ҳадиси сирларини диққат билан ўрганиб, қоғозга туширди, ушбу кураш тури амалларини суратга олди. Албатта, бу жараёнлар ўз-ўзидан осон кечмади. Бу кураш турини тиклаш учун идорамайдора чопишдан чарчамди. Бел олиш кураш унинг ҳаёти мазмунига айланиб бораверди. Бу уринишлари билан бировларга ёқди, бировларга эса йўқ. Лекин у тушкунликка тушмади. Ана ўша кезларда устозларининг ўғитлари унинг қўнглига таскин берди. Ушбу қўлланмани тайёрлашда унга устози Аҳролжон Рўзиев раҳнамолик қилди ва йўл кўрсатди. У ўз йўлида учраган қийинчиликлардан чўчимди. Ушбу китоб муаллифнинг учинчи китоби бўлса-да, бу қўлланмани аввал ёзган рисоаларининг мукаммали деб ҳисоблайди. Муаллифга бундай қўлланмани тайёрлашда унинг шу спорт тури билан шуғулланганлиги ва чуқур маълумотга эга эканлиги қўл келди. У 1960 йилда Фарғона вилоятининг Бағдод туманида туғилди. Ўн икки ёшидан спорт билан шуғуллана бошлади.

Дастлаб у эркин кураш билан шуғулланса-да, 10-синфдаёқ Бел олиш кураш тури бўйича 56 кг вазнда туман чемпиони бўлди. Худди шу йили Марғилон шаҳрида 9 май байрамига бағишлаб ўтказилган вилоят биринчилигида 56 кг вазнда биринчи ўринни, 19–21 майда Бағдод шаҳрида ўтказилган республика биринчилигида ҳам биринчи ўринни эгаллади. Сўнг катталар ўртасидаги мусобақаларда қатнаша бошлади. 1977–1978 йилларда Меҳнат қўнғилли жамияти республика биринчилигида 57 кг

вазнда I ўринни эгаллади. Айни кучга тўлган пайтида ҳарбий хизматга қақирилди.

Ҳарбий хизматни Украинада ўтаб, у ерда ҳам эркин кураш бўйича округ чемпиони бўлди, Самбо кураш тури бўйича иккинчи ўринни олди. 1980 йил декабрь ойида ҳарбий хизматни тугатиб қайтди. 1981 йилдан Бағдод туманидаги собиқ «Москва» совхозида спорт инструктори, 1983—1984 йилларда эса миллий кураш бўйича мураббий бўлиб ишлаб, кўплаб республика чемпионларини тайёрлади.

1981 йил эркин кураш бўйича XIX вилоят спартакиадасида 74 кг вазнда III ўринни эгаллаб, яна миллий кураш билан астойдил шуғуллана бошлади ва қатор муваффақиятларга эришди. Шу йили Наманганда ўтказилган «Спартак» республика кунгилли жамияти биринчилигида 68 кг вазнда I ўринни, Бағдодда ўтказилган Республика касабасида уюшмалари биринчилигида 74 кг вазнда I ўринни, 1982 йилда Наманган шаҳрида ўтказилган Қоратой полвон хотира турнирида 74 кг вазнда I ўринни, 1983 йил Тошбулоқ посёлкасида ўтказилган Қоратой полвон хотира турнирида 74 кг вазнда I ўринни, 1984 йилда эса 82 кг вазнда I ўринни, 1985 йилда 90 кг вазнда I ўринни эгаллаб, тўрт йил кетма-кет голибликни қўлдан бермади. 1983 йил Бағдод туманида ўтказилган Б. Усмонхўжаев халқаро турнирида 74 кг вазнда I ўринни, шу йил Бўз туманида ўтказилган Маннон Жалолов хотира турнирида 74 кг вазнда I ўринни, 1983 йил Халқободда ўтказилган Республика Қишлоқ хўжалиги III спартакиадасида 82 кг вазнда I ўринни, 1984 йилда Кува шаҳрида ўтказилган республика қишлоқ спортчилари мусобақасида 82 кг вазнда I ўринни, 1985 йил Қўқон шаҳрида ўтказилган «Буревестник» жамияти республика биринчилигида 82 кг вазнда I ўринни, 1985 йил Олтинқўлда ўтказилган Ўзбекистон чемпионати ва Радиотелевидение соврини учун ўтказилган мусобақада 82 кг вазнда I ўринни, 1992 йилда Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб тош кўтариш бўйича ўтказилган Динамо жамияти республика биринчилигида 80 кг вазнда II ўринни эгаллади. 1994—95 йилларда «Сирым» кураши бўйича 90 кг вазнда очиқ турнири голиби бўлди.

2002—2003 йилларда Эрон Ислом Республикасининг Келала шаҳрида Бел олиш кураш тури бўйича ўтказилган халқаро турнирда мутлоқ вазнда олтин медал соҳиби, 2006 йилда Украинанинг Одесса шаҳрида ўтказилган Бел олиш кураш 5-Жаҳон чемпионатида мутлоқ вазнда кумуш медал соҳиби бўлган.

Маълумоти — олий. 1986 йил Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг сиртқи бўлимини тамомлаган. Халқаро тоифадаги ҳакам. Республика газеталарида узоқ йиллар давомида кураш тури бўйича мақолалари чиққан. У 2003 йилда Бел олиш кураш федерациясини ташкил этиш билан ушбу спорт турини тиклади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Остроумов Н.П.* Сарты. Этнографические материалы: Изд. второе, дополненное.— Т.: Букинист, 1896.
2. *Маҳмуд Кошғарий.* Туркий сўзлар девони («Девону лугатит турк»). Уч том. I том, 1960. II том, 1961. III-том.—Т.: ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, 1963.
3. *Болгашбаев М.Х.* Борьба казахша-курес (учебное пособие). — Алма-ата, 1980.
4. *Одилов Тухфат.* Миллий кураш — спортнинг оммавий тури. — Т.: Ўзбекистон. 1975.
5. *Обидов Т.* Ўзбек полвонлари. (Очерклар). —Т.: Ф. Фулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти. 1979.
6. Туркистон вилоятининг газети. 1904. (Аҳмад полвон). 5 апрель.
7. Туркистон вилоятининг газети. 1903 й. (Тошкент полвонлари. Аҳмад полвон). 3 апрель. 13-сон.
8. Туркистон вилоятининг газети. 1904 й. 24 март. (Курашимиз тарихидан. Аҳмад полвон).
9. Туркистон вилояти газети. 1914 й. 10 апрель 28-сон. (Мирмуҳсин Шермуҳаммаднинг кураш тўғрисидаги мақоласига танқидий қараш).
10. Туркистон вилоятининг газети. 1903 й. 18 август. 32-сон. (Курашчи полвонларимиз тарихидан. Қўқонлик Рустам полвон).
11. Туркистон вилоятининг газети, 1896. (Аҳмад полвон ҳаётидан яна бир саҳифа). 16 феврал 2-сон.
12. *Абдуқодиров Қ.* Ҳожимуқон. Роман.—Т.: Ўзбекистон Давлат Бадиий адабиёт нашриёти, 1959.
13. Андижанская правда. 1959 г. 12 август. №159. (В честь Дня физкультурника).
14. *Саид Аҳмад.* «Уфқ». Трилогия.— Т.: «Адабиёт ва санъат», 1976.
15. *Атоев А.* Ўзбекистонда физкультура ва спортнинг ривожланиши. —Т.: Ўзбекистон, 1983.
16. *Кун Л.* Всеобщая история физической культуры и спорта. — М.: Радуга, 1982.
17. *Буркимбаев А.* Хаджи-Мукон. Докум. повесть.— Алма-Ата: Жалын, 1983.
18. *Ғойипов Т.* Туланбой полвон қиссаси. —Т.: Ёш гвардия, 1963.
19. *Атоев А.Қ.* Кураш (Ўсмир ва ёшларни курашга ўргатишнинг метод ва воситалари). —Т.: Ўқитувчи, 1987.
20. *Жемчуев А.А.* Борьба Элиста. Калмиздат, 1975.
21. Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спорт тарихи (ўқув кўлланма).—Т.: ЎзДЖТИ нашриёт бўлими, 1977.
22. *Одилов Т.* Ўзбек полвонлари.— Т.: Медицина, 1985.
23. *Дымов Я.М.* И дружбой сильны богатыри. (Рассказы о сильнейших борцах мира). —Т.: Медицина, 1985.
24. Спортивная борьба: Ежегодник/Сост. С.А.Преображенский. — М.: Физкультура и спорт, 1985.
25. *Дахновский В.С., Рукавицин Б.Н.* Обучение и тренировка дзюдоистов.— Минск.: Полымя, 1989.

26. *Истомин А.А., Абсаттаров А.А.* Борьба Дзюдо. —Т.: Медицина, 1990.
27. *Рудман Д.* Самбо: техника борьбы лежа. Нападение. —М.: Физкультура и спорт, 1982.
28. Дзюдо (сокращенный перевод с японского В.И. Силина). Изд. второе. —М.: Физкультура и спорт, 1980.
29. *Обидов Т.* Чемпионами не рождаются.— Т.: Ўзбекистон, 1982.
30. Спорт. 1991 й. 72-сон. (Уйғониш).
31. *Дасновский В.С., Рукавицин Н.* Обучение и тренировка дзюдоистов.— Минск.: Полымя, 1989.
32. *Керимов Ф.А.* Кураш тушаман. —Т.: Медицина, 1990.
33. *Альботов А.* Красота и сила. —Карачаевск. 1991.
34. *Мягчегеков Н.И.* Классическая вольная борьба. Справочник. —М.: Физкультура и спорт, 1984.
35. *Ҳасаний М.* Туркистон босқини. —Т.: Нур, 1992.
36. *Нуршин Ж.М., Саломов Р.С., Керимов Ф.А.* Ўзбекча миллий спорт кураши. —Т.: УзДЖТИ, 1993.
37. *Ботиров Ҳ.А.* Ўзбекистонда жисмония тарбия тарихи. — Т.: Ибн Сино, 1993.
38. *Байдасов К.* Казахская национальная борьба. —Алма-ата.: Мектеб, 1987.
39. *Тоймуротов А.Р.* Ўзбек миллий кураши.—Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, 1990.
40. Амир Темур ўғитлари.— Т.: Наврўз, 1992.
41. Башкирская национальная спортивная борьба куреш. (Правила соревнований). — Уфа, 1991.
42. *Абсаттаров А.А., Истомин А.А.* Дзюдо кураши. —Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, 1993.
43. *Мурзаев М.С.* Баяман палбан.— Ош, Ош областук босмохонаси, 1955.
44. Бошкортостон.—М.: «Альфа», 1995.
45. *Кодзоков А.Т.* Северокавказская национальная борьба. —КБР.: Альфа, 1997.
46. *Атаев А.К.* Узбекская национальная спортивная борьба — кураш. (Бухарские и Ферганские правила). — Т.: 1977.
47. *Бабанияз Г.* Туркменская национальная борьба «Гореш». — Ашхабад, 1990.
48. Правила соревнований FILA (греко-римская борьба). — Т.: 1991.
49. *Нуршин Ж., Тоймуротов А., Шокиржонов А.* Ўзбекча миллий кураш усуллари (ўқув қўлланма). — Т.: 1987.
50. *Байман Ф.Е., Никулин В.П.* Кабауули Кожомкул — легендарный батыр киргизов. — Б.: Учкун, 1996.
51. *Ким В.А.* Методы подготовки дзюдоистов высокого класса (научно-методические разработки).—Т.: 1998.
52. *Воҳидов А.* Паҳлавонони Исфара.— Исфара. 1999.
53. «Спорт». 1991 й. 9 июль. 80-сон. («Полвон бобо, белбоғингиз қайда қолди?»)
54. «Спорт». 1991. 30 ноябрь. (Меҳримизни дариф тутмайлик).

55. «Спорт». 1996 й. 14 июль. 23-сон. («Иккинчи қанот ёзилмоқда»).
56. «Спорт». 1991. 9 апрель («Дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда»).
57. «Спорт». 1991. 12 декабр. («Алпомишлар юртга қайтар кун»).
58. «Спорт». 1991 й. 18 июнь. 72-сон. («Орқага чекиниш йўқ»).
59. «Спорт». 1991 й. 7 ноябр. 130-сон. («Тошкент полвонлари, қаердасиз?»).
60. *Субҳон М.* Қиссаи Фозилпаҳлавон, Д.: 2002.
61. Татар-бошқорд спорт кереше.—Қозон, Госкомспорт, 1997.
62. *Алиев А.* Мухаммад Бабур — личность эпохи среднеазиатского ренессанса.— Бишкек, 2002.
63. *Амир Саид Олимхон.* Бухоро халқининг ҳасрати тарихи.— Т.: Фан, 1991.
64. Мы родом из «Курэша» (авт.— сост. И.Г. Ильдарханов.— Казань.: Гасыр, 2003. (на татарском языке).
65. *Азизов Н.* Туркистон белбоғли кураши.—Т.: Ўқитувчи, 1998.
66. *Азизов Н.* Белбоғли кураш.—Т.: Меҳнат, 2001.
67. *Текеев Г.Х.* Краткий экскурс национальной борьбы Карачаево-Черкесск.—Ч.: 1999.
68. Ош. 3000.— Истамбул.: 2000.
69. *Хожя Убайдуллоҳ Аҳрор.* Табаррук рисоалар.—Т.: Адолат, 2004.
70. *Бухорий С.С., Тўраев Ҳ.* Чор Бакр ёки Жуйбор авлиёлари. — Бухоро. 2001.
71. Ўзбек кураши давруғи. —Т.: Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002.
72. *Сорокин Н.Н.* Спортивная борьба. —М.: Физкультура и спорт. 1960.
73. *Фирсов С.А.* Кураш. (По бухарским правилам).—Т.: ГосИзд УзССР, 1958.
74. Кураш (Фарғона ва Бухоро қоидалари бўйича). — Т.: 1959. ЎзССР Министрлар совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети.
75. Спортивная борьба кураш (правила соревнований по Ферганским и Бухарским правилам.). — Ташкент, 1959.
76. Кураш мусобақаларининг қоидалари (Фарғона ва Бухоро кураш қоидалари). — Т.: Ўздавнашр, 1960.
77. Ўзбек миллий кураши курси программаси.—Т.: Бухоро ҳақиқати, 1974.
78. Ўзбек миллий кураш қоидалари (Фарғона ва Бухоро қоидалари бўйича).— «Бағдод», 1981.
79. Правила соревнований по борьбе «Гуштингири». — Душанбе, 1983.
80. Правила соревнований по национальной борьбе кураш. —Т.: 1989.
81. 1417 ҳижрий-қамарий (1996—1997) йил тақвими. — Т.: 1996.
82. Ўзбекистон республикаси умумтаълим мактабларининг I—XI-синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия дастури.—Т.: ЎзДЖТИ, 1993.
83. Правила корейской борьбы «Сирым». — Т.: ТАСИ, 1992.

84. *Азизов Н.* Миллий кураш мусобақаларини ўтказиш қоидалари (Фарғонача усул). —Т. 1991.
85. *Мирзақулов Ш., Азизов Н., Нуралиев Ж.* Миллий кураш мусобақаларини ўтказиш қоидалари. (Фарғонача усул).—Т.: 1993.
86. *Керимов Ф.А.* Спорт кураши назарияси ва услубияти. —Т.: ЎзДЖТИ, 2001.
87. *Порхомович Г.П.* Основы классического дзюдо (Учебно-методическое пособие для тренеров и спортсменов). —Пермь: 1999.
88. Ўзбекистон тарихи атласи.—Т.: Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва Давлат Кадастри бош бошқармаси. 1999.
89. «Известие Калмыкии». 1996 й. 28 март (газета).
90. Москва: информационно-аналитический журнал №3. 2004.
91. *Азимов И.Ф., Собитов Ш.С.* Спорт физиологияси. (Жадвал ва графиклар). —Т.: Медицина, 1980.
92. *Наимов Н.* Амирнинг зурриётлари. Тарихий қисса. Бухоро нашриёти — 1995 й.
93. *Бакалач В.И.* Борьба греко-римская в Киргизстане (История развития и справочник). —Б.: 1995.
94. *Шокаримов С.* Андижон полвонлари (Очерклар). —Т.: Андижон, 1996.
95. Положение единой всероссийской классификации по национальным видам спорта народов РСФСР.—М.: Центр. стадион, 1972.
96. *Гафуров Б.Г.* Таджики. (Древнейшая, древняя и средневековая история).—М.: Наука, 1972.
97. *Гуков Л.К.* Пособие по классической борьбе.— Минск: Вышэйшая школа, 1983.
98. Меҳнат ва турмуш. №2(362), 1972.
99. *Дониш А.* Новодирул вақое («Нодир воқеалар»).—Т.: Фан, 1964.
100. *Сагалков Л.Н.* Курес (Хакасская национальная борьба).— Р.— Хакасское отделение красноярского книжного издательства, 1969.
101. Туркменистан спортивный.—Т.: 1989.
102. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2001-й. 5 январь 2-сон. (Мозийга тугаш қадрият).
103. Ибн Сино. Тиб қонунлари. —Т.: А.Қодирий номидаги «Мерос» нашриёти, 1994.
104. *Ҳомидов Ҳамиджон.* Қирқ беш аллома ҳикояти, Т.: ФАН, 1995.
105. *Саидқулов Т. С.* Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. —Т.: Ўқитувчи, 1993.
106. *Зиёев Ҳ.* Ўрта Осиё ва Волгабуйлари. Т., ФАН, 1965.
107. *Элошвили В.* Грузинская борьба. Тбилиси. 1975.
108. Фирдавсий. Шоҳнома, 1 том, 1975. 3 том. —Т.: Ф.Фулом номидаги нашриёти, 1977.
109. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. —М.: Рус тили, 1981.
110. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. —Т.: III жилд, 2007.

111. «Алпомиш». Т.: ФАН, 1969.
112. *Раҳимқулов М.* Казахша курес. Каз. Гос. изд. 1957.
113. К вопросу об этногенезе народа. Изд. Ан УзССР, 1994.
114. Правила соревнований по казахской борьбе «Казахша курес», 1928.
115. *Шишкин В. А.* Ўрта Осиё халқларининг Хитой халқи билан қадимий маданий алоқалари. —Т., 1954.
116. *Зияев Ҳ.* Сибирлик ўзбеклар. —Т.: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти. 1958.
117. *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Бобурнома. —Т.: Юлдузча. 1989.
118. Қўқон хонлигининг Россия империяси билан дипломатик ва иқтисодий алоқаси.
119. *Грязнов М. П.* Древнейшие памятники героического эпоса народов Южной Сибири. Государственный Эрмитаж. Археологический сборник, вып. 3, Ленинград. 1961.
120. *Асқаров А.* Ўзбек миллий курашининг археологик материалларда акс этиши. «Турон тарихи» журнали. Т.— 2002, 15—22 бетлар.
121. *Асқаров А.* Энг қадимги шаҳар. Тошкент, 2001.
122. *Сарианиди В.И.* И здесь говорил Заратуштра. Москва. 1992, стр. 92.
123. *Бичурин И.* Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. СПб. 1851, стр. 444.
124. *Руденко С.И.* Культура населения Горного Алтая в скифское время. М.Л., 1953.
125. *Белиницкий А.М., Маршак Б.И.* Черты мировоззрения согдийцев VII—VIII вв. в искусстве Пенджикента. Сборник «История и культура народов Средней Азии (древность и средние века)». Москва, 1976.
126. *Маршак Б.И.* Согдийское серебро. Москва, 1971.
127. Манас. Киргизский эпос. Москва, 1946.
128. *Улагашев Н.У.* Алтай-Бучай. Ойротский народный эпос. Новосибирск, 1941.
129. Монголо-Ойротский героический эпос. /Пер. Б.Я. Владимирова. СПб. 1923.
130. *Орлов А.С.* Казахский героический эпос. Москва, 1945.
131. Корни борьбы. Традиционные борющиеся стили. — Лозанна, 2000.
132. «Хондамир». —Т.: ФАН. 1965.
133. *Толстов С. П.* Хорезмская генеология Самуила Аби. Советская этнография. —М.: 1947, №1.
134. *Толстов С. П.* По следам древнехорезмийской цивилизации. Изд. Ан СССР, Москва—Ленинград, 1948.
135. *Алихон Тўра Соғуний.* Тарихи Муҳаммади. Шарқ, —Т.: 2004.
136. *Лунин Б. В. В. В.* Бартольд, —Т., Ўз ССР. ФАН, 1970.
137. Тошкент. —Т.: Қомус бош таҳририяти, 1992.
138. *Кызласов Р.* История Тувы в средние века. —М.: 1969.
139. *Кызласов Р.* История Южной Сибири в средние века. —М.: 1984.

140. *Исхаков Г. М.* Краткая история уйгуров. Алма-Ата, 1991.
141. *Бичурин Н. Я.* (ИАКИНФ) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т., 1-изд. АН СССР, М-П. Москва—Ленинград. 1950.
142. *Кадышев А. С.* Алтин Арыг. Антология хакасской поэзии. Абакан, 1961.
143. *Байрамкулов Х. К.* Тутуш. Черкесск: Ставропольское книжное издательство, Карачаевско-Черкесское отделение. 1971.
144. *Кодзаков А. Т.* Северокавказская национальная борьба. Нальчик.: Издательский центр «Эль-Фа», 1997.
145. Қалмиқ миллий рўзномаси «Хальмг унн». «Калмыкская национальная борьба». 1997.
146. *Айний С.* Эсдалиқлар. Т.: Бадий адабиёт нашриёти. 1965.
147. *Абу Райҳон Беруний.* Танланган асарлар, II. ФАН. 1965.
148. «Кураш». «Гулистон журнали. —Т., 1937.
149. *Наливкинъ В., Наливкина М.* Русско-сартовский и сартовско-русский словарь. «Казань». Въ университетской типографии. 1884 г.
150. *Аҳмедов Б.* Хондамир. ФАН. Т. 1965.
151. *Азизов Н.* Паҳлавон Маҳмуд Пурёйвалий. «Тошкент ҳафтано-маси», №30(617), 2006.
152. *Азизов Н.* Назарлар сулоласи, «Тошкент ҳафтано-маси» газетаси, №6(893), 2006.
153. *Азизов Н.* Отбоқарликдан полвонликка. «Маърифат» газетаси, №63(7880), 2006.
154. *Азизов Н.* Туркистон паҳлавони, «Тошкент ҳафтано-маси» газетаси, №17(604), 2006.
155. *Азизов Н.* Қозоқ полвони Ҳожимуқон Мунгайтпасов. «Нурли жол» газетаси, №49(1340). 26 маусым 2006.
156. *Азизов Н.* Аҳмадчон паҳлавон. «Овози тожик», №45(1387), 2006.
157. *Азизов Н.* Қўқонлик Рустам паҳлавон, «Тошкент ҳафтано-маси» газетаси, №3(590), 2006.
158. *Азизов Н.* Танти одамнинг тожи. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси, №2(383), 2006.

МУНДАРИЖА

I БОБ. КИРИШ	3
II БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТУРИ — ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИНING АСОСИ	6
III БОБ. ЎРТА ОСИЁДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТУРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР	68
IV БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШНИ ХАЛҚАРО МАЙДОНГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР	102
V БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЗЛАНИШЛАР	105
VI БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИНING ХАЛҚАРО ҚОИДАЛАРИГА ЎТИШ ВА УНИНГ ТАРФИБОТ ҚИЛИНИШИ	132
VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИНING СУЛОЛАВИЙ НОМДОР ПОЛВОНЛАРИ	158
VIII БОБ. ҚОЗОҒИСТОНДА БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР	221
IX БОБ. ТУРКМАНИСТОНДА БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР	230
X БОБ. ТОЖИКИСТОНДА БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР	234
XI БОБ. ҚИРҒИЗИСТОНДА БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР	245
XII БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШИНING ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА УНИНГ ЁЙИЛИШИ ГЕОГРАФИЯСИ	263
XIII БОБ. РОССИЯ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРИ БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТАРИХИДАН	292
XIV БОБ. ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ТУРИ ВА УНГА ЎХШАШ КУРАШЛАР	317
XV БОБ. ЎРТА ОСИЁДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ МУШТЛАШУВ ВА БОШҚА ТУРЛАРИ ҲАҚИДА	325

XVI БОБ. КУРАШ ҲАДИСИ ВА УНИНГ ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА	340
XVII БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШ ИЛМИ (ҲАДИСИ) САБОҚЛАРИ	345
XVIII БОБ. ТАДҚИҚОТ ХУЛОСАЛАРИ	400
XIX БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШ АМАЛЛАРИНИ БАЖАРИШ. КУРАШ ҲАДИСИГА ТААЛЛУҚЛИДИР	403
XX БОБ. ҚАДИМИЙ «КУРАШ» ВА «БЕЛ ОЛИШ КУРАШ» ТУРЛАРИДА КИЙИЛАДИГАН КИЙИМЛАРНИНГ КЎРИНИШИ	476
XXI БОБ. БЕЛ ОЛИШ КУРАШ АМАЛЛАРИНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ	486
Фойдаланилган адабиётлар	504

75.715

А37

Рўзиев Аҳролжон Аҳмедович

Ўзбек миллий бел олиш кураш тарихидан /

А. А. Рўзиев, Н.Х. Азизов; масъул муҳаррир:

Ҳ. Н. Бобобеков ; ЎзР халқ таълими вазирлиги, ЎзР халқ

таълими вазирлиги Республика таълим маркази,

ЎзР Маданият ва спорт ишлари вазирлиги,

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ин-ти. -Т. :

«Fan va texnologiya» , 2010. - 512 б.

И. Азизов Н.Х.

ББК 75.715я7

**РЎЗИЕВ АҲРОЛЖОН АҲМЕДОВИЧ
АЗИЗОВ НОСИРЖОН ХОЛМАТОВИЧ,**

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ БЕЛ ОЛИШ
КУРАШ ТАРИХИДАН**

**ИЗ ИСТОРИИ УЗБЕКСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ БОРЬБЫ
«БЕЛ ОЛИШ КУРАШ»**

Тошкент — «Fan va texnologiya» — 2010

Муҳаррирлар: *Г. Насриддинова, М. Миркомиллов*

Рассомлар: *Рустам Мирзаев, Шухрат Одилов,*

Ҳайридин Муҳиддинов

Техник муҳаррир *Т. Грешникова*

Компьютерда саҳифаловчи *Ш. Йўлдошева*

Мусаҳҳиҳлар: *Г. Насриддинова, М. Ҳайитова*

Босишга рухсат этилди: 5,05,2010, Бичими 70x108 $\frac{1}{16}$ «Times Uz»
гарнитураси. Офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 44,8. Нашр босма
табоғи 42,0. Тиражи 1000. Буюртма № 1061.

«Fan va texnologiya» нашриёти. 100003,
Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

“Credo Print Group” к/к босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 160.